

В. С. ПОПОВ ВА С. А. НИКОЛАЕВ

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА

ИККИНЧИ НАШРИДАН ТАРЖИМА

„ЎҚИТУВЧИ“ НАШРИЁТИ
ТОШҚЕНТ – 1973



Китобнинг мазмуни техникумларнинг янги техника масалалари — автомат қурилмаларнинг электр машиналари; электроавтоматика асослари; ҳисоблаш қурилмалари; электротехнология билан тўлдирилган электротехника курси программасига мос келади.

Китобда ўзгармас ва ўзгарувчан ток занжиралини ҳисоблашнинг асосий масалалари, электр ва ноэлектр катталикларни ўтчашигниң қисқача назарияси, нормал электр машиналар ва трансформаторлар, автоматик контрол ва ростлаш схемаларида ишлатиладиган электр машиналар қаралади.

Электрик юритма, автоматика, электр билан ёритиш, электр энергиясини узатиш ва тақсимлашнинг асосий масалалари баён этилади. Шунингдек, ҳисоблаш қурилмалари ва электротехнологиядан маълумотлар берилади.

Китоб электротехника ихтиосолигидан бошқа ихтиосоликлар берувчи техникумларнинг талабалари ва мустақил билим олувчилар учун мўлжалланган.

СҮЗ БОШИ

Қўлингиздаги китоб электротехника ихтиосслигидан бошқа ихтиоссликлар берувчи техникумлар учун дарслник бўлиб, янги техниканинг электротехника программасига кирмайдиган масалалари (12, 15 — 17-боблар) билэн тўлдирилган.

Бу китоб малака ошириш ва мустақил билим олиш учун ҳам қўлланма бўла олади.

Китобнинг биринчи тўртта боби асосан физика курси материалини ўз ичига олади; бу материал техникумлар учун ёзилган физика дарслекларида, масалан, Л. С. Жданов ва Н. И. Хлебников дарслигида ҳам (1961 йилги нашри) яхши баён этилган бўлиб электротехникани ўрганицига киришаётган ўқувчилар бундан хабардор бўлишлари керак. Китобдаги 1—9, 1—18, 1—19, 3—6, 3—13, 3—14, 4—6 ва 4—7-параграфлар бундан мустасно.

Авторлар ана шу бобларнинг материалини жуда қисқа ҳолда баён этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди; чунки бу тадбир электротехникани ўрганишдан аввал ўша материални такрорлаш ёки унинг бирор қисмини электротехниканинг бирорта бобини ўрганаётган вақтда такрорлаш учун ўқувчиларга имконият яратиб беради

Электротехника материалининг кўплиги ва ҳажми чегараланган бу китобга янги техника масалаларини: электроникани, автоматик қурилмаларнинг электр машиналарини, электроавтоматика асосларини, ҳисоблаш қурилмаларини, электротехнологияни ва ҳоказоларни киритиш зарурлиги материални қисқача баён этишни тақозо этди.

Бу китобда авторлар электротехника материалларини, хусусан, илгари нашр қилинган қатор дарсликларда баён этилмаган электоизоляция масалаларини ҳам қисқача ёритди.

Китобнинг русча иккинчи нашри унинг биринчи нашридан ундаги камчилик ва ноануқликларнинг бартараф қилинганлиги билан фарқ қиласди.

Авторлар А. Д. Смирновга китобнинг рус тилидаги нашрини таҳрир қилишда ва уни чиқаришда қилган катта меҳнатлари эвазига миннатдорчиллик билдиради.

Авторлар китобнинг рус тилидаги биринчи нашрини жуда қунт билан қараб чиққан ва китобнинг иккинчи нашрини яхшилашга имкон берадиган жуда кўп фикр ва кўрсатмалар берган И. В. Антикка чин қалбдан миннатдорчиллик изҳор этади.

Авторлар

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси электрлаштиришга мамлакатимиз ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши учун асосий шарт-шароит сифатида алоҳида эътибор беради.

Ҳозирги вақтда ~~████~~ электр энергия ишлаб чиқариш ва электр станцияларининг қуввати бўйича дунёда иккинчи ва Европада биринчи ўринда туради. Яқин ўн йилликлар ичидаги ~~████~~ да меҳнатнинг электр билан қуролланиш даражаси 3 марта ортиши керак.

~~████~~ программасида электр энергия ишлаб чиқаришнинг қўйидаги миқёсда ўсиши назарда тутилади: 1970 йилда — 900 — 1000 млрд. квт-соат, 1980 йилда эса 2700 — 3000 млрд. квт-соат. Электростанцияларнинг белгиланган қуввати 1980 йилда 540 — 600 млн. квт бўлиши керак, ҳолбуки 1960 йилда 66,7 млн. квт эди.

~~████~~ томонидан 1920 йилда «Коммунизм бу Совет ҳакимияти плюс бутун мамлакатни электрлаштиришдир» дейилган қоида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси раҳбарлиги остида оғишмай амалга оширилмоқда.

Арzon электр энергиянинг кўп бўлиши, ишлаб чиқариш технологияси ва илғор фан ютуқларини ҳаётга жорий этиш масалаларини томомила янгича ҳал қилишга имконият яратиб беради.

Табиатнинг бепоён ва чексизлиги ҳақидаги ~~████~~ башорати электрон техникасининг барча соҳаларида — чала ўтказгичлар электроникасида, молекуляр, квант ва плазма электроникасида тасдиқланмоқда.

Замонавий техника ҳозирги кунда мураккаб электр қурилмаларда юпқа қатламли микросхема кўринишида ясалган юз минглаб транзисторлар, диодлар, қаршиликлар, индуктивликлар, конденсаторлар ва бошқаларни ишлатишга имкон беради. Ана шундай микротехникани таҳомидан оширишга оғизиб беради.

схемаларни ясашда электрон- нур ва лазер техникасидан фойдаланилади. Электрон технологияси вольфрам, молибден, тантал, ниобий ва шунга ўхшаш материалларни ўта соф ҳолда олишга имкон беради. Бундай материалларсиз ҳозирги замон техникасини кўз олдимишга келтириш жуда қийин.

Металларга ишлов беришга электрни бевосита татбиқ этиш технологиянинг янги соҳаси — электротехнологияни вужудга келтирди.

Электрон- ҳисоблаш техникасининг гуркираб ривожланиши фақат автоматика ва телемеханика қурилмаларини такомиллаштириш гагина имкон бериб қолмай, мислсиз халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган иқтисодий масалаларни ечишга ҳам имконият туғдиради.

Шу нарса табиийки, ҳозирги замон техникаси билан шунчаки танишиш учун ҳам амалий фанлар асосларини, хусусан, ҳозирги замон техникасида асосий фанлардан бири бўлган электротехникани мустаҳкам билиш зарур.

Биринчи боб. ҮЗГАРМАС ТОК ЭЛЕКТР ЗАНЖИРИ

1-1. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Ҳар қандай моддий жисм модданинг жуда күп миқдордаги зарядланган электр заррачалариға—электр зарядларига эга. Электр нейтрал жисмда тенг миқдорда мусбат ва манфий заррачалар бўлади. Зарядланган жисмда ё мусбат, ё манфий зарядлар кўпроқ бўлади.

Заряднинг ўлчов бирлиги кулон (k) дир. Модданинг жуда майдо заррачасининг — электроннинг электр зарди $1,6 \cdot 10^{19}$ кулонга тенг.

Ҳар хил зарядланган жисмлар бир-бирига тортилса, бир хил зарядланганларни эса ўзаро итаришади. Зарядларни ўзаро таъсирашуви уларнинг ҳар бири ҳам уни ўраб турган электр майдон билан узвий боғлиқ экани билан тушунтирилади. Шундай килиб, зарядлар электр майдони воситасида ўзаро таъсирашар экан. Электр майдони электр энергияга эга.

Зарядли заррачалар электр майдон кучлари таъсирида кўчирилганда майдон энергияси ҳисобига иш бажарилади.

Модданинг электр зарядланган заррачалари ва электр майдон материянинг иккита ўзаро узвий боғлиқ бўлгач шаклидир.

Кўчмас зарядлар майдони электростатик майдон дейилади.

Электр майдонини унинг ҳар бир нуқтасида характерлайдиган катталиқ электр майдони кучланганлиги (\mathcal{E}) деб аталади.


Майдон кучланганлиги майдон томонидан унинг берилган нуқтасига киритилган q нуқтавий синов зарядига кўрсатилаётган F кучнинг шу заряд катталигига нисбати билан ифодаланади, яъни

$$\mathcal{E} = \frac{F}{q}. \quad (1-1)$$

Агар $q = 1$ бўлса, \mathcal{E} нинг сон қиймати F га тенг, демак, электр майдон кучланганлиги қиймат жиҳатидан бирлик электр зарядига таъсири этувчи кучга тенг.

Майдон кучланганлиги вектор катталиkdir. Кучланганлик векторининг йўналиши майдоннинг берилган нуқтасида турган мусбат зарядга таъсири этувчи майдон кучи йўналиши билан устма-уст тушиди.

1-1-расмда $+Q$ ва $-Q$ зарядли иккита параллел пластинкалар орасидаги электр майдон кучланганлиги вектори тасвиirlанган.



1-1-расм. 1 урли исмли зарядлар билан зарядланган икки параллел пластинкалар орасидаги электр майдони.

Агар чизиқ йўналишига перпендикуляр бўлган ҳар бир бирлик юза орқали майдоннинг шу қисмидаги кучланганликка тенг ёки пропорционал сондаги чизиқлар ўtkазилса, у ҳолда кучланганлик чизиқлари зичлигидан майдон кучланганлигини баҳолашда фойдаланиш мумкин.

Агар майдоннинг барча нуқталарида кучланганлик векторлари бир-бирига тенг бўлса, у ҳолда майдон бир жинсли дейилади. Бир жинсли майдонга иккита параллел пластинкалар (1-1-расм) орасидаги пластинка қирғоқларидан етарлича ичкарида ётган майдон мисол бўла олади.

(1).

1-2. ЭЛЕКТР КУЧЛАНИШ

Агар бир жинсли электр майдонда мусбат текшириш заряди q (1-2-расм) майдон кучлари таъсирида M нуқтадан l масофада ётган H нуқтага майдон кучлари йўналиши бўйлаб кўчса, у ҳолда майдон кучлари

$$A = Fl,$$

иш, ёки (1-1) ни назарга олсак,

$$A = Fl = \epsilon q l \quad (1-2)$$

иш бажарган бўлади.

Майдоннинг икки (M , H) нуқтаси орасида q зарядни кўчириш вақтида бажарилган ишнинг шу кўчирилган зарядга нисбати билан аниқланадиган катталик майдоннинг ўша (M ва H) нуқталари орасидаги электр кучланиш деб аталади.

Шундай қилиб, кучланиш

$$U = \frac{A}{q}.$$

Демак, икки нүқта орасидаги күчланиш миқдоран шу нүқталар орасида бирлик мусбат зарядни күчириш вақтида майдон күчлари томонидан бажарилған ишга тенг әкан.

(1-2) формуладан фойдаланиб, қүйидагини ёзиш мүмкін:

$$U = \frac{A}{q} = \frac{qEl}{q} = El. \quad (1-3)$$

ГОСТ 9867 — 61 га мувофиқ ССРР да 1963 йил 1 январдан бошлаб Халқаро бирликлар системасы (СИ ёки SI) ишлатылмоқда. Бу системада қүйидаги бирликлар қабул қилинген: узунлік — метр (m), масса — килограмм (kg), вақт — секунд (sec), күч — ньютон (N), иш — жоуль (J), электр заряды — кулон (C), электр күчланиш — вольт (V).

(1-3) ифодада биоан

$$1_V = \frac{1_J}{1_C}.$$

(1 - 3) ифодадан электр майдон күчланғанлиғи

$$\epsilon = \frac{U}{l}, \quad (1-4)$$

бундан майдон күчланғанлығы бирлиғи

$$[\epsilon] = \frac{V}{m}.$$

Шундай қилиб, электр майдон күчланғанлығы метрга вольттар билан үлчанар әкан.

Электр майдоннинг бирорта M нүктаси билан ер сиртидаги нүқта орасидаги күчланиш майдоннинг шу M нүктасининг ерга нисбетан потенциали дейилади. Потенциал Φ ҳарғи билан белгиланади ва күчланғанлық каби вольттарда үлчанади.

Ердаги исталған нүктанинг потенциали нолға тенг деб олинади.

Майдон исталған нүктасининг потенциали микдоран мусбат бирлик зарядни шу нүктадан ер сиртидаги бирорта нүктага күчириш вақтида электр майдон күчлари бажарған ишга тенг.

Агар майдоннинг икки M ва H нүктаси Φ_M ва Φ_H потенциалларға әга бўлса, у ҳолда бирлик мусбат зарядни биринчи нүктадан иккинчи нүктага күчириш вақтида майдон күчлари бажарған иш, яъни M ва H нүқталар орасидаги күчланиш потенциаллар айримасига тенг яъни:


$$U_{mn} = \Phi_m - \Phi_n. \quad (1-5)$$

Ўша зарядни H нүктадан ергача күчиришда давом этсак, у ҳолда майдон күчлари бажарған иш Φ_H га тенг бўлиб, бирлик зарядни M нүктадан ерга қадар күчириш учун майдон күчлари бажарған иш эса қүйидагича ифодаланиши мүмкін:

$$U_{mn} + \Phi_H$$

ёки (1-5) ни ҳисобга олсак:

$$U_{mn} + \Phi_H = \Phi_m - \Phi_H + \Psi_H = \Phi_m.$$



1-2-расм. + q электр зарядининг бир жинсли майдондаги ҳаракати.

1-3. ЭЛЕКТР ТОКИ

Металл ўтказгичдаги әркін электронлар ва электролитлардаги ионлар тартибсиз ҳаракат ҳолатида бўлади. Бундай шароитда ўтказгичнинг бирор кўндаланг кесими орқали кўчиб ўтган электр миқдори ўртача нолга тенг бўлади.

Агар ўтказгичнинг учларига электр кучланиш берилса, у ҳолда зарядли заррачаларга ўтказгич бўйлаб йўналган электр майдон кучлари таъсир қила бошлайди ва бу заррачаларнинг тартибсиз ҳаракат тезликларига майдон кучлари билан бир хил йўналган ташкил этувчи тезлик ҳам қўшилади. Бу ҳолда ўтказгичнинг исталган кўндаланг кесими орқали маълум бир электр миқдори оқиб ўтади, яъни электр токи вужудга келади.

Зарядли заррачалар йўналган ҳаракати интенсивлигининг ўлчови ток кучи бўлиб, у ўтказгичнинг кўндаланг кесими орқали бир секундда оқиб ўтган электр миқдори билан ўлчанади. Агар бирор вақт давомида ток ҳам, катталик ҳам йўналиши жиҳатдан ўзгармаса, у ҳолда бундай ток ўзгармас ток дейилади ва ёзма I ҳарфи билан белгиланади.

Агар t вақт ичидаги ўтказгичнинг кўндаланг кесими орқали Q электр миқдори оқиб ўтса, у ҳолда ток кучи қўйидагича бўлади:

$$I = \frac{Q}{t}. \quad (1-6)$$

Халқаро бирликлар системаси (СИ) да ток кучи бирлиги қилиб $\text{м}^2\text{п}^{-1}\text{с}^{-1}$ қабуул этилган,

$$1 \text{ ампер} = \frac{1 \text{ кулон}}{1 \text{ секунд}} \text{ ёки } 1a = 1 \frac{\kappa}{\text{сек}}.$$

Шундай қилиб, агар ўтказгичнинг кўндаланг кесими орқали 1 секундда 1 кулон заряд оқиб ўтса, ток кучи 1 амперга тенг бўлар экан.

Токнинг мусбат йўналиши учун мусбат зарядлар, кўчадиган йўналиш ёки электроннинг йўналишига тескари йўналиш қабул қилинган.

Ток кўчининг ўтказгич кўндаланг кесимининг юзи (S) га нисбати ток зичлиги деб аталади.

Шундай қилиб ток зичлиги

$$\sigma = \frac{I}{S}. \quad (1-7)$$

1-4. ЭЛЕКТР ЗАНЖИРИ ВА УНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Электр токи ҳосил қилиш учун электр занжири бўлиши шарт. Энг содда электр занжири учта асосий элементдан: ток манбаидан, электр энергияни қабул қилувчилар ёки истеъмолчилардан ва туаштирувчи симлардан ташкил топган бўлади.

1-3-расмда электр занжирининг схемаси, яъни график тасвири кўрсатилган. Ток манбай (AG) занжирнинг ички участкаси, қолган ҳамма қисми ($ABBG$) эса ташқи участкаси деб аталади.

1-1-жадвалда ГОСТ 7624 — 62 га биноан электр схемаларида ишлатиладиган шартли график белгилар тасвирланган.

Ток манбаида энергиянинг у ёки бу турини электр энергияга айлантириш процессида электр юритувчи куч — э. ю. к. (E) уйғотилади.

Электр юритувчи куч қиймат жиҳатдан бирлик заряднинг манбанинг бир қисқицидан иккинчи қисқицига ташқи кучлар таъсирида кўчирилганда ҳосил бўлган энергияга тенгdir. Электр юритувчи кучни манбага истеъмолчилар уламмаган ёки манбага нагрузка берилмагандаги манба кучланиши сифатида аниқлаш мумкин.

Истеъмолчиларда электр энергия иссиқлик, механик ёки энергиянинг бошқа бирор турiga айлантирилади. Бунда истеъмолчининг қисқиҷларидаги кучланиш U миқдоран бирлик зарядни истеъмолчи участкасида кўчириш учун сарфланган (бошқа турга айланган) энергияга тенгdir.

Электр юритувчи куч E билан кучланиш U орасидаги фарқ энергиянинг бирлик зарядини ток манбай ичидан кўчиришда йўқоладиган (бошқа турга айланган) қисмидан иборат бўлиб, и чки к учланиш тушуви (U_0) деб аталади; шундай қилиб ушбуни ёзиш мумкин:

$$E = U + U_0. \quad (1-8)$$


Энергия манбадан истеъмолчига симлар орқали узатилади. Баъзи ҳолларда, агар симлар узун бўлмаса, уларда йўқоладиган энергия хисобга олинмайди. Биз кўрсатган ҳолда ҳам худди шундай.

Кўпинча ток манбай сифатида механик энергияни электр энергияга айлантирувчи электр генераторлари, шунингдек кимёвий энергияни электр энергияга айлантирувчи аккумуляторлар ва бироламичи элементлар ишлатилади.

Электр энергия истеъмолчиларига электр энергияни механик энергияга айлантирувчи электродвигателлар, қизитиш лампалари, электр энергияни иссиқлик энергияга айлантирувчи печкалар ва иситиш асбоблари, электр энергияни кимёвий энергияга айлантирувчи металл олиш ванналари киради.



Электр занжирларда изоляцияланган ёки яланғоч, яъни изоляциясиз мис ёки алюмин симлар ишлатилади.

Электр занжирларда асосий элементлардан ташқари узувлари асбоблар, масалан рубильниклар, виключателлар, контакторлар, ҳимоя асбоблари, масалан, сақлагичлар ва автоматлар, ниҳоят контрол ўлчов асбоблари: амперметрлар, вольтметрлар, счётчиклар ва ҳоказолар ишлатилади.



1-3-расм. Электр занжирнинг схемаси.

Электр схемаларда ишлатыладиган шартлы график белгилар (ГОСТ 7624—62)

1	Гальваник (бирламчи) элемент ёки аккумулятор	
2	Үзгәрмас ток генератори	
3	Үзгәрмас ток электр двигатели	
4	Еритиш лампаси	
5	Сим, кабель, электр заржири шинаси	
6	Электр уланиш Разъёмли ва разъёмсиз уланиш Разъёмли уланиш	
7	Бир қутбلى ва иккى қутбلى виключателлар	
8	Эрүвчан сақлагач	
9	Каршилик (энергия истемчеси)	
10	Реостат	
11	Амперметр, вольтметр	

Бир қатор материалларнинг солиширтма қаршиликлари ва ўтка-зувчанлик қийматлари 1-2- жадвалда берилган.

Қаршилик термини иккى хил маънода ишлатилишига эътибор бермоқ керак.

1. 1-5- ва 1-6- § ларга биноан қаршилик симнинг, занжир участкининг ёки истеъмолчининг электр хоссаларидан биттасини характерловчи параметр экани кўринади. Шу маънода энергия истеъмолчисининг қаршилиги 30 омга ёки симнинг қаршилиги 0,1 омга тенг деб айтиш мумкин.

2. Қаршилик (резистор) деб юқорида эслатилган параметрларга эга бўлган ва занжирдаги токни чегаралаш ёки камайтириш мақсадида электр занжирига улаш учун мўлжалланган асбобга ҳам айтилади.

1-2- жадвал

Баъзи электротехник материалларнинг хоссалари

Материал	Зичлиги, ε/см ³	Эриш температура си °C	Узилишга нисбатан мустаҳкам- лиги, хГ/мм ²	20°C даги солиширтма электр қар- шилиги, ом·мм ² /м	Қаршилик температура коэффициентиши: ўртача қиймати (0 дан 100 °C га- ча), 1/град
Алюминий	2,7	657	14—22	0,029	0,004
Бронза	8,8—8,9	900	50—60	0,021—0,4	0,004
Вольфрам	18,7	3370	415	0,056	0,00464
Константан	8,8	1200	40	0,4—0,51	0,000005
Жез	8,1	900	40	0,07—0,08	0,002
Манганин	8,1	960	55	0,42	0,000006
Мис	8,8	1083	25—40	0,0175	0,004
Нихром	8,2	1360	70	1,1	0,00015
Пўлат	7,8	1400	80—150	0,13—0,25	0,006
Фёхраль	7,6	1450	—	1,4	0,00028
Хромаль	7,1	1500	80	1,3	0,00004

Реостат деб аталувчи ўзгарувчан қаршилик занжирдаги токни созлаш учун мўлжалланган.

Қаршиликлар симли ёки симсиз бўлади.

Реостатлар симли, суюқликлар симсиз бўлади. Симли реостатлар текис ва сакраб-сакраб созланадиган қилиб ясалади.

Текис созланадиган симли реостат изоляцияловчи материалдан ясалган фалтакка ўралган симли спираль шаклида бўлади. Реостатнинг электр занжирига уланган спиралининг бир учи билан сирпангич орасидаги қаршилигини сирпангични ҳаракатлантириш билан ўзгартириш мумкин.

1-1- мисол. Кучланиши $U = 110$ в бўлган электр тармоқка қаршилиги $r = 200$ ом чўғланма лампо чука уланган. Лампадаги ток кучини аниқланг.

Ток кучи

$$I = \frac{U}{r} = \frac{110}{220} = 0,5 \text{ а.}$$

1-2- мисол. Агар иситиш асбобидаги ток кучи $I = 5\text{а}$, унинг қаршилиги $r = 45 \text{ ом}$ бўлса, унинг қисқичларидағи кучланишни аниқланг.
Қисқичлардаги кучланиш

$$U = Ir = 5 \cdot 45 = 225 \text{ в.}$$

1-7. ЭЛЕКТР ҚАРШИЛИКНИНГ ТЕМПЕРАТУРАГА БОҒЛИҚЛИГИ

Металл ўтказгич температурасининг ортиши эркин электронларнинг атомлар билан тўқнашиш сонни орттириб юбориши туфайли электронлар йўналган ҳаракатининг ўртача тезлиги камайиб кетади, бу эса қаршиликнинг ортишига сабаб бўлади. Шундай қилиб, ўтказгич қаршилигининг температурага боғлиқ равишда ўзгариши ўтказгич материалининг тузилишига боғлиқ экан.

Кўпчилик металл ўтказгичлар учун температура 100°C чегарасида ўзгарганда қаршиликнинг нисбий ортиши температуранинг ўзгаришига пропорционал бўлади.

Шундай қилиб,

$$\frac{\Delta r}{r_1} = \frac{r_2 - r_1}{r_1} = \alpha (\theta_2 - \theta_1), \quad (1-19)$$

бундан

$$r_2 = r_1 + r_1 \alpha (\theta_2 - \theta_1),$$

ёки узил-кесил

$$r_2 = r_1 [1 + \alpha (\theta_2 - \theta_1)], \quad (1-20)$$

бу ерда r_1 ва r_2 θ_1 ва θ_2 температурандаги қаршиликлар.

α — қаршиликнинг температура коэффициенти — температура 1°C га кўтарилиганда қаршиликнинг нисбий ўзгариши.

Миснинг температура коэффициенти $\alpha = 0,004 \text{ } 1/\text{град}$. Бу мисимнинг температураси 1°C га ўзгарганда унинг қаршилиги $0,4\%$ ўзгаришини англатади.

Температура коэффициентининг қийматлари 1-2- жадвалда келтирилган

(1-19) формуладан симнинг (машина гулғамининг) температураси (θ_2) ни аниқлаш учун фойдаланиш мумкин, бунинг учун r_1 , α ва θ_1 нинг маълум қийматларида r_2 қаршиликни ўлчаш ва қидирилаётган температурани қўйидаги формуладан топиш керак:

$$\theta_2 = \frac{r_2 - r_1}{\alpha r_1} + \theta_1. \quad (1-21)$$

(1-21) формула унча мураккаб бўлмаган ўзгартиришлар ёрдамида (1-19) формуладан ҳосил қилинган.

1-3- мисол. Агар симларнинг кўндаланг кесими $S = 10 \text{ мм}^2$ ва линиянинг узунлиги 200 м бўлса, ҳаво линияси симларининг $+20^\circ\text{C}$ ва -10°C температуralардаги қаршилиги топилсин.

Линиядаги иккита симнинг $+20^\circ\text{C}$ даги қашилиги:

$$r_1 = \rho \frac{l}{S} = 0,0175 \cdot \frac{2 \cdot 200}{10} = 0,7 \text{ ом.}$$

Ўша симларнинг -10°C температурадаги қаршилиги

$$r_2 = r_1 [1 + \alpha (\theta_2 - \theta_1)] = 0,7 [1 + 0,004 (-30)] = 0,616 \text{ ом.}$$

1-4- мисол. Электр двигатель мис чулғамининг $\theta_1 = 20^{\circ}\text{C}$ температурадаги қаршилиги $r_1 = 2,24 \text{ ом}$. Электр двигатель икки соат ишлагандан кейин ўша чулғамининг қаршилиги $r_2 = 2,8 \text{ ом}$ га күтарилиган. Чулғамининг электр двигатель икки соат ишлагандан кейинги температурасини аниқланг:

$$\theta_2 = \frac{r_2 - r_1}{\alpha r_1} + \theta_1 = \frac{2,8 - 2,4}{0,004 \cdot 2,4} + 20 \approx 62^{\circ}\text{C}.$$

1-8. ЭЛЕКТР ЎТКАЗУВЧАНЛИК

Исталган модданинг таркибидаги кимёвий элементлар атомлари мусбат зарядланган ядро билан ядро атрофида айланиб юрувчи манфий зарядланган электронлардан ташкил топган бўлади.

Одатда атомлар электрик нейтралдир, чунки ядронинг заряди электронлар зарядлари йиғиндисига тенг.

Агар электрик нейграб атомдан (молекуладан) электрон ажраби чиқса, у ҳолда атом мусбат ионга айланиб қолади. Атомдан ажралган электрон бошқа нейтрал атом билан қўшилиб, манфий ион ҳосил қилиши ёки эркин ҳолда қолиши мумкин. Ана шундай электронлар ўтказувчанлик электронлари, ионларнинг ҳосил бўлиш процесси эса ионланиш деб юритилади. Ҳажм бирлигидаги эркин электронлар ёки ионлар миқдори эркин зарядланган заррачалар концентрациясини аниқлайди.


Атомдаги ҳар бир электрон маълум қийматдаги энергияга эга бўлиши, яъни фақат рухсат этилган энергетик ҳолатларда ёки сатҳларда туриши мумкин, холос, чунки электрон энергияси маълум порциялар — квантлардагина ўзгариши мумкин. Электрон юқорироқдаги сатҳга ўтиши учун энергия сарфланиши керак. Электрон пастроқдаги сатҳга ўтганда эса атом ортиқча энергияни нурланириб чиқаради.

Атомлар йиғиндисидан ташкил топган моддаларда қўшни атомларнинг ўзаро таъсири туфайли энергетик сатҳлар бир қадар ўзгариб, энергетик зоналар ҳосил қиласди. Бу зоналарни электронлар мавжуд бўла олмайдиган ва ман қилинган зона деб аталувчи соҳа ажратиб туради. Рухсат этилган сатҳларга мос келувчи энергетик зоналар тўлган ва бўш зоналарга ажралади.

Электр ўтказувчанлик ҳосил бўлиши учун тўла зона электронларининг бир қисми бўш зонага ўтмоғи зарур. Ана шундай ўтишнинг амалга ошиши ёки ошмаслиги ман қилинган зонанинг кенглигига боғлиқ; бу зонанинг кенглигига электрон ана шундай ўтиши учун сарфланадиган энергияга пропорционал бўлади.

Ўтказгичлар, чала ўтказгичлар ва диэлектриклар ўтказувчанлигининг турлича бўлиши улар тузилишидаги ўзига хос хусусиятларга боғлиқ. Қаттиқ жисм зона назариясига биноан металл ўтказгичлардаги юксак ўтказувчанлик улардаги тўла зонанинг бўш зонага жуда яқин жойлашишида экан (1-5- а расм).

Ана шу сабабга кўра металлдаги электронлар тўла зона сатҳларидан бўш зона сатҳларига ўта олади. Бошқача айтганда, электронлар ядродан камроқ узоқликдаги орбиталардан узоқроқдаги орбита-ларга ўта олиши ёки атомнинг чегарасини ташлаб кетиб эркин электронга айланиб қолиши мумкин: бу эркин электрон ўтказгич учларига берилган кучланиш юзага келтирган электр майдонининг заиф кучланишлари таъсирида бир атомдан иккинчи атомга кўчиб юради.



1-5. расм. Энергия сатҳлари:
а—ўтказгич; б—диэлектрик; в—чала ўтказгич; 1- бўш зона, 2- ман қилинган зона; 3- тўлган зона.

Агар берилган моддада эркин зона тўла зонадан етарли дара-жада кенгроқ бўлган, ман қилинган зона орқали ажралган бўлса, (1-5- б расм), у ҳолда шунга мос равишда модданинг ўтказувчанили-ги жуда заиф бўлади ва бундай модда диэлектрик бўлади.

Чала ўтказгичларда ман қилинган зонанинг кенглиги диэлек-триклардагига қараганда торроқ (1-5- в расм), ана шунга мос равишда электронлар эркин зонага ўтиши учун заиф уйғониш ҳам кифоя қиласди (масалан, бундай уйғонишни температурани кўтариш йўли билан атомларнинг иссиқлик ҳаракатининг ортиши ҳисобига амалга ошириш мумкин); шунинг учун ҳам чала ўтказгичларнинг ўтказувчанилиги ўтказгичлар билан диэлектриклар ўтказувчанликларининг орасида ётади.

Ўтказгичтар икки турга бўлинади. Биринчи тур ўтказгичларда (уларга кўпинча металлар ва уларнинг қотишмалари киради) ток фақат электронларнинг ҳаракати туфайли юзага келади (элек-трон ўтказувчанили ўтказгичлар).

Иккинчи тур ўтказгичларда — электролитларда (уларга кислота ва тузларнинг сувдаги эритмалари киради) электр ток эритувчи таъсирида модда молекулаларининг парчаланиши натижасида пайдо бўлган манфий ва мусбат ионларнинг ҳаракати туфайли юзага ке-лади (ион ўтказувчанили ўтказгичлар).

1-9. ЎТКАЗГИЧ МАТЕРИАЛЛАР

Электротехникада ишлатиладиган ўтказгич материалларни икки гурухга ажратиш мумкин. Биринчи гурухга солишиштирма ўтказувчанилиги юқори бўлган, иккинчи гурухга эса солишиштирма қаршилиги нисбатан юқори бўлган материаллар киради.

Бириңчи гурух материаллар құйидаги хоссаларга әга бўлиши: солиширма ўтказувчанлиги юксак, қаршилик температура коэффициенти кичик, механик пухталиги етарли, коррозияга нисбатан турғун бўлиши керак.

Материал қандай мақсадлар учун мўлжалланганлигига қараб, унинг юқорида кўрсатилган хоссаларидан бирига ортиқча талаб қўйилса, бошқа хоссаларига нисбатан эса, аксинча, камроқ талаб қўйилади. Масалан, электр машиналари ўрамларининг механик пухталиги узилиб ва ишқалиб ишлатидиган контакт симларининг механик пухталигига нисбатан анча паст бўлиши мумкин. Ҳар қандай аралашма ўтказувчанликни камайтирганлиги сабабли соф металлар энг юқори ўтказувчанликка әга бўлади.

Мис солиширма қаршилиги ($\rho = 0,0175 \text{ ом} \cdot \text{мм}^2/\text{м}$) кичикилиги, етарли даражада механик пухталиги, ишлов бериш осонлиги ва коррозияга етарли даражада турғунлиги туфайли ўтказгич материал сифатида кенг тарқалган.

Прокат ёки чўзиш йўли билан мисдан сим, шиналар, тасмалар, масалан, коллектор пластинкалари учун понасимон кесимли тасмалар ва ҳоказолар ясаш мумкин.

Одатда таркибида 0,1% дан кам аралашмалари бўлган электролитик мис ишлатилади. Мис икки хил: МТ маркали юмшатилмаган ва ММ маркали юмшатилган бўлиши мумкин.

Қаттиқ мис масалан, контакт симлар (электр кучи билан тортиш), коллектор пластинкалар (электр машиналар) ва ҳоказоларда ишлатилади. Юмишоқ мис электр машиналарининг ва турли электромагнит аппаратлар ва асбобларнинг ўрамларини ясаш учун ишлатиладиган симлар тайёрлашда кенг қўлланилади.

Соф мисдан ташқари унинг бошқа металлар — бронза ва же злар билан қотишмалари ҳам ишлатилади.

Ҳамма бронзаларнинг ҳам механик пухталиги юқори ва солишиurma қаршилиги катта бўлади.

Кадмийли бронза ($Cd - 0,9\%$), коллектор пластинкалари ва троллей симлари тайёрлаш учун ишлатилади.

Бериллийли бронза ($Bi - 2,2\%$) ток узатувчи пружиналар, сирпанувчи контактлар, шчётка тутқичлар ясаш учун ишлатилади.

Жез ($Zn - 30\%$) электр аппаратлар ва асбоблар ясашда кенг қўлланилади.

Алюминийнинг электр ($\rho = 0,0495 \text{ ом} \cdot \text{мм}^2/\text{м}$) ва механик хоссалари мисга нисбатан ёмонроқ бўлса ҳам электротехникада кўп ишлатилади. Соф алюминий — юмшоқ бўлиб, унинг механик пухталиги паст. Қаттиқлигига қараб алюминий икки хил бўлади: АМ маркали юмшатилган алюминий ва АТ маркали юмшатилмаган алюминий.

Мис симларнинг ўрнига алюминий симлар ишлатилган вақтда мис сим билан бир хил қаршилик ва узунлиқдаги алюминий симнинг кўндаланг кесими 60% ортиқ, аммо оғирлиги эса мис сим оғирлигининг 48% ни ташкил қиласди.

Электр узатиши линиялари сими учун алюминий қотишмалари масалан механик пухталиги етарлы ва ўтказувчанлиги яхши ($\rho = 0,032 \text{ ом} \cdot \text{мм}^2/\text{м}$) бўлган алдрей ($1-1,5\% \text{ Mg, Si, Fe}$ аралашмаларига эга) ишлатилади.

Шунингдек, ички пўлат симлари устидан ташқи аллюминий симлар билан ўралган пўлат алюминий симлар ҳам ишлатилади.

Пўлат (темир) нинг солищтирма қаршилиги анчагина ($\rho = 0,13 \text{ ом} \cdot \text{мм}^2/\text{м}$) бўлиб, коррозияга турғунлиги кам. Шу сабабли пўлат ҳаво линияларида фақат кичик қувватлар узатишдагина ишлатилади, чунки бу ҳолда симларнинг кўндаланг кесими уларнинг электр қаршилиги билан эмас, балки механик пухталиги билан белгиланади. Коррозиядан сақлаш учун рух қоплама (рухланган симлар) қўлланилади.

Ўтказгич материалларнинг иккинчи гуруҳига солищтирма қаршилиги юқори бўлган материаллар киради. Булар асосан қотишмаларидир: никель—хром—темир (нихром); темир—хром—алюминий (фехраль) ва бошқалар. Улар иситиш асблолари, аппаратлар, реостатларга ўрамлар ясаш учун ишлатилади. Бу материаллар юқори температурага (таксинан 1000°C) чидайди. Уларнинг солищтирма қаршилигининг юқори бўлиши бу материаллардан қисқа ва ихчам ўрамлар ясаш имконини беради.

Манганин — 86% мис, 12% марганец ва 2% никелнинг қотишмасидир. Унинг солищтирма қаршилиги юқори ва температура коэффициенти кичик (таксинан 1.10^6 1/град) бўлганлиги учун шунтлар, қўпимча қаршиликлар ва намунавий қаршилик фалтаклари тайёрлашда ишлатилади.

Қавшар ва флюслар. Қавшар — кичик қаршиликли электр қавшарлар ҳосил қилиш учун ишлатиладиган қотишмадир.

Қизитилган пайтда қавшар эриб уланаётган металл қаттиқлигича қолиши учун қавшарнинг эриш температураси туташтирилаётган деталлар (симлар) никидан анча паст бўлиши керак. Қавшар уланаётган деталларнинг сиртини қоплайди ва улар орасидаги тирқишиларга кириб, уларни тўлдиради. Қавшар деталларни металлга диффузиялайди, натижада оралиқ қатlam ва туташтирилаётган деталлар совигандан сўнг бир бутун нарсага айланади.

Амалда юмшоқ (таркибида 18% дан то 90% гача қалайи бўлган) қалай — қўргошинли ва қаттиқ (таркибида 36% дан то 55% гача мис бўлган) мис — рухли қавшарлар ишлатилади.

Алюминий симларни қавшарлаш учун рух-қалайли (таркибида 56% рух, 42% қалайи ва 2% мис бўлган) ёки рух-алюминийли (таркибида 80% рух, 12% алюминий ва 8% мис бўлган) қавшарлар ишлатилади.

Ўзаро қавшарланаётган деталларни пухта ва ишончли қилиб туташтириш учун ёрдамчи моддалар — флюслар қўлланилади. Улар асосан қавшарланаётган участкалар сиртидаги оксидлар ва ифлосникларни эритиш ва кеткизиш учун хизмат қиласиди.

Флюс сифатида кўпинча канифоль ишлатилади.

Алюмин симларни кавшарлашда оғирлик бўйича 100 қисм деңгиз турланган спирт билан 20 қисм канифолдан ясалган флюс ишлатилиди.

Электротехник кўмири. Электротехник кўмирга асос қилиб углероднинг турлари — графит билан кўмири олинади. Улар майда кукунга айлантирилиб, қўшимча компонентлар, масалан, мис кукуни билан тошкўмири ва мумлар кукунлари ёрдамида ишлатилиб шакл берилади ва қизитиб ишланади.

Электротехник кўмири электр машиналарга шчёткалар, печларга, электр пайвандга, электролитик ванналарга электродлар тайёрлашда, симсиз қаршиликлар ясашда, электровакуум асблоларга, гальваник элементларга деталлар тайёрлашда ва ҳоказоларда ишлатилиди.

1-10. ИШ ВА ҚУВВАТ

Ток манбаи билан энергия истеъмолчисидан иборат туташ электр занжирда (1-3- расм) ток манбанинг электр юритувчи кучи тъсирида зарядлар узлуксиз ажралиб туради.

Юқорида (1-2- § да) баён этилганларга кўра ток манбаида q электр зарядни кўчириш учун t вақт ичида ташқи кучлар томонидан бажарилган иш, ёки бошқа бирор турдаги энергияни айлантириш ҳисобига олинган электр энергия қўйидагига teng экани келиб чиқади:

$$A_m = W_m = Eq = EIt. \quad (1-22)$$

Энергиянинг сақланиш қонунига биноан олинган электр энергия худди ўша вақт ичида занжирнинг барча қисмларида, яъни биз текшираётган ҳолда энергия истеъмол қилувчи билан ток манбаида (симларда энергиянинг бошқа турга айланшини ҳисобга олмаймиз), энергиянинг бошқа турларига айланади.

Истеъмолчида зарядни кўчиришда бажарилган A_u иш ёки истеъмолчида энергиянинг бошқа турига айлантириладиган ва A_u ишга teng бўлган W_u энергия қўйидагича топилади:

$$A_u = W_u = U_u q = U_u It; \quad (1-23)$$

бу ерда U_u — приёмник (истеъмолчи) даги кучланиш.

Энергиялар айрмаси

$$W_m - W_u = W_0$$

ток манбаида иссиқликка айланадиган энергиядан иборатdir.

Бу энергия (1-22) ва (1-23) ларга биноан қўйидагича ифодаланиши мумкин:

$$(E - U_u) It = W_0 = UIt,$$

бундан

$$U_0 = E - U_u$$

1-4- § да айтилган кучланишнинг ички тушувидан иборатdir.

Бажарилган ишнинг шу ишни бажариш учун сарфланган вақтга нисбати

$$P = \frac{A}{t} \quad (1-24)$$

қувват леб аталади. Шундай қилиб, қувват — энергиянинг бир турдан бошқа турга айланиш тезлиги экан.

Манбада бирор турдаги энергиянинг электр энергияга айланиш тезлиги манбанинг (генераторнинг) қуввати дейилади:

$$P_m = \frac{EIt}{t} = EI. \quad (1-25)$$

Истеъмолчида электр энергиянинг бошқа турдаги энергияга айланиш тезлиги истеъмолчининг қуввати дейилади:

$$P_u = \frac{U_it}{t} = U_u I. \quad (1-26)$$

Манбада электр энергиянинг фойдасиз сарф бўлиш тезлиги йўқотиладиган қувват дейилади:

$$P_0 = U_0 I. \quad (1-27)$$

Энергиянинг сақланиш қонунига мувофиқ ток манбанинг (генераторнинг) қуввати истеъмолчининг қуввати билан генератордаги йўқотилган қувват йиғиндисига teng; шундай қилиб

$$P_m = P_u + P_0. \quad (1-28)$$

Халқаро бирликлар системасида (СИ) қувват бирлиги ватт дир (вт); бу шундай қувватдирки, унда ҳар бир секундда 1 ж иш бажарилади, ёки унда ҳар бир секундда 1 ж электр энергия бошқа турдаги энергияга айланади; шундай қилиб

$$1 \text{ вт} = \frac{1 \text{ ж}}{1 \text{ сек}},$$

бундан

$$1 \text{ ж} = 1 \text{ вт} \cdot 1 \text{ сек} = 1 \text{ вт} \cdot \text{сек};$$

демак, 1 жоуль 1 ватт = секундга teng.

1-2- § дан маълумки,

$$1 \text{ ж} = 1 \text{ вт} \cdot 1 \text{ сек};$$

шундай қилиб,

$$1 \text{ вт} = \frac{1 \text{ ж}}{1 \text{ сек}} = \frac{1 \text{ вт} \cdot 1 \text{ сек}}{1 \text{ сек}} = 1 \text{ вт} \cdot 1 \text{ а};$$

демак, 1 вт — 1 ампер токнинг 1 вольт кучланишдаги қувватидир.

1-5- мисол. Кучланиши $U = 220$ в бўлган тармоққа қуввати $P = 5 \text{ квт}$ бўлган электрдвигатель уланган. Электрдвигателдан оқаётган ток кучини аниқланг.

1-26 га биноан:

$$P = UI,$$

бундан

$$I = \frac{P}{U} = \frac{5000}{220} \approx 23a.$$

1-6- мисол. Кучланиш $U = 225$ в бўлган тармоқга $I = 4$ а ток олувчи исит-
гич асбоб уланган. Асбобнинг қуввати ва асбоб 2 соат ичидан истеъмол қилган
энергиянинг баҳоси топилсин, 1 квт·соат электр энергия 4 тийин туради.

Асбобнинг қуввати $P = UI = 225 \cdot 4 = 900$ вт.
2 соат ичидан асбоб истеъмол қилган энергия

$$W = Pt = 900 \cdot 2 = 1800 \text{ вт} \cdot \text{соат} = 1,8 \text{ квт} \cdot \text{соат}.$$

Сарфланган энергиянинг баҳоси

$$4 \cdot 1,8 = 7,2 \text{ тийин.}$$

1-11. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИНГ ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯГА АЙЛANIШИ

Электр токи электр заррачаларининг йўналган ҳаракатидан ибо-
ратдир Ҳаракатланаётган заррачалар модданинг ионлари ёки моле-
кулалари билан тўқнашган вақтда ҳаракатланаётган заррачанинг
кинетик энергияси қисман ионларга ёки молекулаларга берилади,
бунинг натижасида эса ўтказгич қизииди. Шундай қилиб, электр
энергия иссиқлик энергияга айланади ва бу энергия симни қизи-
тишга сарфланиб атрофдаги муҳитга тарқалади.

Электр энергиянинг иссиқлик энергияга айланиш тезлиги

$$P = UI$$

қувват (1-26) билан белгиланади ёки, $U = Ir$ эканлигини ҳисобга
сласак, ушбуни ҳосил қиласиз:

$$P = UI = I^2r. \quad (1-29)$$

Иссиқликка айланувчи электр энергия:

$$W = Pt = I^2rt.$$

СИ системасида иссиқлик миқдори
бирлиги энергия бирлиги каби жоуль
бўлганидан қаршиликда ажralиб чиқсан
иссиқлик ушбуга тенг:

$$Q = I^2rt. \quad (1-30)$$

Ажralиб чиқсан иссиқлик, ток қучи,
қаршилик ва вақт орасидаги муносабат-
ни ифодаловчи бу ифодани 1844 йилда
бир вақтда рус академиги Э. Х. Ленц
тажриба асосида ва инглиз олими Жоуль
топган эди. Бу муносабат ҳозир Жо-
уль — Ленц қонуни деб аталади.
Ўтказгичда ток ажratиб чи-
қарган иссиқлик миқдори ток
кучи квадратига, ўтказгичнинг
қаршилиги ва токнинг ўтиш
вақтига пропорционалdir.



Э. Х. Ленц
(1804—1865).

Электр энергияни иссиқликка айлантириш турли иситгич ва ёритиш асбоблари ҳамда қурилмаларида қўлланилади.

Бошқа асбоб ва қурилмаларда электр энергияни иссиқликка айлантириш энергиянинг фойдасиз исроф бўлишига (йўқолишига) уларнинг фойдали иш коэффициентининг пасайишига олиб келади. Бундан ташқари, иссиқлик бу қурилмаларнинг қизишига олиб келади ва уларнинг нагрузкасини пасайтириб юборади; ортиқча нагрузка берилганда эса температура ортиб кетади ҳамда қурилманинг изоляцияси ишдан чиқиши ёки қурилманинг ишлаш муддатининг қисқаришига олиб келиши мумкин.

1-7- мисол. Агар иситгич асбобнинг қаршилиги 22 ом, тармоқнинг кучланиши 110 в бўлса, бу асбобда 15 минутда ажralиб чиқсан иссиқлик миқдори тоғисин.

Ток кучи

$$I = \frac{U}{r} = \frac{110}{220} = 5 \text{ а.}$$

Асбобда ажralиб чиқсан иссиқлик миқдори:

$$Q = I^2 r t = 5^2 \cdot 15 \cdot 22 \cdot 60 = 49\,500 \text{ ж.}$$

1-12. СИМДА ОКИШИ МУМКИН БЎЛГАН ТОК. ОРТИҚЧА НАГРУЗКАДАН САҚЛАШ

Симни қизитган вақтда ундаги температуранинг кўтарилиши симнинг массаси ва ажralиб чиқсан иссиқлик миқдорига боғлиқ. Иssiқликнинг атрофдаги муҳитга тарқалиш тезлиги сим ва муҳит температуралининг фарқига пропорционал. Ток билан қизитила бошлаганда дастлаб сим билан муҳитнинг температураси бир хил бўлади. Демак, атрофдаги муҳитга деярли иссиқлик берилмайди. Ҳамма иссиқлик симни қизитишга сарфланади ҳамда симнинг температураси жуда тез кўтарилади. Симнинг температураси кўтарила борган сари сим билан муҳит температуралар фарқи орта боради, сим кўпроқ иссиқлик соча бошлайди. Сим температурасининг кўтарилиши сусаяди. Бирор температурага бориб ток ажратиб чиқараётган иссиқлик билан сим атрофга сочайдган иссиқлик орасида мувозанат ҳосил бўлади. Симнинг температураси чегаравий қийматига эришади. Чегаравий температурагача қизитиш вақти турли қурилмалар учун турличадир. Масалан, чўғланма лампочка толаси учун секунднинг улушларига teng бўлса, анчагина қувватга эга бўлган машиналар учун бир неча соатларга боради.

Симларнинг маълум температурагачагина қизишига рухсат этилади. Изоляцияланган симлар учун бу температура изоляциянинг тури ва хоссасига, изоляцияланмаган симлар учун эса уларнинг механик хоссаларига боғлиқ бўлади. Қизиш мумкин бўлган температурага эришиш учун зарур бўлган ток сим учун мумкин бўлган ток дейилади. Изоляцияланган мис симларнинг баъзи бир кўндаланг кесимлари учун мумкин бўлган токларнинг қийматлари 1-3- жадвалда берилган.

Электр занжирининг айрим участкалари ортиқча (мумкин бўлганидан юқори) токнинг ва қисқа туташув токларининг иссиқлик таъсиридан эрувчан сақлагичлар (14-11-§) ёки релеелар (14-14-§) ёрдамида муҳофаза қилинади. Сақлагиччининг асосий қисми осон эрийдиган металлдан қилинган симнинг қисқа бўлгидан ясалган қўйма; бу қўйма ортиқча ток таъсирида қизиб эрийди ва занжирни узиб муҳофаза қилинаётган участкани сақлаб қолади.

1-3 • жадвал

Изоляцияланган симлар учун мумкин бўлган ток нагрузкалари

Мис симнинг кўндаланг кесими, м.м ²	0,5	0,75	1,0	1,5	2,5	4	6	10	16	25	35	50
Оқиши мумкин бўлган чегаравий ток, а	11	15	17	23	30	41	50	80	100	140	170	215

Ҳар хил потенциалли икки симнинг (қисқиҷларнинг) бевосита ёки жуда кичик қаршилик орқали бир-бирига уланиши қисқа туташув дейилади. Қисқа туташув қўйиш мумкин бўлган токдан бир неча марта катта бўлиб, қурилманинг баъзи қисмларига механик ҳамда иссиқлик зарар етказиши ёки баъзи қисмларини емириб ташлаши мумкин.

1-13. КИРХГОФНИНГ БИРИНЧИ ҚОИДАСИ

Электр занжирининг бир нечта симлар бир-бирига уланадиган нуқтаси тугун ёки тармоқланиш нуқтаси дейилади. Тармоқланиш нуқтасига қараб йўналган токлар йиғиндиси ундан чиқаётган токлар йиғиндисига тенг. Бу Кирхгофнинг биринчи қоидасидир.

Масалан, 1-6-расмдаги A тугун учун ушбуни ёзамиш:


$$I_1 + I_2 = I_3 + I_4 + I_5$$

ёки токларни тенгликнинг бир қисмига ўтказсан:

$$I_1 + I_2 - I_3 - I_4 - I_5 = 0.$$

Умумий кўринишда қўйидагича ёзамиш:

$$\sum I = 0, \quad (1-31) \quad \text{1-6-расм. Электр занжирининг тугуни.}$$



яъни тугундаги токларнинг алгебраик йиғиндиси н олга тенг. Охирги иккала ифодадаги тугунга қараб йўналган токлар мусбат, тугундан чиқаётган токлар эса манфий ҳисоблагади.

1-14. ЭНЕРГИЯ ИСТЕММОЛЧИЛАРИНИ (ҚАРШИЛИКЛАРНИ) УЛАШ

a) Кетма-кет улаш

Агар бир нечта истеммолчи ёки қаршилик 1-7-расмда күрсатилғандақ тармоқланмасдан бириң-кетин уланган бўлса, у ҳолда улар орқали бир хил ток ўтади; бундай улаш кетма-кет улаш дейилади.

Қаршиликлардаги кучланишлар (1-9):

$$U_1 = Ir_1; \quad U_2 = Ir_2; \quad U_3 = Ir_3.$$

Ток кучи занжирнинг барча участкаларида бир хил бўлганидан бу участкалардаги кучланишлар уларнинг қаршиликларига пропорционал бўлади, яъни

$$U_1 : U_2 = r_1 : r_2 \text{ ва } U_2 : U_3 = r_2 : r_3. \quad (1-32)$$

Айрим участкалардаги қувватлар қийидагича:

$$P_1 = U_1 I; \quad P_2 = U_2 I; \quad P = U_3 I.$$

1-7-расм. Қаршиликларни кетма-кет улаш.

Энергиянинг сақланиш қонунига биноан бутун занжирнинг қуввати участкалардаги қувватларнинг йиғиндисига тенг, демак:

$$P = P_1 + P_2 + P_3 = I(U_1 + U_2 + U_3) = IU.$$

Демак, занжирнинг қисқичларидаги кучланиш занжирнинг участкаларидаги кучланишларнинг йиғиндисига тенг

$$U = U_1 + U_2 + U_3. \quad (1-33)$$

Сўнгги ифодани ҳадма-ҳад токка бўлсак қийидагини топамиз

$$\frac{U}{I} = \frac{U_1}{I} + \frac{U_2}{I} + \frac{U_3}{I},$$

ёки

$$r = r_1 + r_2 + r_3. \quad (1-34)$$

Қаршилик r занжирнинг умумий (ёки эквивалент) қаршилиги деб аталади; яъни бу шундай қаршиликки, берилган кучланишда барча қаршиликларни ўша билан алмаштирилганда, занжирда яна ўша ток кучи ҳосил бўлаверади.

Шундай қилиб, кетма-кет уланган участкалардан ташкил топган занжирнинг умумий қаршилиги барча қаршиликларнинг йиғиндисига тенг экан. Кетма-кет улашга қийидагилар мисол бўлиши мумкин: симлар ва уларнинг учларига уланган энергия истеммолчиси, трамвай тармоғидаги кучланиш $U_t = 600 \text{ в}$ ва чўғланма лампочканинг номинал кучланиши $U_l = 120 \text{ в}$ бўлганда, уларнинг бешта кетма-кет қилиб уланади.

$$(U_t : U_l = 600 \text{ в} : 120 \text{ в} = 5).$$

1-8- мисол. Занжирга қаршилиги $r_1 = 44 \text{ ом}$ га тенг уйнотиш чулғамли электр двигателининг ва қаршилиги (r_2) ни 0 дан то 176 ом гача бўлган чегарада ўзгартириш мумкин бўлган реостат кетма-кет уланган; занжирнинг кучланиши $U = 220$ вольтга тенг бўлса, ток кучини қандай чегарада ўзгартириш мумкинлигини аниқлаш.

Занжирнинг умумий қаршилиги

$$r = r_1 + r_2.$$

$r_2 = 0$ бўлганда занжирдаги токнинг кучи

$$I = \frac{U}{r_1 + r_2} = \frac{220}{44+0} = 5 \text{ а.}$$

$r_2 = 176$ ом бўлганда занжирдаги ток кучи

$$I = \frac{U}{r_1 + r_2} = \frac{220}{44+176} = 1 \text{ а.}$$

б) Параллел улаши

Электр занжирнинг икки нуқтасига параллел шохобчадан ташкил топган тармоқланиши ҳосил қилувчи бир нечта қаршиликлар уланган бўлса (1-8- расм), бундай улашни қаршиликларни параллел улаш дейилади Шундай қилиб, параллел улашда ҳар бир қаршиликнинг бир қисқичи бир түгунга, иккинчи қисқичи эса иккинчи түгунга уланади.

Қаршиликларнинг ҳар биридаги кучланиш түгунлар орасидаги U кучланишга тенг бўлганлиги учун шахобчаларнинг қаршиликларидаги кучланишлар бир хил бўлади, яъни

$$U = U_1 = U_2 = U_3, \quad (1-35)$$

ёки кучланишни мос токлар билан қаршиликларнинг кўпайтмаси сифатида ифодаласак, тенгликни қўйидагича ёзишимиз мумкин:

$$U = I_1 r_1 = I_2 r_2 = I_3 r_3,$$

Бундан

$$\frac{I_1}{I_2} = \frac{r_2}{r_1} \text{ ва } \frac{I_2}{I_3} = \frac{r_3}{r_2}, \quad (1-36)$$

яъни шахобчалардаги токлар шахобчаларнинг қаршиликларига тескари пропорционал тақсимланар экан.

Кирхгофнинг биринчи қоидасига биноан


$$I = I_1 + I_2 + I_3$$

ёки токларни кучланишларнинг мос қаршиликларга нисбати орқали ифодаласак:

$$\frac{U}{r} = \frac{U_1}{r_1} + \frac{U_2}{r_2} + \frac{U_3}{r_3},$$

баъзи қисқартишлардан сўнг

$$\frac{1}{r} = \frac{1}{r_1} + \frac{1}{r_2} + \frac{1}{r_3} \quad (1-37)$$



1-8- расм. Қаршиликларни параллел улаш.

ёки

$$g = g_1 + g_2 + g_3.$$

Қаршилик r занжирнинг умумий ёки эквивалент қаршилиги, g эса — занжирнинг умумий ёки эквивалент ўтказувчанлиги дейилади.

(1-37) формуладан қаршиликлар параллел уланганда занжирнинг эквивалент ўтказувчанлиги алоҳида шохобчалар ўтказувчанликларининг йифиндисига тенг деган хуоса чиқади.

(1-37) формула тармоқланган занжирнинг эквивалент қаршилигини аниқлашга имкон беради. Масалан, учта шохобча учун (1-37) тенгламанинг ўнг томонини умумий маҳражга келтирсак, қўйидаги эга бўламиш:

$$\frac{1}{r} = \frac{r_1 r_2 + r_1 r_3 + r_2 r_3}{r_1 r_2 r_3},$$

бундан занжирнинг эквивалент қаршилиги

$$r = \frac{r_1 r_2 r_3}{r_1 r_2 + r_1 r_3 + r_2 r_3}. \quad (1-38)$$

Агар шохобчаларнинг қаршиликлари тенг бўлса, у ҳолда

$$r = \frac{r_1^3}{3r^2} = \frac{r_1}{3}.$$

Агар тармоқланишнинг n та бир хил r_1 қаршиликли параллел шохобчалари бўлса, у ҳолда тармоқланишнинг эквивалент қаршилиги:

$$r = \frac{r_1}{n}. \quad (1-39)$$

Иккита параллел шохобчадан ташкил топган тармоқланишнинг эквивалент қаршилиги (1-37) тенгламага мувофиқ қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$r = \frac{r_1 r_2}{r_1 + r_2}. \quad (1-40)$$

Кўпчилик энергия истеъмолчилари, жумладан чўғланма лампочкалар, иситтич асблолар, двигателлар бирдек сақланадиган номинал кучланишда ишлаш учун мўлжалланган. Шу сабабли улар кўпчилик ҳолларда параллел уланади, чунки бундай усул билан улаган вақтда улар бир хил номинал кучланиш остида бўлади ва амалда улардан ҳар бирининг иш режими бошқаларнинг иш режимига боғлиқ бўлмайди.

1-9- мисол. Кучланиш $U = 115 \text{ в}$ бўлган линияга қуввати $P_1 = 3,5 \text{ кем}$ бўлган электродвигатель ва қуввати $P_2 = 2,3 \text{ кем}$ бўлган электропечка уланган. Линиядаги токнинг кучини аниқланг.

Двигателдаги токнинг кучи

$$I_1 = \frac{P_1}{U_1} = \frac{3500}{115} \approx 30 \text{ а.}$$

Электропечкадаги токнинг кучи

$$I_2 = \frac{P_2}{U} = \frac{2300}{115} = 20 \text{ а.}$$

Линиядаги ток кучи

$$I = I_1 + I_2 = 30 + 20 = 50 \text{ а.}$$

1-10- мисол. Қуввати $P_A = 100 \text{ вт}$ ва кучланиши $U = 220 \text{ в}$ бўлган чўғланма лампочканинг қаршилигини аниқланг. Параллел уланган йигирмата ана шундай лампочканинг ҳарцилигини аниқланг.

Қувват $P = UI = U^2/r$ бўлганинги учун чўғланма лампочканинг қаршилиги

$$r_A = \frac{U^2}{P_A} = \frac{220^2}{100} = 484 \text{ ом.}$$

Йигирмата параллел уланган лампочканинг умумий қаршилиги

$$r = \frac{r_A}{20} = \frac{484}{20} = 24,2 \text{ ом.}$$


в) Аралаш улаши

Ҳар бири кетма-кет ёки параллел уланган қаршиликлардан ташкил топган қаршиликлар ёки занжир участкаларини кетма-кет ёки параллел улаш аралаш улаш дейилади.

Аралаш улашга 1-9- расмда тасвирланган занжир иккита кетма-кет уланган участкалардан: иккита (r_2 ва $r_3 + r_4$) шоҳобчага эга бўлган BB участка ҳамда r_1 қаршиликтан иборат бўлган BG участканадан ташкил топган.

Тармоқланган участканинг қаршилиги (1-40) формуладан топилади:

$$r_{BB} = \frac{r_2(r_3 + r_4)}{r_2 + (r_3 + r_4)}.$$



1-9- расм. Қаршиликларни аралаш улаш.

Занжирнинг эквивалент қаршилиги

$$r = r_1 + r_{BB} = r_1 + \frac{r_2(r_3 + r_4)}{r_2 + (r_3 + r_4)}.$$

1-11- мисол. 1-9- расмда тасвирланган занжирнинг барча участкаларидағи токлар ва кучланишлар топилсин. Занжирнинг қисқичларидаги кучланиш $U_{AG} = 210 \text{ в.}$ Қаршиликлар $r_1 = 0,6 \text{ ом}; r_2 = 4 \text{ ом}; r_3 = 3,5 \text{ ом}; r_4 = 2,5 \text{ ом.}$

Занжирнинг умумий қаршилиги

$$r = r_1 + \frac{r_2(r_3 + r_4)}{r_2 + r_3 + r_4} = 0,6 + \frac{4(3,5+2,5)}{4+3,5+2,5} = 3 \text{ ом.}$$

Биринчи қаршилиқдаги ток

$$I = \frac{U_{AG}}{r} = \frac{210}{3} = 70 \text{ а.}$$

Биринчи қаршилиқдаги кучланиш

$$U_1 = I_1 r_1 = 70 \cdot 0,6 = 42 \text{ в.}$$

Занжирнинг тармоқланган қисмидаги кучланиши

$$U_{BB} = U_{AF} - U_1 = 210 - 42 = 168 \text{ в.}$$

Ток


$$I_2 = \frac{U_{BB}}{r_2} = \frac{168}{4} = 42 \text{ а.}$$

Ток

$$I_3 = \frac{U_{BB}}{r_3 + r_4} = \frac{168}{3,5 + 2,5} = 28 \text{ а.}$$

1-15. ИККИ СИМЛИ ЛИНИЯ

Электр энергия генератордан истеъмолчига симлар орқали узатилади. Тўғри ва тескари симлардан, изоляторлардан, бу изоляторлар ва симларни ушлаб турувчи тиргаклардан ташкил топган қурилма электр линия деб аталади (1-10- расм).



1-10-расм. Охириги учига нагрузка уланган икки симли линия.

Симлар қисқа бўлганда уларнинг қаршилигини эътиборга олмаса ҳам бўлади. Симлар узунроқ (ўнлаб метр ва ундан ҳам узунроқ) бўлганда симнинг қаршилигини эътиборга олмаслик мумкин эмас, чунки I ток ўтганда уларда кучланишнинг тушуви қуийдагича бўлади:

$$\Delta U = Ir = I \frac{2l}{\gamma S}, \quad (1-41)$$

бу ерда $2l$ — тўғри ва қайтган симларнинг узунлиги.

Линиянинг боши ва учидаги кучланишлар фарқи $U_1 - U_2$, линиядаги кучланиш тушувига teng бўлиб, бунга йўқотилган кучланиш дейилади, яъни

$$U_1 - U_2 = \Delta U = Ir. \quad (1-42)$$

Нагрузка (ток) нолдан номинал қийматгача ўзгарганда йўқотилган кучланиш ҳам токка пропорционал равишда ўзгаради. Линиянинг учидаги кучланиш ўзгармаганда линиянинг охиридаги кучланиш (у истеъмолчидаги кучланишга teng бўлади) $I = 0$ бўлганда $U'_2 = U_1$ дан нагрузка бор бўлганда $U'_2 = U_1 - \Delta U$ гача ўзгаради.

Шундай қилиб, кучланишнинг йўл қўйиладиган йўқотилиши истеъмолчилардаги кучланишнинг йўл қўйиладиган тебранишига teng. Бу йўқотилиш чўғланма лампочкалар учун номинал кучланишнинг 1 — 2 % ини, электродвигателлар учун эса 2 — 5 % ни ташкил этади.

Агар кучланишнинг йўл қўйиладиган йўқотилиши берилган бўлса, у ҳолда (1-41) формуладан фойдаланиб линия симининг зарур бўлган кўндаланг кесимини топиш мумкин.

$$S = \frac{2Il}{\gamma \Delta U}. \quad (1-43)$$

Кучланишнинг йўл қўйиладиган йўқотилишига қараб топилган кўндаланг кесим йўл қўйиш мумкин бўлган токка [бу ток симнинг қизиши билан белгиланади (1-3- жадвал)] мос келиш келмаслиги текшириб қўрилиши керак.

Симларда йўқотиладиган кучланишни токка кўпайтирсак линияда йўқотиладиган қувватни топамиз:

$$\Delta P = I \Delta U = I^2 r.$$

Линиянинг фойдали иш коэффициенти қўйидагича:

$$\eta = \frac{P_2}{P_1} = \frac{P_1 - \Delta P}{P_1} = 1 - \frac{\Delta U}{U_1}.$$

Шундай қилиб, нагрузка (ток) ортиши билан фойдали иш коэффициенти камая борар экан.

Кучланишнинг йўл қўйиладиган йўқотилиши 2 — 5% бўлганда фойдали иш коэффициенти 98 — 95% бўлади.

1-12- мисол. Учиди нагрузка — номинал токининг кучи $I=45$ а га тенг двигатели бўлган ва узунлиги $l=70$ м бўлган линия учун симларнинг кўндаланг кесимини танланг. Кучланиш 110 в. Кучланишнинг рухсат этилган йўқотилиши 5%. Симлар мисдан ясалган ва $\gamma = 57$ м/ом. мм^2 .

Симларнинг кўндаланг кесимини (1-43) формуладан аниқлаймиз:

$$S = \frac{2Il}{\gamma \Delta U} = \frac{2 \cdot 45 \cdot 70}{57 \cdot 110 \cdot 0,05} \approx 20 \text{ mm}^2.$$

Энг якин $S'=25 \text{ mm}^2$ стандарт кўндаланг кесимини танлаб оламиз.

Симларнинг танлаб олинган кўндаланг кесимини йўл қўйиладиган қизиши орқали текширайлик (1-12- §). 1-3- жадвалга биноан $S' = 25 \text{ mm}^2$ кўндаланг кесимга йўл қўйиладиган ток 125 амперга тенг, шунинг учун берилган 45 а ток йўл қўйса бўладиган тоқдир.

1-16. ТОК МАНБАИ ИШИННИНГ ИККИ РЕЖИМИ

Иккита ток манбаига эга бўлган (1-11- расм) занжирдаги токни устма-уст қўйиш усулидан фойдаланиб аниқлаш мумкин. Бу ҳолда занжирнинг ҳар бир участкасидаги ток занжирнинг қаршилиги ўзгармаганда бир-биридан мустақил равишда ишловчи манбаларнинг ҳар бири ҳосил қилган токларнинг алгебраик йиғиндиси сифатида аниқланади.

Занжирда битта биринчи манба мавжуд бўлганда занжирдаги ток қўйидагича бўлади:

$$I_1 = \frac{E_1}{r_{01} + r_{02} + r}.$$

Бу токнинг йўналиши E_1 электр юритувчи куч йўналиши билан бир хил бўлади.

Занжирда битта иккинчи манба мавжуд бўлганда эса занжирдаги ток қўйидагича:

$$I_2 = \frac{E_2}{r_{01} + r_{02} + r}.$$

Бу токнинг йўналиши E_2 электр юритувчи кучнинг йўналиши билан бир хил бўлади.

Занжирда бир вақтда иккита манба ишиласа ва уларнинг электр юритувчи кучлари бир хил йўналган бўлса, занжирдаги ҳақиқий ток:

$$I = I_1 + I_2 = \frac{E_1 + E_2}{r_{01} + r_{02} + r}. \quad (1-44)$$

Агар манбаларнинг электр юритувчи кучлари қарама-қарши йўналган бўлса, у ҳолда занжирдаги ток қўйидагича;

$$I = I_1 - I_2 = \frac{E_1 - E_2}{r_{01} + r_{02} + r}. \quad (1-45)$$

Манбаларнинг электр юритувчи кучлари қарама-қарши йўналган бўлса, $E_1 \neq E_2$ бўлгандагина занжирда ток мавжуд бўлади.

Фараз қилайлик, $E_1 > E_2$ бўлсин, у ҳолда катта электр юритувчи куч E_1 қаёққа йўналган бўлса, занжирдаги ток ҳам ўша томонга, яъни E_2 га қарама-қарши йўналган бўлади (1-11-расм). Токка қарама-қарши йўналган электр юритувчи куч рўпара ёки қарши электр юритувчи куч дейилади.

(1-45) формулага қўйидагича кўриниш бериш мумкин:

$$E_1 - E_2 = Ir_{01} + Ir_{02} + Ir, \quad (1-46)$$

бундан биринчи манбанинг электр юритувчи кучи

$$E_1 = E_2 + Ir_{01} + Ir_{02} + Ir.$$

Биринчи манбанинг қисқичларидаги U_{AB} кучланиш

$$U_1 = E_1 - Ir_{01} = E_2 + Ir_{02} + Ir, \quad (1-47)$$

иккинчи манбанинг қисқичларидаги U_{AB} кучланиш эса

$$U_2 = E_2 + Ir_{02}.$$

(1-47) tenglamанинг барча қисмларини I токка қўпайтирсак, қўйидагини ҳосил қиласиз:

$$U_1 I = EI - I^2 r_{01} = E_2 I + I^2 r_{02} + I^2 r. \quad (1-48)$$

Сўнгги tenglama текширилаётган занжирдаги энергиянинг бир секундлик балансини беради. Биринчи манбанинг қуввати $E_1 I$ дан шу манбада иссиқлика айланувчи $I^2 r_{01}$ қувватни айриб ташласак, биринчи манба ўзига нисбатан ташқи занжирга берадиган $U_1 I$ қувватни топамиз. Бу қувват r қаршилик ва иккинчи манбада сарфланади. Биринчи манбада олинадиган $I^2 r$ қувват r қаршиликда иссиқлика айланади. $I^2 r_{02}$ қувват иккинчи манбада иссиқлика айланади ва унда йўқотиладиган иссиқлиқдан иборат бўлади. Ниҳоят, иккинчи манба биринчи манбадан оладиган $E_2 I$ қувват шу иккинчи манба-

нинг тузилишига қараб (аккумулятор бўлса, у зарядланади, ўзгарамас ток машинаси бўлса, у электродвигатель бўлиб ишлайди) унда ё кимёвий ёки механик энергияга айланади.

Шундай қилиб, ток манбалари ё электр энергиянинг генератори режимида ёки истеъмолчи режимида ишлаши мумкин экан.

Агар манба генератор режимида ишласа, у ҳолда унинг кучланиши электр юритувчи кучдан кичик ($U < E$) бўлади, токнинг йўналиши эса электр юритувчи куч йўналиши билан бир хил бўлади.

Агар манба истеъмолчи режимида ишласа, у ҳолда унинг кучланиши электр юритувчи кучдан каттароқ ($U > E$) бўлади, ток билан электр юритувчи куч эса бир-бирига қарама-қарши йўналган бўлади.

1-17. КИРХГОФНИНГ ИККИНЧИ ҚОИДАСИ

1-12-расмда тасвирланган электр занжири генератор режимида ишловчи иккита манба ҳамда учта қаршиликдан ташкил топган. r_1 ва r_2 қаршиликларни манбаларнинг ички қаршиликлари ҳамда занжир мос участкаларининг қаршиликлари деб қараш мумкин.

Занжирнинг B ва D түгунлари орасидаги кучланишни (1-13) формуладан аниқлаш мумкин:

$$U_{BD} = E_1 - I_1 r_1 = E_2 - I_2 r_2,$$

бундан

$$E_1 - E_2 = I_1 r_1 - I_2 r_2 \quad (1-49)$$


ёки умумий кўринишда

$$\sum E = \sum Ir. \quad (1-50)$$

Сўнгги тенглама Кирхгофнинг иккинчи қоидаси номи билан машҳур: электр занжири ёпиқ контурининг барча электр юритивчи кучлари E нинг алгебраик йиғиндиси занжирнинг ўша контуридаги қаршиликларда юзага келган барча кучланишлар тушувлари (Ir) нинг алгебраик йиғиндисига тенг.

Кирхгофнинг иккинчи қоидасига биноан тенгламалар тузилаётганда агар электр юритувчи кучнинг йўналиши контурни айланиб чиқиши учун ихтиёрий танлаб олинган йўналиш билан устма-уст тушса, у ҳолда электр юритувчи куч «+» ишора билан олиниади.

Борди-ю, электр юритувчи куч контурни айланиб чиқиш йўналишига қарама-қарши йўналган бўлса, унга «—» ишора қўйилади.



1-12-расм. Иккита ток манбаига эга бўлган мураккаб занжирнинг схемаси.

Агар қаршиликдан ўтаётган токнинг йўналиши контурни айланаб чиқиши йўналиши билан устма-уст тушса, у ҳолда I_1 кучланиш тушуви «+» ишора билан олинади. Агар токнинг йўналиши контурни айланаб чиқиши йўналишига қарама-қарши бўлса, у ҳолда кучланиш тушувига «—» ишора қўйилади.

1-18. МУРАККАБ ЭЛЕКТР ЗАНЖИРЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ

Мураккаб занжирларни ҳисоблашнинг жуда кўп усуллари мавжуд. Улардан бири — устма-уст қўйиш усули билан биз 1-16- § да танишдик. Иккинчи усул — тугун ва контурлар учун ёзиладиган тенгламалар усули — Кирхгофнинг биринчи ва иккинчи қоидаларига асосланган.

Мураккаб электр занжирини ҳисоблаш учун занжирнинг схемаси, манба электр юритувчи кучнинг катталиги ва қутби, шунингдек занжир барча участкаларининг қаршиликлари берилган бўлади. Ҳисоблаш натижасида занжирнинг барча участкаларидаги токларнинг катталиги ва йўналишлари аниқланиши лозим.

Кирхгоф қоидасига асосан тенгламалар тузиш учун берилган катталиклардан ташқари, занжирнинг барча участкаларидаги токларнинг йўналишини билмоқ керак. Токларнинг йўналишларини ихтиёрий танлаб олиш мумкин; бу йўналишлар занжирнинг айrim участкаларида стрелкалар билан тасвирланади. Агар тенгламаларни ечандан кейин бирорта ток манфий қийматга эга эканлигини топилса, танлаб олинган йўналиш токнинг ҳақиқий йўналишига тескари эканлигини англатади.

Тузилган тенгламалар сони номаълум токлар сонига тенг бўлиши керак. Тугун учун тузилган тенгламалар сони берилган занжирдаги тугунлар сонидан биттага кам бўлиши лозим. Контур учун тенгламалар тузганда шундай энг содда контурларни танлаб олиш керакки, бу контурларнинг ҳар бирида илгари тузилган тенгламаларга кирмаған камида битта занжир участкаси бўлсин.

1-13- мисол. Агар $E_1 = 123 \text{ в}$; $E_2 = 115 \text{ в}$; $r_1 = 0,15 \text{ ом}$; $r_2 = 0,5 \text{ ом}$; $r_3 = 12 \text{ ом}$ бўлса (1-12- расм), I_1 , I_2 ва I_3 токлар топилсин.

Занжирнинг ҳамма участкаларида токлар учун ихтиёрий йўналишлар танлаб оламиз. Бу йўналишлар 1-12- расмда кўрсатилган.

Учта тенглама тузамиз. Улардан бирини Кирхгофнинг биринчи қоидасига асосан, иккитасини эса Кирхгофнинг иккинчи қоидасига асосан тузамиз.

Биринчи тенгламани B нуқта учун тузамиз:

$$I_1 + I_2 - I_3 = 0. \quad (1-51)$$

Иккинчи тенгламани $A B \mathcal{Z} D A$ контур учун тузамиз:

$$E_1 = I_1 r_1 + I_3 r_3. \quad (1-52)$$

Учинчи тенгламани $D G B \mathcal{Z} D$ контур учун тузамиз:

$$E_2 = I_2 r_2 + I_3 r_3. \quad (1-53)$$

Сўнгги икки тенгламага сон қийматлар қўйисак, қўйидагиларни ҳосил қиласиз:

$$123 = 0,15 I_1 + 12 I_3; \quad (1-54)$$

$$115 = 0,5 I_2 + 12 I_3. \quad (1-55)$$

Сўнгги тенгламага $I_2 = I_3 - I_1$ токни қўйсак:

$$115 = 0,5 I_3 - 0,5 I_1 + 12 I_3 = -0,5 I_1 + 12,5 I_3. \quad (1-56)$$

(1-55) тенгламани 0,8 га кўпайтириб ва (1-54) тенгламага қўшиб, қўйидагини топамиз:

$$\begin{aligned} 34,5 &= -0,15 I_1 + 3,15 I_3 \\ 123,0 &= 0,15 I_1 + 12,0 I_3 \\ \hline 157,5 &= 15,75 I_3. \end{aligned} \quad (1-57)$$

Бундан

$$I_3 = \frac{157,5}{15,75} = 10 \text{ а.}$$

\mathcal{K} ва З нуқталар орасидаги кучланиш:

$$U_{\mathcal{K}Z} = I_3 r_3 = 10 \cdot 12 = 120 \text{ в;}$$

$$I_1 = \frac{E_1 - U_{\mathcal{K}Z}}{r_1} = \frac{123 - 120}{0,15} = 20 \text{ а;}$$

$$I_2 = \frac{E_2 - U_{\mathcal{K}Z}}{r_2} = \frac{115 - 120}{0,5} = -10 \text{ а.}$$

I_1 ток олдидаги манфий ишора бу тоқнинг ҳақиқий йўналиши 1-12-расмда кўрсатилган йўналишига тескари эканлигини, демак, E манба истеъмолчи режимида ишлаётгандигини кўрсатади.

Мураккаб занжирларни ҳисоблашнинг учинчи усули — тугун кучланиши усулидир. Бу усул икки тугунли занжирларни ҳисоблашда ишлатилади (1-13-расм). Шохобчалардаги токларнинг мусбат йўналиши деб A тугундан B тугунга қараб йўналишини оламиз. Тугун кучланиши деб аталувчи B ва A тугунлар орасидаги кучланиш қўйидаги потенциаллар айрмасига тенг:

$$U = \Phi_B - \Phi_A.$$

Ом қонунига мувофиқ биринчи шохобчадаги ток

$$I_1 = \frac{E_1 - U}{r_1} (E_1 - U) g_1, \quad (1-58)$$

бунда r_1 ва g_1 — биринчи шохобчанинг генераторини ҳам ҳисобга олгандаги қаршилиги билан ўтказувчанлиги.

Иккинчи шохобчадаги ток:

$$I_2 = \frac{E_2 - U}{r_2} = (E_2 - U) g_2.$$

Учинчи шохобчадаги ток:

$$I_3 = (0 - U) g_3 = -U g_3.$$

Кирхгофнинг биринчи қоидасига асосан B нуқта учун қўйидагини ёзиш мумкин:

$$I_1 + I_2 + I_3 = 0.$$

Кейинги тенгламага шохобчадаги токларнинг ифодасини қўйсак, қўйидагини топамиз:

$$(E_1 - U) g_1 + (E_2 - U) g_2 + (-U) g_3 = 0.$$


Қавсларни очиб тугун кучланишини топамиз:

$$U = \frac{E_1 g_1 + E_2 g_2}{g_1 + g_2 + g_3}$$

ёки умумий кўринишида

$$U = \frac{\Sigma E g}{\Sigma g}. \quad (1-59)$$

Шундай қилиб, тугун кучланиши электр юритувчи куч билан тегишли шохобчалар



1-13- расм. Икки тугунли занжир.

ўтказувчалиги кўпайтмасининг алгебраик йигиндисини барча шохобчалар ўтказувчанликларининг йигиндисига нисбатига тенг экан.

Агар электр юритувчи кучлардан бири B тугундан A тугунга йўналган бўлса, у вақтда бу э.ю.к. (1-58) ва (1-59) формулаларга минус ишора билан қўйилади.

Тугун кучланишини (1-59) формулаага асосан толишида, шохобчалардаги токларни ҳам топишмиз мумкин, чунки

$$I_1 = (E_1 - U) g_1$$

ҳамда

$$I_2 = (E_2 - U) g_2.$$

Биз учта шохобчали занжирни текширдик, худди шунга ўхшаш йўл билан шохобчалари сони ихтиёрий бўлган занжирларни ҳам ҳисоблаш мумкин.

1-14- мисол. Икки тугунли занжир (1-13- расм) учун қўйидагилар берилган: $E_1 = 225 \text{ в}; E_2 = 226 \text{ в}; r_{01} = r_{02} = 0,50 \text{ м}; r_3 = 10 \text{ ом}$. Занжир участкаларидаги токларни топинг.

Тугун кучланишини ҳисоблайлик.

$$U = \frac{E_1 g_1 + E_2 g_2}{g_1 + g_2 + g_3} = \frac{225 \cdot 2 + 226 \cdot 2}{2 + 2 + 0,1} = 220 \text{ в}.$$

Занжирнинг участкаларидаги токлар:

$$\begin{aligned} I_1 &= (E_1 - U) g_1 = (225 - 220) \cdot 2 = 10 \text{ а}; \\ I_2 &= (E_2 - U) g_2 = (226 - 220) \cdot 2 = 12 \text{ а}; \\ I_3 &= -U g_3 = -220 \cdot 0,1 = -22 \text{ а}. \end{aligned}$$

Ечимларининг тўғрилигини текширайлик:

$$I_1 + I_2 + I_3 = 10 + 12 - 22 = 0.$$

Демак, масала тўғри ечишган.

1-19. ЧИЗИҚЛИМАС ЭЛЕКТР ЗАНЖИРЛАР

Ток кучлари турлича бўлганда ҳам ёки қисқичлардаги кучлашлар турлича бўлганда ҳам қаршилиги ўзгармай қоладиган электр занжир чизиқли занжир дейилади. Шу вақтгача биз ана шундай занжирларни текширдик.

Камида бирорта участкасининг (элементининг) қаршилиги ток кучига ёки кучланишга боғлиқ бўлган занжир чизиқлимас занжир дейилади. Чизиқлимас занжирларга чўғланма лампочкалар, электрон лампалар ва ҳозирги замон техникасида кенг қўлланаётган турли чала ўтказгич ва бошқа асбоблар мисол бўла олади.

Чизиқлимас занжирнинг қаршилиги (ўтказувчанлиги) доимий бўлмаганигидан, бундай занжирдаги ток унинг қисқичларидаги кучланишга пропорционал эмаслиги равшан, демак, бу занжирни ҳисоблашга Ом қонунини татбиқ этиб бўлмайди.

Чизиқлимас занжирлар одатда график усуллар билан ҳисобланади; бунда вольт-ампер характеристикалардан — ток кучининг занжирдаги кучланишга боғлиқлиги ($I = f(U)$) графикдан фойдаланилади.


Ток кучи билан кучланиш орасидаги боғланиш $I = f(U)$ дан иборат бўлган оа тўғри чизиқ (1-14- расм) чизиқли занжирнинг вольт-ампер характеристикасидир, чунки токнинг (куchlанишнинг) исталган қиймати учун занжирнинг ўтказувчанлигидан иборат I/U нисбат ўзгармас бўлади.

об ва ов эгри чизиқлар занжир чизиқлимас участкаларининг вольт-ампер характеристикаларидир.

Иккита кетма-кет уланган чизиқлимас элементли занжирни (1-15- расм) ҳисоблаш учун битта координаталар ўқида занжир ҳар бир элементининг $I_1 = f_1(U_1)$ ва $I_2 = f_2(U_2)$ вольт-ампер характеристикаларини чизамиз.

Кетма-кет улашда занжирнинг қисқичларидаги кучланиш унинг алоҳида участкаларидаги кучланишларнинг йиғиндинсига тенг бўлганлигидан токнинг айни бир қийматига мос келувчи U_1 ва U_2 кучланишларни бир-бирига қўшиб, занжирнинг $I = f(U)$ вольт-ампер характеристикиси нуқталарини топамиз (1-16- расм), масалан, токнинг ихтиёрий I' қийматига мос келувчи A' нуқта $A'_0 A'_1$ ва $A'_0 A'_2$ абсциссаларни қўшиш натижасида ҳосил қилинган.


Агар берилган кучланишда занжирдаги токни топиш зарур бўлса, у вақтда абсциссалар ўқига тармоқнинг $U_c(O_1, O')$ кучланишини қўйиб ва занжирнинг $I = f(U)$ вольт-ампер характеристикиси билан кесишгунча перпендикуляр ўтказиб. A нуқтани топамиз. Ана шу нуқтанинг ординатаси занжирдаги берилган кучланишга мос I токни кўрсатади. A нуқтадан абсциссалар ўқига параллел чизиқ ўтка-




1-14- расм. Вольт-ампер характеристикаларига.

зид, занжирнинг мос участкаларидаги U_1 ва U_2 кучланишларни ифодаловчи A_0A_1 ва A_0A_2 кесмаларни топамиз.

Иккита чизиқлимас элемент параллел уланганда (1-17- расм), тармоқнинг кучланиши U_c га мос келувчи ҳар бир элементдаги токни уларнинг вольт-ампер характеристикаларидан (1- 18- расм) топиш мумкин. Параллел шохобчаларда кучланиш бир хил бўлганидан, $U_c(O, O')$ кучланишни мос ўқдан ажратиб, I_1 ва I_2 токларни (OA_1 ва OA_2' кесмаларни) топамиз.




1-15- расм. Иккита чизиқлимас элементли кетма-кет занжир.




1-16- расм. Вольт-ампер характеристикалари (кетма-кет занжир).

Агар I_1 ва I_2 токларни берилган умумий I ток бўйича топиш талаб этилса, у ҳолда параллел шохобчаларнинг кучланишининг айни бир қийматига мос келувчи вольт-ампер характеристикасининг мос ординаталарини қўшиб, умумий $I = f(U)$ вольт-ампер характеристикини чизиш зарур.



1-17- расм. Иккита чизиқлимас элементли параллел занжир.



1-18- расм. Вольт-ампер характеристикалари (параллел занжир).

1-15-мисол. Занжирнинг қисқичларидаги кучланиш $U_3 = 130$ в бўлса, иккита кетма-кет уланган чизиқлимас элементлардаги ток кучи I ҳамда U_1 ва U_2 кучланишлар топилисин.


Вольт-ампер характеристикалар 1-4- жадвалдаги маълумотларга асосан чизилади.

I-15- мисолга доир

U	σ	0	20	40	60	80	100
I_1	a	0	0,11	0,27	0,5	0,80	—
I_2	a	0	0,07	0,16	0,28	0,40	0,56

Участкаларнинг вольт-ампер характеристикаларини чизиб, ток кучининг бир хил: 0,1; 0,2; 0,3; 0,4; 0,5 а қийматларига мос келувчи биринчи ва иккинчи участкаларнинг абсциссаларини топиб ва уларни ўқ бўйича қўйиб, занжирнинг вольт-ампер характеристикасини чизиш учун нуқталар топамиз (1-19- расм).

Ана шу характеристикадан тармоқнинг кучланиши $U_{\text{зан.}} = 130$ в учун занжирдағы ток кучи $I = 0,4$ а эканини топамиз. Бу нуқта орқали абсцисса ўқига параллел тўғри чизиқ ўтказсан, $U_1 = 52$ в ва $U_2 = 78$ в кучланишларни топамиз.




1-19--расм. I-15- мисолга доир.

1-20. ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ ЛИНИЯДА КУЧЛАНИШНИНГ ИСРОФЛАНИШИ

Бу лаборатория ишини бажаришдан аввал 1-5- § билан ҳамда 500-бетдаги илованинг мазмунни билан танишиб чиқинг.

Иш плани

1. Асбобларнинг асосий техник маълумотларини ёзиб олинг.
2. Икки симли мис линиядан фойдаланиб, схема тузинг (1-20- расм) ва уни раҳбарингизга кўрсатинг.
3. Нагрузканинг уч-тўрт қийматида амперметр билан вольтметрнинг кўрсатишими ёзиб олинг.
4. Вольтметрларнинг кўрсатишига қараб, исроф бўлган кучланиш ($\Delta U'$) ни топинг.
5. Ўша исроф бўлган кучланишни Ом қонунидан фойдаланиб топинг.



1-20- расм. Лаборатория ишига доир: линияда кучланишнинг исроф бўлиши.

1-5- жадвал

Тартиб №	Линиядаги симминг материалы	U_1	U_2	I	I	S	τ	$\Delta U'$	$\Delta U''$	ΔP	η
		в	в	а	м	м \cdot м ²	м/см \cdot м ²	в	в	вт	%

6. Ҳар бир нагрузка учун линияда истроф бўладиган қувват (ΔP) ни ва линиянинг фойдали иш коэффициенти (η) ни хисобланг.


7. Пўлат симли линия учун ёш артибида ўлчашлар ва ҳисоблар ўтказинг.

8. Кузатиш ва ҳисоблаш натижаларини 1-5- жадвалга ёзинг.

Иккинчи боб. ТОКНИНГ ХИМИЯВИЙ ТАЪСИРИ

2-1. ЭЛЕКТРОЛИТЛАРДА ЭЛЕКТР ТОКИ

Ионли ўтказувчаниликка эга бўлган иккинчи тур ўтказгичларга кислоталар, тузлар, ишқорларнинг эритмалари, шунингдек баъзи суюлтирилган тузлар киради. Моддаларнинг қисман ёки тўлиқ ионлардан ташкил топган эритмалари ёки суюлтирилган ҳолатдаги моддалар электролитлар дейилади. Водород ва металл молекулалари мусбат ионлар, электролитлар металлмас қолдиқларининг молекулалари эса манфий ионлар ҳосил қиласди.



2-1- расм. Электролитда ток

Электролитга ботирилган иккита электродга манбадан кучланиш берайлик (2-1- расм). Аноддан катодга қараб йўналган электр майдони таъсирида мусбат ионлар майдон бўйлаб катодга қараб, манфий ионлар эса майдонга тескари, яъни анодга қараб ҳаракатланади. Электролитда ионларнинг ана шундай ҳаракати ион токидир.

Электролитнинг манфий ионлари анодга урилиб, унга ортиқча электронларини беради ва бу электронлар занжир бўйлаб ҳаракатини давом эттиради. Мусбат ионлар катодга бориб, занжир бўйлаб келаётган электронлар билан қўшилади. Электродлардаги бу процесслар натижасида химиявий ўзгаришлар юз беради. Бунда электролитларда электролитнинг таркибий қисмлари ажралиб чиқади.

Фарадей қонунигේ биноан, катодда ажралиб чиққан модда миқдори G электролит орқали ўтган электр миқдорига пропорционал, яъни:

$$G = cQ = cIt. \quad (2-1)$$

(2-1) формуладаги пропорционаллик коэффициенти c электрохимияйи эквивалент деб аталади; у бир кулон электр миқдори катодда ажратиб чиқарган модданинг миллиграммларда ҳисобланган миқдорига тенг.

Модданинг электрохимияйи эквиваленти модданинг атом оғирлиги A ни унинг валентлиги n га ва ўзгармас сон 96500 га бўлинганига тенг. Шундай қилиб, электрохимияйи эквивалент қўйида-гича бўлади:

$$c = \frac{10^3 A}{96500 n} \approx 0,0104 \frac{A}{n}.$$

Турли моддалар учун электрохимияйи эквивалент турлича қийматга эга, масалан, мис учун 0,329 мг/к, кумуш учун 1,118 мг/к.

Электролит орқали электр ток ўтганда электродларда электролит таркиби қисмларининг ажралиб чиқиши процесси электролиз дейилади.

Электролиз соф металлар, хусусан мис олишда кенг қўлланилади.

Мисни электролиз йўли билан тозалаш (рафинлаш) учун бир оз сульфат кислотаси қўшилган мис купоросидан иборат электролит тўлдирилган ванналарга юпқа мис пластинкалар — катодлар туширилади, электролиз процессида уларга электролитик мис ўрнашиб қолади. Электролитда эрийдиган анод вазифасини алганга усул билан олинган хомаки мис пластинкалар ўтайди.

Гальванопластика асосларини 1804 йилда академик Б. С. Якоби ишлаб чиқкан. Гальванопластика рельефли нақшлар, босмахона клишелари ясаш ва расмлар босиш учун ишлатиладиган металл ёки металлмас буюмларга металл ўтказиш процессидан иборатdir (17- бобга қаранг).

Гальваностегия — металл буюмга уни коррозиядан сақлаш ёки унга чиройли тус бериш учун иккинчи бир металл қатлами қоплаш (хромлаш, никеллаш) дан иборатdir.

Электрохимияйи силликалаш — металларнинг сиртига ишлов беришининг прогрессив усулларидан бири. Бу процесс металлдаги дўнгликларни эритиб юборишдан иборат бўлиб, бунинг натижасида сирт ойнадек силликланиб қолади (17- бобга қаранг).


Электрлаштирилган темир йўлларнинг излари ток ўчун қайтиш сими вазифасини ўтайди. Уларда кучланиш сезиларли тушса, бაъзи участкаларда ток тармоқланиб рельслардан ташқари, параллел йўллар орқали, масалан, темир йўл ёқасида ерга ётқизилган қувурлар орқали ўтиши ҳам мумкин.

Ток қувурлардан чиқиб ер орқали рельсларга қайтган жойларни электролитик ваннанинг аноди деб қараш мумкин. Ўша жойларда қувурлар парчаланиб тезда емирилиб кетиши мумкин.

2-2. ГАЛЬВАНИК (БИРЛАМЧИ) ЭЛЕМЕНТЛАР

Химиявий энергияни электр энергияга айлантирувчи қайтмас процесслар юз берадиган химиявий ток манбалари (ХТМ) гальваник ёки бирламчи элементлар дейилади.

Вольтнинг энг содда гальваник элементи (2-2-расм) сульфат кислотанинг сувдаги эритмасига түширилган рух ва мис электроддан иборатdir. Бу кислотанинг бир қисм молекулалари сув ёрдамида мусбат (2H) ва манфий (SO_4^{2-}) ионларга ажралади. Рух электрод электролитда химиявий кучлар таъсирида эрийди. Рухнинг мусбат ионлари эритмага ўтади ва манфий (SO_4^{2-}) ионлар билан бирикib мис купороси (Zn SO_4) нинг нейтрал молекулаларини ҳосил қилади. Водороднинг мусбат ионлари электролитни мусбат зарядлайди. Рух электрод манфий зарядланади. Натижада рух — электролит чегара қатламида потенциаллар фарқи юзага келади ва электролитдан рух электродга қараб йўналган электр майдон ҳосил бўлади. Майдон кучлари рухнинг мусбат ионлари электролитга ўтишига тўсқинлик қилади. Электр майдони кучлари билан химиявий



2-2-расм. Вольта элементи ва уни улаш схемаси.

кучлар орасида мувозанат юзага келгач, рухнинг электролитда эриши тўхтайди. Мусбат ионлар (2H) нинг бир қисми электролитда деярли эримайдиган мис электролитнинг эркин электронларни ҳисобига нейтраллашади. Бунинг натижасида мис электрод электролитнинг потенциалидан кам фарқ қиласидиган мусбат потенциалга эга бўлади.

Элементнинг электр юритувчи кучи (э. ю. к.) мис ва рух электродлар орасидаги потенциаллар фарқига — агар элементга ташки занжир уланмаган бўлса, электролитлар орасидаги кучланишга teng. Вольта элементининг электр юритувчи кучи 1,1 вольтга тенг. Элементнинг электр юритувчи кучи манфий электроддан (қисқичдан) мусбат электродга қараб йўналган ва ундаги токнинг йўналишига мос келади.

Рубильникни улаб элементнинг қисқичларига ташки занжирни туаштирамиз (2-2-расм). Электр юритувчи куч таъсирида занжирда ток ҳосил бўлади, бунда занжирнинг ташки участкасида электронлар манфий қисқичдан мусбат қисқичга қараб ҳаракатланади.

Ток электролларда зарядларни камайтиради, демак, электр майдонини камайтириб электр ва химиявий кучлар орасидаги мувозанатни бузади. Химиявий кучлар таъсирида электролитга рухнинг янги ионлари ўтади. Водород ионлари эса мис электродга яқинлашиб, унинг эркин электронлари билан бирлашиб, водороднинг нейтрал молекулаларига айланади. Мис электрод ёмон ўтказувчи ва уни электролитдан ажратиб қўювчи водород пуфакчалари қат-

лами билан қопланади. Бу ҳодиса элементнинг қутбланиши дейилади. У элемент электр юритувчи кучининг камайнишига ва ички қаршилигининг ортишига олиб келади. Қутбланиш ҳодисасини бартараф қилиш учун деполяризаторлар — осонгина кислород берадиган моддалар, масалан, марганец тўрт оксид ишлатилади. Деполяризаторнинг кислороди водород билан бирикиб, сув ҳосил қиласди ва электродни ёмон ўтказувчи водород қатламидан тозалайди.


Ҳозирги вақтда электротехника заводларида тайёрланадиган турли хилдаги бирламчи элементлар орасида марганец-рухли элементлар (МРЭ) жуда кенг тарқалган.

Бу элементлар қуруқ ва ичига суюқлик қўйиладиган қилиб тайёрланади.

Суюқлик қўйиладиганларига бевосита ишлатиш арафасидагина электролит қўйилиб ишга туширилади. Бу элементлар яна резерв элементлар ҳам деб аталади, чунки улар электролит қўйилмаси узоқ вақт сақланиши мумкин. Марганец-рухли элементлар стаканга ўхшатиб ҳамда галетали қилиб ясалади.

Стаканга ўхшаган марганец-рухли элементлар (2-3- расм) манфий рух электрод бир вақтнинг ўзида цилиндр ёки тўғри бурчакли стакан кўринишига эга бўлган идиш вазифасини ҳам ўтайди.

Мусбат электрод вазифасини стаканнинг марказига жойлаштирилган кўмир стержень ўтайди. Кўмир электрод атрофига деполяризатор (марганец икки оксиди, графит ва қурум аралашмаси) пресс-лаб жойлаштирилган. Деполяризатор билан рух стакан орасидаги



2-3- расм. Стакан типидаги марганец-рухли элемент.

бўшлиқ электролит билан тўлдирилади, әлектролит хлорли аммоний (новшадил) нинг сувдаги эритмасига баъзи бир тузлар ва қуюқлантирувчи — ун қўшиб тайёрланади.

МРЭ нинг электр юритувчи кучи тахминан 1,5 вольтга тенг. Элементни ишлатган вақтда йўл қўйиладиган энг катта ток элементнинг номинал разряд токи дейилади. Элементдан бутун иши давомида олиниши мумкин бўлган электр миқдори элементнинг сифими дейилади. Сифим ампер-соатларда ўлчанади.

$$1 \text{ а}\cdot\text{с} = 3600 \text{ а}\cdot\text{сек} = 3600 \text{ к.}$$

Марганец-рухли элементларнинг оғирлиги бир неча граммдан 1 килограммгача ва ундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин. Алоҳида элементлардан кучланиши 160 вольтларгача етадиган батареялар йиғилиди. Улар чўнтақ фонарларида, эшитиш аппаратларида, радиотехникада, алоқа аппаратларида ва ҳоказоларда ишлатилади.


2-3. АККУМУЛЯТОРЛАР (ИККИЛАМЧИ ЭЛЕМЕНТЛАР)

Зарядсизлангандан кейин иш қобилиятини зарядлаш йўли билан, яъни зарядсизлананаётганда ўтган токка тескари йўналишда ток ўтказиш йўли билан қайтадан тикласа бўладиган химиявий ток манбалари (ХТМ) аккумулятор ёки иккиламчи элементлар дейилади.

Аккумулятор зарядсизланганда химиявий энергия электр энергияга, зарядланиш вақтида эса, аисинча, электр энергия химиявий энергияга айланади.

ХТМ ларнинг тузилиши турлича бўлиши мумкин, бироқ, асосан аккумуляторлар ҳам гальваник элементлар каби бир-биридан әлектролит қатлами — иккичи жинс ўтказгичлар билан ажратилган иккита электроддан — биринчи жинс ўтказгичдан тузилган бўлади.

Ҳозирги вақтда қўрошинли ёки кислотали, кадмий-никелли, темир-никелли ёки ишқорли аккумуляторлар жуда кенг тарқалган.



2-4- расм. Қўрошинли аккумулятор.

a) Қўрошинли (кислотали) аккумуляторлар

Қўрошинли аккумулятор әлектролитли идишга туширилган қўрошин пластинкаларнинг икки блокидан иборат (2-4- расм). Бир блок ўзаро қўрошин тасма ёрдамида кавшарланган мусбат пластинкалардан ҳосил бўлади. Иккичи блок эса биринчи блок пластинкалари орасига жойлашган манфий пластинкалардан ташкил топади.

Мусбат пластинкалар металл қўрошиндан ясалган бўлиб, бу пластинкаларнинг әлектролитга тегадиган сиртини орттириш мақсадида уларни қиррали қилиб ясалади (2-5- расм).

Манфий пластинкалар ичига актив масса пресслаб киритилган қўрғошин қолиплардан иборат. Пластинкалар тайёрлангандан кейин уларга махсус электролитик ишлов берилади — формировка килинади.

Электролит вазифасини сульфат кислотанинг H_2SO_4 сувдаги 25 — 35 % ли эритмаси ўтайди.

Зарядланган аккумуляторда мусбат пластинка — аноднинг актив массаси қўрғошин пероксидидан PbO_2 манфий пластинканинг катодниг актив массаси эса фовак қўрғошин (Pb) дан иборат бўлади.

Зарядланган аккумуляторни истеъмолчига уласак, у ток манбаи бўлиб хизмат қилиди; аккумуляторнинг бундай иш режими зарядсан иш деб аталади.

Зарядсизланиш вақтида электродларнинг қўрғошин пероксиди билан металл қўрғошин сув ажратиб чиқариб, қўрғошиннинг сульфат кислотали ($PbSO_4$) бирикмасига айланади. Бу ҳодиса электролитнинг концентрациясини, унинг ўтказувчанигини ва аккумуляторнинг электр юритувчи кучини камайтиради.

Зарядланган вақтда реакция тескари тартибда боради.


Зарядланган аккумуляторнинг электр юритувчи кучи 2,2 в.

Зарядсизланиш вақтида аккумуляторнинг қисқичларидағи кучланиш аввал 2,2 вольтдан 2 вольтгача жуда тез, кейин эса 1,8 вольтгача секин тушади. Кучланиш бундан кейин ҳам туша бошласа, аккумуляторни бузиб қўймаслик учун зарядсизланишни тўхтатиш лозим.

Зарядланиш вақтида аккумулятор орқали зарядсизланиш вақтидағи токнинг йўналишига тескари йўналишда ток ўтиши керак, шунинг учун аккумуляторни зарядлайдиган манбанинг мусбат қисқичи (плюс) аккумуляторнинг плюсига, аккумуляторнинг минуси эса манбанинг катодига уланиши зарур. Зарядлаш вақтида аккумулятордаги кучланиш дастлаб тезда 2,2 вольтгача, кейин эса аста-секин 2,3 вольтгача кўтарилади. Зарядлаш процесси тугагандан кейин, водород ажралиб чиқа бошлайди; бу водород пуфакчалар ҳолида электролит сиртига кўтарилади (аккумулятор қайнайди). Бу вақтда кучланиш 2,6 ва 2,7 вольтгача етади, ана шундан кейин аккумуляторни узиб, зарядланиш процессини тўхтатиш керак.

Зарядланган аккумулятордан олиниши мумкин бўлган электр миқдори Q унинг сифими дейилади ва ампер-соатларда ўлчанди.

Зарядсизланиш вақтида аккумулятор берган электр миқдорининг



2-5-расм. Қўрғошинли аккумуляторнинг пластинкалари.

зарядлаш вақтида олган электр миқдорига нисбати қайтариш көфициенти дейилади:

$$\eta_0 = \frac{Q_{3-\text{сиз}}}{Q_3}; \quad (2-2)$$

құрғошин аккумуляторнинг қайтариш көфициенті 0,9—0,95.


Аккумулятор зарядсизланган вақтда ундан олинган $W_{3-\text{сиз}}$ энергиянинг зарядлаш вақтида сарфланган W_3 энергияга нисбати фойдалы иш көфициенти дейилади:

$$\eta = \frac{W_{3-\text{сиз}}}{W_3}, \quad (2-3)$$

құрғошинли аккумуляторнинг фойдалы иш көфициенті 0,75 — 0,8.

Аккумулятордан нотұғри фойдаланиш унинг сифими камайиб кетиши ёки ишдан чиқышига олиб келади. Аккумулятор тоза бўлиши, уни оксидланишдан сақлаш учун қисқичларини техник вазелиннинг юпқа қатлами билан қоплаб қўйиш зарур. Декадада камидаги 1 марта электролитнинг сатхини ва аккумуляторнинг зарядланганини текшириб туриш керак. Зарядланмаган аккумуляторни сақлаш мумкин бўлмаганидан аккумуляторни вақт-вақти билан зарядлаб туриш лозим.

Аккумуляторни зарядлаш вақтида нотұғри улаш етарли дара жада зарядламаслик, зарядланмаган аккумуляторни сақлаш, электролит сатхининг пасайиб кетиши ва унинг зичлиги ортиқча бўлиши аккумуляторларнинг сульфатацияланишига, яъни құрғошиннинг майдага кристаллик сульфидининг аккумулятор ишида иштирок этмайдиган эримас химиявий бирикмаларга айланишига, натижада аккумуляторнинг бузилишига олиб келади.



2-6-расм. Ишқорлы аккумулятор:
а) умумий күрниши; б) пластинкалар.

б) Ишқорлы аккумуляторлар

Ишқорлы аккумуляторлар электролит билан тұлдырылған берк пұлат идишга туширилған пластинкаларнинг иккита блокидан иборат (2-6-расм).

Ишқорлы аккумуляторнинг электродлари пұлат рамкалардан иборат бўлиб, уларга тешик-тешик пұлат тасмадан ясалған ясси тұртбурчак қутичалар жойлаштирилған. Бу қутичалар актив масса билан тұлдырылған. Кадмий-никелли элементда мусбат пластинкалардаги актив масса никель оксидининг гидрати $(Ni(OH))_3$ дан, манфий пластинкалардагиси эса ғовак кадмийдан иборат бўлади. Темир-никелли элементдаги мусбат пластинкаларнинг актив массаси ҳам никель оксидининг гидратидан, манфий пластинкаларникои эса ғовак темирдан иборат бўлади.

Электролит вазифасини ўювчи калий (KOH) ёки ўювчи натрий ($NaOH$) нинг сувдаги 21% ли эритмаси ўтайди.

Зарядсизланиш вақтида никель оксидининг гидрати никель зақиси гидратига, ғовак темир (кадмий) эса — темир (кадмий) гидратига айланади. Зарядлаш вақтида реакция тескари йўналишда боради. Зарядланган аккумуляторнинг электр юритувчи кучи 1,4 в.

Зарядсизланиш вақтида кучланиш дастлаб тезда 1,4 в дан 1,3 в гача, кейин эса секин 3,15 в гача тушади; ана шу кучланишда аккумуляторнинг зарядсизланишини тұхтатмоқ зарур. Зарядлаш вақтида кучланиш 1,15 в дан тезда 1,75 в гача күтарилиб, сўнг бироз пасаяди, кейин эса аста-секин яна 1,85 в гача күтарилади.

Ишқорлы аккумуляторларнинг ички қаршилиги кислотали аккумуляторларнинг қаршилигидан каттароқ, шунинг учун бир томондан уларниңг фойдали иш коэффициенти паст — 0,5 — 0,6, иккинчи томондан қисқа туташувларга сезгирилиги камроқ.

Ишқорлы аккумуляторлар қўроғини аккумуляторларга қарандан механик пухта ва енгилроқ ҳамда ортиқча қаровни талаб этмайди.


2-4. ТОК МАНБАЛАРИНИ УЛАШ

Агар истеъмолчининг номинал кучланиши билан токи ток манбаининг мос катталикларидан катта бўлса, у ҳолда ток манбаларини биргаликда ишлатиш мақсадида кетма-кет, параллел ёки группа қилиб улаб элементлар батареяси ҳосил қилинади.

Агар истеъмолчининг кучланиши U алоҳида элементнинг E_0 э. ю. к. идан катта бўлиб, унинг номинал токи эса элементнинг зарядсизланиш токидан ортиб кетмаса, элементлар кетма-кет (2-7- расм) уланади.

Кетма-кет уланадиган элементлар сони n қўйидаги нисбат билан белгиланади:

$$n \geqslant \frac{U}{E_0}.$$



2-7- расм. Ток манбаларини кетма-кет улаш.

Элементларнинг э.ю.к. и ва бу э.ю. к ларнинг йўналишлари бир хил бўлиши керак; бу эса биринчи элементнинг манфий қисқичи-ни иккинчи элементнинг мусбат қисқичига ва жоказо улашга имкон беради.

Бу ҳолда батареяниг э.ю.к. и

$$E = nE_0 \quad (2-4)$$

га, ички қаршилиги

$$r = nr_0 \quad (2-5)$$

га, зарядсизланиш токи эса битта элементнинг зарядсизланиш то-кига тенг бўлади.

Агар истеъмолчининг токи I элементнинг зарядсизланиш токи $I_{3-сиз}$ дан катта, истеъмолчининг кучланиши эса элементнинг кучла-

нишига тенг бўлса, у ҳолда элементларни параллел улаш усулидан фойдаланилади (2-8-расм). Параллел улашда элементларнинг мусбат қисқичлари бир ту-гунга, манфий қисқичлари эса иккинчи тутунга уланади.

2-8- расм. Ток манбаларини параллел улаш.

Уланадиган элементларнинг э.ю.к. и ва ички қаршиликлари бир хил бўлиши лозим.

Параллел уланадиган элементлар сони m қўйидаги муносабатдан аниқланади:

$$m \geqslant \frac{I}{I_{3-сиз}} -$$

Элементларни бундай улашда батареяниг э.ю.к. и битта эле-ментнинг э. ю. кига, яъни


$$E = E_0, \quad (2-6)$$

ички қаршилиги

$$r = \frac{r_0}{m} \quad (2-7)$$

га, батареяниг зарядсизланиш токи ҳар бир элементнинг зарядсиз-ланиш токининг элементлар сонига кўпайтмасига тенг, яъни:

$$I = I_{3-сиз} \cdot m. \quad (2-8)$$



2-9- расм. Ток манбаларини группалаб улаш.

Группалаб улаш — ҳам кетма-кет, ҳам параллел улашdir (2-9-расм). Бу усул истеъмолчининг токи билан кучланиши элементнинг кучланиши билан зарядсизланиши токидан катта бўлган ҳолларда кўлланилади. Группадаги кетма-кет уланган элементлар сонининг ва параллел группалар сони m юқорида кўрилган формулалар ёрдами-да аниқланади.

2-1- м исол. Қуввати 1,75 кет ва кучланиши 110 в бўлган авария ёриткичини таъминлаш учун нечта аккумулятор зарурлигини ва уларни улаш усулини аниқланг. Аккумуляторнинг электр юритувчи кучи $E = 2v$, зарядсизланиши то-ки эса $I_{3-\text{сиз}} = 6a$.

Истеъмолчининг токи

$$I = \frac{P}{U} = \frac{31750}{110} \approx 16 \text{ a.}$$

Истеъмолчининг кучланиши билан токи элементнинг кучланиши билан заряд-сизланиш токидан катта бўлганлиги учун группалаб улаш усулини қўллаймиз.

Бир группадаги кетма-кет уланган элементлар сони

$$n > \frac{U}{E_0} = \frac{110}{2} = 55;$$

параллел группалар сони эса

$$m > \frac{I}{I_p} = \frac{16}{6} = 2,5.$$

$m = 3$ ни танлаб оламиз.

Аккумуляторларнинг умумий сони $nm = 55 \cdot 3 = 165$.

Учинчи боб ЭЛЕКТРОМАГНЕТИЗМ

3-1. МАГНИТ ИНДУКЦИЯСИ. МАГНИТ ОҚИМИ


Магнит майдони ҳам электр майдон каби, электромагнит майдонининг бир қисми ва материянинг бир туридир. Магнит майдон, масалан электр зарядлар ҳаракатланган вақтда, хусусан, токли симлар атрофида юзага келади. Магнит майдони магнит майдон энергияси деб аталувчи энергияга эга бўлиб, бу энергия турлича, масалан, токли симнинг унинг магнит майдони турган иккичи токли симга таъсири орқали ёки токли сим магнит майдонининг магнит стрелкасига таъсири орқали намоён бўлади.

Магнит майдони таъсирида маълум вазиятни эгаллаган магнит стрелкасининг шимол қутби кўрсатадиган йўналиш магнит майдонининг йўналиши деб олинади.


Магнит майдони магнит чизиқлари (магнит индукцияси чизиқлари) билан тасвирланади. Улар чизиқнинг ҳар бир нуқтасига ўтказилган уринманинг йўналиши майдон йўналиши билан устма-уст тушадиган қилиб ўтказилади.

Магнит майдонининг токнинг йўналиши билан боғлиқ. Бу боғланиш парма қоидасига асосан аниқланади: *агар парманинг илгариланма ҳаракати токнинг йўналиши билан устма-*

уст түнсіса (3-1-расм) бу қолда парма дастасининг айланышын магнит чизикларнинг йұналишини күрсатады. Агар парма дастасининг айланышы йұналиши контурдеги токнинг йұналиши билан үстма-уст түнсіса (3-2-расм), у қолда уннан магнит индукцияның әсерін көрсеткіштің кесібіндең үткесін магнит чизикларнинг йұналишини күрсатады.



3-1-расм. Парма қоидаси.



3-2-расм. Ҳалқасынан ток учун парма қоидаси.

амперларда, узунлик метрларда үлчанади, шу сабабы магнит индукциясынинг үлчов бирлигі қуидегіча бўлади:

$$[B] = \left[\frac{F}{\text{Н}} \right] = \frac{\text{Н}}{\text{А} \cdot \text{м}} = \frac{\text{ж/м}}{\text{А} \cdot \text{м}} = \frac{\text{в} \cdot \text{к}}{\text{А} \cdot \text{м}^2} = \frac{\text{в} \cdot \text{а} \cdot \text{сек}}{\text{А} \cdot \text{м}^2} = \frac{\text{в} \cdot \text{сек}}{\text{м}^2}.$$

Вольт-секунд вебер (вб), вебернинг квадрат метрга нисбати эсатесла (тл) деб аталади. Шундай қилиб:

$$[B] = \frac{\text{вб}}{\text{м}^2} = \text{тл}.$$

Магнит майдонига уннан йұналишига перпендикуляр равища I ток ўтаётган түғри чизикли симнинг I узунлікдеги участкасини киритайлик (3-3-расм).

Тажриба орқали симнинг ўша участкасига F куч таъсир ицилишини ба бу куч катталиқ жиҳатдан токка, сим участкасига узунлігига, ҳамда B магнит индукцияси катталиги билан характерланувчи магнит майдонининг интенсивлігига пропорционал эканига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Шундай қилиб, куч

$$F = IBl. \quad (3-1)$$

Езилганлардан қуидеги келиб чиқади:

$$B = \frac{F}{Il}, \quad (3-2)$$

яъни магнит индукцияси ток ўтаётган симнинг участкасига таъсир этувчи механик кучнинг ток билан сим участкаси узунлігининг күпайтмасига нисбати билан үлчанар экан. Бунда сим, албатта, майдон йұналишига перпендикуляр жойланган бўлиши керак.

Халқаро бирликлар системаси (СИ) да куч ньютоналарда, ток

(А) да үзунлик метрларда үлчанади, шу сабабы магнит индукциясынинг үлчов бирлигі қуидегіча бўлади:

Тесла бирлигидан ташқари, баъзан магнит индукциясининг СИ системага алоқаси бўлмаган бирлик гаусс (gs) ҳам ишлатилади, бунда

$$1 \text{ gs} = 10^{-4} \text{ ml}, \text{ ёки } 1 \text{ ml} = 10^4 \text{ gs}.$$

Магнит индукцияси — вектор катталиkdir. Магнит индукцияси векторининг йўналиши берилган нуқтадаги майдон йўналиши билан устма-уст тушади.

Ҳамма нуқталаридан магнит индукциясининг векторлари катталик жиҳатдан бир хил ва бир-бирига параллел бўлган магнит майдони биржинсли майдон дейилади.

Магнит чизиқларидан факат майдоннинг йўналишини кўрсатиш учунгина эмас, балки унинг интенсивлигини характерлаш учун ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг учун магнит майдонига перпендикуляр бирлик юза орқали шартли равища майдоннинг шу жойидаги магнит индукциясига teng ёки пропорционал сондаги чизиқлар ўтказилади.

Б магнит индукциясининг магнит индукцияси векторига перпендикуляр S юзга кўпайтмаси магнит оқими деб аталади, яъни

$$\Phi = BS. \quad (3-3)$$

Магнит индукцияси теслаларда (ml), юз эса квадрат метрларда ўлчангандигидан ва $1 \text{ ml} = \frac{1 \text{ eb}}{1 \text{ m}^2}$ эканлигини ҳисобга олсан, магнит оқими веберларда ўлчанишини топамиз:

$$[\Phi] = ml \cdot m^2 = \frac{eb}{m^2} \cdot m^2 = eb.$$

Магнит оқимининг СИ системага алоқаси бўлмаган майдароқ бирлиги макслел деб аталади:

$$1 \text{ mcs} = 10^{-8} eb = gs \cdot cm^2.$$


Магнит индукцияси магнит майдони йўналишига тик сиртнинг бирлик юзи орқали ўтувчи магнит чизиқлари сони билан характерланганлиги учун магнит оқими S юз орқали ўтувчи чизиқлар билан характерланади.

3-2. ЭЛЕКТРОМАГНИТ КУЧ

a) Магнит майдонидаги тўғри ўтказгич

Магнит майдони томонидан шу майдондаги токли ўтказгичга таъсир этувчи куч электромагнит куч деб аталади.


Олдинги параграфда айтилганларга асосан электромагнит куч I токка, B магнит индукцияга ва ўтказгичнинг актив узунлиги l га,



3-3- расм. Магнит майдонидаги токли сим.

яъни унинг магнит майдонида жойлашган қисмига боғлиқдир. Агар сим билан магнит индукция вектори ўзаро перпендикуляр бўлса, у ҳолда куч энг катта қийматга эга бўлади ва (3-1) формулага биноан аниқланади. Электромагнит кучнинг йўналиши чап қўл қоидаси бўйича аниқланади: чап қўлнинг кафтини шундай тутиликки, магнит индукция вектори кафтимиэга кирсин, тўртма узатилган бармоқларимиз эса токнинг йўналиши билан устма-уст тушсин, ана шунда тўғри бурчак ҳосил қилиб жойлаширилган бош бармоғимиз электромагнит кучнинг йўналишини кўрсатади (3-4-расм). Агар сим билан B векторнинг йўналиши орасидаги α бурчак 90° га teng бўлмаса, у ҳолда электромагнит куч $\sin\alpha$ га пропорционал бўлади, яъни бу ҳолда

$$F = BIl \sin \alpha. \quad (3-4)$$



3-4-расм Чап қўл қондаси.

3-1- мисол. Индукцияси $1,2 \text{ тл}$ га teng бўлган бир жинсли магнит майдонда актив узунилиги 30 см га teng сим жойлашган. Симдан 500 а ток ўтади. Агар сим магнит индукцияси векторига перпендикуляр бўлса, унга таъсир этувчи электромагнит кучни топинг.

$$F = BIl = 1,2 \cdot 500 \cdot 0,3 = 180 \text{ н},$$

ёки $1 \text{ н} = 0,102 \text{ кг}$ бўлганлиги учун

$$F = 180 \cdot 0,102 = 18,36 \text{ кг}$$

Агар токли тўғри сим (3-5-расм) бир жинсли магнит майдонида электромагнит куч таъсирида ўзига параллел ҳолда магнит чизиқларига тик йўналишда b масофага кўчса, у ҳолда электромагнит куч қуидаги механик ишни бажарган бўлади:

$$A = Fb = IBlb = IBS = I\Phi, \quad (3-5)$$

бунда $S = lb$ — сим силжиган вақтда чизган юза.

3-5-расм. Ўтказгичнинг магнит майдонида b масофага кўчиши.

Шундай қилиб, токли сим магнит майдонда кўчган вақтда электромагнит куч бажарган механик иш токнинг сим кесиб ўтган магнит оқимига кўпайтмасига teng экан.

3-2- мисол. 40 см узунликдаги 200 а токли ўтказгич магнит индукцияси $1,5 \text{ тл}$ га teng бир жинсли майдонда кўчган вақтда бажарилган ишни топинг. Ўтказгич магнит чизиқларига перпендикуляр текисликда 25 см га кўчган.

Ўтказгич кесиб ўтган магнит оқими:


$$\Phi = BS = 1,5 \cdot 0,4 \cdot 0,25 = 0,15 \text{ вв.}$$

Ўтказгич кўчган вақтда бажарилган иш:


$$A = \Phi \cdot I = 0,15 \cdot 200 = 30 \text{ ж.}$$

б) Магнит майдонидаги контур

3-6- расмда түғри түртбұрчак шаклидаги токли ғалтак (рамка) тасвирланған. Рамканиң расм текислигига перпендикуляр жойлашған томонлари бир жинсли магнит майдонида ётади. Шу сабабли рамканиң ана шу томонларига айлантирувчи момент ҳосил қила-диган F электромагнит күчлар таъсир қиласы. Ана шу айлантирувчи момент таъсирида токли рамка у күчлар ўзаро мувозанат-



3-6- расм. Магнит майдонидаги токли контурға таъсир этадиган айлантирувчи момент.



3-7- расм. Токли контурға таъсир этувчи электромагнит күчлар рамканиң томонларини бир-бираидан қочирнішта интилади.

лашадиган ҳолатни олишга интилади (3-7- расм); бу ҳолатда рамка чегаралаб турған сиртни энг күп магнит оқими кесиб ўтади. Бундан қүйидеги қоюда келиб чиқады: магнит майдонидаги токли контур электромагнит күчлар таъсирида контур орқали ўтувчи магнит оқими энг катта бўладиган ҳолатни олишга интилади.

в) Магнит майдонидаги ҳаракатланувчи электрон

Ўтказгичдаги ток эркин электронларнинг маълум йўналиши ҳаракатидир. l узунликдаги ўтказгичга таъсир этувчи электромагнит күч (3-1):


$$F = IBl.$$

Агар l узунликдаги ўтказгичнинг ҳажмидаги эркин электронлар сонини N орқали белгиласак, у ҳолда алоҳида электронга таъсир этувчи электромагнит күч

$$f = \frac{F}{N}.$$

Электронларнинг зарядини $Q = Nq$ деб ва электронларнинг ўртача ҳаракат тезлигини $v = l/t$ деб белгилаб, майдон магнит чизиқларига тик ҳаракат қилаётган электронга таъсир этувчи электромагнит күчнинг ифодасини қўйидагича ёзамиз:

$$f = \frac{F}{N} = \frac{Q}{t} Bl \frac{1}{N} = \frac{Nq}{t} Bl \frac{1}{N} = Bqv. \quad (3-6)$$




3-8- расм. Ҳаракатланған электронга таъсир этувчи электромагнит күчнинг йўналиши.

Бу күчнинг йўналиши чап қўл қоидасига асосан аниқланади, бироқ бунда қўлнинг узатилган тўртта бармоги электрон ҳаракати йўналишига тескари йўналтирилиши лозим (3-8- расм).

3-3. ТОКЛИ ЎТКАЗГИЧЛАРНИНГ ЎЗАРО ТАЪСИРИ

Бир-биридан a масофада ётган иккита параллел тўғри чизиқли ўтказгичлар орқали I_1 ва I_2 токлар ўтаётган бўлсин (3-9- расм).

Хар бир токли ўтказгичнинг атрофида магнит майдони юзага келтанилиги учун I_2 токнинг магнит майдонида ётган I_1 ўтказгичга F_1



3-9- расм. Токли симлар орасидаги ўзаро таъсир электромагнит кучлари.

электромагнит куч, I_1 токнинг магнит майдонида ётган I_2 токли ўтказгичга эса F_2 электромагнит куч таъсир қиласди.

Симларга таъсир этувчи F_1 ва F_2 кучлар доим бир-бирига тенг, яъни $F_1 = F_2$. эканлиги тажриба йўли билан аниқланган.

Токлари бир томонга йўналган ўтказгичлар ўзаро тортиса, токлари қарама-қарши йўналган ўтказгичлар эса ўзаро итаришади. Бунинг тўғрилигига парма ва чап қўл қоидаларини татбик этиш билан осонгина ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Агар ўтказгичлар ўзаро параллел жойлашган участканинг узунлиги ўтказгичлар яқинлашиш қисмининг узунлиги l улар орасидаги масофа a дан анча катта бўлса, у ҳолда F куч токлар билан ўтказгичлар яқинлашиш қисмининг узунлиги кўпайтмасига тўғри пропорционал ва улар орасидаги масофага тескари пропорционал ҳамда симлар жойлашган муҳитга боғлиқ бўлади, яъни

$$F_1 = F_2 = F = \mu_a \frac{I_1 I_2}{2\pi a} l. \quad (3-7)$$

Абсолют магнит киритувчанлик μ_a магнит майдони юзага келадиган муҳитнинг магнит хоссаларини характерлайди.

Агар ўтказгичлардаги токлар бир-бирига тенг, яъни $I_1 = I_2 = I$ бўлса, у ҳолда куч:

$$F = \mu_a \frac{I^2}{2\pi a} l.$$

Токли ўтказгичлар орасидаги ўзаро таъсир кучлари айниқса қисқа туташув вақтларида катта қийматларга эришиши мумкин.

(3-1) ва (3-7) формулаларга мувофиқ токли ўтказгичларга таъсир этувчи куч

$$F = B_1 I_2 l = B_2 I_1 l = \mu_a \frac{I_1 I_2}{2\pi a} l,$$

токли ўтказгич ўқидан a масофада ётган нуқталардаги магнит индукцияси (3-2) га асосан қуйидагича:

$$B_1 = \mu_a \frac{I_1}{2\pi a} \text{ ва } B_2 = \mu_a \frac{I_2}{2\pi a}.$$

Шундай қилиб, токли ўтказгич ўқидан бир хил a масофада ётган ҳамма нуқталарда магнит индукция бир хил қийматларга эга бўлар экан:

$$B = \mu_a \frac{I}{2\pi a}. \quad (3-8)$$

3-4. МАГНИТ КИРИТУВЧАНЛИК

Майдоннинг магнит индукцияси токка, токли ўтказгичнинг ўлчамлари ва шаклига ҳамда магнит майдони ҳоссаларига боғлиқдир. Барча шароитлар бир хил бўлганда вакуумдаги магнит индукциясини турли муҳитлардаги магнит индукцияси билан солишиб натижасида магнит майдони вакуумдагига нисбатан баъзи муҳитларда кучлироқ, баъзи муҳитларда эса заифроқ бўлиши аниқланган. Бунинг сабаби муҳитлар магнит хоссаларининг турличалигидир. Юқорида айтилганидек, муҳитнинг магнит хоссаларини характерловчи катталик абсолют магнит киритувчанилдири.

(3-8) тенгламадан:

$$\mu_a = B \frac{2\pi a}{l}.$$

Магнит индукцияси тесла тарда, яъни $T\cdot\text{л} = \text{в}\cdot\text{сек}/\text{м}^2$ ларда, масофа — метрларда, ток эса амперларда ўлчангандигидан:

$$[\mu_a] = \frac{\text{в}\cdot\text{сек}\cdot\text{м}}{\text{м}^2\cdot\text{л}} = \frac{\text{ом}\cdot\text{сек}}{\text{м}} = \frac{\text{гн}}{\text{м}}.$$

Ом·сек генри (гн) деб аталгани учун магнит киритувчанликнинг бирлиги генри тақсим метр бўлади.

Тажрибадан маълумки, ферромагнит материаллардан ташқари ҳаво ва барча моддаларнинг абсолют магнит киритувчанлиги вакуумнинг абсолют магнит киритувчанлигига яқин бўлади. Вакуумнинг магнит киритувчанлиги магнит доимийси дейилади:

$$\mu_0 = 4\pi \cdot 10^{-7} \text{ гн}/\text{м}. \quad (3-9)$$

Материалларнинг абсолют магнит киритувчанлиги магнит доимийси μ_0 билан μ магнит киритувчанликнинг кўпайтмаси билан ифоде

даланади бу магнит киритувчанлик берилган мөдданинг абсолют магнит киритувчанлиги магнит доимийсидан неча марта катталиги-ни күрсатади. Шундай қилиб,

$$\mu_a = \mu \cdot \mu_0.$$

Хаво учун $\mu = 1$ эканлиги ҳисобга олинса, $\mu_a = \mu_0 = 4\pi \cdot 10^{-7} \text{ Гн/м}$ бўлади. У вақтда (3-8) формуулани ҳисоб учун қулайроқ бўлган янги кўринишда ёзамиш:

$$B = 4\pi \cdot 10^{-7} \frac{I}{2\pi a} = \frac{2I}{a} \cdot 10^{-7}, \quad (3-10)$$

бунда B — теслаларда, I — амперларда, a — метрларда ифодаланган.

3-3- мисол. 800 а ток ўтаётган ўтказгичнинг ўқидан 5 см масофадаги магнит индукциясининг қўйматини топинг:

$$B = \frac{2I}{a} \cdot 10^{-7} = \frac{2 \cdot 800}{0,05} \cdot 10^{-7} = 32 \cdot 10^{-4} \text{ тл.}$$

3-4- мисол. Узунлеклари 2 метрдан, ораларидағи масофа 10 см бўлган иккита параллел ўтказгич орқали қисқа туташув токи $I_1 = I_2 = 10000$ а ўтаётган бўйса, улардан ҳар бирига таъсир этувчи кучни топинг:

$$F = \mu_a \frac{I}{2\pi a} l = 4\pi \cdot 10^{-7} \frac{10000^2 \cdot 2}{2\pi \cdot 0,1} = 400 \text{ н.}$$

3-5. МАГНИТ МАЙДОНИННИГ КУЧЛАНГАНЛИГИ. МАГНИТ КУЧЛАНИШ

Магнит майдонини ҳисоблаган вақтда кўпинча магнит майдонининг кучланганлиги деб аталувчи катталик ишлатилади. У майдоннинг берилган нуқтасидаги магнит индукциясини абсолют магнит киритувчанликка нисбати билан аниқланади. Шундай қилиб, майдон кучланганлиги

$$H = \frac{B}{\mu_a} = \frac{B}{\mu \mu_0}. \quad (3-11)$$

Бирликларнинг халқаро системасида магнит индукцияси теслаларда ($1 \text{ тл} = 1 \text{ в.сек}/\text{м}^2$), магнит киритувчанлик генри тақсим метрларда, майдон кучланганлиги эса ампер тақсим метрларда ўлчанади:

$$[H] = \frac{\text{тл}}{\text{Гн} \cdot \text{м}} = \frac{\text{в.сек}}{\text{м}^2} \cdot \frac{\text{м}}{0,4 \cdot \text{сек}} = \frac{\text{а}}{\text{м}}.$$

Магнит майдонининг баъзан ишлатиладиган, бироқ СИ система-сига алоқаси бўймаган иккинчи бирлиги бу эрстеддири (3):

$$1 \approx 80 \text{ а/м}. \quad (3-12)$$

Магнит майдони кучланганлиги магнит индукциясига ўхшаш вектор катталиктар, унинг йўналиши берилган нуқтадаги майдон йўналиши билан устма-уст тушади.

Магнит индукцияси μ_a га пропорционал (3-8), майдон кучланганлиги эса магнит индукциясини μ_a га бўлганига тенг (3-11) бўл-

ганидан, бир жинсли муҳитда майдон кучланганлиги магнит кири-түвчанликка, демак, муҳитнинг хоссаларига боғлиқ әмаслиги равшан.

Электр кучланиш каби магнит майдони кучланганлигининг магнит чизиғи узунлигининг участкасига кўпайтмаси магнит кучланши дейилади:

$$U_m = Hl. \quad (3-13)$$

Магнит кучланиши амперларда ўлчанади, чунки

$$[U_m] = \frac{a}{M} \cdot M = a.$$

Магнит индукциясининг бутун узунлиги бўйича олинган магнит кучланиши магнит юритувчи куч (м. ю. к.) ёки магнитловчи куч (м. к.) дейилади ва F_m ҳарфи билан белгиланади.

3-6. ТЎЛИҚ ТОК ҚОНУНИ

Токли ўтказгичнинг ўқидан a масофада ётган нуқтадаги (3-10-расм) магнит индукцияси (3-8) формулага биноан қуйидагича:

$$B = \mu_a \frac{l}{2\pi a}.$$

Ёзилган ифоданинг ўнг ва чап қисмини абсолют магнит киритувчанликка бўлиб, токли симдан a масофадаги магнит майдони кучланганлигини топамиз

$$H = \frac{B}{\mu_a} = \frac{l}{2\pi a}, \quad (3-14)$$

бундан

$$I = H 2\pi a = Hl,$$

бунда $l = 2\pi a$ -- айлана узунлиги ёки токли тўғри ўтказгич атрофидаги магнит чизигининг узунлиги.


Магнит майдонининг магнит чизиғи узунлигига кўпайтмаси магнитловчи кучдан иборат, демак,

$$I = F_m.$$

Агар ўтказгич бир нечта симдан ташкил топган бўлса, у ҳолда I токни токлар йиғиндиси ёки барча симларнинг тўлиқ токи деб қараш мумкин, яъни $I = \sum I'$, демак,

$$\sum I = F_m. \quad (3-15)$$

Ёзилган формула қуйидагича ўқиласи: магнитловчи куч берилган магнит чизиғи билан чегараланган сиртни кесиб ўтuvchi тўла токка (токларнинг алгебраик йиғиндисига) тенг.



3-10- расм. Симнинг ўқига перпендикуляр жойлашган сирт устида ётган токли сим.

Ёзилган ифода тұлық ток қонуни деб аталади. Биз бу қонунниң энг содда мисолда күріб чиқдик.


Үмумийроқ ҳолда—магнит майдонининг кучланганлиги магнит чизигининг турли участкаларида турли қийматларга ега бўлса:

$$F_m = H_1 l_1 + H_2 l_2 + H_3 l_3 + \dots \quad (3-16)$$

3-7. ТОКЛИ ҒАЛТАКНИНГ МАГНИТ МАЙДОНИ

Текис тақсимланган w чулғамдан иборат бўлган ҳалқасимон ғалтакнинг (3-11-расм) ўрта магнит чизиги билан устма-уст тушувчи R радиусли айланда чизамиз.

Ўрта магнит чизиги билан чегараланган сиртни кесиб ётувчи тўла ток



3-11-расм. Ҳалқасимон ғалтак.

Симметрия туфайли ўрта магнит чизигида ётувчи нуқталардаги майдон кучланганлиги H бир хил бўлади. Магнитловчи куч

$$F_m = Hl = H2\pi R.$$

Тўлиқ ток қонунига бионан

$$Iw = Hl.$$

Ҳалқасимон ғалтакнинг ўрта магнит чизигидаги (ўқ чизигидаги) магнит майдони кучланганлиги

$$H = \frac{Iw}{l}. \quad (3-17)$$

Магнит индукцияси эса

$$B = \mu_a H = \mu_a \frac{Iw}{l}. \quad (3-18)$$

Ҳалқасимон ғалтакнинг ўқ чизигидаги магнит индукциясини унинг ўртача қийматига тенг деб олиб ($R_1 - R_2 \ll R_1$ бўлганда ана шундай деб олиш мумкин), ғалтакнинг магнит оқими учун қўйидаги ифодани ёзамиз:

$$\Phi = BS = \mu_a \frac{IwS}{l} \quad (3-19)$$

Еки

$$\Phi = \frac{Iw}{\frac{l}{\mu_a S}} = \frac{F_m}{R_m}. \quad (3-20)$$

(3-20) ифода әлектр занжири учун ёзилган Ом қонунига ўхшайди, шунинг учун ҳам у магнит занжири учун Ом қонуни деб аталади; бунда Φ —магнит оқими; у токка ўхшайди; F_m —м. к. э. ю. к. га ўхшайди, R_m —магнит занжирининг—магнит узатувчининг қарши-

лиги эса электр занжирининг қаршилигига ўхшайди. Бу ерда магнит занжири деганда магнит узатувчини, яъни ўзакни тушунмоқ керак, бунда м.к. (магнитловчи куч) таъсири остида магнит оқими тулашади.

Цилиндрик ғалтакни (3-12-расм) ўрами фақат ўзакнинг ғалтак узунлигига тенг қисмида жойлашган чексиз радиусли халқасимон ғалтакнинг бир қисми деб қараш мумкин. Ғалтакнинг маркази—ўқ чизифидаги майдон кучланганилиги билан магнит индукцияси ҳалқасимон ғалтак учун ишлатилган (3-17) ва (3-18) формулалардан топилади. Бироқ, бу формулалар цилиндрик ғалтак учун тақрибийдир. Улардан узунлиги диаметридан анча катта бўлган узун ғалтаклар ичидаги H ва B ларни аниқлашда фойдаланиш мумкин.

3-5- мисол. Агар узунлиги 40 см, диаметри 5 см ва чулгамлари сони $w=1500$ га тенг цилиндрик ғалтак орқали 4 а ток ўтаётган бўлса, унинг магнит оқимини топинг. Ғалтакнинг ўзаги ферромагнит бўлмаган материалдан ясалган ($\mu=1$):

$$\Phi = \mu_0 \frac{IwS}{l} = \frac{4\pi \cdot 10^{-7} \cdot 4 \cdot 1500\pi \cdot 0,000625}{0,4} = 9,2 \cdot 10^{-8} \text{ вб.}$$



3-12- расм. Цилиндрик ғалтак.


3-8. ЭЛЕКТРОМАГНИТ ИНДУКЦИЯ

а) Симда индукцияланган электр юритувчи куч

Магнит майдонида ҳаракатланиб магнит чизиқларини кесиб ўтувчи ҳар қандай симда электр юритувчи куч уйғонади; бу электр юритувчи куч деб, ҳодисанинг ўзи эса электромагнит индукициянига яд кечиб беради.

3-13-расмда бир жинсли майдонда ўзгармас v тезлик билан магнит чизиқларига перпендикуляр йўналишда ҳаракатланаётган сим кўрсатилган.

Сим ҳаракатланаётганда симнинг эркин электронлари билан мусбат ионлари ҳам ўша v тезлик билан кўчади. Демак, ҳар бир зарядли заррачага йўналиши чап қўйл қоидасига асосан аниқланадиган электромагнит куч (3-2-§) таъсири қиласи. Электромагнит кучлар электронларни симнинг бир учига кўчириб, у ерда манфий зарядлар пайдо қиласи. Симнинг иккинчи учида эса электронлар етишмаганлиги туфайли мусбат заряд ҳосил бўлади. Электромагнит кучлар электр майдони кучлари ёрдамида ажратилган зарядларни мувозанатлаштирганидан кейинги зарядларнинг ажравлиш процесси тўхтайди. Магнит майдонида ҳаракатланаётган учлари узилган симнинг учларидаги потенциаллар фарқи электромагнит индукция электр юритувчи кучига тенг.



3-13- расм. Магнит майдонида симнинг ҳаракати.

(1-3) га биноан l узунлиқдаги симнинг учларидаги электр юритувчи куч

$$E = \mathcal{E}l.$$

Симдаги электр майдонининг кучланганлиги

$$\mathcal{E} = \frac{F}{q},$$

электронга таъсир этувчи куч эса (3-6) га кўра $F = Buq$, демак

$$E = Bul. \quad (3-21)$$

Шундай қилиб, индукцияланган электр юритувчи куч майдон магнит индукциясини симнинг узунлигига ва унинг магнит чизиқларига перпендикуляр йўналишда ҳаракатланиш тезлигига кўпайтмасига тенг экан.

Индукцияланган электр юритувчи кучнинг йўналиши ўнг қўл қоидасига асосан аниқланади: ўнг қўлнинг кафтини магнит чизиқлари унга кирадиган қилиб жойлаштирасак, тўғри бурчак остида жойлашган бош бармоғимиз симнинг ҳаракат йўналишини, узатилган тўртта бармоғимиз индукцияланган электр юритувчи кучнинг йўналишини кўрсатади (3-14- расм).

Майдон магнит индукцияси векторига нисбатан α бурчак остида жойлашган текисликда ҳаракатланувчи ўтказгичдаги индукцияланган электр юритувчи кучни аниқлаётганда тезликнинг магнит индукция векторига перпендикуляр ташкил этувчисини, яъни $v_n = v \sin \alpha$ ни олиш керак.

Ўтказгич магнит чизиқлари бўйлаб ҳаракатланганда ($v \cos \alpha$) электромагнит кучлар ҳосил бўлмайди.

Шундай қилиб э. ю. к.

$$E = Blv_n = Blv \sin \alpha. \quad (3-22)$$

3-14- ра м. Ўнг қўл
қондаси.

Агар сим майдон магнит чизиқларига перпендикуляр текисликда Δt вақт ичида Δb масофага ҳаракатланаётган бўлса, у ҳолда унда индукцияланган э. ю. к.

$$E = Blv = Bl \frac{\Delta b}{\Delta t}.$$

Магнит индукцияси B билан $\Delta S = l \Delta b$ юзанинг кўпайтмаси сим ҳаракатланган вақтда кесиб ўтган $\Delta \Phi = B \Delta S$ магнит оқимига тенг бўлганлиги учун симда индукцияланган э. ю. к.


$$E = \frac{Bl \Delta b}{\Delta t} = \frac{\Delta \Phi}{\Delta t}. \quad (3-23)$$

Шундай қилиб, симда индукцияланган э. ю. к. симнинг магнит оқимини кесиб ўтиш тезлигига тенг экан.

б) Контурда индукцияланган электр юритувчи күч

Магнит чизиқлари (крестчалар билан кўрсатилган) контур текислигига перпендикуляр бўлган бир жинсли эмас майдонда ҳаракатланаётган контурда (3-15-расм) индукцияланган э. ю. к. ни аниқлайлик.

Контур стрелка билан кўрсатилган йўналишда ҳаракатланганда, унинг 3 ва 4 томонлари магнит чизиқларини кесмайди, демак, уларда э. ю. к. индукцияланмайди. Контурнинг 1 ва 2 томонларида e_1 ва e_2 э. ю. к. лар индукцияланади; уларнинг ўнг қўл қоидасига мувофиқ топилган йўналиши расмда стрелкалар билан кўрсатилган. (3-23) га кўра э. ю. к. нинг каталиги:



3-15-расм. Магнит майдонида контурнинг ҳаракати.

$$e_1 = \frac{\Delta\Phi}{\Delta t} \text{ ва } e_2 = \frac{\Delta\Phi_2}{\Delta t},$$

бунда $\Delta\Phi_1$ ва $\Delta\Phi_2$ —контурнинг 1 ва 2 томонлари Δt вақт ичидаги кесиб ўтган оқимлар. 1 томон контурга кираётган $\Delta\Phi_1$ оқимни, 2 томон эса контурдан чиқаётган $\Delta\Phi_2$ оқимни кесади. Магнит оқимининг йўналиши берилганда парма қоидасига мувофиқ e_2 нинг йўналиши мусбат, e_1 нинг йўналиши эса манфий бўлади, демак, контурда индукцияланган э. ю. к.:

$$e = e_2 - e_1 = \frac{\Delta\Phi_2 - \Delta\Phi_1}{\Delta t}.$$

Контур ҳаракатланмасдан аввал кесиб ўтган оқимни Φ_1 , Δt : вақт ўтгандан кейин кесиб ўтилган оқимни Φ_2 (контурнинг ҳолатлари пунктир билан кўрсатилган) билан белгилаб, қўйидагини топамиз:

$$\Phi_2 = \Phi_1 + \Delta\Phi_1 - \Delta\Phi_2.$$

Контурни кесиб ўтувчи оқимнинг Δt вақт ичидаги орттирмаси:

$$\Delta\Phi = \Phi_2 - \Phi_1 = \Delta\Phi_1 - \Delta\Phi_2,$$

еки

$$\Delta\Phi_2 - \Delta\Phi_1 = -\Delta\Phi,$$

контурда индукцияланган э. ю. к.

$$e = -\frac{\Delta\Phi}{\Delta t}. \quad (3-24)$$

Бу формула э. ю. к. нинг Δt вақт ичидаги ўртача қийматини кўрсатади. Вақтнинг ихтиёрий моментидаги э. ю. к. нинг қиймати-

ни аниқлаш учун оқимнинг чексиз кичик dt вақт оралиғидаги $d\Phi$ ортиринасина топиб қойидаги ифодани ёзиш керак:

$$e = -d\Phi/dt. \quad (3-25)$$

(3-24) ва (3-25) ифодалар контурда э. ю. к. пайдо бўлиши учун контурни кесиб ўтувчи магнит оқимининг ўзгариши зарур шарт эканини кўрсатади.

Агар контур битта эмас, кетма-кет уланган w та чулғамдан ташкил топган, яъни ғалтакдан иборат бўлса, унда индукцияланган э. ю. к. бир чулғамдагидан w марта катта бўлади, яъни

$$e = -w \frac{d\Phi}{dt}. \quad (3-26)$$

Чулғамлар сонини уларни кесиб ўтувчи магнит оқимига кўпайтё маси оқим илашиши дейилади ва ψ ҳарф билан белгиланади:

$$\psi = w\Phi, \quad (3-27)$$

демак, э. ю. к.

$$e = -w \frac{d\Phi}{dt} = -\frac{d\psi}{dt}, \quad (3-28)$$

яъни ғалтакда индукцияланган э. ю. к. оқим илашишнинг камайиши тезлигига тенг экан.


Контур 3-15-расмда тасвирланган йўналишда ҳаракатланганда контур магнит оқимининг ортиринасига манфий бўлади, чунки $\Delta\Phi_2 > \Delta\Phi_1$ ва $\Delta\Phi < 0$, яъни контурни кесиб ўтувчи оқим камаяди. Демак, (3-25) га асосан э. ю. к. мусбат ва соат стрелкаси ҳаракати бўйича йўналган бўлади, э. ю. к. каби контурда у ҳосил қилган ток ҳам мусбат ва э. ю. к. билан бир томонга йўналган бўлади. Бу ток магнит оқимини вужудга келтиради, бу оқим эса парма қоидасига биноан камая бораётган магнит оқими билан бир томонга йўналган бўлади. Шундай қилиб, контурни кесиб ўтувчи оқимнинг камайиши контурга илашган оқимнинг камайишини компенсациялашга интилувчи ва оқим билан бир хил йўналган э. ю. к. ва ток вужудга келтиради.

Контур тескари томонга ҳаракатланганда $\Delta\Phi > 0$, (3-25) га асосан э. ю. к. манфий ҳамда соат стрелкаси ҳаракатига тескари йўналган бўлади, э. ю. к. га ўхшаб у вужудга келтирган ток ҳам манфий ва э. ю. к. бўйлаб йўналади, ток ҳосил қилган магнит оқими эса контурнинг ўсиб бораётган магнит оқимига тескари йўналган бўлади. Шундай қилиб, контурнинг оқими ўсганда э. ю. к. билан ток вужудга келади ва бу ток ўзининг магнит оқими ёрдамида контур оқимининг ўсишини компенсациялашга интилади.

Кўрилганлардан қўйидагича хулоса чиқариш мумкин; агар э. ю. к. контурни кесиб ўтувчи магнит оқимининг ўзгариши сабабли вужудга келган бўлса, у ҳолда индукцияланган э. ю. к. ўзи вужудга келтирган ток контурдаги оқимнинг ўзгаришига қаршилик кўрсатадиган бўлиб йўналади

Бу қонуниятни 1833 йилда рус академиги Э. Х. Ленц очган бўлиб. Ленц қонуни деб аталади: *индукияланган э. ю. к. нинг йўналиши шундайки, у ҳосил қилган ток э. ю. к. ни вужудга келтирувчи сабабга тескари таъсир кўрсатади.*

3-16-расмда устига металл ҳалқа жойлаштирилган ўзакли ғалтак тасвиirlанган. Ғалтакдаги ток ортганда ёки ҳалқа билан ғалтак бир-бирига яқинлаштирилганда ҳалқани кесиб ўтувчи магнит оқими ортади ва унда э. ю. к. индукияланниб, ток ўтади. Ленц қонунига биноан ҳалқада i ток юзага келтирган магнит оқимининг йўналиши ғалтакнинг оқимига тескари бўлади. Парма қоидасидан фойдаланиб, индукияланган i токнинг йўналишини осонгина аниқлашимиз мумкин.



3-16- расм. Ҳалқада индукияланган ток.


3-9. ЭЛЕКТР ГЕНЕРАТОРНИНГ ИШЛАШ ПРИНЦИПИ

3-17-расмда бир жинсли магнит майдонида R қаршиликка уланган сим тасвиirlанган. Сим магнит чизиқларига перпендикуляр текисликда v тезлик вектори бўйлаб ҳаракатланган вақтда E э. ю. к. юзага келади ва унинг таъсирида берк занжирда I ток ҳосил бўлади. Токли симга магнит майдонида $F = BIl$ катталикдаги электромагнит куч таъсир кўрсатади, бу кучнинг чап қўл қоидасига асосан топилган йўналиши 3-17-расмда кўрсатилган. Электромагнит куч симнинг ҳаракат йўналишига тескари йўналганлигини, демак, тормозловчи куч эканлигини кўриш қийин эмас.

Сим ҳаракатланиши учун катталик жиҳатдан тормозловчи кучга тенг ва унга тескари йўналган ташқи куч, бошқача айтганда, ушбу механик қувватни берадиган бирламчи двигатель кераклиги равшан:

$$P_m = Fv, \text{ ёки } P_m = Fv = BIlv = E \cdot I = P.$$

Сим магнит майдонида ҳаракатланганда бирламчи двигатель берадиган механик қувват магнит майдони воситасида ёпиқ занжирдаги электр токи қувватига айланади. Демак, магнит майдонидаги симни унда механик энергия электр энергияга айланадиган энг содда электр генератор деб қараш мумкин экан.



3-17- расм. Электр генераторнинг ишлаш принципи.

(1-11) га мувофиқ генераторнинг э. ю. к. и

$$E = U + U_0 = IR + Ir_0,$$

бундан

$$P_m = EI = I^2R + I^2r_0 = UI + P_0 = P_u + P_0.$$

Шундай қилиб, P_m механик қувват истеъмолчининг $P_u = I^2R$ қуввати билан генераторда истроф бўладиган $P_0 = I^2r_0$ қувватга ажрапувчи электр қуввата тига тенг экан.

3-10. ЭЛЕКТР ДВИГАТЕЛНИНГ ИШЛАШ ПРИНЦИПИ

Бир жинсли магнит майдонида жойлашган сим орқали ташқи ток манбаидан олинаётган электр токи ўтади (3-18-расм). Симга катталиги


$$F = BIl$$

га тенг электромагнит куч таъсир қиласи: унинг йўналиши чап қўйл қоидасига биноан топилган ва 3-18-расмда кўрсатилган.

Электромагнит куч таъсири остида сим механик иш бажариб, магнит майдонида ҳаракат қиласи ва унинг бутун ҳаракати давомида унда E электр юритувчи куч индукцияланади.

Сим магнит чизиқларига перпендикуляр текислиқда b масофага кўчганда, у бажарган механик иш қўйидагига тенг бўлади:

$$A_m = Fb = BIlb.$$



3-18-расм. Электр двигателининг ишлаш принципи.

Худди шу t вақт ичидаги симни қизитиш учун сарфланадиган энергия

$$W_T = I^2r_0t.$$

Ток манбай t вақт ичидаги сарфланадиган энергия

$$W = UIt = A_m + W_T = BIlb + I^2r_0t. \quad (3-29)$$


Сўнгги тенгламанинг ўнг ва чап томонларини It кўпайтмага тақсимлаб ток манбанинг кучланиши учун қўйидаги ифодани топамиз:

$$U = Bl \frac{b}{t} + Ir_0 = Blv + Ir_0 = E + Ir_0.$$

Ёзилганлардан $U - E = Ir_0$, бундан

$$I = \frac{U - E}{r_0}. \quad (3-30)$$

келтиришда ишлатилади; күпинча бундай токларнинг юзага келиши мақсадга мувофиқ эмас, чунки уюрма токларга кетадиган истрофлар туфайли машина ва механизмларнинг фойдали иш коэффициентлари пасайиб кетади, ундан ташқари, улар магнитсизловчи таъсир кўрсатади. Ана шундай ҳолларда уюрма токларни камайтириш чоралари кўрилади, бунинг учун алоҳида бир-биридан изоляцияланган юпқа ($0,1$ — $0,5$ мм) пўлат тахтачалардан ясалган (3-21, б ва 3-22-б-расмлар) ўзаклар, шуниңдек солишишторма қаршилиги каттароқ бўлган — таркибида $0,5$ — 4% кремний бўлган пўлат навлари ишлатилади. Пўлатда уюрма токлар туфайли юз берадиган истрофлар, одатда, ватт тақсим килограммда ифодаланади. Бундай истрофлар пўлатнинг навига, максимум индукцияга (B_m), магнит индукциянинг бир секундада ўзгариш цикллари сони (f) га, пўлат тахтачаларининг қалинлигига боғлиқ бўлади.



3-22- расм. Электр машинаси якоридаги уюрма токлар.

3-12. ФЕРРОМАГНЕТИКЛАРНИНГ МАГНИЛАНИШИ

Магнит киритувчанлиги катта бўлган материаллар пўлат, темир, чўян, кобальт ва бир нечта қотишмалар, масалан, никель билан алюминий қотишмаси ферромагнетиклар деб аталади. Ферромагнетик ўзакни заиф магнит майдонига, масалан, токли ғалтак майдонига киритилганда майдоннинг магнит индукцияси юз ёки минг марта ортиб кетади.

Ферромагнетикларнинг магнит хоссаларини уларда ўз-ўзидан магнитланган микроскопик соҳаларнинг мавжудлиги билан тушунтириш мумкин. Бу соҳаларни соддалик учун элементар магнетиклар деб қаралса бўлади. Бу магнитчалар ташки майдон, масалан, токли ғалтакнинг магнит майдони таъсирида майдон бўйлаб бурилиб, магнит индукциясини кучайтиради. Асосан ферромагнит участкалардан ташкил топган магнит занжирида, нисбатан кичик магнит юритувчи куч таъсирида ҳам анча катта магнит индукцияси ҳосил қилиш мумкин.


1872 йилда Москва университетининг профессори А. Г. Столетов биринчи бўлиб, пўлатнинг магнит хоссаларининг магнит майдони кучланганлигига боғлиқ равишда ўзгаришини текширди. Майдон кучланганлигини ўзгартириш майдонига текширилаётган пўлат жойлаштирилган магнитланаётган ғалтакдаги токни ўзгартириш йўли билан амалга оширган.

А. Г. Столетов магнит индукцияси билан майдон кучланганлиги орасидаги бошлангич магнитланиш эгри чизиги билан (3-23- расм)



А. Г. Столетов (1839—1896).

магнетиклар майдон бўйлаб ориентиранади. Биз томондан қаралган чизиқлимас боғланиш ферромагнит материалларнинг абсолют магнит киритувчанлиги ($\mu_a = B/H$) нинг доимий эмаслигини ва магнит майдонининг кучланганлигига, демак, магнитловчи фалтакнинг токига ҳам боғлиқ эканлигини кўрсатади. Ферромагнетикларни ўзгарувчан ток занжирларига улаганда юз берадиган қайта магнитланиш процессини текширайлик.



3-23- расм. Пўлат магнитланишининг бошланғич эгри чизиги.

индукция деб аталувчи B_r қийматга эга бўлади (OB кесма).

Магнит индукцияси ўзгаришининг майдон кучланганлигининг мос ўзгаришларидан орқада қолиши ёки кечикиши ҳодисаси магнит гистерезиси деб аталади ва унга ўз-ўзидан магнитланувчи соҳаларнинг ички қаршилиги туфайли юзага келадиган ҳодиса деб қаралади.

Магнитловчи токнинг йўналиши, демак, магнит кучланганлигининг йўналиши ўзгарганда кучланганлик коэрцетив куч ($OГ$ кесма) деб аталувчи H_k қийматига эришади, бунда магнит индукцияси $B = O$.

Тескари йўналган ток ортган сари магнит индукцияси B_m қийматга эришади.

ифодаланувчи боғланиши, яъни $B=f(H)$ топди. Эгри чизиқни учта қисмга бўлиш мумкин: 1) тўғри чизиқли Oa қисм, у магнит индукцияси деярли майдон кучланганлигига пропорционал равишда тез ўсишини кўрсатади; 2) ab — эгри чизиқнинг бурилиш қисми, у магнит индукциясининг ўсиши сусайланлигини кўрсатади; 3) b нуқтадан юқорида ётган қисми магнит тўйиниши қисми бу ерда B билан H орасидаги боғланиш яна тўғри чизиқли, бироқ магнит индукциясининг ўсиши биринчи участкадагига қараганда анча секин боради. Эгри чизиқнинг бу қисми ўзакнинг магнит тўйинишига мос келади, бунда деярли барча элементар

магнетиклар майдон бўйлаб ориентиранади. Биз томондан қаралган чизиқлимас боғланиш ферромагнит материалларнинг абсолют магнит киритувчанлиги ($\mu_a = B/H$) нинг доимий эмаслигини ва магнит майдонининг кучланганлигига, демак, магнитловчи фалтакнинг токига ҳам боғлиқ эканлигини кўрсатади. Ферромагнетикларни ўзгарувчан ток занжирларига улаганда юз берадиган қайта магнитланиш процессини текширайлик.

Магнитловчи ток, демак, майдон кучланганлиги H ортганда магнит индукцияси ўзининг максимал $+B_m$ қийматига эришади (3-24- расм). Кейин майдон кучланганлиги камайганда магнит индукцияси ҳам камаяди, бироқ айни бир кучланганликда магнит индукцияси кучланганлик ортаётгандагидан бир қадар катта бўлади (эгри чизиқнинг AB қисми).

Майдон кучланганлигининг ноль қийматида магнит индукцияси қолди қ

иңдукция деб аталувчи B_r қийматга эга бўлади (OB кесма).

Сўнгра ток нолга қадар камайганда қолдиқ индукция (OE кесма) ҳосил бўлади. Ниҳоят, ток билан майдон кучланганлиги йўналишининг кейинги ўзгаришда кучланганлик ортса, яна $+B_m$ максималь индукцияга эришилади.

Шундай қилиб, биз майдон кучланганлиги билан магнит индукциясининг бир цикл давомида ўзгаришини кузатиб чиқдик. Ферромагнетик цикликкада индукция $B = f(H)$ боғланиш график равиша гистерезисининг симметрик ҳалқаси. деб аталувчи АБГДЕЖА берк эгри чизик билан тасвирланади. Берилган материал учун олиниши мумкин бўлган энг катта ҳалқа чегара ҳалқа деб аталади.


Агар берилган ферромагнитик учун B_m турлича бўлган бир нечта симметрик гистерезис ҳалқалари олиб, бу ҳалқаларнинг учларини ўзаро туташтирасак, у ҳолда асосий магнитланиш эгри чизиги деб аталувчи ва бошланғич магнитланиш эгри чизигига жуда яқин бўлган эгри чизик ҳосил қиласиз.

Пўлатни қайта магнитлаш иссиқликка айланиб пўлатни қиздиришга сарфланадиган энергия исрофи билан боғлиқ.


Гистерезис ҳалқасининг юзи қайта магнитлашнинг бир циклига сарфланган энергияга пропорционал. Қайта магнитлаш процесси натижасида йўқотилган энергия гистерезис түфайли исроф дейлади.

Циклик қайта магнитлаш натижасида йўқотиладиган ватт таксим килограммларда ифодаланадиган қувват пўлатнинг навига, максималь магнит индукцияга ва пўлатнинг бир секундда қайта магнитланиш циклари сонига ёки частота (f) га¹ боғлиқдир.

Ферромагнит материалларнинг хоссалари асосий магнитланиш эгри чизиги ва гистерезис ҳалқаси билан характерланади. 3-26 расмда муҳим магнит материалларнинг учта типик гистерезис ҳалқалари келтирилган.




3-24- расм. Гистерезис тугуни.



3-25- расм. Гистерезисининг учтаги тугуни ва польный магнитлашнишнинг асосий эгри чизиги.

¹ Частота, 95-бетдаги 5-1-§ га қаранг.



3-26- расм:

1-магнит-юмшоқ материал, электротехник пұлат; 2- магнит-юмшоқ материал, пермаллой; 3- магнит-қаттық материал.

3-13. ФЕРРОМАГНИТ МАТЕРИАЛЛАР

Ферромагнит материаллар икки гурухға: магнит-юмшоқ ва магнит-қаттық материалларға бүлинади.

Магнит-юмшоқ материаллар ўзгаруучан магнит оқимларнинг магнит ўтказувчиси сифатида ишлатилади. Уларда көрсітів күч кичик (400 а/м дан кам), магнит киритувчанлиги катта ва магнит йүқотищлар кам бўлади. Бу гуруҳдаги материалларга техник темир ва углероди кам пұлат, электротехник пұлат таҳтачалари, магнит киритувчанлиги юқори бўлган темир-никель қотишмалар (пермаллойлар) ва оксидли ферромагнетиклар — ферритлар ҳамда оксиферлар киради.


0,04% гача углероди бўлган техник темир, углеродли пұлатлар ва чўян ўзгаруучан магнит майдонларида ишлайдиган магнит ўтказувчилар тайёрлаш учун ишлатилади. Техник темир юқори тўйиниш индукциясига ($2,2 \text{ т.и}$ гача), юқори магнит киритувчаникка ва кичик көрсітів кучга эга.

Электротехник пұлатлар — бу темир билан кремнийнинг (1—4%) қотишмаси. Кремнийнинг миқдорини ўзгартириш ва ҳар хил технологик усуслардан фойдаланиш орқали электромагнит хоссалари кенг миқёсда ўзгарадиган пұлат навлари олиниади.

Таркибида оз миқдорда кремний бўлган пұлатларнинг магнит киритувчанлиги паст, тўйиниш индукцияси катта ва солишири мағнит хоссалари катта бўлади. Бундай пұлатлар паст частотали ўзгаруучан токларда ишлатилади.

Таркибида кремний миқдори кўп бўлган пұлатлар заиф ва ўртача майдонларда юксак магнит киритувчанликка талааб этилганда, гистерезис ҳамда уюрма токлар туфайли бўладидиган икрофлар кам бўлиши зарур бўлган ҳолларда ишлатилади, натижада улар юқори частотада ищлай олиши мумкин.

ГОСТ 802-58 га биноан электротехник пұлатлар Э ҳарфи ва рақамлар билан белгиланади. Биринчи рақам кремнийнинг процент миқдорини, иккинчи рақам магнит хоссаларини, учинчи рақам О пұлат сөвуқ — прокат қилингандигини билдиради.



3-27- расм. Баъзи бир ферромагнит материалларнинг магнитланиш эгри чизиқлари.

Баъзи ферромагнит материалларнинг магнитланиш эгри чизиқлари 3-27-расмда тасвирланган.

Пермаллойлар темир билан никелнинг ҳар хил процентли қотишмаларидан иборатdir; баъзилари молибден, хром ва кобальтнинг қотишмасидан ҳам иборат бўлади. Бу қотишмаларнинг магнит кири тувшчалиги юқори бўлиб, электротехник пўлат тахталарнидан 10—50 марта катта бўлади. Бу қотишмалар майдоннинг кичик кучланишларида ҳам ўндан то бир неча юз ампер тақсим метрларга тенг тўйиниш индукциясига эришади.

Улардан баъзиларининг тўйиниш индукцияси паст, тахминан 0,6—0,8 $mл$ бўлса, баъзилариники нисбатан юқорироқ 1,3—1,6 $mл$ бўлади.


Биринчи гурухга таркибида 4—5 % молибден бўлган пермаллой M_0 ва хромли пермаллой киради. Иккинчи гурухга таркибида 50 % никель бўлган пермаллой 50Н ва пермаллой 65НП киради.

П ҳарфи гистерезис ҳалқасининг тўғри бурчакли эканини билдиради (3-28-расм). Ҳалқанинг тўғри чизиқлилик даражаси берилган ҳалқа учун B_u қолдиқ индукциясининг $B_{ж}$ максимал индукциясига нисбати билан характерланади. Бу нисбат 0,95—0,99 га боради.

Пермаллойларнинг коэрцетив кучи 1 билан 20 a/m орасида тебранади.

Пермаллойларнинг магнит хоссалари кўпроқ уларни тайёрлаш технологиясига боғлиқдир.

Темир, рух ва бошқа элементларнинг оксидлари аралашмасидан олинадиган ферромагнит материаллар ферритлар деб аталади. Ўзаклар тайёрлашда аралашма майдаланади, прессланади. 1200°C температура атрофида қиздириб ишлов берилиб юмшатилади ва керак шаклдаги ўзаклар тайёрланади. Ферритларнинг солиштирма қаршилиги жуда катта бўлганлиги сабабли уюрма токлар натижасидаги истроф жуда оз бўлади, бу эса уларни юқори частотада ишлатиш имконини беради.



3-28- расм. Гистерезиснинг тўғри бурчакли тугуни.

индукцияси сезиларли эмас ($0,18—0,32 \text{ тл}$) ва коэрцитив кучи жуда кичикдир ($8—80 \text{ а/м}$).

Магнитодиэлектриклар булар майдага ферромагнит кукуни билан диэлектрикнинг (поливинилхлорид ва полиэтилен) аралашмаларидан олинадиган материаллардир. Бу аралашма формовка қилинади, прессланади ва пиширилади.

Ферритлар бошқа магнитодиэлектрикларга ўхшаб алоқа ва радио-алоқа асбларида, магнит кучайтиргичларда, ҳисоблаш машиналарида ва техниканинг бошқа соҳаларида ишлатиладиган турли трансформаторларда ўзаклар сифатида қўлланилади.

Тўғри бурчакли гистерезис ҳалқали ҳалқасимон ўзаклар жуда кенг қўлланилмоқда, чунки улар ток импульси таъсирида тўйиниши ҳолатига қадар магнитланиш ва импульсдан кейин тўйиниши индукциясидан кам фарқ қиласидиган қолдиқ индукцияни узоқ вақт сақлаб қолиш каби жуда бебаҳо хоссаларга эгадир.

Магнито-қаттиқ материаллар турли хил мақсадларда ишлатиладиган ўзгармас магнитлар ясаш учун мўлжалланган. Бу материаллар коэрцитив куч ва қолдиқ индукциянинг катталиги билан характерланади.

Магнито-қаттиқ материалларга углеродли, вольфрамли, хромли ва кобальтли пўлатлар киради. Уларнинг коэрцитив кучи $5000—13500 \text{ а/м}$ ва қолдиқ индукцияси $0,7—1 \text{ тл}$.

Эслатиб ўтилган пўлатлар чўзилувчан бўлиб, уларни прокат қилиш ва уларга механик ишлов бериш мумкин. Улар саноатда тасма ва тахтачалар шаклида ишлаб чиқарилади.

Энг яхши магнит хоссасига эга бўлган магнито-қаттиқ материалларга қўйидаги қотишмалар киради: ални — темир билан 15%

алюминий ва 25 % никель қотишмаси; алниси алнидан таркибида 1 % кремний борлиги билан фарқ қиласы; алнико — алнидан таркибида 7 % кобальт борлиги билан фарқ қиласы. Улар 20000 — 60000 а/м коэрцитив күч ва 0,4 — 1,25 тл қолдиқ индукция би, лан характерланади.

Айтиб ўтилган қотишмаларнинг магнитлари қуйиш йўли билан тайёрлағиб, уларга фақат силлиқлаш йўли билан ишлов берилади.

Металлокерамик магнитлар ални ва алнико куқунларини тошга айлантириш йўли билан олинади, уларнинг энг асосий афзаллиги улардан жуда кичик ўлчамли магнитлар олиш мумкинлигига.

3-14. МАГНИТ ЗАНЖИРИНИ ҲИСОБЛАШ

Магнит занжири м. ю. к. манбаи (токли ғалтак) билан магнит узатувчидан иборат. Энг кичик магнит қаршилик олиш [(3-20) формула] мақсадида магнит узатувчи деярли бутунлай ферромагнит материаллардан тайёрланади, бу эса энг кичик м. ю. к. ёрдамида катталик ва шакл жиҳатдан талабни қаноатлантирадиган магнит оқими олишга имкон беради.

Энг содда магнит занжири — ҳалқасимон магнит узатувчили ғалтак 3-7- § да кўрилган эди.

Амалда ҳар хил даражадаги мураккаб магнит занжирлари ишлатилади. Улар тармоқланган ва тармоқланмаган бўлиши мумкин. Магнит узатувчининг қисмлари битта материалдан ёки бир неча материалдан ясалган бўлиши мумкин.

Магнит занжирини ҳисоблаш кўпчилик ҳолларда магнит узатувчи маълум бўлганда олдиндан берилган Φ оқимни ҳосил қилиш учун магнит юритувчи F күч (м. ю. к) ни аниқлашни мақсад қилиб қўяди. Бунинг учун магнит узатувчи узунлиги бўйлаб l_1 ва l_2 ва ҳоказо участкаларга, ҳар бири бир хил материалдан ясалган кўндаланг кесими S_1 , S_2 ва ҳоказо, участкаларга бўлинади. Ҳар бир участка учун магнит кучланиши ҳисобланаби, улар ўрта магнит чизиги бўйлаб бутун магнит узатувчи учун йиғилиб, изланётган м. ю. к. топилади.

Масалан, ферромагнит материалдан иборат бўлган биринчи участкадаги магнит кучланиши

$$U_{m1} = H_1 l_1,$$

бунда l_1 — чизмадан топилади, 3-7- мисолга қаранг, H_1 — эса магнитланиш эгри чизигидан (3-27- расм) топилади, бунинг учун аввал қўйидагини толиши лозим:

$$B_1 = \frac{\Phi}{S_1}.$$

Ҳаво ва ферромагнитмас участкадаги майдон кучланганлиги

$$H_0 = \frac{B_0}{\mu_0} \approx 0,8 \cdot 10^6 B_0, \quad (3-31)$$

бунда, агар B_0 теслаларда ифодаланган бўлса, H_0 ампер тақсим метрларда ёки $H_0 = 0,8B_0$, агар H_0 ампер тақсим сантиметрларда ифодаланган бўлса, B_0 эса гауссларда ифодаланади.

3-7- мисол. Агар чулғамдаги ток 10α бўлганда $470 \cdot 10^{-5}$ вб магнит оқими зарур бўлса, ўзакка ўраладиган ўрамлар (3-29- расм) сони аниқлансанн. Ўзакнинг юқори қисми электротехник пўлатдан, пастки қисми эса қўйма пўлатдан ясалган.

Магнит занжирини учта участкага бўламиш: биринчиси электротехник пўлатдан ясалган бўлиб, узунлиги $l_1 = 56$ см, кўндаланг кесими $S_1 = 36$ см 2 ; иккинчиси қўйма пўлатдан: $l_2 = 17$ см ва $S_2 = 48$ см 2 ; учинчи участка ҳаводан иборат бўлиб, тирқишилари $l_0 = 0,5 \cdot 2 = 1$ см ва кўндаланг кесими $S_0 = 36$ см 2 .

Биринчи участканинг магнит индукцияси:

$$B_1 = \frac{\Phi}{S_1} = \frac{470 \cdot 10^{-5}}{36 \cdot 10^{-4}} = 1,3 \text{ тл.}$$

Магнитланиш ёгри чизигига биноан электротехник пўлат учун (Э330, 3-27- расм) 1,3 тл индукцияга майдоннинг 750 а/м кучланганлиги мос келади.

Биринчи участкадаги магнит кучланиши

$$U_{M1} = H_1 l_1 = 750 \cdot 0,56 = 420 \text{ а.}$$

Иккинчи участканинг магнит кучланиши ҳам шунга ўхшаш топлади:

$$B_2 = \frac{\Phi}{S_2} = \frac{470 \cdot 10^{-5}}{48 \cdot 10^{-4}} = 0,98 \text{ тл.}$$

Иккинчи участка учун майдон кучланганлиги (3-27- расм).

$$H_2 = 400 \text{ а/м.}$$

Иккинчи участкадаги магнит кучланиши

$$U_{M2} = H_2 l_2 = 400 \cdot 0,17 = 61 \text{ а.}$$

Учинчи участка — ҳаво тирқиши учун

$$B_0 = \frac{\Phi}{S_0} = \frac{470 \cdot 10^{-5}}{36 \cdot 10^{-4}} = 1,3 \text{ тл.}$$

Майдон кучланганлиги

$$H_0 = 0,8 \cdot 10^6 \cdot B_0 = 0,8 \cdot 1,3 \cdot 10^6 = 1,04 \cdot 10^8 \text{ а/м.}$$

Магнит кучланиши

$$U_{M0} = H_0 l_0 = 1,04 \cdot 10^8 \cdot 0,01 = 10400 \text{ а.}$$

Магнит юритувчи куч

$$F = U_{M1} + U_{M2} + U_{M0} = 420 + 68 + 10400 = 10888 \text{ а.}$$

Чулғамдаги ўрамлар сони

$$\omega = \frac{F}{I} = \frac{10888}{10} = 1089 \text{ ўрам.}$$

3-15. ЭЛЕКТРОМАГНИЛЛАР

Агар токли ғалтакнинг геометрик ўқининг яқинроғига пўлат ўзак жойлаштирасак (3-30-расм), у ҳолда ўзак магнитланиб, электромагнит кучлар таъсири остида ғалтакнинг ўртасига жойлашишга ҳаракат қиласади, ўзакнинг бу вазиятида магнит майдони ёнг катта бўлади.

Магнит узатувчи ва магнитловчи ғалтакдан ташкил топган қурилма электромагнит деб аталади (3-31-расм). Магнит узатувчининг битта ҳаракатланувчи қисми — якорь 2 иккичи асосий қисми 1 ўзакка

$$F = 4B^2S \quad (3-32)$$

куч билан тортилади, бунда

F — куч, kG ларда;

B — магнит индукцияси, тл ларда;


S — қутбларнинг кўндаланг кесим юзи, cm^2 ларда.

Агар магнит узатувчи магнитланиш эгри чизифининг тўйинмаган қисмida ишлётган бўлса, магнитловчи токни ўзgartириб, электромагнитнинг кучини созлаш мумкин.

Электромагнитлар техникада, масалан, пўлат қисмларни маҳкамлашда, тормоз мосламаларида, автоматларда, рельелар ва ҳоказоларда кенг қўлланилади.

3-8- мисол. Агар электромагнитдаги индукция $1,2 \text{ тл}$ га, қутбларнинг кесими эса 1000 cm^2 га тенг бўлса, электромагнитнинг тортиш кучи аниқлансин.

$$F = 4B^2S = 4 \cdot 12 \cdot 1000 = 5760 \text{ kG}.$$



3-31- расм. Электромагнит.

3-16. ИНДУКТИВЛИК. ЎЗИНДУКЦИЯ ЭЛЕКТР ЮРИТУВЧИ КУЧИ

Токли электр занжирининг исталган контуруни, масалан, ғалтакнинг ҳар бир ўрамини шу ўрамнинг хусусий магнит оқими кеъсиб ўтиб туради, бунда оқимларнинг алгебраик йигиндиси ғалтак ўзиндукиясининг Ψ_L оқим илашувчалиги дейилади. Ўзиндукия оқим илашувчанлигининг токка нисбатига тенг бўлган катталик контур ёки ғалтакнинг индуктивлигини ҳосил қиласади:

$$L = \frac{\Psi_L}{I_L}. \quad (3-33)$$

Муҳитнинг магнит киритувчанлиги ўзгармас бўлганда ўзиндукия оқимлари билан оқим илашувчанликлари токка пропорционал, демак ғалтакнинг индуктивлиги ҳам доимийdir.

Индуктивлик ғалтак (контур)нинг шаклига ва ўлчамларига, ундаги ўрамлар сонига, муҳит (ғалтак ўзаги)нинг магнит киритувчанлигига боғлиқдир.

Индуктивликнинг ўлчов бирлиги

$$[L] = \left[\frac{\Psi_L}{I} \right] = \frac{еб}{а} = \frac{в\cdot сек}{а} = ом\cdot сек = гн.$$

Ом-секунд генри деб аталади. Генри жуда йирик бирлик, шу сабабли кўпинча майдароқ бирликлар: миллигенри = $1 \cdot 10^{-8}$ гн ва микрогенри = $1 \cdot 10^{-6}$ гн лар ишлатилади.

Ҳалқасимон фалтакнинг магнит оқими (3-19)

$$\Phi = BS = \mu a \frac{l_w}{l} S,$$

унинг оқим илашувчанлиги эса (3-27):

$$\Psi_L = \omega \phi = \mu a \frac{l_w^3}{l} S.$$

Шундай қилиб, ҳалқасимон фалтакнинг индуктивлиги

$$L = \frac{\Psi_L}{I} = \mu a \frac{\omega^2 S}{l}. \quad (3-34)$$

3-9- мисол. Узун ўзаксиз фалтакнинг индуктивлиги топилсин. Фалтакнинг узунлиги 25 см, диаметри 5 см, ўрэмлар сони 1000.

Фалтакнинг индуктивлиги

$$L = \mu_0 \frac{w^2 S}{l} = 4\pi \cdot 10^{-7} \times \frac{10^8 \cdot \pi \cdot 5^2 \cdot 10^{-4}}{0,25 \cdot 4} = 39,2 \cdot 10^{-5} \text{ гн}.$$

Контурдаги токнинг ҳар қандай ўзгариши, масалан, нагрузка нинг ўзгариши, занжирнинг уланиши ёки узилиши, ўзиндуқция оқим-илашувчанлигининг ўзгаришига олиб келади, бу эса э.ю.к. индукцияланишига олиб келади. Контурдаги токнинг ўзгариши на-тижасида худди шу контурнинг ўзида электр юритувчи кучнинг ҳосил бўлиши ўзиндуқция ҳодисаси деб, индукцияланган электр юритувчи куч эса ўзиндуқция электр юритувчи кучи деб аталади.

Ўзиндуқция электр юритувчи кучи бошқа индукцион э.ю.к. лар каби (3-28) формулага асосан топилади:

$$e_L = - \frac{d\Psi_L}{dt}$$

ёки

$$\Psi_L = LI$$

ифодани ҳисобга олсак,

$$e_L = -L \frac{di}{dt}. \quad (3-35)$$

Бундан ўзиндуқция э.ю.к.и L индуктивликка ва контурда токнинг ўзгариш тезлигига пропорционал эканлиги келиб чиқади.

Ўзиндуқция э.ю.к. нинг йўналиши Ленц қонунига асосан аниқланади: занжирда ток камайганда ($di/dt < 0$) э.ю.к. мусбат ва

ток билан бир томонга йўналган, ток ортгандада ($di/dt > 0$) э.ю.к. манфий ва токка қарши йўналган бўлади.

3-10- мисол. Агар индуктивлиги $4 \cdot 10^{-6}$ ен бўлган ралтакдаги ток 800a/сек тезлик билан ўзгарса, ўзиндукия э.ю.к. ини топинг.

$$\frac{di}{dt} = 800 \text{ a/сек}$$

Бўлганлиги учун, ўзиндукия э.ю.к. и

$$e_L = 4 \cdot 10^{-6} \cdot 800 = 32 \text{ мв.}$$

3-17. МАГНИТ МАЙДОНИНИНГ ЭНЕРГИЯСИ

Агар қаршилиги r га ва индуктивлиги L га тенг бўлган занжирдаги i ток t вақтга пропорционал равишда ортаётган бўлса,

$$i = kt$$

бўлади, бунда k пропорционаллик коэффициенти.

Бунда токнинг бутун ўсиши давомида ўзгармас э.ю.к., индукцияланади:

$$e = -L \frac{di}{dt} = -Lk.$$

Чунки

$$di/dt = k.$$

Занжирнинг қисқичларига берилган кучланишни U ҳарфи билан белгилаб Кирхгофнинг иккинчи қонунига асосан қуидагилари ёзишимиз мумкин:

$$U + e_L = ir,$$

Бундан занжирнинг қисқичларидағи кучланиш

$$U = ir - e_L = ir + Lk. \quad (3-36)$$

Охирги тенгламанинг иккала томонини ҳам i га кўпайтириб, қуидагини топамиз:

$$Ui = i^2r + Lki = i^2r + Lk^2t = P_T + P_M; \quad (3-37)$$

тенгламанинг чап томони ток манбаидан олинаётган қувватни ифодалайди; ўнг томондаги биринчи ҳад $P_u = i^2r$ — электр энергияси, нинг иссиқлик энергиясига айланиш тезлигини характерлайдиган иссиқлик қувватини; иккинчи ҳад $P_M = Lk^2t = \frac{\Psi_i}{t}$ эса электр энергиянинг магнит майдони энергиясига айланиш тезлигини характерловчи қувватини; ифодалайди.

$P_M = f(t)$ боғланишини ифодаловчи график координаталар бошидан ўтувчи тўғри чизиқdir (3-32- расм).

dt вақт ичida занжирнинг магнит майдонида

$$dw_M = P_M dt$$

ток билан бир томонга йўналган, ток ортганда ($di/dt > 0$) э.ю.к. манфий ва токка қарши йўналган бўлади.

3-10- мисол. Агар индуктивлиги $4 \cdot 10^{-6}$ гн бўлган ралтакдаги ток 800 а/сек тезлик билан ўзгарса, ўзиндукия э.ю.к. ини топинг.

$$\frac{di}{dt} = 800 \text{ а/сек}$$

бўлганлиги учун, ўзиндукия э.ю.к. и

$$e_L = 4 \cdot 10^{-6} \cdot 800 = 32 \text{ мв.}$$

3-17. МАГНИТ МАЙДОНИНИНГ ЭНЕРГИЯСИ

Агар қаршилиги r га ва индуктивлиги L га тенг бўлган занжирдаги i ток t вақтга пропорционал равишда ортаётган бўлса,

$$i = kt$$

бўлади, бунда k пропорционаллик коэффициенти.

Бунда токнинг бутун ўсиши давомида ўзгармас э.ю.к., индукцияланади:

$$e = -L \frac{di}{dt} = -Lk.$$

Чунки

$$di/dt = k.$$

Занжирнинг қисқичларига берилган кучланишни U ҳарфи билан белгилаб Кирхгофнинг иккинчи қонунига асосан қуидагиларни ёзишимиз мумкин:

$$U + e_L = ir,$$

бундан занжирнинг қисқичларидаги кучланиш

$$U = ir - e_L = ir + Lk. \quad (3-36)$$

Охирги тенгламанинг иккала томонини ҳам i га кўпайтириб, қуийдагини топамиш:

$$Ui = i^2r + Lki = i^2r + Lk^2t = P_T + P_M; \quad (3-37)$$

тенгламанинг чап томони ток манбаидан олинаётган қувватни ифодалайди; ўнг томондаги биринчи ҳад $P_u = i^2r$ — электр энергияси, нинг иссиқлик энергиясига айланиш тезлигини характерлайдиган иссиқлик қувватини; иккинчи ҳад $P_M = Lk^2t = \frac{\Psi_i}{t}$ эса электр энергиянинг магнит майдони энергиясига айланиш тезлигини характерловчи қувватини; ифодалайди.

$P_M = f(t)$ боғланишини ифодаловчи график координаталар босидан ўтувчи тўғри чизиқdir (3-32- расм).


dt вақт ичida занжирнинг магнит майдонида

$$dw_M = P_M dt$$

Энергия тўпланади; бу энергия 3-32-расмда штрихланган юзача билан ифодаланган. Ток t вақт ичидан нолдан то i гача ўзгарганда занжирнинг магнит майдонида тўпланган энергия миқдори OAB учурчакнинг юзига тенг.

Бу учурчакнинг юзи эса юқоридаги сингари юзачаларниң йифиндиси билан тасвирланади. Шундай қилиб, магнит майдонида тўпланган энергия

$$W_M = \frac{1}{2} P_M t = \frac{L}{2} (kt)^2 = \frac{Lt^2}{2}. \quad (3-38)$$



3-32-расм. Қувватнинг вақтга боғлиқлик графиги.

ни гўё созлаб турувчи занжирда ток ўзиндукия э.ю.к. ни индукциялайди.

Ўзиндукия ҳодисасини жисмнинг инерцияси билан таққослаш мумкин. Жисм ҳаркатга келганда энг катта тезликка бирданига эришмайди. Тезлик нолдан бошлаб аста-секин ортиб боради, тезликнинг бундай ортиши инерцияни енгиз учун сарфланган энергияга боғлиқ.

Занжирни узган вақтда ток бирданига йўқолмасдан, аста-секин камайиб боради, чунки камаяётган магнит майдони йўналиши ток билан бир хил бўлган ўзиндукия э.ю.к ни индукциялайди ва ток занжирни улаш вақтида тўпланган магнит майдони энергияси ҳисобига ўтиб туради.

Тўртинчи боб КОНДЕНСАТОРЛАР. ЭЛЕКТР ИЗОЛЯЦИЯСИ

4-1. ЭЛЕКТР СИФИМ. КОНДЕНСАТОРЛАР

Бир-биридан диэлектрик билан ажралган исталган шаклдаги иккита ўтказгич электр конденсатори ҳосил қиласди. Конденсаторнинг ўтказгичлари кўпинча конденсаторнинг электродлари ёки қопламалари деб юритилади.

Конденсаторларга электр тармоғининг иккита сими, кабелнинг иккита ўзаги, кабелнинг ўзаги — савут (броняси), сим — ер, (симни

девор ёки металл қобиқ орқали ўтказаётганда уни изоляция қилиш учун мўлжалланган) ўтиш изолятори мисол бўлиши мумкин. Параллел жойлашган ва бир-биридан изоляция билан ажратилган иккита металл пластинкалардан ташкил топган ҳар хил тузилишдаги конденсаторлар кенг қўлланилади.

Конденсаторларниң шартли белгиси 4-1-расм да кўрсатилган.

Конденсаторлар ўз қопламаларида катталик жиҳатдан бир хил ва ишораси турлича бўлган электр зарядларини сақлаш хоссасига эга. Қопламалар орасидаги U кучланиш қопламаларниң биридаги Q электр заряднинг миқдорига пропорционал.

Қопламаларниң биридаги заряд миқдорининг улар орасидаги кучланишга нисбати билан белгиланадиган катталик конденсаторниң сифими дейилади ва конденсаторнинг параметрларидан бири бўлиб хизмат қиласиди.. Шундай қилиб, сифим

$$C = \frac{Q}{U}. \quad (4-1)$$

СИ системада сифимнинг ўлчов бирлиги фарададир. Фарада заряди 1 кулонга, қисқичларидаги кучланиши эса 1 вольтга тенг бўлган конденсаторнинг сифими, яъни

$$1\phi = \frac{1k}{1v}.$$

Фарада жуда йирик бирлиқдир. Шу сабабли кўпинча микрофарададан ($1\text{ }\mu\phi = 10^{-6}\text{ }\phi$), ёки пикофарададан ($1\text{ }p\phi = 10^{-12}\text{ }\phi$) фойдаланилади.

Конденсаторнинг сифими унинг электродларининг шаклига ва ўлчамларига, уларнинг ўзаро вазиятига ва электродларни бир-биридан ажратиб турувчи диэлектрикнинг хоссаларига боғлиқ.

Масалан, ясси конденсаторнинг сифими (4-2- расм)

$$C = \mathcal{E}_a \frac{S}{d}, \quad (4-2)$$

бу ерда S — ҳар бир электродларнинг юзи, m^2 ларда;

d — электродлар орасидаги масофа, m ларда;

\mathcal{E}_a — абсолют диэлектрик киритувчанлик.


Иккита параллел жойлашган цилиндрик симларниң сифими (4-3- расм).

$$C = \mathcal{E} \frac{\pi l}{\ln \frac{a}{r}}, \quad (4-3)$$

бу ерда l — симнинг узуунлиги;

a — симларниң ўқлари орасидаги масофа;

r — симнинг радиуси.



4-1- расм. Конденсаторларниң шартли белгилари:

а-ўзгармас сиримли конденсатор, б-ўзгарувчан сиримли конденсатор.


Абсолют диэлектрик киритувчанлик диэлектрикнинг хоссасини характерлайди. (4-2) формуладан

$$\epsilon_a = \frac{Cd}{S}$$


екани топилади, бундан ўлчов бирлиги

$$[\epsilon_a] = \left[\frac{Cd}{S} \right] = \frac{\phi \cdot m}{m^2} = \frac{\phi}{m};$$

шундай қилиб, абсолют диэлектрик киритувчанлик фарада тақсим метр билан ўлчанар экан.



4-2- расм. Ясси конденсатор.



4-3- расм. Иккита параллел цилиндрик сим.

Абсолют диэлектрик киритувчанлик турли диэлектриклар учун турлича бўлади. Электрик доимий деб аталувчи вакуумнинг абсолют диэлектрик киритувчанлиги C/I системада қўйидагича ифодаланади:

$$\epsilon_0 \approx \frac{1}{36 \cdot 10^9 \pi} = 8.85 \cdot 10^{-12} \text{ ф/м.} \quad (4-4)$$

Турли моддаларнинг абсолют диэлектрик киритувчанлиги электрик доимий ϵ_0 билан диэлектрик киритувчанлик ϵ нинг кўпайтмаси тарзида ёэилади; шундай қилиб.


$$\epsilon_a = \epsilon_0 \epsilon.$$

Диэлектрик киритувчанлик ϵ — исмисиз сен бўлиб, берилган модданинг абсолют диэлектрик киритувчанлиги электрик доимийдан ичча марта катта эканлигини кўрсатади.

Диэлектрик киритувчанлик ҳаво учун 1 га, минерал мой учун 2,2 га, слюда учун 6 га, қофоз учун 4,3 га тенг.

Саноатимиз ҳар хил (100 киловольт-гача) номинал кучланишга мўлжалланган тузилиши турлича бўлган, турли мақсадларга мўлжалланган, ҳар хил сифимили ($1 \text{ пф} = 10000 \text{ мкф}$) конденсаторлар ишлаб чиқаради.

Ўзгармас ва ўзгарувчан ток занжирлари учун қоғозли, слюдали, сопол



4-4- расм. Қоғоз конденсатор. Ф-фольга, ПК—парафин шимдирилган қоғоз.

конденсаторлар ишлатилади. Электролитик конденсаторлар эса фақат ўзгармас ток занжирларида қўлланилади.

Қоғозли конденсаторлар (4-4- расм) парафинланган қоғоз тасмаси билан бир-биридан ажратилган иккита узун фольга тасмадан ишланади.

Электролитик конденсаторда диэлектрик вазифасини конденсаторнинг қопламаларидан бири бўлмиш юпқа алюминий фольгасининг сиртига ётқизилган жуда юпқа оксид қатлами ўтайди. Йиккинчи қопламаси электролитнинг қуюқ эритмаси шимдирилган қоғоз ёки матодан иборат бўлади.

4-2. КОНДЕНСАТОРЛАРНИ УЛАШ


Зарур сифимли ёки керақ номинал кучланишга мўлжалланган конденсатор бўлмаса, уни бошқача параметрли бир нечта конденсатор билан алмаштириш мумкин.

Бундай ҳолларда конденсаторлар кетма-кет, параллел ёки аралаш уланади.

Конденсаторларни кетма-кет улаганда (4-5- расм) ҳамма конденсаторларнинг электродларида бир хил катталиктаги зарядлар бўлади, чунки ташқи манбадан зарядлар фақат ташқи электродларгагина келади, ички электродларда эса зарядлар фақат илгари бир-бирини нейтраллаб турган зарядларнинг ажралиши туфайли юзага келади, холос.



4-5- расм. Конденсаторларни кетма-кет улаш.



4-6- расм. Конденсаторларни параллел улаш.

шундай қилиб, сифимларнинг катталигига қараб, электродлардаги кучланишлар ҳам турлича бўлар экан.

Занжирнинг учларидаги

$$U = U_1 + U_2$$

кучланишни зарядларнинг сифими нисбати орқали ифодаласак, қуйидагини ҳосил қиласиз:

$$\frac{Q}{C} = \frac{Q}{C_1} + \frac{Q}{C_2}$$

ёки Q га қисқартирасак:

$$\frac{1}{C} = \frac{1}{C_1} + \frac{1}{C_2}. \quad (4-5)$$

Бундан иккита кетма-кет уланган конденсаторларнинг умумий ёки эквивалент сифими қуйидагича экани кўринади:

$$C = \frac{C_1 C_2}{C_1 + C_2}. \quad (4-6)$$

Конденсаторлар параллел уланганда (4-6-расм) ҳамма конденсаторларда кучланиш бир хил, зарядлар эса умумий ҳолда турла бўлади:

$$Q_1 = C_1 U \text{ ва } Q_2 = C_2 U.$$

Барча параллел уланган конденсаторлар олган заряд алоҳида конденсаторлардаги зарядларнинг йиғиндишига тенг, яъни

$$Q = Q_1 + Q_2.$$

Бундан умумий ёки эквивалент сифим

$$C = \frac{Q}{U} = \frac{Q_1 + Q_2}{U} = C_1 + C_2, \quad (4-7)$$

яъни алоҳида конденсаторлар сифимларининг йиғиндишига тенг экани кўринади.

Кетма-кет ёки параллел уланган конденсаторлар сони бошқача бўлганда ҳам (4-5) ва (4-7) формулалардан фойдаланиб, эквивалент сифимларни аниқлаш қийин эмас.

4-1-мисол. Иккита конденсатор кетма-кет ва параллел уланганда уларнинг умумий ёки эквивалент сифимлари аниқлансин. $C_1 = 1 \text{ мкф}$, $C_2 = 3 \text{ мкф}$.

Конденсаторлар кетма-кет уланганда эквивалент сифим қўйидагича:

$$C = \frac{C_1 C_2}{C_1 + C_2} = \frac{1 \cdot 3}{1+3} = 0,75 \text{ мкф.}$$


Конденсаторлар параллел уланганда эквивалент сифим қўйидагича:

$$C = C_1 + C_2 = 1 + 3 = 4 \text{ мкф.}$$

4-3. ЭЛЕКТР МАЙДОНИ ЭНЕРГИЯСИ

Қаршилик r ва C сифимдан ташкил топган занжирга (4-7-расм) ўзгармас U кучланиш уланганда занжирда ток ҳосил бўлиб, конденсатор зарядланади.

Занжирнинг қисқичларидаги кучланиш вақтнинг ҳар бир момента иккита ташкил этувчидан иборат бўлади:



4-7-расм. Қаршилик ва сифимли занжир.

$$U = u_r + u_c,$$

бунда $u_r = ir$ — қаршилик r даги кучланиш; $u_c = q/C$ — конденсатор қопламаларидаги кучланиш.

Ёзилган тенгламани idt га кўпайтирсак, ўшбу ҳосил бўлади:

$$U idt = i^2 r dt + u_c idt = i^2 r dt + u_c C du_c.$$

Тенгламанинг чап томони занжир dt вақт ичидаги ток манбаидан оладиган энергияни ифодалайди. Ўнг томондаги биринчи қўшилуви $i^2 r dt$.

• қаршиликда dt вақт ичиде иссиқликка айланувчи энергиядан, иккинчи қүшилувчи

$$dW_c = u_c C du_c$$

еса конденсатордаги кучланиш du_c га ортган вақтда электр майдонида түпленган энергиядан иборат. $u_c C = q$ бўлганлиги учун

$$dW_c = q du_c.$$

Конденсаторнинг заряди q кучланишга пропорционал равища ўсади ва графикда координаталар бошидан ўтувчи тўғри чизик билан тасвирланади (4-8- расм). Қисқичларида-ги кучланиш du_c га ортганда конденса-торнинг олган энергияси штрихланган юзача билан тасвирланган. Кучланиш нолдан u_c гача ортганда конденсаторнинг электр майдонида түпленган энергия ана шундай юза-чаларнинг йифиндиси билан, яъни OAB уч-бурчакнинг юзи билан тасвирланади. Шундай қилиб, электр майдонининг энергияси

$$W_c = \frac{1}{2} qu_c = \frac{Cu_c^2}{2}. \quad (4-8)$$

Конденсаторни занжирга улаган вақтда конденсатор электр майдонида түпленган энергия электр майдони емирилган вақтида ажралиб чиқади.

4-2- мисол. Агар конденсаторнинг сиғими 50 мкФ ва қисқичларидағи кучла-виш 300 в бўлса, унинг электр майдонида түпленган энергия аниқланасин. Электр майдони энергияси


$$W = \frac{C U^2}{2} = \frac{50 \cdot 300^2}{10^6 \cdot 2} = 2,25 \text{ ж.}$$

4-4. ЭЛЕКТР МАЙДОНИДАГИ ДИЭЛЕКТРИК

Хажм бирлигига тўғри келадиган эркин электронлар ёки ионлар сони жуда кам бўлган жисмлар жуда заиф ўtkazuvchanlikka эта бўлади. Ана шундай жисмлар изоляторлар ёки диэлектрик-лар деб аталади.

4-9- а расмда диэлектрик япроқча 1 иккита 2 ва 3 металл элек-тродлар орасига қисилган. Бу электродларга U кучланиш берилади. Майдон кучлари таъсирида 2 электроддан 3 электродга қараб қисман 1 диэлектрик орқали I_V ва қисман унинг сирти бўйлаб I_S заиф ток ўтиб туради. Булардан бири ҳажм токи, иккинчиси сирт токи деб аталади.

Ҳажм токи диэлектрикнинг хосса ва ўлчамларига боғлиқ бўлган r_V ҳажм қаршилигига боғлиқ.




Сирт токи эса диэлектрикнинг хоссаси ва унинг ўлчамларигағы на боғлиқ бўлмасдан, балки диэлектрик турган шароитларга ҳам масалан, намлика ҳам боғлиқ бўлган r_s сирт қаршилигига боғлиқ.

Ҳажм токи

$$I_V = \frac{U}{r_V} = \frac{U}{\rho_V \frac{l}{S}}. \quad (4-9)$$

Солиштирма ҳажм қаршилиги ρ_V деб катталик жиҳатдан кўндаланг кесими 1 см^2 ва узунлиги 1 см бўлган диэлектрикнинг қаршилигига тенг катталик тушунилади. Солиштирма ҳажм



4-9- расм. Диэлектрикдаги токлар:

I_V —ҳажм токи; I_s — сирт токи; а—галванометр I_V ва I_s токларни ўлчайди; б—гальванометр фақат I_V токни ўлчайди.

қаршилигининг бирлиги *ом-сантиметрдир*, бу қўйидаги ифодадан кўринади:

$$[\rho_V] = \left[\frac{r_V S}{l} \right] = \frac{\text{ом} \cdot \text{см}^2}{\text{см}} = \text{ом} \cdot \text{см}.$$

Сирт токи

$$I_s = \frac{U}{r_s} = \frac{U}{\rho_s \frac{l}{d}}. \quad (4-10)$$

Диэлектрикнинг солиштирма сирт қаршилиги деб катталик жиҳатдан кенглиги $d = 1 \text{ см}$ ва узунлиги $l = 1 \text{ см}$ бўлган сиртнинг қаршилигига тенг катталик тушунилади. Солиштирма сирт қаршилигининг бирлиги *омдир*. Буни қўйидаги ифодадан кўриш мумкин:

$$[\rho_s] = \left[\frac{r_s d}{l} \right] = \frac{\text{ом} \cdot \text{см}}{\text{см}} = \text{ом}.$$

4-9- б расмда биз юқорида кўрган диэлектрик япроқча тасвирланган. Кейинги расмнинг аввалгисидан фарқи шундаки, юқоридаги электрод-диск ҳалқасимон электрод 4 билан ўралган. Шу сабабли 2 ва 3 электродлар орасидан гальванометр ўлчайдиган ҳажм токи ўтади. Кучланишни ўлчаб, юқоридаги электроднинг кўндаланг кесими ва диэлектрик япроқчанинг қалинлигини аниқлаб, келтирилган схема бўйича аввал ҳажм қаршилиги $r_V = U/I_V$ ни кейин эса 4-9 формула ёрдамида солиштирма ҳажм қаршилигими топиш мумкин.

Диэлектрикнинг солиширма ҳажм қаршилиги унинг параметларидан бирни ҳисобланади.

4-3- мисол. Агар $U = 500$ в; ток $I_V = 2 \cdot 10^{-8}$ а; $S = 100$ см², қалинлик $l = 1$ см бўлса, электрокартоннинг (4-9-б расм) солиширма ҳажм қаршилиги топилсин. Солиширма ҳажм қаршилиги.

$$\rho_V = r_V \frac{S}{e} = \frac{U}{I} \frac{S}{e} = \frac{500 \cdot 100}{2 \cdot 10^{-8}} = 2,5 \cdot 10^{13} \text{ ом. см.}$$

Диэлектрик электр майдонига киритилганда майдон кучлари таъсирида электронларнинг орбиталари майдонга тескари томонга қараб силжийди, бунинг натижасида атомларнинг ядролари электронлар орбиталарининг марказида эмас, балки бир оз четроқда қолади (4-10-расм). Майдон йўқолгандага бундай силжиш ҳам йўқолади. Ана шундай силжиш ҳодисаси диэлектрикларнинг қутбланиши дейилади.

Қутблangan molекулалар ўзларининг электр майдонини ҳосил қиласади; бу майдон асосий майдонга тескари йўналган бўлиб, уни заифлашибди. Диэлектрикнинг электр майдони таъсирида қутбланиш қобилияти кутбланиши натижасида асосий майдон неча марта заифлашганлигини кўрсатувчи диэлектрик киритувчанлик билан характерланади.


Ўзгарувчан электр майдонида диэлектрикдаги силжишлар ҳам ўзгарувчан бўлади. Бу процесс материя заррачалари ҳаракатини кучайтиради ва диэлектрикнинг қизишига сабаб бўлади. Электр майдонининг ўзгариш частотаси қанча катта бўлса, диэлектрик ҳам шунча кучлироқ қизииди. Бу ҳодисадан нам диэлектрикларни қутишиб ёки юқори температуралар талаб қилувчи химиявий реакцияларни амалга оширишда фойдаланилади. Силжишнинг даврий ўзгариши туфайли диэлектрикнинг қизишига кетган бирлик ҳажмдаги қувват солиширма диэлектрик йўқотишлар дейилади.

Диэлектрик киритувчанлик билан солиширма диэлектрик йўқотишлар диэлектрикнинг муҳим параметлари ҳисобланади.

Диэлектрик жойлашган электр майдонининг кучланганлигини ортириб бориб, шундай қийматга эришиш мумкинки, бунда диэлектрик тешилади, яъни унинг маълум бир жойи емирилади. Майдоннинг бу кучланганлиги тешилиш кучланганлиги ёки диэлектрикнинг электр мустаҳкамлиги, диэлектрик тешиладиган кучланиш эса тешилиш кучланиши дейилади.

Тешилиш характеристи турлича бўлиши мумкин.

Электр тешилишнинг дастлабки вақтида диэлектрикдаги озигина гина эркин электронлар электр майдони таъсирида диэлектрикнинг нейтрал атомлари ва молекулаларидан янги электронларни уриб чиқаришга етадиган критик тезликка эришади. Натижада диэлек-



4-10- расм. Диэлектрикнинг атоми:

а—қутбланмаган атом; б—қутбланган атом.

трикнинг тешилишига олиб келувчи уриб ионлаш процесси юзага келади.

Иссиқлик тешилиш вақтида диэлектрик электр майдонида қизиди ва натижада термик бузилиш ёки өмирилиш, масалан, ёрилиш, кўмирга айланиш ва ҳоказолар юзага келади. Диэлектрик йўқотишлиар ёки диэлектрик электр ўтказувчаникнинг ортиши ва диэлектрик қаршиликнинг температура коэффициенти манфий бўлганини сабабли кучланиш ортганда ҳажм токининг анчагина но-пропорционал ўсиши диэлектрикнинг қизишига сабаб бўлиши мумкин.

Диэлектрикнинг электр мустаҳкамлиги қатъий доимий эмас. У бир қатор сабабларга: кучланишнинг турига, унинг ўзгариш тезлигига, кучланишнинг таъсир этиб туриш вақтига, электр майдонининг шаклига (электродларнинг шаклига), диэлектрикнинг қалинлиги, унинг температурасига, намлигига, газларда эса босимга ҳам боғлиқ.

Электр қурилмалар ишончли ишлами учун ундаги барча диэлектрик қисмлар рухсат этиладиган кучланишдан юқори бўлмаган кучланишларда ишлами зарур. Рухсат этилган кучланиш одатда тешилиш кучланишидан бир неча марта кичик бўлади. Баъзи диэлектрикларнинг электр мустаҳкамлиги 4-7- параграфда келтирилган.

4-4- мисол. Қалинлиги 0,2 см бўлган электрокартон иккита ясси металл электроллар орасига олинган. Рухсат этилган ва тешилиш кучланишлар топилсин. Рухсат этилган кучланиш тешилиш кучланишидан 3 марта катта бўлиши керак.

Жадвалдан электрокартон учун тешилиш кучланганлигини топамиз:

$$[\mathcal{E}_{\text{теш.}}] = 100 \text{ кв/см.}$$

Тешилиш кучланиши

$$U_{\text{теш.}} = \mathcal{E}_{\text{теш.}} \cdot d = 100 \cdot 0,2 = 20 \text{ кв.}$$

Рухсат этиладиган кучланиш:

$$U_{\text{рухс.}} = \frac{U_{\text{теш.}}}{3} = \frac{20}{3} \approx 7 \text{ кв.}$$

4-5. ЭЛЕКТР МАЙДОНИДАГИ ГАЗ

Нормал шароитларда газ диэлектрикдир, чунки унда эркин электронлар ва ионлар сони жуда ҳам кам.

Газга рентген, радиоактив, космик ва бошқа нурлар, электр майдони, юқори температура ва шунга ўхшашлар таъсир этганда ионлашади. Масалан, электр майдонида электроннинг газнинг нейтрал атоми ёки молекуласи билан тўқнашуви газ нейтрал атомининг электрон ва мусбат ионга парчаланишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай тўқнашиш вақтида ҳаракатланаётган электрон ўз энергиясининг бир қисмини газ атомига беради. Атомнинг ионлашиши учун зарур бўлган энг кичик энергия ионлаш потенциалидан аниқланади. Атомдан ажратилган электрон эркин ҳолда қолиши ёки нейтрал атом билан бирлашиб манфий ион ҳосил қилиши мумкин.

Ионлар билан электроннинг нейтрал атомларга қайта бирлашиши каби тескари процесс, де ионланиш ёки рекомбинация

деб аталади ва у газнинг ионланиши билан бир вақтда содир бўлиб туради. Шундай қилиб, ионловчи узлуксиз таъсир қилиб турганда газнинг ионланиш даражаси тахминан бирдек қолади.

Агар ионлашган газ ичидаги ётган иккита металл электродларга (4-11- расм) ўзгармас кучланиш берилса, у ҳолда электр майдони мусбат ионларни майдон бўйлаб, электронлар билан манфий ионларни эса тескари йўналишда кўчишга мажбур этади, яъни газда электр токи вужудга келади.

Газнинг чет ионизатор таъсир этиб турган вақт давомидаги ўтказувчанилиги номустақил ўтказувчанилик дейилади.


Ўзгармас ионизатор бирдек ионлаштириб турган шароитда электродлар орасидаги кучланиш ортса, аввал токнинг пропорционал ўсиши (4-12- расм), сўнгра эса ўсишнинг сусайиши ва ниҳоят бутунлай тўхташи кузатилади. Ток тўйинишга эришган шароитда, деионланиш содир бўлмайди ва ионланиш процессида ҳосил бўлган барча ион ва электронлар электродларга бориб этади.

Кучланишни бундан кейин ҳам орттириб, иккита электрод орасида шундай кучланганликни ҳосил қилиш мумкинки, бунда электронларнинг кинетик энергияси $mv^2/2$ нейтрал атомларни ионлаш, яъни туртки ёки зарба билан ионлаш учун етарли бўлади. Атомлардан ажралган электронлар етарли даражада тезланиш олиб, янги нейтрал атомларни ионлади ва ҳоказо. Ионлар ва электронларнинг ҳосил бўлиш процесси кўчкисимон ривожланади ва ток кескин ортиб (4-12- расм, ВГ қисм), r_0 қаршилик билан белгиланувчи қийматига эришади (4-11- расм). Бунда электродлардаги кучланиш камаяди.


Разряд вақтида электродлар орасидаги фазо таркибида тахминан тенг миқдорда электронлар билан мусбат ионлар бўлган ионлашган газ билан тўлади. Ана шундай муҳит электрон-ион плазмаси ёки тўғридан-тўғри плазма деб аталади. Плазманинг электр ўтказувчанилиги жуда яхши бўлиб, металларнинг электр ўтказувчанилигига яқинdir.

Электронларнинг бир қисмидаги кинетик энергия газ атомларини ионлаш учун етарли бўлмайди. Бундай ҳолларда тўқнашиш вақтида атомга берилган энергия уни факат уйғотади. Уйғотилган атом тез орада ортиқча энергияни ёруғлик нури ҳолида қайтариб чиқаради. Ана шу нурни бизнинг кўзимиз газнинг шуълаланиши сифатида қабул қиласади.

Кучланганлиги етарли даражада юксак бўлган электр майдони газда мустақил разрядни вужудга келтириши мумкин. Маъ-



4-11- расм.
Газли оралиқ
характеристикаси учун
схема.



4-12- расм. Газли оралиқнинг вольт-ампер характеристикиаси.

лум бир кучланганликда, демак, ёниш кучланиши деб аталувчи кучланишда ҳам ток кескин ортиб кетади (4-12- расмдаги *ВГ* қисм) ва газнинг шуълаланиши бошланади.

Газлардаги мустақил разряд бир неча: қоронғи, биқсима, учқун, ёйсимон босқичларга бўлинади.

Қоронғи разряд. Агар майдоннинг кучланганлиги унинг бирор қисмида, масалан, кичик диаметрли сим сиртининг ўткир учли қисмида берилган газ учун критик қийматга эришса, қоронғи разряд ҳосил бўлади. Баъзан бундай разряд вақтида ёруғлик чиқади — тож ҳосил бўлиб, характерли вишиллаган овоз тарқалади.

Биқсима разряд қоронғи разряддан кейинги разряд сифатида паст босимли асбобларда юзага келади. У анодга яқин жойдаги газ қатламининг шуълаланиши — анод шуъласи билан характерлидир. Узун шиша найчаларда анод шуъласи найнинг каттагина қисмини эгаллайди ва газнинг табиатига қараб турли рангга эга бўлади, масалан, неон қизил рангли нур чиқаради. Бундай найчалар рекламали ёритгичларда қўлланилади.

Биқсима разрядли лампалар кучланиш индикаторлари сифатида ишлатилиди. Неон ёки аргон тўлдирилган баллон ичига иккита металл электрод киритилиди. Лампа майдум кучланишда ёнади. Лампанинг қуввати ваттларнинг улушларига тенг.

Учқун разряд кучланиш демак, майдон кучланганлиги ортганда, ионланиш электродлар орасидаги ҳамма участкага таржалганда қоронғи разряддан ҳосил бўлади. Учқун разряд айрим каналлар бўйлаб — энг кам қаршиликли йўллар бўйлаб ўтади. Учқун каналида ҳаракатланётган электронлар кўчкиси температура билан босимни кескин ортириб юборади, шу сабабли учқун разряд вақтида характерли шовқин юзага келади. Яшин жуда катта учқун разряддан иборатdir.

Учқун разряд электр эрозия, яъни анод моддаси заррачаларини юлиб чиқариш ҳодисасини вужудга келтиради. Бу ҳодисадан металларга электр учқуни ёрдамида ишлов беришда фойдаланилади.

Ёйсимон разрядни дастлабки босқичсиз ҳам, масалан, ток манбай билан чегараловчи қаршилик орқали туташтирилган иккита кўмир электродлар орасида ҳосил қилиш мумкин. Ёй ҳосил қилиш учун кўмир стерженларнинг учлари бир-бирига тегадиган қилиб яқинлаштирилади. Юзага келган ток стерженларнинг яқинлашган учларини жуда юқори температурага қадар қизидиради. Кўмирлар бир-биридан узоқлаштирилганида улар орасидаги газ электронлар таъсирида ионлашади ва ток занжирини туташтирувчи плазма билан тўлади. Электродлар, айниқса электронлар бомбардимон қиласиган анод қизийди. Анод билан плазманинг температураси 4000°C дан ортиб кетади, кучли ёруғлик оқими нурланади.

Плазманинг ўтказувчанилиги жуда катта, шу сабабли кучланиш кичик 15—30 в бўлганда ҳам занжирдан катта ток ўтади.

Ток ортган сари плазманинг температураси билан ўтказувчан,

лиги ортади, ёйдаги күчланиш эса пасаяди. Ёйнинг вольт-ампер характеристикаси камайиш характеристига эга (4-13- расм).

Учкун ва ёйли разрядлар электр занжирларини узган ҳамда истеъмолчиларни узган вақтларда ҳосил бўлади.

Ёйли разрядни 1802 йилда академик В. В. Петров қашф этган. У ёйли разряддан ёритиш ва бошқа мақсадларда фойдаланиши ҳам текширган.

П. Н. Яблочков 1876 йилда электр ёйини ёритишга ишлатиб кўрган.

Бизнинг мамлакатимизда кенг қўлланила-диган металларни электр ёйи ёрдамида пай-вандлаш усули илгор технологик процес-лардан биридир.

4-6. ЭЛЕКТР ИЗОЛЯЦИЯСИ

Ҳар қандай электр занжири ток ўтка-зувчининг ўзидан, яъни электр токи ўтадиган йўлнинг ўзидангина иборат бўлиб қолмай, балки унда токнинг шу ток ўтказувчидан ташқаридаги бошқа бирор йўлдан ўтишига имкон бермайдиган мослама ҳам бўлиши керак. Шундай қилиб, ток ўтказувчини атрофдаги муҳитдан ажратиб турувчи ва уни турли потенциаллар остидаги қисмларини бир-биридан айриб турувчи электр изолятори билан ўралган бўлиши керак.

Ундан ташқари, изолятор одамларни ток ўтказувчининг ер по-тенциалидан фарқли потенциал остида турган қисмларига тегиб кетиши тасодифидан сақлаши лозим.


Конденсаторларда ва қатор мосламаларда, масалан, кабелларда изолятор уларнинг сифимиға, параметрларига ва хоссаларига таъсир кўрсатувчи ишчи диэлектриклар сифатида ишлатилади.

Изоляторни тўғри танлаш, унинг маъқул конструкциясини то-пиш ва изоляторнинг ҳолатини назорат қилиб туриш, электр қурил-маларининг шикастсиз ишлашини таъминлайди. Бунда изолятор ток ўтказувчига нисбатан осонроқ ўзгариши ва осонроқ шикастланишини назарда тутиш лозим.

Изоляторларнинг ва электротехник мосламалар, айрим элементлари изоляциясининг тузилиши ва конструкцияси ҳамда уларнинг аҳволини назорат қилиш китобнинг мос бобларида қаралган.

Электр изоляциясининг аҳамияти ва унинг баҳоси электр қу-рилманинг ишчи күчланиши ортиши билан орта боради.

Электр мустаҳкамлиги юксак, иссиқликка чидамлилиги юқори, диэлектрик киритувчанлиги катта бўлган янги изоляцияловчи ма-териаллар олиш ва уларни тўғри татбиқ этиш жуда катта техни-иктисодий аҳамиятга эга, чунки бу факторлар электр тармоқларида ва электр энергияни узатувчи линияларда ишлатиладиган электр машиналар, электр аппаратларнинг ўлчамлар ва оғирлигини ҳамда баҳосини камайтириш имконини беради.



4-13- расм. Ёйнинг вольт-ампер характеристикаси.

Электр изоляцияловчи материалларга уларнинг хоссаларига нисбатан жуда турли-туман талаблар қўйилади; бу хоссаларнинг асоцийлари қўйидагилардир:

- 1) электр мустаҳкамлик $\delta_{\text{теш.}}$;
- 2) солиширма ҳажм қаршилиги;
- 3) солиширма сирт қаршилиги;
- 4) диэлектрик киритувчанлик δ_a . ёки δ ;
- 5) диэлектрик йўқотишлар.

Бундан ташқари механик, термик, физик ҳамда химиявий хоссалари ҳам катта аҳамиятга эга.

Талабларнинг турли-туманлигига мос равишда электротехникада жуда кўп хилдаги электр изоляцияловчи материаллар ишлатилади.

4-7. ЭЛЕКТР ИЗОЛЯЦИЯЛОВЧИ МАТЕРИАЛЛАР

Электр изоляцияловчи материалларни ҳар хил белгиларига қарб бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин: 1) агрегат ҳолатларига кўра газсимон, суюқ, қаттиқ материалларга; 2) химиявий табиатига кўра органик ва неорганик материалларга; 3) иссиқлика чидамлилигига кўра 14-2-§ даги синфларга ва ҳоказо.

a) Газсимон диэлектриклар

Ҳаво табиий изолятордир. Қурилмаларнинг айрим қисмларида, масалан ҳаво электр узатиш линияларида таянчлар орасидаги ҳаво яланғоч симлар орасидаги табиий изолятордир.

Ҳавонинг электр мустаҳкамлиги бошқа газлардаги каби температурага, босимга ва қатор бошқа шароитларга боғлиқ. Нормал температура ($+20^{\circ}\text{C}$) ва нормал босимда ҳавонинг электр мустаҳкамлиги кўпчилик суюқ ва қаттиқ диэлектрикларнидан кам, яъни 30 кв/см бўлади. Шу сабабли баъзида бевосита қаттиқ диэлектрикнинг (изоляторнинг) сиртида ҳаво қатлами тешилади ва бу сирт бўйича разряд деб аталади. Сирт бўйича разряд изоляторнинг тешилишидан афзалроқ, чунки ҳавонинг электр мустаҳкамлиги қайта тикланади, тешилган изолятор эса ишдан чиқади ва уни алмаштириш зарур бўлиб қолади.

Бошқа газлардан водород, карбонат ангидрид, азот ва инерт газлар: аргон ва неонлар татбиқ этилади. Аргон ва неон электр лампаларнинг колбаларини тўлдиришда ишлатилади.

Йирик электр машиналарини совитишда ҳаво ўрнига водород ишлатилади, чунки бу газнинг иссиқлик ўтказувчанлиги ва иссиқлик сифими катта бўлганлиги сабабли унинг совитиш учун ишлатилиши анча қулайдир.

b) Суюқ диэлектриклар

Суюқ диэлектрикларга: минерал мойлар, синтетик суюқликлар, мумлар, бўёқлар киради.

Минерал мойлар нефтни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлардир. Улар суюқ углеводородларнинг аралашмаларидир. Улар асоси-

сан мойли трансформаторлар, мойли виключателлар, куч кабеллари ва конденсаторларда ишлатилади.

Трансформаторларда мой ток ўтказувчи қисмларчи изоляциялашда ҳамда конвенция йўли билан совитишда, яъни мой циркуляцияси орқали иссиқликни узатишда ишлатилади.

Мойли виключателларда мой занжир узилганда ҳосил бўладиган электр ёйини ўчириш учун хизмат қиласди.

Ишчи кучланиши 35 киловаттгача етадиган кабелларда мой изоляцияга шимдириш учун ишлатилади. Ишчи кучланиш 100 киловатт ва ундан юқори бўлган кабелларда бу кабель учун мўлжалланган каналлар мой билан тўлдирилади.

Мой юқори электр мустаҳкамликка ($100 - 200 \text{ кв/см}$) эга бўлиши керак. Агар мойда намлик бўлса унинг мустаҳкамлиги кескин тушиб кетади, шу сабабли мой ускуналарга қуюлишдан аввал ва даврий равишда қуритилиб ва тозаланиб туримиши керак. Мойнинг диэлектрик мустаҳкамлиги $\epsilon = 2 - 2,3$; солиширма ҳажм қаршилиги $\rho_v = 10^{14} - 10^{15} \text{ ом/см}$.

Сўнгги йилларда сунъий суюқ диэлектриклар жуда кенг қўлланилмоқда.

Совол ҳар хил даражада хлорланган дифенил молекулаларнинг аралашмасидан иборат. Бу синтетик суюқ диэлектрик конденсаторларга шимдириш ва уларни тўлдириш учун ишлатилади, чунки унинг диэлектрик киритувчанлиги минерал мойнидан икки мартадан ортиқроқ катта. Демак, конденсаторларнинг сифимини тахминан 2 марта ортириади.

Ёпишқоқлиги юқори бўлганлиги учун соволни трансформаторларга қуйиб бўлмайди, бу мақсадлар учун совтол ишлатилади. У трихлорбензол билан суюлтирилган соволдир.

Совтол ҳам соволга ўхшаб ёнмайди, шу сабабли улар билан тўлдирилган трансформаторлар ёнғин нуқтаи назаридан хавфсиз бўлади.

Смолалар паст температуralарда аморф шишиасимон масса бўлиб, иситганда юмшаб пластик, кейин эса суюқ ҳолатга кетади. Смолалар гигроскопик эмас ва сувда эримайди, бироқ, спирт ва бошقا эритувчиларда эрийди.

Смолалар кўп лаклар, компаундлар, пластмассалар, бўёқларнинг муҳим таркиби қисмидир. Табиий ва сунъий смолалар мавжуд.

Табиий смолалар баъзи ҳайвонлар организмларининг (масалан, шеллак) ёки ўсимликларнинг (масалан, смолонослар) ҳаёт кечириши натижасида ҳосил бўладиган маҳсулотdir. Синтетик смолаларнинг, масалан, полиэтилен, поливинилхlorидларнинг аҳамияти катта. Поливинилхlorид — хлорли винилнинг полимери бўлиб, симлар ва кабелларни изоляциялашда, ҳимоя қатламлари, лаклар тайёрлашда ишлатилади.

Сунъий смолаларнинг диэлектрик киритувчанлиги $\epsilon = 4 - 9$; электр мустаҳкамлиги $U_{\text{теш.}} = 150 - 400 \text{ кв/см}$; солиширма ҳажм қаршилиги $\rho_v = 10^{13} - 10^{14} \text{ ом. см.}$

Лаклар юпқа парда ҳосил қиласынан моддалар: смолалар, битумлар, қурийдиган үсімлик, масалан, каноп мойлари, целлюлоза эфирларининг эритмаларидан иборат. Қуритиш процессида лак пардаси ҳосил бўлади.

Қаерларда ишлатилишига қараб лакларнинг шимдириладиган, қопланадиган ва ёпиштириладиган турлари бўлади. Шимдириладиган лаклар электр машиналари ва аппаратларининг намлика чидамлилигини орттириш мақсадида уларнинг чулғамларига шимдирилади. Қопланадиган лаклар атрофдаги муҳитнинг таъсиридан ҳимоя қиласынан қатламлар ҳосил қилиш учун ишлатилади. Ёпиштириладиган лаклар слюда япроқчаларини бир-бiri билан, қоғоз ёки мато (миканит, микалента) билан ёпиштириш учун мўлжалланган.

Эмаль лаклар чулғамлар (эмаль изоляцияли симлар) сиртида юпқа (0,05 мм) ва эгилувчан изоляцияловчи қопламалар ҳосил қилиш учун ишлатилади.

Эмаль лаклар чулғамлар (эмаль изоляцияли симлар) сиртида юпқа (0,05 мм) ва эгилувчан изоляцияловчи қопламалар ҳосил қилиш учун ишлатилади.

в) Қаттиқ диэлектриклар

Қаттиқ диэлектриклар изоляцияловчи материалларнинг анчагина гурухини ташкил қиласы. Улардан баъзи бир энг кўп қўлланиладиганларини кўриб чиқайлик. Йиҳамроқ бўлиши учун улар ҳақидаги маълумотлар 4-1- жадвалда келтирилган.

4-1- жадвал

Баъзи электр изоляцияловчи материалларнинг характеристикалари

Диэлектрик	$\delta_{\text{теш.}}$	ϵ	ρ_V
	кв/см.	—	ом. см.
Асбест	30÷60	—	10^8
Мой шимдирилган қоғоз	100÷250	3,6	—
Гетинакс	100÷150	4÷7	$10^{10}÷10^{12}$
Ёғоч	25÷50	2÷3	$10^8÷10^{11}$
Лакоткань	70÷400	3÷4	$10^{11}÷10^{18}$
Мармар	30÷50	7÷8	$10^8÷10^{11}$
Полистирол	200÷300	2,5	$10^{16}÷10^{18}$
Парафин	200÷250	2÷2,2	$10^{16}÷10^{17}$
Поливинилхлорид	325	3,2	10^{14}
Полипропилен	500	2,25	$10^{14}÷10^{16}$
Резина	150÷250	3÷6	$10^{13}÷10^{14}$
Шиша	100÷150	6÷10	10^{14}
Органик шиша	400÷500	3	$10^{14}÷10^{16}$
Шиша мато	300÷400	3÷4	$10^{12}÷10^{14}$
Слюда	500÷1000	5,4	$5\cdot10^{11}$
Совол	140÷180	5,3	$10^{13}÷10^{15}$
Трансформатор мойн	50÷180	2÷2,5	$5\cdot10^{14}÷5\cdot10^{15}$
Текистолит	10÷75	4÷8	$10^{10}÷10^{18}$
Чинни	150÷200	5,5	$10^{14}÷10^{16}$
Эбонит	600÷800	3÷3,5	$10^{15}÷10^{16}$
Электрокартон	80÷120	3÷3,5	$10^8÷10^{10}$

1. Толали органик материаллар: қофоз, картон, фибра, матолар, ёғоч, пахта, шойи толаларидан тайёрланади.

Улар эластик, етарли даражада механик мустаҳкам ва гиграс-қопикдир; гиграскопикликни камайтириш учун уларга мой ёки компаунд шимдирилади.

Қофоз ёғочдан маҳсус ишлов бериш йўли билан тайёрланади. Қофозлар электротехникада кабеллар, конденсаторлар тайёрлашда ишлатилади. Гетинакс тайёрлашда эса шимувчи қофоз, бакелит буюмлар тайёрлашда ўрадидиган қофозлар, пўлат тахтачаларни изоляциялашда эса ёпишириладиган қофозлар ишлатилади.

Электрокартон (пресшпан) целлюлозадан тайёрланиб прессланади. ЭВ маркали электрокартон ҳавода ишлатиш учун, ЭМ маркалиси эса майдо ишлатиш учун мўлжалланган.

Электрокартон электр машиналар тирқишилариға қўйиладиган қатламлар учун, трансформатор чулғамларига ғалтаклар (каркаслар) ва турли буюмлар ясаш учун ишлатилади.

Фибра ғовак қофозга хлорли рух билан ишлов бериб тайёрланади. Упанеллар, тирговучлар, втулкалар, ғалтакларга каркаслар ва бошқа электр буюмлари тайёрлашда ишлатилади.

Гетинакс — бакелит шимдирилиб прессланган қофоз; 0,2 дан то 500 ми гача қалинликдаги тахтча шаклида тайёрланади.

Текстолит — резол смоласи шимдирилган кўп қатламли прессланган мато.

2. Пластмассалар — иккита таркибий қисмдан — бирлаштирувчи ва тўлдирувчидан ташкил топган материаллардир. Бирлаштирувчи модда сифатида смолалар ва битумлар, шунингдек шиша (микролексда) ёки цемент (асбестцементда) ишлатилади. Тўлдирувчилар кукунсимон ва толасимон бўлиши мумкин.

Пластмассанинг мўртлигини камайтириш учун унинг таркибида пластификаторлар, буюмга ранг бериш учун эса бўёқ модда қўшилади.

Пластмассалар иссиқ ёки совуқ ҳолда прессланган бўлиши мумкин.

Пресс-формада пластмасса маълум шаклдаги тайёр буюмга айлантирилади.

Пластмассалар электротехникада изоляцияловчи ва конструкция материаллари сифатида кенг қўлланилади.

3. Эластомерлар. Эластиклик материалнинг чўзилганда жуда ҳам чўзилиши ва нагрузка олинган вақтда дастлабки ўлчамларига қайта олиш хусусиятидир.

Эластиклик хоссасига эга бўлган материаллар эластомерлар деб аталади.

Ўсимликлардан — таркибида каучук бўлган ўсимликлардан олинидиган натурал каучук юксак эластикликка эга бўлиб, намлик ва газларни жуда кам ўtkазади.

Сўнгги ўн йилликларда синтетик каучук кенг қўлланилмоқда.

Резина — каучукни олтингугурт билан ишлаб ҳосил қилинадиган эластик материалdir. Олтингугурт миқдори 1 — 3 % бўлганда

юмшоқ, жуда ҳам эластик резина ҳосил бўлади, олтингугурт миқдори 25 — 50% бўлганда эса қаттиқ резина — эластикас, жуда яхши ишлов бериладиган материал — эбонит ҳосил бўлади.

Резина эластиклиги ва юқори электр хоссаларига эгалиги туфайли (4-1- жадвалга қаранг) электротехникада жуда кенг қўлланилади.

Таркибида олтингугурт кам бўлган резина сим ва кабелларни изоляциялашда ишлатилади. Эбонит изоляцияловчи деталлар тайёрлашда ишлатилади.

Резинанинг камчилиги унинг иссиққа ва минерал мойларнинг таъсирига чидамсизлигидир.

Сўнгги вақтларда резина ўрнига резинага қараганда ишқорларга, кислоталарга, минерал мойларга, бензинга чидамлироқ бўлган пластмасса-эластомерлар масалан, поливинилхlorид, полиэтиленлар муваффақият билан ишлатилмоқда.

4. Шаша кремнеземни (SiO_2) натрий, калий, кальций оксидлари билан бирга эритиб кейин кескин совитиш ва буюмга керакли шакл бериш учун унга ишлов бериш йўли билан олинади.

Оддий шиша мўрт бўлиб, маҳсус тайёрланган шишалар, масалан, сталинит эса юқори мустаҳкамликка эга.

Шиша электротехникада изоляторлар, чўғланма лампалар ҳамда электрон лампалар учун колбалар ясашда ишлатилади.

Шишадан, масалан, юқори температураларга мўлжалланган симларни изоляциялаш учун ишлатиладиган тола ва шиша мато олиш мумкин.

5. Электрофарфор: каолин, ўтга чидамли гил, кварц, дала шпати майдаланиб аралаштирилади ва буюмга керакли шакл бериш учун ишлов берилади, гигроскоплигини камайтириш мақсадида сирланади ҳамда қиздирилиб ишлов берилади.

Чиннининг механик ҳамда электр мустаҳкамлиги ва иссиқлика чидамлилиги юқори. У юқори ва паст кучланишлар учун изоляторлар тайёрлашда кенг қўлланилади.

6. Слюда — кристаллик тузилишга эга бўлган юпқа япроқчаларга ажраладиган минералдир. Унинг иссиқлика, намлика чидамлилиги юқори бўлиб, юксак электр хоссаларига эга (4-1- жадвалга қаранг). Слюда электротехника ва радиотехникада кенг қўлланилади.

Микант — лак ёки смола ёрдамида бир-бирига ёпиштирилган слюда япроқчаларидан иборат. У коллектор пластинкалари орасига қўйниш, турли мақсадлар учун изоляцияловчи қатламлар тайёрлаш, шунингдек фомовка йўли билан бир қолипдаги деталлар тайёрлаш учун ишлатилади.

7. Асбест — толали тузилишдаги минералдир. Асбестнинг асосий устунлиги унинг 300 — 400°C гача иссиққа чидамлигидир. У гигроскопикдир. Унинг электр изоляциялаш хоссалари у қадар юқори эмас (4-1- жадвалга қаранг). Асбестдан калава, мато, тасма, шнурлар, картон тайёрланади.

Асбестоцемент асбест тола; цемент ва сувдан иборат массани совуқ ҳолатда пресслаш йўли билан олинади. У температура жуда чидамли, механик мустаҳкам ва ўтда ёнмайди.

Асбест-цемент электр шитларига түсиқлар, найлар ва бир қолданылған деталлар тайёрлашда ишлатиласы.

8. Мармар — төг жинси бўлиб, ундан электр шчитлари ва шчитчаларидағи панеллар учун мармар тахтачалар тайёрланади.

9. Парапин — нефтни қайта ишлаш маҳсулоти — оқ мумсимон моддадир. Парапин гигроскопик эмас, у 55°C да суюлади.

Қоғоз, картон, ёғочларнинг гигроскопиклигини камайтириш мақсадида уларга парафин шимдирилади.


Бешинчи бөб

ЎЗГАРУВЧАН ТОК

5-1. ЎЗГАРУВЧАН ТОКНИНГ ДАВРИ ВА ЧАСТОТАСИ

Ўзгарувчан токнинг кенг қўлланилишининг сабаби унинг оддий йўл билан деярли исрофсиз трансформациялаш мумкинлигидир, яъни турли кучланишли — узоққа электр Энергия узатиш учун юксак кучланишли ва истеъмолчи учун паст кучланишли — электр токи олиш мумкинлигидир.

Техникада ўзгарувчан ток деб барча қыматлари давр (*T*) деб аталувчи бир хил вақт оралиқларыда тақрорланиб турувчи даврий токка айтилади; бунда ярим давр ичида ток бир томонга йүналса, иккинчи ярим давр ичида эса бош-ка қарама-қарши йүналишга эга бўлди.



5-1-расм. Ўзгарувчан ток графиги.

Үзгәрүчкан синусондад токнинг графиги 5-1- расмда кўрсатилган; графикда абсцисса ўқи бўйлаб вақт, ордината ўқи бўйича эса токнинг қийматлари қўйилган. Ординаталарнинг абсцисса ўқидан юқорида ётган қисми токнинг мусбат қийматини, абсцисса ўқидан пастдагиси эса — токнинг манфий қийматини билдиради.

Ўзгарувчан катталикнинг вақтнинг бирор моментидаги қиймати унинг оний қиймати дейилади ва стандартга мувофиқ кичик ҳарф билан белгиланади, масалан, токнинг оний қиймати *i* билан кучланишнинг оний қиймати эса *i* билан белгиланади.

Токнинг оний қиймати деб ўтказгичнинг кўндаланг кесими орқали кичик dt вақт ичида ўтган элементар dq электр миқдорининг шу вақтнинг давом этган вақтига нисбатига айтилади, яъни

$$i = \frac{dq}{dt}. \quad (5-1)$$

Катталиктининг давр ичидағи әнг катта қиймати унинг максимал ёки амплитуда қиймати дейилади ва стандартта биноан «М» индексли ёзма ҳарф билан белгиланади, масалан, I_m — токнинг амплитуда қиймати (5-1- расм). Давр давомида токнинг (кучланишнинг) юз берадиган ўзгаришлари түплами ўзгарувчан токнинг цикли деб аталади. Даврга тескари катталик, яъни бир секунддаги даврлар сони ўзгарувчан токнинг частотаси дейилади, шундай қилиб, частота

$$f = \frac{1}{T}. \quad (5-2)$$

СИ системасида частота бирлиги герц(гц) бўлиб, у сон жиҳатдан секунди даврга тенгdir.

ССРР да стандарт саноат частотаси 50 гц. Телефон алоқаси 300—3500 гц частоталарда (товуш частоталарида) ишлайди. Радиотехникада 10^5 — 10^{10} гц частоталар қўлланилади.

5-2. СИНУСОИДАЛ. Э. Ю. К. ОЛИШ

Техникада синуслар қонуни (5-1- расм) бўйича ўзгарадиган токлардан фойдаланилади, чунки тоқлар бундай ўзгарганда улар индукциялаган э. ю. к. лар ҳам, кучланишлар ҳам худди ўша қонун бўйича ўзгаради. Ҳақиқатдан шундай бўлиши қуйида кўрсатилиади.

5-2- расмда энг содда генераторнинг тузилиши тасвирланган. Электромагнитнинг N S қутблари орасида пўлат тахтачалардан тузиленган ва сиртига сим ўрам маҳкамланган цилиндр — якорь жойлашган. Ўрамнинг учлари якорь ўқига изоляцияланниб, ўрнатилган мис ҳалқаларга туташтирилган. Ҳалқаларга ташки занжирга туташтирилган шчеткалар тегиб туради.

Қутбларга шундай шакл берилганки, бунда ҳаво тириқиши қутбнинг ўртасидан четига қараб ортиб боради ва тириқищдаги магнит индукцияси B якорнинг сиртида унинг айланаси бўйлаб синуслар қонуни бўйича ўзгаради, яъни

$$B = B_m \sin \alpha,$$

бунда B_m — қутб маркази остидаги максимал индукция, α — якорь ўқи орқали ўтувчи OO' нейтрал текислик билан худди ўша ўқи ҳамда якорь сиртидаги ихтиёрий нуқта орқали ўтувчи текислик орасидаги бурчак.

Якорь ўзгармас $\omega = \alpha/t$ бурчак тезлик билан айланган вақтда ўрамнинг ҳар бир актив томонида қуйидагича э. ю. к. индукцияланади:

$e' = Blv = B_m l v \sin \alpha = B_m l v \sin \omega t$ ўрамнинг актив томонлари ўзаро кетма-кет уланган, шу сабабли ўрамда индукцияланган э. ю. к.

$$e = 2e' = 2B_m l v \sin \omega t.$$

5-3- расмда $e = f(t)$ ва $e' = f(t)$ э. ю. к. ларнинг графиклари көлтирилгаш.

Агар якорда битта ўрам ўрнига ω ўрамли ғалтак бўлса, у ҳолда э. ю. к. қўйидагича

$$e = 2B_m l \omega v \sin \omega t,$$

яъни ω марта каттароқ бўлади.

$\sin \omega t = 1$ да э. ю. к. максимал қийматга эга бўлади

$$E_m = 2B_m l \omega v, \quad (5-3)$$

демак, якорь ғалтагида индукцияланган э. ю. к.

$$e = E_m \sin \omega t. \quad (5-4)$$

Бу ёзилган ифодадан ҳисоб боши деб қабул қилинган $t = 0$ вақт момента тида ўрам текислиги нейтрал текислик кўриниб турибди, чунки


$$\alpha = \omega t = 0.$$

Якорнинг айланиш тезлиги ўзгармас бўлса, у бир айланиб чиққанда $\alpha = 2\pi$ э. ю. к. нинг бир $t = T$ даврга мос тўла ўзгариш цикллари амалга ошади, шу сабабли айланишининг бурчак тезлиги қийидагича ифодаланиши мумкин:


$$\omega = \frac{\alpha}{t} = \frac{2\pi}{T} = 2\pi f. \quad (5-5)$$

Бир жуфт қутбли генераторлардан ташқари кўп жуфт қутбли генераторлар ҳам ишлатилади. r та жуфт қутбли генераторда (5-4-расм) якорь бир айланиб чиққанда э. ю. к. ўзгаришининг r цикллари амалга ошади, чунки бир айланиш ичida ҳар бир ўтказгич r марта шимолий қутб остидан ва r марта жанубий қутб остидан ўтади.

5-5- расмда $e = f(t)$ нинг икки жуфт қутбли генератор якори бир марта айланиб чиққан вақтдаги графикиги көлтирилган.



5-4- расм. Икки жуфт қутбли ўзгарувчан ток генератори.



5-3-расм. Ўзгарувчан э. ю. к. ларнинг графикиги.

билинг устма-уст тушиши


$$\alpha = \omega t = 0.$$

Якорнинг айланиш тезлиги ўзгармас бўлса, у бир айланиб чиққанда $\alpha = 2\pi$ э. ю. к. нинг бир $t = T$ даврга мос тўла ўзгариш цикллари амалга ошади, шу сабабли айланишининг бурчак тезлиги қийидагича ифодаланиши мумкин:

$$\omega = \frac{\alpha}{t} = \frac{2\pi}{T} = 2\pi f. \quad (5-5)$$

Бир жуфт қутбли генераторлардан ташқари кўп жуфт қутбли генераторлар ҳам ишлатилади. r та жуфт қутбли генераторда (5-4-расм) якорь бир айланиб чиққанда э. ю. к. ўзгаришининг r цикллари амалга ошади, чунки бир айланиш ичida ҳар бир ўтказгич r марта шимолий қутб остидан ва r марта жанубий қутб остидан ўтади.

5-5- расмда $e = f(t)$ нинг икки жуфт қутбли генератор якори бир марта айланиб чиққан вақтдаги графикиги көлтирилган.



5-5- расм. Икки жуфт қутбли генератор ўзгарувчан э. ю. к. ининг графикиги.

Синусоидал э. ю. к. олиш учун ρ жуфт қутбلى генераторнинг якори сиртидаги магнит индукцияси қуйидаги қонун бўйича ўзгариши керак:

$$B = B_m \sin \rho \alpha. \quad (5-6)$$

$\rho(\alpha)$ кўпайтма геометриядаги α бурчакдан фарқли равишда электр бурчаги деб аталади.

Электр бурчагининг вақтга нисбати $\rho\alpha/t = \omega$ электр бурчак тезлиги ёки бурчак частотаси деб аталади. $t = T$ да $\rho\alpha = 2\pi$ бўлади ва кўп қутбلى генераторнинг бурчак частотаси

$$\omega = \frac{2\pi}{T} = 2\pi f \quad (5-7)$$

генератор қутбларининг неча жуфт эканлигига боғлиқ бўлмайди.

Агар якорь n тезлик билан айланса, яъни минутига n марта айланса, у ҳолда индукцияланган э. ю. к. нинг бир минутдаги цикллари сони pn , бир секунддаги цикллари сони, яъни частота эса

$$f = \frac{pn}{60}; \quad (5-8)$$

бурчак частотаси эса

$$\omega = 2\pi f = 2\pi \frac{pn}{60}. \quad (5-9)$$

5-1- мисол. Буғ турбинаси билан биргаликда ишлаётган генераторнинг икки жуфт қутби бор ($p=2$). Унинг якори $1500 \frac{\text{айл}}{\text{мин}}$ тезлик билан айланади. Ўзгарувчан токнинг частотаси аниқлансин:


$$f = \frac{pn}{60} = \frac{2 \cdot 1500}{60} = 50 \text{ гц.}$$

5-2- мисол. Номинал тезлиги 250 айл/мин бўлган гидротурбина билан бирга ишлаётган генераторнинг частотаси $f = 50 \text{ гц}$ бўлса, унда неча жуфт қутб бўлиши керак.

(5-8) га биноан

$$p = \frac{f \cdot 60}{n} = \frac{50 \cdot 60}{250} = 12 \text{ жуфт.}$$

5-3. ФАЗАЛАР СИЛЖИШИ



5-6- расм. Генератор якори чулғамининг иккита ўрами.

Фазода бир-бираига нисбатан силжиган (5-6-расм) иккита бир хил 1 ва 2 ўрамлар ўрнатилган якорь айланганда бу ўрамларда бир хил частотали ва бир хил амплитудали э. ю. к. лар индукцияланади. Бироқ улар фазода бир-бираига нисбатан силжиганлиги учун э. ю. к. лар бир вақтда амплитуда қийматларига эришмайди.

Агар якорь соат стрелкаси айланishiiga тексари айланаштаган бўлиб, вақтнинг бошлан-

ФИЧ моментида ($t = 0$) ўрамлар нейтрал OO' текислилкка нисбатан ψ_1 ва ψ_2 бурчаклар остила жойлашган бўлса, у ҳолда вақтнинг ихтиёрий t моментида ўрамларда индукцияланган э. ю. к.:

$$e_1 = E_m \sin(\omega t + \psi_1) \text{ ва } e_2 = E_m \sin(\omega t + \psi_2). \quad (5-10)$$

Сўнгги ифодалардаги ($\omega t + \psi$) фаза бурчаги ёки фаза дейи-лади. Шундай қилиб, (5-10) ифодалардан э. ю. к. нинг қийматини E_m амплитуда билан фаза белгиласи келиб чиқади.

Вақтнинг бошланғич $t = 0$ моментида ўрамларда индукцияланган э. ю. к. лар:

$$e_{10} = E_m \sin \psi_1 \text{ ва } e_{20} = E_m \sin \psi_2.$$

5-7- расмда бу э. ю. к. лар бошланғич ординаталар билан тасвирланган.

Э. ю. к. нинг вақтнинг $t = 0$ моментидаги қийматини белгиловчи ψ_1 ва ψ_2 электр бурчаклар бошланғич фаза бурчаклари ёки бошланғич фазалар деб аталади. Мусбат бошланғич фаза координаталар системаси бошидан чапга қараб, манфийси эса ўнгга қараб қўйилади.

Иккита синусоидал катталиклар бошланғич фазаларининг фарқи фазалар силжиш бурчаги ёки фазалар силжиши деб аталади

$$\psi = \psi_1 - \psi_2. \quad (5-11)$$


Фазалар силжишини бурчак частотага бўлсак, силжиш вақти ҳосил бўлади:

$$\frac{\psi}{\omega} = \frac{\Psi T}{2\pi} = t_{12},$$


яъни, битта синусоидал катталик даврининг бошланиши иккинчи-синикига қараганда қанча эртароқ эришилишини кўрсатувчи вақтни топамиз.

Давринг бошланиши деб синусоидал катталик ўзининг мусбат қиймати бошланадиган 0 қийматидан ўтган вақт моментига айтилади.

Давринг бошланиши иккинчисиникига қараганда эртароқ юз берадиган катталик фаза бўйича илгариланма катталик, иккинчиси эса фаза бўйича кечикма катталик деб аталади. Масалан, e_1 э. ю. к. (5-7- расм) e_2 э. ю. к. дан фаза бўйича $\angle \psi$ га ёки t_{12} вақтга илгариланма ёки худди шунинг ўзи, e_2 э. ю. к. e_1 дан $\angle \psi$ га ёки t_{12} вақтга кечикмадир.



5-7-расм. Иккита ўзгарувчан э. ю. к. нинг графиги.



5-8-расм. Иккита ўзгарувчан ток графиги.

Бир хил бошлангич фазали, яъни даврларнинг бошланишлари устма-уст тушган иккита синусоидал катталик фаза бўйича мос деб аталади ($\Psi = 0$).

i_1 ва i_2 токлар (5-8- расм) фаза бўйича чорак даврга ёки 90° га силжиган. i_1 токнинг бошлангич фазаси ноль, i_2 токнинг бошлангич фазаси эса $\pi/2 = 90^\circ$, шундай қилиб,

$$i_1 = I_{m_1} \sin \omega t; \quad i_2 = I_{m_2} \sin(\omega t + \pi/2).$$

Бошлангич фазаси $\pi/2$ га тенг синусоида, бу бошлангич фазаси нолга тенг бўлган косинусоиданинг ўзгинасиdir: $i_2 = I_{m_2} \cos \omega t$.

Фаза бўйича ярим даврга силжиган синусоидал катталиклар ҳақида улар бири-бирларига нисбатан тескари фазада ўзгаради дейишилади.

5-3- мисол. Иккита э. ю. к. берилган:

$$e_1 = E_m \sin(\omega t + 60^\circ); \quad e_2 = E_m \sin \omega t.$$

Частота $f = 500$ гц.

e_1 ва e_2 ларнинг фазалар силжиш бурчаги, фазалар силжиш вақти аниқланади. Бошлангич ψ_1 ва ψ_2 фазаларни радианларда ифодалайлик:

$$\psi_1 = \frac{60 \cdot 2\pi}{360} = \frac{\pi}{3}; \quad \psi_2 = 0.$$

Фазалар силжиш бурчаги

$$\Psi = \psi_1 - \psi_2 = \frac{\pi}{3}.$$

Давр

$$T = \frac{1}{f} = \frac{1}{50} = 0,02 \text{ сек.}$$

e_1 ва e_2 ларнинг фазалар силжиш вақти

$$t_{12} = \frac{\Psi}{\omega} = \frac{\pi T}{3 \cdot 2\pi} = \frac{T}{6} = 0,0033 \text{ сек.}$$


5-4. ВЕКТОРЛАР ДИАГРАММАСИ

Синусоидал катталиклар ё синусоидалар ёки айланувчи векторлар билан тасвирланади.

Тасвирлашнинг биринчи усули 5-1, 5-2, 5-3- параграфларда кўриб чиқилди. Бундай тасвирлаш усули амплитудани, бошлангич фазани ва даврни, яъни синусоидал катталикини характерловчи мидорларни аниқлашга имкон беради.

Синусоидал катталикини айланувчи вектор билан тасвирлагандага маълум масштабдаги векторнинг узунлиги катталикининг амплитудасини ифода этади; вектор билан абсцисса ўқининг мусбат йўналиши орасидаги бурчак бошлангич моментда бошлангич фазага тенг, векторнинг айланыш бурчак тезлиги эса бурчак частотага тенг. Айланувчи вектор билан тасвирланган синусоидал катталикининг оний қиймати векторнинг ординаталар ўқига проекцияси билан белгиланади.

Масалан, $e = E_m \sin(\omega t + \psi)$ ә. ю. к. ни тасвирлаш учун абсцисса ўқининг мусбат йўналиши билан ψ бурчак ҳосил қилувчи (5-9- расм) танлаб олинган масштабда E_m амплитудани ифодаловчи вектор ўтказилади. Вектор мусбат йўналишда (5-9- расм) ω бурчак тезлик билан айланганда унинг ордината ўқига (Y ўққа) проекциялари вақтнинг мос моментлари учун ә. ю. к. нинг оний қийматла-



5-9- расм. Синусоидал катталикни айланувчи вектор орқали тасвирлаш.

рини ифодалайди, чунки улар танлаб олинган масштабда қуйидаги катталиклардан иборат бўлади:

$$E_m \sin \alpha = E_m \sin(\omega t + \psi).$$

Графикда (5-9- расм) вақтнинг t_1 моменти учун ә. ю. к. $e(t_1)$ ордината билан тасвирланган; бу ордината шу моментда абсцисса ўқига нисбатан $\alpha = (\omega t_1 + \psi)$ бурчак остида жойлашган айланувчи векторнинг Y ўққа проекциясига teng.

Бир хил частотали синусоидал катталикларни тасвирловчи битта ёки бир неча векторлар вектор диаграмма дейилади.

Векторлар диаграммаси ташкил қилувчи векторлар айланганда уларнинг ўзаро вазияти ўзгармайди. Одатда айрим катталиклар орасидаги фазалар силжиши анча қизиқарлидир. Шу сабабли векторлар диаграммаси тузилаётганда биринчи ўтказилаётган вектор ихтиёрий равишда йўналтирилиб, диаграмманинг бошқа векторлари эса ўша векторга нисбатан фазалар силжиш бурчакларига teng бурчак остида жойлаштирилади.

Вектор диаграммалар ўзгарувчан ток занжирларидағи ҳоди аларни текширишда кенг қўлланилади.


5-10- расмда иккита E_{m1} ва E_{m2} ә. ю. к. векторлари ва уларнинг геометрик йифинди — $t = 0$ моментдаги йифинди E_m ә. ю. к. нинг вектори тасвирланган. Вақтнинг исталган моменти учун айланувчи E_{m1} ва E_{m2} векторларнинг Y ўққа проекциялари йифинди E_m векторнинг худди ўша ўққа проекциясига teng, яъни $e = e_1 + e_2$, чунки векторлар айланган вақтда уларнинг ўзаро вазияти ўзгармайди.

Бир хил частотали иккита синусоидал катталиктай үзаро құшилғанда худди шундай частотали синусоидал катталиктай ҳосил бўлади ва унинг амплитудаси йигинди векторнинг, масалан,

$$\vec{E}_m = \vec{E}_{m1} + \vec{E}_{m2} \quad (5-12)$$

векторнинг узунлиги билан ифодаланади.

Ҳарфлар устидаги чизиқлар бу катталикларнинг вектор эканини, демак, уларни параллелогрэмм (учбурчак) қоидасига асосан қўшиш лозимлигини кўрсатади.



5-10-расм. Иккита э. ю. к. лар векторларини қўшиш.

Йиғинди катталиктининг бошланғич фазаси (5-10-расм) қўйидаги формуладан топилади:

$$\operatorname{tg} \psi = \frac{AB}{OB} = \frac{E_{m1} \sin \psi_1 + E_{m2} \sin \psi_2}{E_{m1} \cos \psi_1 + E_{m2} \cos \psi_2}. \quad (5-13)$$

Икки синусоидал катталиктини айриш амали камаяётган катталиктини тескари ишора билан олинган айриувчи катталиктини қўшиш орқали топилади, яъни

$$e_1 - e_2 = e_1 + (-e_2).$$

5-5. ТОК ВА КУЧЛАНИШНИНГ ЭФФЕКТИВ ҚИЙМАТЛАРИ

Ўзгарувчан токнинг таъсир этувчи (эффицитив қиймати) тушунчасидан фойдаланилса, ўзгарувчан ток занжирларини ҳисоблаш анча енгиллашади.

Ўзгарувчан токнинг эффицитив қийматига тенгки, у шу ўзгарувчан ток ўтаётган қаршиликдан ўтганда унда бир давр ичida ўзгарувчан ток ажратиб чиқарадиган иссиқлик миқдорига тенг иссиқлик миқдори ажратиб чиқаради.

ГОСТ га биноан эффицитив қийматлар бош ҳарфлар, яъни ток I , кучланиш U билан белгиланади.

Ўлчов асбобларининг шкалаварига ҳамма вакт ток ёки кучланишнинг эффицитив қийматлари ёзилади.

Агар ток синуслар қонуни бўйича ўзгарса, унинг эффицитив қиймати амплитуда қийматининг 0,707 сига тенг бўлади, яъни

$$I = \frac{I_m}{\sqrt{2}} = \frac{I_m}{1,41} = 0,707 I_m. \quad (5-14)$$

Синусоидал кучланиш учун ҳам худди шундай муносабат ўринли, яъни

$$U = \frac{U_m}{\sqrt{2}} = 0,707 U_m. \quad (5-15)$$

Юқорида келтирилган муносабатларнинг түғри эканлигини исботлайлик. Ўзгармас I токнинг r қаршиликда ўзгарувчан токнинг T даври ичидә ажратиб чиқарған иссиқлик миқдори:

$$Q' = I^2 r T.$$

Ўзгарувчан токнинг худди ўша қаршиликда T давр ичидә ажратиб чиқарған иссиқлик миқдори ўзгарувчан ток қувватининг ўртача қиймати орқали ифодаланиши мумкин:

$$Q'' = P T.$$

Агар $Q' = Q''$ бўлса, у ҳолда

$$I^2 r T = P T. \quad (5-16)$$

Юқорида берилган таърифга мунофиқ сўнгги ифодадаги I эквивалент токнинг қиймати ўзгарувчан токнинг эффектив қийматига teng. Шундай қилиб, токнинг эффектив қиймати

$$I = \sqrt{\frac{P}{r}} \quad (5-17)$$

Синусоидал токнинг оний қиймати

$$P = i^2 r = I_m^2 r \sin^2 \omega t,$$

ёки $\sin^2 \alpha = \frac{1}{2} - \frac{1}{2} \cos 2\alpha$ эканлигини ҳисобга олсак:

$$P = \frac{I_m^2 r}{2} - \frac{I_m^2 r}{2} \cos 2\omega t.$$

Синусоидал токнинг оний қувватини иккита қўшилувчининг, яни ўзгармас $1/2 I_m^2 r$ ва даврий синуслар қолуни бўйича ўзгарувчи иккита қўшилувчининг инглийси сифатида ифодалаш мумкин.

Синусоидал ток қувватинийг ўртача қиймати ўзгармас қўшилувчига teng бўлади

$$P = \frac{1}{2} I_m^2 r,$$

чунки $\frac{1}{2} I_m^2 r \cos 2\omega t$ синусоидал қўшилувчининг бир давр ичидаги ўртача қиймати нолга teng.

Ўзгарувчан синусоидал токнинг эффектив қиймати (5-17) қўйидагига teng:

$$I = \sqrt{\frac{P}{r}} = \sqrt{\frac{\frac{1}{2} I_m^2 r}{r}} = \frac{I_m}{\sqrt{2}} = 0,707 I_m.$$

Синусоидал ток ва кучланишларнинг эффектив қиймати амплитуда қийматларидан $\sqrt{2}$ марта кичик бўлганлиги учун бир масштабда амплитуда қийматини ифодалаган вектор бошқа масштабда ҳам ўша катталиктининг эффектив қийматини ифодалайди. Бундан бўён векторларнинг масштаблари эффектив қийматларга қараб олиниди.

5-4- мисол. Электр тармоғига уланган вольтметр 380 в кучланиш кўрсатади. Тармоқдаги кучланишнинг амплитудасини оптич:

$$U_m = \sqrt{2} U = 1,41 \cdot 380 = 536 \text{ в.}$$

5-6. ЎЗГАРУВЧАН ТОК ЗАНЖИРЛАРИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МУЛОҲАЗАЛАР


Ҳар қандай электр занжирининг ҳам ўз параметрлари: r қаршилиги, L индуктивлиги ва C сифими бўлади.

Ўзгармас ток занжирида кучланиш ўзгармаса, ток, қувват ва электр ҳамда магнит майдонларидағи энергия запаси ҳам ўзгармайди.


Занжирнинг тармоқларидағи кучланиш ўзгарувчан бўлса, ундан ўзгарувчан ток ўтади, электр ва магнит майдонларининг энергияси ҳам ўзгарувчан бўлади.

Техникада физик ҳодисаларни r , L ёки C параметрлардан бирортаси белгилайдиган занжирлар ҳам учрайди. Қолган параметрлар жуда заиф таъсир кўрсатади, шу сабабли уларнинг таъсирини ҳисобга олмаса ҳам бўлади.


Масалан, чўғланма лампочка, иситгич асбоб ва реостатни r қаршиликли занжир деб қарашиб, уларнинг сифими ва индуктивлигини эътиборга олмаслик мумкин.



5-11- расм. Қаршиликли занжир.



a)



b)

5-12- расм. Қаршиликли занжирнинг токи, кучланиши ва қувватининг графиги.

Нагрузка берилмаган трансформатор занжирини индуктивлик деб қараб, бу занжирнинг қаршилиги билан сифимини ҳисобга олмаса ҳам бўлади.

Ниҳоят, нагрузкасиз ишлаётган кабелни сифим деб ҳисобласа бўлади, чунки бу занжир индуктивлиги ва қаршилигининг таъсири ниҳоятда кичик.

5-7. ҚАРШИЛИКЛИ ЗАНЖИР

a) Кучланиши ва ток

5-11- расмда тасвирланган занжир r қаршиликка эга.

Занжирнинг қисқичларидағи синусоидал кучланиш:

$$u = U_m \sin \omega t$$

бўлганда ундаги ток Ом қонунига биноан қўйидагича бўлади:

$$i = \frac{u}{r} = \frac{U_m}{r} \sin \omega t = I_m \sin \omega t.$$

Ток кучланиш билан бир фазада синусоидал ўзгаради,

5-12- *a* расмда кучланиш билан токнинг бир давр ичида юз берадиган ўзгаришлари, 5-13- расмда эса қаршиликли занжирнинг вектор диаграммаси кўрсатилган.

Текширилаётган занжир учун Ом қонуни фақат оний ва амплидуда қийматлари $i = u/r$ ва $I_m = U_m/r$ учунгина яроқли бўлмасдан, балки эффектив қийматлар учун ҳам яроқлидир, чунки

$$I_m/\sqrt{2} = I \text{ ва } U_m/\sqrt{2} = U,$$

демак,

$$I = \frac{U}{r}. \quad (5-18)$$

б) Қувват

Вақтнинг айни бир моментидаги кучланиш ва ток оний қийматларининг кўпайтмаси қувватнинг оний қийматини беради:

$$P = ui = i^2 r = I_m^2 r \sin^2 \omega t.$$

Ток тўғри йўналганда ҳам, тескари йўналганда ҳам оний қувват мусбатлигича қолади (5-12, а ва б- расмлар), чунки электр энергия токнинг қандай йўналганлигидан қатъи назар иссиқликка айланади.

$\sin^2 \omega t = \frac{1}{2} - \frac{1}{2} \cos 2\omega t$ эканлигини ҳисобга олиб, оний қувватни қўйидагида ёзиш мумкин:

$$\begin{aligned} P &= I_m^2 r \sin^2 \omega t = \frac{1}{2} I_m^2 r - \frac{1}{2} I_m^2 r \cos 2\omega t = \\ &= I_r^2 - I_r^2 \cos 2\omega t. \end{aligned}$$



чунки

$$\frac{1}{2} I_m^2 = (I_m/\sqrt{2})^2 = I^2.$$

Ўзгармас катталик

$$P = I^2 r = UI \quad (5-19)$$

5-13-расм. Қаршиликни занжирнинг вектор диаграммаси.

бир давр ичидаги ўртача қувватни ифодалайди ва актив қувват деб аталади. Электр энергия ўртача P тезлик билан иссиқликка айланадиган r қаршилик актив қаршилик деб аталади.

Актив қувват ваттларда ўлчанади.

5-8. ИНДУКТИВЛИКИ ЗАНЖИР

а) Кучланиш ва ток

5-14-расмда тасвирланган занжир индуктивликка ва жуда кичик актив қаршиликка эга ($r = 0$).

Занжир орқали

$$i = I_m \sin \omega t$$


теск ўтганда, унда ўзиндукия э. ю. к. и (3-16, §) индукцияланади:

$$e_L = -L \frac{di}{dt}.$$


Берк занжир учүн Кирхгофнинг иккинчи қоидасига биноан $u + e_2 = ir = 0$, демак, индуктивликнинг қисқىчларидаги кучланиш

$$u = -e_L = L \frac{di}{dt}. \quad (5-20)$$


Бу ёзилган теңглама бир томондан берилган кучланиш таъсирида занжирда ҳар бир вақт моментаидә үзиндүкция э. ю. к. ни индукциялайдиган ток вужудга



5-14- расм. Индуктивликли занжир



a)



b)

5-15- расм. Индуктивликли занжирнинг токи, магниттік оқими, кучланиши ва қувватынын графиги.

Занжирда индукцияланган үзиндүкция э. ю. к.

$$\begin{aligned} e_L &= -u = -L \omega I_m \sin\left(\omega t + \frac{\pi}{2}\right) = \\ &= L \omega I_m \sin\left(\omega t - \frac{\pi}{2}\right) \end{aligned} \quad (5-22)$$

фаза бўйича кучланишдан ярим даврга силжигандир.

Келишини ва бу э. ю. к. катталик жиҳатидан берилган кучланишга тенг ва йўналиш жиҳатдан унга қарама-қарши бўлишини, яъни у ток берилган кучланишни мувоза-натловчи э. ю. к. ҳосил қилишини билдиради.

Иккинчи томондан, (5-20) теңглама индуктивликдаги кучланиш токнинг вақт бўйича үзгариш тезлигига пропорционал эканлигини кўрсатади.

Ток синусоидал бўлганда (5-15-расм), унинг үзгариш тезлиги

$$\frac{di}{dt} = I_m \frac{d \sin \omega t}{dt} = \omega I_m \cos \omega t$$

га тенг, яъни үзгариш тезлиги косинусга пропорционал. Демак, ток максимумдан ўтаётганда унинг үзгариш тезлиги нолга тенг, ток ноль қийматдан ўтаётганида эса унинг үзгариш тезлиги энг катта бўлар экан (5-15- расм).

Индуктивликдаги кучланиш

$$u = L \frac{di}{dt} = L \omega I_m \cos \omega t = L \omega I_m \times \times \sin\left(\omega t + \frac{\pi}{2}\right). \quad (5-21)$$

Шундай килиб, ток синусоидал бўлганда, индуктивликдаги кучланиш ҳам синусоидал, бироқ фаза бўйича токдан $\pi/2$ бурчакка илгариланма бўлади (5-15- расм).

Занжирда индукцияланган үзиндүкция э. ю. к.

$$\begin{aligned} e_L &= -u = -L \omega I_m \sin\left(\omega t + \frac{\pi}{2}\right) = \\ &= L \omega I_m \sin\left(\omega t - \frac{\pi}{2}\right) \end{aligned} \quad (5-22)$$

Индуктивлики занжирнинг вектор диаграммаси 5-16- расмда берилган.

б) Индуктив қаршилик

(5-21) ва (5-22) ифодалардан кучланишнинг максимал қиймати ва э. ю. к. нинг унга тенг максимал қиймати қуйидаги экани келиб чиқади:

$$U_m = E_{Lm} = L\omega I_m. \quad (5-23)$$

Ёзилган ифодаларни $\sqrt{2}$ га бўлиб, кучланиш ва э. ю. к. нинг эффектив қийматларини топамиш:

$$U = E_L = L\omega I, \quad (5-24)$$

Бундан токнинг эффектив қиймати

$$I = \frac{U}{\omega L} = \frac{U}{x_L}. \quad (5-25)$$

Кучланишнинг занжирдаги токка нисбати билан аниқланадиган

$$\frac{U}{I} = \omega L = 2\pi f L = x_L \quad (5-26)$$

катталик индуктивликнинг реактив қаршилиги ёки оддийгина индуктив қаршилик деб аталади.

Индуктив қаршилик индуктивлик билан ўзгарувчан токнинг частотасига пропорционал. Частота $f = 0$ дан (ўзгармас ток) $f = \infty$ гача ўзгарганда, индуктив қаршилик $x_L = 0$ дан то $x_L = \infty$ гача ўзаради.

в) Қувват

Қувватнинг оний қиймати

$$P = ui = U_m \cos \omega t \cdot I_m \sin \omega t.$$

$\sin \omega t \cos \omega t = \frac{1}{2} \sin 2\omega t$ эканлигини ҳисобга олсак, қуйидагига эга бўламиз:


$$P = \frac{1}{2} U_m I_m \sin 2\omega t = UI \sin 2\omega t. \quad (5-27)$$

5-15- расмда оний қувватнинг графиги кўрсатилган.

Индуктивлики занжирдаги оний қувват иккиласган частота билан ўзариб дам мусбат $UI = I^2 \omega L$ максимумга, дам катталик жиҳатдан шундай, аммо манфий максимумга эришиб туради.

Ток, демак, магнит оқими ҳам ортганда (даврининг биринчи ва учинчи чораклари, 5-15- расм), у қандай йўналганилигидан қатъи назар, магнит майдони энергияси нолдан максимал қийматгача тўпланади (3-17- §):

$$W_m = \frac{1}{2} L I_m^2 = LI^2.$$



5-16- расм. Индуктивлики занжирнинг вектор диаграммаси.

Бу энергия генератордан олинади; шундай қилиб, занжир истеъмолчи режимида ишлайди, бу эса занжирдаги қувватнинг мусбат қийматига мос келади.

Ток, демак, магнит оқими камаяёттанды (дэврнинг иккинчи ва түрткінчи чораклари, 5-15- расм) магнит майдонининг энергияси максимал қийматыдан нолгача камаяди ва бунда энергия занжир бүйлаб генераторга қайтарылади. Шундай қилиб, дэврнинг бу қисмларыда занжир генератор режимида ишлайди ва индуктивлики занжир қувватининг манфий қийматига мос келади.

Индуктивлики занжирдаги ўртача қувват P нолга тенг.

Индуктивлики занжирдаги Q қувватнинг максимал қийматы одатта реактив қувват деб аталади.

(5-27) дан қойылады қелиб чиқади:

$$Q = \frac{1}{2} U_m I_m = UI = I^2 \omega D = \omega W_m. \quad (5-28)$$

Реактив қувватнинг ўлчов бирлиги реактив вольт-ампер (*вар*) деб юритилади.

5-5- мисол. Индуктивлиги 0,01 гн бўлган ғалтак кучланиши 127 в ва частотаси 50 гц бўлган тармоқка уланган.

1. Занжирнинг реактив қаршилиги, ундағи ток ва реактив қувват аниқлансан:

$$x_L = 2\pi f L = 2\pi \cdot 50 \cdot 0,01 = 3,14 \text{ ом};$$

$$I = \frac{U}{x_L} = \frac{127}{3,14} = 40,5 \text{ а};$$

$$Q = UI = 127 \cdot 40,5 = 5143,4 \text{ вар.}$$

2. 500 гц частотадаги реактив қаршилик ва тек аниқлансан:

$$x_L = 2\pi f L = 2\pi \cdot 500 \cdot 0,01 = 31,4 \text{ ом};$$

$$I = \frac{U}{x_L} = \frac{127}{31,4} = 4,05 \text{ а.}$$

г) Э. ю. к. билан магнит оқими орасидаги боғланиши

Ўзгарувчан токнинг пўлат иштирок этган занжирларини ҳисоблашда кўпинча индукцияланган э. ю. к. магнит оқими орқали ифодаланади.

Ўзиндуқция оқим илашувчанлигининг амплитуда қиймати

$$\Psi_m = LI_m.$$

Агар контурнинг барча ўрамларини битта магнит оқими кесиб ўтса, у ҳолда,

$$\Psi_m = \omega \Phi_m.$$

Бу ҳолда ўзиндуқция э. ю. к. ёки унга тенг кучланиши қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$U = E_L = \omega L \frac{I_m}{\sqrt{2}} = 2\pi f \frac{\omega \Phi_m}{\sqrt{2}} = 4,44 f \omega \Phi_m. \quad (5-29)$$

5-9. АКТИВ ҚАРШИЛИКЛЫ ВА ИНДУКТИВЛИКЛЫ ЗАНЖИР

a) Күчланиш ва ток

5-17- расмда тасвирланган занжирнинг r актив қаршилиги ва L индуктивликлиги бор. Бундай занжирга исталган электромагнит асбоб ёки аппаратнинг ғалтаги мисол бўла олади.

Занжирдан ўзгарувчан i ток ўтганда унда ўзиндукия э. ю. к. и e_L индукцияланади.

Кирхгофнинг иккинчи қоидасига биноан

$$u + e_L = ir,$$

бундан занжирнинг қисқичларидағи күчланиш

$$u = ir - e_L = ir + L \frac{di}{dt} = u_a + u_L.$$

Биринчи $u_a = ir$ қўшилувчи актив күчланиш дейилади ва унинг оний қиймати токка пропорционал бўлади. Иккинчи $u_L = -e_L = L \frac{di}{dt}$ қўшилувчи реактив күчланиш дейилади ва унинг оний қиймати эса токнинг ўзгариш тезлигига пропорционал бўлади.

Агар ток синуслар қонуни

$$i = I_m \sin \omega t$$

бўйича ўзгарса, у ҳолда актив күчланиш қўйидагига тенг бўлади:

$$u_a = ir = I_m r \sin \omega t = U_{m,a} \sin \omega t.$$

Бу күчланиш ҳам фаза бўйича ток билан мос келиб, синусоидал ўзгаради.

Актив күчланишнинг амплитуда қиймати

$$U_{m,a} = I_m r,$$

эффектив қиймати эса

$$U_a = Ir.$$


Реактив күчланиш

$$U_L = L \frac{di}{dt} = \omega L I_m \cos \omega t = U_{Lm} \sin \left(\omega t + \frac{\pi}{2} \right).$$

Бу күчланиш фаза бўйича токдан 90° га илгариланиб, синусоидал ўзгаради.

Реактив күчланишнинг амплитуда қиймати

$$U_{Lm} = \omega L I_m,$$



5-17- расм. Актив қаршиликли
ва индуктивликли занжир.

Эффектив қиймати эса

$$U_L = \omega L I = x_L I.$$

Занжирнинг қисқичларидаги кучланиш қуйидагicha:

$$\begin{aligned} u &= u_a + u_L = U_{m,a} \sin \omega t + U_{L,m} \sin \left(\omega t + \frac{\pi}{2} \right) = \\ &= U_m \sin (\omega t + \varphi). \end{aligned} \quad (5-30)$$



Қисқичлардаги кучланиш токдан фаза бўйича φ бурчакка илгарилиниб, синусоидал ўзгаради.

5-18- расмда i , u_a , u_L ва u ларнинг графиклари, 5-19- расмда эса занжирнинг вектор диаграммаси келтирилган. Диаграммада U , U_a ва U_L кучланишлар векторлари кучланишлар түғри бурчакли учбурчаги ташкил қиласди ва бевосита бу учбурчакдан бу катталикларни ўзаро боғловчи ушбу муносабат келиб чиқади:

$$U = \sqrt{U_a^2 + U_L^2}. \quad (5-31)$$

Амплитуда қийматлари учун ҳам худди шунга ўхшаш муносабатлар ўринли

$$U_m = \sqrt{U_{ma}^2 + U_{Lm}^2}.$$




5-18- расм. Актив қаршиликли ва индуктивликли занжирдаги ток ва кучланишнинг графиги.

Занжирнинг қисқичларидаги кучланиш билан ундаги ток орасидаги фазалар сизжиш бурчаги кучланишлар учбурчагидан қуйидаги формулаларнинг биттаси орқали топилади:

$$\cos \varphi = \frac{U_a}{U} \text{ ва } \operatorname{tg} \varphi = \frac{U_L}{U_a}.$$

Реактив қаршилик актив қаршиликка нисбатан қанча катта бўлса, ток фаза бўйича занжир қисқичларидаги кучланишдан шунча каттароқ бурчакка кечикади.



5-19-расм. Актив қаршиликли ва индуктивликли занжирнинг вектор диаграммаси.

б) Занжирнинг қаршилиги

(5-30) тенгламани қўйидагида ҳам ёзиш мумкин:

$$U = \sqrt{(Ir)^2 + (Ix_L)^2} = I\sqrt{r^2 + x_L^2} = Iz,$$

бундан занжирдаги ток

$$I = \frac{U}{r} = \frac{U}{\sqrt{r_1^2 + x_L^2}}, \quad (5-32)$$


$$z = \sqrt{r^2 + x_L^2} = \sqrt{r^2 + (\omega L)^2} \quad (5-33)$$

катталик занжирнинг тўла қаршилиги деб аталади.

r , x_L ва z қаршиликларни график усулда тўғри бурчакли учбуручакнинг — қаршиликлар учбуручагининг томонлари (5-20- расм) орқали тасвирилаш мумкин, бу учбуручакни кучланишлар учбуручагининг ҳар бир томонини I марта кичрайтириб ҳосил қилиш мумкин.

Қаршиликлар учбуручаги билан кучланишлар учбуручаги бир-бираига ўхшаш бўлганлиги учун кучланиш билан ток орасидаги фазалар силжиш бурчагини (у учбуручакнинг z ва r томонлари орасидаги бурчакка тенг) қўйидаги формулалар орқали топиш мумкин;

$$\cos \varphi = \frac{U_a}{U} = \frac{r}{z} \text{ ёки } \operatorname{tg} \varphi = \frac{U_L}{U_a} = \frac{x_L}{r}. \quad (5-34).$$



5-20- расм. Актив қаршиликли ва индуктивликли занжирнинг қаршиликлар учбуручаги.

в) Қувват

Қувватнинг оний қиймати

$$p = ui = U_m \sin(\omega t + \varphi) I_m \sin \omega t = U_m I_m \sin(\omega t + \varphi) \sin \omega t.$$

$$\sin(\omega t + \varphi) \sin \omega t = \frac{1}{2} \cos \varphi - \frac{1}{2} \cos(2\omega t + \varphi)$$

эканлигини ва (5-28) ни ҳисобга олиб, оний қувватни бошқача ҳам ифодалаш мумкин:

$$p = UI \cos \varphi - UI \cos(2\omega t + \varphi). \quad (5-35)$$

Бу ёзилган ифода иккита ҳаддан: вақтга боғлиқ бўлмаган $UI \cos \varphi$ дан ва синусоидал ўзгарувчи $UI \cos(2\omega t + \varphi)$ дан ташкил топган. Қувватнинг бир давр ичидаги ўртача қиймати (бу қийматдан одатда ўзгарувчан ток занжирларини ҳисоблашда фойдаланилади) ўзгармас $UI \cos \varphi$ ҳадга тенг, чунки синусоидал функцияниг бир давр ичидаги ўртача қиймати нолга тенг.

Шундай қилиб, занжир қувватининг ўртача қиймати кучланиши билан токнинг эффектив қийматининг $\cos \varphi$ га кўпайтирилганига тенг, яъни

$$P = UI \cos \varphi, \quad (5-36)$$

$$\text{Чунки } U \cos \varphi = U \frac{r}{z} = Ir = U_a,$$


шу сабабли

$$P = U_a I = I^2 r.$$

Демак, занжирнинг ўртача қуввати актив қаршиликдаги қувватнинг ўртача қийматига тенг экан. Шу сабабли исталган занжирнинг ўртача қуввати актив қувват деб ҳам юритилади.

Занжирнинг реактив қуввати (5-28):

$$Q = U_L I = I^2 x_L = I^2 z \sin \varphi = UI \sin \varphi, \quad (5-37)$$



5-21- расм. Қувватлар учбурчача-

яъни занжирнинг реактив қуввати кучланиш ва токнинг эфектив қийматини $\sin \varphi$ га кўпайтмасига тенг экан.

Занжирнинг тўла қуввати деб кучланиш билан токнинг эфектив қийматлари кўпайтмасига айтилади, яъни

$$S = UI; \quad (5-38)$$

$\sin^2 \varphi + \cos^2 \varphi = 1$ эканлиги ҳисобга олинса, қуйидагини ёзиш мумкин:

$$(UI \cos \varphi)^2 + (UI \sin \varphi)^2 = (UI)^2$$

ёки худди шунинг ўзи

$$P^2 + Q^2 = S^2.$$

Демак,

$$S = \sqrt{P^2 + Q^2}. \quad (5-39)$$

P , Q ва S қувватларни графикда учбурчакнинг — қувватлар учбурчагининг томонлари орқали тасвирлаш мумкин (5-21- расм), уни кучланишлар учбурчагининг барча томонларини I га кўпайтириб ҳосил қилиш мумкин.

$$\frac{P}{S} = \cos \varphi \quad (5-40)$$

нисбат, яъни актив қувватнинг тўла қувватга нисбати қувват коэффициенти деб аталади.

Тўла қувватнинг бирлиги вольт-ампердир (в. а).

Тўла қувват тушунчасидан фойдаланиш машина ёки аппаратнинг конструкцияси, ўлчамлари, оғирлиги ва баҳоси уларнинг номинал тўла қуввати $S_n = U_n I_n$ билан белгиланади, бирор режимда ишлабган вақтдаги тўла қуввати S эса уларнинг ишлатилиш даражасини белгилаши зарурлигидан келиб чиқади.

5-6- мисол. Кучланиши 250 в ва частотаси 50 гц бўлган тармоқка индуктивлиги 51 мГн ва актив қаршилиги 12 ом бўлган ғалтак уланган. Қуйидаги катталиклар аниқласин: x_L , z , I , U_a , U_L , $\cos \varphi$ ва P :

$$x_L = 2 \pi f L = 2 \pi \cdot 50, 0, 051 = 16 \text{ ом};$$


$$z = \sqrt{r^2 + x_L^2} = \sqrt{12^2 + 16^2} = 20 \text{ ом}; \quad I = \frac{U}{z} = \frac{250}{20} = 12,5 \text{ а};$$

$$U_a = Ir = 12,5 \cdot 12 = 150 \text{ в}; \quad U_L = Ix_L = 12,5 \cdot 16 = 200 \text{ в};$$


$$\cos \varphi = \frac{r}{z} = \frac{12}{20} = 0,6; \quad P = UI \cos \varphi = 250 \cdot 12,5 \cdot 0,6 = 1875 \text{ вт.}$$

5-10. АКТИВ ҚАРШИЛИККИ ВА ИНДУКТИВЛІ ТАРМОҚЛАНМАГАН ЗАНЖИР

Иккита кетма-кет уланган ғалтакларнинг (5-22- расм) актив қаршиликларидаги $U_{a1} = Ir_1$ ва $U_{a2} = Ir_2$ күчланишлар I ток билан фаза бўйича мос келади. Ғалтакларнинг реактив қаршиликларидаги



5-22- расм. Иккита ғалтакни кетма-кет улаш схемаси.



5-23- расм. Тармоқланмаган занжирнинг вектор диаграммаси.

ги $U_{L1} = Ix_L$ ва $U_{L2} = Ix_{L2}$ күчланишлар эса токдан 90° илгариландадир (5-23- расм).

Иккита ғалтакдан иборат тармоқланмаган занжирнинг қисқичларидаги күчланишни учбурчак қоидасидан топамиз:

$$U = \sqrt{(U_{a1} + U_{a2})^2 + (U_{L1} + U_{L2})^2} = \sqrt{U_a^2 + U_L^2}.$$

Қўшилаётган күчланишларни ток билан қаршиликлар орқали ифодаласак, қўйидагиларни топамиз:

$$U = I \sqrt{(r_1 + r_2)^2 + (x_{L1} + x_{L2})^2} = I \sqrt{r^2 + x^2} = Iz,$$

бу ерда $r = r_1 + r_2$ — занжирнинг актив қаршилиги;

$x = x_{L1} + x_{L2}$ — занжирнинг реактив қаршилиги.

Занжирнинг тўла қаршилиги.

$$z = \sqrt{r^2 + x_L^2}$$

5-24- расмда у қаршиликлар тўғри бурчакли учбурчагининг гипотенузаси сифатида тасвирланган; бу учбурчакни векторлар диаграммасидан күчланишлар учбурчаги томонларининг ҳар бирини 1 марта камайтириш билан ҳосил қилиш мумкин.


Занжирдаги ток

$$I = \frac{U}{z}$$

занжирдаги күчланишдан фаза бүйича φ бурчакка көчикади, бу бурчакни унинг косинуси орқали аниқлаш мумкин:

$$\cos \varphi = \frac{r}{z},$$

ёки унинг тангенси орқали аниқласа ҳам бўлади:



5-24- расм. Тармоқланмаган занжир учун қаршиликлар учбурчаги.

$$\operatorname{tg} \varphi = \frac{x_L}{r}.$$

Иккита галтакли занжирнинг ўртача ёки актив қуввати

$$P = P_1 + P_2 = UI \cos \varphi.$$

Ўша занжирнинг реактив қуввати

$$Q = UI \sin \varphi.$$

Занжирнинг тўла қуввати

$$S = UI.$$

5-11. АКТИВ ҚАРШИЛИКЛИ ВА ИНДУКТИВЛИКЛИ ТАРМОҚЛАНГАН ЗАНЖИР

Биринчи параллел тармоқдаги (5-25- расм) ток:


$$I_1 = \frac{U}{z_1} = \frac{U}{\sqrt{r_1^2 + x_{L1}^2}}$$

фаза бўйича күчланишдан маълум φ бурчакка көчикади, бу бурчакни унинг тангенси орқали аниқлаш мумкин $\operatorname{tg} \varphi_1 = x_{L1}/r_1$.

Иккинчи параллел тармоқдаги (5-25- расм) ток

$$I_2 = \frac{U}{z_2} = \frac{U}{\sqrt{r_2^2 + x_{L2}^2}}$$

ҳам фаза бўйича күчланишдан маълум φ_2 бурчакка көчикади, бу бурчакни унинг тангенси орқали аниқлаш мумкин: $\operatorname{tg} \varphi_2 = x_{L2}/r_2$.




5-25- расм. Иккита галтакни параллел улаш схемаси.

Тармоқланган занжирларни ҳисоблашни соддалаштириш учун ҳар қайси тармоқдаги ток ташкил этувчиларига ажратилиади. Битта — актив (I_a) қўшилувчи күчланиш билан фаза бўйича мос келади. Иккинчи қўшилувчи — реактив (I_p) ток эса күчланишга нисбатан фаза бўйича 90° га силжиган.

Биринчи параллел тармоқдаги токнинг ташкил этувчилари (5-26- расм).

$$I_{a1} = I_1 \cos \varphi_1 \quad \text{ва} \quad I_{p1} = I_1 \sin \varphi_1. \quad (5-41)$$

Векторлар диаграммаси тузилатгандан токнинг актив ташкил этувчисининг вектори күчланиш вектори бўйлаб йўналтирилади. Реактив индуктив ташкил этувчисининг вектори эса соат стрелкаси айланиси томонга қараб 90° бурчак остида йўналтирилади. Токлар учбурчагидаги туташтирувчиси вектор биринчи тармоқдаги токнинг векторидан иборат бўлади:



5-26- расм. Ўзгарувчан ток тармоқланган занжирининг вектор диаграммаси.

$$I_1 = \sqrt{I_{a1}^2 + I_{p1}^2}. \quad (5-42)$$

Иккинчи параллел тармоқ учун

$$I_{a2} = I_2 \cos \varphi_2; \quad I_{p2} = I_2 \sin \varphi_2;$$

$$I = \sqrt{I_{a2}^2 + I_{p2}^2}$$

Тармоқлардаги токларнинг фазалари бир хил бўлган актив ташкил этувчиларининг йиғиндиси умумий токнинг актив ташкил этувчисига тенг

$$I_a = I_{a1} + I_{a2}.$$

Тармоқлардаги токларнинг бир хил бўлган актив ташкил этувчиларининг алгебраик йиғиндиси умумий токнинг реактив ташкил этувчисига тенгдир.

$$I_p = I_{p1} + I_{p2}.$$

Занжирнинг тармоқланмаган қисмидан ўтувчи умумий ток

$$I = \sqrt{I_a^2 + I_p^2}.$$

Бу ток күчланишга нисбатан

$$\operatorname{tg} \varphi = \frac{I_p}{I_a}$$

бурчак орқали аниқланадиган фазаси бўйича φ бурчакка силжиган.

Занжирнинг алоҳида тармоқларининг актив қувватлари йиғиндисига тенг бўлган актив қуввати

$$P = P_1 + P_2 = UI_1 \cos \varphi_1 + UI_2 \cos \varphi_2 = UI \cos \varphi.$$

Худди шунга ўхшашиб занжирнинг реактив қуввати

$$Q = Q_1 + Q_2 = UI_1 \sin \varphi_1 + UI_2 \sin \varphi_2 = UI \sin \varphi.$$

Занжирнинг тўла қуввати

$$S = \sqrt{P^2 + Q^2}.$$

5-7- мисол. Иккита параллел тармоқли занжир (5-25- расм) 230 в кучланишили электр тармоғынга уланган. Параллел тармоқлардан бирига актив қаршилиги $r_1 = 1 \text{ ом}$ ва реактив қаршилиги $x_{L1} = 3 \text{ ом}$ бўлган фалтак, иккинчисига эса мос равишда қаршиликлари $r_2 = 3 \text{ ом}$ ва $x_{L2} = 2 \text{ ом}$ га тенг фалтак уланган. Ана шу тармоқлардаги токлар ва занжирдаги умумий ток топилсин:

$$I_1 = \frac{U}{z_1} = \frac{230}{\sqrt{1^2 + 3^2}} = 72,8 \text{ а; } I_2 = \frac{U}{z_2} = \frac{230}{\sqrt{3^2 + 2^2}} = 64 \text{ а;}$$

$$\cos \varphi_1 = \frac{r_1}{z_1} = \frac{1}{3,16} = 0,317; \quad \sin \varphi_1 = \frac{x_{L1}}{z_1} = \frac{3}{3,16} = 0,95;$$

$$\cos \varphi_2 = \frac{r_2}{z_2} = \frac{3}{3,6} = 0,833; \quad \sin \varphi_2 = \frac{x_{L2}}{z_2} = \frac{2}{3,6} = 0,556.$$

Биринчи параллел тармоқдаги токнинг ташкил этувчилари

$$I_{a1} = I_1 \cos \varphi_1 = 72,8 \cdot 0,317 = 23 \text{ а;}$$

$$I_{p1} = I_1 \sin \varphi_1 = 72,8 \cdot 0,95 = 69 \text{ а.}$$

Иккинчи параллел тармоқдаги токнинг ташкил этувчилари

$$I_{a2} = I_2 \cos \varphi_2 = 64 \cdot 0,833 = 53,2 \text{ а;}$$

$$I_{p2} = I_2 \sin \varphi_2 = 64 \cdot 0,356 = 35,4 \text{ а.}$$

Умумий токнинг ташкил этувчилари

$$I_a = I_{a1} + I_{a2} = 23 + 53,2 = 76,2 \text{ а;}$$

$$I_p = I_{p1} + I_{p2} = 69 + 35,4 = 104,4 \text{ а.}$$

Занжирнинг умумий токи

$$I = \sqrt{I_a^2 + I_p^2} = \sqrt{76,2^2 + 104,4^2} = 129,4 \text{ а.}$$

5-12. СИФИМЛИ ЗАНЖИР


a) Кучланиш ва ток

Конденсаторнинг (5-27- расм) қисқичларига



$$u = U_m \sin \omega t$$

кучланиш берсак, унинг қопламаларида кучланишга пропорционал ўзгарувчи заряд ҳосил бўлади (5-28- расм)

$$q = Cu = CU_m \sin \omega t.$$



5-27- расм. Сифимли занжир.



5-28- расм. Сифимли занжирнинг токи, кучланиши ва қувватининг графиги.

Конденсатор занжиридаги ток

$$i = \frac{dq}{dt} = C \frac{du}{dt}$$

конденсатордаги заряднинг ўзгариш тезлигига ёки унинг қисқичларидаги кучланишнинг ўзгариш тезлигига пропорционалdir.


Синусоидал кучланиш ноль қийматидан ўтаётган пайтларда (5-28- расм) унинг ўзгариш тезлиги энг катта бўлади, демак, вақтнинг ана шу пайтларида занжирдаги ток энг катта қийматга эришади. Кучланиш амплитуда қийматларидан ўтаётган вақтларда унинг ўзгариш тезлиги, демак, занжирдаги токнинг кучи ҳам ислага тенг бўлади.

Шундай қилиб, конденсатор занжиридаги ток

$$\begin{aligned} i &= C \frac{du}{dt} = C U_m \frac{d \sin \omega t}{dt} = C \omega U_m \cos \omega t = \\ &= I_m \sin \left(\omega t + \frac{\pi}{2} \right) \end{aligned} \quad (5-43)$$

кучланишдан фаза бўйича 90° бурчакка илгариланма бўлиб, синусоидал ўзгаради.

Сифимли занжирнинг вектор диаграммаси 5-29- расмда берилган.



5-29- расм. Сифимли занжирнинг вектор диаграммаси.

б) Сифим қаршилиги

(5-43) ифодадан токнинг амплитудаси қўйидагига тенг эканлиги келиб чиқади:

$$I_m = C \omega U_m.$$

Ёзилган ифодани $\sqrt{2}$ га бўлиб, қўйидагини топамиз:

$$I = C \omega U = \frac{U}{\frac{1}{\omega C}} = \frac{U}{x_C}. \quad (5-44)$$

$$x_C = \frac{1}{\omega C} = \frac{1}{2 \pi f C} \quad (5-45)$$

катталик сифимнинг реактив қаршилиги ёки сифим қаршилиги деб аталади.

Сифим қаршилиги сифимга ва ўзгарувчан токнинг частотасига тескари пропорционал. Частота $f = 0$ дан (ўзгармас ток) $f = \infty$ гача ўзгарганда сифим қаршилиги $x_C = \infty$ дан $x_C = 0$ гача ўзгаради.

в) Қувват

Қувватнинг оний қиймати

$$p = ui = U_m \sin \omega t \cdot I_m \cos \omega t = UI \sin 2\omega t.$$

5-28- б расмда оний қувватнинг графиги тасвирланган.

Сифимли занжирдаги оний қувват иккиланган частота билан ўзгариб, тоҳ мусбат $UI = I^2 \frac{1}{\omega C}$ максимумга, тоҳ шундай катталик-

даги манфий максимумга эришиб туради. Кучланиш ортаётганды (даврнинг биринчи ва учинчи чораклари, 5-28-расм) электр майдоннинг энергияси генератор энергияси ҳисобига нолдан максимал

$$W_m = \frac{CU_m^2}{2} = CU^2 \quad (5-46)$$

қийматгача ортади, шундай қилиб, занжир истеъмолчи режимида ишлайди ва бу режим қувватнинг мусбат қийматига мос келади.

Кучланиш камая бошлаганды (даврнинг иккинчи ва тўртинчи чораклари, 5-28-расм) электр майдонининг энергияси максимал қийматидан нолгача қамаяди, бунда энергияни занжир генераторга қайтариб беради. Шундай қилиб, даврнинг бу қисмларida занжир генератор режимида ишлайди ва бу режим сифимли занжир қувватининг манфий қийматига мос келади. Занжир ярим давр ичидаги оладиган энергия нолга тенг, демак, занжирнинг ўртача қуввати ҳам нолга тенг.

Сифимли занжирдаги қувватнинг максимал қиймати реактив қувват дейилади

$$Q = UI = U^2 \omega C = W_m \omega.$$

Бу қувват генератор билан сифимли занжир орасида энергия алмашлаш тезлигини характерлайди.

5-8- мисол. 80 мкФ сифимли конденсатор кучланиши 380 в ва частотаси 50 сц бўлган тармоқка уланган.

x_C , I ва W_m лар топишсин;

$$x_C = \frac{1}{2\pi f C} = \frac{1}{2\pi \cdot 50 \cdot 80 \cdot 10^{-6}} = \frac{10^6}{25000} = 40 \text{ ом};$$

$$I = \frac{U}{x_C} = \frac{380}{40} = 9,5 \text{ а};$$


$$W_m = CU^2 = 80 \cdot 10^{-6} \cdot 380 = 11,5 \text{ ж.}$$

5-13. КУЧЛАНИШЛАР РЕЗОНАНСИ

Агар r актив қаршилик, L индуктивлик ва C сифимдан иборат тармоқланмаган занжир (5-30-расм) бўйлаб

$$i = I_m \sin \omega t$$

ток ўтаётган бўлса, бу занжир қисқичларидаги кучланиш учта ташкил этувчидан (5-31-расм): $U_a = Ir$ актив кучланишдан (у фаза



5-30-расм. Актив қаршиликти, индуктивникини ва сифимли занжир.

бўйича ток билан бир хилда бўлади), $U_L = Ix_L$ индуктив кучланишдан (у токка нисбатан 90° га илгариланма) ва $U_C = Ix_C$ сифим кучланишидан (у токдан 90° га орқада юради) иборат бўлади. Векторлар диаграммасидан (5-31- расм) занжирнинг қисқичларидаги кучланиши бир катети актив кучланишдан, иккинчи катети эса индуктивлик билан сифимнинг кучланиш векторлари айримасидан иборат бўлган тўғри бурчакли учбуручакдан топиш мумкинлиги келиб чиқади. Шундай қилиб, занжирдаги кучланиш

$$U = \sqrt{U_a^2 + (U_L - U_C)^2}. \quad (5-47)$$

Занжирнинг айрим участкаларидағи кучланишларни ток билан мос кучланишларнинг кўпайтмаси орқали ифодалаб, қуйидагини топамиз:

$$\begin{aligned} U &= \sqrt{(Ir)^2 + (Ix_L - Ix_C)^2} = \\ &= I \sqrt{r^2 + (x_L - x_C)^2} = Iz, \end{aligned} \quad (5-48)$$

занжирдаги ток эса

$$I = \frac{U}{z}.$$

Занжирнинг тўла қаршилиги

$$z = \sqrt{r^2 + (x_L - x_C)^2}. \quad (5-49)$$

Бу қаршилик графикда қаршиликлар тўғри бурчакли учбуручакнинг гипотенузаси орқали ифодаланиши мумкин; бу учбуручакни кучланишлар учбуручагидан унинг томонларини 1 марта қисқартиш билан ҳосил қилиш мумкин.

Ток фаза бўйича занжирнинг кучланишидан φ бурчакка силжиган, бу бурчакни унинг тангенси орқали аниқлаш мумкин:

$$\operatorname{tg} \varphi = \frac{U_L - U_C}{U_a} = \frac{x_L - x_C}{r}.$$


$x_L > x_C$ демак, $U_L > U_C$ (5-31- расм) бўлганда, ток фаза бўйича кучланишдан φ бурчакка кечикма бўлади; аксинча, $x_L < x_C$ ва $U_L < U_C$ бўлганда ток кучланишдан илгариланма бўлади.

$x_L = x_C$ бўлганда, кучланишлар резонанси юзага келади ва бундай занжирнинг тўла қаршилиги актив қаршиликка tengлашади

$$z = \sqrt{r^2 + (x_L - x_C)^2} = r.$$

Демак, берилган кучланища занжирнинг тўла қаршилиги энг кичик, токнинг эффектив қиймати эса занжир кучланиши билан бир фазада ўзгариб энг катта қийматига эришади.


Индуктив кучланиш U_L билан сифим қаршилиги U_C ўзаро teng



5-31- расм. Актив қаршиликли, индуктивликли ва сифимли занжирнинг $X_L > X_C$ бўлгандаги вектор диаграммаси.

ва қарама-қарши фазаларда ўзгарғанлиги учун (5-32- расм) занжирнинг кучланиши актив күчланишга тең бўлади: $U = U_a$.

Реактив участкалардан бирортасидағи кучланишнинг, масалан U_L нинг занжирнинг U кучланишига нисбати



5-32- расм. Кучланишлар резонанси пайтидаги векторлар диаграммаси.

$$\frac{U_L}{U} = \frac{Ix_L}{Iz} = \frac{x_L}{z} = \frac{x_L}{r};$$

бундан

$$U_L = U \frac{x_L}{r}. \quad (5-50)$$

Шундай қилиб, индуктивликдаги кучланиш U_L ва сифимдаги үнга тенг U_C кучланиш $x_L = x_C > r$ бўлганда занжир қисқичларидағи U кучланишдан $x_L r$ дан неча марта катта бўлса, шунча марта катта бўлади. Демак, кучланишлар резонанси вақтида занжирнинг

айрим участкаларида тармоқдаги кучланишдан анча катта бўлган кучланишлар ҳосил бўлиши мумкин экан.


Юқорида айтилганлардан индуктивлик билан сифимдаги кучланишларнинг оний қийматлари катталик жиҳатдан ўзаро тенг ва ишоралари эса қарама-қарши экани келиб чиқади $u_L = -u_C$ (5-33-расм), демак, вақтнинг исталган пайтида занжирнинг реактив участкаларидағи оний қувватлар ҳам катталиклари ўзаро тенг, ишоралари эса қарама-қаршидир, чунки

$$p_L = iu_L = -p_C = iu_C.$$

Магнит майдонининг энергияси электр майдони энергиясининг камайиши ҳисобига ортади, аксинча генератордан эса энергия фаяқтак актив қаршиликка берилади ва бу ерда энергиянинг иссиқликка айланнишининг қайтмас процесси вужудга келади, деган хуносани чиқариш мумкин.

Кучланишлар резонанси вақтида магнит майдони билан электр майдони орасида даврий равишда энергия алмашиниб туради.

5-33- расмда i токнинг, u_L ва u_C кучланишларнинг ва p_L ҳамда p_C қувватларнинг графиги келтирилган. Горизонтал йўналишда штрихланган юзачалар магнит майдонини ҳосил қилиш учун сарфланган энергияни «+» ва майдон йўқолганда ажralиб чиққан энергияни «—» тасвирлайди. Қия қилиб штрихланган



5-33- расм. Кучланишлар резонанси пайтида ток, кучланиш ва қувватининг графиги.

юзачалар электр майдонини ұсил қилиш учун сарфланган энергияни, «+» майдон йүқолғанда ажралиб чиққан энергияни, «—» тасвирлайды.


5-14. ТОКЛАР РЕЗОНАНСИ

Тармоқланган занжирнинг (5-34-расм) қисқичларидағи күчланиш синусоидал бўлганда биринчи параллел тармоқдаги — фалтакдаги ток

$$I_1 = \frac{U}{z_1} = \frac{U}{\sqrt{r_1^2 + x_{L1}^2}}.$$

Бу ток күчланишдан фаза бўйича тангенси

$$\operatorname{tg} \varphi_1 = \frac{x_{L1}}{r_1}.$$




5-34- расм. Тармоқланган занжирнинг схемаси.

га тенг φ_1 бурчакка орқада қолади.


Фалтакдаги токнинг актив ташкил этувчиси $I_{a1} = I_1 \cos \varphi_1$ реактив ташкил этувчиси эса $I_{p1} = I_1 \sin \varphi_1$.

Иккинчи параллел тармоқдаги — конденсатордаги ток

$$I_2 = \frac{U}{x_2} = \frac{U}{\frac{1}{\omega C}} = U\omega C = I_C.$$



5-35- расм. Тармоқланган занжирнинг вектор диаграммаси.



5-36- расм. Токлар резонанси пайтидаги векторлар диаграммаси.

У фаза бўйича күчланишдан 90° илгариланма бўлади.

Умумий токни тармоқдаги тоқларнинг геометрик йиғиндиси сифатида топамиз (5-35-расм):

$$I = \sqrt{I_a^2 + I_p^2}$$

бунда $I_a = I_{a1}$ ва $I_p = I_L - I_C = I_{p1} - I_{p2}$.

Умумий токнинг күчланишдан силжиши бурчагини унинг тангенси орқали аниқлаш мумкин:

$$\operatorname{tg} \varphi = \frac{I_p}{I_a} = \frac{I_L - I_C}{I_{a1}}.$$

Умумий ток $I_L > I_C$ бўлганда кучланишдан ϕ бурчакка орқада қолиши ёки $I_L < I_C$ бўлганда илгари юриши ва ниҳоят, $I_L = I_C$ бўлганда кучланиш билан бир фазада ўзгариши (5-36-расм) мумкин.

Сўнгги ҳолда занжирда токлар резонанси содир бўлади.

Резонанс вақтида умумий ток

$$I = \sqrt{I_a^2 + I_p^2} = I_a,$$

яъни у ғалтақдаги токнинг актив ташкил этувчисига тенг; бу ток ғалтақдаги умумий I_1 токдан ҳамма вақт кичикдир. Демак, ғалтақка параллел қилиб маълум сифимли ва токи ғалтақдаги токнинг реактив ташкил этувчисига тенг конденсатор уласак, $\phi = 0$ ва $\cos \phi = 1$ ҳосил бўлади.

Шундай қилиб, истеъмолчининг, биз текшираётган ҳолда ғалтақнинг қуввати $P = UI \cos \phi = UI$ ўзгармаганда, туташтирувчи симларда ва қурилмага ток берувчи генераторда токнинг I_1 дан I_2 гача (5-36-расм) камайганлигини кўрамиз.

Ток синусоидал бўлганда даврнинг бир чораги давомида ғалтақдаги ток ортади ва унинг магнит майдонида энергия тўпланади. Даврнинг бундан кейинги чорагида ток камайиб магнит майдонини йўқолганда энергия яна қайтариб берилади. Конденсаторда энергия даврнинг кучланиш ортаётган чорагида тўпланади, кучланиш пасаяётганда эса қай гариб берилади. Энергия магнит майдонини вужуудга келишига сарфланадиган вақтда унга тенг миқдорда конденсатор разрядланиши вақтида ажралиб чиқинши ва аксинча бўлишини тушуниш осон. Демак, токлар резонанси вақтида магнит майдонида тўпланадиган энергия битта параллел тармоқдан иккинчисига ўтади. Тугаштирувчи симларда токнинг камайиб кетиши ана шу ҳодиса билан тушунтирилади.

5-15. ҚУВВАТ КОЭФФИЦИЕНТИ

Генератор номинал кучланиш, номинал ток ва $\cos \phi = 1$ билан ишлаган вақтда унинг қуввати тўла фойдаланилади. Чунки шу ҳолдагина генератор ўзининг тўла номинал қувватига тенг бўлган энг катта актив қувват беради:

$$P = U_n I_n \cos \phi = U_n I_n = S_n. \quad (5-51)$$

Актив қувват $\cos \phi$ га пропорционал бўлганлигидан, қувватнинг камайиши генератор қувватидан тўла фойдаланмасликка олиб келади.

Иккинчи томондан доимий актив қувват билан ишлатётган энергия истеъмолчисининг токи кучланиш ўзгармаганда $\cos \phi$ га тескари пропорционал равишда ўзгараради:

$$I = \frac{P}{U} \frac{1}{\cos \phi} = \text{const} \frac{1}{\cos \phi}.$$

Шундай қилиб, энергия истеъмолчисига боғлиқ бўлган $\cos \phi$ нинг камайиши токнинг орнишига, демак, симларда ва ток манбай-

да қизитиши учун истроф бўладиган қувватнинг ҳам ортишига сабабчи бўлади.

$\cos \varphi$ камайганда станциядаги генераторларнинг белгиланган қувватидан тўла фойдаланмаслик ва элекстр энергия истрофининг ортиши ҳар бир қурилма $\cos \varphi$ сини бирга яқинлаштириш заруратини туғдиради.

Кўпчиликдвигателларда $\cos \varphi$ нагруззакага боғлиқ бўлиб, нагруззакасиз ишлаган вақтда 0,1 — 0,3 дан нормал нагруззакада 0,8—0,9 гача кўтарилади.

Демак, $\cos \varphi$ нинг ортишидвигателлар нагруззасининг ортишини таълаб этади. Ундан ташқари, $\cos \varphi$ ни орттириш учундвигателларга параллел қилиб конденсаторлар уланади.

Элекстр қурилмаларининг $\cos \varphi$ сини орттириш халқ хўжалиги учун жуда муҳим вазифадир, чунки бу орттириш паст $\cos \varphi$ туфайли тармоқларда ва генераторларда йўқотиладиган кўп миқдордаги элекстр энергияни тежашга ва элекстростанциялардаги генераторларнинг жуда катта қувватларидан яхшироқ фойдаланишга имкон беради.

5-9- мисол. Кучланиши 380 в ва частотаси 50 гц бўлган тармоққа қуввати 14 квт, $\cos \varphi = 0,6$ двигатель уланган.

Қурилманинг $\cos \varphi$ сини 0,9 гача орттириш учун конденсатор улаш керак. Конденсаторнинг сифими аниқлансанн.

Электродвигателнинг токи

$$I_1 = \frac{P}{U \cos \varphi} = \frac{14000}{380 \cdot 0,6} = 61,4a.$$

Тригонометрик жадваллардан топамиз:

$$\Phi_1 = 53^\circ 10' \text{ ва } \sin \Phi_1 = 0,8.$$

Электродвигатель токининг реактив ташкил этувчиси

$$I_{p1} = I_1 \sin \Phi_1 = 61,4 \cdot 0,8 = 49,1a.$$

$\cos \varphi = 0,9$ да двигатель билан конденсатордан иборат қурилма

$$I_2 = \frac{P}{U \cos \varphi} = \frac{14000}{380 \cdot 0,9} = 41a$$

ток истеъмол қиласди.

Тригонометрик жадваллардан қўйилагиларни топамиз: $\cos \varphi = 0,9$ га $\varphi = 25^\circ 50'$ бурчак ва $\sin \varphi = 0,436$ мос келади.

Қурилмадаги токининг реактив ташкил этувчини

$$I_{p2} = I_2 \sin \varphi = 41 \cdot 0,436 = 17,9a.$$

Конденсаторни улаш натижасида ток реактив ташкил этувчинининг камамиши (у конденсатордаги токка teng):

$$I_C = I_{p1} - I_{p2} = 49,1 - 17,9 = 31,2a.$$

Конденсаторнинг реактив қаршилиги

$$x_C = \frac{1}{2\pi f C} = \frac{U}{I_C} = \frac{380}{31,2} = 12,2 \text{ ом},$$

бундан қидирилаётган сифим

$$C = \frac{1}{x_C \cdot 2\pi f} = \frac{1}{12,2 \cdot 2 \cdot 3,14 \cdot 50} = 0,00026\phi = 260 \text{ мкФ}.$$

5-16. АКТИВ ВА РЕАКТИВ ЭНЕРГИЯ

Актив P құвеатнинг шу қувват доимий қоладиган t вақтта күпайтмаси билан аниқланадиган катталик актив энергия деб аталади.

$$W_a = Pt = UI \cos \varphi \cdot t. \quad (5-52)$$

Бу қувват ўзгарувчан ток занжирида сарфланган электр энергияны характерлайди.

Агар t вақт ичидә қувват ўзгарса, у ҳолда t вақт ҳар бирининг давомида қувват ўзгармайдын, t_1, t_2, t_3 ва ҳоказо оралиқтарга бўлинади ва энергия шу вақтлар ичидаги энергиялар йиғиндиси сифатида аниқланади:

$$W_a = P_1 t_1 + P_2 t_2 + \dots = W_{a1} + W_{a2} + \dots$$

Актив энергия актив энергия счётчиклари ёрдамида ўлчанади.

Реактив қувват Q ва t вақтнинг күпайтмаси билан аниқланадиган катталик реактив энергия деб аталади.

$$W_p = Qt = UI \sin \varphi \cdot t. \quad (5-53)$$

У ҳисоблаш учун ишлатиладиган катталиkdir.

Реактив қувват ўзгарувчан бўлса, реактив энергия қўйидаги формулага асосан топилади:

$$W_p = Q_1 t_1 + Q_2 t_2 + \dots = W_{p1} + W_{p2} + \dots$$

Реактив энергия реактив энергия счётчиклари ёрдамида ўлчанади.

Бир хил вақт ораликлари учун актив ва реактив энергияларни ўлчаб, занжирнинг қувват коэффициентини топиш мумкин

$$\begin{aligned} \frac{W_a}{\sqrt{W_a^2 + W_p^2}} &= \frac{UI \cos \varphi \cdot t}{\sqrt{(UI \cos \varphi \cdot t)^2 + (UI \sin \varphi \cdot t)^2}} = \\ &= \frac{\cos \varphi}{\sqrt{\cos^2 \varphi + \sin^2 \varphi}} = \cos \varphi. \end{aligned} \quad (5-54)$$

Қувватлар ўзгарувчан бўлса, счётчикларнинг кўрсатишига асосланаб, келтирилган формула ёрдамида қувват коэффициентининг ўртача қиймати топилади.

5-10- мисол. Ойнинг бошида актив энергия счётчиги 1762 квт соатни, реактив энергия счётчиги эса 736 квар соатни кўрсатган. Ойнинг охирига келиб биринчиси 1922 квт соатни, иккинчиси эса 846 квар соатни кўрсатган.

Қурноманинг қувват коэффициентининг бир ой ичидаги ўртача қиймати топилсин.

Бир ой давомида сарфланган актив энергия

$$W_a = 1922 - 1762 = 160 \text{ квт соат};$$

ўша вақт ичидә сарфланган реактив энергия

$$W_p = 846 - 736 = 110 \text{ квар соат};$$

$$\cos \varphi_{\text{урт.}} = \frac{W_a}{\sqrt{W_a^2 + W_p^2}} = \frac{160}{\sqrt{160^2 + 110^2}} = 0,82,$$

5-17. ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ. АКТИВ ҚАРШИЛИКЛИ, ИНДУКТИВЛИКИ ҲАМДА СИФИМЛИ ҮЗГАРУВЧАН ТОК ЗАНЖИРИ

Ишни бажаришдан аввал 5-13- ғ инг мазмуни билан танишиб чиқинг.

Иш плани

1. Ишни бажариш учун зарур бўлган асбоблар ҳамда ускуналар билан танишиб чиқинг; улар ҳақидаги асосий техник маълумотларни ёзиб олинг.

2. Схемани йигиб (5-37- расм) уни раҳбарингизга кўрсатинг.

3. $x_L > x_C$ қилиб олиб, занжирнинг ҳар қайси участкасидаги AB , BV ва BG нуқталар орасидаги ва бутун занжирдаги AG пукталар орасидаги кучланиш билан актив қувватни ўлчанг.

4. Олдингина маълумотларга асоссан ҳар қайси участка ва бутун занжир учун қуйидагиларни ҳисобланг:

$$r = \frac{P}{I^2}; \quad z = \frac{U}{I};$$

$$x = \sqrt{z^2 - r^2}; \quad U = Ir; \quad U_p = Ix; \quad \operatorname{tg} \varphi = \frac{x}{r}.$$


5. Ўлчаш ва ҳисоблаш натижаларини 5-1- жадвалга ёзинг.

6. Олинган маълумотларга асоссан маълум масштабда кучланишлар вектор диаграммасини ҳамда қаршиликлар диаграммасини чизинг.

7. $x_L = x_C$ шартни ўрнатинг. (Бу шарт занжирдаги ток энг катта бўлганда ўрнатилади.) Шу ҳол (кучланишлар резонаси) учун юқорида айтилган барча ўлчаш ва ҳисоблашларни тақорорланг. Ўлчаш ва ҳисоблаш натижаларини 5-1- жадвалга ёзинг.

8. Олинган маълумотларга асоссан маълум масштабда кучланишлар вектор диаграммасини ҳамда қаршиликлар диаграммасини чизинг.

9. $x_L < x_C$ ҳол учун юқоридаги барча ўлчаш ва ҳисоблашларни тақорорланг. Олинган натижаларни 5-1- жадвалга ёзинг. Маълум масштабда кучланишлар вектор диаграммаси билан қаршиликлар диаграммасини чизинг.



5-37- Лаборатория ишини бажариш учун схема.

5-1- жадвал


Тартиб номери	Қаршилик- ларнинг ўзаро нишбати	Занжирнинг участкаси	U	I	P	r	z	x	U_A	U_p	$\operatorname{tg} \varphi$	$\angle \varphi$
			в	а	вт	ом	ом	ом	в	в	-	-
1	$x_L > x_C$	Реостат Фалтак Конденсатор Бутун занжир										
2	$x_L = x_C$	Реостат Фалтак Конденсатор Бутун занжир										
3	$x_L < x_C$	Реостат Фалтак Конденсатор Бутун занжир										

**5-18. ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ.
ФАЛТАК БИЛАН КОНДЕНСАТОРНИ ПАРАЛЛЕЛ УЛАШ**

Ишни бошлашдан аввал 5-14- § ва 5-15- § нине мазмуни билан тапишиб чиқинг.

Иш плани

1. Ишин бажариш учун зарур бўлган асбоблар билан танишиб чиқинг. Ўлчаш асбоблари ҳамда ускуналарнинг асосий техник характеристикаларини ёзиб олинг.
2. Схеманийни (5-38- расм) унга раҳбарлигизга кўрсатинг.



5-38- расм. Лаборатория ишини бажариш учун схема.

3. Конденсаторнинг сифимини ортира бориб (фалтакнинг r ва L ларини ўзгартирмасдан) ўлчаш асбобларнинг кўрсатишиларини ёзинг. Олинган маълумотларга асоссан r_1 ; x_C ; I_a ; I_{p1} ; $\cos \varphi_1$; $\cos \varphi$; $\angle \varphi$ ларни топинг.

Асбобларнинг кўрсатишини ҳамда ҳисоблаш натижаларини 5-2- жадвалга ёзинг.

4. Тажрибадан олинган маълумотлардан фойдал ниб

$$I_1 = f(x_C); I_2 = f(x_C); I = f(x_C) \text{ ва } \cos \varphi = f(x_C)$$

ларининг графикларини чизинг.

5. $I_{p1} > I_2$; $I_{p1} = I_2$; $I_{p1} < I_2$ бўлган учала ҳол учун маълум масштабда векторлар диаграммасини чизинг.

5-2- жадвал

U	I	I_1	I_2	P	z_1	x_C	I_{a1}	I_{p1}	$\cos \varphi_1$	$\sin \varphi_1$	$\cos \varphi$	$\angle \varphi$
θ	a	a	a	вт	ом	ом	a	a	-	-	-	-

Олтинчи боб.

УЧ ФАЗАЛИ ТОК

6-1. УЧ ФАЗАЛИ ТОК ОЛИШ

Уч фазали ток системаси ҳамма жойда кенг қўлланилади, чунки бу системада энергия энг қулай узатилади ва оддий ҳамда ишончли ишлайдиган электр двигателлар, генераторлар ва трансформаторлардан фойдаланиш мумкин бўлади.

Уч фазали токниг асосчиси М. О. Доливо-Добровольский уч фазали генератор, уч фазали электр двигатель, уч фазали трансформаторларни яратган ва дунёда биринчи бўлиб, уч фазали ток энергијасини узатишни амалга оширган.

Уч фазали система деб, Э. Ю. К. лари бир хил частотали ва бир-бирига нисбатан фаза бўйича $\frac{1}{3}$ даврга силжиган учта электр занжирининг тўпламига айтилади. Э. Ю. К. ларининг амплитудалари ўзаро тенг бўлса, уч фазали система симметрик деб аталади.)

Уч фазали токниг энг содда генератори (6-1-расм) бир фазали генератордан якорга цилиндр айланаси бўйлаб бир-бирига нисбатан 120° бурчакка силжиган учта чулғам — ғалтак кийдирилганлиги билан фарқ қиласди. Генераторнинг чулғамлари фазалар деб аталади.


Якорь ўзгармас тезлик билан айланганда чулғамларда бир хил частотали ва бир хил амплитудали Э. Ю. К. лар индукцияланади. Якорь бир айланниб чиққанда ҳар бир чулғамнинг Э. Ю. К.—тўла ўзгаришлар цикленин ўтади, бу эса Э. Ю. К. нинг (T) даврига мос келади. Чулғамлар фазода 120° бурчакка силжиганлиги учун уларда индукцияланган. Э. Ю. К. лар ҳам фаза бўйича бир-бирига нисбатан $\frac{1}{3}$ даврга ёки $\frac{2}{3}\pi$ бурчакка силжигандир.

Агар вақтнинг ҳисоб боши биринчи фазадаги Э. Ю. К. нинг бошланғич моменти билан бир хил бўлса, у ҳолда бу Э. Ю. К. ни қўйидаги тенглама билан ифодалаш мумкин:

$$e_A = E_m \sin \omega t. \quad (6.1)$$



М. О. Доливо-Добровольский
(1862—1919).




6-1-расм. Уч фазали токниг энг содда генератори.

Генератор иккинчи фазасининг э. ю. к. e_A дан $\frac{1}{3}$ даврга орқада қолувчи электр юритувчи кучи e_B қўйидагича ёзилади:


$$e_B = E_m \sin \left(\omega t - \frac{2}{3} \pi \right). \quad (6.2)$$

Генератор учинчи фазасининг э. ю. к. e_B дан $\frac{1}{3}$ даврга орқада қолувчи ёки биринчи фазанинг э. ю. к. e_A дан $\frac{1}{3}$ даврга илгариланма электр юритувчи кучи e_C қўйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$e_C = E_m \sin \left(\omega t - \frac{4}{3} \pi \right) = E_m \sin \left(\omega t + \frac{2}{3} \pi \right). \quad (6.3)$$



6-2- расм. Уч фазали система симметрик э. ю. к. ларнинг графиги.



6-3- расм. Симметрик э. ю. к. ларнинг вектор диаграммаси.

Бу э. ю. к. ларнинг графиги 6-2- расмда, векторлар диаграммаси эса 6-3- расмда тасвирланган.

Э. ю. к. нинг генератор чулғамларида фазаларнинг охирни (x , y , қисқичлар) дан учлари (A , B , C қисқичлар) га қараб йўналишини мусбат йўналиш деб оламиз.

Уч фазали генераторнинг ҳар бир чулғами ўзининг ташқи занжирига туташиши мумкин. Бу ҳолда ўзаро соғланмаган олтита симли уч фазали система ҳосил бўлади. Амалда уч фазали генераторнинг чулғамлари юлдуз ёки учбурчак усулида туташтирилади. Бу ҳолда олтита сим ўрнига учта ёки тўртта сим ишлатилиб, анча сим тежалади.

6-2. ГЕНЕРАТОР ЧУЛҒАМЛАРИНИ ЮЛДУЗ УСУЛИДА УЛАШ

Юлдуз усулида линия симлари генератор чулғамларининг A , B , C учларига уланади. Чулғамларнинг X , Y , Z охирлари генераторнинг нейтрални ёки нуль нуқтаси деб аталадиган тутунга туташтирилади. Ана шу нуқтага нейтрал сим уланади (6-4-расм).

Фазанинг учи билан охири орасидаги кучланиш фаза кучланиш деб аталади ва U_A , U_B ёки U_C орқали, умумий ҳолда эса U_Φ орқали белгиланади. Ҳар бир линия сими билан нейтрал сим орасида ҳам фаза кучланиши бўлади.

Агар генератор чулғамларида кучланиши тушишини эътиборга олмасак, у ҳолда фаза кучланишлари фаза э. ю. к. ларига тенг бўлади.

Чулғамларнинг бошлари (ёки уларга уланган симлар) орасидаги кучланишлар линия кучланишлари деб аталади ва U_{AB} , U_{BC} ёки U_{CA} орқали, умумий кўриннища эса U_L орқали белгиланади.

Биринчи фазанинг охири X иккинчи фазанинг боши билан эмас, унинг охири Y билан тугаштирилган, шу сабабли A ва B симлар орасидаги линия кучланишинг оний қиймати мос кучланишларнинг йигин дисига эмас, балки айирмаси га тенгдир.

$$U_{AB} = U_A - U_B.$$


Худди шунга ўхшаш бошқа линия кучланишларининг оний қийматлари

$$U_{BC} = U_B - U_C \text{ ва } U_{CA} = U_C - U_A.$$


Фаза ва линия кучланишлари синусоидал ўзгаради, шу сабабли бу катталикларнинг эффектив қийматлари орасидаги муносабатларни векторлар диаграммаси дан (6-5- расм) топиш мумкин.

Фаза кучланишларининг векторлари бир-бирларига нисбатан 120° га бурилган. Линия кучланиши вектори U_{AB} ни топиш учун фаза кучланишининг вектори U_A га 180° га бурилган U_B кучланиш вектори қўшилади. Худди шу каби линия кучланиш вектори U_{BC} , U_B ва U_C векторларнинг айирмаси каби, кучланиш вектори U_{CA} , U_C ва U_A векторларнинг айирмаси каби топилади.

Линия кучланиши вектори масалан, U_{BC} ўртасидан перпендикуляр ўтказиб, OHM тўғри бурчакли учбурчакни (6-5- расм) ҳосил қиласиз, бу учбурчакдан



6-4- расм. Генератор чулғамларини юлдуз усулида улаш схемаси.



6-5- расм. Уч фазали занжир кучланишларининг вектор диаграммаси.

$$\frac{1}{2} U_n = U_\Phi \cos 30^\circ = U_\Phi \frac{\sqrt{3}}{2}$$

$$U_n = \sqrt{3} U_\Phi. \quad (6-4)$$

Шундай қилиб, юлдуз усулида улаганда фазалар күчланишларининг симметрик системаси учун линия күчланишининг эфектив қиймати фаза күчланишининг эфектив қийматидан $\sqrt{3}$ марта катта бўлар экан. Ундан ташқари, векторлар диаграммасидан кўринишича (6-5- расм) U_{AB} линия күчланиши U_A фаза күчланишидан 30° га илгари юради ва U_{BC} ҳамда U_{CA} линия күчланишлари мос U_B ҳамда U_C фаза күчланишларидан ўша бурчакка илгари юради. Линия күчланишлари векторлари юлдузи фаза күчланишлари векторлари юлдузига нисбатан соат стрелкаси айланишига тескари йўналишда 30° бурчакка бурилгандир.

6-1- мисол. Чулғамлари юлдуз усулида уланган генератор фаза күчланишинни топинг; линия күчланиши 380 в га тенг.

$$U_\Phi = \frac{U_n}{\sqrt{3}} = \frac{380}{\sqrt{3}} = \frac{380}{1.73} = 220 \text{ в.}$$

6-3. ГЕНЕРАТОР ЧУЛҒАМЛАРИНИ УЧБУРЧАК УСУЛИДА УЛАШ

Учбурчак усулида генератор фазаларининг A, B, C учларига линия симлари уланади (6-6- расм); биринчи фазанинг охирги X уни иккинчи фазанинг боши B билан, иккинчи фазанинг охирги Y уни учинчи фазанинг боши C билан ва ниҳоят, учинчи фазанинг охирги Z уни биринчи фазанинг боши A билан туташгирилади. Демак, учбурчак усулида улаганда линия күчланишлари, яъни линия симлари орасидаги күчланиш фаза күчланишларига тенг бўлади

$$U_{AB} = U_A; \quad U_{BC} = U_B \quad \text{ва} \quad U_{CA} = U_C. \quad (6-5)$$

Учбурчак усулида уланганда кичик қаршиликли $AXBYCZA$ ёпиқ контур юзага келади. Демак, контурда катта тосклар юзага чиқмаслиги учун унда таъсир этаётган э. ю. к. лар йиғиндиси нолга тенг бўлиши керак.

Учта симметрик э. ю. к. ларнинг йиғиндиси нолга тенг (6-7- расм), чунки фазалардаги э. ю. к. ларнинг икки векторини, масалан, \bar{E}_A билан \bar{E}_B ни қўшганимизда катталик жиҳатдан учинчи векторга тенг, бироқ ишораси тескари бўлган E_C вектор ҳосил бўлади:


$$\bar{E}_A + \bar{E}_B = -\bar{E}_C; \quad -\bar{E}_C + \bar{E}_C = 0.$$

Генератор чулғамларини учбурчак усулида нотўғри улашга асло йўл қўймаслиқ керак, масалан, чулғамларнинг X ва B учларини


(6-6 ва 6-7-расмлар) түғри улаб, Y ва Z ҳаңда C ва A учларини нотүғри улаб қуйидагини топамиз:

$$\bar{E}_A + \bar{E}_B = -\bar{E}_C; -\bar{E}_C - \bar{E}_C = -2\bar{E}_C$$

Яъни бу ҳолда ёпиқ контурдаги Э. Ю. К. ларнинг йиғинди каттаки жиҳатдан фаза Э. Ю. К. ининг иккиланган қийматига тенг бўлади, бу эса қисқа туташувнинг ўзгинасидир.



6-6-расм. Генератор чулғамларини учбуручак усулида улаш.




6-7-расм. Генераторни учбуручак усулида уланганда Э. Ю. К. ларнинг вектор диаграммаси.

6-4. ИСТЕММОЛЧИЛАРНИ ЙОЛДУЗ УСУЛИДА УЛАШ

Истеъмолчиларни юлдуз усулида улаган вақтда уч фазали система тўрт симли (ёритувчи нагрузка) ёки уч симли (куч нагрузкаси) бўлиши мумкин.

Биринчи ҳолда лампалар ҳар бир линия сими билан нейтрал сим орасига уланади (6-8-расм). Бунда нейтрал сим истеъмолчиларнинг алоҳида фазаларида кучланишлар билан генераторнинг



6-8-расм. Нейтрал симни юлдуз усулида улаш схемаси.

мос фазаларида кучланишларнинг тенглигини таъминлайди. Шундай қилиб, истеъмолчиларнинг иш шароитлари худди бир фазали системадагидек қола беради.

Бундай усулда улаганда (6-8- расм) линия симларидаги токлар истеъмолчи билан генераторнинг мос фазаларидағи токларга тенг бўлади, яъни

$$I_{\Phi} = I_L. \quad (6-6)$$

Истеъмолчиларнинг алоҳида фазаларидаги токлар маълум формулаларга асосан ҳисобланади:

$$I_A = \frac{U_A}{Z_A}; \quad I_B = \frac{U_B}{Z_B} \text{ ва } I_C = \frac{U_C}{Z_C}.$$

Фаза токларининг фаза кучланишларига нисбатан силжиш бурчаклари уларнинг косинуслари орқали топилади.

$$\cos \varphi_A = \frac{r_A}{z_A}; \quad \cos \varphi_B = \frac{r_B}{z_B}; \quad \cos \varphi_C = \frac{r_C}{z_C},$$

бу ерда $r_A, r_B, r_C, z_A, z_B, z_C$ лар истеъмолчилар фазаларининг актив ва тўла қаршиликлари.

Кирхгофнинг биринчи қоидасига биноан нейтрал симдаги токнинг оний қиймати фаза токлари оний қийматларининг йиғиндишига тенг.

$$i_0 = i_A + i_B + i_C.$$

Нейтрал симдаги токнинг вектори фаза токлари векторлари йиғиндиши сифатида аниқланади.

$$I_0 = I_A + I_B + I_C. \quad (6-7)$$

6-2- мисол. Генераторнинг фаза кучланиши 220 в, истеъмолчи фазаларининг қаршиликлари $z_A = z_B = r_A = r_B = 22$ ом, $z_C = r_C = 44$ ом.


Нейтрал симдаги ток топилсан.

Фаза токлари

$$I_A = I_B = \frac{U_{\Phi}}{z_A} = \frac{220}{22} = 10 \text{ а}; \quad I_C = \frac{U_{\Phi}}{z_C} = \frac{220}{44} = 5 \text{ а}.$$

Векторлар диаграммасида (6-9- расм) фаза кучланишлари билан токларнинг вектори чизилган. Фаза токлари векторларигина йигиндиши нейтрал симдаги ток векторларини беради, бундан $I_0 = 15 \text{ а}$.

У фаза бўйича U_A кучланишдан $\varphi = 60^{\circ}$ бурчакка орқада қолади.




6-9- расм. Актив нагрузкали уч фазали тўрт симли ток заражирининг вектор диаграммаси.

Нейтрал симнинг кўндаланг кесими линия симларининг кўндаланг кесимига тенг (ёки бир оз кичикроқ) қилиб олиниади, чунки нейтрал сим орқали ўтадиган ток линия симларидаги токларга қарагандага кичикроқ бўлади.

Борди-ю, истеъмолчиларнинг фазалари қаршиликлари турлича бўлса, нейтрал сим борлигига истеъмолчиларнинг ҳар бир фазадаги кучланиши $U_L/\sqrt{3} = 0,58 U_{\Phi}$; бу эса истеъмолчининг номинал куч-

ланишидир. Нейтрал сим узилса, истеъмолчиларнинг фазаларида кучланиш ўзгариб кетади. Истеъмолчининг кичикроқ қаршиликлари фазасида кучланиш камайиб кетади ва $r_\phi = 0$ бўлса, ҳатто нолга ҳам тенглашиб қолиши мумкин. Қаршилиги каттароқ бўлган фазада кучланиш ортиб кетади ва U_ϕ га тенглашиб қолиши ҳам мумкин; бунга асло йўл қўйиб бўлмайди, чунки у истеъмолчининг номинал кучланишидан $\sqrt{3}$ марта катта ва нагруззка ёритгичдан иборат бўлса, бу фазага уланган лампалар куйиб кетади. Нейтрал симнинг узилиб қолишига йўл қўймаслик учун унинг занжирига сақлагичлар ва виключателлар қўйилмайди.



6-10- расм. Уч фазали генератор ва истеъмолчини юлдуз усулида улаш.

Агар истеъмолчининг фазалари қаршилиги бир хил (масалан, электр двигатель) ва генераторнинг фаза э. ю. к. лари симметрик бўлса, у ҳолда фаза токлари ўзаро тенг ва мос фаза кучланишларидан бир хил бурчакларга силжиган, яъни токлар системаси ҳам симметрик бўлади. Бу ҳолда нейтрал симдаги ток, у фаза токлари йиғиндисига тенг, нолга тенг бўлади ва бу симни ишлатиш учун зарурат қолмайди. Уни узиб қўйиш мумкин ва натижада биз уч фазали учта симли системага эга бўламиз.

Кучланишлар системаси симметрик ва фазалардаги нагруззкалар бир хил (текис) бўлган шароитда уч фазали занжирини ҳисоблаш битта фазани ҳисоблашга келтирилади.

Фараз қилайлик, юлдуз усулида туташтирилган истеъмолчи занжирга уланган бўлсин (6-10-расм). Агар истеъмолчи фазаларининг қаршиликлари $z_A = z_B = z_C = z_\phi$ бўлса, у ҳолда истеъмолчининг фаза кучланишлари

$$U_A = U_B = U_C = U_\phi = \frac{U_\pi}{\sqrt{3}}.$$

Фаза токлари

$$I_A = I_B = I_C = I_\phi = \frac{U_\phi}{z_\phi}.$$

Фаза токининг фаза кучланишидан силжиш бурчагини унинг косинуси орқали

$$\cos \varphi_{\Phi} = \frac{r_{\Phi}}{z_{\Phi}}$$

ёки тангенси орқали аниқлаш мумкин:

$$\operatorname{tg} \varphi_{\Phi} = \frac{x_{\Phi}}{r_{\Phi}}.$$

Фазанинг актив қуввати

$$P_{\Phi} = U_{\Phi} I_{\Phi} \cos \varphi_{\Phi}.$$

Симметрик система учун нагрузка текис бўлганда, ҳамма фазаларнинг актив қуввати

$$P = 3P_{\Phi} = 3U_{\Phi} I_{\Phi} \cos \varphi_{\Phi}. \quad (6-8)$$

Юлдуз усулида улаганда $I_{\Phi} = I_L$ ва $U_{\Phi} = \frac{U_L}{\sqrt{3}}$, эканлигини ҳисобга олсак, қуидагини топамиз:

$$P = 3U_{\Phi} I_{\Phi} \cos \varphi_{\Phi} = 3 \frac{U_L I_L}{\sqrt{3}} \cos \varphi_{\Phi} = \sqrt{3} U I \cos \varphi. \quad (6-9)$$

Сўнгги формуладаги U ва I лар чизиқли катталиклар, φ эса — фаза кучланиши билан фаза токи орасидаги силжиш бурчаги.

Уч фазали системанинг реактив қуввати

$$Q = \sqrt{3} U I \sin \varphi, \quad (6-10)$$

тўла қуввати эса

$$S = \sqrt{3} U I. \quad (6-11)$$

Фазалардаги нагрузкалар текис бўлмаса ёки система носимметрик бўлса, уч фазали системанинг қувватлари учала фаза қувватларининг йигиндиси сифатида топилади.

6-3- мисол. Юлдуз усулида туташтирилган уч фазали ток электр двигатели 380 в ли тармоққа уланган. Двигателнинг қуввати 5 квт, токи 9 а. Қувват коэффициенти топилсин.

Электр двигателнинг қуввати

$$P = \sqrt{3} U I \cos \varphi,$$

бундан

$$\cos \varphi = \frac{P}{\sqrt{3} U I} = \frac{5000}{1,73 \cdot 380 \cdot 9} = 0,84.$$

6-5. ИСТЕММОЛЧИЛАРНИ УЧБУРЧАК УСУЛИДА УЛАШ

Истеъмолчиларни учбурчак усулида улаш (6-11- расм) учун унинг ҳар бир фазаси линия симларига уланади, яъни бир вақтда истеъмолчининг фаза кучланиши ҳам бўлган линия кучланишига уланади:

$$U_{AB} = U_A; \quad U_{BC} = U_B; \quad U_{CA} = U_C.$$

Шундай қилиб, фазалар қаршилигининг ўзгариши фаза кучланишига таъсир кўрсатмайди.

Линия токларининг генератордан истеъмолчига қараб йўналишини мусбат йўналиш деб қабул қиласиз (6-11-расм). Фаза токларининг A' дан B' га, B' дан C' га ва C' дан A' га қараб йўналишини ҳам мусбат йўналиш деб қабул қиласиз.

Кирхгофнинг биринчи қоидасига мувофиқ A' тугунда токларнинг оний қийматлари учун қуийдагиларни ёзиш мумкин:

$$i_A + i_{CA} = i_{AB};$$

бундан


$$i_A = i_{AB} - i_{CA}.$$

Худди шунга ўхшаш B' тугун учун:

$$i_B = i_{BC} - i_{AB}$$

ва C' тугун учун

$$i_C = i_{CA} - i_{BC}.$$




6-11-расм. Истеъмолчиларни учбурчак усулида улаш.


Демак, исталган линия токининг оний қиймати берилган симга уланган фазалардаги токлар оний қийматларининг алгебраик айримасига тенг экан.

Исталган линия токининг вектори тегишли фаза токлари векторларининг айримаси сифатида топилади:

$$\bar{I}_A = \bar{I}_{AB} - \bar{I}_{CA}; \quad \bar{I}_B = \bar{I}_{BC} - \bar{I}_{AB}; \quad \bar{I} = \bar{I}_{CA} - \bar{I}_{BC}.$$




6-12-расм. Истеъмолчиларни учбурчак усулида улангандаги вектор диаграммаси.



6-13-расм. Истемолчи учбурчак усулида улангандаги вектор диаграммаси.

6-12- расмда энергия истеъмолчиларини учбурчак усулида уланганда уч фазали занжир учун векторлар диаграммаси келтирилган. Бу диаграммада барча векторлар битта нүктадан бошлаб чизилган. 6-13- расмда худди ўша занжир учун векторлар диаграммаси тасвирланган бўлиб, бу диаграммада кучланишлар векторлари учбурчак ҳосил қиласи, ҳар бир фаза токининг вектори эса мос фаза кучланиши билан биргаликда бид нүктадан бошлаб чизилган.



6-14- расм. Фазалардаги нагрузкалар бир хил бўлган хол учун учбурчак усулида уланган занжирнинг вектор диаграммаси.

Линия токлари ҳам симметрик системадан иборат бўлади (6-14- расм).

Линия токи, масалан I_A , векторининг ўртасидан перпендикуляр ўтказсан, OHM тўғри бурчакли учбурчак ҳосил қиласиз, ундан қўйидаги келиб чиқади:

$$\frac{1}{2} I_L = I_\Phi \cos 30^\circ = I_\Phi \frac{\sqrt{3}}{2}$$

ёки

$$I_L = \sqrt{3} I_\Phi \quad (6-12)$$

Шундай қилиб, истеъмолчиларни учбурчак усулида улаганда фазалардаги нагрузкалар бир хил бўлса, линия токлари фаза токларидан $\sqrt{3}$ марта катта бўлар экан.

Ундан ташқари, худди ўша векторлар диаграммасидан линия токлари мос фаза токларидан 30° бурчакларга орқада қолиши кўринади.

Истеъмолчиларни учбурчак усулида улаганда фазалардаги нагрузкалар бир хил бўлса, уч фазали занжирни ҳисоблаш бир фазани ҳисоблашга келтирилади.

Бу ҳолда фаза кучланиши $U_\Phi - U_L$.

Фаза токи

$$I_\Phi = \frac{U_\Phi}{z_\Phi}$$

Агар линия кучланишлари системаси симметрик бўлганда, фазалардаги нагрузкалар бир хил, яъни

$$z_{AB} = z_{BC} = z_{CA} = z_\Phi$$

ва

$$\Phi_{AB} = \Phi_{BC} = \Phi_{CA} = \Phi_\Phi$$

бўлса, у ҳолда фаза токларининг эфектив қийматлари ўзаро тенг ва фаза бўйича мос кучланишлардан бир хил бурчакларга (6-14- расм) демак, бир-бирига нисбатан 120° бурчакларга силжиган бўлади. Демак, фаза токлари симметрик система ташкил қилас экан.

Линия токи

$$I_L = \sqrt{3} I_\phi.$$

Фаза токининг фаза кучланишига нисбатан силжиш бурчагининг косинуси ва тангенси қўйидаги ифодалардан топилади:

$$\cos \varphi = \frac{r_\Phi}{z_\Phi}; \quad \operatorname{tg} \varphi_\Phi = \frac{x_\Phi}{r_\Phi}.$$

Битта фазанинг актив қуввати

$$P_\Phi = U_\Phi I_\Phi \cos \varphi_\Phi.$$

Учта фазанинг актив қуввати

$$P = 3P_\Phi = 3U_\Phi I_\Phi \cos \varphi_\Phi = \sqrt{3} UI \cos \varphi. \quad (6.13)$$

Учта фазанинг реактив қуввати

$$Q = 3U_\Phi I_\Phi \sin \varphi_\Phi = \sqrt{3} UI \sin \varphi. \quad (6.14)$$

Уч фазали занжирнинг тўла қуввати

$$S = 3U_\Phi I_\Phi = \sqrt{3} UI. \quad (6.15)$$

Фазалардаги нагрузкалар ҳар хил бўлганда, уч фазали занжирнинг қуввати алоҳида фазаларнинг қувватлари йиғиндиси сифатида топилади.

6-4- мисол. Қуввати 4,5 квт га тенг уч фазали электр двигателъ 127 в кучланиш билан ишлади; $\varphi = 0,8$. Двигатель учбурчак усулида уланган.

Линия ва фаза токлари топилсин.

Қувват $P = \sqrt{3} UI \cos \varphi$ бўлганлиги учун двигателнинг линия токи

$$I_L = \frac{P}{\sqrt{3} U \cos \varphi} = \frac{4500}{\sqrt{3} \cdot 127 \cdot 0,8} = 25,6 \text{ а.}$$

Фаза токи

$$I_\Phi = \frac{I_L}{\sqrt{3}} = \frac{25,6}{\sqrt{3}} = 14,8 \text{ а.}$$

6-5- мисол. Кучланиши $U_L = 125$ в бўлган уч фазали ток тармоғига қуйиндагича қаршиликларга эга бўлган истеъмолчилар уланган:

$$r_{AB} = 10 \text{ ом} \text{ ва } r_{BC} = r_{CA} = 15 \text{ ом.}$$

В симдаги сақлагич қуйиб кетса, истеъмолчилар қаандай кучланиш таъсирида қолнишини аниқланг.

Сақлагич қуйиб кетса, AB ва BC истеъмолчилар кетма-кет уланган ва $U_L = 125$ в кучланишга улангак бўлади.

Истеъмолчилардаги ток

$$I_{AB} = I_{BC} = \frac{U_{AC}}{r_{AB} + r_{BC}} = \frac{125}{25} = 5 \text{ а.}$$

Истеъмолчиларнинг қисқичларидаги кучланиш:

$$U'_{AB} = I_{AB} r_{AB} = 5 \cdot 10 = 50 \text{ в;}$$

$$U_{BC} = I_{BC} r_{BC} = 4 \cdot 15 = 75 \text{ в;}$$

$$U_{CA} = U_L = 125 \text{ в.}$$

Агар истеъмолчилар юлдуз усулида уланган ва линия токларининг мусбат йўналиши учун генератордан истеъмолчига қараб йўналиш қабул қилинган бўлса, Кирхгофнинг биринчи қоидасига биноан нейтрал нуқта учун қуйидагини ёзиш мумкин:

$$i_A + i_B + i_C = 0.$$

Агар истеъмолчилар учбурчак усулида уланган бўлса, у ҳолда линия токларининг йиғиндиси:

$$i_A + i_B + i_C = i_{AB} - i_{CA} + i_{BC} - i_{AB} + i_{CA} - i_{BC} = 0.$$

Демак, истеъмолчиларни ҳар қандай усул билан улаганда ҳам уч фазали уч симли занжирдаги линия токлари оний қийматларининг алгебраик йиғиндиси нолга teng экан.

Шунинг учун, масалан уч фазали кабелнинг учта ўзагининг магнитловчи кучи нолга teng. Демак, кабелни механик бузилишлардан сақлайдиган пўлат совут магнитланмас экан.

6-6. ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИ УЧ ФАЗАЛИ ТОК ТАРМОФИГА УЛАШ

Электр лампочкалар 127 ва 220 в номинал кучланишларга, уч фазали электр двигателлар эса 127, 220 ва 380 в номинал фаза кучланишларига мўлжаллаб тайёрланади.

Истеъмолчини уч фазали ток тармоғига улаш усули тармоқнинг линия кучланишига ва истеъмолчининг номинал кучланишига боғлиқ бўлади.

Номинал кучланиши 127 в бўлган лампочкалар тармоқнинг линия кучланиши 127 в бўлганда учбурчак усулида ва тармоқнинг линия кучланиши 220 в бўлганда эса нейтрал симли юлдуз усулида уланади. Номинал кучланиши 220 в бўлган лампочкалар линия кучланиши 220 в бўлган тармоққа учбурчак усулида ва линия кучланиши 380 в бўлган тармоққа эса нейтрал симли юлдуз усулида уланади.

Уч фазали электр двигатель линия кучланиши электр двигателнинг номинал фаза кучланишига teng бўлган тармоққа учбурчак усулида уланади. Агар тармоқнинг линия кучланиши электр двигателнинг номинал фаза кучланишидан 3 марта катта бўлса, бу ҳолда у юлдуз усулида уланади.

6-7. ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ. УЧ ФАЗАЛИ ТОКНИНГ ТЎРТ СИМЛИ ЗАНЖИРИ

Ишни бажаришдан аввал 6-2 ва 6-4- § ларнинг мазмуси билан танишиб чиқинг.

Иш плани

1. Ишни бажариш учун зарур бўлган асбоблар билан танишиб чиқинг. Уларга доир асосий техник маълумотларни ёзиб олинг.
2. Схема (6-8- расм) йиғиб, уни ўқитувчига кўрсатинг.

3. Нейтрал ($00'$) симни узиб қўйиб, фазалардаги нагрузкаларни бир хил қилинг, фаза ҳамда линия кучланишларини, $00'$ нуқталар орасидаги U_0 кучланишини ҳамда линия токларини ўлчанг.

P_A , P_B ва P_C фаза қувватларини ҳисобланг.

4. Нейтрал симни узиб қўйиб, A ва B фазалардаги лампочкалар сонини ўзгартиришдан, C фазадаги нагрузкани ўзгартиринг. C фазадаги қаршиликнинг турли қийматларида фаза ҳамда линия кучланишларини ва линия токларини ўлчанг [бунга C фазанинг қаршилиги нолга (фазада қисқа туташув) ва чексизликка (фазада нагрузка йўқ) тенг бўлган ҳоллар ҳам киради]. Фазалар қувватларини ҳисобланг.

5. Асбобларнинг кўрсатишими ва ҳисоблаб топилган натижаларни 6-1- жадвалга ёзинг.

6-1- жадвал

Кузатимлар №	r_C	I_A	I_B	I_C	I_0	U_A	U_B	U_C	U_0	U_{AB}	U_{BC}	U_{CA}	P_A	P_B	P_C	P
	ом	а	а	а	а	в	в	в	в	в	в	в	вт	вт	вт	вт

6. Нагрузкалар бир хил бўлган ва ҳар хил бўлган ҳоллар учун векторлар диаграммасини чизинг.

7. Нейтрал симни улаб туриб, C фазадаги қаршиликнинг турли қийматларида (C фаза қисқа туташган ҳол бундан мустасно) фаза ҳамда линия кучланишларини, линия токларини ва нейтрал симдан ўтаётган токни ўлчанг. Фаза қувватларини ҳисобланг. Нейтрал симминг қаршилиги занжирнинг иш режимига қандай тасбир кўрсатишими аниқланг. Асбобларнинг кўрсатишими ва ҳисоблаб топилган натижаларни 6-1- жадвалга ёзинг. Вектор диаграммаларини чизинг.


6-8. ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ. УЧ ФАЗАЛИ ТОКНИНГ УЧ СИМЛИ СИСТЕМАСИ

Ишни бажаришдан аввал 6-5- § нинг мазмунни билан танишиб чиқинг.

Иш плани

1. Иш бажариш учун керак бўладиган асбоблар билан танишинг. Ўлчаш асбоблари ҳамда қурилмаларининг асосий техник маълумотларини ёзиб олниг.

2. Схема йўниб (6-15- расм), уни раҳбарингизга кўрсатинг.



6-15- расм. Электр лампочкаларини учбурчак усулида улаш схемаси.

3. Фазадаги нагрузкалар бир хил бўлганда фаза ҳамда линия токларини ўлчанг, $I_L = \sqrt{3} I_\phi$ эканлигига ишонч ҳосил қилинг. Фаза кучланишларини ўлчанг ва фаза қувватларини хисобланг. Векторлар диаграммасини чизинг.

4. Асбобларнинг кўрсатишини ва ҳисоблаш натижаларини 6-2- жадвалга ёзинг.

5. Иккита (r_{AB} , r_{BC}) фазанинг қаршиликларини бир хил қилиб олиб, учинчи фазанинг қаршилигини ўзгартиринг. Ҳар бир тажриба учун асбобларнинг кўрсатишини 6-2- жадвалга ёзинг. Фаза қувватларини хисобланг. Тажрибалардан бирни учун маълум масштабда векторлар диаграммасини чизинг.

6-2- жадвал

Кузатишлар №	U_{AB}	U_{BC}	U_{CA}	I_{AB}	I_{BC}	I_{CA}	I_A	I_B	I_C	I_L/I_ϕ	P_{AB}	P_{BC}	P_{CA}	P
	в	в	в	а	а	а	а	а	а	вт	вт	вт	вт	вт

6. Фазалардаги нагрузкаларни бир хил қилиб туриб, С фазадаги сақлагични олиб қўйинг. Асбобларнинг кўрсатишини ёзиб олинг ва шу ҳол учун маълум масштабда вектор диаграмма чизинг. r_{BC} қаршиликнинг ўзгариши зәнижирнинг иш режимига қандай таъсир кўрсатишини текширинг.

Еттинчи боб.

ЭЛЕКТР ЎЛЧОВ АСБОБЛАРИ ВА ЎЛЧАШЛАР

Ўлчаш—ўлчанаётган катталикини шартли равишда ўлчов бирлиги сифатида қабул қилган худди шу жинсдаги катталиқ билан солишириш процессидир.

Ўлчов бирлигининг моддий намунаси, унинг каср ёки каррали қиймати ўлчов дейилади.

Ўлчанаётган катталикини ўлчов бирлиги ёки ўлчов билан солишириш учун мўлжалланган мослама ўлчов асбоби дейилади.

Амалий ўлчашлар учун мўлжалланган ўлчов ва асбоблар ишчи асбоблар дейилади.

Бирликларни сақлаш ёки қайта тиклаш учун, шунингдек, асбобларни текшириш ва даражалаш учун мўлжалланган ўлчовлар ҳамда асбоблар намунивий асбоблар деб аталади.

Ҳар қандай ўлчаш натижаси ўлчанаётган катталикининг ҳақиқий қийматидан бир оз фарқ қиласи. Ўлчанаётган катталикининг ҳақиқий қиймати—намунивий ўлчовлар ёрдамида аниқланадиган қийматdir.

Катталиктининг ўлчаб олинган қиймати билан ҳақиқий қиймати орасидаги фарқ ўлчашнинг абсолют хатолигидан иборат. Абсолют хатоликнинг ўлчанаётган катталиктининг ҳақиқий ёки ўлчанган қийматига нисбати нисбий хатоликдан иборатдир. Нисбий хатолик процентларда ифодаланади. Бу хатолик ўлчаш сифатини баҳолаш учун ишлатилади.

7-1- мисол. Токни ўлчаш натижасида $I_1 = 41$ а экани топилган. Токнинг ҳақиқий қиймати $I = 40$ а.

Ўлчашнинг абсолют хатоси

$$\Delta I = I_1 - I = 41 - 40 = 1\text{a}.$$

Нисбий хатолик

$$\gamma = \frac{\Delta I}{I} \cdot 100\% = \frac{1}{40} \cdot 100\% = 2,5\%.$$

7-2. ЭЛЕКТР ЎЛЧОВ АСБОБЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

Электр ўлчов асбоблари бевосита баҳолаш асбоблари га ва таққослаш асбобларига бўлинади.

Бевосита баҳолаш асбобларига, масалан, амперметр, вольтметр счётчик, яъни ўлчанаётган катталиктин үзларидаги саналадиган мосламалари ёрдамида кўрсатадиган асбоблар киради.

Солишириш асбоби ўлчанаётган катталики ўлчов билан солишириш учун, масалан, кўприк қаршиликларини ўлчаш учун (7-7- §) ишлатилади.

Техник ўлчашлар учун беъосита баҳолаш асбоблари ишлатилади, чунки бу асбоблар содда, арzon ва ўлчаш учун кам вақт талаб қилади.

Солишириш асбоблари аниқроқ ўлчашлар ва электрик бўлмаган катталикларни ўлчаш учун ишлатилади.

7-1- жадвалда ўлчов асбобларининг улар ўлчайдиган катталиктиннг табнатига қараб бўлиниши берилган. 7-2- жадвалда асбоблариннг системаларига, яъни уларнинг тузилишига ва ишлаш принципига қараб бўлиниши келтирилган.

Ҳар хил хоссаларга эга бўлган ўлчов асбобларининг турли-туман бўлишига сабаб электр катталикларни ўлчашдаги шароитлар ҳамда талбларнинг турли-туманлигидир.

Аниқлик даражасига қараб бевосита баҳолаш асбоблари (ГОСТ 1845—59) саккизта аниқлик синфига бўлинади: 0,05; 0,1; 0,2; 0,5; 1; 1,5; 2,5 ва 4. Асбобларнинг шкаладаги аниқлик синфи айланади.

Асбобнинг аниқлик синфини ифодаловчи сон унинг асосий руҳсат этилган, келтирилган хатолигини кўрсатади. Асосий руҳсат этилган келтирилган хатолик деб, нормал иш шароитида турган асбобнинг стандарт бўйича йўл қўйиладиган энг катта абсолют хатоси (Δx)нинг асбобнинг номинал катталиги (x_n)га нисбатига айтилади. Бу нисбат процентларда ифодаланилади.

Электр ўлчов асбоблари ва уларнинг шартли белгилари

Ўлчанаётган катталикинг турш	Асбобларнинг ном	Шартли белгилар
Ток	Миллиамперметр, амперметр, килоамперметр	
Кучланиш	Миливольтметр, вольтметр, киловольтметр	
Электр қуввати	Ваттметр, киловаттметр	
Электр энергия	Актив ва реактив энергия счётчиги	
Фазалар силжиши	Фазометр	
Частота	Частотомер	
Электр қаршилик	Омметр, мегометр	

Агар асбоб шкаласида кўрсатилган ҳолатда (7-2- жадвал) ўрнатилган бўлса, нормал температурали ($+20^{\circ}\text{C}$) муҳитда турса ва унга (ер магнит майдонидан ташқари) ташқи магнит майдони таъсир кўрсатмаса, асбоб нормал шароитда турган ҳисобланади.

Ўлчов асбобининг номинал катталиги деб, унинг юқори ўлчаш чегарасига айтилади.

Демак, асбобнинг келтирилган хатолиги

$$\gamma = \frac{\Delta x}{x_n} \cdot 100 \%. \quad (7-1)$$

Хатолик мусбат ёки манфий бўлиши мумкин.

7-2- жадвал

Электр ўлчов асбоблари системаси ва уларнинг шкаласидаги шартли белгилар

Система-нинг белги-си	Система	Асбобларнинг шкала-ларидаги белгилар	Изоҳлар
	Магнитоэлектрик	Аниқлик синфларининг белгилари	Асосий келтирилган хатоликлар, %
	Магнитоэлектрик логометр		0,05; 0,1; 0,2; 0,5;
	Түғрилагичли		1; 1,5; 2,5; 4
	Термоэлектрик	Токининг турини кўрсатувчи белгилар	— Ўзгармас ток ~ Ўзгарувчан ток ~~ Уч фазали ток
	Электромагнит		
	Электродинамик	Асбобни қандай ўрнатиш зарурлигини кўрсатувчи белгилар	Шкаланинг вертикал ҳолати Шкаланинг горизонтал ҳолати Шкаланинг қия ҳолати
	Электродинамик логометр		
	Ферродинамик	Асбоб изоляциясининг мустаҳкамлигини кўрсатувчи белгилар	Ўлаш занжирни асбоб филофидан изоляцияланган ва 2 кв кучланиш остида текширилган
	Ферродинамик логометр		
	Индукцион	Қисқичларнинг белгилари	Генератор қисқичи
	Электростатик		Филоф билан уланган қисқич Ерга улаш учун қисқич

Система-нинг белги-си	Система	Асбобларниң шкала-ларидағи белгилар	Изөхлар
↓	Вибрацион	Мисол 	Электромагнит системадаги, аниқтлік синфи 1,5, үзгаруучан токта мұлжалданған, шкаласы горизонталға нисбетан 60° бурчак остида ўрнатылады асбоб

x_1 катталиктин асбоб билан ўлчагандаги нисбий хатолик деб, асбобнинг энг катта эхтимолий абсолют хатолиги Δx нинг x_1 катталиктининг ўлчанган қийматыга нисбатына айтилади (у процентларда ифодаланади), яғни

$$\gamma_{x_1} = \frac{\Delta x}{x_1} \cdot 100\%. \quad (7-2)$$

Сүнгги ифодани асбобнинг номинал катталигига күпайтириб ва бўлиб, қуйидагини топамиз:

$$\gamma_{x_1} = \frac{\Delta x}{x_1} \cdot 100\% \frac{x_H}{x_H} = \frac{\Delta x}{x_H} \cdot 100\% \frac{x_H}{x_1} = \gamma_{ab} \frac{x_H}{x_1}. \quad (7-3)$$

Шундай қилиб, ўлчаш хатолиги асбоб номинал катталигининг шу катталиктининг ўлчанган қийматга нисбат билан асбоб хатолигининг күпайтмасига тенг экан.

7-2- мисол. Номинал токи $I_H = 25 A$, аниқлик синфи 1,5 бўлған амперметр ёрдамида $I_1 = 15 A$ ток ўлчаған. Токни ўлчашда йўл қўйилады аниқлик топилсин. Токни ўлчашдаги энг катта эхтимолий хатолик

$$\gamma_{I_1} = \gamma_A \frac{I_H}{I_1} = \pm 1,5 \% \frac{25}{15} = 2,5\%.$$

Ўлчанаётган катталиқ асбобнинг номинал катталигидан қанча кичик бўлса, бу катталиктин ўлчаш хатолиги шунча катта бўлади демак, ўлчанаётган катталиктининг қиймати асбоб номинал катталигининг ярмидан кам бўлмаслиги керак.

7-3. АСБОБЛАРНИНГ ЎЛЧАШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Ўлчаш механизми ҳар бир ўлчаш асбобининг асосий қисмидир.

Ўлчаш механизмига ўлчанаётган ёки у билан функционил боғланган ёрдамчи катталиқ таъсир кўрсатганда унинг ҳаракатчан қисми силжийди. Ўлчанаётган катталиктин қиймати ҳаракатчан қисмнинг бурилиш бурчаги ёки чизиқли кўчишига қараб аниқтайди.

a) Магнитоэлектрик ўлчаш механизми

Магнитоэлектрик ўлчаш механизмининг ҳаракатчан қисми (7-1-расм) түғри бурчакли B фалтакдан (рамкадан) иборат. Юпқа изоляцияланган мис симдан ясалган чулғам алюминий асосга (каркасга) ўрнатилади. Рамкага иккита ярим ўқ маҳкамланган бўлиб, бу ярим ўқлар таянчларга ўрнатилган. Ярим ўқлардан биттасига стрелка билан рамка чулғамига ток келтирадиган спираль пружиналарнинг учи маҳкамланган.

Рамканинг ён томонлари пўлат B цилиндр билан қутб бошмоқлар N' , S' орасидаги ингичка A ҳаво тирқишида ётади. Кучли ўзгармас N , S магнит ҳаво тирқишида бир жинсли радиал магнит майдони ҳосил қиласди.

Рамка чулғамларининг магнит майдонида ётган ён томонларига чулғамдан ток ўтаётганда F , F жуфт куч (7-2- расм) таъсир қиласди. Шундай қилиб, рамкадаги токка горизонтал бўлган айлантирувчи момент юзага келади,

$$M = kI,$$

бу ерда k — пропорционаллик коэффициенти.

Бу момент таъсирида рамка α бурчакка бурилади, бунда айлантирувчи момент пружинанинг акс таъсир кўрсатувчи моменти билан мувозанатлашади. Акс таъсир кўрсатувчи момент буралиши бурчагига пропорционал

$$M_{\text{акс}} = D\alpha,$$

бу ерда D —пропорционаллик коэффициенти.


Айлантирувчи ва акс таъсир кўрса тувчи моментларнинг тенглигидан, яъни

$$D\alpha = kI$$


дан рамканинг бурилиш бурчаги учун қўйидаги ифодани топамиз

$$\alpha = \frac{k}{D} I,$$

бундан бурилиш бурчаги токка пропорционал деган холосага келамиз.



7-1- расм. Магнитоэлектрик ўлчаш механизми.



7-2- расм. Магнитоэлектрик ўлчаш механизмида айлантирувчи момент ҳосил қиласди.

Үлчаш механизми ғалтагидаги ток

$$I = \frac{D}{k} \alpha = C\alpha;$$

бу ерда $C = D/k$ -- ток бүйича ҳар бир асбоб учун маълум бўлган доимийдир.

Шундай қилиб, ўлчанаётган ток рамканинг бурилиш бурчагини санаш ва уни асбобнинг доимийсига кўпайтириш орқали **топилар** экан. Бурчақ стрелка билан стрелканинг учи орқасига маҳкамланган шкала бўйича аниқланади.

Асбобни улагандан кейин ҳосил бўладиган ҳаракатчан қисмнинг тебраниш вақтини камайтириш учун мўлжалланган мослама тинчлантиригич деб аталади.

Магнитоэлектрик ўлчаш механизмида рамканинг алюминий асоси тинчлантирувчидир. Ҳаракатчан қисм бурилганда асоси кесиб ўтувчи магнит оқими ўзгаради. Асосда токлар индукцияланади ва улар магнитнинг магнит майдони билан ўзаро таъсири ҳаракатчан қисми тинчлантирадиган тормозловчи момент юзага келтиради.

Текширилаётган ўлчаш механизми пружина ва чулғамлардаги симнинг кўндаланг кесими кичик бўлганлиги сабабли кичик номинал токларга (10—100 мА ва ундан ҳам кичик) мўлжаллаб тайёрланади.

Биз кўриб чиққан тузилишдаги магнитоэлектрик ўлчаш механизми ўзгарувчан ток занжирига улаганда, айлантирувчи момент токнинг оний қийматига пропорционал равишда ўзгаради. Момент бундай тез ўзарганда инерция түфайли ҳаракатчан қисм момент кетидан, ўзгариб улгурмайди ва у айлантирувчи моментнинг бир давр ичидаги ўртача қийматига пропорционал бўлган бурчакка оғади. Синусоидал ток учун токнинг, демак, моментнинг ҳам ўртача қиймати нолга teng ва ҳаракатчан қисм оғмайди. Шундай қилиб, қаралган ўлчаш механизми фақат ўзгармас ток занжиридаги токни ўлчаш учунгина яроқлидир, холос.

б) Электромагнит ўлчаши механизми


Электромагнит ўлчаш механизми 7-3-расмда кўрсатилган. У *A* кўчмас ғалтакдан ва ҳаракатчан қисм—*B*—пўлат ўзакдан, кўрсатувчи стрелкадан, битта ўққа ўрнатилган пружинадан ва *B* секторсизмон алюминий япроқча—тинчлантирувчидан ташкил топган.

Ўлчанаётган ток қўзғалмас ғалтакдан ўтиб, *B* ўзакни магнитловчи магнит майдони вужудга келтиради ва уни ғалтак ичига қарраб тортади. Ғалтакдаги токнинг қиймати ўзакнинг бурилиш бурчаги орқали аниқланади.

В япроқча *M* магнитнинг магнит майдонида ҳаракатланган вақтда унда уюрма токлар индукцияланади. Ана шу токларнинг магнит майдони билан таъсири натижасида тормозловчи момент юзага келиб, рамкани тинчлантиради.

Электромагнит ўлчаш механизми ҳам ўзгармас, ҳам ўзгарувчан ток занжирлари учун ярай беради, чунки ўзакнинг ғалтак ичига тортилиши токнинг йўналишига боғлиқ эмас.

Ўзакнинг қолдиқ индукцияси таъсирида токнинг бир хил қийматларида ўзакнинг тортилиши, демак, ўлчаш механизмининг кўрсатиши ҳам ток ортаётганда ва камаяётганда ҳар хил бўлиши мум-



7-3- расм. Электромагнит ўлчаш механизми.

кин. Демак, қолдиқ индукция туфайли хатолик юзага чиқиши мумкин. Бундай хатоликни камайтириш мақсадида ўзаклар қолдиқ индукцияси жуда кичик бўлган пермэллоидан ясалади.

Ташки майдонлар таъсирида юзага чиқадиган хатоларни камайтириш мақсадида ўлчаш механизми экранлар ёки филофттар билан ўралади. Худди ўша мақсадлар учун иккита кетма-кет уланган ғалтакли ва мос равишда бир ўққа ўрнатилган иккита ўзакли астатик ўлчов механизмлари ишлатилади. Ўлчанаётган ток ғалтакларда қарама-қарши йўналган майдонлар ҳосил қиласи. Ташки бир жинсли майдон битта ғалтакнинг магнит майдонини камайтирса, иккинчи ғалтакнинг магнит майдонини ортиради, шундай қилиб, ташки майдоннинг натижавий таъсири жуда кам бўлади.

в) Электродинамик ўлчаш механизми

Электродинамик ўлчаш механизми (7-4 ва 7-5-расмлар) иккита—икки қисмдан иборат кўчмас *A* ва кўрсатувчи стрелка билан бир ўққа ўрнатилган кўзғалувчан *B* ҳамда ҳаволи тинчлантирувчи *B* нинг қаноти ва иккита спиралсимон пружинадан иборат.

Кўчмас ғалтакдан *I₁* ток ва ҳаракатчан ғалтакдан *I₂* ток ўтганда улар орасида электродинамик ўзаро таъсирилашув юзага келади. Натижада ҳаракатчан ғалтакка *FF* (7-5-расм) жуфт куч, яъни айлантирувчи момент таъсир орасида ғалтак, айлан-

тирувчи момент пружинанинг акс таъсири кўрсатувчи моменти билан мувозанатлашмагунча бурилади.

Ўзгармас ток учун айлантирувчи момент ва ҳаракатчан ғалтакнинг бурилиш бурчаги ғалтаклардаги токларнинг кўпайтмасига пропорционалдир.

$$\alpha = k_1 I_1 I_2. \quad (7-4)$$

Ўзгарувчан ток учун оний айлантирувчи момент токлар оний қийматларининг кўпайгасига пропорционал бўлиб, бир давр ичи-даги ўртача айлантирувчи момент ва ҳаракатчан ғалтакнинг унга пропорционал бўлган бурилиш бурчаги эса ғалтаклардаги токларнинг эфектив қийматлари ҳамда улар орасидаги силжиш бурчаги косинусининг кўпайтмаси орқали аниқланади, яъни


$\alpha = k_1 I_1 I_2 \cos \psi. \quad (7-5)$

Ана шу бурилиш бурчаги ўлчанаётган катталикнинг қийматини аниқлайди. Буни биз пастроқда кўрсатамиз.


Ўлчашиб механизимда пўлатнинг йўқлиги, демак, қолдиқ индукция юзага келтирадиган хатоликнинг йўқлиги бундай механизимларни юқори аниқликдаги ўлчашларни ўғказишга мўлжаллаб тайёрлаш имконини беради.

Ўлчашиб механизми заиф магнит майдони юзага келтирадиган ташқи магнит майдонлари таъсирида ҳосил бўладиган хатоликларни камайтириш учун электромагнит ўлчаш механизимда қўлланилган воситалардан фойдаланилади.

Заиф магнит майдонига заиф айлантирувчи момент мос келади. Демак, бундай асблобларда юксак аниқликка эришиш учун ишқалиш туфайли юзага чиқадиган хатоликни камайтириш керак. Бунга ҳаракатчан қисмнинг оғирлигини камайтириш. ўқлар ҳамда таянчларни бежирим қилиб ишлаш билан эришилади. Ундан ташқари, ҳаракатчан ғалтакнинг пружиналари билан симининг кўндаланг кесими кичик, шу сабабли электродинамик ўлчаш механизми ортиқча нагрузкаларга жуда сезгир.



7-4- расм. Электродинамик ўлчаш механизми.



7-5- расм. Электродинамик ўлчаш механизмида айлантирувчи момент ҳосил қилиш.


Ҳаракатчан ғалтакнинг пружиналари билан симининг кўндаланг кесими кичик, шу сабабли электродинамик ўлчаш механизми ортиқча нагрузкаларга жуда сезгир.

г) Ферродинамик ўлчаш механизми


Бу ўлчаш механизмининг ишлаш принципи худди электродинамик ўлчаш механизмининг ўзгинаси. У электродинамик ўлчаш механизмидан кўчмас ғалтак кийдирилган пўлат ўзак ва ўша пўлат-

дан ясалған ва ҳаракатчан ғалтак билан ўралған құзғалмас цилиндр иштеп атқарылады (7-6- расм).

Пұлат магнит узатувчи ўлчауш механизмінің күчайтиради, натижада айлантирувчи момент ҳам ортади, бу эса асбобнинг мустаҳкамроқ бўлишига шароит яратади ҳамда ўлчауш механизмининг кўрсатишига ташқи магнит майдонларининг таъсирини камайтиради. Пұлат ишлатилиши қолдиқ индукция ва магнит узатувчидаги уюрма токлар таъсирида юзага чиқадиган хатоликларни орттиради.



7-6- расм. Ферродинамик ўлчауш механизми.



7-7- расм. Амперметрлар ва вольтметрларнің ўлаш

7- 4. ТОК КУЧЛАНИШИНІ ЎЛЧАШ

a) Амперметр ва вольтметрни ўлаш схемалари

Амперметрнинг кўрсатиши унинг ўлчауш механизми орқали ўтадиган ток билан белгиланади. Шу сабабли электр занжирининг бирорта участкасидаги, истеъмолчидаги ёки генератордаги токни ўлчауш учун амперметрни ўлчанаётган ток у орқали ўтадиган қилиб ўлаш керак. Демак, амперметр истеъмолчига, генераторга ёки занжир участкасига кетма-кет уланар экан (7-7- расм).

Амперметрни улаганда занжирнинг иш режими ўзгармаслиги керак, демак, унинг қаршилиги истеъмолчининг ёки занжир участкасининг қаршилигига нисбатан кичик бўлиши керак. Амперметрнинг (r_a) қарши илиги кичик ва ундан номинал ($I_{a,n}$) ток ўтадиган бўлса, унда йўқотиладиган номинал қувват ҳам кичик бўлади:

$$P_{a,n} = I_{a,n}^2 r_a .$$

Агар ўлчанаётган ток ўлчауш механизмининг (амперметрнинг) номинал токидан катта бўлса, у ҳолда ўлчауш чегарасини кенгайтириш мақсадида ўзгармас ток занжирда (кейинроқ кўрамиз) шунтлар, ўзгарувчан ток занжирда эса *ток трансформаторлари* (9-10- §) ишлатилади.

Вольтметрнинг кўрсатиши унинг қисқичларидаги кучланиш билан аниқланади. Шу сабабли истеъмолчи ёки генераторнинг қисқичларидаги кучланишни ўлчауш учун унинг қисқичларини вольт-

метрнинг қисқичлари билан туташтириш, яъни вольтметрни истеъмолчига ёки генераторга параллел улаш керак (7-7-расм).

Вольтметрни занжирга улаганда у ўлчанаётган кучланишга (занжирнинг иш режими) таъсир кўрсатмаслиги учун унинг қаршилиги вольтметр параллел уланаётган истеъмолчнинг (генераторнинг) қаршилигига нисбатан катта бўлиши керак. Вольтметрнинг r_v қаршилиги катта бўлганда, ундаги номинал ток $I_{v,n}$ кичик ва ундағи йўқогиладиган номинал қувват ($P_{v,n}$) ҳам кичик бўлади, чунки

$$I_{v,n} = \frac{U_{v,n}}{r_v} \quad \text{ва} \quad P_{v,n} = \frac{U_{v,n}^2}{r_v}.$$

Ўлчаш механизмининг қисқичларидаги кучланиш

$$U_y = I_y r_y.$$

Температура $10^\circ C$ га ўзгарганда ўлчаш механизмидаги мис чулғанинг қаршилиги 4% га ўзгарганлиги учун U_y кучланиш I_y токка, демак, ҳаракатчан қисмнинг бурилиш бурчагига пропорционал бўлмайди. Шундай қилиб, кучланишин аниқ ўлчаш мумкин эмас.

Ўлчаш механизмига кетма-кет қилиб, температура коэффициенти нолга яқин бўлган манганиндан ясалган катта қўшимча қаршилики ($r_k \gg r_y$) уласак, вольтметрнинг қаршилиги $r_v = r_y + r_k$ деярли температурага боғлиқ бўлмай қолади. Шундай қилиб, вольтметр ҳаракатчан қисмнинг бурилиш бурчаги фақат токкагина эмас, қисқичларидаги кучланишга ҳам пропорционал бўлади:

$$U_v = I_y (r_y + r_k) = I_y r_v = I \text{const.} \quad (7-6)$$

Одатда қўшимча қаршилик ўлчаш механизмининг номинал кучланиши кичик бўлганлиги сабабли вольтметрнинг номинал кучланишини орттириш учун ҳам ишлатилади.

Юксак кучланишли ўзгарувчан ток занжирларидаги кучланишнинг чегараларини кенгайтириш учун қўшимча қаршилик билан бир ҳатторда кучланиши ўлчаш трансформаторлари ҳам ишлатилади (9-10- §).

Баён этилланлардан амперметр билан вольтметр фақат ўзларининг параметрлари билан фарқ қилувчи бир хил тузилишдаги механизмларга эга бўлиши мумкин деган хулоса чиқади. Бироқ, амперметр ва вольтметр ўлчанаётган занжирга турлича уланади ва турлича ички ўлчаш схемасига эга.

б) Магнитоэлектрик амперметрлар ва вольтметрлар

Юқорида магнитоэлектрик ўлчаш механизмлари кўпи билан 100 ma номинал токка мўлжаллаб тайёрланишини қайд қилиб ўтган эдик. Шундай қилиб, кичик токларни ўлчаш учун мўлжалланган магнитоэлектрик асбоблар (гальванометрлар, микроамперметрлар, миллиамперметрлар) ғалтаги асбобнинг филофига жойлашган

қисқичларга уланган, шкалаалағы өбөсита ўлчанадиган токнинг қийматлари ёзилған ўлчаш механизмидан иборат экан.

Магнитоэлектрик амперметр ҳам ўлчаш чегараларини кенгайтириш учун шунт билан жиҳозланадиган ўша системадаги ўлчаш механизмидан иборат. Шунт ўлчаш механизмига параллел уланади (7-8- расм).

Ўлчанадиган ток I түгунда икки қисмга: шунтдаги ток $I_{\text{ш}}$ ва ўлчаш механизмидаги ток I_{y} га ажралади. $a b$ тармоқдаги күчланишнинг тушуви (7-8- расм)

$$U_{ab} = I_{\text{y}} r_{\text{y}} = I \frac{r_{\text{n}} r_{\text{ш}}}{r_{\text{n}} + r_{\text{ш}}},$$

бундан

$$I = I_{\text{y}} \frac{r_{\text{y}} + r_{\text{ш}}}{r_{\text{ш}}} = I_{\text{y}} p. \quad (7-7)$$


Шунтнинг қаршилиги $r_{\text{ш}}$ ва ўлчаш механизмининг қаршилиги r_{y} ўзгармас бўлса, ўлчанаётган I ток билан ўлчаш механизмидаги I_{y} токнинг нисбати доимий (p) бўлади. Демак, ўлчаш механизми ҳаракатчан қисмининг бурилиш бурчаги орқали ўлчанаётган токни аниқлаш мумкин экан. Шунт қизимаслиги ва унинг натижасида хатоликка йўл қўйилмаслиги учун шунтларнинг кўндаланг кесими етарли бўлиши керак. 25 — 50 амперларгача токларга мўлжалланган шунтлар асбобнинг филофи ичига жойлаштирилади, ундан каттароқ токларга мўлжаллангандири эса асбодан ташқарида ўрнатилиди.

Техник амперметрларнинг битта чегарали шунтлари, намунавий ва лаборатория амперметрларининг эса кўп чегарали шунтлари бўлади (7-9- расм). Штепселини бир уячадан иккинчисига кўчириб, шунтнинг қаршилигини ўзгартириш орқали турли ўлчаш чегараларига эришилади.


Магнитоэлектрик вольтметр ҳам ўша системадаги ва күчланишни ўлчаш чегарасини кенгайтириш учун қўшимча қаршилик билан жиҳозланган ўлчаш механизмидан иборат (7-10- расм). Вольтметрнинг шкаласига унинг қисқичларидаги күчланишни кўрсатувчи даражалар ёзилади:

$$U = I(r_{\text{y}} + r_{\text{k}}),$$


бу күчланиш ўлчаш механизмидаги $U_{\text{y}} = Ir_{\text{y}}$ күчланишдан $p = \frac{r_{\text{y}} + r_{\text{k}}}{r_{\text{y}}}$ марта катта.



7-8- расм. Шунтли ўлчаш механизми.




7-9- расм. Кўп чегарали шунт билан жиҳозланган амперметр.



7-10- расм. Қўшимча қаршиликли ўлчаш механизми.

Техник вольтметрнинг бир чегарали, намунавий ва лаборатория вольтметрларининг эса кўп чегарали қўшимча қаршиликлари (7-11-расм) бўлади. Турли номинал кучланишларга эришиш учун турли қўшимча қаршиликлардан фсйдаланилади. Бунга эса симлардан бирини вольтметрнинг бир қисқичидан иккинчисига ўтказиш, переключитель ёки штепселни бураш билан эришилади.



7-11-расм. Кўп чегарали қўшимча қаршиликли вольтметр.


Магнитоэлектрик амперметрлар ва вольтметрлар намунавий ҳамда лаборатория учун (аниқлик синфи 0,1 — 2,5), шунингдек, техник мақсадлар учун (аниқлик синфи 1 — 2,5) ҳам тайёрланади.

Уларнинг сезигирлиги юқори бўлиб, уларга ташқи магнит майдонлари, температура кам таъсир кўрсатади. Шу билан бирга бу асборларда қувват кам йўқолади ҳамда улар ортиқча нагрузкаларга жуда сезгир бўлади.

в) Тўғрилагичли амперметрлар ва вольтметрлар

Тўғрилагичли амперметрлар магнитоэлектрик ўлчаш механизми билан ярим ўтказичли тўғрилагичдан иборат (7-12-расм).

Биринчи ярим давр ичида ток $a - b - g - v$ йўл билан ўтади, иккинчи ярим давр ичида эса $v - b - g - a$ йўл билан ўтади. Демак, ўлчаш механизми орқали ўзгарувчан токнинг ҳар бир ярим даври ичида токнинг бир томонга йўналган ярим тўлқинлари ўтади. Ўртacha айлантирувчи момент ва ҳаракатчан қисмнинг бурилиш бурчаги ўртача текка боғлиқ бўлиб, бу ток эса синусоидал ток



7-12-расм. Тўғрилагичли амперметрнинг схемаси ва ўлчаш механизми даги токнинг өгри чизиги.

учун токнинг эффектив қийматига пропорционал бўлади. Амперметрларнинг шкаласига токнинг худди ана шу қиймати ёзилади.

Токни ўлчаш чегаралари шунтлар ёрдамида кенгайтирилади.

Тўғрилагичли вольтметрлар чала ўтказгичли тўғрилагичли бўлган магнитоэлектрик ўлчаш механизми силан қўшимча қаршиликдан иборат (7-13- расм).

Ҳаракатчан қисмнинг бурилиш бурчаги, худди амперметргидек ўлчанаётган катталик синусоидал бўлганда токнинг эффектив қийматига пропорционал, вольтметрнинг қаршилиги ўзгармас бўлганда эса кучланишнинг эффектив қийматига пропорционал бўлади. Вольтметрнинг шкаласига худди ана шу қийматлар ёзилади.

Тўғрилагичли амперметрлар ҳамда вольтметрларнинг аниқлик синфи 1,5—2,5 бўлади. Улар асосан 10 кгц га қадар юқори частотали ўзгарувчан ток занжирларида ишлатилади.

г) Термоэлектрик амперметрлар ва вольтметрлар


Термоэлектрик амперметрлар магнитоэлектрик механизм билан термоўзгартиргичдан иборат (7-14- расм). Термоэлектрик вольтметрларда эса булардан ташқари қўшимча қаршилик ҳам бўлади.

Турли металдан ясалган иккита симнинг бир-бира га кавшарланган учи термопара дейилади. Термопаранинг кавшарланмаган учлари эркин учлар, кавшарланганлари эса ишчи учлар дейилади.


Термопаранинг ишчи учлари қизитилганда эркин учларида термоэлектр юритувчи куч — термоэ.ю.к. деб аталувчи потенциаллар фарқи ҳосил бўлади. Термоэ.ю.к. термопарани ҳосил қилувчи металларга, термопаранинг ишчи ва эркин учлари орасидаги температуралар фарқига, эркин учларнинг температураси доимий бўлса, унинг ишчи учининг температурасига боғлиқ бўлади.

Термопаранинг ишчи учига ўтказгич — қизитгич кавшарлаб, термоўзгартич ҳосил қиласиз.

Қизитгич орқали ўзгарувчан ток ўтганда, у қизиб, термопаранинг ишчи учларини қиздиради ва унинг эркин учларида термоэ.ю.к. ҳосил бўлади. Агар шу учларга ўлчаш механизми уланса, у жолда ундан ток ўтади ва ҳаракатчан қисм маълум бурчакка бурилади. Бу бурчак ҳам термоэ.ю.к. га, ҳам қизитгич орқали ўтувчи ўлчанаётган токка боғлиқ бўлади. Амперметрнинг шкаласига токнинг эффектив қиймати ёзилади.



7-13- расм. Тўғрилагичли вольтметрнинг схемаси.



7-14- расм. Термоэлектрик амперметр.

Вольтметр амперметрдан термоўзгартиргичнинг қизитгичига кетма-кет уланган қўшимча қаршилик билан фарқ қиласди. Бу ҳолда ҳаракатчан қисмнинг бурилиш бурчаги фақат токка боғлиқ бўлмасдан, вольтметрнинг қисқичларида кучланишга ҳам боғлиқ бўлади. Асбобнинг шкаласига ана шу кучланишнинг эффектив қиймати ёзилади.

Термоэлектрик асбобларнинг аниқлиги 1,5 — 2,5 сифларга мос келади.

Термоэлектрик асбоблар юқори ва юксак частотали (10 — 50 мгц гача) ўзгарувчан ток занжирларида ишлатилади.

д) Электромагнит амперметрлар ва вольтметрлар

Электромагнит ўлчаш механизмининг кўрсатиши ғалтакдаги токнинг қийматига боғлиқ; шу сабабли асбобнинг шкаласига ана шу токнинг қиймати ёзилади. Электромагнит амперметрнинг ғалтаги қўзғалмас бўлганилиги учун унинг оғирлиги ишқалиш туфайли юзага келадиган хатоликка таъсир кўрсатмайди. Шу сабабли унинг ғалтагини исталган кесимдаги симдан, демак, исталган номинал токка мўлжаллаб тайёрлаш мумкин. Шчитларга ўрнатиладиган амперметрлар бизнинг заводларимизда 300 ампергача номинал токка мўлжаллаб тайёрланади.

Электромагнит вольтметр шу номли 20 — 30 ма номинал токка мўлжалланган ўлчаш механизми ҳамда у билан кетма-кет уланган манганиндан ясалган қўшимча қаршиликдан иборат (7-10- расм).

Қўшимча қаршилик актив бўлиб, ўлчаш механизми ғалтагининг реактив қаршилигидан жуда ҳам катта, шу сабабли вольтметрнинг умумий қаршилиги деярли актив ва токнинг тури ҳамда частотасига деярли боғлиқ эмас.

Вольтметрнинг қаршилиги доимий бўлса, ҳаракатчан қисмнинг бурилиш бурчаги фақат ғалтакдаги токкагина эмас, унга пропорционал бўлган вольтметр қисқичларида кучланишга ҳам боғлиқ бўлади. Ана шу кучланишнинг қиймати асбобнинг шкаласига ёзилади.

Электромагнит амперметр ва вольтметрлар техник частотали ўзгарувчан ток қурилмаларида шчитларга ўрнатиладиган аниқлик синфи 1,5 — 2,5 бўлган асбоблар сифатида кенг қўлланилади. Саноатимиз техник асбоблар билан бир қаторда ўзгарувчан ва ўзгармас токлар учун мўлжалланган аниқлик синфи 0,5 га тенг бўлган кўчма амперметрлар ҳамда вольтметрлар ҳам ишлаб чиқаради.


е) Электродинамик ва ферродинамик амперметрлар ва вольтметрлар

Электродинамик амперметр ўша номли ва ғалтаклари унинг номинал токига қараб кетма-кет ёки параллел уланган, шкаласига амперметр орқали ўтувчи токнинг қийматларига мос даражалар ёзилган механизмдан иборат.

Ҳаракатчан ғалтак ишқалиш туфайли ҳосил бўладиган хатоликни камайтириш мақсадида 100 *ma* дан ортиқ бўлмаган номинал токка мўлжалланган кичик кесимли симдан енгил қилиб ясалади. Кўчмас ғалтак эса номинал токнинг қийматига қараб, ҳар хил ке-



7-15- расм. Электродинамик миллиамперметрнинг схемаси.



7-16- расм. Электролинамик амперметрнинг схемаси.

симли симдан ясалади. Унинг номинал токи 5 *a* ва ундан ҳам каттароқ бўлиши мумкин. Шунинг учун миллиамперметрларда ғалтаклар кетма-кет (7-15- расм), амперметрларда эса параллел (7-16-расм) уланади.

Ғалтаклар кетма-кет уланганда улардаги токлар тенг ва фаза бўйича бир хил, демак, асбоб ҳаракатчан қисмининг бурилиш бурчаги токнинг квадратига пропорционал бўлади:

$$\alpha = k_1 I_1 I_2 \cos \Psi = k_2 I^2. \quad (7-8)$$

Амперметрнинг ғалтаклари параллел уланса ва тармоқларнинг қаршиликлари ўзгармас бўлса, ғалтаклардаги I_1 ва I_2 токларнинг ҳар бирি ўлчанаётган I токка пропорционал бўлади. Ундан ташқари, агар тармоқларнинг актив ва реактив қаршиликлари I_1 ва I_2 токларнинг фазалари бир хил ($\Psi = 0$) бўлдиган қилиро танлаб олинган бўлса у ҳолда худди аввалги ҳолдагидек амперметр ҳаракатчан қисмининг бурилиш бурчаги ўлчанаётган токнинг квадратига пропорционал бўлади:

$$\alpha = k_1 I_1 I_2 \cos \Psi = k_2 I^2.$$

Электродинамик вольтметрлар ўша номли ва ғалтаклари 20 — 50 *ma* номинал токка чидайдиган кичик кесимли симдан ўралган ва ўзаро ҳамда қўшимча қаршилик билан кетма-кет (7-17- расм) уланган ўлчаш механизмидан иборат.

Қўшимча қаршилик кучланишини ўлчаш чегарасини кенгайтириш ва температуранинг, ток турининг ва частотанинг асбоб кўрсатишига таъсирини камайтириш учун қўйилади.

Электродинамик амперметрлар билан вольтметрлар намунавий ва лабо-



7-17- расм. Электродинамик вольтметрнинг схемаси.

ратория асбоблари (аниқлик синфи 0,1 — 0,5) сифатида стандарт ва юқориоқ (2000 гә га қадар) частотали ўзгарувчан ток занжирiga мұлжаллаб ясалади.

Электродинамик асбобларнинг сезгирилигиги жуда юқори бўлиб, ўзгармас ҳамда ўзгарувчан ток занжирлари учун ҳам ярай беради. Улар ортиқча нагрузкаларга ва ташқи магнит майдонларининг таъсирига жуда сезгирилар.

Ферродинамик амперметрлар ва вольтметрлар ринги ички схемаси электродинамик асбобларницидан фарқ қилмайди. Улар асосан ўзгарувчан ток занжирларида ўзи ёзар асбоблар сифатида ишлатилид. Ферродинамик асбобларнинг аниқлиги юқори эмас (аниқлик синфи 1,5 — 2,5), уларнинг айлантирувчи моменти катта, тузилиши мустаҳкам ва ишон члидир. Улар деярли ташқи магнит майдонининг таъсирини сезмайди.

7-5. ҚУВВАТНИ ЎЛЧАШ

Ўзгармас ток занжирининг P қувватини амперметр ва вольтметр ёрдамида I ток билан U кучланишини ўлчаш билан аниқлаш мүмкін, чунки

$$P = UI.$$

Ўзгармас ток занжирининг қувватини электродинамик ваттметр ёрдамида қулай ва аниқроқ ўлчаш мүмкін.

Электродинамик ваттметр ўша номли ўлчаш механизмидан ташкил топган (7-3- § нинг в пункти). Ваттметрнинг кўчмас ғалтаги (7-18- расм) кетма-кет ёки ток ғалтаги деб юритилди ва истеъмолчига кетма-кет уланади. Ҳаракатчан ғалтак билан қўшимча қаршилик r_U параллел занжир ёки ваттметрнинг кучланиш занжирини ҳосил қиласди. Бу занжир қуввати ўлчанаётган истеъмолчига параллел уланади.

Ўзгармас ток занжирига уланган электродинамик ўлчаш механизми ҳаракатчан қисмининг бурилиш бурчаги кетма-кет ғалтакдаги I ток билан кучланиш ғалтагидаги I_U токнинг кўпайтмасига пропорционал (7-1) бўлганлиги сабабли

$$\alpha = k_1 II_U.$$

Қўшимча қаршилик кучланиш занжирининг қаршилиги ўзгармай қолишими таъминлайди, шунинг учун ҳам параллел занжирдаги ток кучланишга пропорционал ($I_U = U/r_U$) демак,

$$\alpha = k_1 II_U = k_1 I \frac{U}{r_U} = k_3 IU = k_3 P. \quad (7-9)$$

Шундай қилиб, ҳаракатчан қисмининг бурилиш бурчаги қиймати ваттметрнинг шкаласига ёзиладиган қувватга пропорционал экан.


Ўзгарувчан ток занжиридаги

$$P = UI \cos \varphi$$

актив қувватни ўлчаш учун электродинамик ва ферродинамик ваттметрлар ишлатилади.

Бу ҳолда ўлчаш механизми ҳаракатчан қисмнинг бурилиш бурчаги (7-5);

$$\alpha = k_1 I I_U \cos \psi.$$



7-18- расм. Электродинамик ваттметрнинг тузилиши (а) ва улаш схемаси (б).

Ваттметр параллел занжиригининг қаршилиги ўзгармас ва деярли реактив бўлмаса, ундаги ток ($I_U = U/r_U$) кучланишга пропорционал бўлади ва у билан фаза бўйича мос бўлади (7-19- расм). Шундай қилиб ғалтакдаги токлар орасидаги силжиш бурчаги ψ ваттметр кетма-кет ғалтагидаги кучланиш U билан I ток орасидаги силжиш бурчагига тенг.

Ҳаракатчан қисмнинг бурилиш бурчаги


$$\begin{aligned} \alpha &= k_1 I I_U \cos \psi = k_1 I \frac{U}{r} \cos \psi = \\ &= k_3 I U \cos \phi = k_3 P_U, \end{aligned} \quad (7-10)$$

яъни у актив қувватга пропорционал бўлади.

Ваттметр кетма-кет чулғамишининг ток манбаидан келадиган симга уланадиган қисқичи генератор қисқичи, параллел занжирнинг ваттметр ток ғалтагига уланган сим билан уланадиган қисқичи ҳам генератор қисқичи деб аталади. Генераторнинг қисқичлари схемалар ва асбобларда юлдузча (*) билан белгиланади.

Схема йиғаётганда ваттметр қисқичларининг белгиларига аҳамият бермоқ керак, чунки ваттметрнинг бирорта ғалтаги қисқичларининг ўрнини алмаштириб қўйсанак, токнинг йўналишини ўзgartиралиб ёки бу ғалтакдаги токнинг фазасини ярим даврга ўзgartиралиб, натижада ҳаракатчан қисм тескари томонга қараб қолади.

Токи 5 ампердан ва кучланиши 220 вольтдан катта бўлган ўзгарувчан ток занжирларидағи қувват одатда, ўлчов трансформаторлари орқали уланадиган ваттметрлар ёрдамида ўлчанади (9-10- §).




7-19- расм. Электродинамик ваттметрнинг вектор диаграммаси.

Уч фазали ток түрт симли занжирининг

$$P = P_A + P_B + P_C = I_A U_A \cos \varphi_A + I_B U_B \cos \varphi_B + I_C U_C \cos \varphi_C \quad (7-11)$$


актив қуввати учта ваттметр ёрдамида ўлчанади. Бунда уларнинг ҳар бири алоҳида фазанинг қувватини ўлчайдиган қилиб уланади (7-20- расм). Ваттметрлар кўрсатган қувватларнинг йиғиндиси қидирилаётган қувватни беради.




7-20-расм. Уч фазали ток түрт симли занжирининг қувватини ўлчаш учун ваттметрларни улаш схемаси.

Уча элеменитли ваттметрлардан фойдаланган қулироқ. Бу ваттметр кўрсатувчи стрелкали битта ўққа ўрнатилган учта кўчмас ва учта қўзғалувчан фалтакдан иборат бўлади. Асбонинг шкаласига уч фазали занжир қувватининг қиймати ёзилади. Уч фазали уч симли занжирининг фазаларидағи нагрузкалар бир хил бўлса, битта фазанинг қувватини ўлчаб, уни учга кўпайтириб уч фазали занжирининг қувватини топиш мумкин. 7-21-расмда ноль нуқтасини топиш мумкин бўлган ҳол учун двигатель қувватини ўлчаш мақсадида ваттметрни улаш схемаси кўрсатилган.

7-22-расмда учбуручак усулида уланган двигателнинг қувватини ўлчаш учун ваттметрни улаш схемаси кўрсатилган.



7-21-расм. Ноль нуқтаси чиқарилган двигательнинг қувватини ўлчаш учун қўлланиладиган схема.



7-22-расм. Учбуручак усулида уланган двигателнинг қувватини ўлчаш учун ваттметрни улаш схемаси.

Нагрузкаси бир хил ҳам, ҳар хил ҳам бўлган уч фазали уч симли занжирнинг қуввати икки элементли ваттметр ёрдамида ўлчанади. Икки элементли электродинамик ёки ферродинамик ваттметрда иккита қўзғалмас ток ғалтаги ва стрелка билан ўққа ўрнатилган кучланишнинг иккита ҳарачтан ғалтаги бўлади (7-23-а расм).

Уч фазали занжирнинг оний қуввати

$$p = p_A + p_B + p_C = i_A u_A + i_B u_B + i_C u_C, \quad (7-12)$$

бунда P_A , P_B , P_C — алоҳига фазаларнинг оний қувватлари. Истеъмолчининг ноль нуқтаси учун қўйидагини ёзиш мумкин:

$$i_A + i_B + i_C = 0,$$

бундан

$$i_C = -i_A - i_B. \quad (7-13)$$


(7-13) тенгликни қувват формуласига қўйсак:

$$\begin{aligned} p &= i_A u_A + i_B u_B - i_A u_C - i_B u_C = i_A (u_A - u_C) + \\ &+ i_B (u_B - u_C) = i_A u_{AC} + i_B u_{BC} = p_1 + p_2, \end{aligned} \quad (7-14)$$

фаза кучланишларининг айрмаси линия кучланишига тенг бўлганилиги учун

$$u_A - u_C = u_{AC} \text{ ва } u_B - u_C = u_{BC}.$$

Шундай қилиб, уч фазали занжирнинг қувватини иккита p_1 ва p_2 қўшилиувчиларнинг йигиндиси сифатида ёзиш мумкин экан.



7-23- расм. Икки элементли ваттметрнинг тузилиш схемаси (а) ва уни уч фазали ток занжиридаги қувватни ўлчаш учун улаш (б).

Икки элементли ваттметрни (7-23- б расм) 7-14 ифодага мос равишда улайлик. Биринчи элементнинг кетма-кет чулғамини A симга кетма-кет (i_A ток), унинг параллел занжирини эса A ва B симлар орасига (u_{AC} кучланиш) улаймиз, иккинчи элементнинг кетма-

кет чулғамини B симга кетма-кет (i_B ток), унинг параллел занжирини эса B ва C симлар орасига (u_{BC} кучланиш) улаймиз. Бу ҳолда ваттметрнинг ҳаракатчан қисмига тъесир кўрсатувчи оний айлантирувчи момент уч фазали занжирнинг оний қувватига пропорционалдир. Ҳаракатчан қисмнинг ўртача айлантирувчи моментга пропорционал бўлган бурилиш бурчаги уч фазали занжирнинг ўртача ёки актив қувватига пропорционал бўлади; бу қувват 7-14-ифодага мувофиқ қўйидагича ёзилиши мумкин:

$$P = I_A U_{AC} \cos \varphi_{A-AC} + I_B U_{BC} \cos \varphi_{B-BC}, \quad (7-15)$$

бунда $\varphi_{A-AC} I_A$ ва U_{AC} орасидаги, φ_{B-BC} эса I_B ва U_{BC} орасидаги силжиш бурчаги.

Ваттметр схемасини йиғишида кетма-кет ғалтакларнинг генератор қисқичлари ток манбаидан келаётган симларга уланиши, параллел занжирларнинг генератор қисқичлари эса мос кучланишларнинг индексларида биринчи ўринда турган ҳарфлар (бизнинг ҳол учун A ва B ҳарфлар) билан белгиланган симларга уланиши керак. Қаралган схема истеъмолчилар учбурчак усулида уланган занжир учун ҳам ярай беради, чунки ҳар қандай учбурчакни актив қуввати шундай бўлган юлдуз билан алмаштириш мумкин.

Ваттметрнинг иккита кетма-кет ғалтагини уч фазали занжирнинг A ва B симларигагина эмас, балки, унинг ихтиёрий танлаб олинган симига улаш мумкин. Ваттметрнинг ҳар бир параллел занжирининг генератор қисқичи «ўз» элементининг кетма-кет ғалтаги уланган линия симига уланиши керак. Параллел занжирларнинг генератор эмас қисқичлари ваттметрнинг кетма-кет ғалтаги йўқ линия симига уланади.

Икки элементли ваттметр бўлмагандаги схема бўйича (7-23- б расм) уланган иккита бир фазали ваттметрдан фойдаланиш мумкин. Уч фазали занжирнинг актив қувватини топиш учун ваттметрларнинг кўрсатишлари алгебраик қўшилади. Агар ваттметрлардан бирининг стрелкаси тескари томонга оғса, у ҳолда шу ваттметр параллел занжирни қисқичларининг ўрнини алмаштириш, унинг кўрсатишини эса манфий деб ҳисоблаш керак.

7-6. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ЎЛЧАШ


Электр энергияни ўлчаш учун электр энергия счётиклари ишлатилади. Турли системадаги счётиклар ичida ўзгармас ток занжирларида электродинамик счётиклар ва ўзгарувчан ҳамда уч фазали ток занжирларида эса индукцион счётиклар кўпроқ ишлатилади.

Электр счётиклар ийғувчи асбоблардир. Уларнинг кўрсатувчи асбоблардан асосий фарқи ҳаракатчан қисмларнинг бурилиш бурчаги пружина билан чегараланмаганлигидадир. Вақт

Үтиши билан бурилиш бурчаги орта боради, счётиккниң күрсатишилари йиғила боради, бунда ҳаракатчан қисмнинг ҳар бир айланишига ўлчанаётган катталиккниң маълум қиймати мос келади.

Бир фазали индукцион счётик (7-24- расм) ўққа ўрнатилган алюминий диск билан иккита: кетма-кет A ва параллел B электромагнитдан иборат.

Истеъмолчи олаётган I ток A электромагнит чулғамидан ўтиб, I токка пропорционал Φ_1 магнит оқимини уйғотади. Параллел элек-



7-24- расм. Индукцион счётиккниң тузилиши ва занжирга улаш схемаси.

тромагнит чулғамидағи ток тармоқнинг U кучланишига пропорционал бўлган Φ_U магнит оқимини уйғотади. Бу магнит оқимлари дискка кириб, унда I_A ва I_B уюрма токлар уйғотади. Бунда $I_A \equiv \Phi_I \equiv I$ ва $I_B \equiv \Phi_U \equiv U$. Ток I_A нинг Φ_1 магнит оқими билан ва I_B токнинг Φ_1 магнит оқими билан ўзаро таъсиридан истеъмолчининг қувватига пропорционал бўлган айлантирувчи момент юзага келади:

$$M = k_1 I U \cos \varphi = k_1 P. \quad (7-16)$$

Бу момент счётик дискини айланишга мажбур этади. Диск доимий тормозловчи M магнит майдонида айланганда дискда уюрма токлар индукцияланади (3-20- расм). Бу токларнинг ўша M магнит майдони билан ўзаро таъсири натижасида счётик дискининг айланыш тезлиги n га пропорционал бўлган тормозловчи момент юзага келади, яъни

$$M_T = k_2 n. \quad (7-17)$$

Доимий нагруззкага счётикнинг доимий айланиш тезлиги мос келади, чунки бундай шароитда айлантирувчи ва тормозловчи моментлар тенг бўлади:

$$M = M_T,$$

демак,

$$k_1 p = k_2 n,$$

бундан қуйидаги ҳосил бўлади:

$$p = \frac{k_2}{k_1} n = kn,$$

яъни счётикнинг айланиш тезлиги истеъмолчининг қувватига пропорционал бўлар экан.

Истеъмолчининг қуввати P бўлса, t вақт ичida у сарфлаган энергия

$$W = Pt = kn t = kN. \quad (7-18)$$


Шундай қилиб, сарфланган энергия счётик дискнинг айланишлари сони N га пропорционал экан.

Счётик доимииси деб аталубчи

$$k = \frac{W}{N} \quad (7-19)$$

коэффициентнинг сон қиймати счётик дискининг бир айланиши ичida тармоқда сарфланган энергия миқдорига тенг.

Сарфланган энергияни ҳисоблаш механизми (7-25-расм) қайд қилиб боради; бу механизм счётик ўқига ўрнатилган червякли узатма (ёки шестерня) B ёрдамида ҳаракатга келтирилади. Дискнинг ҳаракати ён сиртларига 0 дан 9 гача рақамлар ёзилган бешта роликка узатилиб турилади. Роликлар A ўққа эркин кийдирилиб қўйилади. Биринчи ролик (7-25-расмда ўнг томонга) шестерняга туташган бўлиб, счётик диски ҳаракатланганда узлуксиз айланниб туради. Ўнг ролик бир айланганда иккинчи роликни 1/10 қисмга айлантиради ва



7-25- расм. Ҳисоблаш механизминиң схемаси.

тешикдан ҳар бир роликнинг фақат биттадан рақами кўриниб туради. Ана шу тўсиқдаги тешикдан ўқилган сон счётик ноль рақамини кўрсатган моментдан бошлаб ўтган вақт ичida қайд қилинган энергиянинг миқдорини кўрсатади.

Бирор вақт давомида сарфланган энергияни аниқлаш учун ўлчаш охирида счётик кўрсатган рақамдан дастлаб кўрсатган рақамни айриб ташлаш керак.


ГОСТ 6570-60 га биноан актив энергия счётикларининг аниқлик синфлари 1, 2 ва 2,5 га тенг, реактив энергия счётикларники эса 2 ва 3 га тенг.

Уч фазали тўрт симли занжирларидаги электр энергияни ўлчаш учун уч элементли счётик ишлатилади. Бу счётик бир фазали счётикдагига ўхшаш электромагнит системадан утасини ўз ичида олади. Бу утга электромагнит система битта ўққа ўрнатилган учта диска таъсир кўрсатади. Счётикнинг битта ҳисоблаш механизми бўлади. Счётикни занжирга улаш схемаси принципига кўра уч элементли ваттметрни улаш схемасининг (7-20-расм) ўзгинасидир.


Уч фазали уч симли занжирлардаги энергияни ўлчаш учун икки элементли икки дискли ёки бир дискли счётиклар ишлатилади (7-26-расм).

Икки элементли счётикни иккита бир фазали счётиклар (жуфт счётиклар) билан алмаштириш мумкин. Икки элементли ёки жуфт счётикларни улаш схемаси принципига кўра икки элементли ваттметрни улаш схемасининг ўзгинасидир (7-23-б расм.)

Уч фазали токнинг реактив энергияси реактив счётиклар масалан, схемаси 7-27-расмда кўрсатилган ИР типидаги счётиклар ёрдамида ўлчанади.



7-26-расм. Икки элементли бир дискли счётикнинг тузилиши ва занжирга улаш схемаси.



7-27-расм. ИР типидаги реактив энергия счётигининг занжирга улаш схемаси.

Бу счётик икки элементли индукцион счётик бўлиб, кетмат жадидий электромагнитларининг ҳар бирда иккитадан ўрами бўлади. Бу ўрамлар ўзакларда катталик ва фазаси бўйича параллел электромагнитларнинг оқимлари билан биргаликда реактив қувватга пропорционал бўлган айлантирувчи момент ҳосил қиливчи магнит


оқими ҳосил қиласи. Ҳисоблаш механизми бевосита реактив энергияни қайд қиласи.

Ваттметрлар ва счётикларнинг ток ҳамда кучланиши ўлчаш чегаралари ўлчаш трансформаторлари ёрдамида кенгайтирилади (9-10-§).


7-7. ҚАРШИЛИКЛАРНИ ЎЛЧАШ

a) Қаршиликни ўлчайдиган кўприк

Электр қаршилик ўлчови, яъни қаршилик бирлиги намунаси — намунавий қаршилик фалтагидир. Маълум схема бўйича туташтирилган қаршилик фалтаклари тўплами қаршилик магазини деб аталади.



7-28- расм. Ричагли беш фалтакли қаршиликлар магазини.



7-29- расм. Қаршиликларни ўлчаш кўприги.

Қаршилик магазинлари штепселии ёки ричагли бўлади. Биринчиларида фалтаклар штепселлар ёрдамида, иккинчиларида ричагли переключателлар ёрдамида узиб ёки уланади. 7-28-расмда беш фалтакли ричагли қаршиликлар магазинининг битта «декада»синг схемаси берилган. Бу магазин қисқичлар орасидаги қаршиликни 0 дан 9 ом ғача 1 ом ли босқичлар билан ўзгартиришга имкон беради.

Қаршиликларни ўлчаш учун ишлатиладиган схемаси 7-29-расмда берилган кўприк учта елкадан — r_1 , r_2 ва r_3 учта қаршиликлар магазинларидан тузилган. Ўлчанаётган r_x қаршилик тўртинчи елка бўлади. Кўприкнинг бир диагоналига ток манбай, иккинчи диагоналига эса гальванометр уланади.

k_1 кнопка берк турган вақтда уч елканинг қаршилигини ўзгаришириб, А ва Б пунктларнинг потенциалларини тенглаштириш мумкин, буни k_2 кнопкани беркитганда гальванометр стрелкаси оғмағанлигидан пайқаш мумкин. Бу ҳолда $U_{BA} = U_{BB}$ ва $U_{AB} = U_{Bx}$

кучланиш ёки $I_1r_1 = I_2r_x$ ва $I_1r_2 = I_2r$. Бу тенгликларни ҳадма-ҳад бўлсак;

$$\frac{I_1r_1}{I_1r_2} = \frac{I_2r_x}{I_2r},$$

бундан

$$r_x = r \frac{r_1}{r_2}. \quad (7-20)$$

Изланаётган қаршилик мувозанатлашган кўприк учун топилган формуладан ҳисобланади.

Агар кўприкнинг схемасида уча елканинг қаршиликлари ва манбанинг кучланиши ўзгармас бўлса, у вақтда гальванометрдаги ток фақат r_x қаршиликка боғлиқ бўлади. Бу гальванометрнинг шкаласига қидирилаётган қаршиликнинг ёки қаршилик боғлиқ бўлган катталикнинг, масалан, температуранинг қийматини ёзишга имкон беради. Ана шундай ўлчаш кўприклари мувозанатлашмаган кўприклар деб аталади.

б) Қаршиликларни амперметр ва вольтметрлар ёрдамида ўлчаш

Қаршиликтининг амперметр билан вольтметр кўрсатишига асосан (7-30- расм) топилган


$$r_x' = \frac{U}{I}$$

қиймати, қидирилаётган r_x қаршиликнинг ҳақиқий қийматидан амперметрнинг қаршилиги қадар катта, чунки 7-30-расмдаги схемада вольтметр r_x қаршилик билан амперметрга тўғри келган кучланишлар йиғиндисини ўлчайди. Агар ўлчанаётган қаршилик амперметрнинг қаршилигидан анчагина катта бўлса, ўлчаш хатолиги деярли катта бўлмайди.


Асбобларнинг кўрсатишига (7-31 - расм) мос келувчи

$$r_x'' = \frac{U}{I}$$

қаршиликтиниг қиймати изланаётган r_x қаршиликнинг ҳақиқий қийматидан кичикроқ бўлади, чунки амперметр r_x қаршилик билан вольтметрдаги токларнинг йиғиндисини ўлчайди. Агар ўлчанаётган қаршилик вольтметрнинг қаршилигидан анча кичик бўлса, хатолик деярли катта бўлмайди.



7-30- расм. Қаршиликларни амперметр ва вольтметр ёрдамида ўлчаш учун уларни занжирга улаш схемаси (катта қаршиликлар учун).




7-31- расм. Қаршиликларни амперметр ва вольтметр ёрдамида ўлчаш учун уларни занжирга улаш схемаси (кичик қаршиликлар учун).


в) Омметрлар

Омметрлар ва мегомметрлар қаршиликларни бевосита ўлчаш учун ишлатыладиган асбоблардир.

Улар икки гурухга бўлинади: кўрсатиши ток манбанинг кучланишига боғлиқ бўлган омметрлар ва кўрсатиши ток манбанинг кучланишига боғлиқ бўлмаган омметрлар.



7-32- расм. Кўрсатиши ток манбанинг кучланишига боғлиқ бўлган омметрнинг кетма-кет схемаси.



7-33- расм. Кўрсатиши ток манбанинг кучланишига боғлиқ бўлган омметрнинг параллел схемаси.

Ток манбанинг кучланиши ўзгаргандан ҳам U/C нисбатни ўзгартириш учун C катталикни созлаш керак, бунга ўлчаш механизмининг тирқишидаги магнит индукцияни магнит шунти ёрдамида ўзгартириш билан эришилади. Магнит шунти винтни бураш срқали қутбларнинг N' , S' бошмоқларига яқинлаштирилиб еки улардан узоқлаштирилиб туриладиган темир тахтачадир.

C катталикни созлаш учун батарея билан r_x қаршилик уланганда k кнопкa уланниб, омметрнинг стрелкаси шкаладаги нолга келгунча магнит шунтнинг вазияти ўзгартириб борилади. Сўнгра кнопкa узилиб шкаладан ўлчанаётган катталикнинг қиймати топилади.

7-33-расмда худди ўша омметрнинг параллел схемаси берилган. Бу схемага биноан ўлчанаётган r_x қаршилик ўлчаш механизмига параллел уланади. $r_y + r_k$ доимий бўлиб, U/C нисбат ўзгармаса,

Биринчи гурух омметр (7-32-расм) r_k қўшимча қаршиликли магнитоэлектрик ўлчаш механизми билан кетма-кет уланадиган ўлчанаётган r_x қаршиликдан ташкил топган — кетма-кет схемадир. Омметр кўпинча қуруқ элементлар батареяси билан таъминланади.

k кнопкa узилганда занжирдаги ток

$$I = C\alpha = \frac{U}{r_x + r_y + r_k}, \quad (7-21)$$

бу ерда α ва C — ҳаракатчан қисмнинг бурилиш бурчаги ва ўлчаш механизмининг ток бўйича доимийсидир.

(7-21) ифодадан қўйидаги келиб чиқади:


$$\alpha = \frac{U}{C} = \frac{1}{r_x + r_y + r_k}.$$

Шундай қилиб, ҳаракатчан қисмнинг бурилиш бурчаги билан ўлчанаётган қаршилик орасидаги бир қийматли боғлиқниши топиш учун, демак, шкалага бу қаршиликнинг қийматини ёзиш имкониятига эга бўлиш учун $r_y + r_k$ доимий бўлганда U/C нисбатнинг доимийлигини таъминламоқ зарур.


ҳаракатчан қисмнинг бурилиш бурчаги ўлчанаётган қаршиликка бир қийматли боғлиқ бўлишини исбот қилиш мумкин.

Иккинчи гурух омметрнинг бир ўққа ўрнатилган қўш рамкали магнитоэлектрик ўлча什 механизми бўлади (7-34- расм). Рамкаларга ток акс момент ҳосил қилмайдиган моментсиз тасмачалар ёрдамида келтирилади.

Рамкалардаги токлар бир-бираiga қарама-қарши йўналган бўлиб, улар магнит майдонларининг таъсири натижасида турли томонга



7-34- расм. Лого-
метрнинг ўлча什
механизми.



7-35- расм. Логометр ом-
метрияниг схемаси.

йўналган иккита момент юзага келади. Бу моментларнинг айирмаси ҳаракатчан қисмни моментлар ўзаро мувозанатлашадиган бурчакка буради. Ҳаракатчан қисмнинг бурилиш бурчаги рамкалардаги токларнинг нисбати билан белгиланади, яъни

$$\alpha = f\left(\frac{I_1}{I_2}\right).$$

Бурилиш бурчаги токларнинг нисбатига боғлиқ бўлган ўлча什 механизмлари логометрлар деб аталади.

Логометр омметрнинг битта параллел тармоғи (7-35- расм) рамка ва ўлчанаётган r_x қаршиликдан, иккинчи тармоғи эса иккинчи рамка билан қўшимча r_k қаршиликдан изборат. Параллел тармоқлардаги токлар уларнинг қаршиликларига тескари пропорционал тақсимланишини ҳисобга олиб, қуйидаги тенглигни ёзиш мумкин:

$$\alpha = f\left(\frac{I_1}{I_2}\right) = f\left(\frac{r_x}{r_k}\right).$$

r_k ўзгармас бўлганидан бурилиш бурчаги фақат ўлчанаётган қаршиликнинг қийматига боғлиқ бўлади.

Одатда бу асбобда ток манбай вазифасини омметрнинг филофиға ўрнатилиб, қўл билан айлантириладиган магнитоэлектрик генератор ўтайди.

2) Изоляция қаршилигини ўлчаш

Қурилманинг изоляция қаршилиги осонгина ўзгариб кетиши мүмкін, шунинг учун уни даврий равишда ўлчаб туриш керак.

Электр қурилманинг тузилиш қоидалариға биноан (ПЭУ):

а) ёритиш ва күч узатиш линияларининг изоляция қаршилиги күчланиши 1000 вольтга тенг мегомметр ёрдамида текширилади;

б) йўл қўйиладиган энг кичик изоляция қаршилиги 0,5 Мом га тенг;


в) эрувчан сақлагичлар олиб қўйилганда изоляция қаршилиги қўшни сақлагичлар орасидаги участкада ёки энг сўнгги сақлагичдан кейин исталган сим билан ер орасида, шунингдек, исталган иккита сим орасида ўлчанди.

Ишчи күчланиш уланмаган тармоқнинг изоляция қаршилиги мегомметр ёрдамида аниқланади. Изоляцияни ўлчаш учун қисқичларнинг L ҳарфи билан белгиланган биттаси текширилаётган симга, мегометрнинг E ҳарфи билан белгиланган иккичи қисқичи эса ерга уланади (7-36-расм). Мегометрнинг дастасини ғоминал тезлик билан айлантирилиб, шкаладан текширилаётган қаршилик топилади.

Мегометрнинг L қисқичини иккичи симга улаб, иккичи симнинг

ега нисбатан изоляция қаршилиги аниқланади. Иккита сим орасидаги изоляция қаршилигини аниқлаш учун уларга мегометрнинг

7-36- расм. Симнинг ерга нисбатан изоляция қаршилигини ўлчаш учун схема.



7-37- расм. Симлар орасидаги изоляция қаршилигини ўлчаш учун схема.

ега нисбатан изоляция қаршилиги аниқланади. Иккита сим орасидаги изоляция қаршилигини аниқлаш учун уларга мегометрнинг иккита қисқичи уланади (7-37-расм). Электр машиналари ва аппаратурининг изоляция қаршиликлари ҳам худди шундай йўл билан аниқланади.

7-8. ЭЛЕКТРМАС КАТТАЛИКЛАРНИ ЭЛЕКТР УСУЛЛАРИ БИЛАН ЎЛЧАШ

Электрмас катталикларни электр усуллари билан ўлчаш — бу ўлчаш техникасининг кенг, тез ривожланаётган соҳасидир.

Унинг бундай тез ривожланиши узлуксиз, масофадан туриб, юқори аниқлик ва юқори сезгирлик билан ўлчаш имкониятларининг борлиги билан тушунтирилади.

Исталган технологик процессга риоя қилиниши фақат ўлчаш техникаси ва автоматика ёрдамидагина амалга оширилиши мүмкін.

Қўпгина ҳолларда электрмас катталикларни ўлчаш учун электрмас катталик унга боғлиқ бўлган электр катталикларни айлантирилади ва уни ўлчаш орқали электрмас катталик аниқланади.

Ўлчайдиган мосламанинг электрмас катталиктини электр катталиктайлантирадиган элементи ўлчаш ўзгартичи деб атади.

Агар электрмас катталик r , L ёки C электр параметрлардан бирортасига айлантирилса, у ҳолда ўзгартич параметрик, агар электрмас катталик э.ю.к. га айлантирилса, у ҳолда у генератор ўзгартиргич дейилади.

Параметрик ўзгартиригичлар ишлаш принципларига қараб қуйидаги группаларга бўлинади:

1. Реостат ўзгартиригичлар. Реостатнинг қаршилиги унинг ҳаракатчан контактига таъсир кўрсатувчи электрмас катталика боғлиқлигидан суюқликнинг ҳажми ва баландлигини, деталларнинг кўчишини ўлчаш ва ҳоказолар учун фойдаланилади.

2. Контакт қаршиликли ўзгартиригичлар. Улар контакт қаршилигининг ўлчанаётган катталика, масалан, босимга, деформацияга ва ҳоказоларга боғлиқлигига асосланган.

3. Симли ўзгартиригичлар. Уларнинг иш принципи симни деформациялаганда унинг қаршилиги ўзгаришига асосланган.

4. Термоқаршиликли ўзгартиригичлар. Иссиклик мувозанати шаронтида симнинг температураси ҳамда қаршилиги фақат токка боғлиқ бўлмасдан, атрофдаги муҳитни белгиловчи қатор физик катталикларга боғлиқлигидан температураларни, газларнинг ҳаракат тезлигини, газларнинг таркиби ва бошқаларни аниқлаш учун фойдаланилади.

5. Электролитик ўзгартиригичлар. Электролит эритмасининг электр қаршилиги унинг концентрациясиغا қараб ўзгаришидан электролитлар эритмаларининг концентрациясини аниқлашга ҳамда суюқликларни ва суюқликларда эрийдиган газларни миқдорий анализ қилиш учун фойдаланилади.

6. Индуктив ўзгартиригичлар. Ўзгартиргич бирор қисмининг ўлчанаётган катталик таъсирида ўзгариши ўзгартиригичнинг индуктивлиги силен боғлиқ бўлади. Бундан кучларни, босимни, чизиқли силжишни ўлчашда фойдаланилади.

7. Магнитоэластик ўзгартиригичлар. Ўзгартиргич ферромагнит ўзаги магнит киритувчалигининг, демак, ўзгартиригич индуктив қаршилигининг ҳам, ўзакка таъсир кўрсатувчи механик кучланишларга боғлиқлигидан механик катталикларни ўлчашда фойдаланилади.

8. Сифимили ўзгартиригичлар. Ўзгартиригичнинг сифимини куч, босим, чизиқли силжиш бурилиш бурчаги, модда миқдори, намлик таъсирида ўзгаришидан шу катталикларни ўлчашда фойдаланилади.

9. Фотоэлектрик ўзгартиригичлар. Ўлчанаётган электрмас катталика боғлиқ бўлган ёруғлик билан аниқланадиган фототок ҳосил қилиш ёки частоталарни ўлчанаётган катталика боғлиқ бўлган импульсли фототок ҳосил қилиш чизиқли ўлчамларни, температурани, суюқликнинг ҳамда газли муҳитнинг шаффофлигини ва хиравлигини ўлчашда қўлланилади.

10. Ионизацион ўзгартиргичлар. Ионловчи токнинг қатор факторларга боғлиқлигидан газни анализ қилиш ва унинг зичлигини аниқлаш, буюмларнинг геометрик ўлчамлари ва ҳоказоларни билишда фойдаланилади.

Генераторли ўзгартиргичлар ишлаш принципига қараб қуийдаги группаларга бўлинади:

1. Индукцион ўзгартиргичлар. Ўлчанаётган электрмас катталикин индукцияланган э.ю.к. га айлантиришдан тезликни, чизиқли ва бурчакли силжишларни ўлчашда фойдаланилади.

2. Термоэлектрик ўзгартиргичлар. Ўзгартиргичлар занжирида термо э.ю.к. нинг вужудга келиши ва унинг температурага боғлиқлигидан температурани ўлчаш учун фойдаланилади.


3. Пъезоэлектрик ўзгартиргичлар. Пъезоэлектрик эфект, яъни баъзи кристалларда механик куч таъсирида э.ю.к. нинг вужудга келиши ҳодисасидан шу кучларни, босимларни ва буюмларнинг геометрик ўлчамларини ўлчашда фойдаланилади.

Электрмас катталикларни электр усули билан ўлчаш учун ишлатиладиган мослама энг содда ҳолда ўзгартиргичдан, туаштирувчи симлардан ва шкаласига одатда ўлчанадиган электрмас катталикинг қийматлари ёзиган ўзгартиргичдан ўлчаш механизмидан иборат бўлади. Кўлчилик ҳолларда эса ўлчайдиган мосламалар мураккаброқ бўлиб, улар: а) солишириш асблоридан, б) ток манбаларидан, в) стабилизаторлардан, г) тўғрилагичлардан, д) кучайтиргичлардан ва ҳоказолардан иборат бўлади.

Баъзи бир энг кўп тарқалган ўлчаш ўзгартиргичларининг ишлаш принциплари ва соддалаштирилган схемаларини қараймиз.

a) Реостатли ўзгартиргичлар

Реостатли ўзгартиргич—ҳаракатчан контакти ўлчанаётган электрмас катталик x нинг таъсирида кўчиб юрадиган реостатdir (7-38-расм). Демак, реостатнинг r қаршилиги x катталикка боғлиқ бўлади:




7-38- расм. Реостатли ўзгартиргич.

$$r = f(x).$$

r ни ўлчаб, x ни топиш мумкин.

7-39- а ва б расмдаги схемаларда реостатли ўзгартиргич билан бир рамкали магнитоэлектрик ўлчаш механизмлари, 7-39- в расмдаги схемада эса логометрнинг икки рамкали механизми ишлатилган.

Суюқликнинг сатҳи ёки ҳажмини ўлчаш учун реостатли ўзгартиргични татбиқ этиш 7-40- расмда кўрсатилган.



7-39- расм. Реостатли ўзгартиргични ўз ичига олган схема.

Сузгичнинг суюқликнинг сатҳи ёки ҳажми билан белгиланадиган ҳолати ўзгарганда, логометрнинг ғалтакларига кетма-кет уланган r_1 ва r_2 қаршиликлар ўзгаради. Натижада ғалтаклардаги токларнинг нисбати ҳамда асбобнинг кўрсатиши ҳам ўзгаради. Асбобнинг шкаласи суюқликнинг ўлчанаётган ҳажми ёки сатҳини кўрсатувчи рақамлар билан даражаланади.


6) Контакт қаршиликли ўзгартиргичлар

10—15 дона кўумир шайбадан ($d = 0,5 \div 1 \text{ см}$) тузилган ва учларига ўлчаш занжиринга улаш учун электродли жез дисклар ўрнатилган устунча слюда қатлами ёрдамида изоляцияланган иккита a ва b винтлар орасига (7-41- расм) қисиб қўйилган.


Устунчанинг электр қаршилиги унинг қисилиш даражасига боялиқ, чунки бунда шайбалар орасидаги ўтиш қаршилиги ўзгаради. Шундай қилиб, устунчанинг электр қаршилигининг ўзгаришига қарб b винтга таъсир кўрсатувчи P механик кучни аниқлаш мумкин.

Ўлчанаётган P куч иккита устунчага таъсир этганда, бири кўпроқ, иккинчиси эса камроқ қисилади (7-42- расм). Бунда эса ўлчаш аниқлиги анча ортади.

Ўлчаш кўпригининг иккита қўшни елкасига иккита устунча уланса, ўлчаш натижасига температуранинг таъсирини бартараф қилиш мумкин, чунки температура ўзгарганда иккала устунчанинг қаршиликлари бир хилда ўзгаради ва кўприкнинг мувозанати сақланиб қолади.



7-40- расм. Сатҳ ўлчагич схемаси.



7-41- расм. Күмир шайбали ўзгартиргич.

7-42- расм. Күмир шайбали дифференциал ўзгартиргич.

в) Симли ўзгартиргичлар

Бу ўзгартиргичлар учлари мис электродларга кавшарланган ингичка ($d = 0,02 \div 0,04 \text{ mm}$) симдан ясълади. (7-43- расм). Сим юзи $0,1 \div 10 \text{ cm}^2$ га тенг бўлган иккита юпқа қоғоз япроқчалар орасига маҳсус елим ёрдамида маҳкамланади.

Ўзгартиргич текширилаётган деталь ёки мосламанинг сиртига ёпиштирилади ва у деталнинг деформациясини қабул қилади.

Материалнинг ўлчамлари, солиштирма қаршилиги ўзгарданда, ўзгартиргичнинг қаршилиги ҳам ўзгарида. Қаршиликнинг нисбий ўзгаришига қараб, деталь ёки мосламада вужудга келган механик кучланишларни аниқлаш мумкин.

Симли ўзгартиргичлар ясашда константтан, ниҳром ёки темир хромел-алюминий қотишмасидан, яъни нисбий сезгирилиги $k = \frac{\Delta r_r}{\Delta t/t}$ катта, қаршилигининг температура көзфициенти кичик ва солиштирма қаршилиги катта бўлган симлар ишлатилади.

Ўзгартиргичнинг қаршилиги бир неча юз омга, қаршиликнинг нисбий ўзгариши эса прцентнинг ўндан бир улушларига тенг.

Температуранинг таъсирини бартараф қилиш учун иккита бир хил: бири «ишчи», иккинчиси «ишчи эмас» ўзгартиргичлар ишлатилади. Бу ўзгартиргичлар ўлчаш кўпригининг иккита кўшни елкасига уланади. Йишли ўзгартиргич текширилаётган деталнинг сиртига, ишчи эмас ўзгартиргич эса худди текширилаётган деталь ясалган металлга ёпиштирилади.

Симли ўзгартиргичлар фақат бир марта ўлчаш учун ярайди.

Бир симдан бир хил қаршиликли ва бир хил технология билан

тайёрланган ўзгартыргичлар партиясининг характеристикалари 1% гача аниқликда ва бир хил бўлади. Ўзгартыргичларнинг бу хусусияти берилган партияга тегишли ўзгартыргичлардан биттаси учун топилган характеристикани, қолганлари учун ҳам татбиқ этиш имконини беради.

г) Термоқаршиликлар

Электр токи симдан ўтган вақтда унда иссиқлик ажralиб чиқади. Бу иссиқликнинг бир қисми симни қизитишга сарф бўлади, қолган қисми эса конвекция, иссиқлик ўтказиш ва нурланиш йўли билан атрофдаги муҳитга тарқалади.

Ўрнатилган иссиқлик мувозанатида симнинг температураси ва унинг қаршилиги симдан ўтаётган токнинг катталигига ҳамда атрофдаги муҳитга иссиқлик берилиши сабабларига боғлиқ бўлади. Бундай сабабларга: симнинг ўлчамлари, унинг арматураси ва конфигурацияси, сим ва муҳитнинг температураси, муҳитнинг ҳаракат тезлиги, унинг таркиби, зичлиги ва бошқалар киради.

Кўрсатилган боғланишлардан симнинг қаршилиги бўйича газ муҳитининг температурасини, тезлигини, зичлигини ва таркибини ўлчашда фойдаланилади. Ача шу мақсадларга мўлжалланган сим ўлчаш ўзгартыргичи бўлиб, у термоқаршилик деб юритилади.

Термоқаршиликлардан фойдаланган вақтда термоқаршиликнинг катталигига ўлчанаётган электрмас катталик энг кучли таъсир кўрсатадиган, қолган катталиклар э́ча аксинча, мумкин қадар кам таъсир кўрсатадиган шароит яратиш лозим. Симнинг ташқи симлар билан уланадиган қисқичларининг иссиқлик ўтказиши ва нурланиш натижасида ташқарига бериладиган иссиқлик миқдорини камайтиришга инилиш керак. Симнинг узунлиги ўз диаметридан 500 ва ундан ҳам кўпроқ марта ортиқ бўлган ҳолларда симнинг ташқи симлар билан уланадиган қисқичлари орқали бериладиган иссиқликни эътиборга олмаса ҳам бўлади. Агар сим температураси билан муҳит температураси орасидаги фарқ 100°C дан ортиқ бўлмаса, нурланиш йўли билан ташқарига бериладиган иссиқликни ҳисобга олмаса бўлади.

Термоқаршиликнинг газ анализаторида газлар аралашмасидаги маълум газнинг миқдорини аниқлашда ишлатилишини кўрайлик.

Бир-бiri билан химиявий реакцияга киришмайдиган икки хил газдан ташкил топган аралашманинг иссиқлик ўтказувчанлиги унинг таркибидаги газлар иссиқлик ўтказувчанликларининг ўртacha арифметик қийматига teng бўлади, яъни

$$\lambda_{12} = \frac{\lambda_1 a + \lambda_2 b}{100},$$

бунда λ_{12} , λ_1 , λ_2 — аралашманинг ва аралашма ташкил этувчилари-нинг иссиқлик ўтказувчанликлари;

a ва b — аралашмани ташкил этувчи газларнинг процентларда олинган миқдорлари.

$b = 100 - a$, эканлигини эътиборга олиб, қуйидаги тенгламани ёзишимиз мумкин:

$$\lambda_{12} = \frac{\lambda_1 a + \lambda_2 (100 - a)}{\lambda_1 - \lambda_2},$$

бундан эса


$$a = 100 \frac{\lambda_{12} - \lambda_2}{\lambda_1 - \lambda_2}.$$

λ_1 ва λ_2 ларнинг иссиқлик ўтказувчанлигини билган ҳолда аралашманинг λ_{12} иссиқлик ўтказувчанлигини ўлчаб, аралашманинг таркибидағи газлардан биттасининг процентларда ҳисобланган миқдорини аниқлаш мумкин экан. Бунда термоқаршиликтан $I = \text{const}$ ток ўтганда унинг температураси, демек, унинг қаршилиги ҳам, фақат аралашманинг λ_{12} иссиқлик ўтказувчанлигига боғлиқ бўлиши, яъни


$$r = f(\lambda_{12}) \text{ ёки } r = f_1(a)$$

бўлиши керак.

Карбонат ангирид гази учун ишлатиладиган газоанализаторнинг (7-44-расм) кўприкнинг иккита қўшни елқасига уланган иккита бир хил r_1 ва r_2 термоқаршиликлари бўлади. Биринчи ишчиси газ аралашмаси оқиб ўтадиган камерага жойлашган, иккинчи ишчи бўлмагани эса ҳаво тўлдирилган камерага жойлаштирилган. Асбобнинг шкаласига CO_2 нинг миқдорини кўрсатувчи дарожалар чизилган.



7-44- расм. CO_2 гази учун газонализатор.



7-45- расм. Қаршилик термометри логометрли кўпригининг схемаси.

Қаршилик термометрларида термоқаршиликлар температура-ларни ўлчаш учун ишлатилади. Улар одатда температура коэффициенти катта бўлган симлардан (500°C гача платинадан, 300°C гача никелдан, 150°C гача мисдан) ясалади. Сим пластмасса ёки слюда асосга ўралиб ҳимоя қобигига жойлаштирилади. Бу қобиқнинг ўлчамлари билан шакли термо-метрнинг вазифасига қараб ҳар хил бўлади.

Термометрнинг қаршилиги одатда 50 ёки 100 омга тенг бўлади.

Ўзгартиргич қаршилигининг миқдорига қараб, унинг температураси ва уни ўраб турган муҳитнинг темпера-тураси аниқланади.

Ўлчашлар учун кўпинча магнито-электрик логометрли мувозанатлаш-маган кўприк схемасидан (7-45- расм)

фойдаланилади. Кўприкнинг учта r_1 , r_2 , r_3 елкалари манганиндан ясалган бўлиб, тўртинчиси (r_t) термоқаршиликдир. Логометрнинг иккита рамкаси (r_{l1} ва r_{l2}) кўприкнинг диагоналига уланган бўлиб уларнинг умумий нуқтаси r_b қаршилик орқали кўприкнинг ϱ учи билан туташтирилган.

b ва a нуқталарнинг потенциаллари тенглашиб, кўприк мувоза-натлашганда ($r_2 = r_3$; $r_1 = r_t$; $r_{l1} = r_{l2}$) логометр рамкаларида тенг ва қарама-қарши ўйналган токлар ўтади. Мувозанат бузилса, ло-гометр рамкаларидаги токлар ўзгаради. Уларнинг ΔI_{l1} ва ΔI_{l2} орт-тирмалари бир-бирига тенг эмас ва ишоралари қарама-қарши бўл-ганилиги сабабли логометр стрелкаси бурилади. Бурилиш бурчаги

$$\alpha = f\left(\frac{I_1}{I_2}\right) = f\left(\frac{I_{l1} + \Delta I_{l1}}{I_{l2} + \Delta I_{l2}}\right) f_1(r_t) = f_2(\theta).$$

Чала ўтказгич термоқаршиликларнинг қўлланилиши 13- бобда кўрилган.


д) Электролитик ўзгартиргичлар

Электролитнинг солиштирма электр ўтказувчанлиги унинг кон-центрациясига боғлиқ бўлганлиги учун концентрацияни электролит-нинг қаршилигига қараб аниқлаш мумкин

Электролитик ўлчашиб ўзгартиргичи текширилаётган суюқлик ва иккита электрод туташтирилган идишдан иборат (7-46- расм).

Электролизнинг олдини олиш учун электролитнинг қаршилиги ўзгарувчан ток ёрдамида ўлчанади. Температура-нинг таъсирини бартараф қилиш учун температура компенсатори қўлланила-ди. Термокомпенсаторлардан биттаси 7-46- расмда тасвирланган. У эритмага ту-ширилган ва r_x қаршилиқдан келган тар-моқ билан кетма-кет уланган ва r_1 ман-ганин қаршилики шунтловчи r_k мис ни-кељ қаршилиқдан иборат, r_1 ва r_k қар-шиликлар электролитнинг температураси ўзгариши натижасида унинг қаршилигининг ўзгариши 1—2% гача аниқлик билан r_k қаршиликининг ўзгариши орқали компен-сацияланадиган қилиб танлаб олинган.

Ўлчанадиган r_x қаршилик схема a , b нуқталари орасидаги r_a , b қаршилик орқали топилади. r_a , b қаршилик эса одатда елкалари-нинг бирига электролитик ўзгартиргичнинг a , b қисқичлари улан-ган мувозанатлашмаган ўлчашиб кўприги ёрдамида (7-7- а §) аниқла-нади. Кўприк токни ўзгарувчан ток занжиридан стабилизатор орқали олади. Кўприкнинг чиқишига тўғрилагичли миллиампер-метр уланади. Бу миллиамперметрларнинг шкаласи электролит эрит-масининг концентрациясини кўрсатадиган қилиб даражаланади.




7-46- расм. Электролитик ўз-гартиргичиниң схемаси.


e) Индуктив ўзгартиргичлар

Индуктив ўзгартиргич (7-47-а расм) бу якори ўлчанаётган P механик катталиқ: күч, босим, чизиқли силжиш таъсири да ҳараланадиган электромагнитидир. Якорь вазиятининг ўзгариши б ҳаво тирқишининг, демак электромагнит ғалтаги индуктивлигининг ва унинг тўла қаршилигининг ўзгаришига сабаб бўлади, яъни

$$z = f(P).$$




7-47-а расм. Индуктив ўзгартиргичнинг схемаси.



7-47-б расм. Индуктив дифференциал ўзгартиргичнинг схемаси.

Дифференциал ўзгартиргичда (7-47-б расм) якорь силжиганда бир ғалтакнинг индуктивлигини орттираса, иккинчи ғалтакнинг индуктивлигини камайтиради; бу эса ўзгартиргичнинг сезирлигини орттиради. Иккита ғалтак ўлчаш кўпригининг қўшни елкаларнга уланса, температура компенсацияси ҳосил бўлади.



7-48-расм. Индуктив ўзгартиргич-трансформаторнинг схемаси.

Кўрсатишлари ўлчанаётган катталикка боғлиқ бўлади, яъни

$$E_2 \approx U_2 = f(P).$$

ж) Сигумли ўзгартиргичлар

Сигум ўзгартиргич сифими ўлчанаётган электрмас катталиқ таъсирида ўзгарадиган конденсатордан иборат.


Конденсаторнинг сигуми электродларнинг юзига, уларнинг шаклига, улар орасидаги масофага, шунингдек, диэлектрикнинг ўлчамларига ва унинг диэлектрик киритувчалигига боғлиқ бўлганлиги

учун бу ўзгартиргичлардан қиймати сифимли ўзгартиргичнинг юқорида санаб ўтилган параметрларидан бирортасига таъсир кўрсатадиган электрмас катталикларни ўлчашда фойдаланиш мумкин.


Сифимли монометрлар ва динамометрларда ўлчанаётган P босим ёки F күч таъсирида конденсаторнинг иккита қопламалари орасидиги ҳаво тирқиши б ўзгаради (7-49-расм).

Иккита ҳаракатсиз электрод 3 лар орасидан (7-50-расм) тортиб ўтилладиган резина тасма 1 нинг қалинлигини ўлчайдиган сифимли ўзгартиргичнинг ишлаш принципи тасма қалинлигининг ҳаво тирқишининг, демак, ўзгартиргич сифимининг ўзгаришига асосланган.


Доннинг, порошокнинг, толанинг, калаванинг намлигини ўлчаш учун ишлатиладиган ўзгартиргич цилиндр конденсатордан иборат (7-51-расм). Ички электрод цилиндрик стержень шаклида, ташқиси эса — стакан шаклида бўлиб, ички бўшлиқ маълум баландликкача текширилаётган материал билан тўлдирилади. Текширилаётган



7-49-расм. Сифимли манометр ва динамометрнинг ишлаш принципи.



7-50-расм. Тасманнинг қалинлигини ўлчаш учун ишлатиладиган сифимли ўзгартиргичнинг тузилиш схемаси.



7-51-расм. Намлини ўлчайдиган сифимли ўзгартиргичнинг тузилиши.

материалдаги намлик сувнинг диэлектрик киритувчанлиги катта ($\epsilon = 80$) бўлганлиги учун сифими кескин орттириб юборади.

Сифимли ўзгартиргичларнинг сифими жуда кичик бўлганлиги сабабли уларнинг сифими юқори ёки юксак частотада электрон кучайтиргичлар ёрдамида ўлчанади.

з) Ионловчи ўзгартиргичлар


Ҳарақатланаётган тасма ёки пўлат прокатнинг қалинлигини тўхтосиз ўлчайдиган радиоактив изотопли ионловчи ўзгартиргичлардан бирининг схемаси 7-52-расмда кўрсатилган.

Изотоп 1 нинг радиоактив нури 2 буюм томонидан қисман ютилади. Индикатор 3 га тушган энергия миқдори буюмнинг қалинлиги ҳамда унинг материалига боғлиқ. Индикатор 3 кучайтиргич


4 орқали ўлчаш механизми 5 билан туташтирилган бўлиб, у ўлча- наётган катталикнинг қийматларини кўрсатади.

Газ босимини ўлчайдиган асбонинг 2 да (7-53- расм). изотоп I нинг нурлари таъсирида газ ионлашади. Ионланиш интен- сивлиги ва U кучланиш таъсирида занжирдан ўтадиган ток газнинг

босимига боғлиқ бўлади. Ўлчаш ме- ханизми 5 кучайтиргич 4 орқали ионланиш токига пропорционал кучланиш тушувчи ҳосил бўладиган қаршилик 3 га туташ- тирилган.



7-52- расм. Тасманинг қа- линлигини ўлчаш учун ишлатиладиган ионли ўз- гартиргичнинг схемаси.




7-53- расм. Газ босимини ўлчаш учун ишлатиладиган асбонинг схемаси.


и) Индукцион ўзгартиргичлар

Индукцион тахометрда, яъни айланиси тезлигини ўлчайдиган асбода, ўлчанаётган катталик унга пропорционал бўлган э. ю. к. га айлантирилади. Тахометр (7-54- расм)—якори ўзгармас магнит қутб- лари орасида айланадиган, демак, қисқичлардаги кучланиш якор- нинг айланиси тезлигига пропорционал бўлган кичкинагина магнито- электрик генератордир. Якор тезлиги ўлчанаётган машинанинг ўқи билан механик боғланган, шу сабабли якорнинг қисқичларига улан- ган вольтметрнинг кўрсатиши ўлчанаётган айланиси тезлигига про- порционал бўлади.

Магнити айланадиган индукцион тахометр (7-55- расм) 2 стрел- кали ўққа ўрнатилган алюминий диск 1 ҳамда тезлиги ўлчанаётгац машинанинг ўқи билан механик боғланган ўзгармас магнитдан ибо- рат.



7-54- расм. Индук- цион тахометрининг схемаси.



7-55- расм. Айланувчи магнит майдонли тахометрининг ту- зилиши.

Үзгармас магнит айланганда дискда э. ю. к. билан уюрма токлар индукцияланади. Уюрма токларнинг үзгармас магнит майдони билан ўзаро таъсири натижасида айлантирувчи момент юзага келиб, дискни З пружинанинг моменти билан мувозанатлашадиган бурчакка буради. Айланишнинг ҳар бир тезлигига ҳаракатчан қисмнинг маълум бурилиш бурчаги мос келади.

к). Пъезоэлектрик үзгартиргичлар

Үзгартиргичларда қўлланиладиган пъезоэлектрик эффект баъзи кристаллик дилектриклар (кварц) нинг сиртида механик кучланишлар ёки деформациялар таъсирида электр зарядларининг пайдо бўлишидан иборат.

Ўлчанаётган P босим үзгартиргич корпусининг мемранадан иборат бўлган тагига (7-56- расм) таъсир қиласи. Кварцнинг иккита пластинкаси учта металл қатламлар орасига олиб қисилган. Устки қатлами билан корпус қопқофи орасида шарча бўлиб, у ўлчанаётган босимнинг текис тақсимланишини таъминлайди. Ўргадаги қатламга — манфий электродга корпусдан втулка ёрдамида изоляцияланган сим уланган.

Манфий электрод билан корпус орасидаги потенциаллар фарқи P босимга пропорционал бўлиб, худди шу босим потенциаллар фарқи билан аниқланади.


Босим олингандан кейин зарядлар йўқолиб кетади, шунинг учун манфий электрод яхши изоляцияланган бўлиши лозим.

Манфий электрод кучайтиргич биринчи лампасининг тўрига уланаиди (13-11- §). Кучайтиргичнинг чиқишига ўлчаш механизми уланаиди.


л) Термоэлектрик үзгартиргичлар

Магнитоэлектр ўлчаш механизми билан термоэлектр үзгартиргичдан — термопарадан (7-57- расм) ташкил топган ва температурани ўлчаш учун мўлжалланган асбоб термоэлектр пиromетр деб аталади.

Термопара ишчи учининг қизиши термо э. ю. к. ва ўлчаш механизми занжираида ток ҳосил қиласи. Температура ўлчаш механизми ҳаракатчан қисмнинг оғишига қараб аниқланади. Термопаранинг эркин учлари пирометр даражалан-



7-56- расм. Босимни ўлчаш учун ишлатиладиган кварцли пъезоэлектрик үзгартиргич.



7-57- расм. Термоэлектрик пиromетр нинг схемаси.

ган температурали мұхитда туриши учун унинг симлари етарлы даражада узун бўлиши керак. У қадар юқори бўлмаган температуralарни ўлчашда термопара эркин учлари температурасининг таъсири жуда катта бўлиши мумкин. Ана шу таъсирни бартараф қилиш учун одатда эркин учлар ўзгармас температурали термостатга солиб қўйилади.

Термопаралар учун қўйидагилар ишлатилади: мис — константан (300°C гача), мис — копель (600°C гача), темир — копель (800°C гача), хромель — копель (800°C гача), хромель — алюмель (1300°C гача), платина — платинородий (1600°C гача).

Юқоридаги қотишмаларнинг таркиби қўйидагича: копель 56,5% Cu + 43,5 Ni; хромель 90% Ni + 10% Cr; алюмель 1% Si + 2% Al + 17% Fe + 2% Mn + 78% Ni.

Механик шикастланиш ва газларнинг таъсиридан сақлаш учун термопаралар жездан, пўлатдан, чиннидан ёки бошқа материаллардан ясалган ҳимоя найларига жойлаштирилади.

7-9. ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ. ИЗОЛЯЦИЯ ҚАРШИЛИГИНИ ЎЛЧАШ

Ишни бажаришдан аввал 7-7- § даги *в* ва *г* пунктларнинг мазмуни билан танишиб чиқинг.

Иш плани

1. Ўлчаш асбобларига донр асосий техник маълумотларни ёзиб олинг.
2. Мегометрдан фойдаланиб:
 - а) ёритиш қурилмаси ҳар қайси симининг ерга нисбатан изоляция қаршилигини (7-36- расм);
 - б) симлар орасидаги изоляция қаршилигини ўлчанг (7-37- расм).
3. Текширилаётган қурилманинг изоляцияси электроустановка қурилмаси қоидаларининг талабларига жавоб бериш-бермаслигини аниқланг.
4. Мегометрдан фойдаланиб:
 - а) уч фазали асинхрон двигатель статори ҳар бир фазасининг корпус (ер) га нисбатан изоляцияси қаршилигини;
 - б) ўша двигатель статори ҳар бир иккى фазаси орасидаги изоляция қаршилигини ўлчанг.
5. Двигателнинг изоляция қаршилиги ишлатиш қоидаларининг талабларига жавоб бериш-бермаслигини аниқланг.

7-10. ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ. ИНДУКЦИОН СЧЁТЧИКНИ ТЕКШИРИШ

Ишни бажаришдан аввал 7-6- § нинг мазмуни билан танишиб чиқинг.

Иш плани


1. Ўлчаш асбобларига донр асосий техник маълумотларни ёзиб олинг.
2. Счётчикни текшириш учун ишлатиладиган схемани (7-58- расм) йиғиб, уни раҳбарингизга кўрсатинг.
3. Счётчикнинг кетма-кет чулғамидан ток ўтмаётгандан ва унинг параллел занжирига номинал кучланиш берилгандан счётчикнинг дискаси айланмаслигига, яъни счётчикда салт юриш йўқлигига ишонч ҳосил қилинг.
 4. а) Занжирдаги кучланиш номинал бўлгандан счётчикка унинг номинал на-грускасининг 10% га тенг нагрузка берниб 100—150 секунд ичida диск неча марта

тұлық айланып чиққанligини анықланғ. Ваттметр, амперметр, вольтметр ва секундометр күрсатған қыйматларни 7-3- жадвалға ёзинг.

б) Ушбу

$$k = \frac{Pt}{N}$$

формуладан фойдаланыб, счётикнинг ҳақиқий доимийсіни, яғни счётик бир марта айланыб чиққунча кетган вақт ичидә занжирда сарфланған ҳақиқий энергияни анықланғ.



7-58- расм. Счётикни текшириш учун уни улаш схемаси.

7 - 3 - жадвал

Кузатиш-лар	P	U	I	$\cos \varphi$	t	N	k	k_h	τ	Изоҳлар
	вт	в	а	—	сек	айл	вт сек айл	вт сек айл	%	

а) Ушбу

$$\gamma = \frac{k_h - k}{k} \cdot 100\%$$

формуладан фойдаланыб, юқоридагидек нағрузка билан ишләтгандан счётикнинг хатолигини топынг, бунда k — счётикнинг номинал доимийси, у счётикнинг шиттеге Ѽйилған бўлади.

5. 4- бандда айтилган кузатиш ҳамда ҳисоблашларни счётикнинг номинал нағрузаси 25; 50; 95 ва 100% га тейл бўлғанд ҳоллар учун тақрорланғ.

6. Стандартта биноан аниқлик синфи 2,5 бўлғанд счётик учун юқоридагидек нағрузкаларда хатолик — 25% дан ортиқ бўлмаслиги талаб этилади. Шу маълумотга асосан счётик ўлчаш хатолиги нутқдан назаридан стандартда қўйилған талабга жавоб бериш-бермаслигини аниқлаш.

7-11. ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ. УЧ ФАЗАЛИ ТОК ЗАНЖИРИДА ҚУВВАТНИ ЎЛЧАШ

Ишни бажарнишдан аввал 7-5- § нинг мазмунни билан танишиб чиқинг.

Иш плани

1. Асбобларга доир асосий техник маълумотларни ёзиб олинг.
2. Схема йиғиб (7-59- расм), уни раҳбарингизга кўрсатинг.
3. Схемаси занжирга уланг, бир текис актив нағрузка ҳосил қилинг, сўнгра:

токларин, кучланишларни ва иккى элементли ваттметр өрдамида ўлчанадиган P қувватини (бир қутбلى рубильниклар туташтирилган); ваттметрининг биринчи элементти ўлчайдиган P' қувватини (бир қутбلى рубильник 2 узилган) ва ваттметрининг иккинчи элементти ўлчайдиган P'' қувватини (бир қутбلى рубильник 1 узилган) 7-4- жадвалга ёзинг.

Хақиқатан


$$P = P' + P'' = \sqrt{3} IU$$

әкацилгига ишонч ҳосил қилинг ва

$$P/P' \text{ ва } P/P''.$$

нисбатларни аниқланып.

4. 3- банддаги ўлчаш ва ҳисобларни нагрэзканнинг бошқа қийматлари учун тақрорланып.



7-59- расм. Уч фазали ток замжиридаги қувватни ўлчаш лаборатория ишига доир схема.

5. Фазаларга бир хил аралаш (актив — реактив) нагрэкалар уланып ва 3- бандда күрсатылған катталикларни 7-4- жадвалга ёзинг.

$$P = P' + P''$$

әкацилгига ишонч ҳосил қилинг ва құйындарларни аниқланып:

$$\cos \varphi = \frac{P}{\sqrt{3} IU};$$

$$\angle \varphi; P/P' \text{ ва } P/P''$$

6. Реактив нагрэзкани ўзгартыриб, 5- бандда күрсатылған ўлчаш ва ҳисобларни тақрорланып.

Туржы нагрэкалардаги P/P' нисбатларни бир-бирлари билан, шуннингдек, турли нагрэкалардаги P/P'' нисбатларни ҳам бир-бирлари билан солиштириб, бу нисбатлар доимий әмаслигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бу эса ваттметр

бүтта элементининг кўрсатишига қараб, уч фазали ток занжиридаги қувват ҳақида фикр юритиш мумкин эмас, деган хуносага олиб келади.

7. Қувватни уч фазали ток занжиридаги нагрузкалар бир хил бўлмаган ҳол учун икки марта ўлчанг. Ассобларнинг кўрсатишини 7-4- жадвалга ёзинг.

7-4- жадвал

Кузатишилар №	I_A	I_B	I_C	U_{AB}	U_{BC}	U_{CA}	P	P'	P''	$\frac{P'+P''}{P''}$	$\sqrt{3}IU$	P/P'	P/P''	$\cos \alpha$	Изоҳлар
	a	a	a	e	e	e	etm	etm	etm	etm	etm	$-$	$-$	$-$	

7-12. ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ. ТЕРМОЭЛЕКТР ПИРОМЕТРНИ ДАРАЖАЛАШ ВА УНДАН ТЕМПЕРАТУРАЛАРНИ ЎЛЧАШ УЧУН ФОЙДАЛАНИШ

Ишни бажаришдан аврал 7-8- § даги л ва 7-7- даги б пунктларининг мазмуни билан тәннишиб чиҳнинг.

Иш плани

1. Ассобларга допр асосий техник маълумотларни ёзиб олинг.

2. Термоэлектр пирометрия даражалаш учун схема (7-60- расм) йиғиб, уни раҳбарингизга кўрсатинг.

Йозоҳ. Пирометрни даражалаш учун этalon қилиб олинган термолара ва термометр ўзгарувчан ток занжирига уланадиган ғалтакнинг пўлат ўзагидаги ковакка (чуқурчага) жойлаштирилади. Ўзакда ҳосил бўладиган уюрма токлар ўзакни қиздиради.

3. Рубильникин улаб, температураларнинг турли қийматларида термометр ва пирометр ўлчаш ассобининг кўрсатишиларни 7-5- жадвалга ёзинг.

4. Олинган маълумотлардан фойдаланиб, даражалаш эгри чизиги $n = f(\theta)$ ни чизинг.


5. Ғалтакнинг температурасини ўлчаш учун схема (7-61- расм) йиғиб, уни раҳбарингизга кўрсатинг.

Йозоҳ. Термолара ғалтак ўрамлари орасидаги тирқишига жойлаштирилади.

6. Рубильникин улаб, 60 минут давомида ассобларнинг ҳар 5 минутда кўрсатган қийматларини 7-6- жадвалга ёзиб беринг.

Биринчи қийматни рубильник улангандан кейиндоқ ёзинг. Олинган маълумотлардан фойдаланиб қўйидагиларни аниқланг:

1) Термоэлектр пирометр кўрсатган қийматларга асосан, ғалтакнинг турли моментларидаги температураларни; 2) ғалтак қаршилигининг ўзаринишига қараб вақтнинг худди шу моментлари учун ғалтакнинг температурасини (1-21- формуладан фойдаланиб) аниқланг.



7-60- расм. Термоэлектрик пирометрни даражалаш учун занжирига улаш схемаси


Ө температурадаги r_1 қаршилик ва мос θ_n температурадаги r_n қаршилик амперметр билан вольтметрнинг кўрсатишларига асосан $r = U/I$ формуладан топилди.

7-5- жадвал

θ терм	°C								
n ўлч.мех.	даражалар								

7. Олинган маълумотлардан фойдаланиб, ғалтак температурасининг вақтга қараб ўзгариш эгри чизини чизинг:

$$\theta = f(t).$$



7-61- расм. Ғалтакнинг температурасини ўлчаш учун уни занжирга улаш схемаси.

8. Агар ғалтакнинг йўл қўйилган температураси 90°C бўлса, ғалтакдан ўтга ток учинг номинал токидан катта ёки кичиклигини аниқланг.

7-6- жадвал

Кузатишлар №	θ _{ғалтак}						Эслатма					
	U	I	$r = \frac{U}{I}$	t	Пирометр кўрсатишига биноан	Ғалтакнинг қаршилигига қараб ҳисобланган						
					в	а	ом	мин	-	°C	°C	

Саккизинчи боб ЎЗГАРМАС ТОК МАШИНАЛАРИ

8-1. ЎЗГАРМАС ТОК МАШИНАЛАРИНИНГ ВАЗИФАСИ


Механик энергияни электр энергиясига айлантириш ва, аксинча, электр энергияни механик энергияга айлантиришга мўлжалланган қурилмалар электр машиналари дейилади. Механик энергияни электр энергияга айлантирувчи машина генератор дейилади. Агар машина электр энергияни механик энергияга айлантиrsa, электр двигатели деб аталади.

Ўзгармас ток генераторлари электролиз қурилмаларида, ўзгармас ток двигателларида энергия беришда, аккумуляторларни зарядлашда ишлатилади; электр двигателлари эса катта айлантириш моменти ҳосил қилиш ва тезликни кенг чегараларда ростлаш керак бўлган жойларда — электр ёрдамида тортиш, шахта подъёмниклари ва прокат станларида ишлатилади. Улар автоматикада айланыш тезлигини ўлчаш берилган сигналларни ижро этиш ва сигналларни ўзгаришда ишлатилади.


8-2. ЎЗГАРМАС ТОК МАШИНАЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Ўзгармас ток машиналарининг ишлаши 3-9, 3-10- § ларда баён қилинган принципларга асосланган. 8-1- расмда икки қутбли ўзгармас ток машинасининг эскизи берилган. Машина икки асосий қисмдан: кўзғалмас станица 1 ва айланувчи якорь 2 дан иборат. Станицага қутб 3 лар маҳкамланган бўлиб, уларда уйғотиш чулғамлари 4 жойлашган. Уйғотиш чулғамининг магнитловчи кучи чулғамдан I_u уйғотиш токи ўтганида, 8-1-расмда кўрсатилганидек, қутблар, якорь станица орқали туташадиган Φ магнит оқимини ҳосил қиласди.

Машинанинг станицаси пўлатдан, қутблари пўлат варақлар (листлар) дан йигилади (8-2- расм). Қутблар қутб учлари деб атади.




8-1- расм. Икки қутбли ўзгармас ток машинаси.



8-2- расм. Машинанинг қутби.

лувчи 5 чиқиқлар билан тугалланади, қутб учлари уйғотиш чулғамини маҳкамлаш ва магнит индукцияси B ни қутблар ва якорь орасидаги ҳаво оралиғида кераклича тақсимлаш имконини беради.


Машинанинг якори 8-3- расмда күрсатилган. Якорь штампланган ва вал 2 га прессланган пўлат дисклардан йиғилган цилиндр 1 дан



8-3- расм. Машина якори.

а—чулғамсиз; б—чулғамли.

иборат бўлиб, унинг сиртида 3 ариқчалар бор. Ариқчаларга якорь чулғами 4 ни ҳосил қилувчи якорь симлари ётқизилади. Ариқчалардаги чулғам маҳсус поналар ва бандажлар 5 ёрдамида маҳкамланади ва валга маҳкамланган ҳамда ундан электрик изоляцияланган 6 коллектор билан электрик уланади. Коллектор якорнинг айланувчи чулғамини қўзғалмас чўтка 6 лар (8-1- расм) ёрдамида қўзғалмас ташқи тармоқ билан электрик улаш учун хизмат қиласди. Бундан ташқари, коллектор якорь чулғами симларида ўзгарувчан э. ю. к. ҳосил бўлишига қарамасдан (5-2- §), чўткаларда катталиги ва йўналиши доимий бўлган э. ю. к. (машинанинг E э. ю. к.) ҳосил бўлишини таъминлайди.




8-4- расм. Коллектор конструкцияси.


Цилиндрик коллектор (8-4- расм) маҳсус втулка 2 га йиғилган ва унга болтлар билан маҳкамланган понасимон мис пластинка 1 лардан иборат. Пластинкалар бир-биридан ва валдан миқанит

ёрдамида изоляцияланган. Кейинги вақтларда кичик машиналар учун коллектор пластинкалар миканит қистирмалар билан биргаликда пластмассага тегишли термик ишлов билан пресслаб қўйиладиган бўлди. Якорь чулғамининг алоҳида нуқталари коллектор пластинкаларининг «хўрозча» («петушок») деб аталган 3 чиқиқларига кавшарлаб қўйилади.

Машинанинг чўткалари (8-5- расм) кўмир ёки график призма 1 лар бўлиб, улар обойма 2 лар — чўтка тутқичларга кири-



8-5- расм. Чўтка ва чўтка тутқич.



8-6- расм. Кичик қувватли ўзгармас ток машинасининг ташқи кўрининиши.

тиб қўйилади. Чўткалар коллекторда пружина 3 билан сиқиб турдиди. Чўтка тутқичлар тешик 4 дан ўтувчи изоляцияланган болтларга ўрнатилган ва машинанинг корпусига маҳкамланади. Чўтка болтлари машина тутқичларига симлар ёрдамида уланади.

Тутқичлар қўйидагица белгиланади: $Я_1Я_2$ — якорь чулғами; $Ш_1Ш_2$ — параллел (шунтли) ўйғотиш чулғами; C_1C_2 — кетма-кет ўйғотиш (серийес) чулғами; D_1D_2 — қўшимча қутблар чулғами. 8-6-расмда ўзгармас ток машинасининг ташқи кўрининиши берилган.

8-3. ЎЗГАРМАС ТОК МАШИНАСИННИГ ИШ ПРИНЦИПИ

8-7- расмда ўзгармас ток машинасини улаш схемаси кўрсатилган. Айтайлик, мустақил энергия манбаи 1 дан ўйғотиш чулғамига бериладётган I_y ўйғотиш токи йўналиши 8-7- расмда кўрсатилгандек бўлсин, переключатель 2 эса пастки тутқичларга туташган. Агар машина якори бирламчи двигатель (ички ёнув двигатели ва ҳоказо) ёрдамида айлантирилса, якорь чулғамида E э. ю. к. пайдо бўлади, унинг таъсирида ташқи занжир r ва якорь чулғами r_a да йўналиши жиҳатидан э. ю. к. билан бир хил бўлган ўзгармас I ток оқади.

Ом формуласига кўра


$$I = I_a = \frac{E}{r + r_a} \quad (8-1)$$

ва бундан

$$E = Ir + Ir_a = U + Ir_a \quad (8-2)$$

экани, яъни машинанинг э. ю. к. унинг тутқичларидаги кучланиш ва якорь чулғамидаги кучланиш тушувининг йиғиндисига тенг экани келиб чиқади.

Магнит майдонидаги токли ўтказгичга йўналиши чап қўл қоидаси билан аниқланадиган F электромагнит кучлар таъсир қилади (8-7- расмдаги стрелкалар). Э. ю. к. ва I_a якорь токининг йўналиши ўнг қўл қоидаси билан аниқланган. F кучлар якорнинг айланишига акс таъсир кўрсатади, яъни машина валида M_t тормоз моменти ҳосил қилади. M_t тормозлаш моментини енгиш учун бирламчидвигагель унга қарама-қарши M_a айлантирувчи момент ҳосил қилиши керак. Бинобарин, 3-9- § да тушунтирилганидек, машина механик энергияни электр энергияга айлантиради ва генератор режимида ишлайди. Бу режимда E э. ю. к. U кучланишдан кучланишнинг якорь чулғамида тушувчи I_r миқдор қадар катта бўлади.



8-7- расм. Ўзгармас ток машинасининг ишлаш принципи.

Ланиш моменти ҳосил қилади. Якорь дастлабки йўналишда айланади. 3-10- § га мувофиқ электр энергиянинг механик энергияга айланши процесси рўй беради — машина электр двигатель бўлиб ишлайди.

Ўнг қўл қоидасидан фойдаланиб, якорь симларида ҳосил бўлган э. ю. к. нинг I_a токига қарама-қарши йўналганига ишонч ҳосил қилиш мумкин, маълумки, бу э. ю. к. тескари ёки қарама-қарши (у чарашма) э. ю. к. деб аталади. Бунда Кирхгофнинг иккинчи қоидасига кўра

$$U - E = I_a r_a \text{ ёки } E = U - I_a \cdot r_a \quad (8-3)$$

ток эса

$$I_a = \frac{U - E}{r_a}. \quad (8-4)$$

Машина электр двигатели бўлиб ишлаганида E э. ю. к. тутқицлардаги U' кучланишдан кучланишнинг якорь чулғамида тушиши I_r миқдорича кам бўлади.

Электр двигателнинг айланиш йўналишини ўзгартириш учун якорь чулғамида токнинг йўналишини ёки ўйғотиш чулғамида токнинг йўналишини ишониш мумкин. Иккала чулғамда ҳам токнинг йўналишини бир вақтда ўзгартирганда айланиш йўналиши ўзгармайди.


Шундай қилиб, айни бир машина ҳам генератор, ҳам электр двигатель бўлиб ишлаши мумкин. Бу қоидани биринчи бўлиб Э. Х. Ленц исбот қилган эди.

8-4. ЯКОРЬ ЧУЛҒАМИНИНГ ТУЗИЛИШИ


Ўзгармас ток машинасининг чулғами сектиялар деб аталувчи бир хил қисмлардан тузилган. 8-8- расмда бир ўрамдан иборат ($w = 1$) бир секция ва икки ўрамдан ($w = 2$) иборат иккинчи секция кўрсатилган. Секция ўрамларининг сони кўп бўлиши ҳам мумкин. Ҳар бир секциянинг боши ва охри иккита коллектор пластинкаларининг «хўрзча» ларига кавшарлаб қўйилади, улар ёнма-ён ёки бирор масофада жойлашган бўлиши мумкин. Ҳар бир секциянинг охри ва ундан кейин келадиган секциянинг боши битта коллектор пластинкасига кавшарланганидан берк чулғам ҳосил бўлади.

Секцияларнинг ён қисмлари (8-8-расм) ариқчаларда ётади. Айланганда уларда э. ю. к. ҳосил бўлади, шунинг учун ҳам улар секциянинг актив томонлари дейилади. Секцияларнинг қолган қисмлари ариқчалардан ташқарида якорнинг учда ётади. Улар секциянинг пешана қисмлари дейилади ва уларда э. ю. к. вужудга келмайди. Секциянинг актив томонлари икки қават бўлиб: тоқлари устида, жуфтлари эса остида — ариқчалар тубида ётади. 8-8-расмдаги рақамлар ариқчанинг номерини, ёнида турган ҳарфлар эса қатламини: (*ю*) юқори ва (*n*) пасткисини билдиради. Секциялардан тузилган якорь чулғами нинг соддалаштирилган схемаси 8-9- расмда берилган. Секциялардаги ўрамлар сони битта деб олинган.

Ўкувчидан расм текислиги ортига кетувчи ариқчаларда ётган актив томонлар доирачалар билан, пешана қисмлар — якорь учининг ўқувчи (бет) томонида жойлашганлари туташ чизиқлар билан, якорнинг расм текислигининг ортида жойлашган учидагилар пунктир чизиқлар билан кўрсатилган. Шундай қилиб, №1 коллектор пластинкадан сим 1 ариқчанинг юқори қатламига боради, сўнг кўринмайдиган учи орқали (пунктир) 4 ариқчанинг пастки қатламига, ундан эса №2 коллектор пластинкага боради. №2 коллектор пластинкадан сим 2 ариқчанинг юқори қатламига ва ҳ. к. кетади.



8-8-расм. Якорь чулғамини секцияси.



8-9-расм. Якорь чулғамининг схемаси.

Якорни тұла айланиб чиққандан кейин чулғам №1 коллектор пластинкага келиб туташади.

Агар якорь чулғами 8-9- расмда күрсатылған йұналиш бүйіча айланыса, унинг симларининг актив қисмларида йұналиши ўнг құл қоидаси билан аниқланған ә. ю. к. лар пайдо бўлади. Хар бир секцияда $e = E_m \sin \omega t$ ә. ю. к. ҳосил бўлади (3-8- § ва 5-2- расмга қараң), табиийки, ҳамма ә. ю. к. ларнинг ўзига туташган чулғам-

даги йиғиндиси нолга teng. Бироқ, чулғамнинг ҳаммасини айланиб чиққанда симларнинг бир қисміда ә. ю. к. лар бир томонга, иккінчи қисміда эса қарамақарши томонга йұналғанини сезиш мумкин. Бу чулғамнинг иккита параллел тармоғи бор эканини билдиради.

8-10- расмда 1 ва 4 коллектор пластинкалар орасида параллел тармоқларнинг қандай пайдо бўлиши күрсатылған. Аввалдагидек, расмдаги рақамлар ариқчанинг номерини, ёнидаги ҳарфлар эса (ю) юқори (n) пастки қатламни билдиради. 4 коллектор пластинка юқори, 1 коллектор пластинка қуйи потенциали нуқта бўлар экан. Худди ана шу ерларга чўткалар ўрнатилиди. 8-9- расмда чўткалар шартли равишида коллектор ичига

жойлаштирилгандек күрсатылған тасвири.

Жойлаштирилгандек күрсатылған ташқи сиртига жойлаштирилади.

Якорнинг 8-9- расмда күрсатылған вазиятига мос келадиган вақт моментида чўткалар орасида машинанинг кучланишига teng, яъни

$$U = e_1 + e_2 + e_3 = e_6 + e_5 + e_4$$


потенциаллар фарқи мавжуд бўллади.

Якорни 60° бурчакка бурганда U кучланиш катталиги ва чўткаларнинг қутби аввалгидек сақланади, чунки олтинчи ариқча биринчининг, биринчи иккинчининг ва ҳ. к. ўрнини эгаллайди. 8-10-расмдаги схемада ($3\text{ю}-6n$) секция юқори параллел тармоқдан пастки тармоққа, унга teng кучли бўлган ($3n-6\text{ю}$) секция пастки тармоқдан юқори тармоққа уланади. 60° га каррали бўлган ҳар қандай бурчакка бурилганда ҳам худди шундай аҳвол рўй беради.

Бироқ, якорь 60° дан кичик бурчакка бурилганда аҳвол бошқача бўллади.

8-11- расмда якорнинг 30° бурчакка бурилгандаги ҳолати күрсатылған. Пешана қисмлар соддароқ бўлсин учун фақат ($3\text{ю}-6n$) ва ($3n-6\text{ю}$) секциялар учун күрсатылған. Бу вазиятда күрсатылған секциялар чўткалар билан қисқа туташган, бинобарин, якорь чулғамнинг параллел тармоқларидан узиб қўйилған. Машинанинг кучланиши энди қуйидаги ә. ю. к. лар йиғиндисидан иборат бўллади:

$$U = e_1 + e_2 = e_4 + e_5.$$



e_1 ва e_2 ларнинг ўзи эса якорнинг биринчи вазиятидагидан бошқача оний қийматларга эга бўлади. Кучланиш эса якорнинг 8-10- расмда кўрсатилган вазиятидагидан кичик бўлиши равшан. Машина айланганида унинг кучланиши бирор чегараларда узлуксиз тебраниб туради, яъни

$$U_{\max} > U > U_{\min}.$$

Параллел тармоққа қанча кўп секциялар қўшилган бўлса, U кучланишнинг пульсланиш катталиги шунча кам бўлади. Ҳозирги замон машиналарида пульсланиш жуда ҳам кам бўлганидан, кучланиши доимий деб ҳисобланади.

Машина валининг ўқидан ўтиб, қутблар орасидаги масофани тенг иккига бўлувчи текислик машинанинг геометрик нейтрал орқали ўтган чулғам секциясида вужудга келган электр юритувчи куч нолга тенг ёки жуда кам бўлади. Вақтнинг худди шу пайтида секция чўтка билан қисқа туашади. Секциялар бир параллел тармоқдан иккинчисига уланганда содир бўладиган процесслар ҳақида 8-9- § га қаранг.

8-5. ЯКОРЬ ЧУЛҒАМИНИНГ ЭЛЕКТР ЮРИТУВЧИ КУЧИ

Генератор ёки двигателнинг якорини магнит майдонида айлантирилса, унинг чулғамида э. ю. к. вужудга келади.

Якорь айланасининг турли нуқталардаги магнит индукция қиймати турлича, бинобарин, якорь чулғамининг айрим симларида вужудга келадиган э. ю. к. ҳам турлича бўлади. Электр машина якорь чулғамининг ихтиёрий параллел тармоғи симларида вужудга келган э. ю. к. лар йифиндисига тенг бўлган электр юритувчи кучини аниқлаш учун сим э. ю. к. нинг ўртача қийматини шу тармоқ симлари сонига кўпайтириш керак.


Агар бир қутбнинг магнит оқими Φ бўлса, у ҳолда машина қутбларининг сони $2p$ ва якорь сирти S бўлганда, якорь сиртидаги магнит индукциясининг ўртача қиймати

$$B_{yp} = \frac{\Phi \cdot 2p}{S} = \frac{\Phi \cdot 2p}{\pi dl}, \quad (8-5)$$

бунда d — якорь диаметри, l — эса унинг узунлиги.

Якорнинг айланиси тезлиги n алл/мин бўлганда симларнинг ҳар биридаги э. ю. к. нинг ўртача қиймати

$$E_{yp} = B_{yp} \cdot l \cdot v \frac{\Phi \cdot 2p}{\pi dl} \cdot l \frac{\pi dn}{60} = \Phi 2p \frac{n}{60}.$$



8-11- расм. Якорь 30° га бурилганида чулғамнинг жойлаши (8-9- расм билан солишибтирилган).

Якорь чулғами симлари сонини N , унинг параллел тармоқлари сонини $2a$ билан бөлгилаймиз. У ҳолда якорь чулғамининг ҳар бир параллел тармоғида $\frac{N}{a}$ дона кетма-кет уланган симлар бўлади. Якорь чулғамининг ҳар бир параллел тармоғида вужудга келган э. ю. к., ва бинобарин, машинанинг электр юритувчи кучи

$$E = E_{\text{ш.}} = 2p \frac{n N}{60 2a} \Phi = \frac{P}{a} \frac{n}{60} N \Phi. \quad (8-6)$$

Мазкур машина учун доимий бўлган $N \frac{P}{a \cdot 60}$ катталикни C_E билан белгиласак қўйидагини ҳосил қиласиз:

$$E = C_E \cdot \Phi N. \quad (8-7)$$

Шундай қилиб, машинанинг электр юритувчи кучи магнит оқимида ва якорнинг айланиш тезлигига пропорционал бўлар экан.

8-6. МАШИНА ВАЛИДАГИ МОМЕНТ

Машина қандай режимда — генератор ёки электр двигатели режимида ишлашидан қатъи назар якорнинг ҳар бир симига қўйидагига тенг электрон магнит куч таъсир қиласи

$$F_{\text{сим.}} = B_{\text{ш.}} I I = \frac{\Phi \cdot 2P}{\pi d l} I I,$$

бу ерда $B_{\text{ш.}}$ — магнит индукциянинг ўртача қиймати;

d ва l — якорнинг диаметри ва узунлиги;

$\Phi 2p$ — кўп қутбли машинанинг тўла оқими;

$I = I_a / 2a$ — бир параллел тармоқнинг, яъни бир симнинг токи.

Якорнинг N та симига якорь айланасига уринма равишда таъсир қилаётган тўла куч

$$F = F_{\text{сим.}} \cdot N = \frac{\Phi \cdot 2P}{\pi d} \frac{I_a}{2a} N = \frac{P}{\pi da} \cdot N \Phi I_a.$$

Машинанинг моменти

$$M = F \frac{d}{2} = \frac{P}{2\pi a} N \cdot \Phi \cdot I_a = C_m \Phi I_a, \quad (8-8)$$

бу ерда $C_m = \frac{P}{2\pi a}$ — доимий катталик.

Агар машина генератор бўлиб ишласа, момент тормозлаш моменти бўлади (M_t); агар у электр двигатели бўлиб ишласа, момент айлантирувчи (M_a) бўлади. Момент якорь токи билан машина оқимининг кўпайтмасига тенг.

8-7. ЎЗГАРМАС ТОК МАШИНАСИННИГ МЕХАНИК ҚУВВАТИ

Электр машина механик энергияни электр энергиясига ёки электр энергияни механик энергияга айлантиради. Бунда механик қувват $P_m = Fv$.

$$F = \frac{2M}{d} \quad \text{ва} \quad v = \omega \frac{d}{2} \quad \text{бўлгани учун}$$

$$P_m = \frac{2M}{d} \omega \frac{d}{2} = M\omega. \quad (8-9)$$

Бу ерда момент ўрнига (8-8) ифодани қўйиб, қўйидагини ҳосил қиласиз:

$$P_m = \frac{P}{2\pi a} N \Phi I_a \frac{2\pi n}{60} = \Phi N \frac{P}{a} \frac{n}{60} \cdot I_a = EI_a. \quad (8-10)$$

Шундай қилиб, аввал кўрсатилганда (3-10- §), машина якори ҳосил қиласидан механик момент унинг электр қувватига, яъни электр юритувчи куч билан якорь токи кўпайтмасига тенг экан. Машина генератор бўлиб ишлаганида EI_a қувват истеъмолчига бериладётган UI_a қувватдан катта, чунки $E > U$. Машина электр двигатели бўлиб ишлаганида, $E < U$ бўлганидан, EI_a қувват тармоқдан бериладётган UI_a қувватдан кичик бўлади. Қувватлар орасидаги бу фарқ сон жиҳатидан якорь чулғамидаги иссиқлик истрофлари қувваси I^2r_a га тенг.

8-8. ЯКОРЬ РЕАКЦИЯСИ


Машина генератор бўлиб салт ишлайданда, яъни $I_a = 0$ бўлганда, $F_{y_{yf}}$, магнитловчи куч ҳосил қилган $\Phi_{y_{yf}}$ уйғотиш магнит оқимининг ўзигина мавжуд бўлади ва у якорь орқали шимолий қутбдан жанубий қутбга ўтади (8-12- расм). Бу ҳолда ҳаво оралиғидаги B_b индукция қутб учлари атрофида амалда ўзгармайди.

Агар генераторга нагрузка берилган, яъни якорь чулғамидан ток ўтаётган бўлса, якорнинг ўзи электромагнит бўлиб қолади ва унинг F_y магнитловчи кучи иккинчи — якорнинг кўндаланг Φ_a оқими и ҳосил қиласди. Бу оқим машинанинг ҳаво оралиғи орқали машина қутбларига кўндаланг туташади ва қутбнинг бир (шимолий қутбнинг чап чеккаси ва жанубий қутбнинг ўнг) чеккаси остида ҳаво оралиғида B_b индукцияни камайтиради, бошқа (шимолий қутбнинг ўнг ва жанубий қутбнинг чап) чеккаси остида B_b индукцияни ортиради (8-13- расм). Якорнинг айланиш йўналишига нисбатан қутбнинг яқинлашувчи чеккаси магнитизланади, узоқлашувчи чеккаси магнитланади дейиш мумкин.


Машинанинг Φ йиғинди оқими якорнинг айланиш йўналишида силжийди; худди шу йўналишда машинанинг нейтрални ҳам ейлжиди, машинанинг нейтрални бу ҳолда физик нейтрал дейилади (8-13- расм). Натижада Φ оқим нагрузка бўлганда бирмунча камаяди, чунки пўлатнинг тўйиниши туфайли қутбнинг яқинлашувчи чек-

касида магнитсизланиш узоқлашувчи чеккасидаги магнитланишга қараланда каттароқ бўлади. Нагрузка бўлган пайтда якорь магнитловчи кучининг машина магнит оқими катталигига таъсири якорь реакцияси дейилади.

Нормал ясалган ҳозирги замон ўзгармас ток машиналарида магнит оқимининг якорь реакцияси туфайли камайиши жуда кам бўлади.



8-12- расм. Якорнинг кўндаланг реакцияси.



8-13- расм. Магнит индуксиясининг якорь реакцияси таъсирида қайта тақсимлаши.

Бу ҳодисанинг асосий хавфи қутб чеккаси остидаги ҳаво оралғида магнит индукциясининг жуда ҳам ортиб кетиши мумкинлигидир. Бу ҳақда қўйида гапирамиз.

Агар машина электр двигатели бўлиб ишлатган бўлса, якорь токи 8-12-расмда кўрсатилган йўналишда бўлганда якорь тескарига айланади. Бинобарин, якорь реакцияси Φ оқим ва физик нейтрални якорнинг айланисига тескари томонга силжитади.


8-9. ТОК КОММУТАЦИЯСИ

Ўтган параграфларда (8-9 ва 8-10-расм) якорь айланганда чулғамнинг ҳар бир секциясини коллектор бир параллел тармоқдан иккинчиюнга қайта улаши ва бунда секциянинг бирмунча вақт қисқа туташувда бўлиши кўрсатилган эди. Секцияларнинг қайта улашиши ва бунда секцияда бўладиган барча ҳодисалар йиғиндинси коммутикация дейилади. Секция қисқа туташув ҳолида турадиган вақт (T) коммутикация даври дейилади.


Агар коммутация вақтида коллекторда учқун чиқса, чўткани яроқсиз ҳолга келтириши ва коллектор билан машинани ишдан чиқариши мумкин. Коммутациянинг ёмон бўлиш сабаблари ва уни яхшилаш усуслари билан қисқача танишайлик.

8-9 ва 8-10-расмлардаги ($3p = 6$) секцияни алоҳида 8-14-расмда кўз олдимизга келтирайлик ва секция жуда секин айланади ($T \approx \infty$) ва чўтканинг кенглиги коллектор пластинкасининг кенглигига тенг, чўтка билан коллектор орасидаги ўтиш қатлами


НИНГ қаршилигидан бошқа ҳамма қаршиликларни назарга олмаслик мумкин, деб фараз қиласайлик. I_a ток чүткадан ўтиш қатлами-нинг қаршилиги $r_y = R$ орқали 1 коллектор пластинкасига ўтади, сўнгра иккита тенг $I = 0,5 I_a$ токка бўлинади: бу токлардан бирни $3n - бю - 10$ ва ҳ. к. симли параллел тармоқдан ва иккинчиси $2n$ ва ҳ. к. симли параллел тармоқдан ўтади.



8-14- расм. Коммутациянинг бошланishi ($t=0$).



8-15- расм. Коммутация вақтининг ўртаси ($t = \frac{T}{2}$).




8-16- расм. Коммутациянинг охири ($t=T$).

Чўтка 6 коллектор пластинкасига тегиши биланоқ коммутация бошланади ва секцияда ток камая бошлайди. Ҳақиқатан ҳам, агар $t = \frac{T}{10}$ вақт давомида чўтка контакт сиртининг 0,9 қисми 1 коллектор пластинкасига, қолган 0,1 қисми эса 6 пластинкага тегиб турган бўлса, у ҳолда 1 коллектор пластинкасидан ўтаётган ток 0,9 I_a га, 6 пластинкадан ўтаётган ток эса 0,1 I_a га тенг. I_a ўзгармаганида параллел тармоқлардаги токлар аввалгисича 0,5 I_a га тенг бўлиши керак, бинобарин, қисқа туташган секциядаги i_c ток аввалги йўналишда бўлади ва унинг катталиги $0,9 I_a - 0,5 I_a = 0,4 I_a$ га тенг бўлади. Иккинчи параллел тармоқдаги ток қисқа туташтирилган секциядаги $0,4 I_a$ ток билан чўткадан 6 коллектор пластинкасига келаётган $0,1 I_a$ токнинг йигиндисига, яъни $0,4 I_a + 0,1 I_a = 0,5 I_a$ га тенг. Шундай қилиб, қисқа туташтирилган секциядаги ток t вақтга пропорционал камаяр экан ва 8-15-расмда кўрсатилган вазиятда, яъни $t = T/2$ да нолга тенг бўлар экан. Сўнгра секциядаги ток орта бошлайди, аммо тескари томонга йўналган бўлади ва 8-16-расмда келтирилган $t = T$ пайтда яна $0,5 I_a$ га тенг бўлади, чунки энди секция ажралди ва бошқа ўнг параллел тармоқка уланди. $i_c = f(t)$ боғланиш 8-17-а расмда кўрсатилган ва


түғри чизикдан иборат. Ҳар бир яхши ясалган машинада коммутация ана шундай бўлиши керак.

$T \approx \infty$ бўлганда, яъни айланиш тезлиги жуда кичик ва қисқа туташтирилган секцияда э. ю. к. ҳосил бўлмаганида коммутация юқоридагидек содир бўлади. Аслида эса коммутация вақти секунднинг мингдан бир улушларича давом этади, демак, секциядаги i_c ток жуда тез ўзгаради. Майдумки, бунда секцияда ўзиндукация э. ю. к. e_s вужудга келади $i_c = f(t)$

боғланиш түғри чизик, яъни $di_c/dt = \tan \alpha =$
 $= \text{const}$ бўлганидан $e_s = -L_c \frac{di_c}{dt}$ катталик доимийдир. e_s , катталиктин қисқа



8-17-расм. Табиий шаронтлардаги коммутация.



8-18-расм. Секинлашган коммутациядаги токларнинг тақсимланиши.

туташтирилган секциянинг қаршилигига бўлиб, e_s ўзиндукация э. ю. к. юзага келтирилган қўшимча i_s ток қийматини келтириб чиқариш мумкин:

$$i_s = \frac{e_s}{r_6 + r_1},$$

бу ерда r_6 ва r_1 — чўтканинг олтинчи коллектор пластинкасига яқинлашувчи ўтиш қатлами қисми қаршилиги ва чўтканинг 1 пластиникадан узоқлашувчи қолган қисмининг қаршилиги. Секциянинг ўзи қаршилиги r_6 ва r_1 қаршиликларга қараганда жуда кам.

$t = T/2$ пайт учун (8-15-расм) $r_6 + r_1 = 2R + 2R = 4R$, $t = T$ ва $t = 0$ пайт учун $r_6 + r_1 = \infty$. Бу мулоҳазалар асосида ҳисобланган токнинг $i_s = f(t)$ қийматлари 8-17-б расмда келтирилган. Ўзиндукация э. ю. к. и бўлганда, яъни реал шароитларда секция токларининг йифиндиси ($i_c + i_s$) 8-17-а расмда пункттир билан кўрсатилган.

Бу ҳолда коммутация секинлашган дейилади, чунки e_s э. ю. к. ток камаяётганда уни кўпайтириб (тутиб туриб), коммутация

даврининг охирида токнинг ортишига тўсқинлик қилиб, токнинг ўзгариш процессини секинлаштиради. 8-18-расмда e_s э. ю. к. бўлганда $t = T/2$ пайтда токларнинг тақсимланиши кўрсатилган. Бунда чўтканинг яқинлашувчи чеккасида ток зичлиги камаяр, узоқлашувчи чеккасида эса ортар экан ва бу чўтканинг мўлжалланганидан кўра ортиқроқ қизишига ва емирилишига сабаб бўлар экан.

Бироқ, секинлашган коммутациянинг асосий хавфи чўтканинг узоқлашувчи чеккасида чўтка билан коллектор орасида учқун ҳосил бўлишидир. Бу учқунланиш коммутация охирида қисқа туташтирилган секциянинг ажralиш эфектидан ҳосил бўлади. Бу вақтда секцияда йигилган электромагнит энергия $\frac{1}{2} L_c i_s^2$ чўтканинг узоқлашувчи чеккасидаги электр ёйда ажralади. Номинал иш режимида учқунланиш кўз билан баҳолангандан қўйидаги даражалардан ортмаса машинани ишлатиш мумкин:

1 даража — учқунлар бўлмайди (қоронғи коммутация).


1 1/4 даража — чўтканинг унча катта бўлмаган қисми остида заиф нуқтавий учқунланиш. Бу ҳолларда коллектор қораймайди ва чўткаларда куюнди ҳосил бўлмайди.

1 1/2 даража — чўтканинг катта қисми остида заиф учқунланиш. Бунда коллекторда қорайиш излари пайдо бўлади, бу изларни коллектор сиртини бензинда ҳўлланган латта билан артиб осон кеткашиб мумкин. Бу даражада чўткаларда ҳам куюнди излари ҳосил бўлади.

Коммутацияни яхшилаш учун қатор тадбирлар кўрилади. i_s токни қамайтириш учун нормал хилдаги машиналарда графит чўткалар, тортиш кран машиналари ва прокат станлари двигателларида кўмир-графит ёки электр-графитланган чўткалар ишлатиш йўли билан ўтиш қаршилиги катталаштирилади. Кичик вольтли машиналарда (автотрактор, электролиз машиналари ва ҳоказоларда) мисграфит чўткалар ишлатилади. Чўткалар заводнинг стендларида тажриба йули билан танланади, шунинг учун ишдан чиқсан чўткани фақат ўша типдаги чўтка билангина алмаштириш мумкин.

Коммутацияни яхшилашнинг радикал тадбирларидан бири қўшимча қутблар ишлатишdir (8-19-расм). Бунда ўзиндукуция э. ю. к. йўқ қилинади, бинобарин, қўшимча i_s ток ҳам йўқ бўлади, қўшимча қутблар машинанинг геометрик нейтралида жойлашади ва машина генератор бўлиб ишланганида, якорнинг айланиш йўналишида асосий қутблар билан навбатлашади, бу 8-19 а расмда кўрсатилган. Улар қўйидагича ишлайди. Секция машинанинг геометрик нейтралига тушиб чўтка билан қисқа туташганда, машинанинг E э. ю. к. и ва секциянинг камаювчи токи i_c бир хил йўналишда бўлади (8-17- б расм). e_s ўзиндукуция электр юритувчи кучи камаювчи токни тутиб туради, демак, у ҳам E э. ю. к. сингари йўналган. Шунинг учун e_s ни компенсация қилиш учун секцияда ўзиндукуция э. ю. к. га қарама-қарши йўналган қўшимча коммутация э. ю. к. e_k ҳосил бўлиши

Керак. Бу шартли равишда 8-19-б расмда күрсатилган. Агар асосий қутбдан кейин айланиш йўналишида кўшумча s қутб ўрнатилса, генераторда ҳам юқоридагидек бўлади (8-19-а расм). Агар $e_k = e_s$ бўлишига эришилса, секциянинг қўшумча токи нолга тенг ва коммутация тўғри чизиқли бўлади.



8-19-расм. Қўшумча қутблар.

Машина двигатель бўлиб ишлаганида ва якорь токи ўша йўналишда бўлганида ҳамда асосий қутбларнинг қутблиги аввалгича бўлганида якорнинг айланиш йўналиши тескари бўлади ва E э. ю. к. ҳам ток билан учрашадиган бўлиб йўналади. Демак e_k э. ю. к. E электр юритувчи куч билан мос тушиши керак (8-19-б расм) ва бу ҳол учун қутблар $NnSs$ тарзида навбатлашади.

Ўзиндукция э. ю. к. ҳамма нагрузкаларда автоматик компенсацияланиси учун қўшумча қутблар чулғами якорь чулғами билан кетма-кет уланади (8-19-а расм) ва қутблар тўйинмайдиган қилиб ясалади. Бу ҳолда $e_k \equiv \Phi \equiv I_a$. $e_s \equiv I_a$ бўлганидан у e_k э. ю. к. билан ихтиёрий нагруззкада компенсацияланади. Аслида коммутация процесси биз баён қилганимиздан мураккаброқ.

Ўзгармас ток машиналарини ишлатишда «коллектор бўйлаб олов» ҳосил бўлиши билан ҳисоблашишга тўғри келади, бу ҳодиса машинани оғир аварияга олиб келади. Бу ҳодисанинг моҳияти қуидагича.

Агар ҳаво оралиғидаги B_b магнит индукция доимий бўлса, машина кучланишини турли ишорали икки чўтка орасида ётган коллектор пластинкалари сонига бўлиб, иккита ёнма-ён ётган коллектор пластинкалари орасидаги ўртacha кучланишни (U_{yp}), ёки худди шунинг ўзи, битта секция ҳосил қилаётган кучланишни топиш мумкин (8-9-расм). Бу кучланиш бирор сабаб билан пластинкалар орасида электр ёйи ҳосил бўлганда, ўша ёйни тутиб турувчи кучланишдан кичик бўлиши керак.

Амалда бәзі пластинкалар орасидаги күчланиш U_{sp} дан катта бўлади, бунга айниқса қутб чеккалари остида якорнинг индукцияни 30 — 50 % га кўпайтирувчи кўндаланг реакцияси (8-8-§) сабаб бўлади. Бунда секцияда, демак у кавшарланган коллектор пластинкалар орасида, юксалган күчланиш ҳосил бўлади. Бу айниқса, катта туртки нагрузка билан ишлаётган қудратли машиналарда кузатилади.

Нагрузка ортиб кетганда чўтканинг узоқлашувчи чеккаси остида коллектор атрофидаги ҳавони ионлаштирувчи кучли учқунланиш ҳосил бўлади. Агар иккита коллектор пластинка орасидаги күчланиш электр ёйини сақлаб туришга қодир бўлса, ёй ҳосил бўлади, у коллектор пластинкалар бўйлаб ёйилади, турли ишорали чўткаларни қоплаб, машина корпусига кўтарилиши мумкин. Ўзгармас ток машиналарида бу ҳодисага қарши маҳсус канструктив тадбирлар кўрилади.


8-10. ЎЗГАРМАС ТОК ГЕНЕРАТОРИНИНГ ТУРЛАРИ

Генераторлар ўзларининг ишлатилиш хусусиятларига кўра бир-бирларидан фарқ қилувчи бир неча турларга бўлинади, ишлатилиш хусусиятлари асосан уларнинг уйғотиш чулғамлари қандай манбалардан таъминланаётганига боғлиқ бўлади.

Уйғотиш чулғамига I_y ток ташқи мустақил энергия манбаидан келадиган генератор мустақил уйғотиши генератор дейилади (8-20-а расм). Бу генераторлар автоматик қурилмаларда ва якорь тутқичларida кучланиш кам (6-8 в) ёки катта (500 в дан юқори) бўлган жойларда ишлатилиди. 8-20-расмда кўрсатилган қолган ҳамма машиналар ўз-ўзидан уйғотиши генераторлар дейилади. Уларнинг уйғотиш чулғамлари ўз якорларидан ток олади.

Уйғотиш чулғами R якорь тутқичларига ташқи занжир r билан параллел уланадиган генератор параллел уйғотиши ёки шунт генератор дейилади (8-20-б расм). Бу генераторнинг қулиялиги унинг уйғотиш чулғамини таъминлаш учун қўшимча энергия манбан ке рак бўлмаслигидадир. Шу сабабли у жуда кенг тарқалган.

Уйғотиш чулғами ташқи занжир билан кетма-кет уланган генератор кетма-кет уйғотиши ёки сериес генератор дейилади (8-20-в расм). Бундай генератор фақат маҳсус мақсадли машиналар сифатида ишлатилади.



8-20-расм. Уйғотиш чулғамларининг якорга уланиш схемалари.
а—мустақил; б—параллел; в—кетма-кет.
з—аралаш.

Аралаш уйғотишли генераторнинг (8-20-г расм) иккита уйғотиши чулғами кетма-кет (серис С) ва параллел (шунтли Ш) уланган чулғами бўлади. Унинг хоссалари параллел уйғотишли генераторнинг хоссаларидан яхшироқ, аммо ундан қиммат туради.

Электр машиналарининг ишлатилиш хоссалари ҳарактеристикалар деб аталувчи эгри чизиқлар (графиклар) билан ҳарактерланади. Бу эгри чизиқлар қолган ҳамма катталикларнинг қийматлари доимий сақланган ҳолда икки катталик орасидаги боғланиши билдиради. Масалан, генераторнинг айланиш тезлиги n ва I_y уйғотиши токи доимий бўлганда, унинг U кучланиши ва I нагрузка токи орасидаги боғланиш, $n = \text{const}$ ва $I_y = \text{const}$ бўлганда қўйидагича бўлади:

$$U = f(I)$$

Абсцисса ва ордината ўқлари бўйлаб катталикларнинг абсолют қийматлари ёки уларнинг нисбий қийматлари (улушларда ёки процентларда ифодаланган номинал қийматлари) қўйилади.

Машинанинг шчитида ёки унинг паспортида белгиланган қийматлари номинал қийматлари дейилади, бу қийматларда мавзум муҳит шароитларида машина нормал ишлаши таъминланади. Бу катталиклар «н» индекси билан белгиланади, масалан, қувват P_n кучланиш U_n , ток I_n айланиш тезлиги n_n ва ҳоказо.

8-11. МУСТАҚИЛ УЙҒОТИШЛИ ГЕНЕРАТОР

Генераторнинг схемаси 8-21-расмда берилган. Унинг уйғотиши чулғамига уйғотиши токи I_y мустақил энергия манбаидан берилади. Бу ток қўшимча контактли r_{sh} реостат ёрдамида ростланади. Реостат сургичини бу контакктга ўрнатилаётганда уйғотиши чулғами қисқа туташади. Бу контакт бўлмаганда магнит майдонида йигилган энергия уйғотиши занжирини ажратишда шу контакт ва реостат сургичи орасида электр ёйи ҳосил қиласи. Натижада контактлар эрийди. Бундан ташқари, уйғотиши чулғамининг индуктивлиги катта бўлганда унинг ажралишида шунчалик катта ўзиндукция э. ю. к. ҳосил бўладики, чулғамнинг ўрамлараро изоляциясини тешиши ва ишлатётган кишилар учун хавф туғдириши мумкин.

Якорь тутқичларига z нагрузка орқали ўтувчи U кучланиш ва $I = I_y$ токни ўлчайдиган вольтметр ва амперметр уланади. Генератор 8-21- расмда кўрсатилмаган бирламчи двигателдан айлантирилади деб фара兹 қилинади.

Айланиш тезлиги ўзгармас ва нагрузка токи $I = 0$ бўлгандағи салт юриш э. ю. к. $E_0 = U_0$ нинг уйғотиши токи I_y га, яъни $n = \text{const}$ ва $I = 0$ бўлгандағи

$$E_0 = f(I_y)$$

боғланиш салт ишлаш ҳарактеристикаси дейилади.

$E_0 = \Phi$ бўлгани учун бу характеристика бошқа масштабда машинанинг магнит характеристикаси бўлади. У машинанинг магнит занжирини назарий ҳисоблашларини текшириш учун олинади (3-12-ঃга қаранг)

Бу характеристикани олиш үчүн якорь тутқицлари ажратылган ҳолда генератор якори $n = n_n$ доимий тезлик билан айлантирилади. Үйғотиш занжирининг рубильнигини құшиб, I_y үйғотиш токини генераторнинг U_0 кучланиши ($1,1 - 1,2$) U_n катталика эришгүнча бир текис орттириб борилади I_y ва U_0 нинг қийматларини ёзиб олиб, үйғотиш токи тобора камайтирилади ва ўллашни давом этирилган ҳолда I_y ва U_0 нинг катталиклари ёзиб борилади. Олинган маълумотлардан 8-22-расмда күрсатылган график чизилади. Үйғотиш занжир ажратылган бўлса, $I_y = 0$ бўлганда кучланиш $U_0 = (2; 2,5) \% U_n$ бўлиши кўриниб турибди. Бу кучланиш қолдиқ э. ю. к. $E_{\text{в}}$ дейилади. Номинал кучланиш U_n га мос бўлган нуқта одатда эгри чизиқнинг эгилиш жойида — салт ишлашдаги үйғотиш токи деб аталувчи $I_{c.y}$ ва номинал кучланишда бўлади.

Генераторнинг ташқи характеристикаси — генератор кучланиши катталигини нагрузка-нинг ўзгаришига боғлиқлиги, яъни айланниш тезлиги ва үйғотиш токи ўзгармас бўлганда кучланишнинг ташқи занжирдаги токка боғлиқлиги ($I_y = \text{const}$ ва $n = \text{const}$ бўлганда):

$$U = f(I).$$

Бу характеристика 8-23-расмда күрсатылган.


Генератор якори $n = n_n$ тезлик билан айлантирилади ва $U \approx (1,1 - 1,2) U_n$ кучланиш ҳосил қилинади. Шундан кейин ташқи занжирнинг рубильниги туташтирилади ва үйғотиш токини $I = I_n$ да номинал U_n кучланиш қарор топгунча ростлаб r нагрузка қаршилиги ўзгартырилади. Бу характеристиканинг биринчи нуқтаси бўлади. Сўнгра, ўзгармас үйғотиш токи ва айланниш тезлигига r қаршиликни орттириб, генераторни салт юришгача нагрузкаси олинади. U ва I нинг қийматларини ёзиб, характеристика ясалади.

Нагрузка олинганда якорь реакциясининг магнитсизловчи таъсирини камайиши ва якорь чулғамида кучланиш тушиши $I_{r.y}$ камайиши туфайли генераторнинг э. ю. к. ва кучланиши ортади, чунки $U = E - I_{r.y}$. 8-23-расмдаги характеристика процентларда ясалган, бунда 100% учун U_n ва I_n нинг номинал қийматлари олинган.


Хар бир тур генератор

$$\Delta U \% = \frac{U_0 - U_n}{U_n} 100\% \quad (8-11)$$


катталик билан характерланади, бу катталик кучланишнинг процентли ўзгариши дейилади. Мустақил үйғотишли генераторлар учун $\Delta U \% = 5 - 10\%$. Кўп истеъмолчилар учун нагрузка



8-21-расм. Мустақил үйғотишли генераторнинг узаниш схемаси.




8-22- расм. Генераторнинг салт юриш характеристикаси.



8-23- расм. Мустақил уйғотиши генераторнинг ташқи характеристикаси.

Үзгартганида кучланишнинг бундай үзгариши маъқул эмас ва уни үзгартмасдан сақлаш зарурати туғилади.

Ростлаш характеристикаси I ток үзгартганида U кучланиш үзгартмасдан қолиши учун I_y уйғотиш токини қандай ростлаш кераклигини, яъни $U = \text{const}$ ва $n = \text{const}$ бўлганида



8-24- расм. Мустақил уйғотиши генераторнинг ростлаш характеристикаси.

боғланиш кўрсатилади.

$U = U_n$ ни ўрнатиб, $I = I_n$ бўлганда генераторнинг нагрузкаси салт ишлашгача олинади, бунда I_y уйғотиш токи кучланиш үзгармай қоладиган қилиб үзгаририб борилади. I ва I_y токларни ёзib олиб, ростлаш характеристикаси ясалади (8-24- расм).

8-12. ПАРАЛЛЕЛ УЙҒОТИШЛИ ГЕНЕРАТОР

Параллел уйғотиши генератор схемаси 8-25- расмда берилган. Уйғотиш чулғами якорь тутқичларига уланади ва номинал кучланишда ундаги уйғотиш токи якорь номинал токининг 2 — 3 % ини ташкил қиласди.


Бу генератор уйғотиш токи ҳосил қилган магнит оқими йўналиши бўйича қолдиқ индукция оқими билан мос тушгандагина уйғонади. Бу ҳолда уйғотиш чулғамида $E_{\text{код}}$ қолдиқ э. ю. к. тифайли ҳосил бўлган ток машинани магнитлайди, генераторнинг магнит оқими кўпаяди ва э. ю. к. ортади. Бунинг натижасида уйғотиш токи ортади ва магнит оқимининг янгидан кўлайшига са-

баб бўлади. Бундай ўз-ўзидан уйғотиш процесси э. ю. к. уйғотиш чулғамида кучланиш тушишига тенглашгунча, яъни $E = I_y r_y$ бўлгунча давом этади.


Бу генераторнинг салт ишлаш характеристикаси худди мустақил уйғотишли генераторнинг характеристикаси кўринишида бўлади ва юқорида баён қилинган усулда ҳосил қилинади.

Параллел уйғотишли генераторнинг ташки характеристикаси, яъни $n = \text{const}$ ва $r_y = \text{const}$ бўлгандағи

$$U = f(I)$$



8-25- расм. Параллел уйғотишли генераторнинг уланиш схемаси.



8-26- расм. Параллел уйғотишли генераторнинг ташки характеристикаси.

Боғланиш (8-26-расмдаги 1 эгри чизик) ҳам мустақил уйғотишли генераторнинг ташки характеристикаси (2 эгри чизик) сингари олиниади, фақат ундан тикроқ бўлади. Гап шундаки, параллел чулғамдаги ток генератор нагрузкасини олишда ўзгаришсиз қолмайди, балки кучланишнинг ортиши билан ортиб боради, чунки r_y қаршилик ўзгармасдир. Натижада магнит оқими ва генераторнинг э. ю. к. ортади, кучланишнинг процент ўзгариши $\Delta U \%$ эса 30% га етади.

Юқорида баён қилинган икки генераторни ростлаш характеристикаси бир хил усулда олиниади, кўриниши ҳам бир хил.

8-13. КЕТМА-КЕТ УЙҒОТИШЛИ ГЕНЕРАТОР

Кетма-кет уйғотишли генераторнинг уланиш схемаси 8-20-в расмда кўрсатилган эди. Уйғотиш чулғами орқали якорь токининг ҳаммаси ўтганидан унинг қаршилиги якорь қаршилигига тенг қилинади. Бу генератор тутқичларидағи кучланиш э. ю. к. дан чулғам-


ларда кучланиш тушишлари йиғиндисининг айрмаси сингари аниқланади:

$$U = E - I(r_a + r_y). \quad (8-12)$$

Генераторнинг ташқи характеристикаси 8-27-расмда берилган ва айланиш тезлиги ўзгармас, ҳамда уйғотиш токи якорь токига тенг бўлганида генератор кучланишининг нагрузка токига боғланишини, яъни $n = \text{const}$ ва $I_y = I$ бўлгандаги ушбу боғланишини ифодалайди:

$$U = f(I).$$

Ток ортиши билан унинг кичик қийматларида магнит оқими токка пропорционал ортади. Шунингдек, генераторнинг магнит оқимига пропорционал бўлган э.ю.к.дан кам фарқ қилиувчи U кучланиши ҳам ортади. Номинал қийматга яқин нагрузкаларда машинанинг пўлати тўйинади, бу нарса якорь реакцияси таъсири ортиши билан биргаликда магнит оқимнинг ортишини, ва демак, э.ю.к.нинг ортишини секинлаштиради. Якорь чулғамида ва уйғотиш чулғамида кучланиш тушиши кескин ортади ва кучланиш (8-12) ифодага мувоғиқ камая бошлади. Шундай қилиб, нагрузка ўзгарганида генераторнинг кучланиши кескин ўзгаради, бу эса уни одатдаги шароитларда ишлатилишини чеклайди.



8-27- расм. Кетма-кет уйғотишли генераторнинг ташқи характеристикаси.


8-14. АРАЛАШ УЙҒОТИШЛИ ГЕНЕРАТОР

Генераторнинг икки уйғотиш чулғами—параллел (шунт) ва кетма-кет (сервис) чулғамлари айни бир қутб ўзакларида бўлади (8-28-расм). Шундай қилиб, генераторда параллел ва кетма-кет уйғотишли машиналарнинг хоссалари мужассамлашган бўлади. Одатда иккала чулғам якорь билан уларнинг магнитловчи кучлари қўшиладиган қилиб уланади. Бундай улаш мос улаш деб аталади.


Бу генераторнинг ташқи характеристикаси, яъни $n = \text{const}$ ва $r_y = \text{const}$ бўлгандаги

$$U = f(I)$$

боғланиш 8-29-расмда кўрсатилган. Нагрузка нолдан номинал қийматигача ўзгарганида генератор кучланишининг амалда ўзгармаслиги кўринади. Бунинг сабаби нагрузка ортиши билан кетма-кет чулғам генераторни магнитлаб, унинг э.ю.к.ни сақлаб туришидир. Генераторнинг кучланишини автомтик равишда деярли ўзгаришсиз сақлаб туриш қобилияти кучли ва тез-тез ўзгариб турувчи нагрузкали тармоқлар учун катта аҳамиятга эга.



8-28-расм. Арадаш уйғотишили генераторнинг уланиш схемаси.



8-29-расм. Арадаш уйғотишили генераторнинг ташқы характеристикаси.

8-15. ГЕНЕРАТОРЛАРНИНГ ПАРАЛЛЕЛ ИШЛАШИ

Генераторларнинг параллел ишлишди учун иккита зарурат бор. Биринчиси генераторларнинг фойдали иш коэффициентини ошириш. Ҳақиқатан ҳам, истеъмолчи учун битта генераторни тўла қувватига кўйиш ёки иккита генераторнинг ҳар бирини ярим қувватига кўйиш мумкин. Агар сутка давомида нагруззанинг катталиги ўзгарса, биринчи ҳолда қудратли генератор кўп соат давомида тўла нагруззакда ишламайди, яъни фойдали иш коэффициенти паст бўлади. Иккинчи ҳолда эса истеъмол қуввати тўла бўлганда иккала генератор параллел ишлиши, нагрузка камайганда эса битта генераторга тўла нагрузка бериб, иккинчисини узиб кўйиш мумкин. Бунда генератор тежамли ишлайди.

Иккинчи сабаб — камроқ авария резервига эга бўлишидир. Биринчи ҳолда истеъмолчининг 100% қувватига мос резерв генератор бўлиши керак, иккинчи ҳолда эса фақат 50% қувватига мос резерв генератор бўлиши етарли.

Генераторларнинг бир ишорали тутгичлари билан умумий шиналарга уланиб ишлатилиши уларнинг параллел ишилди дейилади. Кўйида фақат параллел уйғотишили генераторларнинг параллел ишишини кўриб чиқамиз.

8-30-расмда параллел ишилди керак бўлган икки генератор кўрнатилган. Бунинг учун дастлаб уларни қўшиш керак. Агар № 1 генератор шиналарга қўшилган ва ишлётган бўлса, № 2 генераторнинг якорини номинал тезлик билан айлантириб, унинг I_{y_2} уйғотиши тоқини то U_2 кучланиш $U_1 = U_2$ кучланишга тенглашгунча

кўпайтирилади. №2 генератор рубильнигининг чап пичоғини туташтириб, унинг ўнг, ажратилган тутқичлари орасидаги потенциаллар фарқи текширилади. $U_1 = U_2$ бўлганда вольтметринг кўрсатиши нолга тенг бўлиши керак. Бунда рубильникнинг ўнг пичоғини туташтириш мумкин ва шу билан қўшиш тамом бўлади. Агар бу вольтметр $U_0 = U_1 + U_2$ ни кўрсатса, №2 генераторни қўшиб бўлмайди ва унинг шиналарга келувчи симлари ўринин алмаштириш керак.

Улангандан сўнг иккинчи генераторнинг токи I_2 нолга тенг, чунки унинг $E_2 = U_2$ э. ю. к. $U_{\text{ш}}$ га тенг. Уланган генераторга нагрузка берилиши керак. Нагрузка бериши ҳолда: ёки шиналарда нагрузка ортганида, ёки нагрузка ўзгармагани ҳолда №1 генераторни нагрузкадан озод қилиш керак бўлганда лозим бўлади. Бироқ, генераторлар нагрузкаси ўзгаришига тегишли барча операциялар энергия истеъмолчисининг ишига халақит бераслиги керак, бу эса шиналардаги кучланиш доимий туриши лозим дегани. №1 генератордан нагрузкани №2 генераторга ўтказиши оддий мисолда кўриб чиқайлик.


8-30- расм. Параллел генераторларни параллел ишлаш учун қўшиш схемаси.

№1 ва №2 генераторлар якорларининг қаршиликлари бир хил бўлсин ($r_{y1} = r_{y2} = 0,02 \text{ ом}$). Генератор №1 $U_1 = U_{\text{ш}} = 115 \text{ в}$ ва $I_1 = I_{\text{ш}} = 200 \text{ а}$ да ишлаётган бўлсин. Бу ҳолда унинг э. ю. к. $E_1 = U_{\text{ш}} + I_1 r_{y1} = 115 + 200 \cdot 0,02 = 119 \text{ в}$. №2 генератор улангандан кейин унинг $U_2 = U_{\text{ш}} = E_2 = 115 \text{ в}$ ва $I_2 = 0$. Агар №2 генераторнинг I_{y2} ўйғотиш токини унинг E_2 э. ю. к., масалан, 116 в га тенг бўладиган қилиб ўзгаририлса, у ҳолда бир вақтнинг ўзида №1 генераторнинг I_{y1} ўйғотиш токини шиналардаги кучланиш ўзгаришиз қоладиган қилиб камайтириш лозим. Шунда иккинчи генератордан қуйидаги миқдорда ток ўтади:

$$I_2 = \frac{E_2 - U_{\text{ш}}}{r_{y2}} = \frac{116 - 115}{0,02} = 50 \text{ а.}$$

$U_{\text{ш}}$ кучланиш const бўлгани учун $I_{\text{ш}} = 200 \text{ а} = \text{const}$, бинабарин, биринчи параллел тармоқдаги ток (№1 генератордаги) $I_1 = I_{\text{ш}} = I_2 = 200 - 50 = 150 \text{ а}$ гача камаяди. Бунга сабаб I_{y1} ток камайганида E_1 э. ю. к. нинг $E_1 = U_{\text{ш}} + I_1 r_{y1} = 115 + 150 \cdot 0,02 = 118 \text{ в}$ қийматгача камайишидир.

Шундай қилиб, нагрузкани ўтказишида нагрузка бериладиган генераторнинг ўйғотиш токи кўпайтирилади, нагрузкаси олинадиган



Генераторники эса шиналардаги кучланиш ўзгаришсиз қоладиган қилиб камайтирилади.

Табиийки, нагрузка бериладиган генераторда тормозлаш моменти ортади, нагрузка олинадиган генераторда эса камаяди. Биринчи ҳолда бирламчи двигателларнинг автоматик ростлагичлари энергия беришни күпайтиради, иккинчи ҳолда эса камайтиради.

Агар генераторларнинг ўйғотиши токлари ўзгаришсиз қолдирилса, умумий нагрузка генераторлар орасыда тахминан уларнинг якорлары қаршилигига тескари пропорционал ҳолда тақсимланади. Одатда, генераторлар якорларининг чулғам қаршиликлари катталиклари генераторларнинг номинал қувватларига тескари пропорционал бўлади, бинобарин,

$$\frac{r_{я2}}{r_{я1}} : \frac{I_1}{I_2} : \frac{P_{1н}}{P_{2н}},$$

яъни генераторлар номинал қувватларининг тартиби бир хил бўласа, нагрузка уларнинг бу қувватларига тескари пропорционал равишда тақсимланади.

8-16. ЎЗГАРМАС ТОК ЭЛЕКТР ДВИГАТЕЛЛАРИ

Электр двигателни 1834 йилда Б. С. Якоби ихтиро қилди.

Юқорида айтганимиздек, айни бир машинанинг ўзи ҳам генератор, ҳам электр двигатели бўлиб ишлаши мумкин. Генератор бўлиб ишлаётган машина якорь чулғамида кучланишнинг тушиши I_n номинал токда U_n номинал кучланишнинг 4 — 10 % ига тенг бўлади. Табиийки, бу машина электр двигатели бўлиб ишлаётганида ҳам унда кучланишнинг тушиши ўшандай бўлиши керак. Бироқ агар қўзғалмас электр двигателга $U = U_n$ кучланиш берилса, унинг токи

$$I_n = \frac{U_n}{r_я}$$

номинал токдан 25 — 10 марта катта бўлади. Бундай қилиш мумкин эмас, шунинг учун ишга тушириш вақтида двигатель якорига берилган кучланиш номинал кучланишнинг 96 — 90 % га камайтирилиши керак. Двигатель якорига бериладиган кучланишни пасайтириб берувчи аппарат юргизиб юбориш реостати дейилади ва у якорь чулғамига кетма-кет уланади.

У ҳолда юргизиб юбориш токи

$$I_{10} = \frac{U_n}{r_я + r_p}. \quad (8-13)$$

Реостатнинг қаршилиги r_p юргизиб юбориш вақтидаги I_{10} ток (1,5 — 2,0) I_n га тенг бўладиган қилиб олинади.

Агар якорь айлана бошласа, унинг чулғамида аста-секин тескари э. ю. к. ўса боради. Бу ҳолда ток қуидаги аниқланади:

$$I_{я} = \frac{U - E}{r_я + r_p}.$$

Тезлик бинобарин, ғәләктр ғюритувчи күч қанча катта бўлса, ток шунча кам бўлади ва реостатнинг r_p қаршилиги керак бўлмай қолади. Юргизиб юборишнинг охирида реостат батамом узилади ва якорь токи қўйидагига тенг бўлади (8-4- формулa):

$$I_s = \frac{U - E}{r_s} . \quad (18-14)$$

Барқарорлашган иш режимида $I_a = I_b$ да якорда вужудга келүвчи тескари э. ю. к. (96 — 90 %) U_b ни ташкил қиласы, салт юрища эса (валда нагрузка нолга тең болғанда) якорь токи $I_a = I_c \approx (5 - 10)\%$ I_b болғанда, тескари э. ю. к. катта бўлиб 99 % U_b га етиши мумкин.

(8-7) формула

$$E = C_E n \Phi$$

га асосан электр двигателнинг айланиш тезлиги қуидагича:

$$n = \frac{1}{C_E} \frac{E}{\Phi} . \quad (8-15)$$

Айланыш тезлиги якорда ҳосил бўлган э.ю.к. га тўғри ва Φ магнит оқимига тескари пропорционал.

(8-14) ва (8-15) формулаларни солишитириб, қуйидагини ҳосил киласиз:

$$n = \frac{1}{C_E} \frac{U - I_R r_R}{\phi}. \quad (8-16)$$

Электр двигательнинг айлантирувчи моменти ва унинг ишқаланишни ҳам ҳисобга олгандаги қуввати (8-8) ва (8-10) формулаларга мувофиқ куйидагича ифодаланиши мумкин:

$$P = E I_a = C_E I_a \Phi n.$$

Валдаги нагрузка ортганда электр двигательнинг I токи ортади, чунки истеъмол қилаётган $P_1 = UI$ кувват ортади, кучланиш U эса ўзгаришсиз қолади. Электр двигателнинг ортиб бораётган айлантирувчи моменти валдаги тормозлаш моментини мувозанатга келтиримагунча ток ортиб боради. Двигательнинг ҳар бир нагрузкасида унга мос айланиш тезлиги қарор топади. Ишлатилиш хусусиятларига кўра электр двигателлари ҳам, генераторлар сингари, тўрт турга: мустақил уйғотишли, параллел, кетма-кет ва аралаш уйғотишли электр двигателларга бўлинади.

8-17. ПАРАЛЛЕЛ ҮЙГОТИШЛИ ЭЛЕКТР ДВИГАТЕЛИ

Параллел уйғотишли электр двигателининг схемаси 3-31-расмда кўрсатилган. Рубильникни туташтиришдан аввал 2 юргизиб юбориш реостатининг I дастаси салт O kontaktда турганлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Уйғотиши занжиридаги реостатнинг (шунт реостати —

ШР) дастаси реостатнинг қаршилиги минимал бўлган вазиятда туриши керак (8-31-расм).

Рубильникни туташтириб, даста I ни биринчи ишчи kontaktга ўтказгандан электр двигателига келадиган I ток иккита: юргизиб юбориш реостати r_p нинг ҳамма секциялари орқали якорга келувчи I_y ва З металл ёй орқали уйғотиш чулғамига келадиган I_y токка бўлинади.

Шундай қилиб,

$$I = I_y + I_y, \quad (8-17)$$


бунда $I_y \approx (1 - 7)\% I_y$.

Токнинг биринчи $I_y \approx (1,5 - 2,0)\% I_y$ сакрашидан кейин, айланиш тезлиги ортган сари якоръ токи камая бошлайди ва юргизиб юбориш реостатининг 1 дастаси иккинчи kontaktга ўтказилади. Ток яна сакраш билан кўпайиб, яна камая бошлайди ва реостатнинг дастаси келгуси kontaktга ўтказилади ва ҳоказо. Реостатнинг ҳамма қаршилиги r_p узилгандан ишга тушириб юбориш тамом бўлади. Юргизиб юбориш қаршилиги r_p ни узоқ муддат ток остида қолдириб бўлмайди, чунки бу қаршилик қисқа муддатли ишга мўжжалланган.


Ишга туширишда I токнинг тезроқ камайиши мақсадга мувофиқ, ток тез камайиши учун эса тескари э.ю.к. тезроқ ортиши керак. Шунинг учун ишга тушириб юбориша $I_y = I_{y,\text{ макс}}$ токни барқарор қилиб, энг катта магнит оқими ҳосил қилинади. Электр двигателини юргизиб юбориш вақтида катта айлантириш моменти ҳосил қилиши лозим, маълумки, бу момент магнит оқимига пропорционал (8-8 формула), ана шунинг учун ҳам катта магнит оқими ҳосил қилиши зарур.

« Электр двигателни ажратиш учун дастлаб юргизиб юбориш реостатининг дастаси нолинчи kontaktга ўтказилади, сўнгра рубильник ажратилади. Бунда рубильник контактлари куймайди. Двигателни улаш схемаси уйғотиш чулғами занжирининг ажралишига имкон бермайдиган ҳолда бўлиши лозим (8-31-расм).

Монтаж қулай бўлиши учун юргизиб юбориш реостатининг тутчиchlари қўйидаги ҳарфлар билан белгиланади: L — энергия берув-



8-31-расм. Параллель уйғотишли двигателнинг уланиш схемаси.



8-32-расм. Параллель уйғотишли двигателнинг тезлик характеристикаси.

чи линияга улаш учун; \mathcal{Y} — якорга улаш учун ва M — уйғотиш чулғамига улаш учун.

Электр двигателларининг характеристикалари асосан машина меканик хоссаларининг ўзгариш графикларидир.

U кучланиш ва I_y уйғотиш токи доимий бўлганда n айланиш тезлигининг I токка боғлиқлиги тезлик характеристикаси дейилади, бошқача $U = \text{const}$ ва $I_y = \text{const}$ бўлгандаги

$$n = f(I)$$

боғланишга айтилади. Бу характеристика 8-32-расмда I эгри чизик билан тасвирланган. $I_C < 10\% I_y$ бўлганда салт ишлашдаги тезлик өнг катта бўлади, чунки $I_C \cdot r_n \approx 0$;

$$n_C = \frac{1}{C_E} \frac{U - I_C r_a}{\Phi} \approx \frac{1}{C_E} \frac{U}{\Phi}. \quad (8-18)$$


Валда нагрузка ортиши билан I_{r_a} ортади ва тезлик камайиши керак. Айни шу вақтда якоръ реакцияси Φ магнит оқимини камайтиради (8-8-§), бунинг натижасида тезлик ортиши керак. Мавжуд электр двигателларидаги кучланиш тушишининг ортиши тезликка кучлироқ таъсир қиласида ва тезлик валда нагрузка ортганида ҳамма вақт камаяди, бу камайиш унча катта эмас ($5-10\%$) n_u , чунки $I_{r_a} \approx 10\% U$ дан ошмайди. Тезликнинг бундай характеристикаси қаттиқ характеристика дейилади.

$I_y = \text{const}$ бўлганда магнит оқими жуда ҳам кам камаяди, шунинг учун ҳам $\Phi \approx \text{const}$ дейиш мумкин. Бунда электр двигателининг

$$M = C_M I \Phi \approx (C_M \Phi) I \quad (8-19)$$

айлантириш моменти I токка пропорционал бўлади. Шу сабабли 8-32-расмдаги абсциссалар ўқи бўйлаб масштабни ўзгартириб, электр двигателининг меканик характеристикаси, яъни $U = \text{const}$ ва $I_y = \text{const}$ бўлгандаги

$$n = f(M)$$



8-33-расм. Параллел уйғотиш двигателининг ишчи характеристикаларни.

боғланиш ҳосил қилинади.

Электр двигателининг барча каталоглари ва тавсифларида бериладиган ишчи характеристикалар двигателларни ишлатишда алоҳида аҳамиятга эга ва улар $U = \text{const}$ ва $I_y = \text{const}$ бўлгандаги

$$n, M, I, \eta = f(P_2)$$

боғланишини ифодалайди, бу ерда η — машинанинг фойдали иш коэффициенти, P_2 — валдаги фойдали қувват (8-33-расм).

Электр двигателнинг валида эришиладиган (фойдали) қувват:

$$P_2 = \frac{M \cdot 2\pi n}{60},$$

айлантирувчи момент эса

$$M = \frac{P_2 \cdot 60}{2\pi n}. \quad (8.20)$$

$M = f(P_2)$ соғланиш айланыш тезлиги ўзгармас бўлганида координаталар бошидан ўтувчи ($M \equiv P_2$) тўғри чизиқ бўлар эди. Бироқ, P_2 ортиши билан тезлик бирмунча камаяди ва момент тўғри чизиқка нисбатан тезроқ ортади. I ток ҳам валдаги P_2 қувватга деярли пропорционал, чунки ўзгармас кучланишда у истеъмол қуввати $P_1 = UI$ га пропорционал, электр двигателдаги ($P_1 - P_2$) исроф кам. Салт ишлашда $P_2 = 0$, I_c ток нолга тенг эмас ва эгри чизиқ координаталар бошидан ўтмайди.

Параллел ўйғотишли электр двигатель ростланувчи электр двигателларининг энг яхсисидир. У айланыш тезлигини бир текис ва тежамли ростлашга имкон беради. Ростлаш кўп ҳолларда ўйғотиш токини ўзгаририш билан амалга оширилади. Бунинг сабаби қуидагича; электр двигателининг $M = C_m I \Phi$ айлантирувчи моменти Φ оқим ўзгармас бўлганда I токка пропорционал бўлади. Ўз навбатда ток

$$I = \frac{U - E}{r_a}$$

нисбат билан, яъни $(6 - 10)\%$ U_n дан ортмайдиган $U - E$ айрма билан аниқланади. $U_n = 100\%$, $E = 95\%$ U_n ва $(U - E) = 5\% U_n$ деб фараз қиласли. Агар ўйғотиш токини тахминан 5% га камайтирилса, магнит оқими ва э. ю. к. ҳам 5% га камаяди. У ҳолда $U - E$ айрма деярли $10\% I_n$ катталиkkача ортади, ток эса деярли 2 марта ортади. Бундан электр двигатель айлантирувчи моментининг ортиши ва тезликнинг катталашishi маълум. $I_y \approx (1 - 7)\% I_n$ ва ростлашда энергия исрофи $I_y^2 r_y$ кам бўлгани учун бу усул жуда ҳам тежамлидир.


Якорга кетма-кет қўшимча қаршилик улаш билан ҳам айланыш тезлигини ростлаш мумкин. Бироқ, бу усул деярли тежамли эмас ва кам қўлланилади. Максус қурилмаларда (8-24- §) тезлик ҳам ўйғотиш токини, ҳам якорь тутқичларидаги кучланишни ўзгаририш билан ростланади.

Параллел ўйғотишли электр двигателлари нагрузкалар турлича бўлганда амалда ўзгармас тезлик талаб этилган жойларда ёки тезликни 1:1,5 нисбатда, максус ясалган двигателларда ҳатто 1:8 нисбатда ростлаш талаб этилган жойларда ишлатилади.

8-18. КЕТМА-КЕТ УЙГОТИШЛИ ЭЛЕКТР ДВИГАТЕЛИ

Кетма-кет уйғотишли электр двигателни улаш схемаси 8-34-расмда берилган. Двигателни улаш учун юргизиб юбориш реостати керак, чунки якорь чулғами ва уйғотиши чулғамларининг йигинди қаршилиги жуда ҳам кам. Электр двигателларни юргизиб юбориш ҳақида юқорида баён қилинган барча фикрлар бу хилдаги электр двигателларга ҳам тегишли. Иш вақтида электр двигатель сарф қиласидаган ток

$$I = I_a = I_y = \frac{U - E}{r_a + r_y}. \quad (8-21)$$



8-34- расм. Кетма-кет уйғотишли двигател.

Кичик ($25-50\% I_n$) токларда машина нинг оқими токка пропорционал ($\Phi \equiv I$) ва

$$M = C_M \Phi = cII = cI^2, \quad (8-22)$$

яъни момент ток квадратига пропорционал. Номинал токка яқин ёки ундан кўп токларда момент, худди параллел уйғотишли электр двигателидаги сингари, токнинг биринчи даражасига пропорционал бўлади.

Электр двигателининг тезлиги


$$n = \frac{1}{C_E} \frac{U - I(r_a + r_y)}{\Phi} \quad (8-23)$$

нагрузка оғиши ва Φ магнит оқими ҳамда кучланиш тушиши $I(r_a + r_y)$ нинг ортиши туфайли кескин пасаяди. Бундай характеристика юмшоқ характеристика дейиллади. Шунинг учун электр двигателни нагрузка ортганида тезлики анчагина камайтириш мумкин бўлган жойларда, шунингдек, юргизиб юбориш вақтида электр двигатель катта айлантирувчи момент ҳосил қилиши керак бўлган жойлардаги қурилмаларда ишлатилади. Подъёмниклар, кранлар, айниқса электр транспорти ана шундай қурилмалар жумласидандир.

Айланыш тезлиги ва моментниг ватдаги фойдали қувватга боғлиқлиги юқорида айтилган ва 8-35- расмда кўрсатилган.

($25-30\% P_{2n}$) нагрузкаларда электр двигатель йўл қўйиб бўлмайдиган даражада катта тезлик билан айланади, чунки бунда унинг магнит оқими жуда камайиб кегади. Марказдан қочирма кучлар натижасида якорнинг механик шикастланиш хавфи туфайли двигателни бундай режимда ишлатиб бўлмайди.

Бундай электр двигателларнинг тезлигини ростлаш фақат кўп двигателли приводлар (электрлаштирилган йўллар) дагина тежамлидир, бунга маҳсус схемалар ишлатиш билан эришилади.



8-35- расм. Кетма-кет уйғотишли двигателининг тезлик ва айлантирувчи моменти характеристикилари.

($25-30\% P_{2n}$) нагрузкаларда электр двигатель йўл қўйиб бўлмайдиган даражада катта тезлик билан айланади, чунки бунда унинг магнит оқими жуда камайиб кегади. Марказдан қочирма кучлар натижасида якорнинг механик шикастланиш хавфи туфайли двигателни бундай режимда ишлатиб бўлмайди.

Бундай электр двигателларнинг тезлигини ростлаш фақат кўп двигателли приводлар (электрлаштирилган йўллар) дагина тежамлидир, бунга маҳсус схемалар ишлатиш билан эришилади.

8-19. АРАЛАШ УЙФОТИШЛИ ЭЛЕКТР ДВИГАТЕЛИ

Аралаш уйфотишли электр двигатели параллел ва кетма-кет уйфотишли электр двигателлари хоссаларига эга бўлиши кераклиги равшан (8-36- расм). Иккала уйфотиши чулғамлари мос қилиб, яъни уларнинг магнитловчи кучлари, демак, $\Phi_{ш}$ ва Φ_c оқимлари ҳам қўшиладиган қилиб уланади.

У ҳолда

$$n = \frac{1}{C_E} \frac{U - I_a(r_a + r_C)}{\Phi_{ш} + \Phi_c} \quad (8-24)$$

ва


$$M = C_M I_a (\Phi_{ш} + \Phi_c) \quad (8-25)$$

Аралаш уйфотишли электр двигателлари икки ҳолда ишлатилади.

Биринчи ҳоли, электр двигателнинг тезлик характеристикиси юмшоқ бўлиши, бироқ кетма-кет уйфотишли электр двигателларнидан қаттиқроқ бўлиши керак бўлганда. Бу маҳовиклардан фойдаланиладиган электр юритмалар (қайчилар, пресслар ва ҳоказолар) дир. Айланувчи маҳовикнинг энергиясидан фақат айланиш тезлиги ўзгарадиган ҳоллардагина фойдаланиш мумкин эканлиги равшан. Нагрузка (туртки билан) тез ортганида юмшоқ характеристикали электр двигатели тезликни камайтиришга интилади, маҳовик эса инерция бўйича бу тезликни сақлаб туришга интилади ва у ғамлаб олган кинетик энергия механизмининг ишига айланади. Маҳовик билан электр двигателнинг бундай биргаликда ишлаши электр двигателни кичик қувватли қилиб танлашга имкон беради.

Иккинчи ҳолда электр двигатели параллел уйфотишли машина бўлгани ҳолда унинг тезлик характеристикиси қаттиқ бўлади. Якорь ва қутблари орасидаги ҳаво оралиғи кичик ва якорь айланаси бирлигига тўғри келган ток миқдори катта бўлган ўзгармас ток электр двигателлари мавжуд. Бундай электр двигателларда якорь реакциясининг айланиш тезлигига таъсири кучланиш тушишининг таъсирига қараганда кўпроқ бўлади (8-18 формулага қаранг) ва нагрузка ортиши билан тезлик камаймайди, балки ортади (8-32- расмдаги 2 эгри чизик), бунга эса йўл қўйиш мумкин эмас. Агар қўшимча (стабилизатори) кетма-кет чулғам қўйилса, электр двигателнинг ишлаши барқарор бўлади.

Мустақил уйфотишли ўзгармас ток электр двигателлари маҳсус вазифаларга мўлжалланган двигателлардир. Улар тўғрисида 12-бобда гапирилган.



8-36- расм. Аралаш уйфотишли двигателни улаш схемаси.

8-20. ИСРОФЛАР ВА ФОЙДАЛИ ИШ КОЭФФИЦИЕНТИ

Ҳар бир электр машина ишлаганида энергия иероф бўлади: бундай исрофлар пўлатда, ишқаланишда, чулғамлар симларида ва қўшимча симларда содир бўлади.

Пўлатдаги исрофлар P_n ёки магнит исрофлар якорь жисми ва қутб учларининг қайта магнитланишидан, гистерезис ва уорма токлардан вужудга келади. Исрофлар қуввати қайта магнитланиш частотаси $f = pn/60$ ва магнит индукциясининг максимал қиймати B_m га боғлиқ.

Механик исрофлар $P_{\text{мех.}}$ ёки ишқаланишдан бўладиган исрофлар подшипникларнинг ишқаланиши, айланувчи қисмларнинг ҳавога ва чўткаларнинг коллекторга ишқаланиши туфайли содир бўлади. Механик исрофлар қуввати машинанинг айланиш тезлиги n га пропорционал бўлади, $P_n + P_{\text{мех.}}$ айланиш тезлиги ўзгармас ва I_y уйғотиш токи ўзгармас бўлганда доимий бўлади ва машинанинг нагрузкасига боғлиқ бўлмайди. Бу исрофлар салт ишлаш исрофлари P_c дейилади.

Электрик исрофлар ток якорь чулғами ва чўткалар билан коллектор орасидаги ўтиш контактидан ўтганида, шунингдек, барча уйғотиш чулғамларида ва қўшимча қутбларда юзага келади:

$$P_s = I_y^2 r_y + P_q + I_y^2 r_{\text{куш.}} + I_y^2 r_c + UI_y.$$

Чўтка контактидаги исрофлар $P_q = \Delta U_q I_y$ кучланишнинг ΔU_q тушиши билан белгиланади ва кўмир чўткалар, графит ва электрланган графит чўткалар учун 2 в, металл кўмир чўткалар учун эса 0,6 в қабул қилинган.

Якорь чулғами ва пўлатдаги қўшимча исрофлар $P_{\text{куш.}}$ магнит майдонининг якорь реакцияси туфайли ва секциялар атрофида ҳосил бўлиб, коммутацияланувчи майдонлар туфайли магнит майдонининг бузилишидан вужудга келади. Бу исрофлар 0,01 дан 0,005 $U_n I_n$ гача бўлади ва I_y^2 га пропорционал деб ҳисобланади.

Маълумки, машинанинг фойдали қуввати P_2 нинг машинанинг тўла қуввати P_1 га нисбати фойдали иш коэффициенти деб аталади. Ўз ҳолда генератор учун фойдали иш коэффициенти:

$$\eta_r = \frac{P_2}{P_1} = \frac{UI}{UI + (P_n + P_{\text{мех.}} + P_s + P_{\text{куш.}})} 100\%. \quad (8-26)$$

Электр двигатели учун эса:


$$\eta_{\text{дв.}} = \frac{P_2}{P_1} = \frac{UI - (P_n + P_{\text{мех.}} + P_s + P_{\text{куш.}})}{UI_1} 100\%. \quad (8-27)$$

Фойдали иш коэффициентининг нагрузкага боғлиқ равища ўзгариши 8-33- расмда кўрсатилган. Кичик нагрузкаларда фойдали иш коэффициенти кичик, чунки P_2 фойдали қувват кичик, салт ишлаш исрофи P_c эса P_2 га нисбатан катта. Салт ишлаш исрофи доимий,


шу сабабли фойдали қувват ортганды фойдали иш коэффициенти ҳам тез ортади. Сүнгра P_e электрик истрофлар ток квадратига пропорционал равища ортади, чунки фойдали иш коэффициентининг катталашши секинлашади ва унинг катталиги бирор максимумга етиб, камая бошлади. Фойдали иш коэффициентининг катталашши секинлашади ва унинг катталиги бирор максимумга етиб, камая бошлади. Фойдали иш коэффициентининг энг катта қиймати одатда (75—100)% P_e да бўлади ва 70—93% га тенг бўлади. Бунда катта рақамлар катта қувватли машиналарга тегишилдири.

8-21. ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЛАШ ГЕНЕРАТОРЛАРИ

Электр ёйи билан пайвандлашда электрод ва пайванд қилинадиган деталь орасидаги кучланиш кескин ўзгаради. Электрод деталга текканда қисқа туташув бўлади ва кучланиш нолга тенг бўлади. Электр ёйи пайдо бўлганидан сўнг электрод деталдан қанча узоқ турса, кучланиш шунча катта бўлади. Бироқ пайвандлаш сифатли бўлиши учун ток катталигини иложи борича доимий сақлаб туриш керак. Бу ҳолда генераторнинг ташқи характеристикаси 8-37- расмда кўрсатилган



8-37-расм. Электр ёйи билан пайвандлаш генераторнинг ташқи характеристикалари.



8-38-расм. Электр ёйи билан пайвандлаш генератори.

кўринишда, яъни кескин пасаювчи бўлиши лозим. Характеристикаси кескин пасаювчи бўлган машинада кучланишнинг каттагина ўзгаришларида ҳам ток жуда кам ўзгаради.

Бундай характеристикали генератор 8-38- расмда кўрсатилган. Унинг N_1N_2 ва S_1S_2 қутблари худди парчалангандага ўхшайди. Қутбларнинг кетма-кет уланган ўйғотиш чулғамлари B ва B' чўткаларга уланган. N_1S_1 қутблар заиф тўйинтирилган, N_2S_2 қутблар эса ўзаклар кесимини камайтириш йўли билан кучли тўйинтирилган.

Пайвандлашда A ва B асосий чўткалардан I_a ток олинаётганда, якоръя реакцияси N_1S_1 қутбларни кучли магнитсизлайди ва N_2S_2

қутблар оқимига деярли таъсир қилмайди. *A*, *B* чўткалар орасида кучланиш кескин пасаяди, *B*, *B* чўткалар орасида эса амалда ўзгармайди, шу сабабли уйғотиш токи ўзгаришсиз қолади. Пайвандлаш токининг энг катта қийматига r реостат ёрдамида эришилади. Электрод ва деталь орасидаги масофа ўзгариши туфайли бўладиган ток пульсацияларини L дроссель ёрдамида текисланади.

8-22. УЧ ЧЎТКАЛИ ГЕНЕРАТОР


Уч чўткали генератор автомашиналарда ток манбай сифатида ишлатилади (8-39- расм). Унинг асосий *A* ва *B* чўткалари ҳамма вақт ўзаро параллел уланган аккумулятор ва ёруғлик манбаларидан иборат занжирга уланган бўлади. Аккумуляторсиз генератор ишлай олмайди.

Автомашиналарда генераторнинг айланиш тезлиги кенг чегараларда (6:1) ўзгаради, унинг кучланиши ҳар қандай тезликда ҳам

ўзгармай қолиши керак. Бунга генераторнинг уйғотиш чулғамини якорь чулғамининг қисмларидан кучланишни олиб ташловчи *A* ва *B* чўткаларга улаш билан эришилади. Бу қисм ҳамма вақт қутбларнинг узоқлашувчи учлари остида бўлади, бу учлар иш вақтида якорь реакцияси билан кучли магнитсизланади. Тезлик ортганида э. ю. к. ва тск ортади; айни вақтда якорь реакциясининг магнитсизлаш таъсири ҳам ортади. Якорь реакциясининг магнитсиз таъсири якорь чулғамининг *A* ва *B* чўткалар орасида жойлашган қисмida э.ю.к. ни, демак уйғотиш чулғамидаги токни ҳам камайтиради. Шу сабабли амалда *A* ва *B* чўткалар орасидаги кучланиш доимий қолади.

Агар айланиш тезлиги жуда кам бўлиб, генераторнинг э. ю. к. аккумулятор кучланишидан кичик бўлса, генератор маҳсус реле ёрдамида ажратиб қўйилади. Шундай қилиб, ёруғлик манбалари, статор, сигнал аккумулятордан энергия олади, маълум тезликда эса параллел ишлаганида агар генераторнинг э. ю. к. аккумулятор кучланишидан катта бўлиб қолса, у аккумулятор батареясини зарядлаб туради.

Баъзан автомашиналарда одатдаги генераторлар ишлатилади, кучланиш эса маҳсус вибрацион типдаги ростлагичлар ёрдамида бир хилда сақлаб турилади.



8-39- расм. Автомашиналар генераторининг схемаси.

майтиради. Шу сабабли амалда *A* ва *B* чўткалар орасидаги кучланиш доимий қолади.

Агар айланиш тезлиги жуда кам бўлиб, генераторнинг э. ю. к. аккумулятор кучланишидан кичик бўлса, генератор маҳсус реле ёрдамида ажратиб қўйилади. Шундай қилиб, ёруғлик манбалари, статор, сигнал аккумулятордан энергия олади, маълум тезликда эса параллел ишлаганида агар генераторнинг э. ю. к. аккумулятор кучланишидан катта бўлиб қолса, у аккумулятор батареясини зарядлаб туради.

Баъзан автомашиналарда одатдаги генераторлар ишлатилади, кучланиш эса маҳсус вибрацион типдаги ростлагичлар ёрдамида бир хилда сақлаб турилади.

8-23. ЭЛЕКТР МАШИНА КУЧАЙТИРГИЧИ


Саноатнинг қатор соҳаларида катта қувватларни датчиклар юборадиган (7-8- §) жуда кичик сигналлар ёрдамида бошқаришга тўғри келади. Бу сигналлар кучайтиргич ёрдамида кучайтирилиши керак. Улардан бири 8-40- расмда кўрсатилган, электр машина кучайтиргичидир.

Бу одатдаги якорли ўзгармас ток машинаси бўлиб, унинг якори ўзгармас ток двигатели ёки асинхрон двигатель ёрдамида айлантирилади. Қутбларнинг чулғамлари 10-6 ва 10-7- расмда кўрсатилганидек станица ариқчаларида жойлашади ва бу ерда улар бошқариш чулғамлари деб аталади. Соддалаштириш мақсадида 8-40- расмда қутблар ўзгармас ток машинасидаги сингари чиқиқли қилиб, бир бошқариш чулғами билан кўрсатилган. Датчикдан келган бошқариш токи I_6N қутбдан S қутбга йўналган бўйлама магнит оқими ҳосил қиласди. Якорь айланганида унинг 8-40- расмда тўгаракчалар билан кўрсатилган симларида E_1 э. ю. к. ҳосил бўлади. A, A чўткашлар қисқа туташган ва шунинг учун якорь чулғамларидан каттагина I_1 ток ўтади, бу токнинг якорь сиртига яқинроқ бўлган симлардаги йўналиши кўрсатилган. Агар бошқариш чулғамига берилган қувват $U_y I_y$ га тенг бўлса, якорь чулғамидаги $E_1 I_1$ қувват ундан кўп марта катта бўлади. Албатта, бундай «кучайиш» якорни айлантирувчи бирламчи электр двигатели қуввати ҳисобига бўлади.

I_1 ток якорнинг кўндаланг магнит майдонини ҳосил қиласди (8-8- §), бу майдон фазода қўзғалмас бўлиб, машинанинг ишчи майдони бўлади. Якорь чулғами шу майдонда айланади ва унда иккичи E_2 э. ю. к. ва ток ҳосил бўлади, бу ток 8-40- расмда якорь марказига яқин симларда кўрсатилган. Кўндаланг оқим катта бўлганидан сигнал бажарувчи двигател БД (электр двигатели) га юбориляётган $E_2 I_2$ қувват $E_1 I_1$ қувватдан анча катта. Сигналнинг умумий күчланиши

$$k = \frac{E_2 I_2}{U_6 I_6}$$

10 000 гача бўлиши мумкин. Шундай қилиб, сигналнинг 1 вт қуввати 10 квт гача кучайтирилиши мумкин. Ҳозирги замон ЭМКлари киловаттнинг ўндан бир улусидан бир неча ўнлаб киловаттга мўлжаллаб тайёрланади. Электр машина кучайтиргичининг ажойиб ҳосаси унинг инерцияси камлиги, яъни сигналга тез жавоб берishidir.




8-40-расм. Электрмашина кучайтиргичи.

ЭМК қутбларида (8-40- расм) ишчи занжир билан кетма-кет уланадиган яна бир чулғам бор. Бу чулғам компенсация чулғами (КЧ) дейилади ва у бўлмаса кучайтиргич ишлай олмайди. Бу чулғамниң магнитловчи кучи I_2 ток ҳосил қилган магнитловчи кучга қарама-қарши йўналган ва уни автоматик равишда компенсация лайди. Акс ҳолда якорниң I_2 токи ҳосил қилган ва қутблар оқимига қарама-қарши йўналган бўйлама оқим машинани магнитсизлаб қўйган бўлар эди.

8-24. ГЕНЕРАТОР — ЭЛЕКТР ДВИГАТЕЛИ (Г — ЭД) СХЕМАСИ

8-41- расмда кўрсатилган генератор-электродвигатель схемаси станокни ҳаракатлантираётган электр двигателининг айланиш тезлигини тежамли, текис ва кенг чегараларда ўзгартириш имконини беради.




8-41- расм. Генератор-электр двигателни схемаси.

Электр двигатели 1 нинг ўзи юргизиб юбориш реостатисиз шу двигателни энергия билан таъминловчи генераторга уланади. Генератор ва электр двигателининг уйғотгич деб аталаидиган маҳсус 3 генератор 3 дан бериладиган мустақил уйғотишга эга. Агрегат генератор 2 ва уйғотгич 3 ни асинхрон электр двигатель 4 айлантиради.

Уйғотиш токини реостат 5 билан ростлаш ва генератор 2 нинг уйғотиш токини, бинобарин, генераторнинг кучланишини реостат 6 билан ўзгартириб, электр двигатель 1 нинг айланиш тезлигини ўзгартириш мумкин. Генератор 2 нинг уйғотиш токи йўналишини ўзгартириб, переключатель 7 ёрдамида генератор чўткаларининг қутблигини, бинобарин, электр двигатель 1 нинг айланиш йўналишини ҳам ўзгартириш мумкин.

Бу схема шахта установкаларида, кемаларнинг сузиш виқтларининг юритмаларида, металургия заводларида ва металл қирқиши станоклари юритмаларида кенг қўлланилади. 8-42- расмда Г—ЭД агрегатининг 8-32- расмда келтирилганда.



8-42- расм. Генератор-электр двигателни схемасининг механик характеристикалари

тига ўхшаш механик характеристикалари кўрсатилган. I эгри чизик соф назарий характеристикадир. У двигателнинг тя қаршилиги нолга тенг бўлганида ҳосил бўлар эди. Ундан пастда тезликни генератор кучланишини ўзгариш билан ростлагандаги, юқорида эса двигателнинг уйғотиш токини ўзгаририш билан ростлагандаги характеристикалари жойлашган.

Бу характеристикалар деярли бир-бирига параллел бўлган тўғри чизиқлардир ва улар ростлашда ўз қаттиқлигини сақладилар, бу эса металл қиркувчи станоклар учун жуда муҳимдир. Ростлаш диапазони тахминан 1:20, ЭМК қўлланилганда эса 1:100 ва ундан ҳам ортиқ.

8-25. ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ ПАРАЛЛЕЛ УЙГОТИШЛИ ЭЛЕКТР ДВИГАТЕЛИ

Ишни бажаришдан олдин 8-16 ва 8-17- параграфларнинг мазмуни билан та нишинг.

Иш плани

1. Сигалаётган электр двигателининг асосий техник маълумотларини ёзиб олинг. Бу маълумотлар асосида керакли ўлчаш аппаратлари ва ёрдамчи аппаратларни танланг ҳамда бу аппаратларнинг техник маълумотларини ёзиб олинг.

2. 8-31-расмда кўрсатилган схемани йигинг ва уни раҳбарингизга кўрсатинг.

3. Электр двигателини юргизиб юборинг. Унинг айланыш йўналишини аниқланг. Электр двигателини тұхтатинг.

4. а) уйғотиш чулғамидағи ток йўналишини ўзгаририш билан;

б) якорь чулғамидағи ток йўналишини ўзгаририш билан электр двигателининг айланыш йўналишини ўзгаририңг.

5. Электр двигателини юргизиб юборинг. Номинал кучланиш ва номинал уйғотиш токида тормоз лентасининг тарағиглигини ўзгаририш билан электр двигателни нагрұзкасини нолдан номинал қийматтагача ўзгаририңг (8-43-расм).

Турлын нагрұзкаларда U , I , I_y , n ва F ни белгилаб олинг. Бунда F миқдор — l' елканинг учига қўйилган ва ab ричагни горизонтал вазиятда тутиб турувчи куч.

6. Олинган маълумотларга кўра қуйидагиларни аниқланг:

а) электр двигателининг айлантирувчи моменти

$$M = Fl \text{ (кГ· м),}$$

8-43-расм. Электр двигателини тормозлаш қурилmasининг схемаси.

бунда F — килограмм-кучларда, l — метрларда;

б) электр двигателни вужудга келтирган қувват:

$$P_2 = \frac{M2\pi n}{60} = F \frac{2\pi nl}{60} \text{ (кГ· м/сек);}$$

P_2 ни ваттларда ифодаласак:

$$P_2 = \frac{M 2\pi n}{60 \cdot 10^3} = 1,03 Mn;$$

в) электр двигателининг фойдали иш коэффициенти

$$\eta = \frac{P_2}{P_1} \cdot 100\% = \frac{10,3 \text{ Mn}}{IU} \cdot 100\%.$$

Агар F — куч ньютоналарда ифодаланса, $M = Fl$ (н. м) бўлади, қувват эса:

$$P_2 = \frac{M \cdot 2\pi \cdot n}{60} = F \frac{2\pi nl}{60} (\text{вт}).$$

Кузатиш ва ҳисоблаш натижаларини 8-1- жадвалга ёзинг.

8-1- жадвал

Кузатишлар номери	Кузатишлардан						Ҳисоблашлардан				Эслатма
	U	I	I_y	n	F	l	M	$P_t = UI$	P_2	η	
	в	а	а	а/мин	кг	м	кГм	вт	вт	%	

7. Кузатишлардан ва ҳисоблашлардан олинган маълумотларга кўра электр двигателининг иш характеристикаларини, яъни $U = \text{const}$ ва $I_y = \text{const}$ бўлганда n ; I ; M ; $\eta = f(P_2)$ ларни ясаниг.

8. Номинал кучланишида электр двигатели нагрузкасини нолдан номинал қийматгача ўзгартиринг, бунда уйғотиш токини шундай ростлаб турингки, электр двигателининг айланиш тезлиги ўзгаришсиз қолсин.

Олинган маълумотларга кўра электр двигателининг ростлаш характеристикасини, яъни $U = \text{const}$ ва $n = \text{const}$ бўлганда $I_y = f(I)$ ни ясаниг.

8-26. ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ. ПАРАЛЛЕЛ УЙГОТИШЛИ ГЕНЕРАТОР

Ишни бажарнишдан олдин 8-10, 8-11 ва 8-12- параграфларнинг мазмунин билан тақишининг.

Иш плани

1. Синалаётган генератор ва генераторни айлантиришга мўлжалланган электр двигателининг асосий техник маълумотларини ёзиб олинг. Бу маълумотларга кўра керакли ўлаш аппаратлари ва ёрдамчи аппаратларни таъламъ ҳамда бу аппаратларнинг техник маълумотларини ёзиб олинг.

2. Электр двигатели (8-31-расм) ва генератор (8-25-расм) схемаларини йиғинг ва уларни раҳбарнингизга кўрсатинг.


3. Генераторнинг номинал айланиш тезлиги n_n да уйғотиш токи $I_y = 0$ дан $I_y = I_{y,n}$ гача ўзгарганда электр юритувчи куч катталгинин аниқланиг. Аниқланган қийматларни 8-2- жадвалга ёзинг.

8-2- жадвал


Кузатишлар номери	E	I_y	n	Эслатма
	в	а	а/мин	

нишнинг ўзи сон жиҳатидан истеъмолчида кучланиш тушишига, яъни $U_2 = I_2 \sqrt{r_{ii}^2 + x_{ii}^2}$ га тенг.

Бироқ E_2 э.ю.к. доимий қола олмайди, чунки Φ_m магнит оқими бирмунча камаяди. 9-10-расмда трансформатор бирламчи чулғаминг вектор диаграммаси берилган. Бирламчи чулғам томонидан трансформатор энергия приёмниги бўлади, унда ҳам электр давига-



9-9-расм. Трансформатор иккиласи занжирининг вектор диаграммаси.



9-10-расм. Трансформатор бирламчи занжирининг вектор диаграммаси.

телдаги сингари E_1 қарши э.ю.к. ҳосил бўлади. Бинобарин, ўзгармас U_{1n} кучланиш бирламчи чулғамда кучланиш тушиши $I_1 \sqrt{r_1^2 + x_1^2}$ га тенг ва E_1 э.ю.к. ни мувозанатловчи — E_1 қисмлардан иборат. яъни

$$\bar{U}_{1n} = -\bar{E}_1 + \bar{I}_1 z_1. \quad (9-10)$$

I_1 ток ортиши билан $I_1 z_1$ ортади, E_1 ва Φ_m оқим камаяди, бинобарин E_2 ҳам камаяди.

Шундай қилиб, (9-9) формулада кучланишнинг иккала чулғамдаги тушиши ҳисобга олинган.


9-5. УЧ ФАЗАЛИ ТРАНСФОРМАТОР

Уч фазали ток кучли трансформатор подстанцияларида учта бир фазали трансформаторлар ёрдамида трансформацияланади. Бу бир фазали трансформаторларнинг уч фазали группага уланиш қоидалари илгари 6-2, 6-3-§ ларда кўриб ўтилган эди. Бироқ, тақсимловчи подстанцияларда кўпинча маҳсус уч фазали стерженли трансформаторлар ишлатилади, бундай қурилмаларнинг уч фазали группага қараганда нархи арzonроқ.

Уч фазали трансформаторнинг тузилиши 9-11- расмда кўрсатилган. Ўзакни йиғишида варақларининг жойлашиши 9-12- расмда, стерженларнинг кесими эса 9-4- расмда берилган.


Хар бир стерженда бир фаза чулғамлари жойлашади. Чулғамлар концентрик жойлашади, бунда паст кучланиш чулғамлари стерженга яқинроқ бўлади. 9-11- расмда чулғамлар шартли равиша стерженлар ўқи бўйлаб бир-биридан силжитйлган ҳолда кўрсатилган. Бирламчи чулғамлар ҳам, иккиламчи чулғамлар ҳам юлдуз (Y) ёки учбурчак (Δ) шаклида уланиши мумкин. Бироқ, ГОСТ га кўра фақат уч хил схемада: юлдуз — ноли чиқарилган юлдуз (Y/Y_0), юлдуз — учбурчак — (Y/Δ) ва нолли юлдуз — учбурчак (Y_0/Δ) схемалари дагина улаш мумкин. Бу белгилашлардаги сурат юқори кучланиш ЮК чулғамларининг, махраждагиси эса паст кучланиш ПК чулғамларининг уланишини кўрсатади.

Уч фазали трансформаторларда бирламчи ва иккиламчи чулғамларни юлдуз ёки учбурчак шаклида улашда чулғамларнинг магнитли боғланганинги назарда тутиш керак (9-11- расм): Φ_A оқим



9-11- расм. Уч фазали трансформатор:

1 — магнитопровод; 2 — юқори кучланиш чулғами; 3 — паст кучланиш чулғами.



9-12- расм. Уч фазали трансформатор пўлат варақларини йиғиши.

B ва C стерженлар орқали Φ_B оқим A ва C стерженлар орқали ва Φ_C оқим A ва B стерженлар орқали туташади. Чулғамлардаги магнитловчи токлар, масалан, AX , BY , CZ ҳамма вақт 9-13- расмда кўрсатилганидек, фаза бўйича силжиган. Стерженларнинг токлар билан мос тушувчи Φ_A , Φ_B , Φ_C оқимлари вақтнинг ҳар бир моментида

$$\bar{\Phi}_A + \bar{\Phi}_B + \bar{\Phi}_C = 0 \quad (9-11)$$

йиғиндини берishi равишан.


Жумладан, вақтнинг бир моменти учун 9-13- расмда $\bar{\Phi}_A + \bar{\Phi}_B + \bar{\Phi}_C = -0,5\bar{\Phi}_{BM} + \bar{\Phi}_{BM} - 0,5\bar{\Phi}_{BM} = 0$. Бу шартга, масалан, фақат X , Y , Z охирги учлар ёки A , B , C , бош учлар юлдуз шаклида уланганда амал қилинади. Агар X , B , Z тутқизлар битта қилиб уланганда (9-11) шартга амал қилинмайди. Шундай қилиб, юлдуз ёки учбурчак шаклда улашда чулғам учларини ва охирларини номлаш ўз-ўзидан зарур бўлиб қолади, ҳолбуки, магнитли боғланмаган чулғамларда бундай зарурият йўқ.

Агар трансформаторга устидан қаралса (9-11- расм), чулғамлар соат стрелкаси бўйича (ўнгга) ўралганини кўриш мумкин. Бундай ўраш ўнг ўраш дейилади (ча п ўраш ҳам бўлади). Бу ҳолда


сим.тарнинг юқори учларини бошланиш A , B , C деб, пасткиларини охирги X , Y , Z лар деб олиш керак; ёки аксинча қилиш мумкин. Айтилганлар иккиласми чулғамга ҳам тааллуқли. 9-11-расмда кўрсатилган чулғамларнинг уланиши учун фаза э. ю. к. лари юлдузи 9-14-расмда кўрсатилган. x , b , z тутқичларни бирга улаш мумкин эмас, чунки бу ҳолда E_b э. ю. к. вектори 180° га бурилади ва a , c тутқичлар орасидаги кучланиш линия кучланиши бўлиб, au ва su тутқичлар орасидаги кучланиш эса фаза кучланиши бўлиб қолади.

Трансформатор шчитогида чулғамларни улаш схемасининг белгисидан кейин Y/Y_0-12 , $Y/\Delta-11$, $Y_0/\Delta-11$ сингари рақамлар туради. Бу рақам шартли равишда трансформаторнинг уланиш групласини белгилайди. Группа паст кучланиш чулғами линия э. ю. к. ининг юқори кучланиш чулғами линия э. ю. к. ига нисбатан бурчак силжишини соат стрелкаси йўналишида кўрсатади. 30° бурчак бирлик қилиб олинган. Шундай қилиб, 12 группада силжиш 360° га, 11 группада эса силжиш 330° га тенг. Трансформаторларни параллел улаб ишлатишда группани билиш шарт.


9-11-расмда кўрсатилган трансформаторнинг уланиш групласини аниқлайлик. Агар p_2 рубильник узуқ бўлганда p_1 рубильник уланса, A , B , C тутқичларнинг потенциаллар диаграммаси 9-15-расмда кўрсатилгандек тасвирланади (A , B , C нуқталар) A ва a электр тутқичларни улайлик. У ҳолда A ва a нуқталар диаграммада тенг потенциаллар нуқталар бўлиб устма-уст тушади. Барча чулғамлар ўнг, демак, барча фазаларда иккиласми э. ю. к. лар бирламчи э. ю. к. лар билан устма-уст тушади. Шунинг учун a нуқтадан E_a векторни E_A вектор билан фаза бўйича қўйиб, диаграммада иккиласми чулғам ноль нуқтасининг потенциалини топамиз (0 нуқта). U_b ва U_c векторларни U_B ва U_C векторлар билан фаза бўйича қўйиб, иккиласми э. ю. к. ларнинг юлдузини ҳосил қиласиз. Диаграммадан иккиласми линия кучланиши U_{ab} нинг бирламчи линия кучланиши U_{AB}



9-13-расм. Уч фазали трансформатор оқимларининг вектор диаграммаси.



9-14-расм. Иккиласми чулғам фаза э. ю. к. ларининг юлдузи.




9-15-расм. Улаш групласини аниқлашдаги потенциал диаграммаси.

га нисбатан силжиши нолга ёки 360° га тенг эканини кўриш мумкин. Бунинг уланиш группаси ўн иккинчи бўлади, чунки $360:30=12$.

9-6. ТРАНСФОРМАТОРЛарНИНГ ПАРАЛЛЕЛ ИШЛАШИ

Истеъмолчиларни энергия билан узлуксиз таъминлаш, шунингдек, трансформаторларни ремонт қилиш имконига эга бўлиш учун трансформаторларни параллел улаб ишлатиш зарурати туғилади. Трансформаторларнинг бирламчи чулғамлари унга ток келтирувчи



9-16- расм. Трансформаторларни параллел ишлаташга улаш.

ган ва чулғамларда номинал токни таъминлайдиган u_k пасайган кучланиш қисқа туташув кучланиши ишлайди. Қисқа туташув кучланиши одатда номинал кучланиш U_{1n} нинг $(5 - 10)\%$ ини ташкил қиласди. Қисқа туташув кучланиши u_k уланаётган трансформаторлар учун ўзининг ўртача қийматидан $\pm 10\%$ дан ортиққа фарқ қилмаслиги керак.

Бу параллел уланаётган трансформаторларда нагрузка ўзаро уларнинг номинал қувватларига пропорционал равища тақсимланадан келиб чиқади. Трансформаторларнинг э. ю. к катталигига, масалан, ўзгармас ток генераторларида қилинганидек, таъсир қилиб бўлмайди. Қисқа туташув кучланишлари тенг ($u_{kI} = u_{kII}$) бўл-

бир умумий шиналарга, иккиласми чулғамлари энергияни истеъмолчиларга тақсимловчи бошқа умумий шиналарга уланиши уларнинг параллел уланиши дейилди. Икки трансформаторни параллел улаш схемаси 9-16-расмда кўрсатилган.

Трансформаторларни параллел улаш ва ишлатиш учун қуйидагилар бўлиши зарур:

1. Бирламчи чулғамлар бир умумий шиналарга, иккиласми чулғамлар бошқа умумий шиналарга уланиши сабабли, табиики, трансформаторларнинг номинал кучланишлари тенг бўлиши керак. Трансформаторларнинг трансформация коэффициентларидағи фарқ $0,5\%$ дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

2. Трансформаторларнинг қисқа гуташув кучланишлари $u_{kI} = u_{kII}$ тенг бўлиши керак, бунда I ва II индекслар трансформаторнинг номерини кўрсатади. Трансформаторнинг бир чулғами қисқа туташган ҳолда иккинчи чулғамига берилади.

ганды, күчланиш тушишининг нисбий каттаиклари барча нагрузкаларда тенг бўлади, яъни

$$\left(\frac{I_1 z_1}{U_{1H}}\right)_1 + \left(\frac{I_2 z_2}{U_{2H}}\right)_1 = \left(\frac{I_1 z_1}{U_{1H}}\right)_{II} + \left(\frac{I_2 z_2}{U_{2H}}\right)_{II},$$


трансформаторларнинг токлари эса уларнинг номинал қувватларига пропорционал бўлади:

$$\frac{I_1}{I_2} = \frac{P_{HII}}{P_{HII}}. \quad (9-12)$$


9-17-расмда икки трансформаторнинг ташқи характеристикалари кўрсатилган. Агар $u_{kI} = u_{kII}$ бўлса, трансформаторларнинг номинал қувватлари тенг бўлганда, токлар ҳамма вақт тенг бўлади, чунки ташқи характеристикалар устма-уст тушади (I_1 эгри чизик). Агар $u_{kII} > u_{kI}$ бўлса, у ҳолда иккинчи трансформаторнинг ташқи характеристикини пастроқдан кетади (2 эгри чизик) ва биринчи трансформаторнинг нагрузкаси ортиб кетади, иккичисида эса нагрузка етарли бўлмайди ($I_1 > I_{II}$).

3. Трансформаторларнинг уланиш группалари бир хил бўлиши керак. Агар бир трансформаторнинг группаси 12 , бошқасиники 11 бўлса, бу трансформаторларни параллел улаб бўлмайди, чунки бирламчи U_1 күчланишлар фаза бўйича устма-уст тушгани ҳолда (9-18-расм), иккиламчи U_2 күчланишлар устма-уст тушмайди.

Параллел ишлатиш учун трансформаторлар қуидагича уланади (9-16-расм). № 1 трансформаторнинг 1 ва 2 рубильниклари уланади. Бунда № 2 трансформаторнинг 4 рубильниги пастки тутқичларининг потенциаллари № 1 трансформаторнинг иккиламчи чулгами күчланишлари, яъни U_{a1}, U_{b1}, U_{c1} лар билан берилган бўлади. № 2 трансформаторнинг 3 рубильниги уланганда 4 рубильникнинг юқори тутқичлари потенциаллари U_{a2}, U_{b2}, U_{c2} күчланишлар билан аниқланади. Агар 4 рубильникнинг $a_1 - a_2, b_1 - b_2$ ва $c_1 - c_2$ нуқталари орасидаги потенциаллар фарқи нолга тенг бўлса, бу трансформаторларни параллел улаш мумкин. Буни 4 рубильникнинг иккита мос тутқичини сим билан (масалан, c_1 ва c_2) туташтириб, вольтметр билан текшириш мумкин. Агар вольтметри $a_1 - a_2$ ва



9-17-расм. Параллел ишлатётган трансформаторларда нагрузканинг тақсимланиши.




9-18-расм. Турли улаш группаларида иккиламчи күчланишлар вектор диаграммаси.

$b_1 - b_2$ тутқичларга уланганда потенциаллар фарқи нолга тенг бўлмаса, трансформаторларнинг турли группаларга мансублиги ёки шиналарга мос бўлмаган тутқичлар уланганлиги сабабли уларни параллел ишлашга улаб бўлмайди.


Подстанцияларда трансформаторларни параллел улаш масъулиятли операция бўлиб, маҳсус инструкцияларга риоя қилган ҳолда бажарилади.

9-7. ТРАНСФОРМАТОРЛАР КУЧЛАНИШИНИ РОСТЛАШ

9-19-расмда бири энергия берувчи линиянинг бошига (№ 1), иккинчиси линиянинг охирига (№ 2) уланган икки трансформатор кўрсатилган. Линияда кучланиш тушиши туфайли № 2 трансформаторнинг бирламчи кучланиши номинал кучланишдан паст бўлиши мумкин, демак, иккиласми кучланиш ҳам пасайган бўлади. Бунда одатда № 2 трансформаторнинг бирламчи кучланишини $\pm 5\%$ U_n миқдорида ростлашга тўғри келади.



9-19- расм. Трансформаторларни (тармоқка) улаш схемаси.




9-20- расм. Трансформатор чулғамига тармоқларнинг жойлашиши.

Бунинг учун юқори кучланиш чулғамида, 9-20-расмда кўрсатилганидек, тармоқлаш керак бўлади. A_2 , B_2 , C_2 тармоқланишлар бирламчи чулғамининг номинал кучланишига мос келади. Агар бирламчи кучланиш пасайган бўлса, бу трансформаторни линияга A_3 , B_3 , C_3 тутқичлари билан уланади. Бунда трансформация коэффициенти камаяди, иккиласми кучланиш эса ортади.

Бунда трансформатор унинг бакига қурилган ва дастаси ташқарига чиқиб турадиган маҳсус переключатель ёрдамида уланади. Улаб бўлгунга қадар иккиласми тармоқ узиб қўйилган бўлиши керак. Нагрузка бўлганида кучланишни ростлаш учун эса маҳсус қурилмалардан фойдаланилади.

9-8. КҮП ЧУЛҒАМЛИ ТРАНСФОРМАТОРЛАР

Күп чулғамли трансформаторнинг магнитопроводида уч ёки ундан ортиқ сондаги чулғами бўлади. Электр подстанцияларида кўпинча 10,5 кв кучланишни иккита — 121 ва 38,5 кв кучланишга трансформациялашга тўғри келади. Бу ҳолда кўрсатилган номинал кучланишларга мос уч чулғамли трансформатордан фойдаланилади. 121/10,5 кв ва 38,5/10,5 кв ли иккита алоҳида трансформатордан



9-21- расм. Автотрансформаторлар:

a, a' — бир фазали; *b* — уч фазали.

уч чулғамли битта трансформатор фойдалироқ экани табиий, албаттат. Уч чулғамли уч фазали трансформаторлар 5 600 ква дан 60 000 ква гача мўлжаллаб қурилади.

Маишӣ радиоқурилмалар (радиоприёмниклар, телевизорлар, магнитофонлар ва шу сингариллар) ни энергия билан таъминловчи кўп чулғамли трансформаторларнинг 127 ёки 220 в кучланишга улаш мумкин бўлган битта бирламчи чулғами ва анод занжири, чўғланиш, сигнал ва бошқа занжирларни таъминлаш учун бир неча иккиламчи чулғами бўлади.

9-9. АВТОТРАНСФОРМАТОРЛАР

Паст кучланиш чулғами юқори кучланиш чулғамининг бир қисми бўлган трансформатор автотрансформатор дейилади (9-21-расм). Бу қисм бошқача кесимли симдан ўралади, ёки I_1 ва I_2 токларнинг фарқи катта бўлмаса, бир хил кесимли симдан ўрала-веради. Трансформация коэффициенти бирга яқин бўлганда автотрансформатор икки чулғамли трансформаторга қараганда фойдалироқ.


Автотрансформатор қўйидагича тузилган. Ax чулғамга берилган $U_1 = U_{Ax}$ бирламчи кучланиш ω_1 чулғамнинг барча ўрамларига бир текис тақсимланади. Шундай қилиб, бир ўрамнинг кучланиши U_1/ω_1 . Иккиласмчи $U_2 = U_{ax}$ кучланиш ўрам кучланиши билан ax чулғамдаги ω_2 ўрамлар сонини кўпайтириш билан ҳосил қилинади, яъни

$$U_2 = \frac{U_1 \omega_2}{\omega} .$$

Автотрансформатор пасайтирувчи, аммо, агар aX тутқичларга номинал кучланиш берилса, у ҳолда $A\bar{X}$ тутқичларда $U_2 > U_1$ иккиласи кучланиш ҳосил бўлади ва автотрансформатор кучайтирувчи бўлади.

Автотрансформаторлар театрларда ёруғлик кучини ростлаб туриш, ўзгарувчан ток двигателларини ишга тушириб юбориш, симболи тўғрилагичларни энергия билан таъминлашда, шунингдек, турмушда ва лаборатория тажрибаларида ишлатилади.

Тегишлича мослаб ясалганда автотрансформаторлар кенг



9-22-расм. Ўлчаш трансформаторлари ва асбобларни улаш.



9-23-расм. Кучланиши ўлчаш трансформатори.

чегараларда кучланишни бир текис ростлашга имкон беради. Бундай автотрансформатор схемаси 9-21-в расмда кўрсатилган у 127 ва 220 в кучланишли тармоққа уланиши мумкин. x тутқич контактли ролик бўлиб, у чулғам ўрамларининг изоляциядан тозаланган томонида думалаши мумкин. Унинг ёрдамида нолдан 1,1 U_1 гача чегарада 1 в дан кичик интервал билан иккиласи кучланиш ҳосил қилиш мумкин. Турмушда автотрансформаторлар 127 в кучланишдан 220 в кучланишга ўтиш ва радио қабул қилувчи аппаратларга энергия беришда кучланишни ростлашда ишлатилади.

Автотрансформаторларнинг умумий камчилиги — унинг чулғамлари орасида электр боғланишининг мавжудлигидир. Юқори кучланишларда трансформация коеффициенти $\kappa < 2 - 2,5$ қилиб олинади, чунки иккиласи занжир ҳам ерга нисбатан худди бирламчи занжир сингари изоляцияга эга бўлиши керак.

9-10. ЎЛЧАШ ТРАНСФОРМАТОРЛАРИ

Юқори күчланиш занжирларида ўлчаш асбоблари билан ишлатилинг хавфсиз бўлиши, шунингдек, бу асбобларнинг ўлчаш чегараларини ошириш зарур бўлган жойларда маҳсус ўлчаш трансформаторлари ишлатилади.

9-22-расмда электр ўлчаш асбобларининг ўлчаш трансформаторлари билан улаш схемаси кўрсатилган. Ваттметрлар, счётиклар, вольтметрлар ва бошқа асбобларнинг ҳамма параллел ўлчаш занжирлари күчланиш трансформатори 1 нинг иккиламчи чулғамига уланади, унинг бирламчи чулғами энергия тармоғига уланган. Күчланиш трансформатори ҳам аввал кўрилган куч трансформаторларига ўхшашиб ишлади. Унинг иккиламчи чулғами 100 в га мўлжалланган. Трансформаторни унинг номинал қувватидан ортиқ нагруззкалаш мумкин эмас, чунки унинг трансформация коэффициенти $k_U = U_1 : U_2 = \omega_1 : \omega_2$ шартдагина доимий бўлиб қолади. У вақтда бирламчи күчланиш

$$U_1 = k_U U_2 \quad (9-13)$$

хатосиз ўлчанади. Күчланиш трансформаторининг ташқи кўриниши 9-23-расмда кўрсатилган.


Ток трансформаторининг бирламчи чулғами 9-24-расмда (1) амперметр сингари линия кесимига уланади ва ўрамлари сони кам, баъзида бир-икки ўрам ёки шинопроводнинг бир қисми бўлади (9-24-расм). Унинг иккиламчи чулғамида (9-22-расмда, 2) ўрамлари сони кўп бўлади ва у 5 амперга мўлжалланган бўлиб, ваттметрлар, счётиклар, амперметрлар ва бошқа асбобларнинг ток чулғамларига кетма-кет уланади. Аввал аниқланганидек (9-8-формула), трансформация коэффициенти

$$k_1 = \frac{I_1}{I_2} \approx \frac{\omega_2}{\omega_1}.$$

Агар уловчи симлар ва уланган ўлчаш асбоблари чулғамларининг қаршилиги, трансформатор учун йўл қўйилган миқдордан юқори бўлмаса, $k = \text{const}$ бўлади. У вақтда

$$I_1 = k_1 I_2. \quad (9-14)$$

Ҳамма вақт ўлчаш трансформаторлари билан биргаликда ишлатишга мўлжалланган асбобларнинг (у асбобларга ёзib қўйилган бўлади) шкаласида токнинг, күчланишининг, қувватнинг ва бошқа катталикларнинг бирламчи занжирдаги қийматлари кўрсатилган бўлади. Ўлчаш трансформаторлари юқори күч-



9-24-расм. Ток ўлчаш трансформатори.

ланиш занжирига уланганда, чулғамлар изоляцияси шикастланганда хавфсиз бўлиши учун уларнинг иккиламчи чулғамлари ва филофи ерга улаб қўйилади (9-22- расмда, 3). Қисқа туташувлардан сақлаш учун кучланиш трансформатори сақлагичлар билан ҳимояланади. Ток трансформатори занжирида, аксинча, қуйидаги сабабларга кўра

сақлагичлар қўйиб бўлмайди. Трансформаторнинг магнитловчи кучи F_c жуда кичик (9-8- расм), бирламчи чулғамнинг магнитловчи кучи F_1 эса у истеъмолчига кетма-кет уланганлигидан, бирламчи занжирнинг токи ўзгармаганда, ўзгармайди ва иккиламчи чулғамнинг магнитловчи



9-25- расм. Ўлчаш омбўрлари.

кучи F_2 га боғлиқ бўлмайди. Иккиламчи занжирнинг қаршилиги ортиб I_2 ток камайтанида, F_2 камаяди, F_c эса ортади. Агар иккиламчи занжир узилса, F_2 нолга айланади, F_c эса F_1 катталиkkacha ортади. Трансформаторнинг магнит оқими ва у билан бирга иккиламчи чулғамнинг E_2 э. ю. к. йўл қўйиб бўлмайдиган дараҷада ортиб кетади, натижада трансформатор ўзаги ўта қизиб кетиши, чулғам изоляцияси тешилиб, трансформатор билан ишлаётган кишиларга токнинг шикаст етказиш хавфи туғилиши мумкин.

9-25- расмда ўлчаш қисқичлари кўрсатилган. Бу очилувчан ўзакли ва иккиламчи чулғамига амперметр уланган ток трансформаторидир. Ўлчанаётган ток ўтаётган сим унинг бирламчи чулғами бўлиб хизмат қиласди.

9-11. ЭНЕРГИЯНИНГ ТРАНСФОРМАТОРДАГИ ИСРОФЛАРИ ВА УЛАРНИ АНИКЛАШ

Трансформаторга бирламчи деб аталган $P_1 = U \cdot I \cdot \cos \varphi_1$ қувват берилади. Трансформатордан истеъмолчига иккиламчи деб аталган $P_2 = U_2 I_2 \cos \varphi_2$ қувват олинади. Уч фазали токда мос равишида $P_1 = \sqrt{3} U_1 I_1 \cos \varphi_1$ ва $P_2 = \sqrt{3} U_2 I_2 \cos \varphi_2$ лар бирламчи ва иккиламчи қувват бўлади. Трансформаторнинг ўзида қувват исрофи $P_1 - P_2$ га teng эканлиги равшан. Трансформаторда айланувчи қисмлар йўқ, шу сабабли қувват фақат чулғамларни қиздиришга P_q ва магнитопровод пўлатини қиздиришга $P_{пўл}$ исроф бўлади.

Чулғамларда қувват исрофи фақат I_1 ва I_2 токларга боғлиқ ва $P_q = I_1^2 r_1 + I_2^2 r_2$ га тенг, бунда r_1 ва r_2 чулғамларнинг актив қаршиликлари. Бу исрофларни трансформаторни қисқа туташтириш тажрибасида осонгина аниқлаш мумкин. Бунинг учун чулғамлардан бири кичик қаршиликли сим воситасида қисқа туташтирилади, бошқасига иккала ҳам (I_{1n} , I_{2n}) номинал токлар барқарор бўладиган, пасайтирилган $U_{q,t}$ кучланиш берилади ва тармоқдан $P_{q,n}$ қувват бераб турилади. Маълумки, бу пасайтирилган кучланиш қисқа туташув кучланиши дейилади ва бу кучланиш ҳамма вақт трансформатор шчитогида кўрсатилган бўлади. Асбобнинг ўзида ва уловчи контактларда энергия қўшимча исрофи бўлмаслиги учун иккиласмчи занжирга амперметр уланмайди.

$U_{q,t}$ (5 — 10) % U_{1n} дан ошмаганлигидан қисқа туташув вақтидаги индукция, бинобарин, пўлатдаги исрофлар $P_{pul. q. t.}$ жуда кичик ва улар назарга олинмайди. У ҳолда чулғамлардаги исрофлар қўйидагича:

$$P_{q,n} = P_{q,n} + P_{pul. q. t.} \approx P_{q,n}, \quad (9-15)$$

бунда $P_{q,n}$ номинал токларда чулғамлардаги исрофлар.

Пўлатдаги исрофлар трансформаторни салт ишлатиш тажрибасида аниқланади. Частота доимий бўлганда улар фақат пўлатдаги магнит индукциянинг максимал қўйматига боғлиқ бўлади. Агар бирламчи кучланиш ўзгармас бўлса, $B_m = \text{const}$ ва пўлатдаги исрофлар салт ишлашда ҳам, нагрузка билан ишлашда ҳам бир хил. Трансформаторни иккиласмчи чулғами узилган ҳолда U_{1n} номинал кучланишга уланади (вольтметр олиб қўйилади). Бирламчи чулғамдаги I_c ток жуда кичик, I_s ток эса 0. Шунинг учун тажрибада чулғамлардаги $P_{q,c}$ исрофни ҳисобга олмаслик мумкин.

У ҳолда

$$P_c = P_{pul.} + P_{q,c} \approx P_{pul.} \quad (9-16)$$

Электр ўлчаш асбобларини улаш схемаси 9-6-расмда кўрсатилган. Салт ишлаш тажрибасида амперметр ва ваттметрнинг кетма-кет уланган чулғамини шунтловчи p_3 рубильник p_1 рубильникудан аввал туташтирилиши керак, чунки улаш вақтида токнинг катталиги (6 — 8) I_n гача ортиб кетиши мумкин. p_3 рубильникни p_1 рубильник улангандан кейин узиб қўйилади.

Бу тажрибалар билан I_{1n} , I_{2n} номинал токларда ва U_{1n} кучланишда ишлаётган трансформатордаги исрофлар аниқланади:

$$\sum P = P_{q,n} + P_{pul.} \quad (9-17)$$

9-12. ТРАНСФОРМАТОРНИНГ ФОЙДАЛИ ИШ КОЭФФИЦИЕНТИ

Трансформатор берәётган P_2 қувватнинг у олаётган P_1 қувватга нисбати трансформаторнинг фойдали иш коэффициенти η дейилади. Бу нисбат актив қувват бирликларида, яъни ватт ёки киловаттларда ифодаланади.


Трансформатор учун

$$\eta = \frac{P_2}{P_1} \cdot 100 \% = \frac{P_2}{P_2 + P_{\text{пұл.}} + P_q} \cdot 100 \% . \quad (9-18)$$

Пұлатда бўладиган истрофлар доимий, чулғамларда бўладиган истрофлар эса ток квадратига ёки иккиламчи қувват S_2 нынг квадратига пропорционал бўлади. Айтайлик, $S_2 : S_{2H} = k_{H2}$, яъни трансформаторнинг нагрузка коэффициентига тенг бўлсин. У ҳолда $P_{\text{пұл.}}$ ва $P_{q,n}$ ни билган ҳолда трансформаторнинг ихтиёрий нагрузкаси учун фойдали иш коэффициентини ҳисоблаш мумкин:

$$\eta = \frac{P_2}{P_1} = \frac{k_{H2} \cdot S_{2H} \cos \varphi_2}{k_{H2} \cdot S_{2H} \cos \varphi_2 + P_{\text{пұл.}} + k_{H2}^2 P_{q,n}} . \quad (9-19)$$

Бу формулага асосан ҳисобланган фойдали иш коэффициентининг иккиламчи қувватга боғлиқлиги 9-26-расмда кўрсатилган.



9-26-расм. Трансформатор фойдали иш коэффициентининг иккиламчи қувватга боғланиши графиги.

Аввал (9-1-§) кўрсатиб ўтилганидек, трансформаторнинг фойдали иш коэффициенти жуда юқори. Чулғамлардаги истрофлар пұлатдаги истрофга тенг бўлгандағи нагрузкада ф. и. к. ўзининг максимал қийматига эришади. Тежамкорлик мулоҳазаларига кўра, ҳисоблаш вақтида бу нагрузкани номинал нагрузқадан кичик қилиб белгиланади. Трансформатор учун каталогларда берилган маълумотларни $P_c = P_{\text{пұл.}}$ ва $P_{q,n} = P_{k,n}$ деб олинса, бу нагрузкани осонгина ҳисоблаш мумкин. У ҳолда

$$P_c = k_{Hr}^2 P_k \text{ ёки } k_{Hr} = \sqrt{\frac{P_c}{P_k}} . \quad (9-20)$$

Мисол. Қуввати $P_n = 560 \text{ кеа}$, кучланиши 35 ва $10,5 \text{ ке}$ бўлган трансформаторнинг номинал кучланишида салт ишлашдаги истрофи 3350 атм ва номинал токларда қисқа туташувдаги истрофи 9400 атм . Трансформаторнинг фойдали иш коэффициенти энг катта бўладиган нагрузкани топинг.

$$k_{Hr} = \sqrt{\frac{3350}{9400}} = 0,579 \text{ номинал.}$$


9-13. ТРАНСФОРМАТОРЛАРНИНГ ҚИЗИШИ ВА УЛАРНИ СОВИТИШ

Трансформатор ишлаганида унинг чулғамларида ва пўлатида ажраладиган иссиқлик туфайли қизииди ва изоляцияси эскиради, шунинг учун бу иссиқликни атрофдаги мухиттага чиқариб юбориш керак. Йўл қўйиладиган температура атрофига ҳаво температураси 35°C бўлганда: чулғамлар учун 105°C , ўзакнинг сиртлари учун 110°C ва мойнинг юқори қатламлари учун 95°C белгиланган.

Ҳаво билан совитиладиган ва мой билан совитиладиган трансформаторлар бўлади. Катта қувватли трансформаторлар одатда мой билан совитилади. Мой чулғамларни яхши совитади ва изоляцияни ҳавонинг зарарли таъсиридан сақлайди. Бунинг учун трансформатор минерал мой солинган пўлат бакка жойлаштирилади. Қуввати унча катта бўлмаган ($20 - 30$ ква) трансформаторларда бак текис қилинади. Катта қувватли трансформаторларда эса бак трубали қилиб ясалади ва бу билан совитиладиган сирт ортирилади (9-27). Чулғамларнинг чиқишилари бак қопқоғидаги ўтиш изоляторлари орқали чиқариб қўйилади. Жуда катта қувватли трансформаторларда радиаторли баклар ишлатилади.

Қувват 100 ква дан катта бўлганда, 6300 в дан катта кучланишлар ва қувват кичик бўлганда ҳам бак мой кенгайтиргич билан тъминланади (9-27-расмдаги 1). Бу бак билан труба орқали уланган резервуардир. Трансформатор қизигандаги мой сатҳи кўтарилади ва совиганда пасаяди. Унинг сифими трансформаторнинг ҳар қандай нагрузкасида ва атрофдаги ҳаво температураси — 35° дан $+ 35^{\circ}$ га ўзгарганида ҳам бакда мой бўладиган қилиб ясалган. Мой сатҳи мой кўрсаткич орқали кузатилади. Мой кенгайтиргич мой билан ҳавонинг бир-бирига тегиб туришини камайтиради ва мойнинг ифлосланишини ва намланишини камайтиради.

$S \geq 1000$ ква бўлган трансформаторларда 2 чиқариш трубаси ҳам бўлади. Бу бакка уланган ва усти ойна мембрана билан бекитилган пўлат трубадир. Трансформаторнинг авария ҳолатида мойнинг буғланишидан ҳосил бўлган газлар мембрранани босади ва ундан чиқиб, трансформаторни ёрилиб кетишидан сақлайди.




9-27- расм. Найсимон бакли трансформаторнинг ташқи кўрининши.

9-14. ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЛАШДА ИШЛАТИЛАДИГАН ТРАНСФОРМАТОРЛАР

Электр пайвандлашда ишлатиладиган трансформаторлар маҳсус аппаратлар бўлиб, улар пайвандлаш билан бирга электр ёйи билан кесиш ва эритишида ҳам ишлатилади. Улар узлукли режимда иш-

лайди; тұла ишлаш цикли (пайванд + пауза) 5 мин ва пайвандлаш муддати $PM = 60 - 100\%$. Бу трансформаторларда: иккиламчи тутқичлардаги кучланиш осонгина ёй ҳосил қиласы да одаларнинг ишлаши учун хавфсиз, нагрузка берилгандан кучланиш пайванд токини деярли ўзгартирумайдиган (ташқи характеристика тик бўлиши керак 8-21- § га қаранг) қилиб ясалади, қисқа тулашув вактидаги ток ишчи токнинг 20 — 40% идан ортмайди, пайванд токини эса осонгина ростлаш мумкин. Бу трансформаторлар бир фазали, қуруқ, табиий ҳаво билан совитиладиган қилиб ясалади.

Уларни ясаш шаклларидан бири 9-28 а расмда күрсатилган. Бирламчи 1 чулғам $U_1 = 220$ ёки 380 в га (керак бўлганда эса 500 в га) мўлжалланган. Алоҳида реактив ғалтак 3 билан кетма-кет уланган иккиламчи чулғам 2 салт юришда $U_{2c} = -70$ в ва нагрузка бўлганда $U_2 = 30$ в кучланишга эга бўлади. Пайвандлаётган буюм 4 ва электрод 5 орасидаги пайванд токи ғалтак 3 нинг ҳаво зазори 6 ни ўзгартириш билан ростланади. Бир корпусли қилиб ясалган трансформаторларда (9-28 б расм) реактив ғалтак 3 ва иккиламчи чулғам 2 умумий магнитопровод орқали магнитли боғланган. Магнитопровод 7 нинг қўзгалувчан қисми ҳар иккала ясалишда ҳам маҳсус даста ёрдамида ҳаракатланиши мумкин.




9-28- расм. Электр ёйи билан пайвандлаш трансформатори.

Трансформаторлар вазифасига кўра: қўл билан пайвандлаш, флюс билан автоматик пайвандлаш, электр шлакли ва ҳимоя газлари билан пайвандлаш трансформаторларига бўлинади. Улардаги токларга кўра: $100 - 150$ а гача, $350 - 380$ а гача ва $2000 - 2500$ а гача токларда ишловчи трансформаторларга бўлинади. Трансформаторларнинг фойдали иш коэффициентлари $83 - 90\%$ га, $\cos \varphi$ эса $0,52 - 0,62$ га тенг.

9-15. ГАЗ ЁРУҒЛИК ТРАНСФОРМАТОРЛАРИ

Газ ёруғлик трансформаторлари қозон қурилмаларидағи ёкишни автоматлаш схемаларида, биқсими разрядли газ-ёруғлик найларини, реклама қурилмалари ва ёруғлик сигналлари ёзувларини ток билан таъминлаш занжирларида ишлатилади.

Трансформаторнинг филофсиз ташқи кўриниши (а) ва унинг уланиш схемаси 9-29-расмда (б) тасвирланган. Магнитопровод 1 тўғри тўртбурчак шаклида; юқори кучланиш чулғами 2 каркасиз ва икки ғалтакдан иборат бўлиб, магнитопровод орқали ерга уланган; трансформаторнинг салт ишлашида унинг кучланиши 10 кв, нагруззка бўлганда эса 6 кв. Паст кучланиши (бирламчи) чулғами 3 каркасга ўралган 127 ва 220 в га мўлжалланган икки қисмдан иборат. Трансформаторнинг ташқи характеристикиси тик пасаювчи ва у туташувга яқин режимда ишлади. Қисқа туташув токи трансформаторда магнит сочилишини кўпайтирувчи магнит шунт 4 лар воситасида чекланади. Шунтлар магнитопровод



9-29- расм. Газ-ёруғлик трансформатори.

дарchasига жойлаширилган тўртта пўлат пакетдан иборат. Конденсатор 5 қувват коэффициентини орттиришга мўлжалланган.

9-16. ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ. БИР ФАЗАЛИ ТРАНСФОРМАТОР

Ишни бажаришдан аввал 9-3, 9-4, 9-11, 9-12- § ларнинг мазмунни билан танишиб чиқинг.

Ишинг тавсифи

Трансформатор 9-6-расмда кўрсатилган схема бўйича уланади. Трансформаторнинг салт ишлаш тажрибасида p_2 рубильникни узиб, p_1 рубильник туташтирилади ва I_{1c} , P_{1c} , P_{2c} ўлчанади. p_1 рубильникни улашдан аввал амперметр ва ваттметр ток занжирни кичик қаршиликли (9-6-расмда пунктир билан кўрсатилган) сим билан шутланади. Занжир улангандан кейин p_3 рубильник узилади ва ўлчашлар бажарилади. U_{1c} кучланиши трансформатор шчитогида кўрсатилган кучланишга, яъни U_{1H} га тенг бўлиши керак. P_{1c} қувват ўлчанаётганида икки-ламчи занжирдаги вольтметр ажратилган бўлиши керак.

Қисқа туташувга оид тажрибада иккиласми чулғамнинг ax тутқичларини кичик қаршиликли сим билан қисқа туташтириб кўйиш керак, бирламчи Ax чулғамга бирламчи чулғамдаги ток номинал токка тенг ($I_1=I_{1H}$) бўладиган қилиб пасайтирилган кучланиш берилади.

Иш плани

1. Трансформатор билан танишиб чиқинг ва трансформатор ҳамда ўлчаш асбобларининг асосий техник маълумотларини ёзиб олинг. Схемани йиғинг (9-6-расм) ва ўқитувчига кўрсатнинг.

2. Трансформаторни салт ишлатинг ва бирламчи ҳамда иккиламчи U_{1c} , U_{2c} кучланишларни ўлчанг. Салт ишлаш қуввати P_o ва салт ишлаш токи I_{1o} ни ўлчанг. Трансформация коэффициентини, пўлатдаги исрофни ва $\frac{I_{1c}}{I_{1n}} \cdot 100\%$ нисбатни ҳисобланг.

3. Қисқа туташувга оид тажрибани қилинг ва қисқа туташувдаги кучланиш U_{1kn} , қисқа туташувдаги қувват $P_{k.t.}$ ва бирламчи чулғамдаги $I_1 = I_{1n}$ токни ўлчанг.

4. $U_{k.t.} = U_{1k.t.}$ (U_{1n} ни, $I_1 = I_{1n}$ номинал токда) а) $\cos \varphi_2 = 1$; б) $\cos \varphi_2 = 0,8$ бўлганда трансформаторнинг фойдали иш коэффициентини ҳисобланг.


ҮНИНЧИ БОБ АСИНХРОН ЭЛЕКТР ДВИГАТЕЛЛАРИ

10-1. АСИНХРОН ЭЛЕКТР ДВИГАТЕЛЛАРИНИНГ ВАЗИФАСИ

Ҳозирги вақтда энг кўп тарқалган асинхрон электр двигателари ларининг пайдо бўлишига айланувчан магнит оқимини ҳосил қилувчи қурилмаларни яратиш имконини берган уч фазали ўзгарувчан ток системаси сабаб бўлди. Уларнинг асинхрон деб аталишининг сабаби машинанинг айланувчи қисми — ротор ҳамма вақт магнит оқими тезлигига тенг бўлмаган тезлик билан, яъни у билан синхрон бўлмаган ҳолда айланади. 127, 220, 380, 500, 600, 3000, 6000 ва 10 000 ω кучланишларда ваттнинг улушларидан то минглаб киловатт қувватга мўлжаллаб ясаладиган бу электр двигателининг конструкцияси содда, бошқа электр двигателларга қараганда ишлатишига ишончли ва арzonдир. Уни айланиш тезлигини доимий сақлаш зарур бўлмаган ҳар қандай ишларда, шунингдек, бир фазали қилиб кичик қувватларда турмушда ҳам ишлатиш мумкин. 1889 йилда М. О. Доливо-Добровольский кашф қилган уч фазали асинхрон электр двигателида унинг ўзи кашф этган уч фазали айланувчан магнит майдонидан фойдаланилган. Бундан ташқари, Дсливо-Добровольский уч фазали генератор, уч фазали трансформаторни ратди ва жаҳонда биринчи бўлиб электр энергиясини уч фазали ток ёрдамида узатишни ишлаб чиқди; юқоридаги уч фазали генератор—двигатель—трансформатор энергияни ана шундай узатишнинг ажралмас қисми бўлган.


10-2. АЙЛАНУВЧИ МАГНИТ ОҚИМИНИ ҲОСИЛ ҚИЛИШ

Үч фазали трансформаторларни баён қилишда учала стержень пульсланувчи (ўзгарувчи) магнит оқимларининг оний қийматлари йиғиндиси ҳамма вақт нолга тенг бўлиши кўрсатилган эди (9-5- §). Бунинг сабаби учала A , B , C чулғамларининг ўқлари 10-1-




10-1-расм. Уч фазали трансформатор магнит оқимларининг магнит оқим қийматларини қўшиш.

расмда кўрсатилганидек бир-бирига параллел бўлганлигидир. 10-2-расмда уч фазали ток учун a моментида токлар оний йўналишларининг диаграммаси кўрсатилган. Агар чулғамлар биргина умумий ўқ бўйлаб жойлашган бўлса ҳам шундай эффект ҳосил бўлар эди (10-3- расм).



10-2-расм. Уч фазали ток өгри чизиқлари.



10-3-расм. Бир ўқда жойлашган учта чулғам магнит оқимлари ни қўшиш.


Бироқ чулғамлар фазода ўқлар сингари 120° град бурчак остида жойлашганда ахвол анча ўзгаради. Чулғамларни пўлат цилиндрнинг ички сирти бўйлаб бундай жойлаштириш 10-4-расмда кўрсатилган. Вақтнинг a моментида чулғамлар симларидаги токлар 10-2-расмдаги диаграммада кўрсатилган ва у 10-3-расмдагига мос келади.

BY чулғамининг магнитловчи F_{BM} кучи b_y чулғамнинг ўқи бўйлаб йўналган ва $i_B = I_{BM}$ бўлгани учун максимал қийматга эга. AX


чулғамнинг F_A магнитловчи кучи ўзининг a чулғамининг ўқи бўйлаб йўналган, бироқ ток $i_A = 0,5I_{BM}$ бўлгани учун $0,5 F_{BM}$ га тенг. Худди шунингдек, $F_C = 0,5F_{BM}$ ва сх ўқи бўйлаб йўналган. Чулғамлар шундай жойлашганида йифинди магнитловчи куч ҳосил қилиши равшан:

$$F = F_A + F_C + F_{BM} = 1,5F_{BM}.$$

Агар ҳодисани даврнинг $1/6$ дан кейин кўрсак (10-2-расмдаги б нуқта), у ҳолда натижавий магнитловчи куч ўзининг қийматики сақлаган ҳолда, айлананинг $1/6$ сига, яъни 60° га бурилганини кўриш мумкин (10-5-расм).



10-4-расм. Асинхрон двигатель уч фазали чулғамининг йифинди магнит оқими.



10-5-расм. Двигателнинг б вақт моменти учун йифинди магнит оқими (10-2-расм).

Уч фазали чулғамнинг магнитловчи кучи билан бирга у ҳосил қилган Φ йифинди магнит оқими ҳам айланади. Чулғамларнинг айни шу конструкциясида оқим икки қутбли ($p = 1$) экан, бу 10-5-расмда кўрсатилган.

Токнинг бир даврида магнит оқими битта айланиси, секундига f давр ичида ёки минутига $f \cdot 60$ давр ичида икки қутбли оқим

$$n = \frac{f \cdot 60}{p} \text{ айл/мин}$$

айланиси мумкин.

Агар чулғамларни қутблар жуфти сони бирдан ортиқ ($p = 2, 3, 4, \dots$) бўладиган қилиб ясалса, $p > 1$ дан неча марта катта бўлса, магнит оқимининг айланиси тезлиги шунча марта камаяди.


Уч фазали ток уч фазали чулғамдан ўтар экан, ўзгармас тезлик билан айланувчи магнит оқими ҳосил қиласи, бу оқимнинг амплитудаси битта фаза оқимининг амплитудасидан $1,5$ марта катта бўлиб сақланади:

$$\Phi = 1,5_{\text{фаза}}. \quad (10-1)$$


Асинхрон электр двигателларида уч фазали чулғам машина құз-
ғалмас қисми — статор ингички цилиндрик сиртидаги ариқчаларга жойлаштириләди (10-6- расм). Статор 1 ташқы пұлат корпус ва унга прессланған пұлат ўзак 2 дан иборат бўлиб, пұлат ўзак-
нинг ариқчалари бор. Ўзак штампленгандан пұлат варақлардан (10-7-
расм) йигилади, бу варақлар бир-биридан махсус лак билан изоляцияланган. Расм-
да күрсатилған двигатель статорининг корпуси ташқы томондан вентилятор ёр-
дамида ҳаво билан шамоллатилади, со-
витиладиган сирт каттароқ бўлсин учун
у қирралы қилиб ясалган.

Чулғамларнинг махсус ясалиши ту-
файли (10-12- расм) айрим фазалар маг-
нит оқимлари ва уч фазали йиғинди оқим
катталиклари статорининг ҳаво зазорида
синусоидал тақсимланган.


Статор ичига машинанинг айланувчи
қисми — ротор жойлаштириләди, шу-
нинг учун чулғамнинг ариқчаларда ётма-
ган чекка қисмлари 10-4- расмда күрса-
тилгандек эмас, балки статор ўзагининг чекка қирқим қисми 2 да
(10-8- расм) жойлаштирилиши керак. Бундан ташқари, секцияларнинг
актив қисмлари ариқчаларда 10-4- расмда күрсатилгандек ёнма- ён
эмас, ўзгармас ток машинасининг якори сингари икки (пастки ва
устки) қатлам қилиб жойлаштириләди (8-9- расм). Фазаларнинг A,



10-6- расм. Асинхрон дин-
гателнинг чулғамсиз ста-
тори.



10-7- расм. Статорнинг пұлат
варағи.




10-8- расм. Статор чулғами-
нинг ариқчаларда жойлаши-
ши.

B, C бошланиш учлари фазода бири-биридан 120 эл. град суреб
(10-8- расм), уларнинг учлари эса тақсимлаш қутиси 3 га жойлаш-
тирилган (10-6- расм).

10-3. СТАТОР ЧУЛҒАМИ

Статор чулғами, ўзгармас ток машиналаридаги сингари, айрим секциялардан түзилади. Ўзгармас ток машинаси якорининг чулғамида секция ўрамлари сонини иложи борича камроқ қилишга ҳаракат қилинади. Бунга сабаб шуки, якор секцияси коммутация вақтида ажралади ва туташади ҳамда унда кераксиз ўзиндукация э. ю. к. ҳосил бўлади, бу э. ю. к. ўрамлар сони қанча кўп бўлса, шунча катта бўлади.



10-9-расм. Статор чулғами секцияси.

10-10-расм. Статор чулғамининг икки секциясини улаш.

10-11-расм. Секцияларнинг белгиланиши.

Асинхрон двигателининг коллектори бўлмайди ва ишлаш вақтида секциялар узилмайди, шунинг учун уларда ўрамлар сонини катта қилиб олиш мумкин, бу айниқса чулғамда катта э. ю. к. ҳосил қилиш учун муҳимлир.

10-9-расмда статор чулғамининг тўрт ўрамли секцияси курсатилган. Бироқ, секция ўрамлари сони катта бўлса, ариқчалар катта бўлиб кетади ва ариқчалар орасидаги ўзак сирти фойдаланилмай қолади (10-4, 10-5, 10-8-расмлар). Шунинг учун секцияларни 10-10-расмда кўрсатилгандек, қисмларга бўлиш афзаладир. Бу ҳолда ҳар бири ўз жуфт-жуфт ариқчаларига жойлаштирилган кетма-кет уланган бир неча секциядан иборат ғалтак ҳосил бўлади. Шу туфайли ариқчалар сони ортади, ариқчаларнинг кенглиги кичрайди, ўзакнинг пўлатидан эса яхшироқ фойдаланилади (10-6-расм).

Секцияларнинг барча актив томонлари ариқчаларга икки қатлам қилиб жойлаштирилади: пастки қатлам 10-10-расмда пунктир чизиқ билан, юқори қатлам эса туташ чизиқ билан кўрсатилган. Юқори ва пастки қатламларнинг, шунингдак, кўндаланг кесим томонларининг жойлашиши 10-8-расмда кўриниб турибди. Секцияларнинг барча симлари биргаликда изоляция қилинади ва келгусида секция унинг ўрамларининг сонидан қатъи назар бир ўрамли қилиб тасвирланаверади (10-11-расм).

Чулғамдан ўтаётган токнинг частотаси ўзгармас бўлганда, магнит оқимининг айланиш тезлиги, фақат статор чулғами тайёрланган қутблар жуфтининг сонига боғлиқ бўлади. Масалан, $f = 50$ гц

ва $p = 1, 2, 3, 4$ ва ҳоказо бўлганда оқимнинг айланиш тезлиги мос равиша $n_1 = 3000, 1500, 1000, 750$ айл/мин ва ҳоказо бўлади. Бундан ташқари, берилган p да ҳар бир қутбга ҳар бир фазадан бирор сондаги ариқчалар келиши равшан. Шунинг учун статор ҳамма ариқчаларининг сони қўйидагига тенг бўлиши лозим:

$$z = 2ptq, \quad (10-2)$$

бунда $2p$ —қутблар ёки қутб бўлаклари сони (қутб бўлаклари τ —деб иккита ёнма-ён ётган турли исмли қутбларнинг ўрталари орасидаги ҳамма вақт 180° ял. град га тенг бўлган масофага айтилади);

t —чулғам фазалари сони;


q —қутб ва фазага тўғри келадиган ариқчалар сони, яъни ҳар бир фазанинг ҳар бир қутб бўлагига банд бўлган ариқчалар сони.

$2p = 2, t = 3, q = 2$ бўлсин. 10-2- формулага мувофиқ статор ариқчаларининг сони 12 та бўлади. Ҳар бир ариқчада секциянинг иккита актив томони ётади, бинобарин, секциялар сони ҳам 12 та. Чулғам уч фазали бўлгани учун ҳар бир фаза тўрт секциядан иборат, бу секциялар иккитадан бўлиб кетма-кет уланган иккита ғалтак ҳосил қиласи (10-11- расм). Чулғам 10-12- расмда одатда қабул қилинганидек ёйилган ҳолда кўрсатилган, чунки энг содда схемаларни ҳам 10-8- расмдагидек диск кўринишида тасвирилаш жуда қўйин.

Айланада ёйилмасида (10-12- расм) икки қутб бўлинмаси τ нинг зоналари кўрсатилган. Ҳар бир қутб бўлинмасида ҳар бир фаза иккита ариқчани эгаллайди, яъни $q = 2$, шунинг учун алоҳида фазаларга тегишли ариқчаларни белгилаш осон. Агар иҳтиёрий равища ариқча 1, 2 лар A фазага тегишли деб олинса, у ҳолда худди шу фазанинг келгуси икки ариқчаси иккинчи қутб бўлинмасида бўлиши, яъни 180° ял. град га сурилган бўлади. Бу 7, 8 ариқчалар бўлади. Белгилар секциялар актив томонларининг юқори қатламига қўйилади.

Ғалтакларга уланган 1, 2 ва 7, 8 секцияларнинг э. ю. к. лари қўшилиши керак бўлгани учун улар 10-10- ва 10-11- расмда кўрсатилганидек қилиб уланади. Энди бу икки ғалтак A фазанинг чулғамига уланиши керак. Бироқ, ғалтаклар турли қутб бўлинмаларига жойлаштирилган, бинобарин, уларнинг э. ю. к. лари фаза жиҳатидан 180° га сурилган. Шундай қилиб, фазанинг

$$e_A = e_1 + e_2 + (-e_7 - e_8)$$




10-12- расм. Статор икки қатламли чулғамининг ёйилмаси.

Э. Ю. К. ни топиш учун фалтакнинг охири 1, 2 ни фалтакнинг охири 7, 8 га улаш керак. 10-12-расмда шундай қилинган. Агар А фазанинг учи деб 1 ариқчадан чиққан сим олинса, фазанинг X охири ариқча 7 дан чиқади.

В фазанинг боши ариқча 5 да, яъни А фазанинг бошланишига нисбатан $2/3$ τ га, ёки 120 эл. град га сурилган бўлади. ВY фазага 5, 6 ва 11, 12 ариқчалар тегишли бўлади. С фазанинг бошланиши ариқча 9 да жойлашади, яъни яна $2/3$ τ га силжиган бўлади. Сz фазага 9, 10 ва 3, 4 ариқчалар тегишли. Иккинчи ва учинчи фазаларнинг уланиши 10-12-расмда кўрсатилмаган, балки В, С учлари ва Y, Z охирлари белгилаб қўйилган, холос. Статор чулғами энергия берувчи тармоқقا, трансформатордаги сингари, юлдуз ёки учбурчак шаклида уланади.

10-4. РОТОР ЧУЛҒАМЛАРИ

Асинхрон двигателнинг айланувчи қисми — роторнинг ҳам чулғами бўлади. Бу чулғам статор ўзаги сингари пўлат варақалардан (10-14-расм) йигилган бўлиб, 1 пўлат цилиндрнинг ариқчалари га жойлаштирилади (10-13-расм). Чулғам фазали бўлиши, яъни




10-13-расм. Асинхрон двигатель роторининг чулғами.

10-14-расм. Роторнинг пўлат варағи.


статор чулғамининг тайёрланиш принципи бўйича ясалиши ҳам мумкин. Чулғам фазасига двигателни юргизиб юбориш ёки тезлигини ростлашда зарур бўладиган қўшимча қаршилик (реостат) уланганида шундай қилинади. Чулғам юлдуз шаклида уланади, учлари эса роторнинг вали 3 га кийдирилган ҳамда валдан ва бир-биридан изоляция қилинган учта контакт ҳалқалар 2 га уланади (10-13-расм). Цилиндрнинг чекка кесим учларига двигателни совитувчи вентиляторларнинг парраклари 4 маҳкамланади. Бундай двигатель фаза роторли ёки ҳалқали двигатель деб аталади.

Кўпинча двигателлар қисқа туташтирилган қилиб ясалади, уларда пўлат стержень ариқчаларида мис стерженлар бўлиб, улар чекка кесимлардаги мис ҳалқаларга қисқа туташтирилган бў-


лади (10-15- расм). Чулғам 10-16- расмда алоғыда¹ қилиб күрсатилған қафас күринишида бўлади. 100 квт гача двигателларда бу чулғам ариқчаларига алюминий қуйиб ясалади. Бунда 10-13-расмда күрсатилганидек, чекка ҳалқалар ва двигателни совитувчи вентилятор парраклари ҳам бир вақтда бира тўла қўйиб қўйилади. Двигателнинг ҳалқалари ва ташқи совитиш қисми билан қисқа туташтирилган ҳолдаги күриниши 10-17- ва 10-18- расмларда күрсатилган.




10-15- расм. Қисқа туташтирилган двигатель ротори.



10-16- расм. «Олмаксон» фидираги.



10-17- расм. Уч фазали ҳалқали асинхрон двигатель.



10-18- расм. Уч фазали қисқа туташтирилган асинхрон двигатель.

10-5. АСИНХРОН ДВИГАТЕЛНИНГ ИШЛАШ ПРИНЦИПИ

Статорга берилган U_1 тармоқ кучланиши (10-19-расм) таъсирида унинг чулғамида I_1 ток ўтади, бу токниг оний йўналиши а пайтга мос равишда (10-2-расмда) кўрсатилган. Бу ток статор ва ротор орқали туташувчи айланувчан Φ магнит оқими ҳосил қиласди. Бу оқим трансформаторнинг бирламчи ва иккиламчи чулғамида ҳосил қиласидек, иккала чулғамда ҳам E_1 ва E_2 э. ю. к. ҳосил қиласди. Шундай қилиб, асинхрон двигатель айланувчи магнит оқими э. ю. к. ҳосил қиласидиган уч фазали трансформаторга ўхшайди.

Оқим соат стрелкаси ҳаракати йўналишида айланаётган бўлсин. E_2 э. ю. к. таъсирида ротор чулғамида йўналиши 10-19-расмда кўрсатилган I_2 ток ўтади; бу ток фаза жиҳатидан E_2 билан бир хил дейлик. I_2 ток ва Φ оқимнинг ўзаро таъсиридан роторни магнит оқими айланиси кетидан айлантирувчи F электромагнит кучлар вужудга келади. Шундай қилиб, асинхрон двигателни иккиламчи

10-19-расм. Асинхрон двигательнинг $\cos \psi_2 = 1$ бўлгандаги иши.

чулғами айланувчи ва $E_2 I_2 \cos \psi_2$ қувватни механик қувватга айлантира олувчи трансформатор дейиш мумкин.

Ротор ҳамма вақт айланувчи магнит оқимидан орқада қолади, чунки фақат шу ҳолдагина E_2 э. ю. к. ва, бинобарин, I_2 ток ҳамда F кучлар вужудга келиши мумкин. Роторнинг айланиси йўналишини ўзгартириш учун оқимнинг айланиси йўналишини ўзгартириш керак. Бунинг учун тармоқдан статорга ток келтирувчи иккита симнинг ўрнини алмаштириш кифоя. Бу ҳолда фазаларнинг кетма-кетлиги ABC дан ACB га ёки BAC га ўзгаради ва оқим қарама-қарши томонга айланади.

10-6. РОТОРНИНГ СИРПАНИШИ

Асинхрон двигателнинг ротори ҳамма вақт айланувчи магнит оқимидан орқада қолиши кераклиги юқорида айтилган эди. Оқимнинг айланиси тезлиги n_1 билан белгиланади, $\rho = \text{const}$ ва $f_1 = \text{const}$ бўлгани учун бу тезлик ўзгармас. Роторнинг айланиси тезлигини n_2 билан белгилаш мумкин.

$$S = \frac{n_1 - n_2}{n_1} \text{ ёки } S \% = \frac{n_1 - n_2}{n_1} \cdot 100 \% \quad (10-3)$$

катталик сирпаниш дейилади.

Назарий жиҳатдан сирпаниш 1 дан 0 гача ёки 100% дан 0 гача ўзгаради, чунки биринчى ишга тушириш моментида ротор қўзғалмай турганда $n_2 = 0$, агар ротор оқим билан синхрои айланяпти деб фараз қўлсак, $n_2 = n_1$.

Валга бериладиган нагрузка қанча катта бўлса, щунчалик катта тормозлаш моменти катта айлантирувчи момент билан мувозанатланиши лозим. Бу фақат I_2 ни, демак, E_2 ни кўпайтирилганидаги на бўлиши мумкин. Қуйда E_2 нинг n_2 камайганида, яъни S кўпайтирилганида кўпайиши кўрсатилади. Шундай қилиб, валга берилган нагрузка ортганида роторнинг тезлиги n_2 камаяди. Номинал S_n нагруззакада асинхрон двигателларда сирпаниш 1 дан 6% гача тенг бўлади; кичик рақамлар катта қувватли двигателларга тегишли.

10-7. РОТОР ЧУЛҒАМИДАГИ Э. Ю. К. ВА ТОКНИНГ ЧАСТОТАСИ

Магнит оқими n_1 тезлик билан, ротор эса n_2 тезлик билан айланади. Маълумки, ротордаги э. ю. к. ва токнинг частотаси оқимнинг роторга нисбатан айланishiiga, яъни $n_1 - n_2$ катталика пропорционал бўлада. У ҳолда

$$f_2 = \frac{P(n_1 - n_2)}{60} = \frac{Pn_1 S}{60} = f_1 S. \quad (10-4)$$

Ротор ҳаракатланмаганида $f_2 = f_1 \cdot 1 = f_1$; агар ротор синхрон айанаётган бўлса, $f_2 = f_1 \cdot 0 = 0$. Номинал айланиш тезлигига, яъни $S_n \approx 2-4\%$ бўлганда f_2 частота жуда кичик: $f_2 = f_1 S = 50 \cdot 0,02 \div 50 \times 0,04$, яъни 1-2 гц.

10-8. СТАТОР ВА РОТОР ЧУЛҒАМЛАРИНИНГ ЭЛЕКТР ЮРИТУВЧИ КУЧЛАРИ

Агар ротор ҳаракатсиз бўлса, у ҳолда статор ва ротор чулғамларида, трансформаторнинг бирламчи ва иккиламчи чулғамларидаги сингари,

$$E_1 = 4,44 f_1 \omega_1 \Phi_m k_1; \quad (10-5)$$

$$E_2 = 4,44 f_1 \omega_2 \Phi_m k_2 \quad (10-6)$$

Электр юритувчи кучлар вужудга келади. Бу k_1 ва k_2 коэффициентларда статор ва роторнинг цилиндрик сиртлари бўйлаб тақсимланган чулғамларнинг хусусиятларини назарга олиш билан фарқ қиласади. Ротор айланганида унинг э. ю. к. ҳамма вақт ўзгариб туради, чунки $f_2 = f_1 \cdot S$. Бу ҳолда айланувчи роторнинг э. ю. к.

$$E_{2s} = 4,44 f_2 \omega_2 \Phi_m k_2. \quad (10-7)$$

Бу э. ю. к. ни роторнинг айланмаётганидаги э. ю. к. орқали ифодалаш қабул қилинган:

$$\frac{E_{2s}}{E_2} = \frac{f_2}{f_1} = \frac{f_1 S}{f_1} = S$$

ёки

$$E_{2s} = E_2 \cdot S. \quad (10-8)$$

Бинобарин, роторнинг электр юритувчи кучи двигателнинг ишлаш процессида жуда кучли ўзгараади. $S = 1$ бўлганда, $E_{2s} = E_2$, $S = 0$ бўлганда эса $E_{2s} = 0$.

10-9. РОТОР ЧУЛҒАМИДАГИ ҚАРШИЛИК

Трансформатордаги сингари, статор оқимининг бир қисми сочилиш йүллари билан, яъни роторга кирмасдан статор симлари атрофидан туташади (10-19). Бу оқимлар x_1 чулғамнинг реактив (индуктив) қаршилигини вужудга келтириши равшан. Ротор чулғамидан ток ўтганида ротор чулғами симлари атрофида ҳам шундай сочилиш оқимлар вужудга келади. Бу оқимлар роторнинг x_2 қаршилигини ҳосил қилади.

Ротор айланмаётганда

$$x_2 = \omega_1 L_2 = 2\pi f_1 L_2,$$

Ротор айлананаётганда

$$x_{2s} = 2\pi f_2 L_2 = 2\pi f_1 S L_2.$$

У ҳолда

$$\frac{x_{2s}}{x_2} = \frac{f_1 S}{f_1} = S$$

ёки

$$x_{2s} = x_2 S. \quad (10-9)$$

Бундан двигателнинг иш режими ўзгарганида роторнинг реактив қаршилиги ротор айланмаганидаги $x_{2s} = x_2 \cdot 1 = x_2$ катталиқдан ротор синхрон айланганидаги $x_{2s} = x_2 \cdot 0 = 0$ катталиkkача узлуксиз ва жуда кучли ўзгариши келиб чиқади.

Нормал ясалган лвигателларда частота 50 гц дан 0 гача ўзгарганида роторнинг актив қаршилиги ўзгаришини назарга олмаслик мумкин ва $r_2 = \text{const}$ деб ҳисоблаш керак.

10-10. РОТОР ЧУЛҒАМИДАГИ ТОК

Ротор чулғамининг э. ю. к. ва реактив қаршилигининг ўзгариши ҳақида юқорида баён қилинган фикрлардан айланиш тезлиги ўзгарганида ротордаги ток

$$I_2 = \frac{E_{2s}}{\sqrt{r_2^2 + x_{2s}^2}} \quad (10-10)$$

ҳам ўзгаради деган хulosага келиш мумкин. E_2 жуда катта, чулғамининг x_2 реактив қаршилиги одатда r_2 актив қаршилигидан 8-10 марта катта бўлгани учун I_{2s} юргизиш токи катта бўлиши ва э. ю. к. дан каттагина ψ_2 бурчакка орқада қолиши керак. Ротор айланганида E_{2s} ва x_{2s} камаяди. Бунинг натижасида I_2 ток ва ψ_2 бурчак ҳам камаяди. Бу нарса жуда муҳим, чунки трансформатор билан асинхрон двигатель орасидаги асосий фарқ ана шунда (10-12-§).

10-11. АСИНХРОН ДВИГАТЕЛНИНГ ИШ ПРОЦЕССИ

Уч фазали I_1 ток статорнинг уч фазали чулғамидан ўтиб, $n_1 = \frac{f_1 \cdot 60}{P}$ тезлик билан айланувчи F_1 магнитловчи кучни ҳосил қиласди (10-4, 10-5-расмлар). Роторнинг уч фазали токи I_2 роторнинг уч фазали чулғамида ротор атрофида $n_3 = \frac{f_2 \cdot 60}{P}$ тезлик билан айланувчи F_2 магнитловчи кучни ҳосил қиласди. Роторнинг ўзи магнитловчи куч томонга n_2 тезлик билан айланади. У ҳолда F_2 магнитловчи кучнинг статорга нисбатан айланиш тезлиги қуидагига тенг бўлади:

$$n_2 + n_3 + n_2 - \frac{f_2 \cdot 60}{P} = n_2 + \frac{f_1 \cdot S \cdot 60}{P} = \\ = n_2 + n_1 S = n_2 + n_1 \frac{n_1 + n_2}{n_1} = n_1.$$

Шундай қилиб, F_1 ва F_2 магнитловчи кучлар бир хил n_1 тезлик билан айланади ва бир-бирига нисбатан қўзгалмас ҳамда биргаликда Φ магнит оқимини ҳосил қиласди. Бинобарин, 9-4-§ да ва 9-8 ҳамда 9-9-расмларда келтирилган барча нарсалар асинхрон двигател учун ҳам ўринлидир.

Шуни қайд қилиш керакки, ротор ва статор орасидаги ҳаво вазори туфайли двигателнинг салт юриш токи (9-7-расм) жуда катта ($20-40\%$) I_{1n} бўлади. Бинобарин, тармоқнинг $\cos\phi_1$ сини яхшилаш учун двигателни тўла нагрузкалаш лозим.


10-12. ДВИГАТЕЛНИ АЙЛАНТИРУВЧИ МОМЕНТ

Ўзгармас ток двигателларида айлантирувчи момент $M \equiv \Phi I_2$ ифода билан белгиланади, яъни у оқимга ва якордаги токка пропорционал бўлади. Асинхрон двигателда моментни Φ айланувчи оқим ва ротор токи I_2 ҳосил қиласди. Уни қуидагича ифодалаш мумкин:

$$M = \Phi I_2 \cdot \cos \psi_2. \quad (10-11)$$

Демак, момент оқимга ва ротор токининг актив ташкил этувчиси $I_2 \cos \psi_2$ пропорционал, чунки қувватни токнинг фақат актив ташкил этувчисигина аниқлайди. Бинобарин, у моментни ҳам аниқлайди.


10-20-расмда қисқа туташтирилган двигателни улаш схемаси кўрсатилган. Агар 1 рудильникни улаб, двигател юргизилса, юргизишнинг биринчи $n_2 = 0$ ва $S = 1$ бўлган моментида ротор 2 да ҳосил қилинган э. ю. к. E_2 ва юргизиш токи I_{2n} максимал бўлади. Бироқ, юргизиб юбориш моменти M_{10} максимал эмас, [максималдан $2-2,5$ марта кичик бўлади. Ротор занжири учун 9-9-расмда тасвирлангандағига ўхшаб ясал-



10-20-расм. Қисқа туташтирилган асинхрон двигателнинг улаш схемаси.

ган вектор диаграмма бунинг сабабини кўрсатиб беради (10-21-расм). Одатда роторда x_2 қаршилик r_2 дан кўп марта катта ва $I_{2\text{ю}}$ ток E_2 кучланишдан орқада қоладиган ψ_2 бурчак катта бўлади. Шу сабабли токнинг актив ташкил этувчиси $I_{2\text{ю}} \cdot \cos \psi_2$, демак, $M_{\text{ю}}$ юргизиб юбориш моменти кичик бўлади. Ҳозирги замон асинхрон двигателларида $\frac{M_{\text{ю}}}{M_{\text{n}}} = 1 - 1,5$, ҳолбуки $\frac{I_{2\text{ю}}}{I_{\text{n}}} \approx 4,5 - 6,5$.

10-19 ва 10-22-расмда худди шу ҳодисанинг ўзи бошқача туширилади. Двигателнинг иш принципини баён қилишда (10-19-



10-21-расм. Ротор занжирининг вектор диаграммаси.

10-22-расм. Юргизиш пайтида двигатель роторидаги ток.

расм), I_2 ток фаза жиҳатидан E_2 э. ю. к. га мос тушади, яъни ўактив ($\psi_2 = 0$) деб фараз килинган эди. 10-22-расмда ротор симларида э. ю. к. йўналиши 10-19-расмда белгиланганига мос тушган, токнинг э. ю. к. дан ψ_2 бурчакка орқада қолган юргизиш пайти кўрсатилган. У вақтда роторнинг олтига сими (N қутб остида учта ва S қутб остида учта) оқимнинг айланиш йўналишида куч ҳосил қиласди, иккита сим эса акс таъсир этувчи куч ҳосил қиласди. Натижада I_2 ток билан E_2 э. ю. к. фазалари орасидаги силжиш қанча катта бўлса, айлантирувчи момент шунча кичик бўлади.

Роторнинг айланиши тезлашган сари ротор чулғамининг $x_{2S} = x_2 \cdot S$ реактив қаршилиги камаяди, шу билан бирга қаршилик $r_2 \approx \text{const}$ бўлгани учун ψ_2 бурчак ҳам камаяди. Шундай вазият вужудга келадики (10-21-расм) бунда бирор $S_m \approx 0,1 - 0,15$ сирпанишда x_{2S} реактив қаршилик r_2 актив қаршиликка, бурчак эса $\Psi = 45^\circ$ га тенг бўлади ва E_{2S} э. ю. к. кучланишининг $I_2 r_2$ ва $I_2 x_{2S}$ дан иборат иккала тенг тушишини мувозанатлайди. Бу вақтда I_2 токнинг бирмунча камайишига қарамай, токнинг $I_2 \cos \psi_2$ актив ташкил этувчиси ва айлантирувчи M_m момент максимал қийматга эришади. Одатда $\frac{M_m}{M_n} = 1,8 - 2,5$ бўлади ва ўта нагрузка қобилияти дейилади.

Ротор янада тез айланганда x_{2S} қаршилик r_2 дан анча кичик бўлади ва уни назарга олмасдан ротор токини актив ($I_2 \approx I_2 \cos\psi_2$) деб ҳисоблаш мумкин. $E_{2S} - E_2 S$ ҳам камая боргани учун I_2 ток билан бирга айлантирувчи момент ҳам камаяди. Двигатель салт ишлаганида айланиш тезлиги максимал бўлади ва бунда $n_2 \approx n_1$, $S \approx 0$ бўлади. Айлантирувчи моментнинг сирпанишга боғлиқлиги $M = f(S)$ 10-23-расмда тасвириланган.

Двигатель эгри чизиқнинг сирпаниш S нолдан S_M гача бўлган оралиқдагина нормал ишлайди, чунки бу ҳолда тормозловчи момент, демак, S айлантирувчи момент ҳам ортади. $S = S_M$ дан $S = 1$ гача оралиқда двигателнинг ишлаши барқарор бўлмайди. Одатда M_H номинал момент номинал $S_H = 1 - 6\%$ сирпанишга мос келади.

Аввал кўрсатиб ўтилганидек (9-14-§), Φ оқим трансформаторга келтириладиган U_1 кучланишга пропорционал бўлади. Бу айтилгандар асинхрон двигатель учун ҳам ўринли. $M \equiv \Phi I_2 \cdot \cos\psi_2$ бўлгану учун қўйидагини ёзиш мумкин:

$$I_2 \cos\psi_2 \equiv E_{2S} \equiv \Phi \equiv U_1,$$


Бундан асинхрон двигателлар учун жуда мухим бўлган қўйидаги хulosани чиқариш мумкин:

$$M \equiv U_1 U_1 \equiv U_1^2, \quad (10-12)$$


яъни айлантирувчи момент статорга келтирилган кучланишнинг квадратига пропорционал. Шундай қилиб, тармоқда кучланиш, масалан $0,9 U_{1H}$ га камайганида момент $0,9 \cdot 0,9 M_H = 0,81 M_H$ га камайди ва нагрузкали двигатель тўхтаб қолиши мумкин. Асинхрон двигателлар ток оладиган тақсимловчи тармоқларда кучланиш тушишини нормалаш қисман ана шу билан тушунтирилади.

Амалда истеъмолчини кўпинча двигателнинг механик характеристикиси,

$U_1 = \text{const}$ ва $f_1 = \text{const}$ бўлганда, $n_2 = f(M)$ қизиқтиради. Фойдаланишга қулай бўлиши учун ўқлар бўйлаб $\frac{n_2}{n_1} 100\%$ ва $\frac{M}{M_H} \cdot 100\%$ қийматлар қўйилади. Бу характеристикикани 10-23-расмни осонгина қайта ясаш билан ҳосил қилиш мумкин, у 10-24-расмда кўрсатилган ва



10-23-расм. Двигатель айлантирувчи моментнинг сирпанишга боғлиқлиги.




10-24-расм. Двигателнинг механик характеристикаси.

характеристиканинг ишчи қисми туташ чизиқ билан белгиланган. Нормал қурилган двигателлар учун ясалган I эгри чизиқ асинхрон двигателнинг тезлик характеристикаси параллел ўйғотишили ўзгармас ток двигателининг тезлик характеристикаси сингари қаттиқ бўлишини кўрсатади. Айланиш тезлигини ростловчи фаза роторли асинхрон двигателнинг характеристикаси бирмунча юмшоқроқ бўлади (2 эгри чизик). Бундай двигателлар, масалан, кранли ва кўтариш қурилмаларида ишлатилади.


10-13. АСИНХРОН ДВИГАТЕЛЛАРНИ ЎРГИЗИБ ЮБОРИШ

Статор чулғамининг A , B , C , X , Y , Z чиқишилари двигателнинг шчитига уланади, шчитда стандартга мувофиқ равишда уларнинг бошлари C_1 , C_2 , C_3 ва охирлари C_4 , C_5 , C_6 билан белгиланган бўлади. Чиқишилар уларни $10-25\text{-}a$ ва b расмда кўрсатилганидек, юлдуз ёки учбурчак шаклида улаш қулай бўладиган қилиб жойлаштирилади.

Статор ҳар бир фазасининг чулғамлари маълум фаза кучланиши U_ϕ га мўлжалланган. Шу сабабли чулғамни юлдуз ёки учбурчак шаклида улаш билан двигателни кучланишилари бир-биридан $\sqrt{3}$ марта фарқ қилювчи тармоқларга улаш мумкин. Масалан, агар $U_\phi = 127 \text{ в}$ бўлса, статорни учбурчак шаклида улашда уни $U_1 = 127 \text{ в}$ кучланишили тармоқга улаш керак. Агар $U_1 = 220 \text{ в}$ бўлса, у ҳолда статор чулғамларини юлдуз шаклида улаш лозим. Худди шунингдек, бошқа двигателни $U_\phi = 220 \text{ в}$ ва $U_1 = 380 \text{ в}$ бўлган тармоқларга улаш мумкин.



10-25-расм. Статор чулғамини тутқинчларининг жойлашиши.



10-26-расм. Ҳалқали асинхрон двигателнинг схемаси.

а) Фаза роторли (халқали) асинхрон двигатель ротор занжирига уланган реостат ёрдамида ишга туширилади (10-26-расм). Ротор халқалари 2 га чүтка 3 лар ёрдамида уланган реостат 1 нинг қаршилиги (юргизиб юбориш) энг катта қийматига эга эканлигига қаноат ҳосил қилингач рубильник 4 уланади. Ротор тезлаша борган сағи унинг э.ю.к. ва токи узлуксиз камая боради. Натижада қўзғалувчан контакт 5 ни босқичма-босқич суриш билан реостат 1 нинг қаршилигини камайтириш имкони туғилади. Юргизиб юбориш нинг охирида ротор қисқа туташган (ишга тушган) бўлиб қолади. Реостат фақат двигателни юргизиб юбориш вақтига ҳисобланган. Баъзи вақтда чўткаларнинг халқаларга ишқаланишидан бўладиган ирофни камайтириш мақсадида двигателга халқаларни қисқа туташтирувчи ва юргизиб юбориш охирида чўткаларни халқалардан кўтариб қўювчи мослама ўрнатилади. Бироқ кейинги вақтларда двигателни ишлатишда дуч келинадиган иокурайликлар туфайли бундай мосламалардан воз кечилмоқда. Қуйидаги мақсадларни кўзда тутиб ротор занжирига r_p қаршилик уланади: роторда, демак, статорда юргизиб юбориш токини камайтириш ва актив қаршилик $r_2 + r_p$ ни x_2 қийматига орттириб, $I_2 \cos\phi_2 =$ макс. ҳосил қилиш (10-21-расм) ва бу билан юргизиб юбориш моментини кўпайтириш (10-23-расмдаги 1 эгри чизик). Двигателни тўхтатишида ротор қисқа туташтирилган ҳолда ток берувчи тармоқдан узилиши керак.

б) Қиёсса туташтирилган двигатель тўғридан-тўғри тармоққа улаш билан юргизиб юборилади (10-20-расм). Бу усулнинг камчилиги юргизиб юбориш моменти нисбатан кичик $M_{io} = (1 - 1,5)$ M_n бўлгани ҳолда, юргизиб юбориш токининг анча катта ($4,5 - 6,5$) I_{1n} бўлишидир.


Ротори 9-15 ва 9-16-расмда кўрсатилган жуда кичик қуввати двигателларнинг ариқчалари доиравий шаклда бўлади (10-27-а расм). Бу ариқчаларга қаршиликлари x_2 қаршиликка нисбатан катта бўлган мис стерженлар жойлаштирилган, шу сабабли двигателларнинг юргизиб юбориш моменти ҳам етарлича катта бўлади.

Қуввати 2 — 3 кет дан катта бўлган двигателларда ротор ариқчаларининг шакли 10-27-б расмда кўрсатилгандек бўлади, қуввати 20 — 30 кет дан ҳам катта бўлган двигателларда эса ариқчалар яна ҳам чуқурроқ. Бу ариқчалар алюминий қўймаси билан тўлдирилган бўлади. Двигателларнинг қуввати 120 — 150 кет дан ортиқ бўлганда ариқчалар тор чуқур тирқишлир шаклида қилиниб (10-27-в расм), уларга ингичка баланд мис стерженлар ётқизилади.


Чуқур ариқчалар қилишнинг маъноси қўйидагича. Юргизиб юборишнинг дастлабки онида, $f_2 = f_1$ бўлганда, чуқур ариқчада ётган сим магнит чизиқлари билан 10-27-в расмда кўрсатилгандек ўраб олинади. Симнинг ариқча тубида ётган 1 қисмими энг кўп сондаги чизиқлар ўраб олади, 2, 3, 4 қисмларини кам чизиқлар ўраб олган, яъни уларнинг ариқча тубидан қанча узоқ бўлса, шунча кам сондаги чизиқлар ўраб олади. Шунинг учун сим метали пастки қатламларининг индуктив қаршилиги юқори қатламларининг индуктив қаршилигидан анча катта ва $f_2 = f_1$ бўлганда роторнинг

барча токи ариқча сиртига сиқиб чиқарилади. Бунда симнинг кесимидан тұла фойдаланилмайды, чулғамнинг актив қаршилиги r_2 каталашади ва юргизиб юбориш моменти катта бўлади. Ротор тезлаша борган сари частота $f_2 = f_1 S$ камаяди, токни сиқиб чиқариш ҳодисаси тўхтайди ва r_2 автоматик равишда камаяди. Юргизиб юбориш ротор занжирида реостати бўлган асинхрон двигателни юргизиб юборишга ўхшайди.

М. О. Доливо-Добровольский роторида икки қатлам ариқчалар бўлган двигателни таклиф қилган эди (10-27-г расм). Устки 1 ариқчаларда $r_2 > x_2$ бўлган ва жез ёки бронзадан қилингак қисқа туташтирилган чулғам жойлаштирилди. Пастки ариқчалар 2 да $x_2 > r_2$ бўлган бошқа қисқа туташтирилган чулғам жойлаштирилган. Юргизиб юбориш вақтида, $f_2 = f_1$ бўлганда, айлантирувчи момент асосан актив ток ўтадиган устки чулғам томонидан вужудга келтирилди, чунки r_2 катта. Бу юргизиб юбориш чулғами дейилади. Пастки чулғамда x_2 индуктив қаршилик катта бўлгани учун юқорида баён қилинган сиқиб чиқариш сабабига кўра ток кам. $f_2 \approx 0$ бўлган ишчи ҳолатида ток асосан пастки чулғам орқали оқади, чунки унинг r_2 актив қаршилиги кам. Момент ишчи чулғами деб аталувчи ана шу чулғам томонидан ҳосил қилинади.



10-27- расм. Асинхрон двигателлар роторларининг ариқчалари.



10-28- расм. Статорин юлдуздан уч бурчакка қайта улаш йўли билан двигателни юргизиш схемаси.

СССР нинг ҳозирги замон завод ва электр станцияларида катта қувватли тармоқларнинг мавжудлиги қуввати бир неча юз киловатт бўлган қисқа туташтирилган двигателлардан фойдаланиш имконини беради. Одатда уланаётган қисқа туташтирилган двигателнинг қуввати двигателни юргизиб юбориш вақтида унга ток берадиган тармоқда кучланишининг мумкин бўлган тушишига боғлиқ бўлади.

Қисқа туташтирилган двигателлар тузилишининг соддалиги, ишлатишнинг қулаги ва нисбатан арzonлиги туфайли кенг тарқалган.

Статори учбurchак усулида уланиб ишляётган қисқа туташтирилган двигателларнинг юргизиб юбориш токини камайтириш учун кўпинча юргизишнинг биринчи босқичида статорни қайта юлдуз усулида улаш схемасидан фойдаланилади (10-28- расм). Агар переключательнинг 2 пичоқлари пастга

туташтирилса ва сўнгра I рубильник уланса, фазадаги кучланиш номинал кучланишдан $\sqrt{3}$ марта кам бўлади ва ток тахминан 3 марта камаяди. Ротор айлана бошлаганида переключатель пичоқлари юқорига тортиб қўйилади ва двигатель номинал кучланишда ишлайди. Бундай юргизиб юбориш юргизиш моментини техминан 3 марта, яъни U_1^2 га пропорционал камайтиради ва двигатель деярли салт ҳолда юргизиб юбориладиган жойларда, масалан вентилятор юритмасида ишлатилади.

Қисқа туташтирилган двигателлар статорни тармоқдан оддийгина ажратиш билан тұхтатилади.

10-14. АСИНХРОН ДВИГАТЕЛНИНГ АЙЛАНИШ ТЕЗЛИГИНИ РОСТЛАШ


Асинхрон двигатель асосан айланиш тезлигини ростлаш талаб қылымайдын механизмлар приводида ишлатилади. Асинхрон двигатель айланиш тезлигини ростлаш энергиянинг анча истроф бўлишига олиб келади ёки маҳсус конструкциядаги двигателларни ишлатишни талаб қиласи.

Ҳалқали двигатель тезлигини ростлаш принципи 10-29-расмда тушунтирилади. Двигателнинг статори 1 га P_1 қувват берилади, у эса ўнгдаги энергетик диаграммада кўрсатилган. Статорда истроф бўладиган P_{ct} қувватни айриб ташлаганда айланувчи оқимнинг $P_{em} = M\omega_1$ қуввати қолади, бу қувват электромагнит қувват деб юритилади; у ротор 2 га берилади. Двигателнинг 3 валидаги $P_2 = M\omega_2$ қувватни ҳосил қилиш учун электромагнит қувватдан ротордаги истрофлар P_p ни айриш керак. Реостатни улаб (10-26-расм),

ротор занжиридаги истрофларни сунъий равишда кўпайтириш билан P_2 ни камайтириш мумкин, бу 10-29-расмда пунктир чизиқ билан кўрсатилган. Агар двигатель айлантираётган механизмнинг қаршилик моменти доимий бўлса, у ҳолда двигателнинг айлантирувчи моменти ҳам доимий бўлади ва $P_2 = M\omega_2$ нинг камайиши айланиш тезлигининг камайиши ҳисобига бўлади. Айни ҳолда масалан, тезликни 20 % га камайтириш керак бўлса, реостатни қиздиришга энергиянинг 20 % ини истроф қилиш лозим бўлади.


Қисқа туташтирилган двигателлар тезлигини ростлашнинг иккинчи усули оқимнинг айланиш тезлигини ўзgartиришдир:

$$n_1 = \frac{f_1 60}{P}.$$



10-29-расм. Асинхрон двигателнинг энергетик диаграммаси.

Бунинг учун n_1 тезликни босқичлааб (3000 — 1500 *айл/мин*, 1000 — 500 *айл/мин*, яъни икки марта ўзгаришига имкон берадиган кўп тезликли маҳсус двигателлар мавжуд. Чулғамнинг ҳар бир фазаси тенг икки қисмга бўлиниши ва улар ё параллел, ёки кетма-кет уланиши мумкин (10-30- расм). Параллел уланганда n_1 кетма-кет улангандагига қараганда икки марта катта ва бунга мос



10-30- расм. Икки тезликли двигатель чулғамларининг уланиш схемаси.

равишда ротор тезлиги n_2 ҳам ўзгаради. Тўртта тезлик ҳосил қилиш учун статорга иккита алоҳида чулғам жойланади ва уларнинг ҳар бири ўзининг икки тезлигига уланади. Қутблари қайта уланиши мумкин бўлган двигателлар вентиляторлар ва металл қирқувчи станоклар приводларида ишлатилади. Уларнинг металл қирқувчи станокларда ишлатилиши тезликлар қутисини соддалаштириш имконини беради.

Асинхрон двигателлар жуда кам ҳолларда — маҳсус қурилмалардагина ўзгарувчан f_1 частотали генератордан ишлайди. Бу ҳолда f_1 ўзгарганида магнит оқимининг n_1 ва роторнинг n_2 тезлиги ўзгаради


Двигателлар ишлайдиган ток частосини ўзгариши билан асинхрон двигателларнинг тезлигини ўзгариши қобилияти туфайли саноатда жуда катта айланиш тезлиги керак бўлган соҳаларни қаноатлантириш имкони яратилди; масалан, жуда кичик диаметрли тешникларни силлиқлаш шарикли подшипникларни ишилаб чиқаришда ички қисмларни силлиқлаш ишлари ана шундай катта тезликларни талаб қиласди. Бу ҳолларда силлиқлаш доираси шпинделининг айланиш тезлиги 200 000 *айл/мин* га етади. Бундай тезликни бирорта ҳам меҳаник узатма бера отмайди.

Юқори частотали қиска туташтирилган двигателлар ана шу сабабларга кўра яратилди. Уларнинг ротори юқори сифатли пўлатдан қилинган бутун цилиндр кўринишида, статори эса юқори частота генераторидан ток оладиган бўлади, $p = 1$ ва $f_1 = 2000$ гц бўлганда айланувчи оқим тезлиги $n_1 = 120\,000$ *айл/мин* бўлади. Агар сирпаниш, масалан, $S = 0,08$ бўлса, роторнинг тезлиги $n_2 = 110\,400$ *айл/мин* бўлади. Бундай электр шпинделларини конструкция қилишдаги энг қийин масала подшипникларнинг тузилиши ва уларни совитишdir.


10-15. ИККИ ФАЗАЛИ ВА БИР ФАЗАЛИ АСИНХРОН ДВИГАТЕЛЬ

Бир хил амплитудали, бир хил частотали, лекин фаза жиҳатидан $1/4$ даврга силжиган иккита ўзгарувчан ток икки фазали ток системаси дейилади. Фазода 90 эл град га силжитиб жойлаштирилган икки чулғамдан ўтказилган иккита фазали ток худди уч фазали ток сингари айланувчи магнит оқими ҳосил қиласи.


а) Икки фазали асинхрон двигатель автоматаика схемаларида кенг тарқалган. Бу двигателниг статори $1, 2$ да иккита чулғами ва қисқа туташтирилган ротори 3 бўлади (10-31-расм). Двигателни улаш схемаси 10-32-расмда кўрсатилган. Фазалардан бирига конденсатор улаб, I_1 ва I_2 токлар орасида фазалар силжишига эришилади. Фазалар-



10-31-расм. Икки фазали асинхрон двигательниг тузилиш принципи.



10-32-расм. Икки фазали двигательни юргизиш схемаси.



10-33-расм. Бир фазали асинхрон двигатель схемаси.


дан бирида ток ўналишини ўзгартириш билан айланиш ўналишини ўзгартириш мумкин, роторнинг тезлигини эса кучланишлардан бирини камайтириш ёки кўпайтириш билан ростланади.

б) Бир фазали асинхрон двигательлар нинг қуввати $0,5$ квт дан ҳам кам бўлади. Бир фазали двигатель статори 1 нинг (10-33-расм) бир фазали ишчи чулғами уч фазали чулғамниг икки фазасига ўхшашиб юлдуз усулида уланган ва қисқа туташтирилган ротори 3 бор. Статор 1 нинг чулғамидан ўтувчи I_1 ўзгарувчан ток пульсланувчи магнит оқими ҳосил қиласи, бу оқим юргизувчи момент ҳосил қилмайди. Бу моментни ҳосил қилиш учун статорда ишчи чулғамга нисбатан 90° силжитиб ёрдамчи чулғам 2 жойлаштирилади. Чулғам 2 га конденсатор ёрдамида I_1 токка нисбатан $1/4$ даврга силжитилган I_2 ток берилади. Айланувчи магнит оқими роторни айлантира бошлайди, шундан сўнг ёрдамчи чулғам узиб қўйилади, ротор эса 1 чулғамниг пульсланувчи оқимида айланishiда давом этади. Агар конденсатор орқали уланган чулғам иш даврида узиб қўйилмаса, двигатель конденсаторли деб аталади.

Бундай ҳодиса уч фазали асинхрон двигателда кузатилади. Ишлаб турган двигателниг фазаларидан бирида сақлагич куйиб қол-

са, фаза узилади, агар роторнинг нагрузкаси номинал нагруззакининг 50 — 55 % идан ортмаса, у пульсланувчи магнит майдонида айланышда давом этади. Бироқ уч фазали двигателни унинг бир фазаси узилган ҳолда юргизиб юбориш мумкин эмас.

Бунинг сабаби қуидагича. 10-34-а расмда икки тенг F_1 ва F_2 магнитловчи кучларнинг векторлари тасвирланган. Улар тенг n_1 тезлик билан турли томонга айланади ва бир давр давомида бир марта айланади. 10-34-а расмда кўрсатилган вазиятда магнитловчи



10-34- расм. Пульсланувчи магнитловчи кучни икки айланувчи кучларга ажратиш.

кучларнинг оний қийматлари йифиндиси $F_1 + F_2 = 2F_1$ га тенг. Йифинди магнитловчи кучнинг ўқи бу икки магнитловчи кучларнинг ўқи билан усма-уст тушади. 1/6 даврдан кейин (10-34-б расм) магнитловчи кучлар 60° га бурилади, ва қўшилгач, натижаловчи $\bar{F} = \bar{F}_1 + \bar{F}_2$ магнитловчи кучни беради. 1/4 даврдан кейин (10-34-в расм) уларнинг йифиндиси нолга тенг ва ҳ. к. Бироқ пульсланувчи магнитловчи кучнинг ўқи қўзғалмайди. Бундан иккита айланувчи магнитловчи куч қўзғалмас ўқ бўйлаб ток частотаси билан пульсланувчи ҳамда мусбат ва мағниий максимумларига эришувчи йифинди магнитловчи куч берар экан деган холоса келиб чиқади. Бу максимумлар икки айланувчи магнитловчи кучларнинг арифметик йифиндисига тенг бўлади.

Шундай қилиб, агар бир фазали двигател юргизиб юборувчи чулғамсиз ёки уч фазали двигател ажратилган фаза билан юргизилса, статорнинг пульсланувчи F_n магнитловчи кучи ҳосил қилган Φ_n пульсланувчи магнит оқимини иккита турли томонга бирхил тезлик билан айланувчи ва ҳар бири ўзининг магнитловчи кучи томонидан ҳосил қилинган тенг оқимларнинг қўшилишидан иборат деб олиш мумкин экан. Оқимлар ротор чулғамида иккита э.ю.к. ва иккита ток ҳамда бу токлар билан бирга турли томонга таъсир қилувчи иккита тенг айланувчи момент ҳосил қиласди. Таъсир иккита тенг айланувчи момент ҳосил қиласди. Таъсир иккита тенг айланувчи момент ҳосил қиласди.


Бироқ роторни бирор йўл билан ихтиёрий томонга айлантирилса, у ҳолда статорнинг ротор билан бир томонга айланади. Бу оқим ва уни айлантиришда давом эттиради. Бу оқим ва уни ҳосил қилган магнитловчи куч тўғри оқим Φ_T ва тўғри магнит-

ловчи куч F_T дейилади. Оқим n_2 тезлик билан айланыётган роторда $E_{2\text{тр}}$ э.ю.к. ва $I_{2\text{тр}}$ ток ва натижада уч фазали двигателдаги сингари M_T айлантирувчи момент ҳосил қиласи. Бу ҳолда $n_2 \approx n_1$ бўлгани учун сирпаниш $S_T = \frac{n_1 - n_2}{n_1} \approx 0$ бўлади.

Иккинчи магнитловчи куч ва у ҳосил қилган айланувчи оқим ротор айланисига қарши айланади ва тескари магнитловчи куч $F_{\text{тес.}}$ ҳамда тескари айланувчи оқим $\Phi_{\text{тес.}}$ дейилади. Бу куч ва оқим роторга нисбатан $n_1 + n_2 \approx 2n_1$ тезлик, яъни $S = \frac{n_1 + n_2}{n_1} \approx 2$ сирпанишда айланади. Статорнинг тескари оқими роторда ҳосил қилган $E_{2\text{тес.}}$ ва $I_{2\text{тес.}}$ нинг частоталари тахминан $2f_1$ га teng. Бунда роторнинг реактив қаршилиги $x_{2\text{тес.}} = 2\pi f_2 L_2$ шунчалик каттаки, $I_{2\text{тес.}}$ ток э.ю.к. дан деярли 90° га орқада қолади. Буларнинг ҳаммаси 10-35-расмда кўрсатилган, ғунда $F_{\text{тес.}}$ ва $\Phi_{\text{тес.}}$ статорнинг тескари магнитловчи кучи ва унга мос тескари оқим, $E_{2\text{тес.}}$ ва $I_{2\text{тес.}}$ эса оқимдан 90° орқада қолган роторнинг э.ю.к. ва э.ю.к. дан деярли 90° орқада қолувчи ток.

Табийки, $I_{2\text{тес.}}$ ўзи роторнинг $F_{2\text{тес.}}$ магнитловчи кучини вужудга келтиради. У куч $I_{2\text{тес.}}$ билан бир фазада ва статорнинг $F_{\text{тес.}}$ магнитловчи кучи билан деярли тескари фазада бўлади. Бу икки магнитловчи куч амалда бир-бирини компенсация қиласи ($F_{\text{нат.}} \approx 0$) ва тескари оқим жуда кичик. Шу сабабли $I_{2\text{тес.}}$ ток ҳосил қилган $M_{\text{тес.}}$ айлантирувчи моменти жуда кичик ва двигателнинг натижаловчи айлантирувчи моменти қуидагича:


$$M = M_{\text{түғри}} - M_{\text{тес.}} \approx M_{\text{түғри.}}$$




10-35-расм. Тескари айланувчи магнитловчи кучни компенсациялаш диаграммаси.

в) Қутблари экранланган бир фазали асинхрон двигатель $0.5 - 30 \text{ кВт}$ қувватга мўлжаллаб қурилади, унинг тузилиши жуда содда бўлиб, катта юргизиб юборувчи момент талаб қилинмайдиган жойларда кенг ишлатилади. 10-36-расмда 1 қутблари чиқарилган статор кўрсатилган, бу қутбларга иккита 2 ғалтакдан исорат бир фазали чулғам жойлаштирилган. Бу чулғам пульс-

ланувчи оқим ҳосил қиласи. Күтб чиқиқларининг бир томонида ариқчалар бўлиб, уларга трансформаторнинг иккиламчи чулғами ролини ўйновчи қисқа туташтирилган ҳалқалар киритилган. Бу ҳалқаларда фаза жиҳатидан қутблар чулғамидаги токка нисбатан силжиган токлар вужудга келади ва чулғамларнинг фазода бир-биридан бир оз силжиб жойлашганлиги туфайли ҳаво зазорида заиф ўткинчи ток ҳосил бўлади. Қисқа туташтирилган 4 ротор n_1 тезликдан кичик n_2 тезлик билан айлана бошлайди. Двигателнинг ишчи характеристикасини яхшилаш учун қутблар орасига пўлат пластинкадан қилинган 5 магнит шунтлар қўйилади.



10-36- расм. Қутблари экранланган бир фазалин двигатель.



10-37- расм. Асинхрон двигателнинг ишчи характеристикалари.

$P_{\text{мех.}}$ — ишқаланишдаги истрофлар.
Ротор пўлатидаги истрофларни ҳисобга олмаслик мумкин, чунки f_2 частота нолга яқин.
У ҳолда двигателнинг фойдали иш коэффициенти

$$\eta = \frac{P_2}{P_1} \cdot 100 \% = \frac{P_1 - \Sigma P}{P_1} \cdot 100 %. \quad (10-15)$$

Асинхрон двигателнинг 10-37- расмда келтирилган ишчи характеристикалари параллел ўйрошили ўзгармас ток двигателининг характеристикаларига ўхшаш. Электр машиналар уларнинг фойдали иш коэффициентлари номинал нагрузка ёки унга яқин бўлган нагруззакада максимум қийматга эришади ан қилиб ясалади.

10-16. АСИНХРОН ДВИГАТЕЛДАГИ ИСРОФЛАР ВА УНИНГ ФОЙДАЛИ ИШ КОЭФФИЦИЕНТИ

Асинхрон двигателнинг тезлигини ростлаш усулларини баён қилишида 10-29- расмда унинг энергетик диаграммаси кўрсатилган эди. Двигателга бериладиган қувват

$$P = \sqrt{3} U_1 I_1 \cos \varphi_1. \quad (10-13)$$

Агар P_1 дан двигателдаги барча истрофларни айириб ташланса, валдаги фойдали қувват қўйидагича бўлади:

$$P_2 = P_1 - (P_{01} + P_{\text{пўл}} + P_{02} + P_{\text{мех}}), \quad (10-14)$$

бунда P_{01} — статор чулғамидаги истрофлар;

P_{02} — ротор чулғамидаги истрофлар;

$P_{\text{пўл}}$ — статор пўлатидаги истрофлар;


10-17. АСИНХРОН ДВИГАТЕЛЛАРГА ТОК БЕРУВЧИ ТАРМОҚЛАРНИНГ ҚУВВАТ КОЭФФИЦИЕНТИНИ ЯХШИЛАШ

Ўзгарувчан ток энергиясидан фойдаланувчи барча қурилмалар иложи борича соғф нинг бирга яқин қиймәтида ишлашлари керак. 10-38-расмда энергияни манба I дан трансформатор 2 орқали асинхрон двигателлар 3 га узатишнинг бир линияли схемаси кўрсатилган.


Маълумки, электр узатиш симлари 4 да 10-39-расмда кўрсатилган $I = \sqrt{I_a^2 + I_p^2}$ ток ўтади. Токнинг I_a ташкил этувчиси актив қувват P га пропорционал, I_p реактив ташкил этувчи эса трансформатор ва двигателларнинг электромагнит майдонини ушлаб туриш учун зарур. I_p ток мутлақо зарур ва амалда симлар бўйлаб қандай P актив қувват берилишидан қатъи назар ўзгаришсиз қолаверади. Агар бу қувват, демак, I_a ток ҳам катта бўлса, Φ_1 бурчак кичик, $\cos\varphi_1$ эса катта бўлади ва электр узатишдан фойдаланиш яхши бўлади. Двигателлар нагрузкаси етарли бўлмаганда, I_a жуда камайиб кетади ва деярли I_{ac} катталиккача пасаяди, Φ бурчак ортади, $\cos\varphi$ эса $\cos\varphi_e$ га яқин бўлади. Салт юриш токи $I_c \approx I_p$ трансформаторларда 10% I_b га ва асинхрон двигателларда 40% I_b га етади, шунинг учун электр узатишдан фойдаланиш ёмон бўлади. Шундай қилиб, асинхрон двигателларга тўла нагрузка бериш уларни эксплуатация қилишининг зарурий шарти экан.

Баъзи юргизиб юбориш қийин бўлган ҳолларда асинхрон двигателнинг катта қувватлисини танлаб олишга тўғри келади ва у тўла нагруззкада ишламайди. Бу ҳолда, агар $P_2 \leqslant (40 - 45)\% P_{2n}$ ва статор учбурчак қилиб нормал уланган бўлса, уни қайта юлдуз қилиб улаш мумкин. Актив қувват бинобарин, актив ток ҳам ўзгармайди, реактив ток эса тахминан 3 марта камаяди ва $\cos\varphi$ ортади.

Аввал тармоқларнинг 5 ёки яхшиси 6 нуқтасига конденсаторлар улаш йўли билан соғф ни ортириш мумкин эканлиги кўрсатилган эди (10-38-расм). Бироқ реактив токлар катта бўлганида синхрон компенсаторлар яхши эфект беради. Синхрон компенсаторлар ҳақида 11-7-§ да гапирилади.



10-38-расм. Тармоқда cosφ ни яхшилаш схемаси



10-39-расм. Тармоқда cosφ ни яхшилашнинг вектор диаграммаси.

10-18. ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ УЧ ФАЗАЛИ АСИНХРОН ЭЛЕКТР ДВИГАТЕЛИ

Ишни бажаришдан аввал 10-5, 10-13- § ларнинг мазмунин билан танишиб чиқиш керак.

И ш и н н г т а в с и ф и

Қисқа туташтирилган асинхрон электр двигателининг уланиш схемаси 10-28 расмда кўрсатилган. Электр двигателини юргизиш учун переключательнинг 2 пичоқларини статор юлдуз бўлиб уланадиган вазиятга қўйиб, уч қутбли рубильник I_1 ни туташтириш керак. Электр двигателни айланана бошлагач, статор учбурчак қилиб қайта уланади. Электр двигателни номинал кучланиш ($U_1 = U_n$) да салт юргизилади. Салт юриша асбобларининг кўрсатишлари ёзиб олингач, электр двигателнига ток номинал қиймати I_n га етгунча нагрузка бериш мумкин. Нагрузка механик тормозланишдан вужудга келади деб фараз қилинади. I_1 ток, P_1 қувват, U_1 кучланиш, роторнинг n_2 айланыш тезлиги ҳамда F тормозланиш кучларининг 5 — 6 қийматлари ёзиб олинади. Олинган маълумотлар хисобланади.

Момент, P_2 қувват ва фойдали иш коэффициенти η ни 8-25- § даги формулалар бўйича хисоблаш мумкин.

Фаза роторли электр двигателенини юргизиб юбориш учун реостатни 10-26-расмдаги схема бўйича улаш керак, статорни эса тармоқнинг кучланишга қараб юлдуз ёки учбурчак қилиб уланади.

Иш плани

1. Электр двигателни ва юргизиб юбориш мосламалағи билан танишиб чиқинг, электр двигателни ва электр ўлчаш асбобларининг асосий техник маълумотларини ёзиб олинг.

2. Схеманийнинг (10-28- расм) ва уни раҳбарингизга кўрсатинг. Қисқа туташтирилган двигателни переключатель 2 ёрдамида тармоқга уланг.

3. P_2 га боғлиқ ҳолда двигателнинг I_1 , P_1 , M_1 , $S \cos \phi$, η ишчи характеристикаларини олинг ва ясанг.

4. Фаза роторли асинхрон двигателни юргизинг. Роторнинг айланыш йўналишини ўзgartиринг.

Ўн биринчи боб

СИНХРОН МАШИНАЛАР

11-1. СИНХРОН МАШИНАЛАРНИНГ ВАЗИФАСИ

Механик энергия деярли синхрон генераторлар ёрдами-дагина электр энергияга айлантирилади. Роторнинг айланыш тезлиги қутблар жуфтининг сони ва ток частотаси билан маҳкам боғланган электр машиналар синхрон двигателлар дейилади, бу боғланиш қуидагича бўлади:

$$n = \frac{f \cdot 60}{P}.$$

$f = 50$ гц саноат частотасида ва қутблар жуфти $P = 1, 2, 3$ ва ҳоказо бўлганда синхрон машиналарнинг ротори $n = 3000, 1500, 1000$ айл/мин тезлик билан айланади. Тез юраг буғ турбиналари

ёрдамида айлантириладиган синхрон генераторлар турбогенераторлар дейилади, уларнинг айланиш тезлиги одатда $n = 3\,000$, 1500 *айл/мин* бўлади. Қутблар жуфти сони 1,2 та бўлади.


Дарёлар ва сув омборларининг сув энергиясидан фойдаланиб гидравлик турбиналар ёрдамида айлантириладиган синхрон генераторлар гидрогенераторлар дейилади. Бу ҳолда гидравлик турбина тез айлана олмайди, шунинг учун стандарт 50 *гц* частотадаги ток олиш учун гидрогенератор қутблари жуфти сони кўпайтирилади. Масалан, Братск ГЭСининг гидрогенераторларининг қуввати 225 000 *квт* дан, кучланиши 15 750 *в*. $\cos \phi = 0,85$ бўлиб, қутблар жуфти сони $p = 24$, айланиш тезлиги $n = 125$ *айл/мин*. Красноярск ГЭСининг гидрогенератори 500 000 *квт* қувватга, 15 750 *в* кучланишга мўлжалланган ва $\cos \phi = 0,85$, $n = 93,8$ *айл/мин* ва қутблар жуфти сони $p = 32$.

Синхрон машиналар ҳам бемалол катта қувватли асинхрон электр двигателлари ўрнини босиб, электродвигателлар режимида ишлаши мумкин. Улар кучли насослар ва ҳаво дамлари приводларида ишлатилади.

Салт ишлайдиган, шу сабабли енгил механик конструкцияли синхрон двигателлар синхрон компенсаторлар дейилади ва тармоқларининг $\cos \phi$ сини ҳамда электр станцияларининг фойдали иш коэффициентини яхшилашда ишлатилади.

11-2. СИНХРОН МАШИНАНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ИШЛАШ ПРИНЦИПИ

Синхрон машиналарнинг иккита асосий қисми бўлади: э. ю. к. ҳосил бўладиган чулғам жойлаштирилган статор (бу чулғам якорь чулғами дейилади) ва ротор. Нормал қурилган машиналарнинг роторида уйғотиш чулғами қутблар ўрнатилган бўлади. Статор (якорь) чулғами асинхрон двигателнинг статор чулғамига та-



11-1-расм. Турбогенератор роторининг умумий кўриниши.


моман ўхшаш бўлади (10-9—10-12-расмлар). Турбогенераторлар ротори ариқчаларига уйғотиш чулғами жойлаштирилган цилиндр кўринишида бўлади (11-1-расм). Ротор ариқчалари ва уйғотиш чулғами секцияси 11-2-расмда схематик равишда тасвирланган. Секин айланувчан машинанинг роторида 11-3-расмда схематик кўрсастилганидек чиқиқ қутблар бўлади.

Барча ҳолларда ҳам 1 уйғотиш чулғамига ток *уўғ*. уйғотувчидан 2 чўткалар ва 3 контакт ҳалқалар орқали келтирилади; уйғотувчи—


ротор билан умумий валга ёки механик бирлаштирилган валга ўрнатылған параллел үйғотиши махсус ўзгармас ток генераторидір (11-4-расм). Кейинги вактларда үйғотиши учун ўзгармас ток баъзан симболи ёки ярим ўтказгичли түғрилагичлардан олинади.

Кам қувватли машиналар баъзан тескари принципда, яъни қутблари қўзғалмайдиган, якорь чулғами эса айланадиган қилиб ясалади.

Генератор қуидагича ишлайди. Машинанинг роторини бирламчи двигатель (11-3, 11-4-расм) номинал тезликда айлантириб беради,



11-2-расм. Турбогенератор роторининг чулғамсиз кўриниши ва үйғотиши чулғамининг битта секцияси.



11-3-расм. Секин айланувчи синхрон генератор схемаси.

бу тезлик эса двигатель тезлигини автоматик ростловчى регулятор ёрдамида бирдай сақлаб турилади. Бундан кейин 1 ротор чулғамига I_y үйғотиши токи беріб, генератор үйғотилади. Қутбларнинг доимий тезликда айланувчи Φ_a оқими 4 якорь чулғамини кесиб (11-4-расм) унда

$$E_o = 4,44 \Phi_a f m k_o \quad (11.1)$$

э. ю. к. ҳосил қиласы, бу э. ю. к. салт ишлаш электр юритувчи кучи дейилади.

Синхрон генераторнинг $I = 0$ ва $f = \text{const}$ бўлгандаи салт ишлаш характеристикаси $E_o = f(I_y)$ мустақил үйғотиши ўзгармас ток генераторининг ана шундай характеристикасига батамом ўхшайди.

11-3. УЧ ФАЗАЛИ СИНХРОН ГЕНЕРАТОРНИНГ НАГРУЗКА БИЛАН ИШЛАШИ

Синхрон генераторларда якорь — истеъмолчи занжиридан ўтувчи I нагрузка токи (11-3, 11-4-расм) одатда қутблар оқимлари Φ_a томонидан вужудга келтирилган E_o э. ю. к. га нисбатан бирор ψ

бурчакка силжиган бўлади. Бу силжиш истеъмолчининг φ натижада ток орқада қолади.

Якорь токи I якорнинг магнитловчи кучи F_I ни, бу куч эса якорь оқими Φ_I ни ҳосил қиласди (11-3-расм), натижада якорь реакцияси вужудга келади. Агар I ток фаза жиҳатидан э. ю. к. га мос келади деб фараз қилинса (11-3-расм), у ҳолда якорнинг группа (учталаб) симлари ҳосил қиласган Φ_I оқими кутб учларига кўндаланг йўналган бўлади. Ўзгармас ток генераторидаги сингари (8-8-§ га қаранг) якорь кўндаланг реакцияси вужудга келади. Бироқ ток орқада синхрон машинада якорь реакцияси иш режимиға ўзгармас ток генераторидагига нисбатан кўпроқ таъсир қиласди. Бу ҳолда якорь магнит чизиқларининг бир қисми қутблар бўйлаб тулашиб, машинани кучли магнитсизлайди. I ток билан E_0 э. ю. к. орасидаги фаза силжиш бурчаги 90° эл. град га қанча кўп яқинлашса, якорнинг бу бўйлама реакциясининг таъсири шунча кўп бўлади.

11-5-расмда икки қутбли генератор учун роторнинг 11-3-расмда кўрсатилгандаидек вазияти кўрсатилган. Якорь симларида э. ю. к. ларнинг йўналиши 11-13-расмдагидек, бироқ

11-5-расмда симларда э. ю. к. нинг йўналиши эмас, ундан ψ бурчакка орқада қолган I якорь токи кўрсатилган.

Якорь реакцияси таъсирида машинанинг натижавий магнит оқими Φ камаяди ва нагруззкалсанган машинанинг E э. ю. к. E_0 дан анчагина кичик. Якорь симларида кучланиш тушиши $I\sqrt{r_I^2 + x_S^2} \approx Ix_S$ ҳам, ўзгармас ток машиналаридагидан катта, шунинг учун орқада қолувчи токда синхрон генератор кучланишининг процент ўзариши жуда катта;


$$\Delta U = \frac{E_0 - U_n}{U_n} 100\% = (20-40)\% U_m. (11-2)$$

11-6-расмда синхрон генераторнинг орқада қолган тоқдаги ташқи характеристикиси, яъни $I_n = \text{const}$, $f = \text{const}$, $\cos \varphi \leq 1$ бўлгандаги


$$U = f(I)$$

боғланиш кўрсатилган.

Баён қилингандарнинг ҳаммаси, трансформатор иккиламчи занжирининг диаграммасига ўхшаш (9-9-расмга қаранг),




11-4-расм. Генераторнинг ула-ниш схемаси.



11-5-расм. Синхрон генера-торнинг якорь реакцияси.


генераторнинг вектор диаграммасида (11-7- расм) тасвирланган. Роторнинг $F_{\text{маг.}}$ магнитловчи кучи салт ишлашда E_o э. ю. к. ҳосил қиливчи $\Phi_{\text{маг.}}$ оқимини ҳосил қиласди. Агар якорь чулғамид а E_o э. ю. к. дан ψ бурчакка орқада қолувчи I ток оқса, у ҳолда якорнинг I ток билан фаза жиҳатидан мос бўлган F_y магнитловчи кучи $F_{\text{маг.}}$ магнитловчи кучдан 90° дан катта бурчакка силжиган бўлади.

Нагрузкаланган машинанинг йиғинди оқими Φ камроқ натижавий магнитловчи куч $\bar{F} = \bar{F}_{\text{маг.}} + \bar{F}_y$ томонидан ҳосил қилинади, демак, нагрузка бўлганда $E < E_o$ э. ю. к. ҳосил бўлади. E дан якорда кучланиш тушиши I_{x_s} айриб ташланса, генератор тутқичларидаги кучланиш U келиб чиқади. Айни ҳолда x_s якорь чулғамишининг сочилиш оқимлари ҳосил қилган қаршиликдир, r_s қаршилик эса ҳисобга олинмайди.



11-6- расм. Синхрон генераторнинг ташқи характеристикиси.

11-4. СИНХРОН ГЕНЕРАТОРЛАРНИ ПАРАЛЛЕЛ ИШЛАТИШ УЧУН УЛАШ




11-7- расм. Синхрон генераторнинг вектор диаграммаси.


умумий шиналарга қўшилган. Худди шу шиналарнинг ўзига № 2 генераторни қўшиш керак. Генераторларнинг роторлари ўзларининг бирламчи двигателлари томонидан айлантирилуви икки магнит кўринишида тасвирланган. № 1 генератор $U_1 = \text{const}$, $f_1 = \text{const}$ ва $I_1 = \text{const}$ бўлганда ишлади.

№ 2 генераторни шиналарга улаш учун унинг ротори айлантирилади, уйғотилади ва $U_2 = U_1$; $f_2 = f_1$ бўлишига эришилади. Агар булар трансформаторлар бўлганида, $a - a$ ва $x - x$ тутқичлар орасидаги потенциаллар фарқи нолга teng, № 2 генераторнинг рубильниги туташган эканини текшириб кўриш етарли бўлар эди. Биз

кўраётган ҳолда у етарли эмас, чунки генераторлар механик ҳам, электрик ҳам бирлашмаган ва уларнинг роторлари бир-бираидан фарқ қиливчи n_1 ва n_2 тезликлар билан айланавериши мумкин, № 1 генераторнинг U_1 вектори (11-9-а расм) кўрсатилган йўналишда доимий ω_1 бурчак тезлик билан айлансин. Агар U_2 вектор кўзғалмас деб фараз қилинса, у ҳолда $n_2 \neq n_1$ да № 2 генераторнинг E_2 э. ю. к. нинг вектори U_1 векторга нисбатан секинроқ ёки тезроқ айланниши, демак, унга нисбатан $\omega_1 - \omega_2$ тезлик билан силжиши мумкин. № 2 генераторнинг рубильнигини U_1 ва E_2 фаза жиҳатидан устма-уст тушган вақтдагина, яъни $a-a$ ҳамда $x-x$ тутқичлар орасидаги потенциаллар фарқи нолга тенг бўлгандагина улаш мумкин. Бу пайтда якорлар чулғамларининг берк контурларини, масалан, X_1-A_1 , 1 шина, лампа A_2-X_2 , лампа 2 шина, X_1 йўналишида айланганда U_1 ва E_3 нинг бир-бира билан учрашувчи таъсир қилишини пайкаш мумкин ва 11-9-а расмда тескари фазада тасвирангандан.



11-8- расм. Бир фазали генератортарни параллел ишлаш үчүн улаш.



11- 9- расм. Уч фазали генераторларини паралел ишлаш учун улаш.

Башлайди, яъни уларнинг роторлари бир хил ўзгармас бурчак тезлик билан айланади. Агар генераторларнинг қутблари сони бир хил бўлмаса, уларнинг роторлари қутблар сонига тескари пропорционал бўлган бурчак тезликлар билан айланар эди. Уч фа-

зали генераторлар ҳам худди шундай синхронланади. Бунда уларнинг қарама-қарши тутқичларига учта лампа уланади (11-9-б расм). Генераторлар учала лампа ҳам ўчган вақтидагина уланади. U_1 ва E_2 векторларининг юлдузчалари, яъни $A_1B_1C_1$ ва $A_2B_2C_2$ шу пайт учун қарама-қарши фазада кўрсатилган. Амалда эса электр станцияларда синхронлаш учун фақат улаш пайтими кўрсатувчи эмас, балки уланадиган генератор роторининг керагидан тез ёки секин айланаштиганини ҳам пайқашга имкон берувчи синхронизаторлар ишлатилади.

11-5. ЎЗГАРМАС УЙФОТИШ ТОКИДА СИНХРОН ГЕНЕРАТОРНИНГ ТАРМОҚ БИЛАН ПАРАЛЛЕЛ ИШЛАШИ

11-8-расмдаги № 2 генератор № 1 генератор билан параллел уланган деб фараз қиласлийк. № 1 генераторнинг P_n қуввати № 2 генераторнинг P_{2n} қувватидан жуда катта бўлсин. Бу ҳолда № 2 генераторда бажарилган ҳар қандай операция ҳам № 1 генераторнинг U_1 ва f_1 ни ўзгартира олмайди. Фақат бир фаза учун текшириб кўрайлийк.

№ 2 генератор улангандан кейин генераторларнинг роторлари бир хил $n_1 = n_2 = \text{const}$ тезлик билан айланади. U_1 ва E_2 векторлар эса қарама-қарши фазада бўлиб (11-9-а расм), бир томонга $\omega_1 = \omega_{\text{синх}} = \text{const}$ тезлик билан айланади. № 2 генераторнинг бирламчи двигатели шундай қувватга эришадики, бунда ток $I_2 = 0$ бўлгани учун генераторнинг салт ишлашига кетган истрофлар қопланади.

Агар № 2 генераторнинг бирламчи двигателига бериладиган энергия миқдори орттирилса (сув, буғ ва ҳоказо), двигателнинг айлантирувчи моменти қаршилик моментидан катта бўлиб қолади ва № 2 генераторнинг ротори тезланиш билан айланади. Унинг ротори № 1 генераторнинг роторига нисбатан

секин сурилади ва роторлар ўқлари орасида номувофиқлик бурчаги θ пайдо бўлади. E_2 э. ю. к. салт ишлашдаги вазиятига нисбатан шу θ бурчакка илгари кетади, бу 11-10-расмда кўрсатилган.

Энди U_1 ва E_2 мувозанатлашмайди ва ΔE фарқ пайдо бўлиб, якорлар чулгамларининг берк контуридан

$$I_2 = \frac{\Delta E}{x_1 + x_2} = \frac{\Delta E}{x}, \quad (11-3)$$

ток ўтади, бунда $x = x_1 + x_2$ — якорлар чулгамларининг реактив қаршилиги; актив қаршилиқ жуда кичик бўлгани учун назарга олинмайди.

I_2 ток ΔE дан 90° га (чорак даврга) орқада қолади, бироқ фаза жиҳатидан E_2 га деярли мос тушади. Генераторнинг қуввати $P_2 = E_2 I_2 \cdot \cos \varphi_2$ бўлади. Токнинг $I_2 \cdot \cos \varphi_2$ актив ташкил этувчиси θ бурчак қанча катта бўлса, шунча катта тормозловчи момент ҳосил қиласди. θ нинг бирор қийматида тормозловчи момент ортиқча айлантирувчи моментни мувозанатлайди, роторнинг тезланиши нолга тенглашади ва у яна $\omega_1 = \text{const}$ билан айланади.


Шундай қилиб, генераторга нагрузка бериш учун бирламчи двигателнинг айлантирувчи моментини орттириш, яъни унга берилётган энергия миқдорини кўпайтириш керак экан.

Агар № 2 генератор улангандан кейин унинг бирламчи двигателнинг айлантирувчи моменти камайтирилса, у ҳолда θ бурчак ва P_2 қувват камаяди, яъни генератор нагрузка ташлайди. Айлантирувчи момент янада камайтирилса, ротор салт ишлаш ҳолатидан орқада қола бошлиши мумкин. Яна номувофиқлик бурчаги θ пайдо бўлади, бироқ энди у тескари томонга йўналади; электр юритувчи куч салт юриш ҳолатидан орқада қолади (11-11- расм), э. ю. к. нинг ΔE фарқи ва I_1 ток пайдо бўлади. Бу ток ΔE дан 90° га орқада қолади, бироқ фаза жиҳатидан U_1 билан деярли мос тушади. Бу ҳолда № 1 генераторнинг қуввати $P_1 = U_1 I_1 \cdot \cos \varphi_1$ га эришади, бунинг ҳисобига айлантирувчи момент вужудга келади ва № 2 синхрон машина двигатель режимига ўтади. Электр станцияларда бундай режимга йўл қўйилмайди, шу сабабли машина тескари қуввати реле-си ёрдамида шиналардан автоматик равишда ажратиб қўйилади.

11-6. СИНХРОН ДВИГАТЕЛЬ

Юқорида синхрон машинанинг двигатель режимида ишлаши мумкин эканлиги кўрсатилган эди, бироқ двигатель режимига ўтказишнинг бу усули қўлланилмайди. Синхрон двигателни юргизиб юборишнинг кўпгина схемаларидан бири 11-12-расмда кўрсатилган. Бу ҳолда роторнинг одатдаги ўйғотиш чулғами 1 дан ташқари (бу чулғам расмда шартли равишида пункттир билан кўрсатилган), асинхрон двигателдаги сингари иккинчи — қисқа туташтирилган чулғами 4 ҳам бўлади. У юргизиш чулғами хизматини ўтайди.


Юргизиб юбориш қўйидагича. Ўйғотиш чулғами 1 переключатель 2 билан қаршилик 3 га туташтирилади, бу қаршилик чулғамнинг ўз қаршилигидан 8—10 марта катта бўлади. Статор 5, рубильник 6 билан ток берувчи тармоқقا уланади ва айланувчи магнит оқими роторнинг қисқа туташтирилган чулғами 4 да токлар ҳосил қиласди, роторни $n < n_1$ тезликка эриштиради. Ротор n_1 тезлик билан, яъни оқим билан синхрон айланана бошлиши учун



11-11- расм. Ўйғотиш токи ўзгармаганда синхрон машинанинг иш диаграммаси.

переключатель 2 пичоқларини пастга, уйғотгич якори тутқичлари 7 га бирлаштириб, ротор уйғотилади. Бунда машина синхронликка яқынлаша бошлади.

Юқорида айттык ўтганимиздек, бу двигателлар қуввати юз ва минглаб киловват бўлган насослар ва ҳаво дамлари приводлари-



11-12- расм. Синхрон двигателни юргизиш схемаси.

да шлатилади. Синхрон двигателларнинг нагрузка ортишига бўлган қобилияти, яъни $M_m/M_n \approx 1,8 - 2,5$. Бир неча юз ваттдан ошмайдиган кичик қувватларда, бу двигателлар уйғотиш чулғамисиз ясалади ва реактив синхрон двигателлар дейилади. Бу двигателлар ўзгармас айланыш тезлиги талаб қилинадиган (овозли кино, телемеханика) соҳаларда ишлатилади.


11-7. УЙҒОТИШ ТОКИ ЎЗГАРАДИГАН БЎЛГАНДА СИНХРОН МАШИННИНГ ТАРМОҚ БИЛАН ПАРАЛЛЕЛ ИШЛАШИ

№ 2 генераторни параллел ишлашга улаш пайтида (11-9- а расм) якорь чулғамида унинг токи ҳосил бўлмайди. Агар улангандан кейин, генераторнинг уйғотиш токи кўпайтирилса, унинг E_2 э. ю. к. U_1 дан катта бўлади ва $\Delta E = E_2 - U_1$ фарқ таъсирида генераторлар якорлари чулғамларида I_2 ток ўта бошлади, бу ток юқорида баён қилинган сабабларга кўра ΔE дан фаза бўйича 90° орқада қолади. Бу ҳолнинг диаграммаси 11-13- расмда кўрсатилган. Бу ток E_2 дан ҳам фаза бўйича 90° орқада қолади; шунинг учун № 2 генератор ҳосил қиласидиган актив қувват $P_2 = E_2 \cdot I_2 \cdot \cos \psi_2 = 0$ бўлади.


Шундай қилиб, параллел ишлашда уйғотиш токинининг ўзгариши генератор актив қувватининг ўзгаришига олиб келмас экан. Бироқ генератор шитогидан ҳамма вақт орқада қолувчи токда ишловчи генераторга мўлжалланган $\cos \varphi$ (одатда у 0,85 га тенг бўлади) кўрсатилади. Бу генераторнинг $P = E_2 I_2 \cdot \cos \psi_2$ актив қувват ва $Q = E_2 I_2 \sin \psi_2$ реактив қувват ҳосил қилиши кераклигини кўрсатади. Бу ҳолга тегишли диаграмма 11-14- расмда кўрсатилган. У 11-10- расмдаги диаграммадан θ номувофиқлик бурчагини ўзгартирасдан E_2 векторни катталаштириш йўли билан ҳосил қилинган.

11-12- расмда двигатель режимида ишлашга мўлжалланган синхрон машинанинг уланиш схемаси кўрсатилган. Бироқ кўпинча синхрон компенсатор режими ўрнатилади, бундай режимда синхрон двигатель актив қувватининг жуда кам қисмини сарф қиласини ҳолда, кучли илгариланма ток билан салт ишлади. Бу ҳол учун ишлаш диаграммаси 11-15- расмда кўрсатилган. Роторнинг салт ишлаш вазиятидан силжишини кўрсатувчи θ бурчак кичик, демак, актив қувват ҳам салт ишлашга мувофиқ кичик бўлади. Ротор


чулғамида уйғотиш токининг катталиги туфайли машинанинг электр юритувчи кучи $E_2 > U_1$. Ток $I \Delta E$ дан 90° бурчакка орқада қолади, бироқ деярли батамон реактив бўлиб, U_1 кучланишдан 90° га яқин бурчакка илгарилмана бўлади.



11-13-расм. Уйғотиш токи ўзгарувчан бўлганинда синхрон машинасининг иш диаграммаси.



11-14-расм. Актив ва реактив ток билан нагрузкалганга синхрон генераторининг иш диаграммаси.



11-15-расм. Синхрон компенсаторнинг иш диаграммаси.

Агар бундай машина, 10-38-расмда кўрсатилгандек, 5 ёки 6 пунктларда уланган бўлса, у конденсатор сифатида ишлаб, тармоқда токлар резонанси ҳосил бўладиган шароитга яқин шароитни вужудга келтиради (5-14- § га қаранг). Бундай айланувчи конденсатор одатдаги конденсаторлардан уйғотиш токини ўзгартириси билан илгариланма ток катталигини, демак, E_2 нинг катталигини ҳам ўзгартириси тармоқда энг фойдали соғ ҳосил қилиш мумкинлиги билан афзалдир.

11-8. ЭЛЕКТР МАШИНАЛАРИНИНГ ПАРВАРИШИ

Нормал ишләтган машинанинг парвариши машинани тоза ҳолда сақлашдан ва унинг контакт қисмларининг бекам-кўст бўлишини кузатиб турисдан иборатdir. Шунингдек, машина айрим қисмларининг нормадан ортиқ қизиб кетишига йўл қўймай, температурани кузатиб борини керак.

Машинанинг кирлари тоза қуруқ латта билан тозаланади, чайганин тозалаш учун эса металл училиги (сплоси) бўлмаган дастаки дам ишлатилади.

Машинанинг эн «инжиқ» қисми коллектордир. Тўғри ишләтган коллектор учқун чиқармаслиги керак. У аниқ цилиндр шаклида бўлиши (коллектор «тепмаслиги») керак. Пластинкалар орасига кўйилган изоляция коллекторнинг ташкин сиртидан чиқиб қолмаслиги, бу сирт силлиқ қилиб ишланиши, тирналган ва куйган жайлари бўлмаслиги керак.

Машинани юргизиш оидидан коллекторни қуруқ ёки бензинда сал ҳўлланган тоза сурој латта билан тозаланади. Агар коллекторнинг сиртида сал-пал тирналган жойлар, радиор-будурликлар, ифлосланиш, сал-пал куйган жойларнинг борлиги ёки слюданинг бир оз чиқиб қолтани сезилса, у қайта силлиқланади. Коллектор кичик номерли шиша қофоз ёрдамида силлиқланади, жилвири қоғоздан мутлақо фойдалайтилганда керак, чунки жилвири қоғоз чанглари ток ўтказади.

Шиша қоғоз ёғоч дастага маҳкамланади, дастанинг ботиқ қисми коллекторининг эгрилигига қатъий мос бўлиши керак. Қоғозли даста коллекторга қистириб қўйилади ва якорь айлантирилади. Коллектор унинг сирти тоза ва силлиқ бўлгугича силлиқланади. Коллектор сиртининг бир текисда қорамтири (қўнир) бўлиши зарарсиз ва бундай ҳолда уни силлиқлаш керак эмас. Чўткалар ва коллекторининг нормал ишлами коллектор сиртининг жигар ранг ва ҳатто қўнфири ҳаво рағиб бўлиши билан характерланади.

Коллекторни жуда зарур бўлган ҳоллардагина йўнилади. Коллектор пластинкаларни бир-биридан ажратиб турувчи миканит (спло) изоляция мис пластинкаларига қарагандай камроқ ейилади, шу сабабли вақт ўтиши билан бу изоляция коллектор сиртига чиқиб қолади. Коллектордан учқун чиқишига сабаб бўладиган бу ҳодисани бартараф қилиш учун коллекторни «равонлаштирилади», яъни пластинкалар орасидаги изоляцияни $0,5 - 1$ ми чукӯрликда арраланади ёки фрезерланади. Бу иш ножовка полотноси парчасидан қилинган ва ёғоч дастага маҳкамланган махсус кичик арра ёрдамида қўлда ёки электр двигатели билан айлантириладиган махсус кичик ($d = 20 - 25$ мм) фрезерлар ёрдамида амалга оширилади. Равонлаштирилганидан сўнг коллектор юқорида тавсифланган усул билан силлиқланади.

Чўтка тутқичлар маҳкамланган траверса завод томонидан кўрсатилган белги чизиқларига аниқ ўрнатилиши керак, шундагина чўткалар коллекторга тўғри жойлаштирилади.

Ўзгарувчан ток машиналарининг ҳалқалари коллекторга нисбатан кам қаров талаб қилади. Контакт ҳалқалар «тепмаслиги» керак; уларнинг сиртида тирашланган, пачоқланганга ва кемтик жойлар бўлмаслиги лозим. Чўткалар ҳалқаларга бутун сиртлари билан тегиб туришлари, уларда осилиб қолмасликлари лозим.

Машинанинг мазкур хили учун чўткаларнинг машинани тайёрлаб берган завод тавсия этган маркаларинингга ишлатиш керак. Чўткаларнинг нотўғри танланган тури ҳаддан ташқари кўп учқун чиқаруб, машинани мутлақ яроқсиз қилиб қўяди. Тўғри ишләётган кўмір чўткаларнинг коллектор ёки контакт ҳалқасига тегиб турган сиртининг ҳамма юзи кўзгу сингари ярқираб туриши лозим.

Чўткалар чўтка тутқичининг обоямларида осон силжиши ва коллекторга ҳамда ҳалқаларга маътум босим билан ёнишиб туриши керак. Кўмір-графит, графит электрографит, мис-графит, бронза-графит чўткалар бўлади. Биринчи уч хил чўткалар ўзгартмас ток машиналарига, кейинги икки хили эса асинхрон ва синхрон машиналарга ўрнатилади.

Янги чўткаларни ўрнатишда уларни албатта коллекторга мослаб қайта силлиқлаш керак. Бунинг учун чўтка тутқичига ўрнатилган чўтка остига силлиқловчи сирти билан чўткага қараган шиша қоғоз солинади ва у олдинга ҳамда оғқага ҳаракатлантирилади. Тўғри силлиқлаш учун қоғозни коллектор бўйлаб қисиб қўйиш лозим.

Электр машиналарида сирпаниш подшипниклари ҳам, юмалаш подшипниклари ҳам ишлатилади. Ҳозирги замон кам қувватли ва ўртача қувватли машиналариди, одатда, шарикли ва роликли подшипниклар бўлади, йирик машиналарда эса сирпаниб ишқаланиш подшипниклари, кўпинча эса ҳалқа ёрдамида мойланадиган подшипниклар ишлатилади.

Роликли ва шарикти подшипниклар жуда кам қаров талаб қилади. Улар қуюқ мой (тавот) билан мойланади; мойни 3—4 ойда бир марта алмаштириш етарли, бироқ ҳар бир наебатдаги текшириши — тозалаш ва мойлаш пухта баражилиши керак. Очилик подшипникнинг эски мойни тозаланади, унинг барча деталлари (обойма, шариклари) бензин билан тозалаб ювилиб, сўнгра янги мой қўйилади. Подшипник камераси ҳажмининг тахминан $\frac{2}{3}$ қисми мой билан тўлдирилади, бу подшипникнинг яхши ишлашини таъминлайди. Подшипникнинг нуксонсиз эканлигига бир оз бўлса-да, шубҳа қилинса, яхшиси подшипникни очиб қўриш, ундаги кичкинагина нуксонларни ҳам бартараф этиш керак. Шундагина жиддий бузилишлар ва катта маблағлар сарф бўлишининг олдини олиш мумкин.

Сирпаниб ишқаланиш подшипниклари катта эътибор ва парвариш талаб қиласди. Подшипникларнинг ҳамма қопқоқлари зинч ёпилиши керак. Бу подшипникларда мой сатҳини узлуксиз кузатиб бориш ва ўз вақтида қўшимча мой қўйиб туриш лозим. Одатда, мой ҳафтасига бир марта қўйилиши керак. Ҳатто қопқоғи

жуда зіңг ёпілгадиган подшипниктердә ҳам мой вакт үтиши билан ифлюсланади. Шунинг учун мойны камида 1—2 ойда бир марта алмаштириб түршілозим. Бұннан үчүн есқи мой чиқарып тешиги орқалы чиқарып юборылып, подшипник кемераси көрсөн болан тозаланади. Камерадан оқиб чиқаётган көрсөн мутлиқ тоза бұлғач, чиқарып тешигиңи ёпмасдан подшипникке тоза мой құйнапади. Буында подшипник кемераси қолған көрсөндан тозаланади. Нихоят, чиқарып тешиги ёплиб, мой құйн қўйилади.

Подшипникларни мойлаш учун ишлатыладиган мойда чўк а ҳамда таркибида смола ва кислота бўлмаслиги керак.

Подшипникларни мойлаб түршіл болан бирга вкладышларнинг ейнлишини ҳам кузатиб түршіл керак. Бу нараса асинхрон двигателлар учун айниқса муҳимдир, чунки уларда ҳаво зазори жўда кичик ($0,3$ — $0,5$ мм) бўлади ва подшипник вкладиши ейнлигандага ротор статорга тегиб қолниши мумкин. Шунинг учун ротор билан статор орасидаги ҳаво зазорини ҳар хил қалинликда калибрланган ленталар шаклидаги шчуплар ёрдамида вакт-вақти билан текшириб турйлади. Роторининг анча ўтириб қолниши сезизса, подшипникларни вкладишлиари қайта қўйилади. Подшипниклар (мой)нинг 80° гача қизининг йўл қўйилади. Подшипникларни қизинши, кўпинча қўл теккизиб кўриши йўли билан (сутка давомида бир неча марта), масъулнитили ҳолларда эса подшипникнинг мойига ботириладиган симобли термометрлар билан текшириб турйлади.

Машинна изоляцияси нинг қаршилиги даврни равишда бутун иш давомида, иш орасида узоқ вакт узилниш бўлгандага, шунингдек, машина монтаж қўлинигандага ва ўриятилганда ўлчанади. Изоляция қаршилигининг катта бўлиши изоляцияниг етарлича электрлик пухта экантигини билдиради.

Машинна чулғамлари, коллектор ҳаљка ва машинна көргуси (ер) орасидаги изоляция қаршилиги индуктор ёки мегомметр ёрдамида ўлчанади.

Қизинган машина изоляцияси қаршилигининг катталаиги мегомметр билан ўлчанганда синхрон генератор статорининг ҳар бир фазаси учун 1 Мом; ротор чулғами учун 0,5 Мом; асинхрон электр двигателининг статор чулғами учун 1 Мом дан; ротор учун 0,2 Мом дан кам бўлмаслиги керак. Ўзгармас ток машинагалари изоляция қаршилиги катталаигининг нормаси бўлмайди.

Агар машина изоляциясининг қаршилиги етарли бўлмаса (машина намалтаниб қолганда кўпинча шундай бўлади), у ҳолда машинна қуритилади. Қуритиш печлари бўлгандай, жуда катта бўлмаган электр двигателларини қуритишдагина улардан фойдаланиш мумкин. Печининг температураси 90° — 100° С. Қуритиш 8—10 соат давом этади. Статор ва ротор айрим-айрим қуритилади. Қуритиш печларни ёки бошқа қуритиш қуримларни бўлмагандай машинани электр токи ўтказиб қизитиш йўли билан қуритилади.

Ўзгармас ток машинасини генератор режимида ишлашга ўтказишда мустақил ўйғотишили схема бўлиши керак. Ўйғотищ чулғами кичик кучланишга (2—4 в) уланаиди, якоғи амперметр орқалы қисқа туташтирилади. Ўйғотищ чулғамига ток бериш мутлако керак бўлмайдиган ҳоллар ҳам бўлиши мумкин, бундай ҳолларда якорда етарли ток ҳосил қилиш учун қолдиқ индукция оқимининг ўзи етарли бўлади. Ўйғотищ чулғамидаги токни ва якорнинг айланниш тезлигини ростлаб, якордаги токни чулғамларнинг термометр билан ўлчангандай температураси 70° — 75° С дан ошмайдиган катталаиккача етказилади. Ўйғотищ чулғамлари қизинган якорнинг иссиқлиги билан қуритилади.

Асинхрон двигателларини қўйидаги усул билан қуритиш мумкин. Двигатель ротори қисқа туташтирилади (агар у фазали бўлса) ва термозланади. Статор чулғамларига машинна чулғамларидага уларни 70° — 75° С температурагача қиздирадиган ток ҳосил қилиувчи пасайтирилган кучланиш берилади. Берилган кучланиш катталаиги машинанинг номинал кучланишидан 5—7 марта кам бўлади.

Шу нараси қайд қўйиб ўтиши керакки, айтib ўтилган температура қуритиш нинг охириг жағдайдаги бўлиб, қуритиш процесси эса гиңча паст температурадан бошланниши зарур. Машинанинг қуритиш процесси (машинанинг қувватига қараб) бир неча соатдан 5—6 суткагача давом этади. Қуритиш процесси изоляция қаршилиги нормал катталаикка етганида тугалланади.

Металда реостатларга ўтириб қолган чаңг ёки ифлюсникларни латта билан артиб ёки ҳаво пуркаб тозаланади. Контактларнинг бекам-кўст ҳолатда бўлишини кузатиб бориш: куйнб қорайган җойларини қўриб ташлаш, кўзғалувчи кон-

тактиниг сиқиб туришини, спиралларнинг салқиланиб қолмаганлигини, бир-бирига ёки корпусга тегиб қолмаганийни текшириб туриш керак.

Мойли реостатларда мойининг сатҳини кузатиб бориш, агар керак бўлса, мой қуиб туриш лозим. Одатда минерал мой — трансформатор мойи ишлатилади. Мойни 1—2 ойда бир марта алмаштириб туриш тавсия қилинади, бунда бак ва қаршиликларни керосин билан ювиб ташлаш керак.

Үн иккинчи боб


АВТОМАТИК ҚУРИЛМАЛАРНИНГ ЭЛЕКТР МАШИНАЛАРИ

12-1. МАШИНАЛАРНИНГ ВАЗИФАСИ

Автоматик бошқариш қурилмаларида ишлатиладиган электр машиналар одатдаги электр машиналардан ишлаш принципи жиҳатидан фарқ қиласа ҳам, конструкцияси ва хоссалари жиҳатидан фарқ қиласи. Бундай машиналар кичик — ваттнинг улушларидан ўнлаб ваттгача қувватларга мўлжаллаб ясалади ва микромашиналар деб аталади.

Бизнинг саноатимиз турли типдаги кўплаб микромашиналар ишлаб чиқаради. Биз мазкур сабода улардан баъзиларининг тузилиши ва ишлаш принципи ҳақида қисқачагина маълумот берамиз.

Вазифаларига қараб бу машиналар ижро қиливчи двигателларга, тахогенераторларга, бурилма трансформаторларга, синхрон алоқа машиналарига бўлинади ҳамда автоматика, телемеханика ва ҳисоблаш техникасида ишлатилади. Бу машиналар ва уларнинг автомат қурилмалардаги ролига қараб, нормал ясалган машиналарни ўрганишда учрамаган баъзи тушунчалар ҳақида шартлашиб оламиз.



12-1- Сигнални ўзгартириш схемаси.

12-1- расмда генератор 3 билан муфта 2 орқали уланган электр двигателги 1 кўрсатилган. Агар энергия тармоғи 4 дан двигателга энергия берилса, двигатель уни механик энергияга айлантиради, бу механик энергия эса генератор 3 да яна электр энергияга айлантирилади. Бироқ бу ерда асосий масала энергиянинг бир турдан иккинчи турга айланishi эмас, балки сигнални узатиш ва ўзгартиришди.

Двигателга доимий U кучланиш бериш, двигателга айланана бошлиш ҳақида берилган команда (буйруқ) бўлиб хизмат қиласи. Двигатель сигнал — кучланиш олиши билан айланана бошлайди, яъни буйруқни бажара бошлайди. Иккинчи томондан, двигателнинг айланана бошлагани унинг сигнални олганлигидан дарак беради. Шундай қилиб, электр сигнални (кучланиш) механик сигналга (валнинг айланishi) айланади. Двигатель генератор 3 ни айлантиради ва гене-

ратор тутқичларида кучланиш пайдо бўлади, бу кучланиш айни вақтда генераторга механик сигнал келганилигидан дарак беради. Демак, бу мисолда сигналнинг узатилиши ва икки марта ўзгариши рўй беради, чунки сигнал доимий кучланиш тарзида берилган эди, масалан, синусоидал кўринишда олинди.

12-2. ЎЗГАРМАС ТОК ИЖРО ҚИЛУВЧИ ДВИГАТЕЛИ

Схемаси 12-2- расмда кўрсатилган мустақил уйғотишли ўзгармас ток ижро қилувчи двигатели иккита турли манбадан энергия олади. Уйғотиш чулғами I_1 га U_y кучланиш берилади, бу кучланиш одатда ўзгармайди. Якорь чулғамига бошқа сигнал — U_b бошқариш кучланиши берилади ва двигатель унинг катталиги ҳамда йўналишини ўзгаририш билан бошқарилади.


Ҳар бир ижро қилувчи двигатель қўйидаги сифатларга эга бўлиши керак. У сигнал пайдо бўлиши биланоқ юриши ва сигнал тўхтаган заҳоти тўхташи лозим. У ўз-ўзидан юрмаслиги, яъни сигнал йўқолганда ҳам айланишини давом эттириш қобилиятига эга бўлмаслиги керак. Двигателнинг айланиш тезлиги бир текис бўлиши ва кенг чегараларда ростланадиган бўлиши керак, унинг айланиш йўналиши эса сигналнинг қутблилиги ёки фазаси ўзгаргандаги дарҳол ўзгариши лозим. Мустақил уйғотишли ижро қилувчи двигатель ана шу талабларнинг ҳаммасини қаноатлантиради.

Ҳар қандай электр двигателининг ҳам энг муҳим характеристикаларидан бири унинг механик характеристикаси дидир (10-24- расм). Бу характеристика, яъни $U_y = \text{const}$ ва $U_b = \text{const}$ бўлганда $n = f(M)$ мазкур двигатель учун 12-3- расмда кўрсатилган. Абсцисса ўқи бўйлаб $M\% = \frac{M}{M_{10}} \cdot 100\%$ миқдор қўйилган, бу ерда M — айлантирувчи момент, M_{10} эса двигатель учун доимий бўлган юргизиш моменти.

Ўзгармас ток машиналарида $M = c\Phi I_a$ ва $U_y = \text{const}$ бўлганда I_y ҳамда $\Phi = \text{const}$ бўлганда учун $M = c_m I_a$. Тезлик $n = 0$ бўлганда момент $M = M_{10}$ бўлади ва $I_a = 0$ бўлганда нолга тенг бўлди. Якорь токи

$$I_a = \frac{U_y - E}{r_a}. \quad (12-1)$$

$U_y \neq 0$ ва $r_a \neq \infty$ бўлгани учун $U_y = E$ бўлганда I_a нолга айланади. Қарама-қарши э. ю. к. фақат бирор n_0 назарий тезликда, тормозлаш моменти M_t мутлақо йўқ бўлгандагина кучланишга тенг бўлиши мумкин. Бу тезлик идеал салт ишлаш тезлиги дейилади ва асинхрон двигателнинг n_1 синхрон тезлигига ўхшайди.




12-2- расм. Ўзгармас ток ижро қилувчи двигатели.


Реал n тезликкінг n_0 га нисбати, яғни $n\% = \frac{n}{n_0} 100\%$ 12-3- расмда ординаталар ўқи бўйлаб жойлаштирилган

$$\alpha = \frac{U_b}{U_y} \quad (12-2)$$

нисбат бошқариш коэффициенти дейилади. 12-3- расмда a эгри чизиқ, $\alpha = 1$ учун, b ва v эгри чизиқлар эса мос равишила $\alpha = 0.75$ ва $\alpha = 0.5$ учун ясалган. Механик характеристикалар тўғри



12-3- расм. Ижро қилувчи двигателнинг механик характеристикалари.



12-4- расм. Ижро қилувчи двигателнинг ростлаш характеристикалари.

ри чизиқлар экан. Ўзгармас уйғотиш ва якорь кучланишларида айланиш тезлиги n нинг валдаги момент M га пропорционаллиги ижро қилувчи двигателнинг автоматик қурилмаларда ишлатиш мумкинligининг зарурый шартиди.

Механик характеристикаси тўғри чизиқдан иборат бўлган двигатель барча айланиш тезликларида двигателнинг турғун ишлашини таъминлайди, чунки n тезлик ҳар қандай пасайтганида унга пропорционал равишида айлантирувчи момент ортади ва мувозанат сақладиди. Ижро қилувчи двигатель учун бу шарт ҳам зарурийдир. 12-4- расмда $U_y = \text{const}$ ва $M = \text{const}$ бўлганда

$$n = f(U_y) \text{ ёки } n = f(\alpha)$$

ростлаш характеристикаси кўрсатилган. Айланиш тезлиги якорга берилган сигналга пропорционал бўлиши учун бу характеристика ҳам тўғри чизиқли бўлиши керак.

У механик характеристикадан қўйидагича ясалishi мумкин. $M_t = 0$ моментга (идеал ҳолда) $\alpha = 1, 0, 75, 0,5$ бўлганда 12-3- расмдаги 1, 2, 3 нуқталар мос келади. Мос равишида $\alpha = 1, 0, 75$ ва $0,5$ учун 12-4- расмда бу нуқтёларни ясаш ва $M_t = 0$ учун идеал ростлаш характеристикасини ҳосил қилиш мумкин. 12-3- расмда $\alpha = 1, 0,75, 0,5$ лар учун бироқ $M_t = 40\%$ га мос келувчи 4, 5, 6 нуқталарни олиб, 12-4- расмда α нинг ўша қийматлари учун, бироқ

$M_t = 40\%$ даги иккинчи характеристикани олиш мүмкін. Бу кейинги характеристиканың абсолюттасуында U_b нінг күтілгенін күрсатади, күчланишнинг бүтін мөлдөмдөңде двигатель $M = 40\%$ моментінде қосылған күзгінде.

Мустақил үйретілген ўзгаруыштың ток ижро қылувчы двигатели шу типтегі двигателлер орасыда әнг яхшисы ҳисобланады ва автоматик ростлашда да айниқса, кузатиш системаларда ишлатылады.


12-3. ЎЗГАРУВЧАН ТОК ИККИ ФАЗАЛЫ ИЖРО ҚЫЛУВЧЫ ДВИГАТЕЛИ

Саноатда ишлаб чиқарыладын барча микродвигателларнинг 90% га яқини ўзгаруыштың ток ижро қылувчы двигателларидір.

Автоматик системалар да ҳисоб-ешиш техникасы системаларда әнг күп күлланиладын ўзгаруыштың ток двигатели магнитсиз ғовак роторлы иккі фазалы асинхрон двигателдер. Бу двигателлер саноат частотасында ($f = 50 \text{ Гц}$) тармоқлардан ҳам, юқори (330, 400, 500, 800 да 1000 Гц) частотали тармоқларда ҳам ишлайверади, бунда айланиш тезлигі 1500 дан 30 000 айл/минга етиши мүмкін. Бу двигателлерге ҳам 12-2- § да саналған талаблар қойылады. Бирок, бу талабларни тұларавища қаноатлантириб бўлмайды, буни қуйыда күрсатамиз.


12-5- расмда иккі фазалы двигательнинг 10-15- § да көлтирилгенде ўзгаруыштың тасвирланған. Конденсатор билан кетма-кет уланған 1 үйретіш чулғами U_c күчланишты тармоқта ullanады да чулғамнинг U_b күчланишы ўзгаришсиз қолади. U_y сигнал башкарыш чулғами деб аталған чулғам 2 га берилади. Конденсатор туфайли чулғамлардагы токтар фаза бүйічі 90° га силжиган бўлади. Қисқа туташтан 3 ротор U_y күчланиш бериліши билан айланып башлайды да бағытта күчланиш йўқолиши ҳамоно тұхташи керак.

Двигатель 12-6- расмда күрсатылғаныдек, маҳсус конструкцияга эга. Кўзгалмас статор иккі қисмга эга; ҳамма чулғамлар жойлашадын ташқы қисм 1 да системаның магнит қаршилигини камайтирадын ички қисм 2. Массасини камайтириш, демек, ҳаракат тезлигини ошириш мақсадыда ротор 4 алюминий қотишмадан юпқа деворли стакан шаклида ясалады да ўқ 3 га маҳкамланади. Ўқ ички статор 2 орқали ўтказилади да двигатель чекка қопқоқларидаги подшипникларда айланади. Бундай двигателлер 4—70 вт қувватта мўлжаллаб ясалади; 0,1—1,5 вт қувватта мўлжаллланганида уларнинг конструкцияси 12-7- расмда күрсатылғаныдек бўлади. Статорнинг 1 ташқы қисми магнит қаршилигини камайтириш учун хизмат қилади, ички қисми 2 да эса чулғамлар жойлаштирилади. Бундан аввалги двигателдаридек, бунда ҳам ротор 3 алюминий қотишмасидан юпқа деворли стакан шаклида ясалади.



12-5- расм. Иккі фазалы ўзгаруыштың ток ижро қылувчы двигатели.


Нормал ясалған ўзгарувчан ток икки фазали асинхрон двигательнің биттә нүқсони бор, двигателни автоматик қурилмаларда ишлатиш учун бу нүқсонни бартараф қилиш лозим.



12-6- расм. Магнитсиз ғовак роторлы двигатель конструкциясы.

Нүқсон шундан иборатки, икки чулғам майдони таъсирида айланыётган двигатель майдонлардан бири, яъни бошқарищ чулғами узилганды ҳам айланишда давом этаверади, яъни у ўзидан-ўзи айланаверади. Бунинг сабаби 10-15- § да баён қилинганды эди (10-35-расм).

Биз юқорида күрган двигателларда (12-6, 12-7- расм) r_2 актив қаршиликлари x_2 реактив қаршиликдан катта бўлган магнитсиз ғовак роторлардан фойдаланиш натижасида двигателлар ўз-ўзидан




12-7- расм. Магнитсиз ғовак роторлы ва ички статорида чулғами бўлган двигатель конструкцияси.

айланмайди. Бу ҳолда 10-35- расмда тасвирланган диаграмма 12-8-расмда күрсатилганидек ўзгаради. x_2 нинг қиймати r_2 нинг қийматига нисбатан кичик бўлгани учун, ҳатто бу x_2 қаршилик икки-ланган частотада катталашганда ҳам ($s = 2$ бўлганда), унчалик роль ўйнамайди. Шунинг учун E_2 тес. ә. ю. к. ҳосил қилган $I_{2\text{tes}}$. ток ундан фаза бўйича 10-35- расмда кўрсатилгандагидан анча кичик ψ_2 тес.


буручакка орқада қолади. Демак, $F_{2\text{tes}}$. магнитловчи куч F_{tes} . магнитловчи кучни компенсацияламайди ва айланамайди. Бу тормозловчи момент тўғри Φ_t оқим ҳосил қилган айлантирувчи моментдан катта бўлади, чунки бунда r_2 қаршилик катталиги туфайли тўғри E_2 ә. ю. к. томонидан ҳосил қилинган $I_{2\text{tes}}$ кичик бўлади. Бу ҳолда тормозланиш иккала U_b ва U_y кучланишини олгандагидан кўра тезроқ бўлади. Ҳолбуки, бу икки кучланиши олинганда ҳеч қандай оқимлар бўлмайди ва ротор инерцияси бўйича айланishi мумкин.

Бундан ташқари, $r_2 \geq x_2$ бўлганда s сирпаниш ортиши билан айлантирувчи момент узлуксиз ортади ва двигатель ҳар қандай нагруззкада ҳам тургун ишлайди, бу 10-23- расмда 1 эгри чизиқ билан кўрсатилган.


Бу двигатель учун 12-9- расмда кўрсатилган механик характеристикаларни, мустақил уйғотишни ўзгармас ток двигателидаги сингари, тўғри чизиқли деб ҳисоблаш мумкин. Аксинча, ростлаш характеристикалари (12-10- расм) фақат $\alpha = 30-50\%$ гачагина тах-



12-8-расм. Магнитсиз ғовак роторли икки фазали асинхрон двигательнинг ўз-ўзидан юрмаслигини изоҳловчи диаграмма.



12-9-расм. Икки фазали ижро қилувчи асинхрон двигателнинг механик характеристикалари.



12-10-расм. Икки фазали ижро қилувчи асинхрон двигателнинг ростлаш характеристикалари.

минан түғри чизиқ деб ҳисобланиши мүмкін. Шу сабабли двигательнинг номинал тезлиги учун тахминан салт ишлашдаги тезлигининг ярмига тенг катталик олинади.

Двигатель ҳаракатлантираётган система тез айланмаслиги мүмкін бўлган ҳолларда магнитсиз ғовак роторли асинхрон двигатель ўрнига бемалол одатдаги ротори қисқа туташтирилган асинхрон двигатель ишлатилиши мүмкін. Бу двигателда ҳаво зазори кичик бўлгани сабабли магнитлаш тоқи, демак, статор чулгамидағи истрофлар ҳам кам бўлади, натижада двигательнинг фойдали иш коэффициенти ва $\cos \phi$ ортади. Салт ишлашдан то двигатель тўхагунча ($s = 0 \div 1$) двигатель турғун ишлаши керак бўлгани учун, роторнинг r_2 актив қаршилиги x_2 реактив қаршиликтан анча катта қилинини керак. Бундай двигателларнинг қуввати ваттнинг улушларидан то бир неча ваттгача бўлади.

12-4. ФЕРРОМАГНИТЛИ ҒОВАК ЁКИ ЯХЛИТ РОТОРЛИ ИККИ ФАЗАЛИ АСИНХРОН ДВИГАТЕЛЬ

Бу двигатель одатдаги икки фазали чулғамга ва ғовак ёки яхлит ферромагнит роторга эга. Айланувчи магнит оқими ферромагнит ротор орқали туташгани учун, бунда 12-6- расмда кўрсатилгани сингари, ички статор бўлмайди. Айланувчи оқим ротор сиртида ўюрма токлар ҳосил қиласди, бу токлар ҳам оқим билан биргаликда айлантирувчи момент ҳосил қиласди. Роторнинг актив қаршилиги катта ($r_2 > x_2$), шунинг учун юргизиш моменти катта бўлиб, двигатель барча ишлаш диапазонида турғун ишлайди ва ўз-ўзидан айланмайди. Механик ва ростлаш характеристикалари (12-9 ва 12-10- расмлар) тўғри чизиқка яқин ва улар ток оләётган тармоқ частотаси қанча катта бўлса, характеристикалар ҳам тўғри чизиқка шунча яқинлашади. Двигательнинг тезлигини кенг диапазонда ростлаш мүмкін, тузилиши содда ва ишлатиш учун ишончли. Унинг нуқсони двигатель фойдали иш коэффициенти ва $\cos \phi$ нинг кичиклигидир. Бу двигателлар қуввати 5—300 wt бўлганда автоматикада кенг қўлланилади ва конденсаторли двигателлар бўлади.

Айланувчи қисмларнинг инерция моментини орттириш керак бўлган қурилмаларда (магнитофонлар, гирроскоплар) юқорида баён қилинган двигателлар тескари ясалишда, яъни статор чулғами, 12-7- расмда кўрсатилганидек цилиндрда қўзғалмас қилиб жойлаштирилади, ротор эса ғовак пўлат цилиндр кўринишида статор атрофифда айланади.

12-5. ЮРГИЗИШ ҚАРШИЛИГИ ЎРНАТИЛГАН БИР ФАЗАЛИ АСИНХРОН ДВИГАТЕЛЬ

Бир фазали асинхрон двигателнинг ишлаш принципи 10-15- § да, унинг схемаси 10-33- расмда кўрсатилган эди. Бундай двигателларни юргизиш учун конденсатор улаш талаб қилинар эди, бу конденсаторнинг сифими ҳатто двигатель қуввати 50—200 wt бўлганда

жам 20—30 мкф эди. Бу конденсаторнинг ўлчамлари одатда двигатель ўлчамларидан катта бўлиб, уларни автоматик схемаларда ишлатишга мутлақо имкон бермайди.


Мазкур типдаги двигатель конденсаторсиз ишлайди (12-11-расм) ва қуийдагича тузилган. Двигатель статорининг, 10-31-расмда кўрсатилгандек, иккита чулғами бор. Ишчи чулғам 1 статор ариқчаларининг учдан икки қисмни эгаллади, ўрамлари сони кўп ва индуктив қаршилиги катта. Юргизиш чулғами 2 қолган қисм ариқчаларда жойлашган ва ўрамлари сони кам бўлган ҳолда, актив қаршилиги индуктив қаршилигидан катта. Шундай қилиб, 90° эл. град га сурилган икки чулғам орқали фаза жиҳатидан деярли чорак даврга силжиган иккита ток ўтади ва ротор 3 ни эргаштирувчи айланувчи магнит оқими ҳосил қиласди. Бу двигателлар юргизиш сифимли уч фазали двигателлардан ўзларининг юргизиш характеристикалари билан фарқ қиласди ва $p=1-2$ та қилиб, 18—600 вт қувватларга мўлжаллаб, берк шамоллатиладиган қилиб ясалади.

12-6. БИР ФАЗАЛИ СИНХРОН РЕАКТИВ ДВИГАТЕЛЬ


Кичик қувватли барча типдаги синхрон двигателлардан энг кўп тарқалгани реактив двигателлар. Реактив двигатель синхрон алоқа системаларида, овозли кино установкаларида, овоз ёзиб олувчи аппарат (магнитофон)ларда, ҳисоблаш қурилмалари магнит хотира-сининг лента тортувчи механизмларида, медицина ва рўзгор аппаратураларида юритма двигатели сифатида ишлатилади. Двигателнинг конструкцияси содда ва арzon.

Синхрон реактив двигатель қисқа туташтирилган роторли асинхрон двигателдан кам фарқ қиласди. Унинг статорида иккита чулғам бўлиб, булардан бирига айланувчи магнит оқими ҳосил қилиш учун конденсатор кетма-кет уланган (12-5-расм). Ротор қисқа туташтирилган чулғамли, лекин унинг доирасида ўқ бўйлаб тешиклар бор (12-12-расм), бу тешиклар туғайли чиқиқлар ҳосил бўлади, бу чиқиқларсиз двигатель синхрон режимда ишлай олмайди. Двигателнинг ишлаш принципи 12-13-расмда тушунтирилган.

Тўрт қутбли оқим шартли равищда магнитлар қутблари билан алмаштирилган. Агар улар орасига цилиндрическин ротор жойлаштирилса, у ҳамма вазиятда ҳам тинч туради. Бироқ чиқиқлар сони қутблар сонига тенг бўлганда у фақаг икки вазиятда: қутблар ўқи ва чиқиқлар ўқлари орасидаги бурчак нолга тенг ($\theta = 0$) ёки бу бурчак 90° эл. град. га тенг бўлганда (12-13-а ҳамда 12-13-б расм) мувозанат ҳолатда туради. Бироқ кейинги ҳолда мувозанат




12-11-расм. Юргизиш қаршилиги ичига ўринатилган бир фазали асинхрон двигатель.



12-12-расм. Бир фазали синхрон реактив двигательнинг ротори.

турғун бўлмайди. Мувозанат вазиятидан бир оз оққандада ҳам ротор магнит қаршилик энг кам бўлган, яъни $\theta = 0$ бурчакка мос келувчи вазиятга қайтади. Агар қутблар (оқим) айланана бошласа (12-13-в расм) ва θ номувофиқлик бурчаги пайдо бўлса, у ҳолда ротор ҳамма вақт оқим (қутблар) билан синхрон айланади, чунки бунда θ бурчакни камайтиришга интигувчи куч мавжуд бўлади.



12-13- расм. Бир фазали синхрон реактив двигателнинг иш принципи.


Юқорида айтилган вазият вужудга келиши учун ротор дастлаб синхрон тезликка яқин тезлик билан айлантирилиши керак. Шунинг учун ротор қисқа туташтирилган чулгам билан таъминланган ва дастлабки вақтда у асинхрон двигатель тарзида ишлайди, сўнгра ротор синхронликка эришади. Ротор чулғамидаги ток нолга тенглашади ва двигатель айланувчи оқим ва ротор чиқиқлари орасидаги реактив момент ҳисобига айланади. Бу двигателлар бир фазали бўлганда йигирма ваттгача қувватларга мўлжаллаб, $n = 1000 \div 1500$ айл/мин тезликда айланадиган қилиб ясалади. Бу двигателларнинг нуқсонлари уларнинг қувват бирлигига тўғри келадиган оғирлигининг катталиги, ф. и. к. нинг ва cos φ нинг пастлигидир.

12-7. УЧ ФАЗАЛИ ВА БИР ФАЗАЛИ ГИСТЕРЕЗИСЛИ СИНХРОН ДВИГАТЕЛЛАР


Реактив синхрон двигательларнинг юқорида қайд қилинган камчиликлари қувватлар кичик (3—20 вт) бўлганда гистерезисли синхрон двигателлардан фойдаланишга мажбур қиласди. Бу хил двигатель статорида уч фазали ва бир фазали (ишли ва юргизиш) чулғамлари ва яхлит (ёки шихталанган) ферромагнит ротори бўлади. Бироқ электр машиналар учун одатда гистерезис ҳалқаси тор бўлган пўлат ишлатилса, гистерезисли двигатель ротори учун гистерезис ҳалқаси кенг бўлган магнитли-қаттиқ материал—викеллой ишлатилади. Двигатель арзонга тушиши учун унинг ротори йиғма қилиб ясалади (12-14- расм) ва вал 2 га ўтказилган втулка 1 ҳамда

магнитли-қаттық материалдан қилинган ташқи цилиндрлар 3 дан иборат бўлади.

Агар ротор айланувчи магнит оқимида жойлаштирилган деб фараз қилинса (у 12-15-расмда иккита қутб билан алмаштирилган), у ҳолда ташқи цилиндрда элементар магнитчалар ишқаланиш туфайли бир онда айланувчи оқимнинг ўқи бўйлаб бурила ололмайди. Бу магнитчаларга F_t тангенциал кучлар таъсир қилиб M_r гистерезис моменти ҳосил қиласди. Ротор синхрон тезлик билан оқим орқасидан эргашади. Айланувчи



12-14- расм. Синхрон гистерезисли двигателнинг ротори.




12-15- расм. Гистерезисли синхрон двигателнинг иш принципи.

магнит оқими ва элементар магнитчалар ўқи орасида номувофиқлик бурчаги θ ҳосил бўлади, бу бурчак фақат материалнинг коэрцитив кучига боғлиқ бўлади.

Двигателни юргизишда натижавий момент гистерезис моменти ва уюрма токлар ҳосил қилган M_H момент йифиндисидан иборат бўлади. Шунинг учун юргизиш моменти анча катта. Нормал режимда двигатель гистерезис моменти ҳисобига синхрон айланади, чунки синхрон тезликда роторда уюрма токлар бўлмайди.

12-8. КОЛЛЕКТОРЛИ УНИВЕРСАЛ ДВИГАТЕЛЬ

Маълумки, ток берувчи тармоқ тутқичларининг қутблиги ўзгаргандан ўзгармас ток двигатели ўзининг айланishi йўналишини ўзгартирмайди (8-3- §). Шунинг учун коллекторли двигателга баъзи конструктив ўзгартишлар киритилса, у ўзгарувчан ток тармоғидан ҳам ишлashi мумкин. Бу ўзгартиришлар қисқача куйидагилардан иборат. Ҳар қандай ўзгарувчан ток машиналарида сингари бутун магнитопровод пўлат варақлардан йигилиши керак. Индуктивликни камайтириш мақсадида уйғотиш чулғамидағи ўрамлар сони камайтирилиши лозим. Шунинг учун ҳам ўзгарувчан токда ишловчи коллекторли двигателларнинг ҳаммаси кетма-кет уйғотишли бўлади. Ўзгарувчан токда коммуата-



12-16- расм. Коллекторли универсал двигатель схемаси.

ция жуда мураккаблашиб кетиши туфайли уни яхшилаш усуллари кўзда тутилган бўлиши керак.

Ўзгармас токда 110 ва 220 в кучланишларда ҳамда ўзгарувчан токда 127 ва 220 в кучланишлар ва 50 гц частотада ишлашга мослаштирилган 5—600 вт қувватли кетма-кет ўйғотишли коллекторли двигателлар универсал двигателлар дейилади. Двигателларнинг айланиш тезлиги 2000 дан 8000 айл/мин гача.

Двигатель ўзгарувчан токда ишлаганида истрофларнинг кўпайиб кетиши туфайли унинг кўрсағичлари ўзгармас токда ишлаганида гидан кўра анча ёмон бўлади.

Двигателнинг уланиш схемаси 12-16- расмда кўрсатилган. Двигатель турли хилдаги электр асбобларнинг приводларида ва турмушда ишлатилади. Двигатель радио бузилишларни йўқотувчи фильтр билан таъминланади.

12-9. ЎЗГАРМАС ТОК ТАХОГЕНЕРАТОРИ

12-1- расмда генераторни айлантирувчи ижро қилувчи двигатель кўрсатилган эди. Генераторда ω тезлик кириш сигнали, тутқичлардаги U кучланиш эса чиқиш сигнали эди. Агар кириш ва чиқиш сигналлари орасидаги $U = f(\omega)$ боғланиш амалда чизиқли бўлса, бундай генератор тахогенератор деб юритилади. 12-17- расмда


1 тўғри чизиқ билан кўрсатилган бу боғланиш тахогенераторнинг идеал чиқиш характеристикаси дейилади.

Тахогенераторнинг асосий вазифаси ижро қилувчи двигатель валининг айланиш тезлигини ўлчашдир. Тезликни автоматик ростловчи системаларда тахогенератор тезликнинг кўрсатилган катталиктан четга чиқиб кетганинг чиқратувчи ва сигнал берувчи ўлчаш элементи ролини ўйнайди. Тахогенератор берган сигнал ўзгартирилиб узатилгандан сўнг тезлик қайта тикланади. Бундан ташқари, тахогенераторлар турли хил механик ҳисоблаш операцияларида кенг қўлланилади.

12-17- расм. Тахогенераторнинг чиқиш характеристикалари.

Одатда мустақил ўйғотишли генератор ўзгармас ток тахогенератори вазифасини ўтайди. Баъзи ҳолларда доимий магнитлар билан ўйғотиладиган тахогенератор ишлатилади.

Агар тахогенераторнинг тутқичлари туташтирилмаган ҳолда ишлатётган бўлса, унда $E = c_E \Phi_n = c\Phi \omega$ бўлади, яъни магнит оқими Φ ўзгармас бўлганда бурчак тезлик ω га боғлиқ ҳолда тўғри чизиқ қонуни бўйича ўзгариади. Агар тахогенератор тутқичларига қаршилик уланган ва якорь чулғамидан I_a ток ўтса, у ҳолда якорь реакцияси ва кучланишнинг симларда ҳамда якорь чўткаларида тушиши натижасида, тутқичларга уланган қаршиликнинг қанчалик кичик бўлишига боғлиқ ҳолда, U кучланиш E дан шунча кичик бўлади. Бу ҳолда 12-17- расмда кўрсатилган эгри чизиқ 2 ва 3 лар билан кўрсатилган $U = f(n)$ тўғри чизиқ 1 дан четга сради. Шунинг



учун тахогенератор нагрузкасининг қаршилиги ҳамда вақт ўзгармас бўлиб қолиши ва якорь чулғами қаршилигидан бир неча марта катта бўлиши керак.


12-10. ХОВОЛ МАГНИТМАС РОТОРЛИ ЎЗГАРУВЧАН ТОК ТАХОГЕНЕРАТОРИ

Ўзгарувчан ток асинхрон тахогенератори кам қувватли қузатиш приводида, ўзгарувчан токда ишловчи автоматик бошқариш системаларида ва ҳисоблаш қурилмаларида ишлатилади.

Конструкция жиҳатидан асинхрон тахогенератор, одатда ховол магнитмас стакан кўринишидаги ротордан ҳамда ўзгарувчан ток ижро қиливчи двигателидаги сингари (12-6- расм) ташқи ва ички қисмли статордан иборат бўлади. Ички статорнинг чулғами бўлтмайди, ташқи статорда эса фазода 90° га силжитилган иккита чулғам бўлади. Чулғамлардан бири — уйғотиш чулғами 1 (12-18- расм) га доимий амплитудали ва ўзгармас частотали U_y кучланиш берилган бўлиб, бу чулғам 12-18- расмда унинг ўқи вертикаль ҳолда жойлашган. Бошқа — генератор чулғами деб аталувчи чулғам 2 нинг ўқи горизонтал жойлашган. Говак ротор деворининг қалинлиги 3- расмда катта қилиб кўрсатилган.

I_y ўзгарувчан ток статор чулғами 1 орқали ўтиб, пульсланувчи F_{ct} магнитловчи куч ва Φ_{ct} оқимни ҳосил қиласди, бу оқим қўзғалмас ротор жисмида, трансформаторнинг иккиламчи чулғамидаги сингари, э. ю. к. ва уюрма токлар ҳосил қиласди. Бу ток ва э. ю. к. нинг ўйналиши уйғотиш чулғамидаги токнинг ўйналишига қарама - қарши бўлади, бироқ улар расмда кўрсатилмаган. Бу токлар роторнинг F_{rot} магнитловчи кучини вужудга келтиради ва у статорнинг F_{ct} магнитловчи кучи билан қўшилиб Φ_{byul} бўйлама оқим ҳосил қиласди, бу оқимнинг ўйналиши уйғотиш чулғамининг ўқи билан устма-уст тушади.

Агар ротор айлана бошлаган бўлса, унинг жисмида E_{ayl} айлантирувчи э. ю. к. ҳосил бўлади, демак, 12-18- расмда ўйналиши ўнг қўйл қоидаси билан аниқланадиган ва роторда кўрсатилган токни вужудга келтиради. Ротор токи кўндаланг Φ_{kun} . оқим ҳосил қиласди, бу оқимнинг ўйналиши статор чулғами 2 нинг ўқи билан устма-уст тушади. Шундай қилиб, ўзига хос трансформатор ҳосил бўлади: бу трансформаторнинг бирламчи чулғами ротор, иккиламчи чулғами эса чулғам 2 бўлади. Кўндаланг оқим чулғам 2 да трансформатор э. ю. к. ни вужудга келтиради, бу э. ю. к. нинг частотаси ротордаги токнинг частотасига, демак, Φ_{byul} оқимнинг частотасига тенг




12-18- расм. Ўзгарувчан ток тахогенератори.

бўлади. Ўз навбатда $\Phi_{бүйл}$ оқимнинг частотаси статор уйғотиш чулгами 1 нинг токи частотасига тенг, бу частота эса ўзгармасдир. Шундай қилиб, статор чулғами 2 да вужудга келтирилган э. ю. к. нинг частотаси ўзгармас, унинг амплитудаси эса роторнинг айланиси тезлигига пропорционал, чунки бу тезликка ротор токининг ва $\Phi_{күнд}$ оқимнинг амплитуда қийматлари пропорционалдир.

Ўзгармас ток тахогенераторидаги сингари нагруззаканинг z қаршилиги статор чулғами 2 нинг қаршилигидан бир неча марта катта бўлиши керак.

12-11. БУРИЛМА ТРАНСФОРМАТОРЛАР

Бурилма (айланувчи) трансформаторлар бурилиш бурчаги α ёки $\sin \alpha$ ва $\cos \alpha$ га пропорционал кучланиш олиш учун ишлатилади. Бурилма трансформаторлар ҳисоблаш қурилмаларида тригонометрик масалаларни ечишда, масалан, тўғри бурчакли учбурчакнинг катетларига кўра гипотенузасини топишда ишлатилади.




12-19- расм. Бурилма трансформатор.

тирилган. Роторнинг бурилиш бурчаги $\pm 360^\circ$ билан чекланган ҳолларда ротор чулғамларининг учлари контакт ҳалқалар ва чўткалар кўрнишида эмас, роторнинг вали 6 га маҳкамланган изоляция барабанига ўралган лента 5 лар кўрнишидаги юмшоқ симлар кўрнишида чиқарилади.

Трансформатор чулғамларининг уланиш ва жойланиси схемаси 12-20-а расмда кўрсатилган. Масалан, c_1c_2 чулғамга ўзгарувчан кучланиш берилса, p_1p_2 ротор чулғамида, одатдаги трансформаторнинг иккиласи чулғамида сингари, $E_{p12} = E_m$ э. ю. к. вужудга келади, чунки c_1c_2 ва p_1p_2 чулғамларнинг ўқлари устма-уст тушади. Бошқа икки чулғамнинг E_{c34} ва E_{p34} электр юритувчи кучлари нолга тенг, чунки бу чулғамларнинг ўқлари c_1c_2 чулғамнинг ўқига перпендикуляр. Агар ротор α бурчакка бурилса (12-20- б расм), у ҳолда $E_{p12} = E_m \cdot \cos \alpha$ ва $E_{p34} = E_m \cdot \sin \alpha$ бўлади. Шунинг учун p_1p_2 чулғам косинус чулғами, p_3p_4 чулғам эса синус чулғами деб аталади. $E_{p34} = f(\alpha)$ боғланишини ифодаловчи эгри чизик, яъни синусоида 12-21- расмнинг юқори тармоғи билан кўрсатилган. Бироқ бундай

Бурилма трансформатор (12-19- расм) статор 1 ва ротор 2 дан иборат бўлиб, улар варақли электротехник пўлатдан йифилган. Статор ва роторнинг ариқчаларида 3 ва 4 чулғамлар жойлаштирилган, бу чулғамлар ҳам бир-бирига нисбатан 90° силжитилган, икки чулғамдан иборат. Статор чулғамининг c_1, c_2, c_3, c_4 ва ротор чулғамининг p_1, p_2, p_3, p_4 учлари трансформаторнинг чекка қолқозларидан бирига жойлаштирилган. Статор чулғамининг c_1, c_2, c_3, c_4 ва ротор чулғамининг p_1, p_2, p_3, p_4 учлари трансформаторнинг чекка қолқозларидан бирига жойлаштирилган.


боғланиш $p_3 p_4$ чулғам нағрузкаланмаганда ҳосил бўлади. Агар $p_3 p_4$ чулғамни z_2 қаршилик билан туташтирилса (12-20- б расм), I_{p34} ток туфайли F_{p34} магнитловчи куч юзага келади, унинг йўналиши $p_3 p_4$



12-20- расм. Бурилма трансформатор чулғамларининг кўшилиш схемаси.

чулғамнинг ўқи билан устма-уст тушади, бу 12-22- расмда кўрсантилган.

Бу магнитловчи куч $F_{бўйл}$ бўйлама магнитловчи куч ва кўндаланг $F_{кўнд}$ магнитловчи кучдан иборат; бўйлама магнитловчи куч, одатдаги трансформатордаги сингари, бирламчи чулғамдаги токни



12-21- расм. Бурилма трансформатор э.ю.к. нинг ротор бурилиш бурчагига боғлиқлиги.

12-22- расм. Бурилма трансформатор кўндаланг магнитловчи кучни компенсациялаш диаграммаси.


Күпайтириш билан батамом компенсация қилинади. Күндаланг, магнитловчи күч F_{c12} магнитловчи күчлар йиғиндисидан иборат бўлиб трансформаторнинг магнит оқимини, ва бинобарин, 12-21- расмда кўрсатилганидек, $E_{p34} = f(\alpha)$ эгри чизиқни бузади (2 эгри чизиқ). Кўндаланг магнитловчи кучни турли усуллар билан компенсация қилиш мумкин. Улардан бири қўйидагича.

$p_1 p_2$ чулғамга z_1 қаршиликни $z_1 + z_{12} = z_2 + z_{34}$ бўладиган қилиб ҳисоблаб уланади, бунда z_{12} ва z_{34} мос равишда $p_1 p_2$ ва $p_3 p_4$ чулғамларнинг қаршиликлари. Бундай улаш 12-20- в расмда кўрсатилган. Бунда ҳар қандай α бурчак учун магнитловчи күч $F_{p34} = F_m \cdot \sin \alpha$ ва кўндаланг магнитловчи күч $F_{k\text{ynd.}} = F_m \cdot \sin \alpha \cdot \cos \alpha$. Иккинчи томондан, магнитловчи күч $F_{p12} = F_m \cdot \cos \alpha$ ва унинг кўндаланг магнитловчи кучи $F_{k\text{ynd.}} = F_m \cdot \cos \alpha \cdot \sin \alpha$. Шундай қилиб, иккала кўндаланг магнитловчи күч бир-бирига тенг ба бир-бирини компенсация қиласди, 12-21- расмда кўрсатилган 2 эгри чизиқ синусоида бўлади. Ҳар қандай α бурчакда ҳам ординаталарнинг йўл қўйиш мумкин бўлган фарқи синусоида ординатасининг 0,05 % дан ортиқ бўлмаслиги керак.

12-12. СИНХРОН АЛОҚА УЧУН АСИНХРОН МАШИНАЛАР

Кузатувчи электроприводда сельсинлар деб аталувчи кичик габаритли индукцион электр машиналар қўлланилади. Бу аслида айланувчи трансформаторлар бўлиб, уларнинг роторида ҳалқали ва чўткали чулғамлари бўлади. Бундай электр машиналар ўз-ўзидан

синхронлашиш хоссасига эга бўлиб, уларнинг номи ана шу хоссасига асосланган.



12-23-расм. Номувофикал бурчаги бўлмагандага сельсинлар схемаси.

лаш чулғамлари жойлаштирилган, бу чулғамларнинг учлари контакт ҳалқалари 3 га уланган. Чўткалар орқали сельсинлар алоқа линияси 4 билан бир-бирига уланган. Сельсинлар ҳамма вақт жуфтжуфти билан (датчик—приёмник типида) ишлайди. 12-23-расмда № 1 сельсин сигналлар датчиги, № 2 сельсин эса сигналлар приёмниги бўлиб хизмат қиласин. Схема индикатор режимида ишлаётган, яъни ўзаро механик боғланмаган машина ва аппаратларнинг икки

12-23-расмда ясаш усулларидан бири бўйича қурилган иккита сельсин кўрсатилган. Ҳар бир сельсин қўйидагича тузилган. Ҳамма вақт фақат иккита чиқиқ кутби бўлган статорлар 1 да умумий ўзгарувчан ток тармоғига уланган бир фазали уйғотиш чулғамлари 2 жойлаштирилган. Роторлар ариқчаларида юлдуз қилиб уланган уч фазали синхрон-

ёки бир неча валининг бурчак силжишларини масофадан туриб узатишида ишлаётган сельсинларни кўрсатади.


12-23-расмда кўрсатилган роторларнинг вазиятида уйғотиш чулғамлари ҳосил қиласан ўзгарувчан оқимлар роторлар фазаларида $E_{A1} = E_{A2}$, $E_{C1} = E_{C2}$ э.ю.к. лар ҳосил қиласади, E_{B1} ва E_{B2} лар айни вақтда нолга тенг бўлади. Алоқа линияси 4 да ток нолга тенг бўлади, чунки A_1 ва A_2 , C_1 ва C_2 фазаларнинг берк контурида иккита тенг ва фаза жиҳатидан мос бўлган э.ю.к. бир-бира га қарама-карши таъсир қиласади. Бу ҳолат икки синхрон машинани параллел ишлатиш учун улаш моментига тўғри келади (12-24-*a* расм).

Агар №1 сельсиннинг ротори билан боғланган механизм бурилса ёки у бирор сабабга кўра, масалан, 30° бурчакка бурилса, у ҳолда №1 сельсиннинг ротори фазаларида э.ю.к. нинг йўналиши 12-25-расмда кўрсатилгандагиек бўлади. E_1 ва E_2 , электр юритувчи кучлар барча фазаларда ҳам номувофиқлик бурчаги θ нинг синусига пропорционал равишида ўзгаради, буни 12-24-*b* расмда E_1 нинг θ бурчакка силжиши билан кўрсатиш мумкин. Ротор чулғамларининг берк контурида ҳар бир фазада э.ю.к. лар фарқи ΔE бўлади ва


$$I = \frac{\Delta E}{2z}$$

тис оқади. Ротор фазасининг актив қаршилиги унинг реактив қаршилигига нисбатан катта бўлгани учун $z \approx x$ деб ҳисоблаш мумкин ва ток ΔE дан 90° бурчакка орқада қолади. Бироқ, синхрон машинадаги сингари, бу ток E_1 э.ю.к. билан мос тушади ҳамда №1 сельсиннинг ўқида эса айлантирувчи момент ҳосил қиласади. Токларнинг йўналиши 12-25-расмда кўрсатилган ва №2 сельсиннинг бурилиш бурчаги ҳамма вақт талаб қилинганидан $0,25^\circ - 0,75^\circ$ бурчакка кичик бўлади.

Сельсинлар конструкцияларига кўра датчикларга ва приёмникларга бўлинади; улар, юқорида кўрсатилганидек, контактли ва kontaktsiz бўлиши мумкин; чулғамлари жамланган ва тақсимланган қилиниши; уйғотиш чулғами роторда ёки статорда бўлиши мумкин. Сельсинлар жуфтади агар улар команда берувчи ва ижро қилувчи ўқлар.



12-24-расм. Номувофиқлик бурчаги бўлмаганда ва бу бурчак бўлганида сельсинлар э.ю.к. ларининг диаграммаси.




12-25-расм. Номувофиқлик бурчаги бўлганида сельсинлардаги токларнинг ўзартасири.


нинг номувофиқлик бурчакларини датчик-сельсин роторининг силжишига пропорционал бўлган приёмник-сельсиннинг чиқиш кучланиши катталигига кўра ўлчаш учун ишлатилса, трансформатор режимида ҳам ишлаши мумкин. Сельсинларнинг чиқиш қувватлари 20 вт дан ортиқ эмас, частотаси 50 ва 400, 500 гц.

12-13. ЭЛЕКТР ВАЛИ

Юқорида баён қилинган машиналарнинг синхрон алоқада ишлаш принципи электрвали деб аталувчи қурилмаларда ишлатилади (12-26-расм). Мазкур ҳолда C_1 ва C_2 лар энергияни схеманинг бир қисмидан иккинчи қисмига узатишга мўлжалланган нормал ясалган асинхрон машиналардир.



12-26-расм. Электрик вал схемаси.



12-27-расм. Электрик вал учун моментнинг сирпанишга боғлиқлиги диаграммаси.

Бир-бiri билан механик боғланмаган ва ўзларининг D_1 ва D_2 алоҳида двигателлари билан айлантириладиган икки 1 ва 2 вал синхрон ишлаши керак. Бу валлар орасидаги масофа валларни механик боғлашни қийинлаштиради ёки батамом йўл бермайди дейлик. Масалан, қофоз тайёрловчи машиналар, порталъ кранлар, оғир токарлик станокларида юргизувчи винтларни алмаштириш, карусель станоклари ва ҳоказоларда шундай бўлади. 1 ва 2 валлар орасида номувофиқлик бурчаги ҳосил бўлганда C_1 ва C_2 ёрдамчи машиналар D_1 ва D_2 асосий двигателларни синхрон ишлашини таъминловчи қўшимча айлантирувчи моментлар ҳосил қиласди. Айлантирувчи моментнинг сирпанишга $M = f(s)$ боғлиқлиги 12-27-расмда кўрсатилган. Кичик сирпанишларда C_1 ва C_2 машиналарнинг роторлари магнит оқими йўналишида айланганида ҳосил бўлган моментлар кичик. C_1 ва C_2 машиналарнинг айланиш тезлиги кенг ўзгарганда катта моментларни узатиш учун улар оқимга қарши ишлайди, бунда сирпаниш, бинобарин, момент ҳам катта бўлади.

Ў Н УЧИНЧИ БОБ САНОАТ ЭЛЕКТРОНИКАСИ

13-1. ЭЛЕКТРОН АСБОБЛАРНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ ВА УЛАРНИНГ ВАЗИФАСИ

Электроника электрон, ион ва чала ўтказгичли асбобларнинг тузилиши, ишлаш принципи ва қўлланишини ўрганади.

Ток ҳодисаси фақат электронларнинг ҳаракати билангина боғлиқ бўлган асбоблар электрон асбоблар дейилади, бу асбобларда электронларнинг газ атомлари билан тўқнашмаслигини таъминлайдиган юқори вакуум мавжуд бўлади. Масалан, икки ва уч электродли электрон лампалар, баъзи фотоэлементлар, электрон нур трубкалар ва ҳоказолар ана шу группа асбобларга киради.

Электрон асбоблар тўғрилагичларда, кучайтиргичларда, генераторларда, юқори частотали қабул қиуловчи қурилмаларда, шунингдек автоматика, телемеханика, ўлчаш ва ҳисоблаш техникасида ишлатилади.

Ток ҳодисаси электронларнинг ва учеб бораётган электронларнинг газни ёки симоб буғларини ионлаши туфайли ҳосил қилган ионларининг ҳаракати билан боғлиқ бўлган асбоблар ион асбоблар дейилади. Ион асбобларга газotronлар, тиратронлар, симобли вентиллар ва шу сингарилар киради.

Ион массаси электрон массасидан жуда катта бўлгани туфайли ион асбоблар электрон асбоблардан инерциясининг кўплиги билан фарқ қиласди. Шу сабабли ион асбоблар частотаси бир неча килогерцдан ошмайдиган частотали қурилмалардан, ўрта ва катта қувватли тўғрилагичларда, механизмларни автоматик бошқариш схемалари ва бошқаларда ишлатилади.

Ток электронлар ва тешникларининг ҳаракати туфайли ҳосил қилинадиган ва чала ўтказгичларнинг баъзи хусусиятларидан фойдаланиладиган асбоблар чала ўтказгичли асбоблар дейилади.

Чала ўтказгичли асбобларнинг электрон ва ион асбоблардан қатор афзалликлари туфайли кейинги вақтларда чала ўтказгичли асбоблардан тобора кенгроқ фойдаланилмоқда. Бу афзалликлардан асосийлари: энергиянинг кам истроф бўлиши, ўлчамлари, оғирлиги ва таннархининг кичиклиги механик мустаҳкамлигининг юқорилиги, узоқ муддат ишлатилиши ва ишлатишнинг қулайлигидир. Радистехника, энергетика, автоматика, телемеханика ва ҳисоблаш техникасининг қатор соҳаларида чала ўтказгичли асбоблар электрон ва ион асбобларни муваффақият билан сиқиб чиқармоқда.

13-2. КАМ ҚУВВАТЛИ ЭЛЕКТРОН ТЎҒРИЛАГИЧЛАР. ФИЛЬТРЛАР

Икки электродли электрон лампа — диод — иккита металл электроди *A* анод ва *K* катоди бўлган металл, керамика ёки шиша баллондан иборат (13-1-расм).

Баллонда ток ўтказмайдыган даражадаги вакуум ҳосил қилингандык. Лампанинг электр ўтказувчанлигини таъминлайдыган электронлар катоддан уни юқори температурагача ($700 - 2400^\circ\text{C}$) қизидирганды ажралиб чиқади. Катод батарея накалидан ёки накал трансформаторидан ток берилганды қизииди.

Металлнинг сирт қатламида бўлган эркин электронлар катодни ташлаб кетиши учун ўзларига металлнинг мусбат ионлари томонидан таъсир қилувчи кучни енгишлари, яъни электронлар чиқиши ши деб аталган бирор W_0 ишни бажаришлари керак. Бу иш e_0 электрон зарядини чиқиш потенциали φ га кўпайтмасига тенг, яъни

$$W = e_0 \cdot \varphi.$$

φ катталик ҳар бир металл учун доимий, демак, W_0 чиқиш иши ҳам ҳар бир металл учун доимийдир.

Бу иш электронвольтларда ўлчанади (зв) ва одатда 1 — 6 зв бўлади.

Нормал температурада катод эркин электронларининг кинетик энергияси катодни ташлаб чиқиш учун етарли бўлмайди. Катод температураси ортганида эркин электронларнинг ҳаракат тезлиги ортади, улардан бир қисми W_0 чиқиш ишини бажариш учун етарли бўлган $m v^2/2$ кинетик энергия олади ва улар катодни ташлаб чиқади. Қизиган металдан электронларнинг чиқиш процесси термоэлектрон эмиссия деб юритилади.


13-1-расм. Икки электродли электрон лампанинг тузилиши ва шартли белгиси.

Харакат тезлиги ортади, улардан бир қисми W_0 чиқиш ишини бажариш учун етарли бўлган $m v^2/2$ кинетик энергия олади ва улар катодни ташлаб чиқади. Қизиган металдан электронларнинг чиқиш процесси термоэлектрон эмиссия деб юритилади.

Кўпинча вольфрам катодлардан фойдаланилади, уларнинг иш температурасини пасайтириш ва эмиссияни ортириш учун вольфрам катод чиқиш потенциали вольфрамницидан кичик бўлган металлар — кальций, стронций, барийнинг юпқа оксид пардаси билан қопланади.

Лампа катодини ток манбанинг манфий тутқичи, анодини эса мусбат тутқичи билан улаб, яъни лампага анод кучланиши деб аталган i_a кучланиш бериб, лампа электродлари орасида электр майдони ҳосил қилиш мумкин, бу майдон таъсирида электронлар катоддан анодга қараб силжиди ва i_a анод токи ҳосил қиласди. Бу токнинг йўналиши, ўтказгичлардаги сингари, электронларнинг ҳаракат йўналишига тескари бўлади.

Катод яқинида жойлашган электронларга анод кучланиши ҳосил қиласдан майдон қучларидан тащқари, анод яқинида турган электронлар ҳосил қиласдан тескари йўналишдаги кучлар ҳам таъсир қиласди. Натижада катод яқинида электронлар тормозланади ва тўпланиб электронларнинг катоддан учуб чиқиши ва анодга қараб



ҳаракатланишига қаршилик қылувчи ҳажми каттагина манфий за-
ряд ҳосил қиласи.

Анод күчләниш i_a нинг ортиши анод токи i_a нинг факат маъ-
лум бир катталиқкаба — түйиниш токигача ортишига олиб
келади (13-2-расм). Бунда катоднинг айни шу температурасида
эмиттириланган электронларнинг ҳаммаси анодга етиб келади, бино-
барин, вақт бирлиги ичидаги катоддан чиққан
электронлар сони анодга келувчи электрон-
лар сонига тенг бўлади.


Лампа катодини ток манбаининг мусбат тутқичига, анодини манфий тутқичига улаб,
электродлар орасида катоддан учиб чиқ-
қан электронлар яна катодга қайтиб кела-
диган, яъни лампа орқали ток ўтишига
йўл қўймайдиган электр майдон ҳосил қила-
миз. Бинобарин, лампа факат бир йўналишда
ток ўтказади, яъни бошқача айтганда, лам-
па бир томонлама ўтказиш қобилия-
тига эга бўлади. Ана шундай хоссага эга
бўлган асбоблар электр вентиллар
дейилади.

Икки электродли лампалар кўпинча ўзгарувчан токни тўғри-
лашда ишлатилади. Саноат частотасидаги токни тўғрилашда ишла-
тиладиган лампа кенотрон дейилади.


Ўзгарувчан токни битта ярим даврли тўғрилаш схемаси
13-3-расмда кўрсатилган.

Трансформатор иккиламчи чулғамининг битта тутқичи анодга,
шу чулғамнинг иккинчи тутқичи энергия приёмниги орқали накал
трансформатори иккиламчи чулғамининг ўрта нуқтаси O га уланган.



Лампа бир томонлама ўтказгани учун $AKO + - xA$ занжирда-
ги i ток трансформатор иккиламчи кучла-
ниши u_{ax} лампанинг аноди катодга нисбатан
мусбат потенциалга эга бўла оладиган ярим
давр давомида ўтади. Демак, приёмник зан-
жирида давр давомида токнинг битта ярим
тўлқини ўтади (13-4-а расм).



13-3-расм. Ўзгарувчан токни элек-
tron лампа ёрдамида тўғрилаш.




13-2-расм. Диоднинг вольт-
ампер характеристикаси.



13-4-расм. Битта ярим
даврли тўғрилаш.

Ток пульсациясини камайтириш учун приёмникка параллел қи-либ C конденсатор уланади. Бу ҳолда даврнинг биринчи чораги давомида, трансформатор иккиласми кучланиши нолдан максимумга-ча ортганда конденсатор зарядланади. Даврнинг қолган давомида конденсатор приёмник орқали разрядланади. Шундай қилиб, i_p ток приёмникдан бутун давомида ўтади (13-4-б расм).



13-5- расм. Кенотронлар ёрдамида иккита ярим даврли тўғрилаш схемаси.

Токнинг пульсациясини камайтириш учун реактив фалтак (дросель) ҳам ишлатилади, у энергия приёмнигига кетма-кет уланади. Фалтак магнит майдонида ток ортганида энергия йиғилади. Ток камайганда ўзиндуқция э. ю. к. шу йўналишдаги токни тутиб туради.

Энг кичик пульсацияли ток олиш зарурати туғилганда фалтак ва конденсатор ёки фалтак ва икки конденсатордан иборат текисловчи фільтр ишлатилади (13-5-расм). Икки кенотронли (ёки уни


икки анодли бир кенотрон билан алмаштириш ҳам мумкин) иккита ярим даврли тўғрилаш схемасида (13-5-расм) анодлар трансформатор иккиласми чулғамининг тутқичларига уланган, чулғамнинг ўрта нуқтаси занжирнинг минуси бўлиб хизмат қилади. Кенотронлар катодини ток билан таъминловчи накал чулғамининг ўрта нуқтаси занжирнинг плюсиdir. u_{ax} Кучланишининг битта ярим даври давомида ток a , A_1 , K_1 , O_1 , фільтр, энер-

13-6- расм. Фільтрсиз иккита ярим даврли тўғрилашда ток эрги чизиқлари.

гия приёмниги, O , a орқали, яъни бир кенотрон орқали ўтади. Иккинчи ярим давр давомида ток x , A_2 , K_2 , O_1 , фільтр энергия приёмниги, O , x орқали, яъни иккинчи кенотрон орқали ўтади. Приёмник токи i_p нинг фільтрдан фойдаланилмаган ва иккита ярим давр учун тўғриланганда эгри чизиги 13-6-расмда кўрсатилган. Фільтрдан фойдаланилганда приёмникда жуда кичик пульсацияли ток ҳосил қилиши мумкин.

Уч фазали тўғрилагичда (13-7-расм) ҳар бир кенотрон орқали ток даврнинг фақат $1/3$ қисми давомидагина ўтади (13-8-расм),

чунки кенотроннинг ўзаро уланган катодлари бир хил потенциалга эга бўлди, ток эса қайси кенотроннинг анод потенциали каттароқ бўлса, шундан ўтади (13-8- расм). Уч фазали тўғрилагичнинг тўғриланган токининг пульсацияси ўзгарувчан токни иккита ярим даврли тўғрилашдагидан анча кичик бўлди — бу уч фазали тўғрилагичнинг энг катта афзаллигидир.



13-7- расм. Уч фазали тўғрилагич схемаси.

Фильтрсиз ҳар қандай иккита ярим даврли тўғрилагич учун (унда кучланишнинг тушишини ҳисобга олмаганда) тўғриланган кучланиши ўзгарувчан кучланишнинг ярим даврдаги ўртача қийматига тенг бўлди. Анод кучланишнинг амплитудаси $U_m = 1/2 U_{m,ax}$ бўлганда (13-5- расм), ўртача қиймат.

$$U_{\text{урт.}} = U_{\text{доим.}} = \frac{2}{\pi} U = 0,637 U_m.$$

Тўғриланган кучланишнинг ҳақиқий қиймати синусоидал кучланишники сингари бўлди:

$$U = \frac{U_m}{\sqrt{2}} = 0,707 U_m.$$


Шундай қилиб, иккита ярим даврли тўғрилагич учун

$$\frac{U_{\text{доим.}}}{U} = \frac{U_{\text{урт.}}}{U} = \frac{0,637 U_m}{0,707 U_m} = \frac{1}{1,11} = 0,9;$$

уч фазали тўғрилагич учун

$$\frac{U_{\text{доим.}}}{U_{\text{фаза}}} = 1,17,$$

бунда $U_{\text{фаза}}$ — трансформатор фаза кучланишнинг ҳақиқий қиймати (13-7- расм).




13-8- расм Зависимость (13-7- расм) даги ток ва кучланишнинг эгри чизинчлари.


13-3. УРТАЧА ҚУВВАТЛИ ИОН ВЕНТИЛЛАР

a) Газотрон

Газотрон ион асбобдир. Унинг шиша ёки металл баллонида вакуум ҳосил қилингандан сўнг у $0,1 - 0,5$ мм сим. уст. босимида симоб бүғлари ёки инерт газ билан тўлдирилади. Газотроннинг иккита электроди бор (13-9-расм). Анод никель ёки графитдан қилинади, катод эса оксид қопламли вольфрамдан қилинади. Катта қувватли газотронлардан катод иссиқлик исрофларини камайтирувчи цилиндрик экран ичига жойлаштирилади.



13-9-расм. Газотрон ва унинг шартли белгиси.



13-10-расм. Газотроннинг вольт-ампер характеристикасини.

Катодга накал трансформаторидан ток берилади. Накал кучланиши 5 в дан ортиқ бўлмаслиги керак, чунки катта кучланишда, ионизация потенциали кичик бўлганда (симоб учун 10 в га яқин) катод учлари орасида ёй пайдо бўлиши мумкин. Шундай қилиб, накал токи катта — бир неча ампердан бир неча ўнлаб ампергача бўлиши, шунингдек, катоднинг совиши вақти ҳам катта бўлиши мумкин.

Анод кучланиши нолдаň орта босшлаганида газотронда дастлаб фақат кичкинагина электрон токи ҳосил бўлади, чунки электронлар катод ва анод орасидаги заиф электр майдонида газни ионлаштириш учун етарли тезликка эга бўлмайди. Бу иш режимига газотрон вольт-ампер характеристикасининг OA соҳаси тўғри келади (13-10-расм). Агар анод кучланишини газнинг ионлашиш потенциалидан бирмунча каттароқ қийматга ортирилса, катодни тарк этган электронлар электр майдон таъсирида газни ёки симоб бүғларини уй отиш ва ионлаш учун етарли тезлик олади. Шундай қилиб, асбобда газнинг ионлашиши, плазма ҳосил бўлиши процесси бошланади ва ёй разряд вужудга келади, бунга газотрон характеристикасининг A нуқтаси мос келади.

Газ ионлашганда ҳосил бўлган мусбат ионлар катод яқинида ҳосил бўлган ҳажмли манфий зарядни компенсация қиласи, натижада электрон эмиссия бирмунча ортади.

Нагрузка ўзгарганда анод занжири қаршилигининг камайиши ёки ток манбай кучланишининг ортиши натижасида токнинг ортиши анод ва катод орасида кучланишнинг тушиш катталигига деярли таъсир қиласи.

Газотроннинг иш режимига унинг вольт-ампер характеристикасининг BB қисми мос келади. Кучланиш ва токнинг (B нуқтадан)

кейинги ортишига йўл қўймаслик керак, чунки бунда газотрон ишдан чиқиши мумкин.

Газотроннинг вакуум диоддан афзаллиги унда кучланиш тушишининг камлигидир, шу туфайли газотронли тўғрилагичларнинг фойдали иш коэффициентлари анча юқорироқ бўлади.


Юқорида қайд қилинганидек, газотрон катодни ишчи температурагача қиздириб олиш учун кўп вақт талаб қиласди, катоддаги эмиссиянинг истроф бўлишига йўл қўймаслик учун катодни ўша температурагача анод кучланиши улагунча қиздириб олиш керак.

Газотронли тўғрилагичларнинг схемалари ҳам вакуумли диодларнинг схемасига ўхшаш бўлади, фақат уларда фильтрнинг кириш тутқчларида конденсатор бўлмаслиги (13-5-расмдаги С) керак, акс ҳолда конденсаторнинг заряд токи катод эмиссиясининг истрофланишига, яъни газотроннинг ишдан чиқишига олиб келиши мумкин.

б) Тиратрон

Тиратрон газотрондан учинчи электроди — тўрининг борлиги билан фарқ қиласди (13-11-расм), тиратроннинг тўри анод токига йўл очиб ёки ёпиб турувчи эшик ролини ўйнайди. Тиратроннинг катоди металл экран билан ўралган бўлиб, унинг ташқи тешиги диск шаклидаги тешикли тўр билан ёпилган. Экран анод ва катод орасида тўрдан ташқари электр майдони ҳосил бўлишига йўл қўймайди.


Агар тўрга катодга нисбатан манфий потенциал берилса, тўр ва катод орасидаги электр майдон тиратроннинг асосий майдонига қарама-қарши йўналган бўлади ва электронларнинг катоддан анодга ҳаракати секинлашади. Шундай қилиб, анод кучланишининг ҳар бир қийматида тўр манфий потенциалининг шундай қийматлари мавжуд бўладики, бу қиймагларда электронлар газ ёки симоб бугларини ионизация қилиш учун етарли бўлмаган тезликда ҳаракатланади. Тўрининг манфий потенциалини бирор критик қийматгача камайтирамиз, бунда электронларнинг тезликлари газни ионлаштириш учун етарли бўлади ва демак, ёй ёнади ҳамда плазма ҳосил бўлади. Ёй ёниб турганида тўр мусбат ионлар қатлами билан қопланган бўлади, бу қатлам ионлар тўрининг манфий зарядини нейтраллайди ва тўр анод токига таъсир кўрсатмай қўяди. Шу сабабли ёйни сўн-



13-11- расм. Тиратрон ва унинг шартли белгиси.
A — анод; K — катод; T — тўр;
Э — экран.

дириш учун анод кучланишини нолга яқын қийматгача камайтириш зарур.


Тұр өткізу аралықта бирор ўзгармас u_c кучланиши бүлгандан ей анод кучланиши u_a нинг бирор қийматыда ёнади, бинобарин, тұрдаги кучланишни ўзгартириш билан тиаратрон ёниши мумкин бүлган анод кучланиша қиймати u_a ни ростлаш мумкин.



13-12-расм. Тиаратроннинг ишга тушиши характеристикасасы ва ишга тушиш соңасы.

U_a нинг тұрдаги кучланиш U_c га боғланишиннеги эгер чизиги тиаратроннинг ишга тушиш характеристикасаси дейилади (13-12-расм). Тұрда аниқ бир кучланиш мавжуд бўлиб анод кучланиши ортганда тиаратрон U_a миндан $U_{a, \text{max}}$ чегарада ётувчи кучланишда ёниши мумкин, чунки ёниш кучланиши колбадаги босимга муҳитнинг температурасига, тұр занжирининг қаршилигига, накал токига ва ҳоказоларга боғлиқ. Шунинг учун ишга тушириш характеристикаси ўрнига $U_{a, \text{min}}$ ва $U_{a, \text{max}}$ эгер чизиклар билан чегараланган ишга тушириш соңаси берилади (13-12-расм).

Тиаратрон түғрилагиц занжирида ишлаганида у ҳар бир давр давомида 1 марта мусбат анод кучланишда ёнади ва 1 марта нолга яқын бўлган анод кучланишда сўнади. Тұрга u_a анод кучланиши билан бирдей частотали u_c ўзга-



13-13-расм. Тирагроңда анод ва тұр кучланиши орасыда силикиш бүрчаги турліча бўлганды тиаратрон кучланиши ва токи эрги чизиклари.

рувчан кучланиш берамиз, бироқ у анод кучланишидан фаза жиҳатидан ϕ_1 бурчакка силжиган бўлсин (13-13-*a* расм). Манфий тұр кучланиши камайиб, анод кучланиши кўпайганда, яъни иккала кучланиш ишга тушириш характеристикадаги *a* нуқтага мос бўлганида тиаратрон ёнади (13-12-расмдаги *a* нуқта).

Тұр кучланиши фазасини ўзгартириб, тиаратроннинг ёниш моментини ҳам ўзгартириш мумкин (13-12-расмдаги *b* нуқта). Шун-

дай қилиб, давр давомида анод токининг ўтиш муддатини ростлаш яъни ток ва кучланишнинг ўртacha қийматини ростлаш мумкин (13-13- б расм).

Тиратронлар частотаси $1 - 10 \text{ кгц}$ дан ортиқ бўлмаган ўзгарувчан ток занжирларида ишлатилади, чунки катта частотада тўр олдидаги зарядни сўриб улгурилмайди ва тиратронни бошқариш мумкин бўлмай қолади.

Тиратронлар тўғрилагичларда, ўзгармас токни ўзгарувчан токка айлантиргичларда, автоматика, телемеханика ва электр пайванд установкаларида ишлатилади.

13-4. ЧАЛА ЎТКАЗГИЧЛАРНИНГ ЭЛЕКТР ЎТКАЗУВЧАНЛИГИ

a) *Хусусий электр ўтказувчанлик.*

Чала ўтказгичлар — ўтказгичлар ва ноўтказгичлар оралигидаги ҳолатни эгалловчи материаллардир. Ўтказгичларнинг солиштирма қаршиликлари $10^{-6} \div 10^{-8} \text{ ом. см}$ чегарасида; чала ўтказгичларнинг солиштирма қаршилиги эса $10^{-8} \div 10^{-9} \text{ ом. см}$ чегарасидадир.

Чала ўтказгичлар учун ўтказувчанликнинг температурага, электр ва магнит майдони кучланганлигига, ёритилганликка, қисишишга ва ҳоказоларга боғлиқлиги характерлидир.


Электротехникада германий, кремний, селен, мис оксида ва шу сингарилар кенг қўлланилади.

Икки қўшни атомнинг бир орбита бўйлаб айланувчи умумий электронлар жуфти ҳосил бўлиши билан боғлиқ бўлган (13-14- а расм) химиявий боғланниши жуфт электронли ёки ковалент боғланниш дейилади. Бундай боғланниш шартли равиша атомларни туташтирувчи икки чизик билан белгиланади (13-14- б расм).

Менделевнинг элементлар даврий системасида германий тўртинчи группа элементларга мансуб. Бинобарин, унинг ташқи орбитасида тўртта валент электрони бор. Германий кристалида ҳар бир атом тўртта қўшни атом билан жуфт электронли боғланнишлар ҳосил қиласи (13-15- расм).

Абсолют ноль температурага яқин температурада германий кристалида аралашмалар бўлмаганида атомларнинг барча валент электронлари ўзаро боғланган, эркин электронлар йўқ, демак, кристалл ўтказувчан эмас. Температура ортганида электронларнинг энергияси ортади, натижада ковалент боғланниш қисман бузилади ва эркин электронлар пайдо бўла бошлади. Германий хона температураси даёқ ярим ўтказгич бўлиб қолади.


Ташқи электр майдони таъсирида эркин электронлар ҳаракатланиб, электрон ўтказувчанини вужудга келтиради (*п- ўтказувчанлик*).



13-14- расм. Атомларнинг ковалент боғланниши.

Эркин электронлар ҳосил бўлишида ковалент боғланишларда бўш жой «электрон тешик» ҳосил бўлади.

Тешик мавжуд бўлганда боғланиш электронларидан бирни тешиккаборлик ўрнини эгаллаши мумкин ва бу ерда нормал боғланиш тикланади, бироқ бошқа жойда нормал боғланиш бузилади, бу янги тешик ўрнини бошқа бирор электрон эгаллаши мумкин ва ҳоказо.



13-15- расм. Германий кристалл панжарасида жуфт электрон боғланишлар схемаси.

Температура сртиши билан электрон-тешик жуфти ҳосил бўлса, иккинчи томондан, уларнинг қисман қайта бирлашиши рўй беради. Ҳар қандай температурада чала ўтказгичнинг ҳажм бирлигига жуфтлар сони ўртача доимий қолади. Арадашмалардан тоза бўлган чала ўтказгичларнинг электронларнинг тешиклардан кўп бўлишига ёки аксинча, тешикларнинг эркин электронлардан кўп бўлишига эришини мумкин.

б) Арадашмали электр ўтказувчанлик

Чала ўтказгич таркиби арзимаган миқдорда арадашма киритиш билан унинг хоссасини ўзгартириш мумкин. Чала ўтказгич кристалига бошқа элементларнинг атомларини киритиб, кристаллда эркин электронларнинг тешиклардан кўп бўлишига ёки аксинча, тешикларнинг эркин электронлардан кўп бўлишига эришини мумкин.

Масалан, кристалл панжарада германий атомини бешта валент электрони бўлган мишъяқ атоми билан алмаштирилса, мишъякнинг тўртта электрони қўшни германий атомлари билан тўла боғланишлар ҳосил қолади, мишъяқ атоми билан заиф боғланган бешинчи электрон эркин электрон бўлиб қолади. Бешинчи валент электронини йўқотган мишъяқ атоми мусбат ион бўлиб қолади. Арадашма

Ташкил электр майдони таъсирида тешиклар майдон йўналишида силжийди.

Тешикларнинг силжиши каталик жиҳатидан электронлар зарядига тенг бўлган мусбат зарядлар токига эквивалент. Бу процесс тешикли ўтказувчанилики деб аталади (*p*- ўтказувчанлик).

Шундай қилиб, чала ўтказгичларнинг ўтказувчанлиги электрон ва тешикли ўтказувчанликлар йиғиндисидан иборат.

Жуфт электронли боғланишлар бузилганда кристаллда бир вақтда тёнг сондаги эркин электронлар ва тешиклар ҳосил бўлади. Агар, бир томондан, тем-

берган шу электронлар ҳисобига аралашмали чала ўтказгичнинг ўтказувчанлиги ортади.

Германий атоми ўрнини учта валент электрони бўлган индий атоми олганда индий электронлари германийнинг учта атоми билан ковалент боғланади, индийда тўртинчи электрон этишмаслиги туфайли германийнинг тўртинчи атоми билан боғланиш бўлмайди. Агар этишмайтган тўртинчи электрон германийнинг энг яқин атомидан олинадиган бўлса, ҳамма боғланишларни тиклаш мумкин. Бироқ бу ҳолда германий атомини ташлаб кетган электрон ўрнида тешик ҳосил бўлади, бу тешик германийнинг қўшни атомидаи электрон томонидан тўлдирилади. Эркин боғланишларни кетма-кет тўлдириши процесси тешикларнинг чала ўтказгичда силжишига тенг кучли. Шундай қилиб, индий аралашмаси германий кристалининг тешикли ўтказувчанлигини таъминлайди.

Электрон ўтказувчанлиги устун бўлган чала ўтказгичлар *n*-тур (латинча negative — манфий сўзидан) чала ўтказгичлар деб, тешикли ўтказувчанлиги устун бўлган чала ўтказгичлар *p*-тур (латинча positive — мусбат сўзидан) чала ўтказгичлар деб аталади. Аралашмали чала ўтказгичда ўтказувчанлик турини билдирувчи заряд ташувчилар (*n*-тур чала ўтказгичларда электронлар ёки *p*-тур чала ўтказгичларда тешиклар) асоси деб, тескари ишорали заряд ташувчилар ёрдамчи заряд ташувчилар деб юритилади.

Аралашманинг қандай процентда бўлишига қараб аралашмали чала ўтказгичнинг электр ўтказувчанлиги соғ чала ўтказгичнидан ўн ҳатто юз минг марта ортиқ бўлади. Масалан, нормал шароитларда 1 см³ соғ германийда тахминан 10²² атом ва 10¹⁸ ўтказишиларни ва тешик бўлади, ҳолбуки 0.001% миқдорида мишъяк аралашса, худди шу ҳажмда яна қўшимча 10¹⁷ ўтказувчан электронлар ҳосил қиласи, бу эса электрон ўтказувчанликни 10 000 марта ортириши таъминлайди.

13-5. ЧАЛА ЎТКАЗГИЧЛИ ЎРТА ВА КАМ ҚУВВАТЛИ ТҮФРИЛАГИЧЛАР

a) Чала ўтказгичли вентиль

Чала ўтказгичли вентиль бири электрон ўтказувчан, иккинчиси тешикли ўтказувчан, масалан, *p*-тур германий ва *n*-тур германий бўлган (13-16-расм) икки чала ўтказгичнинг контакт уланишидир.

n чала ўтказгичда *p* чала ўтказгичга нисбатан электронлар концентрацияси катта бўлиши туфайли электронларнинг биринчи чала ўтказгичдан иккинчи чала ўтказгичга диффузияланиши рўй беради. *n* чала ўтказгичдаги тешиклар диффузияси ҳам шунга ўхшаш бўлади.

n-чала ўтказгичнинг чегара қатламида мусбат заряд, *p*-чала ўтказгичнинг чегара қатламида манфий заряд вужудга келади. Турли ишорали зарядланган қатламлар орасида диффузиянинг давом этишига қаршилик кўрсатувчи $E_{\text{утиш}}$ кучланганликли электр майдо-




13-16-расм. Чала ўтказгичли вентиль.

ни ҳосил бўлади, натижада электр кучлари билан диффузия кучлари тенглашганда диффузия тўхтайди. Асосий заряд ташувчилари камайган ва қаршилиги катта бўлган юпқа чегара қатлам бекири туви чи қатлам ёки $p-n$ ўтиш деб аталади.

Ток манбанинг мусбат тутқичини p чала ўтказгичнинг металл электроди билан, манфий тутқичини n чала ўтказгичнинг электроди билан улаб, $p-n$ ўтиш майдонига тескари йўналган ташқи электр майдонини вужудга келтирамиз, бу майдон таъсирида электронлар

ва тешиклар бир-бiri билан учрашувчи йўналишда ҳаракатлана бошлайди (13-17- расм). Электронлар ва тешикларнинг бундай ҳаракатида ўтиш қатламида асосий заряд ташувчилар сони ортади, ўтиш қатламининг қалинлиги камаяди, унинг қаршилиги тушади. Шундай қилиб, занжирда тўғри ток деб аталадиган $I_{\text{түф}}$ ток барқарор бўлади, бу ток миқдори кичкинагина кучланишда ҳам анча катта бўлади.

13-17- расм. Вентилни тўғри йўналишда қўшиш.



13-18- расм. Вентилни тескари йўналишда қўшиш.

Вентилга ток манбанинги тескари йўналишда улаб (13-18- расм), $p-n$ ўтиш майдони билан бир хил йўналган, бинобарин уни кучайтирадиган ташқи майдон ҳосил қиласиз. Энди майдон асосий заряд ташувчиларнинг бекитувчи қатлам орқали ўтишини яна ҳам қийинлаштиради. Бундан ташқари, ташқи майдон n -чала ўтказгичда электронларнинг ва p -чала ўтказгичда тешикларнинг бекитувчи қатламдан қарама-қарши томонга ҳаракатлантиради. Бу бекитувчи қатламнинг қалинлиги ва қаршилигини ортитиради. Бу ҳолатдаги ток тескари ток $I_{\text{тес}}$ дейилади ва жуда кичик ҳамда қўпгина ҳолларда ҳисобга олмаса ҳам бўлади.

Шундай қилиб, турли ўтказувчанликка эга бўлган икки чала ўтказгичнинг контакт уланиши аниқ намоён бўлувчи бир томонла ма ўтказишга эга, яъни вентиль бўлар экан.

Токларнинг айни бир кучланишдаги нисбати


$$k_{\text{түф}} = \frac{I_{\text{түф}}}{I_{\text{тес}}}.$$

тўрилаш коэффициенти деб аталади.


б) Мис 1 оксидли вентиль

Мис 1 оксидли вентиль 2 мис 1 оксида қатлами суркалган 1 мис дискдан иборат (13-19- расм). Яхши контакт ҳосил қилиш учун бу қатламга 3 қўроғшин диск зич ёпиштирилади, унинг кетидан иссиқликни чиқариб юборувчи катта диаметрли юпқа 4 латунъ диск — радиатор диски жойлаштирилади.

Мис I оксид (CuO_2) қатлами мисни кислород атмосферасида термик ишлаш йўли билан ҳосил қилинади. Мис I оксид қатлами γ -нинг ташқи қатлами ортиқча кислород бўлганда ҳосил қилиниб. γ -ўтказувчанликка эга бўлади. Оксид қатламнинг мис шайбага таъалувчи 2 қисми кислород етишмаслигига ҳосил қилиниб, n -ўтказувчанликка эга бўлади. Мис I оксиднинг икки қатлами орасида σ - n ўтиш вужудга келади.



13-19- расм. Мис I оксидли вентильднинг тузилиши.




13-20- расм. Мис I оксидли вентильнинг вольт-ампер характеристикаси.


Вентилда йўл қўйиш мумкин бўлган кучланиш 8 — 10 в дан ошмайди; чунки 20—30 в тескари кучланишда вентиль тешилади. Вентилни катта кучланишларда тўғрилаш учун бир неча вентиль болтга монтаж қилиниб, тўғрилагичлар устунчаси ҳосил қилинади. Совитишин яхшилаш мақсадида температурани 55°C дан оширмайдиган радиатор шайбалари ўрнатилади, акс ҳолда вентиль вентильлик хусусиятларини йўқотиши мумкин. Вентилнинг вольт-ампер характеристикаси 13-20- расмда берилган.

в) Селенили вентиль


Бу вентиль (13-21- расм) бир томони чала ўтказувчан селен кристали қатлами 2 билан қопланган алюминий ёки пўлат диск 1 дан иборат. Селен кристали қатлами тешикили ўтказувчан бўлиб битта электрод ролини ўйнайди. Селенга суртилган қалайи, кадмий, висмут қотишмаси қатлами 4 иккинчи электрод бўлиб хизмат килади, унга пружиналанувчи 5 латунь шайба зичланган. Электронлар бир-биридан 3 бекитувчи қатлам орқали ажратилган.



13-21- расм. Селенили вентилнинг тузилиши схемаси.




13-22- расм. Селенили вентиль устунчаси.



13-23- расм. Селенили вентилнинг вольт-ампер характеристикаси.

Д1Г типидаги германийли нуқтавий диод диаметри 3 мм ва узунлиги 10 мм бўлган шиша (ёки металл-шиша) баллон ва унга кавшарланган иккита чиқиш симидан иборат (13-24- расм). Бу сималардан бирининг учига n -ўтказувчан 1 германий кристали, иккичисининг учига ингичка ўтқирланган индий сими 2 маҳкамланган. Бекитувчи қатлам ($p-n$ ўтиш) формовка — яъни ток импульслари ўтказиш вақтида ҳосил бўлади. Ток импульслари таъсирида индий атомлари германий кристалига диффузияланиб, кристаллда тешикли ўтказувчан ярим сферик соҳа ҳосил қиласди (13-24- а расм). Шу ярим сфера чегарасида $p-n$ ўтиш вужудга келади.



13-24- расм. Германийли нуқтавий вентиль.

Бу вентилнинг максимал тўғриланган токи 16 ма, йўл қўйиладиган максимал тескари кучланиш 50 в. Вентилнинг вольт-ампер характеристикаси 13-25- расмда кўрсатилган.

Ясси вентиль (13-26-расм) сурьма ёки мишъяк аралашмали 1 германий пластинкаси (электрон ўтказувчан) ва 2 индий пластинкасидан иборат.

Вентилни ясаш вақтида германий сиртида жойлашган индий пластинка индийнинг эриш температурасигача қиздирилади. Бунда индий атомлари германийга диффузияланади ва тешикли ўтказувчан 2 а соҳани ҳосил қиласади. Чегарада p -типидаги ўтиш пайдо бўлади.


13-26-б расмда Д-7 типидаги германийли ясси вентиллардан бирининг тузилиши кўрсатилган.

Узунлиги 20 мм га яқин бўлган 5 металл корпусда 4 ток олгич маҳкамланган, унинг учидаги 1 германий кристали жойлаштирилган. 2 индий электрод чиқиши симларидан бири 7 билан 6 изолятор орқали ўтган 3 ўтказгич ёрдамида уланган.


Мумкин бўлган максимал тескари кучланиш 50 в, тўғриланган ток 300 ма. 13-27-расмда вентилнинг вольт-ампер характеристикаси берилган.

Германийли ва кремнийли куч вентиллари 1000 а гача номинал токларга мўлжаллаб тайёрланади.


13-28-расмда ВК-100 типидаги кремнийли диод кўрсатилган, у ҳаво билан совитилади ва 100 а номинал токка мўлжалланган.



13-25-расм. Германийли нуктавий вентилнинг вольт-ампер характеристикасини.



13-26-расм. Д-7 типидаги германийли ясси вентиль.




13-27-расм. Ясси вентилнинг вольт-ампер характеристикасини.

13-29 ва 13-30-расмларда ўзгарувчан токни битта ва иккита ярим даврли тўғрилаш схемалари берилган, бу схемалар 13-3 ва 13-5-расмларда берилган лампали вентиллар ёрдамида тўғрилаш схемаларига ўхшайди. Иккита ярим даврли кўприк схемаси 13-31-расмда кўрсатилган. Тўғриланган кучланиш ва токни орттириш учун схеманинг ҳар бир тармоғига бир нечтадан вентиль улаш мумкин, улар ўзаро кетма-кет параллел ёки группалаб уланади.

Мис I оксидли түғрилагичларнинг фойдали иш коэффициенти 50—60%, селенли түғрилагичларники 80—90%, германийли ва кремнийли түғрилагичларники 90% дан юқори бўлади.


Түғрилагичлар аккумуляторлар батареяларини зарядлаш, электролиз ванналари, ўлчаш техникаси, автоматика, радиотехникадаги электр двигателлари ва аппаратларни ток билан таъминлашда кенг иштатилмоқда.




13-28- расм. ВК-100 типидаги кремнийли днод.



13-29- расм. Өнитта ярим даврли түғрилаш.



13-30- расм. Иккита ярим даврли түғрилаш.



13-31- расм. Түғрилагиччининг кўпчик схемаси.

13-6. КАТТА ҚУВВАТЛИ ТҮҒРИЛАГИЧЛАР — СИМОБЛИ ТҮҒРИЛАГИЧЛАР

Симобли түғрилагичлар конструкцияси жиҳатидан шишадан қилинган ва металлдан қилинган түғрилагичларга бўлинади. Фазалари сони жиҳатидан бир фазали ва уч фазали, анодлари сони жиҳатидан бир анодли, икки, уч ва олти анодли бўлади.


Энг содда бир фазали иккита ярим даврли симобли вентиль енгли *B* шиша колба бўлиб, унинг енглари ичиде вакуум ҳосил қилинган бўлади (13-32- расм). Графитдан қилинган *A₁* ва *A₂* анодлари *T* трансформаторнинг иккиласми чулғамига уланган. Бу чулғамнинг ноль нуқтаси түғриланган ток занжирининг манфий тутқичи бўлади. Колба тубидаги симоб *K* катод бўлади. Колбанинг пастки ўсимтасидаги симоб ёниш аноди *A₃* бўлиб хизмат қиласди.

Түғрилаги чин ишга тушириш учун у ўзгарувчан кучланишга ұланади ва k_n кнопка босилади ҳамда колба катод ва ёқиши аноди симоблари бирлашадиган қилиб оғиштирилади. Трансформатор иксиламчи чулғамининг пастки ярми э.ю.к. таъсирида r_0 қаршилик за ёқиши аноди ҳамда катод орасидаги симоб күпrikcasидан ток үтади.


Колба қайтадан вертикаль вазиятта қайтарылғаниңа симоб күпrikи узилади, бу жойда ёй пайдо бўлади за катод эркин электронлар майдон таъсирида зақтнинг айни шу пайтида қайси анод катодга нисбатан мусбат погенциалли бўлса, ўша анодга қараб йўл олади. Электронлар ўз ҳаракати давомида симоб буғларини ионлаштиради ва катод билан анод орасида ёй разряд вужудга келади. Шундан кейин k_n кнопка узилади.

Ёй вақтида катод симобда ёруғ катод доғи ҳосил бўлади ва симоб буғланади ҳамда ундан интенсив разишида электронлар ажраби чиқади. Доғни, демак, ёйни ҳам сақланиб туриши учун анод токи 4—5 а дан тастга тушмаслиги лозим. Анодлардан бирида анод кучланиши критик қийматдан камайиб кетганида D_p дроссель (13-32- расм) ёй ёниши учун зарур бўлган токни таъминлаб туради, дросселнинг ток билан таъминлаши анодларга берилган кучланишнинг ишораси ўзгариши билан ток босшиқа аноддан ўта бошлаган вақтгача давом этади. Шундай қилиб, ёйниг ёниши ва токнинг r_n нагрузка занжиридан ўтиши узлуксиз равишда давом этади.

Анод билан катод орасидаги кучланишнинг ишораси ўзгарганда, яъни тескари кучланишда электродлар орасида жуда оз (бир неча миллиампер) тескари ток пайдо бўлади.



13-32- расм. Бир фазали симобли түғрилагич.



13-33- расм. Уч фазали симобли түғрилагич.

Анод билан катод орасидаги кучланишнинг ишораси ўзгарганда, яъни тескари кучланишда электродлар орасида жуда оз (бир неча миллиампер) тескари ток пайдо бўлади.

Тұғрилагичларда кучланиш одатда күп тушмайды (20—25 α ги-на холос).


Яна ҳам мукаммаллашган симоб вентилларда ишчи анодлар билан бирга құшымча ёндириш анодлари ҳам бұлади, құшымча анодлар ёрдамчи трансформаторлардан ток олади ва нагрузка занжири-даги токка боғлиқ бўлмаган ҳолда катод доғини сақлаб туради (13-33- расм).

Уч фазали симобли тұғрилагич (13-33- расм) бир фазали симобли тұғрилагичдан учта ишчи аноди бўлиши билан фарқ қиласи. Бу анодлар трансформаторнинг юлдуз қилиб уланган учта иккиласи чулғамига уланади, юлдузининг ноль нүктаси нагрузка занжири-нинг минуси бўлиб хизмат қиласи. Тек ҳар бир ишчи анод орқали даврнинг фақат $1/3$ қисми давомидагина ўтади.

Симобли шиша тұғрилагичлар 600 α гача кучланишда 500 a га-ча номинал токларга мўлжаллаб тайёрланади.

Симобли шиша вентиллар билан бирга күп анодли металл вен-тиллар ҳам тайёрланади. 13-34- расмда уч анодли металл вентильнинг тузилиши кўрсатилган. Бу вентиль ҳаво билан совитилади, 200 a номинал токка ва 250 α номинал кучланишга мўлжалланган.

Кучли типовой тұғрилаш қурилмаларида 10—12 ka номинал токларга мўлжалланган бир неча бир фазали металл вентиллар комплекти ишлатилади.



13 34- расм. Уч анодли насоссиз симобли тұғрилагичнинг кесими.

Бир анодли вентилнинг тузилиши 13-35- расмда кўрсатилган.


Вентилнинг корпуси деворлари совитувчи сув учун каналлар қилинган металл цилиндрдан иборат. Қопқоғида асосий графит анод A , уйғотиш анодлари $A_{\text{уйф.}}$, ёндириш аноди $A_{\text{ёнд.}}$ ва T тўр учун кириш ўрнатилади. К катод корпусдан изоляция қилинган қуий фланцга жойлашган симобли тагликдан иборат.

Ёндириш қурилмаси электромагнит ўзак жойлаштирилган стакандан иборат. Ўзак юкори вазиятда пружина билан нормал ушлаб турилади. Электромагнит фалтагида ток импульси бўлганда ўзак пастга тушади ва стакандан симоб тортуб олади, натижада тагликдаги тирқиши орқали симоб оқими отилиб чиқади. Бу оқим катод ва ёндириш аноди орасидаги занжирни туташтиради. Оқим узилгандан ёй ёнади.

Симобли вентилдаги тўр (13-34 ва 13-35- расмлар), тиратрондаги сингари, ёйнинг ёниш пайтини ростлашга имкон беради.

Одатда олти ёки ўн икки вентилли вентиль комплектлари насос қурилмаси билан бир рамага монтаж қилинади. Насос вентилларда вакуумни сақлаб туриш учун қўлланилади. Масалан, РМНВ-500 \times 12 комплекти 6 kA номинал тўғриланган токка ва 600 v номинал тўғриланган кучланишга мўлжалланган 12 таг вентилдан тузилган.

Симобли тўғрилагичлар электролиз қурилмаларида, станоклар, механизмлар кучли кранлар ва электрлаштирилган темир йўлларга ток беришда ишлатилади.



13-35- расм. Бир анодли симобли вентилнинг кесими.


A — анод; K — катод; T — Тўр;
 $A_{\text{уйф.}}$ — уйғотиш аноди; $A_{\text{ёнд.}}$ — ёндириш аноди; $E. K.$ — ёндириш қурилмаси; $A. I.$ — анод изоляцияси

13-7. ИГНИТРОН


Игнитрон ғир анодли симобли вентилнинг бир тўридир.

Металл игнитроннинг корпуси (13-36- расм) деворлари ичига сув билан совитиш учун ясалган каналлардан иборат пўлат цилиндрdir. Корпусда графит анод 1, симобли катод 2 ва электрод-ёндиригич 3 жойлашган; ёндиригич бир анодли симобли вентилда ҳам, уйғотиш аноди ҳам ёндириш аноди вазифасини бажаради.

Ёндиригич карборунд ёки бошқа чала ўтказгич материалдан қилинган учи ўтқириланган стержень шаклида бўлади. Карборунд симобда ҳўлланмайди, шу сабабли ёндиригич орқали ток импульси ўтганда у билан симобнинг туташиш чегарасида кичик учқунлар чиқади ва бу учқунлар тезда катод билан анод орасидаги ёй разрядга айланади.



13-36- расм. Игнитрон:
1 – анод; 2 – символи катод; 3 – ёндир-
гич; 4 – изолятор,



13-37- расм. Инвертор схемаси.

Ёндиргич занжирига импульс бериш пайтини ўзгартириш билан ёйнинг ёниш пайтини тиаратрондаги сингари ўзгартириш мүмкун.

Игнитронда кучланиш тушиши катта эмас, 15—20 в.

Шиша игнитронлар 100 а гача токка, металл игнитронлар эса 300—500 а ва ундан юқори токларга мүлжалланади.

Игнитронлар құдратли түғрилаш қурилмаларида, инверторларда, электр пайванд қурилмалари ва ҳоказоларда ишлатилади.

13-8. ИНВЕРТОР

Үзгармас токни ўзгарувчан токка айлантиручи ион асбоби инвертор дейилади.

Икки тиаратронли инверторнинг энг содда схемаларидан бири 13-37- расмда күрсатылған.

Үзгармас ток манбаининг мусбат тутқици L дроссель орқали чиқиши трансформатори T нинг бирламчи чулғамининг ноль нүктасига уланган бу чулғамнинг охири эса C конденсаторнинг тутқици ва тиаратронларнинг анодларига уланган. Шу манбаининг манфий тутқици тиаратронларнинг катодларига уланган.

Тиаратронлар түрларининг занжирига T_c түр трансформатори орқали ёрдамчы ўзгарувчан ток манбайдан ток берилади. Бу трансформаторнинг иккиласи чулғамининг нейтрал нүктаси түр силжиши кучланиши $\dot{U}_{спл}$ манбай орқали тиаратронларнинг катодларига уланган. Бу кучланиш туғайли тиаратронлар түрларидаги кучланишлар қарама-қарши fazada бўлиб ўзгаради ва тиаратронлар наебат билан ярим даврга силжиган ҳолда ёнади.

Ток биринчи тиатрон ва T чиқиши трансформатори бирламчи улғамининг чап (1) ярмидан ўтишида худди шу чулғамининг ўнг 2) ярмидаги сингари э.ю.к. индукцияланади. Шундай қилиб, T трансформатор бирламчи чулғами тутқиchlаридаги кучлашиш унинг чап ярмидаги кучланишнинг икки бараварига тенг бўлади.

С конденсаторнинг ёнаётган тиатронга уланган қопламаси манфий зарядланади, иккинчиси эса мусбат зарядланади. Иккинчи тиатрон ёнган пайтда конденсатор тиатронлар орқали разрядланади ва разряд токи биринчи тиатроннинг токини компенсацияланади. Шундай қилиб, унда ток камаяди ва тиатроъ сўнади, иккинчи тиатрондаги ток маълум бир катталиkkача ортади. Иккинчи тиатронда ток бўлганида конденсатор қайта зарядланади.

Шундай қилиб, чиқиши трансформатори бирламчи чулғамининг иккала ярмидан ҳам навбатма-навбат ток ўтади. Бунинг натижасида трансформаторнинг иккиласи чулғамида ўзгарувчан э.ю.к. индукцияланади, бу э.ю.к. нинг частотаси тўр трансформаторини таъминлаётган ўзгарувчан ток манбанинг частотаси билан бир хил бўлади.

Чиқиши трансформаторининг ташқи занжиридаги ток эгри чизиғининг шакли дроссель L нинг индуктивлигига, T трансформаторнинг параметрларига, C конденсаторнинг сифимига ва нагрузка характеристига боғлиқ.

Агар тўр трансформаторининг бирламчи чулғамига бериладе таъминлаётган $U_{\text{всп (ёрдамчи)}}$ кучланиш ташқи манбадан эмас, чиқиши трансформатордан олинган бўлса, у ҳолда инвентор ўз-ўзидан уйғонувчан инвертор дейилади.


13-9. УЧ ЭЛЁКТРОДЛИ ЛАМПА

Уч электродли лампа, ёки триод (13-38- расм) икки электродли лампадан бошқарувчи тўр деб аталувчи учйничи электроднинг бўлиши билан фарқ қиласи, бу электрод катод ва анод орасига жойлашган спираль шаклида бўлади.


Тўрнинг вазифаси лампанинг катод ва аноди орасидаги электрон оқимини, бинобарин, анод токини бошқаришdir. Тўрга катодга нисбатан мусбат потенциал бераб, катод ва тўр орасида лампанинг асосий майдони билан бир хил йўналишда бўлган қўшимча майдон ҳосил қилинади. Қўшимча майдон ҳажмли манфий зарядни камайтиради ва лампанинг анод токини кўпайтиради. Аксинча, тўрнинг катодга нисбатан потенциали манфий бўлганда қўшимча майдон асосий майдонга тескари йўналади, натижада анод токи камаяди ва тўр манфий потенциалининг бирор қийматида анод токининг қиймати нолга тенг бўлади ва лампа бекилади. Тўр анодга нисбатан катодга яқинроқ жойлашган, шунинг учун тўр потенциалининг ўзгариши анод кучланишидан кўра анод токига кучлироқ таъсир қиласи.

Анод токининг катодга нисбатан тўр потенциалига ёки худди шунинг ўзи, анод кучланиши ўзгармас бўлганда анод токининг тўр кучланишига боғлиқлиги $I_a = f(U_t)$ нинг графиги лампанинг анод-тўр характеристикиси дейилади (13-39- расм).

Ўзгармас анод кучланишида анод токи орттирмасининг тўр кучланишининг мос орттирмасига нисбати характеристика тиклиги дейилади, яъни



13-38- расм. Уч электродли лампа ва унинг белгиси.



13-39- расм. Триоднинг анод-тўр характеристикиси.

$$S = \frac{\Delta I_a}{\Delta U_t}.$$

Тўр кучланиши ўзгармас бўлганда анод кучланиши орттирмасининг анод токининг мос орттирмасига нисбати лампанинг ички қаршилиги дейилади, шундай қилиб,

$$R_i = \frac{\Delta U_a}{\Delta I_a}.$$

Лампанинг ички қаршилиги билан характеристика тиклигининг кўпайтмаси кучайтиришнинг статик коэффициенти дейилади, яъни

$$\mu = R_i S = \frac{\Delta U_a}{\Delta I_a} \cdot \frac{\Delta I_a}{\Delta U_t} = \frac{\Delta U_a}{\Delta U_t}.$$

Бу коэффициент анод кучланиши орттирмасининг анод токи ўзгаришсиз қолгандаги тўр кучланиши орттирмасига нисбатига тенг.

Кучайтиришнинг статик коэффициенти тўрда кучланишнинг ўзгариши анод токи катталигига анод кучланишининг ўзгаришига қараганда неча марта кучлироқ таъсир қилишини кўрсатади.

Триодлар кучайтирувчи лампалар ва генератор лампалари сифатида ишлатилади.

13-10. ТҮРТ ВА БЕШ ЭЛЕКТРОДЛИ ЛАМПАЛАР

Тетрод деб аталаған түрт электродли лампанинг триоддан фарқи биринчи түр билан анод орасида иккинчи — экранловчи түрнинг бўлишидир. Экранловчи тўрга одатда анод кучланишидан бирмунча кичик ёки унга тенг бўлган U_{t_2} мусбат ўзгармас кучланиш берилади (13-40- расм).

Экранловчи тўр кучайтириш коэффициентини орттириш учун қўлланилади. У анодга яқин жойлашган ва аноднинг лампа электр майдонига ҳамда электрон оқимига тасирини заифлаштириб электростатик экран вазифасини бажаради, бу эса кучайтириш коэффициентини орттиради.


Аноднинг ва экранловчи тўрнинг потенциали юқори бўлганда электронлар бу тўрдан ўтиб, анодга урилади ва ундан иккиласми электронларни уриб чиқаради (динатрон эффект). Агар экранловчи тўрнинг кучланиши аноднинг кучланишидан катта бўлса, иккиласми электронлар аноддан экран тўрига қараб ҳаракатланади, натижада анод токи камаяди ва лампанинг анод характеристикасида узилиш ҳосил бўлади (13-41- расм). Анод кучланиши U_{t_2} га тенг ёки ундан катта бўлганда иккиласми электронлар яна анодга қайтади.

Динатрон эффект натижасида анод характеристикасининг бузилиши тетроднинг муҳим камчилигидир, чунки лампа кучайтирувчи сифатида ишлаганида анод токи эгри чизигининг шакли бузилади.


Махсус ясалган ва нур тетродлари деб аталаған лампаларда анод характеристикасининг динатрон эффект туфайли бузилиши бўлмайди.

Нур тетрод (13-42- расм) иккала тўрининг ўрамлари сони бир хил бўлади. Тўрларнинг ўрамлари бир-бирига қарама-қарши қилиб жойлаштирилади ва лампанинг электрон оқимини бу ўрамлар юпқа даста-нурларга бўлиб юборади. Яси катод қирралари билан анод орасида катод потенциалига эга бўлган пластинкалар жойлашган, бу пластинкалар экранлар ролини ўйнайди, бинобарин, лампанинг электрон оқими икки секторда йифилади. Иккала секторда электронлар оқимларининг зичлиги катта бўлганидан экран тўри ва анод орасидаги фазода ҳажмли манфий заряд ҳосил бўлади бу заряднинг майдони анодни ташлаб чиқсан иккиласми электронларни орқага қайтишга мажбур қиласи. Шундай қилиб, лампанинг анод токига ва анод характеристикасига динатрон эффектнинг таъсири бартараф қилинади.

Пентод деб аталаған беш электродли лампа тетроддан учинчи—химоя ёки динатрон тўрининг бўлиши билан фарқ қиласи. Хи-




13-40- расм. Тўрт электродлч лампанинг схемаси.




13-41- расм. Тетроднинг анод характеристикаси.

моя тўри экран тўри билан анод орасига жойлашган ва катодга уланган бўлиб ноль потенциалга эга. Ҳимоя тўри ва анод орасидаги электр мағдунин анодни ташлаб кетган иккиласми электронларни орқага қайтишга мажбур қилади. Шундай қилиб, анод характеристика бузилмайди. Аноднинг нурланамётган бирламчи электронларга таъсири пентодда тетроддагига нисбатан янада заифроқ бўлгани учун пентоднинг кучайтириш коэффициенти тетроднидан катта ва бир неча мингга етади.



13-42-расм. Нур тетроднинг тузилиш схемаси.



13-43-расм. Электрон қучайтиргич схемаси.

13-11. ЭЛЕКТРОН КУЧАЙТИРГИЧЛАР

Бир ёки бир неча электрон ламласи бўлган қурилма электрон қучайтиргич деб аталади. Электрон кучайтиргич ёрдамида ток манбай энергиясининг ҳисобига кучланиш, қувват ва ток кучайтирилади.

Кучайтиргичларда уч, тўрт ва беш электродли лампалар ишлатилади.

Уч электродли лампа ишлатилган энг содда кучайтиргич ёки кучайтириш каскадининг схемаси 13-43-расмда берилган.

Кириш тутқичларида $U_{кир.}$ кучланиш бўлмаганида (тутқичлардаги қаршилик r_k (берк бўлмаган лампанинг анод занжиридан I_{ao} ток ўтади, бу ток тинч ҳолатдаги ток ёки анод токининг доимий ташкил этувчиси деб аталади. Чиқиш тутқичларида ёки $r_{чик.}$ чиқиш қаршилиги тутқичларида кучланишнинг $U_{чик.} = I_{ao}r_{чик.}$ доимий ташкил этувчиси бўлади.


Кириш тутқичларида $\Delta U_{кир.}$ кучланиш (сигнал) пайдо бўлганда тўр потенциали худди шу катталикка ортади ёки камаяди, бунинг натижасида анод токи ΔI_a катталикка ўзгаради, чиқишдаги кучланиш эса $\Delta U_{чик.} = \Delta I_a r_{чик.}$ катталикка ўзгаради.

Чиқишдаги кучланиш орттирмасининг киришдаги кучланиш орттирмасига нисбати кучайтиргичнинг кучайтириш коэффициенти деб аталади:

$$k = \frac{\Delta U_{чик.}}{\Delta U_{кир.}} = \mu \frac{r_{чик.}}{R_i + r_{чик.}} < \mu.$$

Шундай қилиб, кучайтириш процесси кириш тутқичларида кучланишнинг озгинагина ўзгариши чиқиш тутқичларида кучланишнинг шунга ўхшаш, бироқ k марта кучлироқ ўзгаришига сабаб бўлади ёки лампанинг тўрига берилган кам қувватли электр сигнал чиқиш қаршилигидан анча катта қувватли сигнал тарзида тикланишидан иборат бўлади.

Чиқиш қаршилиги лампанинг R_L қаршилигига қараганда қанча катта бўлса, кучайтиргичнинг кучайтириш коэффициенти лампанинг статик кучайтириш коэффициентидан шунча кам фарқ қиласди.



13-44- расм. Апод токининг графиги.

Триоднинг тўр характеристикаси (13-39- расм) ўзгармас анод кучланиши U_a да олинади. Лампа кучайтиргич схемасида ишлаганида анод токининг ўзгариши анод кучланишининг ва нагрузкадаги кучланишнинг ўзгаришига сабаб бўлади, чунки $U_a = E_a - I_a r_{\text{чик.}}$ Бу ҳол учун, яъни ўзгарувчан анод кучланиши ва ўзгармас E_a э.ю.к. ва нагрузка қаршилиги $r_{\text{чик.}}$ бўлган ҳолдаги тўр характеристикаси $I_a = f(U_t)$ ишчи характеристика ёки динамик характеристика дейилади. Бу характеристика ҳам ўшандай кўринишга эга, лекин унчалик тик бўлмайди.

13-44- расмда кириш кучланиши $u_{\text{кир.}}$ — сигналнинг берилган эгри чизиги ва динамик характеристикаси a га кўра нукталар бўйича анод токининг графиги σ ясалган.

Агар лампанинг тўри ва катоди орасига фақат битта кириш ўзгарувчан кучланиши қўйилган бўлса, у ҳолда тўрнинг потенциали битта ярим давр давомида мусбат, бошқа ярим давр давомида манфий бўлади. Тўрнинг потенциали мусбат бўлганда, катод — r_m қаршилик-тўр-катод контурда сигнални бузувчи тўр токи пайдо бўлади, бунга йўл кўймаслик керак.

Бутун иси вақти давомида тўрнинг манфий потенциалини ҳосил қилиш учун тўр билан катод орасига доимий E_c э.ю.к. ли қў-

шимча манба уланади, бу э.ю.к. силжиш күчланиши дейилади (13-43 ва 13-44-расмлар). Бу ҳолда вақтнинг ҳар бир пайтида тўрдаги күчланиш кириш күчланиши $u_{\text{кир.}}$ нинг қиймати ва E_a силжиш күчланишининг алгебраик йигиндисига тенг бўлади.

Анод токи икки қўшилувчидан: тинчликдаги ток I_{a0} ва ўзгарувчан ташкил этувчи $I_{a, m} \cdot \sin \omega t$ дан иборат бўлади, яъни

$$i_a = I_{a0} + I_{a, m} \cdot \sin \omega t.$$

Чиқиш қаршилигида токнинг ўзгарувчан ташкил этувчиси вуҷудга келтирган күчланиш тушишининг миқдори

$$u_{\text{чиқ.}} = r_{\text{чиқ.}} \cdot I_{a, m} \cdot \sin \omega t = U_{\text{чиқ. м}} \cdot \sin \omega i$$

кириш күчланиши $u_{\text{кир.}}$ нинг k марта кучайтирилганидан иборат бўлади.

Агар битта каскаддаги күчланиш етарли бўлмаса, у ҳолда бир неча каскадли кучайтиргичдан фойдаланилади.


Бунда биринчи каскад чиқиш қаршилигидаги күчланиш иккинчи каскад учун кириш күчланиши бўлиб хизмат қиласи ва ҳоказо. Одатда охирги каскад чиқиша етарли қувват олиш учун хизмат қиласи.

Бир неча каскадли кучайтиргичнинг кучайтириш коэффициенти алоҳида каскадлар кучайтириш коэффициентларининг кўпайтмасига teng

$$k = k_1 k_2 k_3 \dots k_n.$$

Каскадларнинг ўзаро боғланишини турлича, масалан, қаршиликларда ёки трансформаторларда амалга ошириш мумкин.

13-45-расмда қаршиликлардаги (галваник боғланишли) икки каскадли кучайтиргич схемаси берилган.




13-45-расм. Қаршиликлардаги икки каскадли кучайтиргич.

Бу ерда ўзгарувчан кириш күчланиши $u_{\text{кир.}}$ биринчи лампанинг анод занжирида пульсланувчи ток вуҷудга келтиради. Бу анод токининг доимий ташкил этувчиси $r_{\text{чиқ.1}}$ чиқиш қаршилиги орқали ўтади, бироқ иккинчи лампанинг r_{K2} тўр қаршилиги орқали C ажратувчи конденсатор бўлгани туфайли ўта олмайди. Биринчи лампа анод токининг ўзгарувчан ташкил этувчисининг C конденсатор

ва r_{k2} қаршилик орқали ўтувчи бир қисми бу қаршиликда биринчи лампанинг кириш кучланишининг кучайтирилганидан иборат бўлган кучланиш ҳосил қиласди. Бу кучланиш иккинчи лампанинг тўрига берилади ва бу тўрда $U_{\text{ник.}2}$ қийматгача кучайтирилади.

Трансформаторлардаги кучайтиргич схемасида (13-46- расм) биринчи каскаднинг кириш қаршилиги каскадлараро трансформатор-




13-46- расм. Трансформаторлардаги икки каскадли кучайтиргич.

нинг бирламчи чулғами билан алмаштирилган, бу трансформаторнинг иккимайди, балки бунинг учун I_{ao} $r_{\text{сил.}}$ тоқининг доимий ташкил этувчиси ўтиши натижасида r_{cm} . Қаршиликда кучланишининг тушишидан фойдаланилади (13-47- расм). Анон тоқининг ўзгарувчан ташкил этувчиси асосан C конденсатордан ўтади, чунки конденсатор бу ташкил этувчига r_{cm} қаршилика нисбатан бир неча марта кам қаршилик кўрсатади.

Тўр силжиш катталиги электрон лампанинг иш режими ва анод токи эгри чизигининг шаклини аниқлаб беради. Кучайтиришнинг кучайтириш лампаларининг турли иш режимларига мос келувчи бир неча синфи мавжуд.


13-44- расмда силжиш кучланиши тўр кучланишининг барча қийматларида ҳам анод токи динамик характеристикининг тўғри чизиқли қисмидан аниқланадиган қилиб танланган. Бу ҳолда кириш кучланиши анод тоқининг ўзгарувчан ташкил этувчиси томонидан аниқ қайта тикланади ва кучайтиришда бузилиш бўлмайди, кучайтириш A синфга тегишли бўлади. Тинчлик токи I_{ao} жуда катта, схеманинг фойдалы иш коэффициенти паст (50 % дан ҳам кам).

13-48- расмда силжиш кучланиши ортирилган — кучайтириш синфи AB . Лампа динамик характеристикининг тўғри чизиқли бўл-



13-47- расм.
Анон тоқи ёрдамида тўр силжиши.

маган қисмидә ишләётгани учун анод токининг ўзгарувчан ташкил этувчиси бузилади. Токнинг доимий ташкил этувчиси камайди, фойдалы иш коэффициенти аввалги ҳолдагига нисбатан кўпайди.



13-48- расм. Катта тур силжишида анод токининг графиги.

Силжиш кучланишини яна орттириб, *B* ва *C* кучайтириш синфларини ҳосил қиласиз, бунда анод токининг ўзгарувчан ташкил этувчиси токнинг янада катта бузилишли қирқилган ярим тўлқинларидан иборат бўлади.


13-12. ТРАНЗИСТОРЛАР. ЧАЛА ЎТКАЗГИЧЛИ КУЧАЙТИРГИЧЛАР

Кейинги вақтларда кучайтиргичлар сифатида чала ўтказгичли триодлар ёки транзисторлар кенг кўлланила бошланди. Қотишмали, ясси триодлар ишлатилади.

Чала ўтказгич қотишмали триод икки қарама-қарши томонига индий бўлакчалари кавшарланган электрон (*n*) ўтказувчанликли юпқа германий пластинкадан иборат (13-49-*a* расм). Индий германнийга диффузияланиб, тешикли (*p*) ўтказувчан соҳалар (*1* ва *3*) ни ҳосил қиласиз. *n*- ўтказувчали соҳанинг қалинлиги бир неча микрон ёки бир неча ўн микронгина, холос. Бир-биридан *p*-*n* ўтишлар билан чегаралangan яқин қўшни соҳалар: эмиттер (*e*), асос ёки база (*o*) ва коллектор (*k*) деб аталади (13-49-*b* расм).

Эмиттер билан база орасига (13-49- расм) тўғри йўналишда *1* в га яқин *E*₁ доимий кучланиш манбай ва кучайтирилиши керак бўлган сигнал — ўзгарувчан кириш кучланиши *u_{кир.}* уланади. Коллектор билан база орасига тескари йўналишда *E*₂ бир неча ўн вольт тартибида доимий кучланиш манбай ва нагрузка қаршилиги уланади, бу қаршиликдаги кучланиш кучайтирилган сигналдан иборат бўлади.

Эмиттер соҳасига асос соҳасидагига қараганда аралашма атомларидан анча кўп киритилади. Бунинг натижасида эмиттердаги тешиклар концентрацияси асосдаги электронлар концентрациясидан бир неча марта кўп бўлади. Эмиттер — асос занжиридаги E_1 кучланиш тўғри йўналишида таъсир қиласи, чунки $p-n$ ўтишининг тўғри ўтказувчанилиги катта бўлгани учун, ҳатто кичик (1 eV яқин) E_1 кучланишида ҳам эмиттер — асосдаги асосий заряд ташув-



13-49-расм. Чала ўтказгичли триод:

а — тузилиш схемаси; б — қўшиш схемаси; в — шартли белгиси.

чилар — тешикларнинг ҳаракатидан ҳосил бўлган I_e эмиттер токи нисбатан катта бўлади. Асосда тешикларнинг оз қисми эркин электронлар билан рекомбинацияланади, тешикларнинг асосий қисми E_2 манбанинг электр майдони таъсирида $p-n$ ўтиш орқали коллекторга ўтади. Шундай қилиб, асос — коллектор — нагрузка занжирида $I_k = I_e - I_o$ токи вужудга келади, бу токнинг катталиги эмиттер — асос қисмдаги токнинг катталигига тенг бўлади. Бунда кириш сигналининг озгина ўзгариши фақат I_e ва I_k токларнигина эмас, нагрузка қаршилик $r_{чик}$, катта бўлгани туфайли $U_{чик}$ чиқиш кучланишини ҳам анча кўпайтиради.

Транзисторнинг ишлаши кучайтиргичнинг ишлашига ўхшайди.

Электрон лампада тўр кучланишининг ортиши электрон оқимни ўзгартиради, анод токини кучайтиради ва нагрузкадаги кучланиши ортиради. Транзисторда эмиттер ва асос орасидаги кучланишининг ортиши эмиттерланган тешиклар сонини ўзгартиради, коллектор занжирида токни кучайтиради ва нагрузкада кучланиши ортиради.


Транзисторларни улашнинг биз кўрган (13-49-б расм) схемасидан бошқа схемалари ҳам мавжуд.

Баён қилинган $p-n-p$ типдаги транзисторлардан ташқари $n-p-n$ типдаги транзисторлар ҳам ишлатилади. Бу транзисторларда эмиттер ва база орасидаги кучайтирилган кучланиш таъсирида электронлар n соҳадан p соҳага эмиттерланади. $n-p-n$ типдаги транзисторли схемаларда E_1 ва E_2 манбадарнинг қутблиги

худди шу э.ю.к. ларнинг $p-n-p$ типдаги триодли схемаларидағи қутблигига тескари бўлиши керак.

П-13 типидаги германийли ясси транзисторнинг тузилиши 13-50-расмда кўрсатилган.

Триоднинг асоси электрон ўтказувчанли кристалл германий пластинкаси 10 дир. Бу пластинка чиқиш 2 билан уланган таянч 9 га маҳкамланган. Пластинканинг икки томонга индий электродлар 8 ва 11 кавшарланган. Триодни ясаш даврида индий атомлари германийга диффузияланади ва бунда тешикли ўтказувчанли бир соҳа—эмиттер 8 ҳамда яна тешикли ўтказувчанли иккинчи соҳа—коллектор 11 ни ҳосчл қиласди. $p-n-p$ типдаги бу триод 5, 6 метал корпус билан беркитилган. Эмиттердан чиқарилган 1, 7 ва коллектордан чиқарилган 3, 12 учлар корпусдан шишадан қилинган ўтиш изоляторлари 4 орқали изоляцияланган.



13-50- расм. П-13 типидаги ясси германийли транзисторнинг тузилиши.

Транзисторлар электрон триодларга қарашда мустаҳкам, стабил, ўлчамлари кичик ва оғирлиги кам, ишлаш муддати эса анча каттадир.

13-13. ГЕНЕРАТОРЛАР

a) Синусоидал тебранишили лампали генератор

Юқори частотали ўзгарувчан токлар лампали генераторлардан олинади. Электрон лампа ва тебраниш контури генераторнинг асосий элементлари ҳисобланади.

Конденсатор тутқицларида U_{C_m} кучланиш бўлганда унинг электр майдонида $W_{C_m} = \frac{CU_{C_m}^2}{2}$ энергия тўпланган бўлади. Бундай конденсатор актив қаршилигини ҳисобга олмаса ҳам бўладиган индуктив ғалтакка туташтирилса (13-51- расм), конденсатор разрядлана бошлийди ва занжирда ток пайдо бўлади. Бунда конденсатордаги кучланиш камаяди ва электр майдони энергияси ғалтакнинг магнит майдони энергиясига айланади, занжирдаги ток эса ортади. Конденсатор разрядланиб бўлган, унда кучланиш нолгача ($U_C = 0$) камайган пайтда электр майдони энергияси батамом магнит майдони энергиясига айланади ва у ўзининг максимум қийматига эришади.

$$W_{L.m} = \frac{LI_m^2}{2} = W_{C.m},$$

бу занжирда токининг максимум бўлишига тўгри келади.

Ток максимумга етиб, сўнг шу йўналишда ўтишда камаяди, чунки ўзиндукия э.ю.к. мусбат қийматга эга бўлади ($e_L = -L \frac{di}{dt}$).

Шу йўналишдаги ток (13-51-расмда стрелка билан кўрсатилган) аввал манфий бўлган пластинкада мусбат зарядларнинг, аввал мусбат бўлган пластинкада (юқори) манфий зарядларнинг тўпланишига сабаб бўлади.

Конденсаторнинг бундай қайта зарядланиш процесси контурнинг барча энергияси электр майдонига тўпланиб бўлгунча, конденсатордаги кучланиш эса дастлабки максимум қийматига, аммо тескари ишора билан эришмагунча давом этади. Конденсатор зарядлангач, энді тескари йўналишда разрядлана бошлайди, сўнгра яна зарядланади ва ҳоказо.

Шундай қилиб, LC контурда электр майдони энергияси магнит майдони энергиясига айланади ва, аксинча, яъни занжирда энергиянинг сўнмас тебранишлари рўй беради, шунинг учун бу занжир тебранувчи контур деб юритилади. Бундай занжирда ток ва кучланиш синусоидал ўзгаради. Конденсатордаги кучланиш вақтнинг исталган пайтида ўзиндуқция э.ю.к. га teng ва фаза жиҳатидан токка нисбатан чорак даврга силжиган бўлади.

Ток амплитудаси ифодаси $I_m = U_{Cm} \omega C$ ни (5-12-§) энергия тенгламаси $W_{Lm} = LI_m^2/2$ га қўйиб, қўйидагини ҳосил қиласиз:

$$W_{Lm} = \frac{LU_{Cm}^2 \cdot \omega_0^2 \cdot C^2}{2} = \frac{CU_{Cm}^2}{2} = W_{Cm},$$

бундан контурнинг хусусий тебранишлари бурчак частотасини тоғамиш:

$$\omega_0 = \frac{1}{\sqrt{LC}}.$$

Ток амплитудаси


$$I_m = U_{Cm} \omega_0 C = U_{Cm} \frac{1}{\sqrt{LC}} \cdot C = \frac{U_{Cm}}{\sqrt{L/C}}$$

$\sqrt{L/C}$ катталикни контурнинг тўлқин қаршилиги деб юритилади.

Агар LC занжир тўлқин қаршиликтининг икки баравардан катта бўлмаган r актив қаршиликка эга бўлса, бу ҳолда контурда ҳам тебраниш процесси вужудга келади, бироқ бу ҳолда ҳар бир тебранишда электр энергиянинг бир қисми иссиқликка айланади, шу сабабли ток ва кучланишнинг амплитудалари ҳар ярим даврда камайиб, тебраниш процесси сўнади.

Актив қаршиликли LC контурда сўнмас тебранишлар ҳосил қилиш зарур бўлганда, контурга актив қаршилиқда иссиқлик исрофига тенг бўлган энергия бериб туриш лозим. Агар бундан ташқари, энергиянинг бир қисмини контур нагрузка занжирига берётган бўлса, контурга худди шу миқдордаги энергия бериш керак.


Лампали генераторда ўзгармас ток манбаи энергияси юқори частотали ўзгарувчан ток энергиясига айланади, бу энергия контурнинг



13-51-расм. Тебраниш контури.

параметрлари (L , C) билан аниқланади. Электрон лампа энергиянинг бир турдан иккинчи турга айлантириш процессида ростлагич (регулятор) ролини ўйнайди, унинг воситасида энергия даврий равишда тебраниш контурига берилиб туради, тебраниш контуридан нагрузка занжирига узатилади.

Лампали генератор занжиридан бири 13-52- расмда берилган.



13-52- расм. Лампали генератор схемаси.


Лампали генераторнинг «+» «—» туткичларига ўзгармас ток манбай уланганда, тебраниш контурининг C конденсатори U_{Cm} кучланишгача зарядланади. Шундан сўнг конденсатор тебраниш контурининг L фалтаги разрядлана бошлайди ва контурда $\omega_0 = \frac{1}{\sqrt{LC}}$ хусусий частотали тебранишлар вужудга келади. Тескари боғланыш фалтаги L_1 лампанинг тўрига уланган, шунинг учун тўрдаги кучланиш L_1 фалтакда индукцияланган ω_0 частотали э.ю.к. га боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, лампанинг анод занжирида i_a пульсланувчи ток ҳосил бўлади (13-44- расм), бу токнинг характери силжиш кучланиши $E_{ сил.}$ га боғлиқ бўлади. Бу токнинг доимий ташкил этувчиси I_{ao} тебраниш контурига ўта олмайди, чунки унинг ўтишига C_p ажратувчи конденсатор тўсқинлик қиласи ва у ток манбай ва L_p ажратувчи фалтак орқали ўтиб кетади. Анод токининг ўзгарувчан ташкил этувчиси $I_{a.m} \sin \omega_0 t$ юқори частотада ток манбаига ўта олмайди, чунки бунга ажратувчи фалтак $\omega_0 L_p$ реактив қаршилигининг катта бўлиши тўсқинлик қиласи ва у тебраниш контури орқали ўтиб кетади. Бу ташкил этувчи фаза жиҳатидан тебраниш контурининг кучланиши билан бир хил бўлгани учун, у энергиянинг бу контурга даврий равишда берилиб турилишини таъминлайди.

Нагрузка занжири n истеъмолчи (13-52- расм), тебраниш контурининг L фалтаги билан индуктив боғланган L_2 фалтакдан иборат. Шундай қилиб, энергия тебраниш контуридан истеъмолчига L_2 ва L фалтакларни кесиб ўтувчи магнит оқими воситасида берилади.

б) Кучланиши арасимон әгри чизиқ бўлган генераторлар

Баъзи қурилмаларда, масалан, электрон осциллографларда, әгри чизиги арасимон бўлган кучланиш зарур бўлади (13-53- расм).


Әгри чизиқнинг ўсувчи қисми мумкин қадар тўғри чизиқга яқин, камаювчи қисми эса катта тиклик билан кескин тушадиган бўлиши керак, унда тиши даврининг узунлигини ёки шунга мос равишда арасимон кучланиш частотасини кенг оралиқда ростлаш имконияти бўлсин.



13-53- расм. Арасимон кучланиш әгри чизиги:

Арасимон кучланишли генераторнинг мумкин бўлган схемаларидан бири 13-54- расмда берилган.

Ўзгармас кучланиш генераторнинг кириш тутқичларига улангандан сўнг C конденсатор R ва R' қаршиликлар орқали зарядланади. Бунда конденсатор тутқичларидаги ва лампа занжиридаги кучланиш тиратронни ёқиши қийматигача Oab әгри чизиқ бўйича ортади



13-54- расм. Арасимон кучланиш генераторининг схемаси.

(13-53- расмдаги әгри чизиқда b нуқта). Шу пайтдан бошлаб конденсатор тиратрон орқали тез разрядланади, чунки тиратрон ёнганда унинг қаршилиги ҳисобга олмаслик даражада камаяди ва тиратрон занжирининг қаршилиги R ва R' қаршиликлардан бир неча марта кам бўлади. Конденсаторнинг разрядланиши ва унинг тутқичларидаги кучланишнинг камайиши жуда тез рўй беради ва тират-


рон сүнгунча давом этади (13-53-расмдаги эгри чизикдаги a' нүктә). Бұндан кейин конденсатор яна қайтадан зарядлана бошлайды, унинг тутқицларидаги кучланиш орта бошлайды ($a'b'$ эгри чизик) ва ҳоказо.

Баён қулингандардан генераторнинг чиқиш тутқицларидаги $U_{\text{чиқ}}$ кучланиш арасынан ўзгариши келиб чиқади. (a, b, a', b', a'', b'' ва ҳоказо эгри чизик).


Тиратрон түрінинг потенциалини ўзгартириб, тиратроннинг ёниш кучланишини ростлаш, демек, арасынан кучланишнинг катталигини ҳам ростлаш мүмкін. Арасынан кучланишнинг частотаси $R' \cdot C$ қаршиликни ва C конденсатор сифимини ўзгартириш билан ростланади.

Тиратронда ионланиш ва деионланиш процесси бирор вакт талаб қиласы, шунинг учун тиратронлы генераторлар 50 кгц дан юқори бүлмаган частотали арасынан кучланиш олиш учун құлланилади. Янада юқоригоқ частотали кучланишлар олиш учун электрон лампали генераторлардан фойдаланилади.

в) Мультивибраторлар



13-55-расм. Симметрик мультивибратор.



13-56-расм. Мультивибратор кучланишлари графикалари.

Кейинги вақтларда импульс техникасы ва турли импульс генераторлардан кенг фойдаланылғында. Мультивибратор — түғри бурчак шаклидаги кучланиш импульсларининг электрон генераторидір.

13-55-расмда мультивибратор схемаларидан бири берилген.

Симметрик мультивибраторда бир хил лампалар, бир хил түр қаршиликтер $r_1 = r_2$, бир хил конденсаторлар $C_1 = -C_2$ ва бир хил анод қаршиликтер $r_{a1} = r_{a2}$ ишлатылади.

Вақтнинг дастлабки бошланғич t_0 пайтида L_2 лампа очық (13-56-расм). L_1 лампа ёпік, чунки түрнинг манфий кучланиши U_{t1} катта. Биринчи лампадаги U_{a1} анод кучланиши тахминан манбанинг кучланиши U_a га тең, чунки C_1 конденсаторнинг заряд токи туфайли r_{a1} қаршиликта, кучланишнинг тушуви кичик. C_1 конденсатор ўзгармас ток манбанинг U_a кучланиші таъси-

рида r_{a_1} ва r_2 қаршиликлар орқали зарядланади. C_1 конденсаторни зарядловчи ток i_2 қаршилиқда U_{t_2} мусбат тўр кучланишини ҳосил қиласди, бунда L_2 лампа очиқ бўлади. Айни вақтда C_2 конденсатор L_2 лампа ва r_1 қаршилик орқали разрядланади. Бу конденсаторнинг разряд токи i_1 қаршилиқда U_{t_1} кучланишнинг кўп тушишига сабаб бўлади ва L_1 лампа бекилади. C_2 конденсатор разрядланishiда L_1 лампа тўридаги U_{t_1} кучланиш камаяди ва вақтнинг t_1 пайтида шундай катталикка тушадики, L_1 лампа очилади, L_2 лампа эса бекилади. Бунда U_{a_1} анод кучланиши тез пасаяди.

t_1 пайтдан бошлаб C_2 конденсатор r_{a_2} ва r_1 қаршиликлар орқали зарядлана бошлиди, заряд токи L_1 лампанинг тўрида мусбат кучланиш ҳосил қиласди, бу лампа i_2 пайтгача очиқ бўлади. Айни шу вақтда C_1 конденсатор r_2 қаршилик ва очиқ L_1 лампа орқали разрядлана бошлаб, U_{t_2} кучланишнинг тушишига сабаб бўлади ва бу кучланиш тушиши L_2 лампани бекитади. t_1 пайтда U_{a_2} анод кучланиши манбанинг U_a кучланишига яқин катталикка сакраб ортади.

i_2 пайтда U_{t_2} кучланиш L_2 лампа очилиб, L_1 лампа бекиладиган катталиkkacha камаяди, демак, U_{a_1} кучланиш сакраб ортади, U_{a_2} кучланиш эса камаяди. Бундан сўнг процесс тақорлана бошлиди.

Лампаларнинг даврий равишда очилиши ва бекилиши ҳар бир лампа чиқишида кучланишнинг тахминан тўғри бурчакли импульсларини ҳосил қилишга имкон беради.

Мультивибратор частотасини r_1 ва r_2 қаршиликларни ёки C_1 ва C_2 сифимларни ўзгартириш ва ниҳоят, тўр қаршилиги катталигини ўзгартириш йўли билан ростлаш мумкин.

13-14. СТАБИЛИЗАТОРЛАР


a) Ток стабилизаторлари

Токни стабиллаш, яъни нагрузкада ток катталигини ўзгаришсиз сақлаш учун бареттерлардан фойдаланилади.

Бареттер $50 \div 200 \text{ мм сим. устуни}$ босимида водород билан тўлдирилган баллонга жойлаштирилган пўлат ёки вольфрам симтоладан иборат.

Бареттер толасини совитиш ва қиздириш шароитлари бареттер тутқичларида кучланишнинг ўзгариши тола қаршилигини унга пропорционал равишда ўзгартирадиган қилиб танланган. Шундай қилиб, маълум чегараларда кучланишнинг ўзгариши токнинг жуда кам ўзгаришига сабаб бўлади.

Бареттерни нагрузка билан кетма-кет улаб (13-57- расм), манба кучланишининг анчагина ўзгартиришда ҳам занжирда токнинг жуда кам ўзгаришига эришамиз. Агар нагрузканинг қаршилиги доимий бўлса, у ҳолда тармоқ кучланиши ўзгарганда нагрузкада фақат ток эмас, балки кучланиши ҳам стабил бўлади.



13-57- расм. Бареттерни кўшиш схемаси.

Стабилловчи элемент сифатида түйиниш режимида ишләёттән иккى электродлы лампадан ҳам фойдаланиш мумкин.

б) Күчланиш стабилизаторлари

Доим ўзгармас күчланишлар ҳосил қилиш учун ёлқын разряд асбобларига ўхшаш стабилитронлар ишлатилади.

Иккى электродлы стабилитрон ичига цилиндриксимон катод ва бу катод ичига сим анод жойлаштирилган шиша баллондан ибօрат. Баллондаги газнинг босими бир неча ўн миллиметр симоб устунига тенг бўлади.

Стабилитроннинг вольт-ампер характеристикасидаи ab қисм (13-58-расм) күчланиш тушишининг токка боғлиқ эмаслигини кўрсатади. Характеристиканинг ab ишчи қисмига мос чегарарадаги күчланиш стабилизация күчланиш U_{ct} дейилади.

Стабилитрон күчланиши стабилизация күчланиши U_{ct} га тенг бўлган r_b нагруззакага параллел уланади. Тармоқланган қисм билан кетма-кет қилиб, балласт қаршилик r_b уланади (13-59-расм). Бу қаршиликдаги күчланиш U_{kip} кириш күчланиши билан стабилланган күчланишнинг фарқига тенг бўлади, чунки

$$U_{kip} = I_{kip} r_b + U_{ct},$$

$$\text{бунда кириш токи } I_{kip} = I_{ct} + I_{b..}$$

Кириш күчланишнинг ортиши стабилитронда токни ортириди, ундан күчланиш эса балласт қаршиликда күчланиш тушиши туфайли деярли ўзаришсиз қолади.

13-59-расм. Газ-разрядли стабилитронни стабилизатор схемаси.

Нагрузка токининг ортиши стабилитронда токни камайтиради, тармоқдаги күчланиш эса деярли ўзаришсиз қолади. Стабилизатор ишлаши учун кириш күчланиши стабилизация күчланишидан катта бўлиши, стабилитрон токи эса стабилитроннинг вольт-ампер характеристикасидаги ишчи қисми билан аниқланадиган чегарада ётиши керак.

Катта стабиллашган күчланишлар олиш учун стабилитронлар кетма-кет уланади.


Стабилитронлар 70 в ва ундан ортиқ күчланишларга ва 5 дан 40 ма гача токларга мўлжаллаб тайёрланади.

Биз баён қилган газ разрядли стабилитронли стабилизаторлардан ташқари, электрон стабилизаторлар ва чала ўтказгичли стабилизаторлар ҳам ишлатилади.


Кремнийли стабилитронлар кучланишни стабиллаш учун ишлатылади. Улар ҳар хил күринишдаги кремнийли диодлардир.

Кремнийли стабилитронларнинг вольт-ампер характеристикасигининг ишчи қисми (13-60-расм) унинг тескари токка, тескари кучланишга мөс бўлган қисмидир; бу қисм ток ўқига тахминан параллел жойлашган (13-60-расмда туташ чизик билан берилган).

13-61-расмда кремнийли стабилитронли кучланиш стабилизаторининг схемаси берилган, бу схема газ разрядли стабилизаторли стабилизатор схемасига ўхшаш.



13-60-расм. Кремнийли стабилитроннинг вольт-ампер характеристикаси.



13-61-расм. Кремнийли стабилитронли стабилизатор схемаси.

Стабилитрон ўтказмайдиган йўналишда уланади. Нагрузка стабилитронга параллел уланади, тармоққа кетма-кет қилиб балласт қаршилик уланади.

Кремнийли стабилитронлар 7—100 в кучланишларга ва 20—33 ма токларга мўлжаллаб тайёрланади.


13-15. ЭЛЕКТРОН-НУР ТРУБКА

Электрон-нур трубка электротехниканинг турли соҳаларида — радиолокация, телевидение, ўлчаш техникаси ва бошқаларда кенг ишлатилади.

Трубканинг шиша баллони колба шаклида бўлади (13-62-расм). Колбанинг кенгайган туви ички томондан люминофор билан қопланиб, экран ҳосил қиласди. Трубканинг экранга қарама-қарши қисмida электрон нурининг шаклланишига мўлжалланган қурилма жойлашган бўлиб, бу қурилма электрон проектори ёки электрон тўпи дейилади. Бу қурилма K катод, бошқарувчи электрод (тўр) $B\mathcal{E}$ ва цилиндр шаклидаги икки A_1 ва A_2 аноддан иборатdir. Катод ва анод орасидаги электр майдони катоддан чиқсан электронларни етарлича тезларатади ва уларга экран сиртида жойлашган фокусда кесишувчи нур шаклини беради. Экраннинг электрон-нур тушган нуқтасида ёруғлик чақнайди. Бошқарувчи электрод потенциалини ўзгартириб, нурдаги электронлар миқдорини, яъни экран

Нурланишининг интенсивлиги ва ёрқинлигини ростлаш мумкин. Анодлардан бирининг потенциалини ўзgartириш билан электрон-нурни экранда аниқ фокуслаш ва шу билан чақнаётган нуқтанинг кескинлигини яхшилаш мумкин.

Электрон-нур иккита кучланиш берилган иккита оғдирувчи пластинкалар жуфти орасидан ўтади. X пластинкаларнинг электр майдони электрон-нурни горизонтал текисликда, бошқа жуфт — Y пластинкалар майдони эса нурни вертикаль текисликда оғдиради.



13-62- расм. Электрон-нурни трубка.

X пластинкаларга одатда ёрдамчи арасимон кучланиш берилади (13-53- расм).

Даврнинг бошида кучланиш нолдан максимумгача түғри чизиқ бўйлаб, яъни вақтга пропорционал ортади ва электрон-нур доимий тезлик билан экран бўйлаб чапдан ўнга силжиди; максимумга эришгач, кучланиш тезда (t_2 вақт ичидаги) нолгача камаяди ва электрон-нур чекка (ўнг) нуқтадан тезда тескари йўналишда экраннинг дастлабки (чап) нуқтасига даврнинг охирида етади, шундан сўнг процесс яна такрорланади. Нурнинг экранда айни бир траекториянинг ўзидан кўп марталаб ҳаракатланиши туфайли Y пластинкада кучланиш бўлмаганда экранда ёруғ горизонтал чизиқ кўринади (13-63- а расм).


Агар нур экран бўйлаб ҳаракатланаётган бирор пайтда Y пластинкаларга кучланиш импульси берилса, у ҳолда Y пластинкаларнинг электр майдони электрон-нурни импульсга пропорционал равишда вертикаль йўналишда оғдиради. Агар импульслар арасимон кучланиш частотаси билан такрорланса экраннинг айни бир жойидаги нурнинг оғиши ҳам такрорланади. Ёруғлик инерцияси туфайли экранда импульс вужудга келтирган тишли ёруғ чизиқ кўриниб туради (13-63- б расм).

Иккита тишининг мавжуд бўлиши Y пластинкаларга бир даврнинг ўзидаги иккита импульс берилганини билдиради (13-63- в расм).

Электрон-нурни электр ёки магнит майдонидан фойдаланиб бошқариш мумкин. Магнит майдонидан фойдалагиб бошқаришда бошқарувчи магнит майдони трубка яқинида маҳкамланган галтаклардан ўтувчи токлар томонидан вужудга келтирилади.

Электрон-нур трубка электромагнит тұлқинлар ёрдамида предметтің түрган жойини аниқладыған радиолокаторнинг асосий қисмидір. Предметтің түриш жойини аниқлаш мақсадыда у назарда тутилған йұналишда электромагнит тұлқын импульслари юборилады. Предметтәча етіб борган тұлқинлар қысман қайтады. У пластинкаларда импульсни юборылған пайтда ва қайтған тұлқинни қабул қылиб олган пайтда кучланиш импульслари, демек, трубка экранында тишилар пайдо бўлади. Тишилар орасындағы масофа предметтің радиолокатордан узоқлигига боғлиқ ва электромагнит тұлқинларнинг ҳавода тарқалиш тезлиги 300 000 км/сек эканлыгини билған ҳолда уни аниқлаш мүмкін.

Электрон-нур трубка, шунингдек, телевизорнинг ҳам асосий қисмидір. Кинескоп—қабул құлувчы электрон-нур трубка экранында электрон-нурёрдамида тасвир ҳосил қилинады.



13-63-расм. Трубка экранында электрон-нурнинг изи.

13-16. ЭЛЕКТРОН ОСЦИЛЛОГРАФ


Электрон осциллограф — тез ўзгаруечан электр катталикларни визуал кузатыш ва суратта олиш учун мұлжалланған асбобдір. Уннинг асосий қисми электрон-нур трубкадыр.

Осциллограф электрон-нур трубкасындағы оғдирувчи X пластинкаларда аррасимон кучланиш бўлганида электрон-нур чапдан ўнга доимий тезлик билан силжыйди ва экранда горизонтал чизиқ кўриниб туради (13-64- расм).

Оғдирувчи Y пластинкаларга частотаси аррасимон кучланиш частотасыга тенг бўлган ўлчанувчи кучланиш берамиз, бу кучланиш иккала кучланиш даврларининг бошланишига ҳам мос бўлсин. Бу (ўлчанувчи) кучланиш таъсирида электрон-нур бу кучланишнинг оний қийматига пропорционал катталиқка вертикаль йұналишда оғади. Иккала кучланиш таъсирида нур ҳар бир давр давомида экранда ўлчанаётган кучланишнинг эгри чизигини тасвирлайды, бу чизикни кузатыш ва суратта олиш мүмкін (13-64- расм).

Одатда, оғдирувчи пластинкаларнинг кучланишлар таъсирига сезирлиги кичик бўлади, шу сабабли пластинкаларнинг ҳар бир жуфті учун кучайтириш коэффициентини ростловчи икки каскадли лампали кучайтиргич қўйилади.

Шундай қилиб, электрон осциллографынинг, электрон-нур трубкадан ташқари, бир филофга монтаж қилингандык бир қанча қурилмалари — узеллари бор. Электрон осциллографынинг скелет схемаси, ташқи кўриниши ва уни бошқариш қўйида 13-20- § да берилған.




13-64- расм. Ўрганилаётган кучланишнинг осциллограф экранидаги эгри чизиги.

13-17. ФОТОЭЛЕМЕНТЛАР. ФОТОҚАРШИЛИКЛАР

Ўтган асрнинг охирида А. Г. Столстов фотоэффект ҳодисасини текширди ва унинг асосий қонуниятларини аниқлаб, биринчи фотоэлементни яратди.

Ёруғлик энергиясини электр энергияга айлантиришга хизмат қилувчи асбоб фотоэлемент дейилади.

Ташқи ва ички фотоэффектни фарқ қилиш керак.



13-65-расм.

Ташқи фотоэлементли фо-

тотий моддага кириб, унга ўзининг энергиясини беради. Натижада бир қисм электронларнинг энергияси ортиб кетади ва чиқиш ишини бажаришга етарли бўлиб қолади, шундай қилиб, электронларнинг модданинг ташқи қатламидан чиқиши, яъни фотоэлектрон эмиссия рўй беради.

Ташқи фотоэффектдан вакуумли ва газ тўлдирилган фотоэлементларда, шунингдек, фотоэлектрон кўтказтиргичларда фойдаланилади.

Ички фотоэффект шундан иборатки, ёруғлик оқимининг энергияси моддага берилиб, айрим электронларнинг энергиясини кўпайтиради ва атомларнинг бир қисмини ионлаб янги заряд ташувчиларнинг (эркин электронлар ва тешикларнинг) ҳосил бўлишига сабаб бўлади, бунинг натижасида ички э.ю.к. ҳосил бўлади ёки модданинг ўтказувчанлиги ортади.

Ички фотоэффектдан бекитувчи қатламили ёки вентилли фотоэлементларда ҳамда фотоқаршиликларда фойдаланилади.

Вакуумли кислород-цезийли фотоэлемент ичда вакуум ҳосил қилинган шиша колбадан иборат (13-65-расм). Колбанинг унга ёруғлик кирадиган «дарча»сидан ташқари ҳамма ички сирти кумуш қатлами билан қопланади, бу қопламга цезий оксиди суртилади. Кумуш қатлами ва уни қоплаган чала ўтказгич қатлам фотоэлементнинг катоди бўлади. Колбанинг ўртасида жойлашган металл ҳалқа анод бўлади.

Баён қилинаётган вакуумли фотоэлементдан ташқари яна сурма-цезийли вакуумли фотоэлементлар ҳам бўлади, бу фотоэлементларда кумуш қатлам ўрнига сурма қатлами суртилади ва бу қатламга чала ўтказгич суртилади.

Газ тўлдирилган фотоэлементлар фақат кислород-цезийли бўлади. Улар вакуумли фотоэлементлардан унда вакуум ҳосил қилингандан сўнг, одатда колбага паст босимдаги аргон тўлдирилиши билан фарқ қиласи.

Ток манбай уланганда фотоэлементнинг аноди ва катоди орасида электр майдони вужудга келади (13-66-расм). Агар фотоэлементнинг дарчаси орқали унинг катодига ёруғлик оқими тушса, у ҳолда эмиттерланган электронлар майдон таъсирида катоддан анодга қараб силжийди ва занжирда фототок ҳосил бўлади ва у катод ёритилган бутун давомида мавжуд бўлади.


Фототокнинг катталиги ёруғлик оқимига, ток манбанинг кучланишига ва нагрузканинг қаршилигига боғлиқ.

Вакуумли фотоэлементнинг вольт-ампер характеристикаси ўзгармас ёруғлик оқимида кучланиш ортиши билан фототок дастлаб ортишини, сўнгра эса деярли ўзгармас бўлиб қолишини кўрсатади (13-67- расм).


Вакуумли фотоэлементнинг ёруғлик характеристикаси (13-68- расм) фототокнинг ёруғлик оқимига боғлиқлигини кўрсатади, бу характеристикадан эмиттиранган электронлар сони, бинобарин, фототок ҳам фотоэлемент катодига тушаётган ёруғлик оқимига пропорционал экани маълум.

Микроамперларда ифодаланган фототокнинг люмен (lm) ларда ифодаланган (18-1- § га қаранг) ёруғлик оқимига нисбати фотоэлементнинг сезирлиги дейилади. Вакуумли фотоэлементлар учун сезирликнинг қиймати $20 \div 100 \text{ mka/lm}$.


Газ тўлдирилган фотоэлементларининг сезирлиги электродлари орасида газнинг ионлашуви сабабли вакуумли фотоэлементларга нисбатан 4—5 марта катта бўлади. Газ тўлдирилган элементларнинг инертилиги анча катта. Фотоэлектрон кўпайтиргич — ташки фотоэффектли фотоэлемент бўлиб, унинг фототоки иккиламчи электрон эмиссия ҳисобига кучайтирилади.



13-67- расм. Вакуумли фотоэлементнинг вольт-ампер характеристикаси.




13-66- расм. Ташки фотоэффектли фотоэлементнинг қўшилиш схемаси.



13-68- расм. Вакуумли фотоэлементнинг ёруғлик характеристикаси.

Шиша баллонда (13-69- расм) K катод ва A аноддан ташқари, K_1 , K_2 ва ҳоказо бир қатор сирти эмиссион қатлам билан қопланган иккиламчи катод-эмиттерлар жойлашган. Кетма-кет жойлашган ҳар бир катод ўзидан олдингисидан тахминан 100 e га яқин ортиқ потенциалга эга. Ҳар бир иккиламчи катод уни бомбардимон қилаётган бирламчи электронлар сонидан кўпроқ электронлар чиқаради. Иккиламчи электронлар сонининг бирламчи электронлар сонига нис-

бати иккиламчи эмиссия коэффициенти σ дейилади, унинг қиймати 3—4 га тенг. Шундай қилиб, n та иккиламчи катодли фотокўпайтиргичда чиқиш токи σ^n бўлади.



13-69- расм. Фотоэлектрон кўпайтиргичнинг схемаси.

Фотокўпайтиргичнинг сезгирилиги 1 a/lm га етади.


Фотоэлектрон кўпайтиргичнинг камчилиги унинг эскириши — вақт ўтиши билан унинг сезгирилигининг пасайиши ва юқори кучланишдан фойдаланишнинг зарурлигидир.

Фотокўпайтиргич кўп ҳолларда кучайтиргичлардан фойдаланмасдан катта кучланиши олиш имконини беради.


Бекитувчи қатламли ёки вентилли фотоэлементнинг ишлаши ρ ўтказувчанликли ва n ўтказувчанликли чала ўтказгичлар орасидаги бекитувчи қатламдан фойдаланишга асосланган.

Фотоэлемент ёритилганда айрим электронларнинг ёриғлик оқимиidan энергия олиши ҳисобига энергияси ортади. Бу бир қисм атомларнинг ионлашишига ва янги заряд ташувчилар — электронлар ва тешикларнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлади. $\varepsilon_{(утиш.)}$ ўтиш электр майдоннинг таъсирида ҳосил бўлган электронлар n қатламга, тешиклар эса ρ қатламга кетади. Натижада ρ қатламда ортиқча тешиклар ва n қатламда ортиқча электронлар ҳосил бўлади. ρ ва n қатламлар орасида ҳосил бўлган потенциаллар (э.ю.к. лар) фарқи ташки занжирда ρ қатламдан n қатламга ўтадиган I ток ҳосил қиласди. Бу ток катталиги электронлар ва тешиклар миқдорига, бинобарин ёруғлик оқимиша пропорционалдир.

Берkituvchi қатламли fotoэlementning tuziliш схемаси va ташки кўриниши 13-70 va 13-71- расмларда кўрсатилган.



13-70- расм. Берkituvchi қатламли fotoэlementning ташки кўриниши.



13-71- расм. Берkituvchi қатламли fotoэlement схемаси.

Юпқа пўлат ёки алюминий дискка p ўтказувчанликли чала ўтказгич, масалан, селен қатлами суртилган, унинг устидан n ўтказувчанликли чала ўтказгич ярим шаффоф қатлам ёки ярим шаффоф металл, масалан, кумуш қатлами қопланади. Устидан эса шаффоф ҳимоя пардаси қопланади. Бекитувчи қатлам ярим шаффоф қатламга тегиб турувчи чала ўтказгич қатламда вужудга келади.

Чала ўтказгичлар сифатида селен, мис I оксиди, олтингугуртли таллий, олтингугуртли кумуш, кремний ва бошқалар ишлатилади.

Кремнийли фотоэлемент n ўтказувчанликли аралашмали кремний пластинкадан иборат. Пластинканинг сиртига вакуумда диффузиялаш йўли билан бор аралашмаси киритилган ва 2 мк га яқин қалинликда p ўтказувчанликли соҳа ҳосил қилинган.

Кремнийли элементлар батареяси қуёш батареялари дейилади ва қуёш энергиясини бевосита электр энергиясига айлантиришда ишлатилади, уларнинг фойдали иш коэффициенти 10% га яқин. Бу батареялар, масалан, Ернинг сунъий йўлдошларида радиостанцияларга энергия бериш учун қўлланилади.

Бекитувчи қатламли фотоэлементларнинг сезгирилиги юқори ($10 \text{ ма}/\text{лм}$ га яқин). Бу хил фотоэлементларнинг бошқа хил фотоэлементлардан афзаллиги улар учун энергия манбанинг керак бўлмаслигидир.

Фотоэлементлар электроника, автоматика, телевидение, овозли кино, ўлчаш техникасининг турли соҳаларида кенг қўлланилади.

13-72- расмда мисол тариқасида энг содда фотореле схемаси берилган.


Лампа 1 дан ёруғлик фотоэлемент 2 нинг дарчасига тушиб, I_f фототок ҳосил қиласи. Бу ток r_c каршиликда I_{fr_c} кучланиш тушишини вужудга келтиради. Шунинг учун лампа 3 нинг тўридаги потенциал шу лампанинг катоди потенциалидан кичик бўлади ва лампанинг анод занжири берк, 4 контактор ғалтагида ток йўқ ва ишчи занжирдаги контакт 5 узилган ҳолда бўлади.

Фотоэлементта ёруғлик келишини тўсадиган буюм пайдо бўлганда I_f ток йўқолади ва I_{fr_c} кучланиш тушиши бўлмайди. Лампа очилади ва анод токи контактор ғалтаги орқали ўтиб, ишчи занжирда kontaktларни туташтиради.

Бундай реледан конвейердан ўтадиган буюмларни автоматик санаш, хавфли ва тақиқланған зоналарини тўсиш ва бошқа кўргина жойларда фойдаланилади.

Электр қаршилиги ёруғлик таъсирида ўзгарадиган асбоб фотокаршилик (фоторезистор) деб аталади.

Фотокаршиликтин тузилиши ва уланиш схемаси 13-73- расмда кўрсатилган.



13-72- расм. Фотореле схемаси.

Шиша, керамика ёки слюдадан қилинган юпқа пластинка 1 га чала ўтказгич қатлами 2 суртилади. Занжирга улаш учун чала ўтказгич қатламга контакт 3 лар ёпиштирилади. Чала ўтказгич қатлами намдан сақлаш учун у шаффоф лак билан қопланади.

Ёруғлик тушицидан сақланган фотоқаршиликтам озгина ток ўтиб туради, бу ток «қоронгилик» токи дейилади. Фотоқаршиликтам ёритилгандан ундан «ёруғлик» токи ўтади.

Ёруғлик оқими (ёритилгандык) ортганда ёруғлик токи ҳам ортади.

Ёруғлик токи билан қоронгилик токи орасидаги фарқ фототок дейилади.

Фотоқаршиликлар турли-туман чала ўтказгич материаллардан: олтингугуртли қўрошин, олтингугуртли висмут, олтингугуртли кадмий ва ҳоказолардан қилинади.

Фотоқаршиликларнинг сезирлигига ташки фотоэфектли вакуумли фотоэлементларнинг сезирлигидан юқори ва 100 ма/лм га етади.

13-73-расм. Фотоқаршиликтарнинг тузилиш ва қўшилиш схемаси.

Фотоқаршиликларнинг инерцияси каттагина, шунингдек улар ёруғлик оқими билан чизиқлимас боғланишга эга. Фотоқаршиликлар саноат электроникаси, автоматика, ўлчаш техникаси ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилади.

13-18. ТЕРМОҚАРШИЛИКЛАР


Қаршиликлари температурага кескин боғлиқ бўлган чала ўтказгич қаршиликлар термоқаршиликлар ёки термисторлар дейилади. Термокаршиликларнинг температура қаршилик коэффициентлари манғий бўлиб, абсолют қиймати жиҳатидан металларницидан юзлаб марта катта. Температура ортганида термисторлар қаршиликларнинг камайишига сабаб иссиқлик энергияси таъсирида эркин заряд ташувчилик сонининг кўпайишидир.

Қаршиликтарнинг температурага боғлиқлиги термисторларнинг бир тури учун 13-74-расмда кўрсатилган.

Термоқаршиликлар муҳитдан иссиқлик бериш, термистор ёки қизитгич орқали ток ўтказиш йўли билан қизитилади.

Муҳитнинг термоқаршиликларга таъсирини бартараф қилиш учун улар ҳимоя қобири билан қопланади ёки шиша баллонларга жойлаштирилади.

Ишлиатиш ўрнига қараб термисторлар турли конструкцияда ва турли шакл-




13-74-расм. ММТ типидаги термистор қаршилигининг температурага боғлиқ ҳолда ўзгариш эрги чизиги.

да — стержень, диск ёки шарча шаклида ясалади (13-75 ва 13-76-расм).


Мунчоқ шаклидаги термоқаршиликкінг тузилиши 13-76-расмда күрсатылған. $3 \times 8 \text{ mm}$ ўлчамли шиша баллонга қаршилиги 150 ом бўлган чала ўтказгич шар жойлаштирилган. Шарчага вольфрам учлар маҳкамланган.

Бу термисторларнинг иссиқлик инерцияси нисбатан кичик, шу сабабли улар, масалан, юқори частотали токларни шу ўлчанаётган токнинг қиздириши туфайли уларнинг қаршиликлари ўзгаришига қараб ўлчашда қўлланилади.



13-75-расм. ММТ типидаги термисторнинг тузилиши:

a — қаршилик жисми; *b* — контакт қалпоқчалар; *c* — металли химия капсуласи; *d* — шиша изолатор.



13-76-расм. Мунчоқ типидаги Т8Д термоқаршиликкінг тузилиши.

«Игла» («Нина») типидаги микротермисторларда диаметри миллиметрнинг юздан бир неча улушкига teng бўлган чала ўтказгич шарча платинадан қилинган учлар билан биргаликда ташқи диаметри 0.5 mm ga teng бўлган шишага прессланган. Шиша корпушнинг узунилиги $3\text{--}100 \text{ mm}$. Бундай термометр — 70 дан $+250^\circ\text{C}$ гача температурани ўлчашга имкон беради ва секунднинг юздан бир улушкинга teng бўлган иссиқлик инерциясига эга.

Термисторлар, жумладан, автоматика, ўлчаш техникаси ва бошқа соҳаларда жуда кенг қўлланилади.

13-19. ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ. ЧАЛА ЎТКАЗГИЧЛИ ТҮФРИЛАГИЧЛАР

Ишин бажаришдан аввал 13-4 ва 13-5-ғ ларнинг мазмунни билан танишиб чиқиши лозим.


Иш плани

1. Ишин бажариш учун керак бўлган асбоблар билан танишинг ва уларнинг асосий техник маълумотларини ёзиб олинг. Тўғрилагичлар учун уларнинг номинал токи ва номинал кучланишини албатта аниқлаш керак.


2. Схемани йигинг (13-77- расм) ва уни раҳбарингизга кўрсатинг.

3. Кучланишнинг турли қийматларида амперметр ва вольтметр кўрсатишларини 13-1- жадвалга ёзиб олинг ва $I_{\text{түр.}}$ тўғри токнинг U кучланишга боғлиқлик графиги, яъни $I_{\text{түр.}} = f(U)$ ни ясанг.

4. Схемани йигинг (13-78- расм) ва уни раҳбарингизга кўрсатинг.



13-77- расм. Тўғрилагичнинг тўғри токи графикини олиш схемаси.



13-78- расм. Тўғрилагичнинг тескари токи графикини олиш схемаси.

5. Кучланишнинг 3- пунктда олинган қийматларида миллиамперметр ва вольтметр кучланишларини 13-1- жадвалга ёзинг ва $I_{\text{тек.}}$ тескари токнинг U кучланишга боғланиш графиги, яъни $I_{\text{тек.}} = f(U)$ ни ясанг.


6. U кучланишнинг 3 ва 5- пунктларидаги қийматларидан ҳар бирни учун тўғри токнинг тескари токка нисбатини, яъни тўғрилаш коэффициенти $k = \frac{I_{\text{түр.}}}{I_{\text{тек.}}}$ ни аниқланг. Тўғрилаш коэффициентининг кучланишга боғлиқлиги графикини, яъни $k = f(U)$ ни ясанг.

7. Схемани йигинг (13-79- расм) ва уни раҳбарингизга кўрсатинг.

8. Бир қутбли рубильник туташган ҳолда қаршилик (нагрузка)нинг турли қийматларида I ўзгарувчан токнинг эфектив қийматини ва тўғриланган токнинг $I_{\text{ўрт.}}$ ўртача қийматини ўлчовчи амперметрларининг кўрсатишларини 13-2- жадвалга ёзиб олинг.

Ёзиб олинган ҳар бир қиймат учун $\frac{I}{I_{\text{ўрт.}}}$ нисбатни аниқланг.

9. а) зажимга электрон осциллографини уланг ва тўғрилагичга берилган ўзгарувчан кучланиш эрги чизигининг расмини чизиб олинг (13-79- расм).



13-79- расм. 13 10 лаборатория ишига доир

в) зажимларга электрон осциллографини уланг, бир қутбли рубильникни туташтирган ҳолда ва туташтиргмаган ҳолда энергия истеъмолчисидаги тўғриланган кучланиш эрги чизиги расмини чизиб олинг.

13-1- жадвал

Кузатышлар номери	<i>U</i>	<i>I_{ТҮF.}</i>	<i>I_{тес.}</i>	$k = \frac{I_{\text{ТҮF.}}}{I_{\text{тес.}}}$	Эслатма
	<i>a</i>	<i>ma</i>	—		


13-2- жадвал

Кузатишлар	<i>I</i>	<i>I</i> ўрт.	$\frac{I}{I \text{ ўрт.}}$	Эслатма
	<i>a</i>	<i>a</i>	—	

13-20. ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ. ЭЛЕКТРОН ОСЦИЛЛОГРАФ

Лаборатория ишини бажаришдан аввал 13-13, 13-15 ва 13-16- параграфлар-нинг мазмуни билан танишиш зарур.

13-80-расмда ЭО-7 осциллографининг скелет схемаси, 13-81-расмда эса унинг ташки кўриниши берилган. Осциллографининг олд деворида экрандан ташқари бошқариш панели ҳам ўрнатилган



13-80- расм. ЭО-7 электрон осциллографийн скелет схемаси.


Осциллограф 127 ёки 220 в кучланиши ўзгарувчан ток тармоғидан ток олади ва тармоққа шнур ёрдамнан уланади.

Панелда бошқариш тутқичлари жойлашган.

Осциллограф ўзгарувчан ток тармоғига виключатель тутқичи 1 ёрдамнан (13-80 ва 13-81-расмлар) уланади; бунда L сигнал лампа ёнади.

«Яркосты» («Ерқинлик») тутқичи 2 реостатнинг жилгичи билан боғланган (13-80-расм); уни бураганда бошқарувчи электроднинг потенциали ва нурдаги электронлар миқдори, яъни осциллограф экранидаги дөгнинг ёрқинлиги ўзгаради.

«Фокус» тутқичи 3 r_2 реостат жилгичи билан боғланган; бу тутқични бураганда биринчи анод A_1 нинг потенциали ва фокус масофаси ўзгаради.



13-81- расм. ЭО-7 электрон осциллографининг ташқи кўриниши.

«Ось Y» (Y ўқи) тутқичи 4 ва «ось X» (X ўқи) тутқичи 5 (13-81-расм) кучланиш бўлгичларнинг жилгичлари билан боғланган, бу тутқичлар ёрдамида оғдирувчи пластинкаларнинг потенциаллари ўзгартирилади, яъни электрон-нурнос равишда Y ўқи ёки X ўқи бўйлаб силжиб, экранда ўз вазиятини ўзгартиради.

«Ослабление» («Занфланиши») тутқичи 6а Y кучайтиргичга келтириладиган кучланиш бўлгичнинг переключатели билан боғланган. Тутқич 1:1 вазиятда тургандаги кириш зажимларига эффектив қиймати 2,5 в дан ошмайдиган ўзгарувчан кучланиши бериши мумкин; тутқич 1:10 вазиятда тургандаги кириш зажимларидаги кучланиш 25 в дан, 1:100 вазиятда бўлгандага эса мос \times вазиятда 250 в дан ошмаслиги қедак.

«Усиление» («Кучайтириш») тутқичи 6 бүткічи күчайтиргіч Y электрон лампасининг түріга бериладиган күчланишиң ўзгартырувчы жильтык билан боғланган, бу күчайтиргічининг чиқыш зажимлары электрон-нур трубканинг Y оғдирувчы пластинкалар каларига уланган.

Шундай қылым, ба ва 6 бүткічлар ердамида панелнинг чап томонидә жойлашған «Вход — Земля» («Кириш — Ер») зажимлары берилған текшириләтгандан күчланиш билан Y оғдирувчы пластинкалар орасидагы күчланиш инсбатни кеңгүйлама ўзгартырыш мүмкін.

«Усиление» («Кучайтириш») тутқичи 7 (горизонтал күчайтириш) X күчайтиргіч электрон лампасининг түріга бериладиган күчланишиң ўзгартырувчы жильтык билан боғланған; бу күчайтиргічининг чиқыш зажимлары электрон-нур трубканинг X оғдирувчы пластинкаларига уланған. 7 бүткічи воситасида панелнинг ўнг томонидә жойлашған «Вход — Земля» зажимлары берилған күчланиш билан X оғдирувчы пластинкалар орасидагы муносабаттың ўзгартырыш мүмкін (13-80- расм).

«Диапазон частоты» («Частоталар диапазони») тутқичи 8 билан арасасынан күчланиш генераторининг C сифимини (13-54- расм) поғонама-поғона ўзгартыриш, демак, арасасынан күчланишнин частотасини ҳам ўзгартырыш мүмкін.

«Частота плавно» («Частота бир текис») тутқичи 9 билан арасасынан күчланиш генератори конденсаторининг зарядланиш қаршилигини ўзгартыриш (13-54- расм) ва бу билан C конденсаторининг зарядланиш тезлигини ўзгартыриш мүмкін, бунда арасасынан күчланиш частотаси бир текис ўзгаради.

10 бүткіч уч хил — «Внутренняя» («Ички»), «От сети» («Тармоқдан»), «Внешняя» («Ташқы») вазиятда құйилиши мүмкін.

Осциллограф экраныда текшириләтгандан күчланишнинг құзғалмас тасвирини ҳосил қылыш учун арасасынан күчланишнинг даври ўрганилаётгандан күчланиш даври билан бир хил ёки уннинг давридан бутун сон марта катта бўлиши керак. Агар күчланишларнинг даврлари бу талабни қаноатлантирумаса, эгри чизиқнинг экрандаги тасвири силжіб туради.

Арасасынан күчланиш генераторларининг частотаси унчалик барқарор бўлмайди. Құзғалмас тасвир ҳосил қылыш учун арасасынан күчланиш генераторини текшириләтгандан күчланиш ёки бирор бошқа, масалан, осциллограф уланган тармоқ билан синхронлаш зарур.

Синхронловчи күчланиш арасасынан күчланиш генератори тиаратронининг түріга трансформатор орқали берилади, бунда у тиаратронни муйяян частотада ёндиради, шу билан бирга синхронлашни ҳам бажаради.

Текшириләтгандан күчланиш билан синхронлашда бошқариш тутқичи 10 «Внутренняя» вазиятига құйилади; осциллограф уланган тармсқ күчланиши билан синхронлашда «От сети» вазиятига құйилади; «Внешняя синхронизация» («Гашкы синхронизация») зажимларынга уланиши керак бўлган ташқи манба билан синхронлашда 10 тутқич «Внешняя» вазиятига құйилади.

«Амплитуда синхронизации» («Синхронлаш амплитудаси») тутқичи 11 билан синхро-лаётгандан күчланишнинг амплитудаси ростланади; генератор частотаси синхронлаётгандан күчланиш частотасидан қанча катта фарқ қиласа, бу амплитуда шунчак катта бўлади.

Виключатель «Луч» («Нур») тутқичи 12 электрон-нурни узиш учун ишлатилади. Экраннинг чақнамай қўйишнининг олдини олиш учун электрон-нур ҳосил қилган ёрқин фокусланган дөғин экранда ҳаракатсиз қолдирмаслик керак.

Иш плани

1. Ишин бажариш учун зарур бўлган асбоблар билан танишиб чиқинг, уларнинг номинал катталькларини, аниқлик синфларини, системаларини, завод томонидан қўйилган номерини, тайёрланган заводларни ва бошқа маълумотларни ёзиб олининг.

2. Бошқариш тутқичларини: 1 - уланған (включён); 2, 3, 4, 5- ўрта вазиятлар (среднее положение); ба ни 1 : 100 вазият; 6б ва 7- нолинчи вазиятлар (нулевое положение); 8 ни 30—130 вазияти; 9- нолинчи вазият: 10- ички (внутренняя), 11 ни 2—3- вазият; 12 ни «уланга» (включен) вазиятларга қўйиб кўринг.

3. Схеманий йиғинг (13-82-расм), осциллограф панелининг чап томонида жойлашган «Вход» ва «Земля» зажимларини занжирининг I_1 нүқталарига уланг за раҳбарингизга кўрсатинг.

4. Осциллографнинг таъминлаш занжирини ўзгарувчан ток тармоғига уланг; вилкючатель J нинг тутқичини бураб, осциллографни ишга туширинг.

5. Экранда ёруғ дөғ пайдо бўлганидан сўнг 2 «Яркостъ» ва 3 «Фокус» тутқичларини ишлатиб ёрқин фокусланган дөғ ҳосил қилинг.

6. «Осб Y» — 4 ва «Осб X» — 5 тутқичларида фойдаланиб дөғни экраннинг марказига келтиринг.

7. Икки қутубли рубильникни туташтирипг (13-82-расм).

8. ба ва бб тутқичларни бураб шундай куччириши ҳосил қилингки, бунда кучланишнинг мусбат ва манфий амплитудалари йиғиндинсига мос келувчи экрандаги вертикаль тўёри чизик экран диаметрининг $0,25 — 0,40$ қисмига тенг бўлсин. Бу чизик (AB) нинг узувлигини ўлчанг, вольтметр билан U кучланишни ўлчанг ва кучланиш масштабини аниқланг:

$$m_U = \frac{2\sqrt{2}U}{AB},$$

Ўлчаш ва ҳисоблаш катталикларини 13-3- жадвалга ёзинг.


13-3- жадвал

Тартиб номери.	Занжир элементлари	U	AB	m_U	I	AO	m_I	I_m
		в	мм	в/мм	а	мм	а/мм	а
1	Реостат . .	.						
2	Конденсатор . .	.						
3	Фалтак . .	.						
4	Трансформатор .	.						

9. 9 тутқични ишлатиб текширилаётган кучланишнинг турғун қўзғалмас эгри чизигини ҳосил қилинг.

Кучланиш эгри чизигини расмини чизинг.

Агар кучланишнинг қўзғалмас эгри чизигини ҳосил қилишга муваффақ бўлсангиз 10 тутқични «От сети» вазиятига қўйинг ва қўзғалмас эгри чизигни ҳосил қилинг.



13-82-расм. Электрон осциллографини 13-20 йиғга уланш схемаси.

10. «Вход — Земля» (осциллограф панелининг чап томонида) зажимларини r_0 қаршилик зажимларига уланг (13-82-расмдаги 2—2 зажимлар); P_1 рубильникнинг туташтирилган ҳолида r_0 қаршилик зажимларидаги кучланиш эгри чизигини ҳо-

сил қилинг, бу әгри чизиқ бошқа масштабда биринчи параллел тармоқнинг ток әгри чизиги бўлади.

Ток әгри чизигининг AO амплитудасини ўлчаб ва амперметр билан I_1 токни ўлчаб ток масштабини аниқланг:

$$m_I = \frac{\sqrt{2} I_1}{AO}.$$

Ток әгри чизигининг расмини чизинг.

11. P_2 рубильникни туташтириб (қолган бир қутбли рубильниклар узуқ бўлганда) экранда конденсатор занжиридаги ток әгри чизигини ҳосил қилинг ва расмими чизиб олинг.

I_2 токининг эфектив ва амплитуда қўйматларини ўлчанг.

12. P_3 ва P_4 рубильникларни (колган бир қутбли рубильниклар узуқ бўлганда) навбатма-навбат туташтириб, I_3 ва I_4 токлар әгри чизиқларини ҳосил қилинг. Токлар әгри чизиқларининг расмини чизиб олинг ва токларнинг эфективдаги амплитуда қўйматларини ўлчанг.

Кузатиш ва ҳисоблашларни 13-3- жадвалга ёзинг.

Ўн тўртинчи боб

ЭЛЕКТР ЮРИТМА ВА БОШҚАРИШ АППАРАТУРАСИ

14-1. ЭЛЕКТР ЮРИТМА СИСТЕМАСИ

Кўпгина ҳолларда корхоналарда турли механизм ва станоклар электр двигателлари ёрдамида ҳаракатга келтирилади. Ишлаб чиқариш талабларига кўра, электр двигатели қуввати ва характеристикалари жиҳатидан мос қилиб танланиши, уни ўраб турган мұхитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиниши, юргизиш, ростлаш ва ҳимоя аппаратлари билан таъминланган бўлиши керак. Энергия билан таъминлаш, бошқариш ва ростлаш қурилмаларининг йиғиндиси электр привод системаси деб юритилади.

Электр юритма системасини ҳисоблашда мұхим босқичлардан бири двигательни ишлаб чиқариш механизмининг талабига мослаб танлашдир. Биринчи навбатда, двигательнинг қуввати приводга мос келиши масаласи ҳал қилиниши лозим. Бироқ, двигатель ҳосил қиласидиган ва унинг шчитокида ёзилган қувват доимий катталик эмас, у нагрузканинг характеристига ва мұхитнинг температурасига боялиқ бўлади. Илгари двигательнинг ўта нагрузкаланиш қобилияти, яъни M_{μ}/M_{κ} нисбат ҳақида гапириб ўтган эдик. Бу катталик умумий саноатда ишлатиладиган асинхрон двигателлар учун 1,8—2,5, кранларда ишлатиладиган асинхрон двигателлар учун 2,3—3,3, синхрон двигателлар учун 1,8—2,5 га тенг. Ўта нагрузкаланиш қобилияти машинанинг қисқа муддат давомида эришиши мумкин бўлган қувватининг физик чегарасидир. Двигатель тўхтаб қолмаслиги учун ишлаб чиқариш механизмининг тормозланиш моменти M_{μ} катталиқдан ортиб кетмаслиги керак. Ўзгармас ток двигателлари қув-

ватининг физик чегараси бўлмайди (18-17 ва 18-18- § ларга қаранг), бироқ уларда ҳам коммутациянинг ёмонлашиши ва коллектор бўйлаб доиравий олов ҳосил бўлиши мумкин эканлиги қисқа муддат давомида ҳосил қилиш мумкин бўлган максимал моментни чегаралайди. Ўзгармас ток двигателларининг ўта нагрузкаланиш қобилияти тахминан 2,5 кранларда ишлатиладиган ўзгармас ток двигателлариники эса 3,0—4,0.

14-2. ЭЛЕКТР МАШИНАЛАРИНГ ҚИЗИШИ ВА СОВИТИЛИШИ

Узоқ муддат режимда двигатель эришадиган номинал момент, бинобарин, номинал қувват двигателнинг қизиши билан аниқланади, двигателнинг қизиши эса, асосан чулғамлар учун ишлатилган изоляциянинг қизишга чидамлилик синфи билан характерланади. 14-1-жадвалда электр машиналар қурилишида ишлатиладиган материаллар учун чегаравий температуралар қийматлари келтирилган.

14-1- жадвал

Электр изоляция материалларининг синфлари

Қизишга чидамлилик синфи	Мумкин бўлган чегаравий температура, °C	Материал характеристикаси
Y	90	Сингдирилмаган пахта толасидан тўқилган газламалар, йигирилган ип, қофоз, целлюлоза ва ипак толали материаллар
A	105	Шу материалларнинг ўзи, бироқ сингдирилган
E	120	Баъзи синтетик органик пардалар
B	130	Слюдя, асбест ва шиша толасидан қилинган, таркибида органик боғловчи бўлган материаллар
F	155	Синтетик боғловчиси ва сингдирувчи составлари бўлган худди шу материалларнинг ўзи
H	180	Кремнийорганик боғловчиси ва сингдирувчи модалари бўлган худди шу материалларнинг ўзи
C	180 дан ортиқ	Слюдя, керамик материаллар, шиша, кварц, асбест (боғловчи составларсиз ёки неорганик боғловчи составлар билан ишлатилганда).

Муҳитнинг температураси +35°C бўлганда пўлат ўзаклар ва чулғамлар билан тегищувчи бошқа қисмлар, чулғамларнинг изоляция синфлари A ва B бўлса, мос равишида температураси 65 ва 85°C дан ортиқ бўлмаслиги керак. Контакт ҳалқаларнинг температураси худди шундай шароитларда 70 ва 90°C дан ортмаслиги, коллекторларники эса 65 ва 85°C дан ортмаслиги керак. Сирпаниш подшипникларининг температураси 80°C дан, думалаш подшипниклари температураси 95°C дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Агар ишлаётган машина изоляциясининг температураси 14-1-жадвалда келтирилгандан ортиқ бўлса, изоляциянинг хизмат қилиш муддати кескин камайиб кетади. Паст температура машинанинг

ишилаш муддатини узайтиради, бироқ машина бу ҳолда яхши иш бермайди ва тежамли бўлмайди.

14-1-расмда машинанинг ишилаш вақтидаги қизиш эгри чизиги, яъни $v = f(t)$ нинг графиги берилган, бу ерда v машинанинг температураси, t — эса иш вақти. Машина уланган вақтида ($t = 0$) унинг барча қисмларининг температураси муҳитнинг температурасига тенг, яъни v_0 . Дастробки вақтда машинадан атроф муҳитга температура сочилиши кам, демак, ташқи муҳитга нурланиш кам ва ҳамма иссиқлик бутунлай машинани қизитишга кетади. Эгри чизик тез юқорига кўтарилади. Машина қанча кўп қизиса, муҳитга шунча кўп иссиқлик нурланади ва машинанинг қизиши секинлашади.

Маълум вақтдан кейин иссиқлик нинг келиши унинг ташқи фазога узатилишига тенг бўлади, машина температурасининг кўтарилиши барқа-ро ро лашган v барк. температура ва ўзгармас нагруззкада тўхтайди. Агар машинанинг ҳамма қисмларининг қизиб кетиши стандартда белгиланган чегарадан чиқиб кетмаса, бундай режим машинанинг узоқ муддатли иш режими дейилади.

Махсус совитиш чоралари кўрилмаган машиналар табиий вентиляцияли машиналар дейилади. Иссиқликни бундай олиб кетиш усули интенсив эмас, шунинг учун фақат кичик (ўнлаб ватт) қувватли машиналаргина табиий вентиляцияли қилиб ишланади.

Одатда эса ротор валига машинадан қизиган ҳаво и сўриб олувчи вентилятор ўрнатилади. Бу машиналар вентиляцияси ўзидан ишловчи машиналардир. Мустақил вентиляцияли машиналарда совитувчи ҳаво машинага ташқи вентилятордан берилади. Бу усул фақат катта қувватли машиналарда қўлланилади.

14-3. УЗОҚ МУДДАТЛИ ИШ РЕЖИМИДА ҚУВВАТНИ ТАНЛАШ

Агар двигателъ нагрузкаси ўзгармас бўлса (14-2-расм), у вақтда двигателънинг қувватини справочникларда турли механизмлар учун берилган формулаларга кўра аниқлаш мумкин. Масалан, вентиляторни айлантираётган двигателънинг қуввати


$$P = \frac{Q_{cek} H}{10^2 \eta_e \cdot \eta_y} (\text{квт})$$

бу ерда Q_{cek} — вентиляторнинг иш унуми, $\text{м}^3/\text{сек}$;

H — тўла босим, мм сув устуни ;


η_e — вентиляторнинг фойдали иш коэффициенти ($0,3 — 0,7$);

η_y — вентилятордан двигателга узатманият фойдали иш коэффициенти.




14-1-расм. Машинанинг ишилаш вақтидаги қизиш эгри чизиги.

Агар двигатель ўзгарувчан нагрузка билан ишләтгән бўлса, унинг қувватини аниқлаш учун 14-3-расмда пунктир чизиқ билан кўрсатилгандағига ўхшаш нагрузка графиги $I = f(t)$ га эга бўлиш керак. Бу график токнинг босқичли эгри чизиги билан алмаштирилади ва графикни ясашда двигатель t_1 вақт ичидаги I_1 ток, t_2 вақт



14-2-расм. Двигателнинг ўзгармас нагрузкадаги диаграммаси.



14-3-расм. Узок муддатли иш режимида қувватни танлаш диаграммаси

и чида I_2 ва ҳоказо ток олади деб фараз қилинади. Бу босқичли токни бир иш цикли t_n давомида шундай ўзгармайдиган ток билан алмаштирилади, унинг шу вақт ичидаги иссиқлик таъсири босқичли ўзгарувчан токнинг иссиқлик таъсирига тенг кучли бўлади. Бу ток эквивалент ток I_s дейилади. Ў ҳолда қўйидагини ёзиш мумкин:

$$I_s^2 r t_u = I_s^2 r (t_1 + t_2 + \dots + t_n) = I_1^2 r t_1 + I_2^2 r t_2 + \dots + I_n^2 r t_n.$$

Бундан эквивалент ток ҳисобланади

$$I_s = \sqrt{\frac{I_1^2 t_1 + I_2^2 t_2 + \dots + I_n^2 t_n}{t_1 + t_2 + \dots + t_n}}. \quad (14-1)$$

Эквивалент ток танланадиган двигателнинг номинал токига тенг ёки ундан кичик бўлиши керак.

$$I_n \geq I_s.$$

14-1-мисол. 14-3-расмдаги графикка мос равишда двигателнинг номинал токи танлансин:

$$I_n \geq I_s = \sqrt{\frac{60^2 \cdot 20 + 30^2 \cdot 10 + 70^2 \cdot 10 + 50^2 \cdot 10}{20 + 10 + 10 + 10}} = 55,7a.$$

Параллел ўйғотишли ўзгармас ток двигателларида ва ўзгармас ўйғотиши оқимида ишловчи синхрон двигателларда

$$M = c_M \Phi I \equiv I.$$

Шунинг учун эквивалент ток формуласини эквивалент айлануви чи момент формуласи билан алмаштириш мумкин

$$M_s = \sqrt{\frac{M_1^2 t_1 + M_2^2 t_2 + \dots + M_n^2 t_n}{t_1 + t_2 + \dots + t_n}} \quad (14-2)$$

ва двигатель шу момента кўра танланади.

Агар нагрузка амалда двигателниң айланиси тезлигига таъсир кўрсатмаса (тезликкниң қаттиқ характеристикин бўлса) ёки нагрузка графиги (13-3-расм) $P = f(t)$ бўлса, двигательни эквивалент қувватга кўра танланади

$$P_s = \sqrt{\frac{P_1^2 t_1 + P_2^2 t_2 + \dots + P_n^2 t_n}{t_1 + t_2 + \dots + t_n}} \quad (14-3)$$

$\omega = \text{const}$ бўлганида

$$P = M\omega \equiv M$$

бўлгани учун шундай қилиш мумкин.

14-4. ҚИСҚА МУДДАТЛИ ИШЛАШ РЕЖИМИДА ДВИГАТЕЛЬ ҚУВВАТИНИ ТАНЛАШ


Қисқа муддатли иш режимида двигатель шунча қисқа t_k вақт ишлайдики, бу вақт давомида двигательниң температураси барқарор қийматга эришиб улгурмайди. Сўнгра двигатель тармоқдан узилади ва у муҳитнинг температурасигача совишга улгуради. Шлюз қурилмалари, ажралувчи кўприклар, металл қирқувчи станокларнинг қисувчи мосламалари двигателлари ана шундай ишлайди.

Бу ҳолда 14-4-расмдаги нагрузка графигига мос равишда 14-2 формуладан фойдаланилади, бунда $t_1 + t_2 + \dots + t_n = t_k$ деб олинади.

Сўнгра католоғдан t_k вақт ишлашга мўлжалланган, номинал моменти эквивалент момента тенг ёки ундан катта бўлган, яъни $M_h \geq M_s$ бўлган двигатель танланади. Сўнгра двигатель токнинг оний ўта ортишига I_m/I_s катталик шу двигатель учун йўл қўйиладиган катталиктан ортиб кетмайдиган қилиб текширилади.


14-5. ТАКРОРИЙ ҚИСҚА МУДДАТ ИШЛАШ РЕЖИМИДА ДВИГАТЕЛЬ ҚУВВАТИНИ ТАНЛАШ

Қисқа муддатли такрорий ишлаш режими иш даври ҳамда паузаларнинг навбатлашиши билан характерланади. Бунда иш даврида двигатель барқарор температурагача қизишга улгурмайди, тинч туриш даврида эса муҳитнинг температурасигача совиб улгурмайди. Бундай ишлаш диаграммаси 14-5-расмда кўрсанади.



14-4-расм. Двигателниң қисқа муддатли режимида ишлаш диаграммаси.

тилган. Кранлар, лифтлар, подъёмниклар, экскаваторлар ва прокат цехларининг қатор двигателлари ана шундай режимда ишлайди. Бу двигателлар махсус кран-металлургия сериясидаги двигателлар бўлиб, уларнинг конструкцияси механик жиҳатдан кучайтирилган ва юргизиш моменти катталаштирилган.



14-5- расм. Двигателниң тақорий қисқа муддатли режимда ишлаш диаграммаси.

Бундан циклниң 25 % тақорий қисқа муддатли режимда ишлашга мўлжалланган двигателни шу қувватда циклниң 60% вақти давомида нагруззкалаб қўйиш мумкин эмаслиги келиб чиқади.

Двигатель тақорий қисқа муддатли иш режимига ҳисобланниши учун цикл муддати 10 мин дан ошмаслиги керак.

Ҳисоблаш учун эквивалент қувват формуласи (14-3) дан фойдаланилади, сўнгра берилган KM учун кран двигателлари катологидан номинал қувват топилади. Топилган KM энг яқин стандартга мос келмаса, 14-3-формуладан топилган эквивалент қувватни (P_{e1} ни) стандарт KM га қайта ҳисобланади:

$$P_{e2} = P_{e1} \sqrt{\frac{(KM)_1}{(KM)_2}}. \quad (14-5)$$

14-2- мисол. 14-5-расмдаги график бўйича ишловчи двигателниң номинал қуввати танлансан:

$$P_e = \sqrt{\frac{4^2 \cdot 20 + 2^2 \cdot 20}{20 + 20 + 60}} = 2 \text{ квт};$$

$$KM = \frac{20 + 20}{20 + 20 + 60} \cdot 100\% = 40\%.$$

$KM=40\%$ учун ўзгармас ток ёки асинхрон кран двигателниң қуввати топилади.

14-6. ЭЛЕКТР ДВИГАТЕЛЛАРИНИ БОШҚАРИШ АППАРАТУРАСИ

Ҳозирги замон электр юритмасида электр аппаратлари турли-туман вазифаларни бажаришга—двигателларни юргизиш ва тўхтатиш, айланиш тезлиги ва йўналишини ўзgartириш, ўта нагруззкаланиш-

Бу двигателларниң паспортларида нисбий қўшиш муддати (KM , русча ПВ) кўрсатилган. Нисбий қўшиш муддати иш вақтлари йиғиндиси $t_1 + t_2 + \dots + t_n$ нинг цикл вақти, t_0 га нисбатига тенг; цикл вақти иш вақти ва пауза вақти t_0 нинг йиғиндисига тенг. Шундай қилиб,

$$KM = \frac{t_1 + t_2 + \dots + t_n}{t_1 + t_2 + \dots + t_n + t_0} \cdot 100\%. \quad (14-4)$$

Электр двигателлари стандарт KM — 15, 25, 40, 60 % га мўлжаллаб қурилади, бунда $KM = 25\%$ номинал деб олилади. Габаритлари тенг бўлган ҳолда KM қанча катта бўлса, двигательниң номинал қуввати шунча кам бўлади.

вақти давомида номинал қувватда ишлашга мўлжалланган двигателни шу қувватда циклниң 60% вақти давомида нагруззкалаб қўйиш мумкин эмаслиги келиб чиқади.

Двигатель тақорий қисқа муддатли иш режимига ҳисобланниши учун цикл муддати 10 мин дан ошмаслиги керак.

Ҳисоблаш учун эквивалент қувват формуласи (14-3) дан фойдаланилади, сўнгра берилган KM учун кран двигателлари катологидан номинал қувват топилади. Топилган KM энг яқин стандартга мос келмаса, 14-3-формуладан топилган эквивалент қувватни (P_{e1} ни) стандарт KM га қайта ҳисобланади:

$$P_{e2} = P_{e1} \sqrt{\frac{(KM)_1}{(KM)_2}}. \quad (14-5)$$

14-2- мисол. 14-5-расмдаги график бўйича ишловчи двигателниң номинал қуввати танлансан:

$$P_e = \sqrt{\frac{4^2 \cdot 20 + 2^2 \cdot 20}{20 + 20 + 60}} = 2 \text{ квт};$$

$$KM = \frac{20 + 20}{20 + 20 + 60} \cdot 100\% = 40\%.$$

$KM=40\%$ учун ўзгармас ток ёки асинхрон кран двигателниң қуввати топилади.

14-6. ЭЛЕКТР ДВИГАТЕЛЛАРИНИ БОШҚАРИШ АППАРАТУРАСИ

Ҳозирги замон электр юритмасида электр аппаратлари турли-туман вазифаларни бажаришга—двигателларни юргизиш ва тўхтатиш, айланиш тезлиги ва йўналишини ўзgartириш, ўта нагруззкаланиш-

дан сақлаш ва бошқа күргина вазифаларни бажаришга мүлжалланган. Бу вазифалар двигателларни ишлатаётган кишилар томонидан қўлда ёки аппаратлар схемасига кирувчи тегишли конструкциялар бўлгандা автоматик равишда бажарилиши мумкин.

Хозиргача күргина ҳолларда двигателлар қўлда бошқарилади, шу сабабли қуида двигателларни қўлда бошқаришга оид баъзи кўп учрайдиган асбоб ва аппаратларни баён қиласиз. Автоматик бошқаришнинг сўзиз фойдалилиги кишилар иштирокисиз электр двигателларини ишга тушириш, ростлаш, тўхтатиш ва ҳимоя қилишга имкон берувчи қатор аппаратларни илгари сурди. Кўп ҳолларда бу қурилмалар бошқаришнинг хавфсиз бўлишини таъминлайди ва ишлаб чиқаришда катта эфект беради.


14-7. РУБИЛЬНИКЛАР

Рубильниклар электр машиналар ва электр энергия приёмникларини ўзгармас ва ўзгарувчан ток занжирларида қўлда улаш учун ишлатилади. Кўп ҳолларда рубильниклар 500 в гача кучлашиш ва 1000 а гача токларда ишлатилади.

Рубильникнинг ташқи кўриниши 14-6-а расмда, унинг схемаларидаги шартли белгиси эса 14-6-б расмда кўрсатилган.

Изоляцион плита 1 да тармоқ симлари 3 нинг кесилган жойига уланган тиргак 2 лар жойлаштирилган. Пастки тиргакларда ўзаро 5 изоляцияловчи траверса 5 ёрдамида бирлаштирилган пичоқ 4 лар шарнир равишида маҳкамланган. Траверсага маҳкамланган бошқариш дастаси 6 ёрдамида пичоқларни буриб, тиргак 2 ларнинг юқори ва пастки контактлари туташтирилади. 14-6-б расмда уч қутбли рубильникнинг тасвири кўрсатилган, бироқ рубильниклар бир, икки ва кўп қутбли бўлади. 14-6-б расмдаги траверса 5 учала пичоқнинг линияни айни бир вақтда туташтириши ўзишини кўрсатади.

Рубильникларнинг тиргаклари 2 яхши контакт бўлиши учун пичоқларни зич қилиб сиқишилари керак. Шунинг учун бу тиргаклар латун, қаттиқ тортилган мис, махсус бронза сингари эластик материаллардан қилиниши керак. 14-7-а расмда кўрсатилган тиргак 2 ва пичоқ 4 бир-бiri билан текисликлари бўйича тегиб туришлари ва токка энг минимал қаршилик бўлишини демак, контактда кучланишнинг тушиши минимум бўлишини таъминлашлари керак. Бироқ контактнинг бундай ҳолатда бўлишини ростлаш мумкин эмас ва улар сиртларининг айрим нуқталари билан тегиб турадилар. Контактнинг юқорида кўрсатилгандан 2-3 марта кам ўтиш қаршилигини таъминловчи иккинчи, яна ҳам мукаммалроқ



14-6- расм. Оддий рубильник.

шакли 14-7-б расмда кўрсатилган. Бунда пружинали тиргак 2 нинг учидаги ярим цилиндрик сиртлар бор ва пичоқ 4 билан унинг икки томонидан чизик бўйлаб тегиб туради. Пичоқларга босиб туриши учун тиргакнинг цеккалари кучли ҳалқасимон пружина 7 билан сиқиб қўйилади. Бу кераклича босиб туришни таъминлаш билан


бирга улаш ва ажратишда пичоқ ҳамда тиргаклардан оксид пардани сидириб туширади. Натижада контактнинг қаршилиги камайиб, тиргаклар қизимайди.

14-6-а расмда кўрсатилган рубильник билан ток занжири узилганда юқори тиргак 2 билан пичоқ 4 орасида контактларни эритиб, рубильникудан келгусида фойдаланишини ёмонлаштирувчи электр ёйи 8 ҳосил бўлади. Шунинг учун 14-6-расмда кўрсатилган электр ёйдан муҳофаза қилинмаган ишчи контактли рубильник 220 в гача кучланишили ўзгарувчан ток занжирларида ажратгич сифатида ишлатилади. Ажратиладиган ток 70 — 100 а дан кам бўлганида ёй пичоқнинг тиргакдан узоқлашиши натижасида механик чўзилиш туфайли сўнади. Қатта токларда ёй, 14-6-а расмда стрелка билан кўрсатилганидек, тез юқорига қараб ҳаракатланади. Бу ток контуридаги электродинамик кучлар таъсирида ва ёй туфайли кучли қизиган ҳавонинг тортиши туфайли рўй беради.


380 ва 500 в кучланишили ўзгарувчан ток ва 220 в ҳамда ундан ортиқ кучланишили ўзгармас ток қурилмаларида нагрузкали занжирларни ажратиш учун рубильниклар ёй сўндирувчи қурималар билан таъминланади.

14-8- расм. Ёй сўндирувчи контактли рубильник.

14-8-расмда бундай рубильникнинг битта қутби кўрсатилган. Изоляцияловчи асос 1 орқали контакт тиргаклари 2 ўтказилган ва маҳкамланган, бу тиргаклар уларни икки томондан қамраб олувчи қўш пичоқ 3 билан туташиши мумкин. Пичоқ пластинкаларида чизиқли контакт ҳосил қилиш учун ярим цилиндрик сиртлар штампланган. Пичоққа кўмир ёй сўндирувчи контакт 4 қаттиқ маҳкамланган, худди шундай контакт 5 юқори тиргак 2 га ҳам пружиналанувчи полоса 6 ёрдамида маҳкамланган. 14-8-расмда чапда кўрсатилган вазиятда ишчи контактлар бўлган юқори тиргак 2 ва пичоқ 3 ажратилган, бироқ ёй сўндирувчи контактлар ҳали узилмаган. Пичоқнинг чапга келгуси ҳаракатида 4 ва 5 контактлар ажратади, улар орасида ҳосил бўлган ёй дарҳол сўнади. Шундай қилиб,



14-7- расм. Рубильник тиргакларининг конструкцияси.




14-8- расм. Ёй сўндирувчи контактли рубильник.

ишчи контактларнинг эришига йўл қўйилмайди, ёй сўндирувчи контактларнинг кўмир учликларини эса алмаштириш мумкин. Пичоқ билан юқори тиргак контактини яхшилаш учун пичоқ эластик скобка 7 билан сиқилади, пастки тиргакда эса у гайка остига қўйилган пружиналанувчи шайба 8 билан сиқилади. Ёйни сўндиришнинг бошқа усули 14-9-расмда кўрсатилган. Қўзғалмас 1 ва қўзғалувчан контакт 2 устига қатор металл (пўлат) пластинкалар 3 дан иборат ёй сўндирувчи панжара жойлаштирилган. Бундай пластинка алоҳида равишда 14-9-б расмда кўрсатилган. Қўзғалувчан контакт 2 узоқлашганда ҳосил бўлган ёй юқорига ҳаракатланиб, пластинкалар орасига кириб қолади ва алоҳида ёйларга бўлинади. Бундай алоҳида ёйнинг ёниши учун маълум катталикдаги кучланиш керак бўлади. Агар ёй шундай сондаги алоҳида ёйларга бўлинсанки, бунда 1 ва 2 контактлар орасидаги кучланиш айрим ёйларни ёндириш учун зарур бўлган кучланишларнинг йигиндисидан кичик бўлса, алоҳида ёйларнинг ҳаммаси дарҳол сўнади. Ёй сўндирувчи контактлар ва турли конструкциядаги панжаралар турли хил автоматик виключателларда ҳам кенг қўлланилади.

Хавфсизлик техникиси шартларига мувофиқ 220, 380 ва 500 в кучланишларда рубильниклар филофлар билан мухофаза қилиниши ёки уларнинг ричагли приводи бўлиши керак.

14-8. ПАКЕТ ВИКЛЮЧАТЕЛЛАР


Пакет виключателлар кичик габаритли ажратувчи аппаратлар бўлиб, улар 10 дан 400 а гача токларда қўлланилади ва кучланиши 380 в гача бўлган тармоқларда ишлатишга мўлжалланган. 14-10-а расмда пакет виключателнинг ташқи қўриниши, 14-10-б расмда эса унинг юқори қопқоғи олинган ҳолда планли қўриниши берилган. Пакет виключатель изоляцион материалдан қилинган қўзғалмас ҳалқалар (шайбалар) 2 ва уларга маҳкамланган қўзғалмас контактлар 3 дан иборат бўлиб, бу контактларга тармоқ симлари уланади. Қўзғалувчан контакт 4 лар тўрт ёқли валикка жойлаштирилган бўлиб, у даста 5 билан буралгандага ўзаро 90° гасилжиган икки вазиятни эгаллаши умкин, бу вазиятлар 14-10-б ва в расмларда кўрсатилган. Контактлар 4 қўш бўлиб, туташганда қўзғалмас контактларни юқоридан ва пастдан қамраб олади. 14-10-б расмда кўрсатилган вазиятда қўзғалмас контактлар 3 контактлар 4 билан туташган, 14-10-в расмда кўрсатилган вазиятда эса ажратилган. Симларнинг уланиши қулай бўлсин учун ўқ бўйлаб




14-9- расм. Ёй сўндирувчи панжара.

бира иккинчисининг устига жойлашган учала ҳалқа 2 да ҳам худди шундай бўлади.

Қўзғалувчи контактлари билан бир текисликда қўшалоқ фибра шайбалари 6 жойлашган. Улар қўзғалувчи контактлар билан биргаликда бурилади. 14-10-е расмда кўрсатилган вазиятда у 3 контактларни устидан ва остидан қамраб олади. Бу шайбалар электр ёйни сўндиради. 3 ва 4 контактлар ажралишида ҳосил бўлган ёй фибрани өмиради, у ўзидан водород, карбонат ангидрид ва сув ажратиб чиқарив ёйнинг сўнишига ёрдам беради.



14- 10- расм. Пакетли виключатель.




14- 11- расм. Асинхрон двигателни пакетли виключатель ёрдамида қўшиш.

Виключателнинг юқори қисмида қопқоқ 1 тагида пружинали механизм жойлашган бўлиб, унинг вазифаси даста 5 га етарлича босганда виключатель валигининг тез бурилишини таъминлашdir. 14-11-расмда пакет виключатель ёрдамида асинхрон двигателни улаш схемаси кўрсатилган.


14-9. ЭЛЕКТР ДВИГАТЕЛЛАРИНИ ИШГА ТУШИРИШ ВА РОСТЛАШ РЕОСТАТЛАРИ

Двигателлар ва генераторларнинг барча схемаларида машинани юргизиш ёки ростлаш учун мўлжалланган реостатлар бўлиши олдин кўрсатилган эди. Барча реостатлар изоляцияланувчи асосга маҳкамланган қаршиликлардан иборат стандарт элементлардан йигилади. Рамка типидаги битта элемент 14-12-расмда кўрсатилган. Пўлат пластиника 1 га чинни ярим цилиндрлар 2 ётқизилган бўлиб, улар солищтирма қаршилиги катта симлар ўрадидиган асос бўлиб хизмат қиласи. Кўрсатилгандагига ўхаш элементлар 14-13-расмдагига ўхаш конструкцияда йигилади, ток системаси ва вазифасига кўра электрик уланади ҳамда яхши совитилиши учун мойли бакка боти-

риб қўйилади. Бак 1 нинг юқори қопқоғида (14-13-расм) даста 2 бўлиб, унинг ёрдамида сирпанувчи контакт 4 ҳалқалари бўлган вал 3 буралади. Изоляция плитаси 5 да реостат 6 элементлари секцияларига уланадиган қўзғалмас контактлари маҳкамланган. Реостат нинг чиқиш учлари қути 7 нинг тагида жойлашган. 14-14-расмда «қаршиликлар яшиклари» га йифиладиган чўян қаршилик элементлари берилган. Қаршиликларнинг барча элементлари аниқ йўл қўйилиши мумкин бўлган максимал температурага эга бўлиши керак. Қаршиликлар материалы муҳитнинг температураси 35°C бўлганда




14-12-расм. Реостат учун рамка типидаги элемент.



14-13-расм. Рамка типидаги секцияли реостат.


$200-300^{\circ}\text{C}$ температурага узоқ муддати чидаб турадиган бўлиши лозим. Ўшандо реостатларнинг габаритлари кичик ва таннархи арzon бўлади. Двигателлар сингари, реостатлар ҳам уч режимда: узоқ режим (уйғотиш занжирлари, якорь ёки ротор занжирида ростлаш, бошқариш занжирларидаги қўшимча қаршиликлар), қисқа муддатли режим (узоқ муддат режимида ишлаётган машиналарнинг юргизиш реостатлари) ва такорий қисқа муддатли режимда, шу режимда ишлаётган двигателларини юргизишда ишлайди. Қаршиликлар тайёрлаш учун константан, манганин, нихром, фехраль, пўлатсим ва чўян сингари материаллардан фойдаланилади.



14-14-расм. Чўян секциялардан тузилган қаршилик.

14-10. КОНТРОЛЕРЛАР

Электр двигателларини улаш схемаларида қайта улаш, юргизишда құшымча қаршиликларни улаш ва ажратыш, айланиш йұналишини ростлаш учун контроллерлер деб аталаған қайта улаш аппаратуралари ишлатилади. Контролернинг үзіда қайта улаш механизм бўлади, қаршиликлар эса наборлар (яшиклар) шаклида алоҳида ўрнатилади (14-14- расм). Рубильнике бир нечта пичоқ



14-15- расм. Кулачокли контролернинг ишлаши.

бўлгани сингари, контролерлардаги виключателлар сони ҳам бошқарилаётган занжир схемасидаги ажратгичда қанча жой бўлишига мос бўлади. Бироқ контролернинг виключателлари рубильник сингари занжирнинг ажратгичини бир вақтда туташтириб ёки узмайди, балки амалга оширилаётган операцияга мос равишда кетмак кет туташтиради ёки узади. 14-15-а расмда кулачок типидаги контролер виключателининг уст томондан кўриниши берилган.


Вертикал рама 3 да пластмасса изолятор 2 маҳкамланган, бу изоляторда виключатель 1 нинг қўзғалмас контактти жойлашган, унга қайта уланиши керак бўлган занжир 11 нинг кабель учлариidan сим 12 орқали ток келтирилади. Қўзғалувчан контакт 4 нинг асоси ўқ 6 атрофида айлана оладиган пластмасса изолятор 5 дир. Бу контакт занжир 14 нинг кабель учига сим 13 билан уланади. Пружина 8 ҳамма вақт қўзғалувчан контакт 4ни контакт 1га сиқишига ҳаракат қиласади. Вертикал ўқ 10 да ролик 7 нинг қаршисига кулачокли шайба 9 жойлаштирилган, унинг ёрдамида ўқ 10 ни буриб 4 ва 1 контактларни туташтириш ва узиш мумкин. Бундай виклю-

чателлар (кулачокли элементлар) ўқ 10 бўйлаб бир-бирининг тагига жойлаштирилади, уларнинг сони эса двигателин улаш схемасидан аниқланади. Ҳалқали асинхрон двигателини ишга тушириш схемасида (14-15- б расм), виключателлар сони тўққизга бўлиши (I, II, III, IV, V, VI, VII, VIII, IX) уларнинг схемалардаги шартли белгиланинни 14-15-в расмда кўрсатилган. Контролернинг қопқоғида (унинг қопқоғи уст томондан қўйилади) ўқ 10 ни бурадиган даста қаршисида 1, 2, 3, 4, 5 олдинга ва орқага позициялари кўрсатилади. Схемада (14-15- б расм) қайси виключатель қаршисида тегишли позициядаги нуқта турган бўлса, ўшани туташган деб ҳисоблаш керак. 0 позицияда статор тармоққа C_2 тутқичи билан уланган бўлади; юлдуз қилиб улсанган r_1 , r_2 , r_3 қаршиликлар роторга улансан, двигатель эса ажратилган позиция I да дастлаб II ва IV виключателлар туташтирилади, статор тармоққа уланади ва двигатель ротор занжирида тўла қаршилик бўлган ҳолда айлана бошлайди. Дастани позиция 2 га бурганда V виключатель туташади ва r_1 қаршиликнинг бир қисми шунтланади. Дастани кейинги 3, 4, 5 вазиятларга бурганда кетма-кет ҳолда VI, VII, VIII ва IX виключателлар туташади, натижада роторнинг ҳамма фазаларида қаршиликлар шунтланади.

14-11. ЭРУВЧАН САҚЛАГИЧЛАР

Эрувчан сақлагиҷлар қурилмани қисқа туташиш токларидан ҳимоя қиливчи қурилмалардир. Нагрузкаларнинг ортиб кетишидан эрувчан сақлагиҷларнинг ҳимоя қилиши ишончли эмас, чунки улар баъзан номинал токдан 1,5 марта катта бўлган токларга ҳам бир соат ва ундан ортиқ чидаши мумкин. Сақлагиҷларда қўйма (вставка) бўлиб, қисқа туташув вақтида у эриб кетади ва қурилмани ажратиб қўяди. Қўлда қилинган қўймалардан фойдаланмаслик керак.


14-16-а расмда пробкали сақлагиҷчининг ташқи кўриниши, 14-16-б ва в расмларда унинг қопқоғи олинган ҳолдаги кесими ва эрувчан қўймали пробка кўрсатилган. Пробканинг чинни асосига металл



14-13- расм. Пробкали сақлагиҷ.

резьба 8 кийдирилган, бу резьба ёрдамида пробка сақлагичнинг патрони 3 га бураб қўйилади. Ток тутқич 1 дан патрон 3 билан уланган металл пластинка 2 орқали пробканинг резьбаси 8 га ва унга кавшарланган эрувчан қўйма 5 ва контакт 6 орқали тутқич 7 нинг сими 4 га ўтади. Пробкали сақлагичлар 380 μ гача кучланишлар ва 60 μ гача токларда ишлатилади. Пробкаларни кучланиш бўлган

ҳолда алмаштириш мумкин, чуъки бунда одамнинг қўли ток ўтувчи қисмларга тегмайди.



14-17- расм. ПР-2 типидаги найсимон сақлагич.

14-17-а ва б-расмларда найсимон ақлагич ПР-2 ва унинг кесими кўрсатилган. Бу хил сақлагичлар 500 μ гача кучланишларда ва 1 000 μ гача номинал токларда ишлатилади. Изоляцияловчи плита 1 да контакт тиргак 2 лар маҳкамланган, уларнинг орасида, худди рубильник пичноғи сингари сақлагич киритилган. У учларига жез қалпоқча 4 лар буралган фибра найчалар 3 дан иборат, қалпоқчалар сақлагичнинг пичноқлари 5 ни сиқиб туради. Пичноқларга болтлар ёрдамида руҳдан қилинган фасон эрувчан қўйма 6 маҳкамланади, занжирда нагрузка ортиб кетганида бу қўйманинг ингичка жойи эриб кетади. Электр ёйи тъсирида фибранинг бир қисми водород, карбонат ангидрид ва сув бугларидан иборат газга айланади. Найичида босим 100 μ гача етади ва ёй кескин сўнади. 60 μ гача токларга мўлжалланган сақлагичларда пичноқлар 5 бўлмайди ва сақлагич тиргаклар 2 га қалпоқчалар 4 билан киритилади.


500 μ гача кучланишда ПН2 типидаги кварц қумлари тўлдирилган сақлагичлар ишлатилади, уларнинг 100—600 μ токка мўлжалланганлари ажраладиган патронли ва 15—60 μ токка мўлжаллангани НПН ажралмайдиган патронли бўлади. Бу хилдаги сақлагич 14-18-расмда кўрсатилган. Сақлагичнинг пичноқлари 3 изоляция плитаси 1 га маҳкамланган контакт тиргаклари 2 га қисилган. Пичноқлар 3 ичига кварц қумлари 6 тўлдирилган чинни най 5 га бураб қўйилган қопқоқ 4 га ўрнатилган. Пичноқларга юпқа мис ленталаридан штампланган эрувчан қўйма 7 лар маҳкамланади. Қўймаларнинг ўрта қисмига қалайи 9 дан тор перемичка эритиб ёпиширилган. Нагрузка ортганида, қўйма қизийди ва қалайи эрий бошлайди ва мисни эритади, натижада қўйма емирилади ва кўйиб кетади. Қисқа туташув вақтларида қўймалар перфорациялар 8 орасидаги тор жойларидан эриб кетади.

1 000 μ — 35 μ кучланишли ва 400 μ гача токларга мўлжалланган қурилмалар учун кварц қумлари билан тўлдирилган ПК типидаги махсус найсимон сақлагичлар тайёрланади. 14-19-расмда шундай сақлагич кўрсатилган. Чинни най 1 кварц қумлари билан тўлдирилган ва учлари қалпоқчалар 2 билан герметик қилиб кавшарлаб қўйилган, улар ҳимоя қурилмасининг изоляторларига ана шу

қалпоқчалари билан қисиб қўйилади. Эрувчи қўймалар 3 кумушланган мис симдан спираль тарзида тайёрланади ва осон эриши учун уларга қалайи 4 шарчалар кавшарланади. Ўртадаги спираль 5 пўлат симдан қилинади ва кўрсаткич спираль дейилади. Бу спираль кўрсаткич 6 ни ушлаб туради ва ҳамма қўймалар эриб кетганида пастки қалпоқча 2 даги пружина цилиндрик чуқурчада турган якорчани чиқариб юбориб, қўймаларнинг ҳаммаси эриб кетганини кўрсатади.

Эрувчи қўймалар қўрғошиндан, қўрғошин билан қалайи аралашмасидан, рух, алюминий, мис ва кумушдан тайёрланади. Қўрғошин ва унинг қотишмалари, рух паст ($200 - 420^{\circ}\text{C}$) температураларда эрийди, бу яхши, бироқ уларнинг ўтказувчанилиги ёмон ва шунинг учун улардан қўймалар ясаганда катта кесимли қилиб тайёрлашга тўғри келади.

Мис ва кумушдан қилинган қўймаларнинг ўтказувчанилиги яхши ва уларнинг кесимини кичик қилиб тайёрлаш мумкин, бироқ уларнинг эриш температуралари 1080 ва 960°C . Кумуш қўймалар қиммат туради ва 1000 v дан катта кучланишларда кичик токлар учунгина ишлатилади. Қўпинча мис қўймалар ишлатилади, оксидланишдан сақлаш учун улар кумушланади. Мис қўймалар 900°C гача эримасдан қизиши ва натижада сақлагичнинг барча конструкцияларини ва контактларини қиздириб, уларнинг емирилишига сабаб бўлади. Шунинг учун бундай қўймаларга қўрғошин ва қалайи металидан шарчалар шаклида «эритгичлар» кавшарланади.



14-18- расм. ПН-2-типи-
даги сақлагич.

14-19- расм. ПК
типидағи сақла-
гич.

14-12. ҲАВО АВТОМАТИК ВИКЛЮЧАТЕЛЛАРИ (АВТОМАТЛАР)

Автоматлар рубильникларнинг ҳам, сақлагичларнинг ҳам функциясини бажаради. Улар қисқа туташув вақтда узилишни таъминлайди ва тармоқни ўта нагрузкаланишлардан сақлайди. Шунингдек, улар кучланиш йўқ бўлиб қолганида ёки у бирор белгиланган катталиқка пасайганида занжирни узиб қўйиш учун ҳам ишлатиласди. Ўзгарувчан ток автоматлари 500 v гача кучланишларда, ўзгармас ток автоматлари эса ундан катта кучланишларда ҳам қўйилаверади. Автоматлар нисбатан кам ажратишларда қўлланилади; улар қўлда уланади.

14-20-расмда бир қутбли максимал ток автоматининг ишлаши принципи соддалаштириб кўрсатилган. I ток сим 1 дан пастки контакт тиргаги 2 га, пичноқ 3 орқали, юқори контакт тиргаги 2 дан,

электромагнит 4 ва сим 5 орқали ўтади. Пружина 6 пичоқни чапга тортиш ва ток занжирини узишга интилади. Бунга илмоқ 7 ток ишга тушиш катталигига етгунига қадар түсқинлик қилиб туради. Галтак чулғами 4 дан ўтганида якорь 8 электромагнит ўзагига тортиладиган минимал ток ишга тушиш токи дейилади. Бу токда илмоқ 7 ажралади ва пичоқ 3 пружина 6 таъсирида контакт тиргаклар 2 ни ажратади.

Бу ҳолда автомат илмоғига бевосита таъсири қилувчи электромагнит 4 максимал занжири үзги ч деб юритилади ва тўғри таъсири қилувчи максимал токнинг энг содда электромагнит релеси бўлади. Автоматнинг токни ажратишга кетган вақти $t_{ажр}$ 0,05—0,025 секунд. Агар автомат кучланиш пасайганида узишга мўлжалланган бўлса, у $U = 0,4U_n$ да ишга тушади.


Автомат ҳатто унинг дастасини уланган ҳолатда қўл билан тутиб турилганда ҳам қисқа тушувда занжирни ажратиш лозим. Бунинг учун пичоқларни улаш механизмининг конструкцияси бошқача бўлиши керак. Бу автомат тўсатдан ажратилганда унинг дастаси одамни тепишидан сақлаш учун ҳам зарурдир.

Автоматларнинг контакт системалари одатда ишчи ва ёй сўндирувчи контактлардан иборат бўлади (14-8-расм). Ёй сўндирувчи контактларнинг алмаштириб туриладиган кўмир, жез ёки металлерамик учлари бўлади. Электр ёйларини сўндиришни тезлатиш учун автоматларда металл пластинкалари ёки ёйга чидамли изоляцион материалдан қилинган ёй сўндирувчи панжаралар қилинади (14-9-расм).

14-13. КОНТАКТОРЛАР

Юқорида айтилганидек ҳаво автоматик виключателлари тез-тез улаш ва ажратиш учун мўлжалланган эмас. Бу мақсад учун контакторлар деб аталадиган ва электр занжирни соатига 1500 марта улаш имконини берадиган аппаратлар хизмат қиласи. Конекторлар 1000 в гача кучланишли ўзгармас ва ўзгарувчан ток занжирларида ишлатилади. Улар қисқа туташувлар ва ортиқча нагрузжалардан ҳимоя қилмайди, шунинг учун улар эрувчан сақлагичлар ёки бошқа ҳимоя қуралмалари билан биргаликда ишлаши керак. Улар ($0,85—1,03$) U_n кучланишларда ишончли ишлайди ва кучланиш ($0,5—0,6$) U_n гача пасайганида қурилмани автоматик узиб қўяди.

14-21-расмда уч қутбли ўзгарувчан ток контакторининг ишлаш схемаси кўрсатилган. Бу контакторлар қутблар сони 1 дан 5 гача, 20—600 а токларга мўлжаллаб тайёрланади. Уларнинг ишга тушиш вақтлари контактор катталигига боғлиқ ҳолда 0,05—0,1 сек чега расида бўлади.



14-20-расм. Автоматик ҳаво виключатели.


Квадрат кесимли изоляцияланган ўқ 1 да (содда бўлсин учун подшипниклар расмда кўрсатилмаган) қўзғалувчан ишчи контактлар 2 электромагнит якори 3 ва блок-контактлар (блокировка қиливчи контактлар) учун траверса 4 ўрнатилган. Изолацияланган плитада қўзғалмас ишчи контактлар 6, блок-контактлар 5, электромагнитнинг уйғотиш чулғами 8 билан бўйинтуруқ 7 маҳкамланган.

14-21- расмда кўрсатилган вазиятда ишчи контактлар ажратилган ва асосий L_1 , L_2 , L_3 занжирида ток йўқ. Агар галтак 8 да ток пайдо бўлса, якорь 3 бўйинтуруқ 7 га тортилади ва ўқ 1 бурилади, 2 ҳамда 6 ишчи контактлар ва юқоридаги блок-контактлар 5 туташади, пастдаги блок-контактлар 5 ажралади. Ана шу белгисига кўра ишчи контактлар ва юқори блок-контактлар туташтирувчи, пастдагилари эса ажратувчи kontaktлар дейилади. Схемаларда kontaktларнинг вазиятлари ҳамма вақт контакторлар чулғамида ёки реледа ток бўлмаганидаги, яъни туташтирувчи kontaktлар учун ажратилган ва ажратувчи kontaktлар учун туташтирилган ҳолида кўрсатилади. Одатда, контакторларни бошқариша реле ишлатилади (пастга қаранг), бироқ биз қараётган ҳолда кнопкa билан бошқариладиган қисқа туташган асинхрон двигатель 9 ни ишга тушириш ва тўхтатишнинг соддалаштирилган схемаси кўрсатилган.

Бошқариш занжирида иккита кнопкa, уловчи «юргизиш» (пушкa) Ю ва ажратувчи «тўхташ» (стоп) T кўрсатилган. Кнопкаларнинг kontaktлари 14-21- расмда кўрсатилган, яъни мос равишда ажратилган ва туташтирилган вазиятларда пружиналар ёрдамида ушлаб турилади. Кнопкалар контактор ва двигателнинг қандай жойлашидан қаъти назар бошқариш учун қулай сўлган жойда ўрнатилади.

Ишга тушириш қуйидагича бўлади. Ю кнопкa туташтирилганда ток сим L_1 дан Ю ва T кнопкалар орқали электромагнитнинг чулғами 8 га ва сим L_3 га боради. Якорь тортилади ва ўқ 1 ни буради, бунда айни вақтда 2 ва 6 ишчи kontaktлар ва юқори блок-контактлар 5 туташади; бу блок-контактлар Ю кнопкани шунтлайди ва унинг қўйиб юборилишига имкон беради. Двигателни ажратиш учун бошқариш занжирини узиш етарли, бунинг учун T кнопкa босилса, kontaktлар қурилманинг хусусий оғирлиги таъсирида бир-биридан ажралади.


Контакторнинг ишчи kontaktлари жуда ёмон шароитда туради, улар ишончли ишлашлари учун етарлича пухта конструкцияланган




14-21- расм. Контакторнинг ишлаш схемаси.

бўлишлари керак. 14-22-расмда алмаштириб туриладиган 1 ва 2 ишчи контактларнинг тахминий ясалиши кўрсатилган. Қузғалувчи контакт 2 пружина 3 ёрдамида шундай маҳкамланадики, контактларнинг бир-бирига тегиб туриши ишқаланиб ва суркалиб рўй беради, натижада уларда ҳосил бўлган металл оксидлари доим тозаланиб туради. Ишчи контактлар албатта ёй сўндирувчи панжаралар билан таъминланган бўлади.

Ўзгарувчан ток контакторларида уйғотиш чулғами фалтагининг магнит оқими даврий равишида ноль орқали ўтиб туради бу нарса конструкциянинг вибрация-



14-22-расм. Контактор ишчи контактларининг конструкцияси.




14-23-расм. Контакторда якорь тебра-нишларини бартараф қилиш усули.

ланиши ва гувуллаб туришига сабаб бўлади. Буни бартараф қилиш учун фалтак ўзагининг чекка учига, 14-23-расмда кўрсатилганидек, қисқа туташтирувчи ўрам кийдирилади. Бу ўрамда худди трансформаторнинг иккиламчи чулғамидағи сингари, фалтакдаги токка нисбатан фаза жиҳатидан силжиган ток ҳосил бўлади. Бу ўрам ҳосил қилган оқим якорь орқали туташади ва асосий оқимнинг ноль орқали ўтиш моментларида якорнинг силташига йўл қўймайди.

14-14. РЕЛЕ

Аввалги бўлимда контакторнинг бошқариш занжирига реле қўйиш мумкин, у вақтда қўл билан бошқариш зарурати қолмайди ва бундан ташқари, ишчи занжирни автоматик ҳимоя қилишини амалга ошириш мумкин деб айтган эдик. Бошқариш занжиррида ёсшқарилётган катталикнинг (масалан, токниң) маълум қийматида бир онда (сакраб) ишга тушадиган элемент реле дейилади. Ишчи занжирларда автоматлар ва контакторлар шундай аппаратлардир, бироқ реле, асосан кичик токлар бўлган бошқариш занжирларига қўйилади ва автомат ёки контакторларга нисбатан бир неча марта сезигирроқ қилиб тайсрланиши мумкин. Реленинг ишлашига хос характеристика 14-24-расмда кўрсатилган.



14-24-расм. Реле типидаги аппаратнинг характеристикинини көрсатади.


Айтайлик, ишлаш моменти реле орқали ўтаётган токнинг каттагиғига боғлиқ бўлсин. Ток I_2 қийматдан кичик бўлганида реле бир ҳолатда (масалан, унинг контактлари ажралган) бўлади. Ток ишлаш токи деб аталган I_2 қийматга етганида реле бир онда бошқа ҳолатни эгаллайди (унинг контактлари туташади). Бу ҳолат I_2 токдан катта бўлган ҳар қандай токда сақланади. Агар ток камая бошласа, у ҳолда қўйиб юбориш токи деб аталган бирор I_1 қийматда контактлар сакраш йўли билан ажратилган ҳолатга ўтади. Реле ишлай бошлаши учун зарур бўлган қувват реле бошқарётган занжирнинг қувватидан бир неча марта кичик.

Реле ўзгарувчан ёки ўзгармас токда ишлайди ҳамда ҳимоя қилиш ва бошқариш вазифаларини бажаради, бир онда ва вақт ўтказиб ишлаши мумкин. Бу ҳолда у вақт релеси дейлади. Ясалиш системаларига кўра релелар электромагнит, индукцион, электродинамик, иссиқлиқ, ион-электрон, механик ва бошқа хилларга бўлинади.


Ўзгарувчан ток электромагнит релеси 14-25-расмда кўрсатилган. Варақли электротехника пўлатидан қилинган ўзак 1 га бошқарилаётган занжирдаги ток ўтадиган чулғам 2 жойлаштирилган. 14-25-расмда кўрсатилган вазиятда якорь 3 ўз оғирлиги таъсирида ва пружина 4 нинг кучи билан ушлаб турилади. I ток I_2 каттагида етганида (14-24-расм) якорь ўзакка тортилади ва бошқариш занжирининг контактлари 5 ни туташтиради. I ток I_1 каттагида камаймагунча у контактларини туташган ҳолда ушлаб туради; I ток I_1 қийматга тенглашган ҳамон якорь тушиб кетади ва 5 контактлар ажралади. Электромагнит ўзагининг иккиланган учига реле вибрацияланмаслиги учун ҳалқа 6 кийдирилган (14-23-расм).

Бурилма якорли электромагнит реле (14-26-расмда кўрсатилган). Электромагнитнинг чулғами 1 орқали ишлаш токи I ўтганда 2-симон пўлат якорь 2 бурилади ва бошқариш занжирининг контактлари 3 ни туташтиради. Қўйиб юбориш токида якорь пружина 4 ёрғамида ўзининг дастлабки вазиятига келтирилади. Ток ёки кучланиш трансформатори орқали уланадиган бундай реле максималь токда, максималь ёки минимал кучланишда ишлайди.

14-27-расмда нагрузка ортиб кетишидан ҳимоя қилишда кенг ишлатиладиган иссиқлиқ релесининг схемаси кўрсатилган. Унинг ишлаш принципи бор бўйича пайвандланган ва чизиқли кенгайиш коэффициенти турлича бўлган иккита металл пластиник дан



14-25-расм. Ўзгарувчан ток электромагнит релеси.



14-26-расм. Бурилма якорли электромагнит реле.

фойдаланишга асосланган. Бундай пластинка қизиганда эгилади ва электр занжирини туташтирувчи ёки ажратувчи қурилмага механик таъсир қилиши мумкин. Ҳимоя қилинаётган тармоқнинг 1 токи бир учидан маҳкамлаб қўйилган биметалл пластинка 2 ни қиздирувчи қизитиш элементи 1 орқали ўтади. Пластинка қизигац, расмда пунктир билан кўрсатилгандек юқорига эгилади ва ричаг 3 ни бўшатиб юборади, бу ричаг пружина 4 таъсирида чапга бурилиб бошқариш занжирининг контаклари 7 ни ажратади. Электромагнит чулғами 5 да тоъ йўқолади ва бошқарилаетган занжирнинг контактлари 6 пружина 8 ёрдамида ажралади.

Келгусида электр двигателларини бошқаришга оид барча схемаларда тасвирилаш қулий бўлсин учун уларнинг баъзи алоҳида элементлари ГОСТ 7624-62 га мувофиқ 14-2 жадвалда кўрсатилганидек белгиланади.


14-27-расм. Иссиклик релеси.

14-2- жадвал

Коммутация қурилмалари баъзи элементларининг шартли белгилари

1	Реле, контактор, магнитли ишга туширгичнинг чулғамлари	
2	Контактор, ишга туширгичнинг контактлари, уларнинг блок-контактлари а) туташтирувчи б) ажратувчи в) қайта уловчи	
3	Реле контакти а) туташтирувчи б) ажратувчи в) қайта уловчи	
4	Ўз-ўзидан қайтувчи кнопкалар а) туташтирувчи б) ажратувчи в) ажратувчи ва туташтирувчи	

5 Контактлари ва чулғам учлари
белгиланган реле



6 Иссиқлик релесининг қиздириш элементти




7 Электр машина кучайтиргичи



14-15. МАГНИТЛИ ИШГА ТУШИРГИЧЛАР

Тармоқда тұла күчланиш бўлганда уланадиган қисқа туташтирилган асинхрон двигателларни ишга тушириш учун ишлатиладиган қурилмалар магнитли ишга туширгичлар дейилади. Улар двигателларни нагрузка ортиб кетганда ва күчланиш камайиб кетганида ҳимоя қиласы, қисқа туташувлардан ҳимоя қилиш учун сақлагичлар қўйилади. Магнитли ишга туширгич уч қутбли контактордан, ток релесидан, яъни двигателни токнинг ортиб кетишидан ҳимоя қилувчи иссиқлик релеси ва умумий яшикка қурилган



14-28- расм. Магнитли юргизгич.

блокировка kontaktларидан иборат. Boшқариш knопкалари aloҳида, одатда ишлаб чиқарувчи машинага ўрнатилади. Агар двигателнинг айланиш йўналишини ўзгартириш керак бўлса, магнитли ишга туширичда иккита kontaktор: «олға» ва «орқага» юриш kontaktорлари бўлиши лозим. Бундай ишга туширгич 14-28-расмдаги схемада унинг деталларини қабул қилинган стандарт бўйича белгилаб кўрсатилган.

Двигателнинг статори 1 тармоққа сақлагич 2 лар орқали улади, бу сақлагичлар kontaktорларнинг олға (*ОЛ*) ва орқага (*ОРҚ*) юргизувчи ишчи kontaktлари ва иссиқлик релесининг иситиш элементлари 3 ни туташтиради. Boшқариш занжирни «тўхтатиш» (*T*) knопкасидан, олға (*ОЛ*) ва орқага (*ОРҚ*) юргизиш knопкаларида, олд ва орқага юргизиш kontaktорлар 4 электромагнит чулғамларидан ва иссиқлик релеларининг ажратувчи kontaktорлари 6 дан (бу kontaktлар 14-28-расмда туташган ҳолатда кўрсатилган) иборат *ОЛ* ва *ОРҚ* knопкалари мос равишда *ОЛ* ва *ОРҚ* kontaktорларнинг туташтирувчи kontaktлари 5 (блок-контактлари) билан блокировка қилинади.

Двигателнинг айланиш йўналишини ўзгартириш учун *L₁* ва *L₃* фазалар симларининг ўринларини алмаштиришга тўғри келгани учун иккала kontaktорнинг бир вақтда уланиш эҳтимолини блокировка йўли билан йўқ қилиш керак, чунки бир вақтда уланса, фазалар қисқа туташиб қолган бўлур эди. Бундай блокировка *ОЛ* ва *ОРҚ* knопкаларини тегишлича қуриш ва улаш йўли билан амалга оширади. Иккала knопканинг бир жуфтдан ажратувчи (юқори) ва туташтирувчи (пастки) kontaktлари бўлади.

«Олға» юргизиш қўйидагича бўлади. *ОЛ* knопкани босганда унинг юқори kontaktлари ажралиб, пастки kontaktлари туташади. Ток *L₃* фазадан *T* knопка, *ОЛ* knопкасининг туташган пастки kontaktлари, *ОРҚ* knопкасининг туташган юқори kontaktлари, *ОЛ* kontaktори электромагнитининг чулғами, иссиқлик релелари 6 нинг туташган boшқариш kontaktлари орқали *L₂* фазага келади. *ОЛ* нинг ишчи kontaktлари ва *ОЛ* нинг 5 блок-контактлари туташади ва *ОЛ* knопкасини қўйиб юбориш мумкин. Ток учун *ОРҚ* нинг электромагнит чулғами 4 орқали занжир ажралган бўлади. Кучланиш пасайиб, *ОЛ* пинг электромагнитни чулғамида ток камайганда ва нагрузка ортиб кетиб иссиқлик релелари 3 boшқариш kontaktлари 6 ни ажратганда двигатель автоматик узилади. Двигателин тўхтатиш зарур бўлиб қолганда *T* knопка босилади. Двигатель «орқага» ҳам худди шундай юргизилади. Расмдан кўриниб турганидек, knопкалар бир вақтда босилганда двигатель уланмайди чунки *ОЛ* ва *ОРҚ* нинг boшқариш занжирлари ажратилган бўлади.


14-16. МОЙЛИ ВИКЛЮЧАТЕЛЛАР

1000 в дан юқори кучланишларда нагруззкали ёкя қисқа туташув бўлганда электр занжирларни қўшиш ва ажратиш учун мўлжалланган ажратувчи қурилмалар содда ва ишлатишга қулай

бўлишидан ташқари, портлашдан ва ёнгиндан хавфсиз бўлишлари ҳам керак. Бундай қурилмалардан бири мойли виключателдири. 14-29-расмда мой ҳажми катта бўлган уч фазали мойли виключателниг кесими кўрсатилган. Унда ишчи контактлар ток юрувчи қисмларни бир-биридан ва виключателниг корпусидан изоляция қилиб турувчи мойнинг ичидаги ажралади. Бундан ташқари, мой ўзгарувчан ток нолдан ўтганда контактлар ажралishiда ҳосил бўлган электр ёйини тез сўндириш қобилиятига эга.

Ток мойли виключателниг чўян қопқоғи 2 га маҳкамланган ўтиш изоляторларининг симлари 1 га берилади. Қопқоқ 3 зичликлар ёрдамида мой 5 билан тўлдирилган пўлат бак 4 ни ёпади ва унга болтлар билан маҳкамлаб қўйилади. Бакнинг ички сирти фанер ёки электр картони билан изоляцияланади. 10 кв дан кичик кучланишларда учала фаза битта бакка жойлаштирилади ва бунда ёнма-ён жойлашган фазаларнинг контактлари изоляцион тўсиқлар билан ажратилади. Буларнинг ҳаммаси ёнма-ён ётган фазалар контактларини электр ёй билан қопланмаслигини ва бак корпусига туташмаслигини таъминлайди. Изоляторларнинг пастки қисмларида қўзгалмас контактлар 6 маҳкамланади, уларнинг қаршисида, ток ўтувчи трапверса 7 да қўзгалувчан контактлар 8 маҳкамланади, бу контактлар қўшилган ҳолатда контактлар 6 га худди ру比льник писоқлариdek туташади. Трапверса пружина 9 ёрдамида пастга қисилади (ажралган), ўқ 10 соат стрелкаси бўйича бурилганда эса юқорига кўтарилади (уланган) ва шу вазиятида илгак билан ушлаб қолинади. Қўшиш ва ажратиш ёки маховик ёрдамида қўлда ёки бошқариш занжирида реле ва бўшқа махсус қурилмалар ёрдамида автоматик амалга оширилади.

Бакдаги мойни пастка тушириш учун кран 11 ва унинг сатҳини кўрсатувчи кўрсатгич 12 бўлади. Ҳар бир фазада иккита разъём бўлгани учун 6 ва 8 контактларни ажратишда иккита электр ёйи ҳосил бўлади. Бу ёйлар атрофида мой буферларининг 70 — 80% водороддан иборат иккита газ пуфаги ҳосил бўлади ва улар ёйнинг сўнишига кучли ёрдам беради. Ёй зонасида ҳосил бўлган босим 5 — 10 атмосферага етади ва мойга, сўнгра бакнинг корпусига ва мой сирти билан қопқоқ 2 орасида буфер ролини ўйновчи ҳаво фазосига берилади. Бу фазо атрофни ўраб турган ҳаво билан газ чиқарувчи труба 13 орқали боғланган. Мойнинг сатҳи ҳамма вақт виключателни тайёрлаган заводнинг белгисида туриши керак. Акс ҳолда «қайнаётган» мой бутун буфер фазони тўлдиради, бакда босим тез ортиб кетади, бу эса мойли виключателниг портлашига ва мойнинг аланталанишига олиб келиши мумкин. 35 — 220 кв кучланишларга мўлжалланган қурилмаларнинг кўп ҳажмли мойли вик-



14-29-расм. Мойли виключатель.


лючателлари бак ичига жойлаштириладиган махсус ёй сўндирувчи камералар билан таъминланади.

Бу баён қилинган мойли виключателлардан ташқари, кичик ҳажмли мойли виключателлар ҳам кенг тарқалган. Уларда мой фақат ёйни сўндириш учун ишлатилади. ток ўтувчи қисмлар керамик, органик изоляцион материаллар ва ҳаво ёрдамида изоляцияланади. Бу виключателларда мой ҳажми жуда кичик бўлгаши учун уларнинг портлаш хавфи жуда кам. Виключатель занжирининг ҳар бир узилиши алоҳида бакка жойлаштирилади. Шундай қилиб, фазасида битта узилиши бўлган уч фазали виключателнинг учта баки, икки узилиши бўлган виключателнинг эса олтига баки бўлади.

14-17. НАГРУЗКА ВИКЛЮЧАТЕЛЛАРИ

Нагрузка виключателлари шаҳар, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа подстанциялардаги кичик қувватли қурилмаларда кенг қўлланилади. Бундай подстанцияларда нагруззкани ажратишда пайдо бўлган ёйни сўндириш учунгина ҳисобланган ёй сўндирувчи қурилма билан чекланилади. Қисқа туташувлардан ҳимоя қилиш учун нагрузка виключателлари билан кетма-кет эрувчан, масалан, кварц сақлагачлар уланади. Нагрузка виключателлари 6 ва 10 кв кучланишида 400 а гача токларни узишга имкон беради.

14-30-а расмда виключателнинг ён проекцияси, 14-30-б расм-



14-30-расм. Нагрузка виключатели.

да эса органик шишадан қилинган вкладышлар қўлланилган ёй сўндириш камерасининг тузилиши кўрсатилган. Нагрузка виключатели моҳияти жиҳатидан махсус конструкцияли рубильникка ўхшайди ва 14-30-расмда у қўшилган ҳолатда кўрсатилган.

Ток пастки таянч изолятор 1 дан сақлагиң 2 орқали виключатель пичоғи 4 нинг қўзгалувчи контактси 3 га ўтади. Пичоқ иккита мис полосасидан иборат бўлиб, бу полосалар қўшилганда қўзгалмас юқори ишчи контактлар 5 ни қамраб олади. Ажратилган ҳолда пичоқ 4 пункттир билан кўрсатилган. Пичоқниң юқори қисмига пўлат полосалар 6 маҳкамланган, уларнинг орасида ёй сўндирувчи пичоқ 7 қисиб қўйилган. Қўшилган ҳолатда у пластмасса камераси 8 га киритилган икки ёй сўндирувчи қўзгалмас контактлар 9 орасида қисиб қўйилган. Ажратишда биринчи бўлиб қўзгалмас ишчи контакт 5 ва пичоқ 4, сўнгра эса камерадан чиқсан ёй сўндирувчи пичоқ 7 қўзгалмас ёй сўндирувчи контактлар 9 дан узилади. Камерада ҳосил бўлган электр ёйи 10 вкладышлар қилинган органик шишининг бир қисмини емиради. Газ босим остида ёйни пичоқ 7 камерадан чиқмасданоқ сўндиради. Виключателни қўл билан ёки масофадан туриб бошқариш мумкин,

14-18. МАГНИТЛИ КУЧАЙТИРГИЧЛАР

14-31-расмда кўрсатилган пўлат ўзакли дросселнинг иккита чулғами бор. Агар чулғам 1 нинг тутқичларида кучланиш бўлмаса, чулғам 2 га эса қаршилик орқали ўзгарувчан U_{\sim} кучланиш берилган бўлса, у ҳолда занжирдан I_{\sim} ўзгарувчан ток ўтади, унинг катталиги:


$$I_{\sim} = \frac{U_{\sim}}{\sqrt{(r_2+r_n)^2+(x_2+x_n)^2}} \approx \frac{U_{\sim}}{x_2+x_n}.$$

Пўлат ўзаришсиз тўйингандаги токниң катталиги I_{\sim} ҳам ўзгармайди. Агар чулғам 1 га U_{\sim} доимий кучланиш берилса, чулғам 1 даги ўзгармас ток ўзакни магнитлайди ва пўлатнинг тўйиниши ортади. У ҳолда чулғам 2 нинг L_2 индуктивлиги ва x_2 қаршилиги камаяди, I_{\sim} ток эса ортади. Бу схемада чулғам 1 нинг кириш қуввати $P_{\text{кир}}$, озигина ўзгарганида чулғам 2 нинг занжирдаги чиқиш қуввати $P_{\text{чиқ}}$ анча катта ўзгари. «Кучайтиришни» шу маънода тушунмоқ керак. Қувватни кучайтириш коэффициенти

$$k_p = \frac{P_{\text{чиқ}}}{P_{\text{кир}}}.$$


Шундай қилиб, 14-31-расмдаги схема энг содда магнитли кучайтиргичниң схемаси бўлади.

Айтилган схемани қўлланилишига тўсқинлик қилувчи бир муҳим камчилиги бор. Пўлатда ҳосил бўлган ўзгарувчан ток чулғам 1 да ўзгарувчан э.ю.к. ҳосил қиласи, бу э.ю.к. U_{\sim} кучланишга қўшилиб, кириш сигналини бузади. 14-32-расмда бошқа схема кўрсатилган, унда магнитловчи чулғам 1 ўзгарувчан токлари турли томон-



14-31-расм Магнит кучайтиргичи режимидағи дроссель.

ларга йўналган икки стерженга жойлаштирилган. Бу ҳолда натижавий ўзгарувчан э.ю.к. бу чулғамнинг ҳар икки ярмида нолга тенг. Ўлчашлар, бошқариш ва ростлаш учун амалда ишлатиладиган схемалар кўрсатилгандан кўра мураккаброқ бўлади. Магнитли кучайтиргичларнинг кириш қувватлари ваттнинг улушларидан



14-32- расм. Магнит кучайтиргич.

ўнлаб ваттгача, мураккаб схемаларда кучайтириш коэффициенти 5 000 гача боради. Бу кучайтиргичлар кўпга чидайди ва ишончли ишлайди, чунки уларнинг қўзғалувчан қисмлари йўқ. Кириш сигналини узатишдаги инерциясининг катталиги бу кучайтиргичларнинг нуқсони ҳисобланади.


14-19. ЭЛЕКТРОТЕХНИК ҚУРИЛМАЛАРНИ ҲИМОЯ ТАРИҚАСИДА ЕРГА УЛАШ

Электр қурилмалар билан м uomала қилиш катта билимдонлик ва эътибор талаб қиласди. Ҳар қандай эътиборсизлик ва хавфсизлик техникиси қоидаларининг бажарилмаслиги оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Ток ўтказувчи қисмларга бехосдан тегиб кетиши натижасида киши тақасидан ўтган ток тана ҳужайларалида физик ва химиявий ўзгаришлар вужудидаги келтириб, анча оғир, узоқ вақтгача битиб кетмайдиган қилиб куйдиради.

Электр токи уриши айниқса хавфлидир, бунда киши ҳушидан кетиши ҳамда қон айланиш ва нафас олиш органларининг фаолияти бузилиши ёки тўхташи кузатилади. Киши зоҳирان ўлиши, яъни унда ҳаёт нишонаси йўқолиши мумкин. Шунинг учун иш фаолиятининг тури жиҳатидан электр энергиясидин фойдаланиш билан қисман боғланган ҳар бир киши токдан жароҳатланган кишига ёрдам беришнинг асосий қоидаларини билиши керак.

0,05 а дан ортиқ токлар киши ҳаёти учун хавфли, 0,1 а дан ортиқ токлар эса ҳолокатли ҳисобланади. Токнинг катталиги фақат

кучланиш билангина эмас, шунингдек қаршилик билан ҳам аниқлангани учун киши терисининг ҳар қандай намланиши, унинг турли ток ўтказувчи моддалар билан ифлосланиши ҳамда ёмон ва ҳўл оёқ кийими ҳам шикастланиш хавфини қучайтиради. 60 в дан кичик кучланишлардаги токлардан ҳам ўлиш ҳоллари бўлган. Шунинг учун тахта полли куруқ биноларда кўчма лампалар ва асбооблар билан ишлашда 36 в гача кучланиш, нам ва иссиқ биноларда,



14-33- расм. Тўла ерга уланган нейтралли тўртсизли ток системаси.

металл балкалар, қозонлар, баклар ва ҳоказолар билан ишлашда 12 в кучланиш нисбатан хавфсиз ҳисобланади. Бундай ҳолларда пасайтирувчи трансформаторларнинг иккиламчи чулғамлари албатта ерга уланади.


Хавфсизлик техникасига амал қилинмаганида корпус изоляциясининг ички тешилиши ёки электр машиналар ва аппаратларнинг чулғамлари орасидаги тешилиш айниқса хавфлидир. Бунда уларнинг нормал кучланиш остида бўлмаган барча қисмлари машина билан иш кўраётган кишилар учун хавф туғдиради. Одамни бу хавфдан ҳимоя қилиш учун ҳимоя тариқасида ерга уланади.

Электр двигателлари ва ёруғлик манбаларига энергия берувчи электр қурилмалар тўрт симли қилиб, 380/220 в ёки 220/127 в га мўлжаллаб қурилади. Тўртинчи сим ерга тўла уланади ва бу ҳолда унинг потенциали нолга teng бўлгани учун у ноль сим дейилади. Ерга ўтиш қаршилиги жуда кичик бўлган металл воситасида улангани учун тўла уланади деб юритилади. Ноль симга электр машиналарнинг, трансформаторлар, светильникларнинг корпуслари электр аппаратларининг приводлари, ўлчаш трансформаторларининг иккиламчи чулғамлари, шчитларнинг металл каркаслари ва бошигалар уланади. Ноль симнинг ўзи энергия манбай олдида ҳам, истеъмолчи олдида ҳам ерга уланади. Бундай установка 14-33- расмда кўрсатилган.

Бу ҳолда фазалардан бири, масалан, с фаза, ерга уланганда бир фазали қисқа туташув ҳосил бўлади ва бу фазанинг автомати ёки

сақлагиши уни энергия манбаидан ажратиб қўяди, *a* ва *b* фазаларнинг кучланиши, ерга нисбатан, фаза кучланишига, яъни 220 ёки 127 в га тенглигича қолади. Агар ерда турган одам *a* ва *b* фазаларнинг изоляциясиз симига тегса, унга фақат фаза кучланиши таъсир қиласди. Агар нейтрал ерга уланмаганида эди, автомат ёки сақлагиши ерга уланган *c* фазани ажратмаган бўлар ва одам *a* ҳамда *b* фазаларга нисбатан 380 ва 220 в кучланиш остида бўлар эди.

Нейтрални изоляцияланган системаларда ҳимоя тариқасида ерга улаш 14-34- расмда кўрсатилганидек



14-34- расм. Нейтрални изоляцияланган уч симли ток системаси.

бажарилади, ерга уланадиган қурилманинг қаршилиги эса 4 ом дан ошмаслиги керак. Агар генераторлар ёки трансформаторларга энергия берувчи тармоқнинг қуввати 100 ква дан ортиқ бўлмаса, қурилманинг қаршилиги 10 ом гача бўлиши мумкин.

Ерга улаш қўйидагича амалга оширилади. Бевосита ерга тегиб турган металл 1 жинс ерга улаги ч дейилади (14-33 ва 14-34- расмлар). Биринчи навбатда ерга улаги ч сифатида биноларнинг металл конструкциялари, ерга ишончли уланган жиҳоз, ерга ётқизилган трубопроводлардан (газ ва ёнувчи суюқлик оқадиган трубопроводлардан эмас) фойдаланилади. Агар бундай конструкциялар бўлмаса, ерга улаги чларни сунъий равишда тайёрланади.

Сунъий ерга улаги чларни диаметрлари 35 — 40 мм деворларнинг қалинлиги 3,5 мм бўлган пўлат трубаларнинг бўлакларидан, ёки полкаларининг қалинлиги 4 мм дан кам бўлмаган бурчакли пўлатдан қилинади. Ерга улаги члар сони ҳисоблаб топилади, бироқ иккитадан кам бўлмаслиги керак. Ерга улаги чларнинг узунлиги 2 — 3 м. Улар ерга учлари ер юзидан 0,4 — 1,5 м чуқур турадиган қилиб кўмилади ва бир-бирига қалинлиги 4 мм дан кам бўлмаган пўлат полосалар билан пайвандлаб қўйилади, пўлат полосаларнинг ётиш чуқурлиги 0,3 м.

Электр қурилмаларнинг ерга уланадиган барча қисмлари ерга улаги члар билан ерга уловчи ўтказгичлар 2 ёрдамида уланади. Бундай ўтказгичлар сифатида ҳам биринчи навбатда биноларнинг металл конструкциялари, металл трубалар, куч кабелларининг кўроғошин ва алюминий қобиқларидан фойдаланилади. Сунъий ерга уловчи симлар кесимлари 24 mm^2 ва йўғонлиги 3 ми дан кам бўлмаган пўлат полосалар ёки диаметрлари 5 мм дан кам бўлмаган доиравий пўлат симлардан қилинади. Бу ўтказгичлар жиҳозларга болтлар билан уланади ёки пайвандланади. Ерга уловчи симлар бинафша рангга бўяб қўйилади.

Үн бешинчи боб ЭЛЕКТР АВТОМАТИКАСИ АСОСЛАРИ

15-1. УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

Хозирги вақтда техника прогрессини таъминловчи асосий восита ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштиришdir.

Механизациялашда меҳнат унумдорлиги ортади, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннахии камаяди, миқдори ортади ва сифати яхшиланади. Одам оғир ва ҷарчатадиган, баъзан эса ҳавфли меҳнатдан озод бўлади.

Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ишлаб чиқариш тараққиётнинг анчагина юқори босқичидир. Бу ҳолда бошқариш ва контрол қилишни автоматик қурилмалар бажаради. Одам ишлаб чиқаришда автоматик қурилмани дастлабки тўғрилашда, ростлашда ва даврий равишда созлаб туришдагина қатнашади.

Фан ва техниканинг одамни машиналар ва механизмларни бевосита бошқаришдан озод қилишга имкон берувчи восита ва ментодларини ўрганувчи тармоғи автоматика дейилади.

Автоматик қурилмаларга механик, электр, радиотехника, гидротехника, теплотехника аппаратлари ва механизмлари киради. Бу аппаратуранинг хоссалари қурилманинг ишлаш характеристини белгилайди. Релели ва контакторли аппаратура қўлланилганда қурилмаларни масоғадан туриб автоматик ишга туширадиган, тормозлайдиган, ҳимоя қиласидиган ва тўхтатадиган реле-контакторли бошқариш хосил бўлади. Процесси узлуксиз бошқариш ва автоматик ростлаш керак бўлганда электр машина ва магнитли кучайтиргичлар, ион-электрон аппаратура, реле ва контакторлар ҳамда ҳисоблаш қурилмаларидан фойдаланилади.


Қуйида юргизиш, ҳимоя ва автоматик ростлашнинг баъзи соддалаштирилган схемаларидан номиналар кўрамиз.

15-2. РЕЛЕ ЁРДАМИДА АВТОМАТИК ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Истеъмолчи ёки генераторни автоматик ҳимоя қилишни, кучланниш, қувват, тезлик, температура ва бошқа катталиклар чегара қийматига эришиши билан қурилма уни автоматик ажратадиган қилиб қуриш мумкин. Магнитли ишга туширгични баён қилаётганини мизда (14-28-расм) иссиқлик релеси ёрдамига нагруззканинг ортиб кетишидан ҳимоя қилишни кўрсатган эдик. Қуйидаги мисолда (15-1-расм) истеъмолчи иккита ток релеси T ва двигателни мальум аниқ белгиланган вақтдан кейин ажратувчи битта вақт релеси B ёрдамида ҳимоя қилинган.

Ток тармоғи ABC дан ток мойли виключатель I нинг контактлари ва ток трансформатори 2 орқали асинхрон двигателнинг ста-

тори 3 га ўтади. Агар двигатель фазаларидан бирида ток йўл қўйилган қўйматдан ортиб кетса, ток трансформаторининг иккиламчи чулғами ва тегишли реле 4 да ҳам ток ишга тушиш катталигича ортиб кетади. Реле контактлари туташади ва энергия манбаи 5 дан ток вақт релеси 6 нинг чулғами орқали ўтади. Агар токнинг ўтиш



15-1- расм. Реле ёрдамида автоматик ҳимоя.

вақти реленинг ушлаб туриш вақтидан кўп бўлса, у ҳолда унинг контактлари ҳам туташади. Бунда ток манба 5 дан мойли виключителнинг ажратувчи ғалтаги 7 орқали ўтиб, асосий тармоқ 1 нинг контактларини узади.


15-3. ПАРАЛЛЕЛ УЙГОТИШЛИ ЎЗГАРМАС ТОК ДВИГАТЕЛИНИ ИШГА ТУШИРИШНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

Маълумки, ўзгармас ток двигателини ишга туширишда якорь билан кема-кет қилиб ишга тушириш қаршилиги уланади, бу қаршиликдвигатель айланиши тезлаша борган сари оз-оздан ажралиб боради. 15-2-расмдаги ҳолда у r_1 ва r_2 қаршиликлардир. Бу қаршиликлар автоматик ажратилиши керак. Бунинг учун схемада иккита K_1 ва K_2 тезланиш контакторлари қўйилган, уларнинг электр магнитлари иккита P_1 ва P_2 тезланиш релелари билан бошқарилади, бу релелар вақт релеларидир. Якорь занжирида K контакторнинг чизиқли (ишчи) контактлари кўрсатилган, унинг чулғами \mathcal{Y} қўшиш ва T тўхтатиш кнопкалари билан кетма-кет уланган. \mathcal{Y} юргизиш кнопкаси билан K контакторнинг BK блокировка контактлари параллел уланган.

Рубильник қўшилганда ток уйготиш чулғами 3 га, ундан ташқари, P_1 реле чулғамидан якорь орқали r_1 ва r_2 қаршиликларга ҳам боради. Бу ток жуда кичик ва двигатель қўзғалмайди. Бироқ бу ток таъсирида P_1 реле ишга тушади ва унинг контактлари ажралади. P_2 реле контактларни ажрака олмайди, чунки r_1 қаршиликдан олинадиган ток жуда кичик бўлганидан кучланиш ҳам жуда кичик.

Агар *Ю* кнотика босилса, у ҳолда «плюс» тутқичдан ток чизиқли *K* контакторнинг чулгамига ўтади. Бунда бир вақтнинг ўзида *K* ишчи контактлар ва *BK* блок-контактлар туташади. *Ю* кнотика кўйиб юборилиши мумкин.

Якорь, r_1 ва r_2 қаршиликлар орқали юргизиш токи I_{10} ўтади ва якорь айланга бошлайди. r_1 қаршилигда кучланиш тушиши P_2 реле чулғамига тармоқланадиган тоқ релени ишлашга мажбур қилиб, контактларини ажратиш учун етарли бўлади. P_1 реленинг чул-




15-2- расм. Ўзгармас ток двигателини автоматик юргизиш схемаси.

ғами K контактор контактлари билан шунтланган бўлади ва бир-қанча, аввалдан белгиланган вақтдан кейин чулғамда ток реленинг контактлари туташадиган даражада камаяди. Бунда K_1 контакторнинг чулғами 1 орқали ток ўтади ва контактор r_1 қаршиликни қисқа туташтириб ишга тушади.

Шундай құйліб, якорь занжирдаги қаршиликнинг бир қисми ажратылған бўлиб қолади ва ток қайтадан I_1 қийматга эришади. Кучланиш тушиши Ir_1 нолга teng бўлиб қолгани учун P_2 реленинг чулғами реле контактларини ажратылған ҳолда тутиб туролмаиди ва бирмунча вақтдан кейин унинг контактлари туташади. Бунда ток контактор чулғами 2 дан оқа бошлайди ва у r_2 қаршиликни шунтловичи K_2 контактларни туташтиради. Шу билан ишга тушириш процесси тамом бўлади. Двигателни тұхтатиш учун T кнопкани босишининг ўзи кифоя. Уйғотиш чулғамини шунтловичи 4 қаршилик разряд қаршилик дейилади, унинг сон қиймати (4-5) r_1 ga teng. Бу қаршилик уйғотиш чулғами тасодифан узилгандан чулғами тешилишдан сақладайди.

15-4. АВТОМАТИК РОСТЛОВЧИ ҚУРИЛМА СХЕМАСИННИГ ЯСАЛИШ ПРИНЦИПИ

Автоматик ростловчи қурилма схемасини ясашни нагрузка U -гарданда уч фазали синхрон генератор кучланишини доимий сақлашдан иборат энг содда мисолда қараб чиқайлик, 15-3-расмда U кучланиши доимий сақланадиган генератор I күрсатилган.



15-3- расм. Генератор кучланишини қўлда ростлаш схемаси.

Ростланиси керак бўлган аппарат ёки машина ростланувчи объект деб аталади. Бизнинг ҳолда генератор I ростланувчи аппаратdir. Ростланилаётган физик катталик эса ростланувчи параметр дейилади. Қаралаётган ҳолда U кучланиш ростланувчи параметр. Кучланиш I ток таъсирида ўзгаради. Ростланувчи параметрни ўзгаришига таъсири қилувчи ташқи таъсири ғалаёнлантирувчи таъсири дейилади.


Кучланишни ишчи ўзгаририётган бўлса, у кучланишнинг ўзгариши ҳақида информациини сигналлар датчиgidан, бизнинг ҳолда вольтметр 2 дан олади. Вольтметр кўрсатишларини кучланишнинг берилган катталиги билан солишиб, ишчи ўйготиш реостати 5 нинг қаршилиги катталигини ўзгариради ва бу билан кучланишнинг дастлабки катталигини тиклаб генераторга таъсири кўрсатади.

Ростловчи қурилманинг алоҳида элементларининг вазифалари ва ўзаро алоқаларини аниқлаш учун структура схемалар деб аталувчи шартли схемалардан фойдаланилади.

Генератор кучланишини ростлашнинг структура схемаси 15-4-расмда кўрсатилган. Ғалаёнлантирувчи таъсири F , яъни ток, ростланувчи обьект I нинг, яъни генераторнинг U ростланувчи параметрини ўзгариради. Таъсирининг кетма-кетлиги стрелкалар билан кўрсатилган. Генератор датчик 2, яъни вольтметр орқали кучланишнинг ўзгариши ҳақида ишчи 3-4 га сигнал беради. Ишчи қаршилик 5 ни ўзгаририб, ростланувчи обьект I га таъсири қиласди.

15-4-расмда кўрсатилган таъсиирларнинг кетма-кет занжирни берк контур ҳосил қилишга, яъни генератор I дан яна генератор I га келишига аҳамият бериш керак. Занжир охирги элементининг унинг бош элементга бундай боғланиши тескари боғланишни қўйида баён қилинадиган схемаларда амалга ошириш мумкини бўлган қўйшимча тескари боғланишлардан фарқли равишда асосий тескари боғланиш дейиш мумкин.

15-5-расмда одам ростлаш процессидан батамом четлатилганда генератор кучланишини автоматик



15-4- расм. Генератор кучланишини қўлда ростлашнинг структура схемаси.

ростлаш схемаси кўрсатилган. Фалаёнлантирувчи таъсир F ростланувчи объект 1 нинг U ростланувчи параметрини ўзгариради. Ростланувчи параметр U нинг ўзгариши ҳақида схеманинг элементи 2 га сигнал беради. Ростланувчи параметрнинг ўзгариши ҳақида сигнал бериладиган элемент ўлчаш элементи дейилади. У параметрнинг қийматини берилган қиймат билан тақослади, қиймаглар фарқидан сигнал ҳосил қиласди ва уни схеманинг келгуси элементларига узатади. Ўлчаш элементида со злаш (C) имконияти назарга олинган бўлиши керак, чунки ростланувчи параметрнинг қийматлари ҳар хил берилиши мумкин.

Кўп ҳолларда ўлчаш элементи томонидан схеманинг келгуси элементларига берилган сигнални ўзгаририш мақсадга мувофиқ: масалан, ўзгармас ток сигнали ўзгарувчан ток сигналига айлантирилади. Шунинг учун схеманинг бир хил сигнални иккинчи хил сигналга айлантирувчи элементи 3 ўзгарирувчи элемент дейилади.

Кўпинча элемент 3 олган сигнал шунчалик заиф бўладики, у билан схеманинг келгуси элементларига таъсир қилиб бўлмайди. Бунда элемент 3 да қўшимча энергия киритиш назарда тутилади (K). Бу ҳолда схеманинг сигнални ўзгаририб ҳамда бир вақтнинг ўзида кучайтириб берувчи бу элементи кучайтирувчи элемент дейилади.


Энди сигнал схеманинг келгуси элементи 4 га берилиши керак, бу элемент сигнални ижро қиласди, масалан, схемада ростловчи реостат дастасини суради. Бу ҳар қандай системадаги двигатель бўлиши мумкин. Схеманинг сигнал таъсирида иш бажарувчи элемент и жро қилувчи элемент дейилади.

Ростланувчи объект 1 га таъсир кўрсатувчи охиригя элемент 5 ростловчи элемент дейилади. Бу генераторнинг уйғотиш занжиридаги ростловчи реостат бўлади.

15-5-расмда кўрсатилган схема намунавий схемадир.

15.5. ГЕНЕРАТОР КУЧЛАНИШИНИ АВТОМАТИК РОСТЛАШ СХЕМАСИ

15-6-расмда уйғотиш чулғами 2 қўзғатгич 3 дан энергия оладиган синхрон генератор 1 кўрсатилган. Қўзғатгич 4 нинг уйғотиш чулғами қўзғатгич якори тутқичларига реостат билан кетма-кет уланган. Реостат юпқа бурчакли шайбалардан кўмир устунча 5 каби йигилган. Чўзилган пружина 6 нинг кучи ригач 7 ни қўзғалмас таянч атрофида айлантиради ва кўмир шайбалар ичидан ўтувчи штири 8 ёрдамида бу шайбаларни сиқиб, устинча 5 нинг қаршилигини камайтиради. Иккинчи томондан, электромагнит 9 ричаг 7 нинг учини тортиб, штири 8 ни кўтаради ва устинча 5 га босимни сусайтириб,



15-5-расм. Генератор кучланишини автоматик ростлашнинг структура схемаси.

унинг қаршилигини оширади. Электромагнит 9 нинг чулғами генератор 1дан селенли түғрилагич 10 орқали түғрилаган ток олади. Генераторнинг берилган кучланишини сақлаб туриш учун автоматик ростлагични қаршилик 11 ни ўзгаририш йўли билан ростланади.


Нагрузка камайиши туфайли генератор кучланиши ортганида электромагнит 9 чулғамида ток кўпаяди, устинча 5 га босим кучи камаяди,

унинг қаршилиги ортади ва қўзғагич 3 нинг уйғотиш токи камаяди. Бунинг натижасида генераторнинг уйғотиш чулғами 2 да ток камаяди, унинг кучланиши пасаяди ва дастлабки қийматига яқинлашади. Аксинча, генератор кучланиши камайганида ростлагич уни оширишга ҳаракат қиласи.

Ростлагичнинг 15-6-расмга мос структура схемаси 15-7-расмда кўрсатилган. Иккала схемада ҳам ростланувчи объект — генератор 1, ростланувчи параметр — генераторнинг U кучланиши, ўлчаш элементи — түғрилагич 10, электромагнит 9 ва пружина 6, ростловчи элемент қўмир устинча 5 дир. Ростлаш қаршилик 11 ни ўзгаририш билан амалга оширилади. 3, 4 қўзғатгич ва реостат 12 ростланувчи обьектга тегишли.

15-6-расмдаги системага ўхшаш системалар тўғри таъсири системалари дейилади, чунки бу системаларда ўлчаш элементи 10-9-6 ростловчи элемент 5 га бевосита (тўғри) таъсири қиласи. Бундай системалар ўлчаш элементи сигали вужудга келтираётган куч ростловчи

15-6-расм. Генератор кучланишини автоматик ростлаш схемаси.



15-7-расм. 15-6-расмга мос холда ростлашнинг структура схемаси.

элементни ишга тушириш учун етарли бўлганида қўлланилади.

Ғалаёнлантирувчи таъсирида генераторнинг кучланиши ўзгарганида, генератор кучланиши билан унинг номинал қиймати ўртасида фарқ ҳосил бўлади. Бу фарқ системанинг номумофиқлашиши деийилади. Ростлагич бу фарқни иолга келтириши, яъни кучланиш ўзгаришсиз қолиши керак. Шунинг учун 15-6-расмда келтирилган дагига ўхшаш ростлаш системалари доимий параметрни ростлаш системалари дейилади.

Бироқ тўғри таъсири автоматик ростлаш системаси нагрузка таъсирида ўзгарган кучланишини унинг аввалги қийматига аниқ келтира олмайди. Ҳақиқатан ҳам, агар генератор токи камайганида

кучланиш оргтан бўлса, кучланиши доимий сақлаш учун уйғотиш токи камайтирилиши керак. Демак, янги, кичик нагруззкада автомат ростланиш бошланганига қадар бўлганидан кичик уйғотиш токини барқарор қиласди. Бунинг учун устунча 5 нинг қаршилиги (15-б-расм) катта бўлиши, устунчага бўлган йиғинди босим кам бўлиши керак. Бу электромагнит 9 чулғамининг тортиш кучи катта бўлгандагина мумкин. Бироқ, электромагнит ҳосил қиласдиган куч унинг чулғамига бериладиган кучланишга пропорционал бўлади. Бинобарин, генераторнинг кучланиши ростлаш режими нинг охирида ростлаш бошланган вақтдагидан бирмунча катта бўлади.

Худди шу сингариғи нагрузка ортганида автомат пасайган кучланиши ростланиш бошланган пайтдаги қийматидан бирмунча кичик катталиkkача орттириб беради.

Бу принципда ростловчи системалар статик системалар дейилади. Уларда ғалаёнланиш таъсирида ростланувчи параметр аниқ доимий қийматини сақламай, аввалдан берилган чегаралардаги маълум қийматларни қабул қиласди.

Агар, масалан, ток I_{\min} , дан I_{\max} гача ўзгарганида, кучланиш U_{\max} , дан U_{\min} гача чегарада ўзгарса,


$$\delta = \frac{U_{\max} - U_{\min}}{U_n}$$

ни бат статизм деб юритилади. Статизм қанча кам бўлса, генератор берилган кучланиши шунча аниқ сақлаб туради.

15-6. АВТОМАТИК РОСТЛАШ СИСТЕМАЛАРИДА ТЕСКАРИ БОГЛANIШ


Автоматик ростлашда статизмдан ташқари яна битта салбий фактор мавжуд. 15-8-а расмда генератор токининг I_1 катталиқдан I_2 катталиқка тўсатдан камайиш диаграммаси берилган. Бунда U_1 кучланиш (15-8-б расм) ростлагичдаги статизм натижасида, ниҳоят $U_2 > U_1$ га тенг қилиб белгиланади. Бироқ, бундан ташқари, кучланиш U_2 қийматга тўсатдан эмас, балки маълум сондаги тебранишлардан сўнг эришади. Агар ростлагичнинг конструкцияси яхши бўлмаса, бу тебранишларнинг амплитудаси ва давомлилиги йўл қўйилмайдиган дараражада бўлиши мумкин. Бу тебранишлар ростлаш системасига кирувчи қурилмалар барча қисмларнинг механик ва электромагнит инерцияси туфайли бўлади.

Шунинг учун автоматик ростлагичларда қутилманинг статизмини кўпайтирмасдан, бу тебранишларни иложи борича тезроқ сўндирувчи чоралар кўрилади. Бундай чоралардан бири ростловчи қурилмаларнинг тескари боғланishi иди р.



15-8- расм. Автоматик ростлашда кучланишнинг тебранишлари.

15-9- расмда 15-7- расмдаги структура схемасининг ўзгаргани берилган. Унда ростловчи элемент 5 ва ростланувчи объект 1 орасида асосий тескари боғланишдан ташқари, 10—9—6 ўлчаш элементи билан ростланувчи объект 1 орасида кўшимча T_B тескари боғланиш киритилган. Автоматик ростлашда тескари боғланиш деганда одатда фақат шу кўшимча тескари боғланиш тушунилади.



15-9- расм. Тескари боғланиш бўлганида ростлашнинг структура схемаси.


Чиқиш сигналига ёки схема ихтиёрий элементи сигналининг ўзгариш тезлигига пропорционал бўлиб, ўзидан аввалги ихтиёрий элементга қўшимча берк контур ҳосил қилиб узатиладиган таъсир тескари боғланиш дейилади.

Тескари боғланиш бошқарилувчи объектга қисқароқ йўлдан таъсир қилиб, схеманинг ишлаш тезлигини орттиради, яъни тез таъсир қилиш натижасида кучланишнинг дастлабки сакрашини камайтиради ва унинг тебранишларини тезда йўқ қиласди.

Тескари боғланишлар фақат инсон яратган механизмларда эмас, балки табиатнинг барча тирик организмларида ва одам организмидаги мавжуд бўлади. Бирор сабабга кўра организмда тескари боғланишларнинг бузилиши организм ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келади.

15-10- расмда тескари боғланишни амалга ошириш усуулларидан бири кўрсатилган. У 15-9- расмдаги схемага кўра 10—9—6 ўлчаш элементи ва ростланувчи объект орасида амалга оширилган. Боғланиш электромагнитдаги қўшимча тескари боғланиш чулғами 13 ва тескари боғланиш трансформатори 14 орасида бўлади. Трансформаторнинг бирламчи чулғами қўзғаткич туткичларига, иккиласми чулғами эса чулғам 13 га уланган. Қаршилик 15 тескари боғланишни созлаш учун хизмат қиласди.

Генератор 1 нинг U кучланиши доимий бўлганда, қўзғаткичининг кучланиши ҳам ўзгармайди ва трансформаторнинг бирламчи чулғами 13 орқали ўзгармас ток ўтади. Трансформаторнинг иккиласми чулғамида ва 13 чулғамда ток ҳосил бўлмайди. Агар генераторнинг кучланиши орта бошласа, аввал кўрсатганимиздек қўзғаткичининг кучланиши камая бошлайди ва трансформаторнинг бирламчи чулғамида ток ўзгара бошлайди. Буният натижасида трансформатор-



15-10- расм. Тескари боғланишиш ростлагичи.

нинг иккиламчи чулғами ва электромагнит чулғами 13 да ток вұжудға келади.


9 ва 13 чулғамлар уларнинг тортиш күчлари құшиладиган қи-либ үралған ва шунинг учун устунча 5 га бұлған босим тескари боғланиш бўлмагандагига қараганда тезроқ камаяди. Бунга боғлиқ равишида қўзғаткич күчланиши ва генераторнинг уйғотиш чулғами 2 да ток тезроқ пасайди ва күчланишининг дастлабки сакраши кам бўллади. Күчланиш тебранишлари деярли бўлмайди ва унинг ўзгариш графиги (15-8- б расм) пункттир билан кўрсатилган даврий бўлмаган эгри чизиқдан иборат бўллади. Шундай қилиб, ростлагич режимнинг ўзгаришини тезроқ сезади.

15-7. ЭЛЕКТР МАШИНА КУЧАЙТИРГИЧИ ЁРДАМИДА КҮЧЛАНИШНИ АВТОМАТИК РОСТЛАШ

Электр машина кучайтиргичи (ЭМК) автоматик ростлашнинг берк схемаларида кенг қўлланилади. Куйида 15-11- расмда ЭМК нинг генератор күчланишини ростлашда қўлланиши кўрсатилган. Ўзгармас ток генератори 1 якори расмда кўрсатилмаган бирламчи двигатель ёрдамида айлантирилади. Генератор уйғотиш чулғами 2 ўзининг асинхрон двигатели 4 та-
монидан айлантириладиган ЭМК тут-
қичлари 3 га уланган. ЭМК нинг уйғотиш чулғами 5 ўзгармас ток манбаидан ростловчи қаршилик 6 ор-
қали таъминланади. Мазкур ҳолда бу чулғам тоғшириқ берувчи чулғам деб аталади, чунки токни ростлаб,
қаршилик 6 ни ўзgartириши билан ЭМК якори токини ва генератор уйғотиш чулғами 2 нинг токини ўзgartириш, демек, унинг күчланишини ростлаш мумкин.

ЭМК нинг иккинчи чулғами 7 бошқарыш чулғами дейилади ва генератор якори тутқичларига уланади. 5 ва 7 чулғамларнинг магнитловчи күчлари бир-бирига қарама-қарши йўналған ва шундай қилиб, натижавий магнитловчи күч $F_n = F_5 - F_7$. Агар генераторнинг күчланиши пасайса, бошқарыш чулғами 7 да ток камаяди, натижавий магнитловчи күч ортади. Уйғотиш чулғами 2 да ток ортади ва генераторнинг күчланиши дастлабки күчланиши катталигига яқин катталилкка ортади. Агар генераторнинг күчланиши ортса, ростлагич уни ҳам дастлабки катталигигача пасайтиради.

Бу ҳолда чулғам 7 күчланиш бўйича чиқиш катталиги — U күчланиш ва кириш катталиги — уйғотиш токи (I_u) орасида тескари боғланиши амалга оширади. Бу тескари боғланиш




15-11- расм. Электр машина кучайтиргичи ёрдамида генератор күчланишини ростлаш.

манфий тескари боғланиш дейилади, чунки чиқиш катталигининг камайиши кириш катталигининг ортишига сабаб бўлади ва аксинча. 15-10- расмда кўрсатилган схемада ҳам тескари боғланиш манфий бўлганини кўриш осон. Турли ростлаш схемаларида манфий тескари боғланишларнинг айниқса кенг қўлланилиши бундай схемаларнинг ўз-ўзидан ростланиш қобилияти билан тушунтирилади.

15-8. ЎЗГАРМАС ТОК ДВИГАТЕЛИНИНГ АЙЛАНИШ ТЕЗЛИГИНИ СТАБИЛЛАШ СХЕМАСИ

15-12- расмда генератор-двигатель (ГД) схемаси кўрсатилган. Генератор 1 нинг якори ва ЭМК 2 нинг якори асинхрон двигателлар билан айлантириллади. Тахогенератор 3 машина-қуролни айлантирувчи ўзгармас ток 4 двигатели якори билан механик боғланган. Двигателнинг уйғотиш чулғами 5 га ток доимий кучланишили тармоқдан келади, генератор 6 нинг уйғотиш чулғами ўша тармоққа ЭМК 2 нинг якори билан кетма-кет уланган.



15-12- расм. Ўзгармас ток двигателининг айланниш тезлигини стабиллаш схемаси.

ЭМК нинг бошқариш чулғами 7 бу схемада топшириқ берувчи чулғам ва тезлик бўйича тескари боғланиш чулғамларининг вазифасини бажаради, чунки унинг токи бўлувчига 8 дан олинадиган кучланиш ва тахогенератор 3 нинг э.ю.к. билан аниқланади. Шундай қилиб, $E_7 = U_8 - E_3$.

Схема шундай созланганки, двигатель 4 якорининг айланниш тезлиги нормал бўлгандага $U_8 - E_3$, ЭМК нинг уйғотиш чулғамидағи кучланиш эса нолга тенг. Агар тезлик камайган бўлса, у ҳолда $E_3 < U_8$, уйғонган ЭМК қўшимча токни генератор 6 нинг уйғотиш чулғамига юборади ва двигателнинг тезлиги ортади. Двигатель тезлиги ортганида ҳодисалар тескари тартибда бўлиб ўтади. Потенциометр 8 сургичини ҳаракатлантириш билан двигатель 4 тезлигини ихтиёрий ростлаш мумкин.

15-9. СИНХРОН КУЗАТУВЧИ ЮРИТМА


Автоматик қурилмаларга кузатувчи системалар ҳам киради. Агар илгаридан билиш мүмкін бўлмаган қонун бўйича ўзгарувчи бирор физик катталикини кузатиш керак бўлса, у ҳолда бу катталикинг ўзгаришини узлуксиз ва аниқ «кузатувчи» система ҳосил қилинади, бу система физик катталикинг ўзгаришига боғлиқ ҳолда ҳаракат қиласди. Бундай система кузатувчи система дейилади.

Аввал (12-12-§) сельсинларнинг кузатувчи системаларида ишлатилишини айтиб ўтган эдик. Сельсин-датчикнинг бурилиш бурчаги ортидан сельсин-приёмник узлуксиз кузатиб боради ва ўша бурчакка бурилади. Бироқ бурилиш бурчagini қайта ишлаш учун катта куч керак бўлса, 12-25-расмда берилган схема ярамайди.


Сельсинлардан фойдаланилдиган кузатувчи қурилманинг соддалаштирилган схемаси 15-13-расмда келтирилган. Статори ўзгарувчан ток тармоғига уланган сельсин-датчик ростлаш системасига кирмайди, балки топшириқ берувчи қурилма (TBK) деб аталувчи системага киради, бу системанинг топшириғига мувофиқ схема ҳаракатга келади. Бу сельсиннинг ротори сельсин-приёмник 1 нинг ротори билан электрик уланган. Сельсин-приёмник схеманинг ўлчаш элементи бўлиб, у ростланувчи объект 5 билан механик боғланган. Сельсин-приёмникнинг статори 12-25-расмда кўрсатилганидан фарқли ўзгарувчан ток тармоғига эмас, балки кучайтирувчи қурилма 2 га уланган ва у бирламчи чулғами ротор чулғами бўлган трансформаторнинг иккиласми чулғамидир.

Кучайтирувчи қурилма ўзгарувчан ток 3 икки фазали ижро қилувчи двигателнинг бошқарувчи чулғамини ток билан таъминлайди, бу двигателнинг иккиласми чулғами тармоққа уланган. Ижро қилувчи двигатель ростланувчи объект 5 билан редуктор 4 ёрдамида механик боғланган. Қурилманинг структура схемаси 15-14-расмда берилган.

Агар топшириқ берувчи қурилма TBK сельсин-датчик роторини бурса, у ҳолда номувофиқлик бурчаги θ туфайли ротор-приёмник 1 чулғамидан ток оқади. Сигнал кучайтиргич 2 да кучайтирилгандан сўнг ижро қилувчи двигатель 3 нинг бошқарувчи чулғамига келади ва двигатель редуктор 4 ёрдамида ростланувчи объект 5 ва у билан бирга сельсин-приёмник 1 роторини θ номувофиқлик бурчагига буради. Шундай қилиб, θ бурчакка бурилиш узлуксиз бажарилади.




15-13-расм. Кузатиш қурилманинг ишлаш схемаси.



15-14-расм. 15-13-расмга мос структура схема.

15-15- расмда $U_{\text{кир}}$. кириш күчланиши тарзыда берилган сигнални валнинг бурилиш бурчагига айлантирувчи электромеханик кузатиши системаси кўрсатилган. Бу схемада кучайтиргич 1 га шундай күчланиш фарқи ΔU берилади, у $U_{\text{кир}}$. кириш күчланиши ва U_c статибилиланган күчланишли тармоқга қўшилган күчланиш бўлгичи 2 дан олинган U_b күчланишларнинг фарқига тенг, яъни $\Delta U = U_{\text{кир}} - U_b$. Бу күчланиш кучайтиргич 1 нинг кириш тутқичларига берилади ва у кучайтирилгандан кейин бўлгич сургичи 4 ни ҳаракатлантирувчи ижро қилувчи двигателъ 3 нинг тутқичларига берилади.



15-15- расм. Күчланиш системаси сигнални ўзгартирилши.

Агар $U_{\text{кир}} = U_b$ бўлса, $\Delta U = 0$ ва двигатель қўзғалмас. Бу вақтда бурилиш бурчаги кириш күчланишига пропорционал. Бу ерда ишлатилаётган бўлгич — чизикли бўлгич ва унинг күчланиши сургич 4 нинг ҳаракатига, яъни двигатель валининг бурилиш бурчагига, пропорционал. $U_{\text{кир}}$. ўзгарганида, ΔU күчланиш пайдо бўлади ва двигатель айланниб, сургични яна $\Delta U = 0$ бўлган янги вазиятга суради. Янги бурилиш бурчаги янги кириш күчланишига пропорционал.

$U_{\text{кир}}$ узлуксиз ўзгарганида двигатель сигналга пропорционал катталикка бурилиб, сигналнинг ўзгаришини узлуксиз кузатади. $U_{\text{кир}}$. сигнал, масалан, самолёт, ракета ва бошқа нарсаларнинг ҳаракатини кузатувчи ҳисоблаш қурилмасидан олинади, кузатувчи система эса мудофаа воситаларини нишонга тўғрилади.

Үн олтинчи боб ҲИСОБЛАШ ҚУРИЛМАЛАРИ

16-1. ҲИСОБЛАШ ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ ВАЗИФАСИ

Кейинги ўн йилликлар электрон-ҳисоблаш техникасининг гуркираб ривожланиши ва унинг халқ хўжалигининг барча тармоқларига қўтланиши билан характерланади. Электрон-ҳисоблаш қурилмалари (ЭВУ—ЭХК) Ернинг сунъий йўлдошлари ва космик кемаларни учирини, атом реакторларини ишга тушириш, об-ҳавони олдиндан айтиб бериш ва илгари ечиб бўлмаган шу сингари қўпгина мураккаб масалаларни муваффақиятли ечишга имкон берди. Ҳозирги вақтда бу қурилмалар халқ хўжалигини планлаштириш ва бошқаришда тобора қўпроқ қўлланимлмоқда; меҳнат ва моддий воситаларни минимал сарфланган ҳолда максимал техник ва

иқтисодий ютуқларга эришиш сингари масалалар мұваффақият-ли ҳал этилмоқда. СССР Фанлар академияси иқтисодий-математика тадқиқотлари лабораториялари Кузбасс шахталарининг 1964—1970 йиллар давомида ривожлантиришнинг ва 1970 йилда Сибирь ва Үзөқ Шарқ цемент заводларини жойлаштиришнинг оптимал вариантларини аниқлаш сингари масалаларни ҳал қилиб берди. Мамлакатимиз саноатининг химия, металургия ва бошқа тармоқлари да технология процессларини ҳисоблаш қурилмалари базасыда автоматлаштирилган системалар воситасыда бошқаришга оид ишлар олиб борилмоқда. Ҳисоблаш техникасини қишлоқ хұжалигіда қўллаш тупроқни систематик анализ қилиш, ўғитларининг зарурий миқдорини аниқлаш ва мамлакатимиз районлари бўйича қишлоқ хұжалик экинларини рационал жойлаштиришга имкон беради. Электрон-ҳисоблаш қурилмаларини медицинага татбиқ этиш соҳасида истиқболи натижалар олинди. Албатта, бу қурилмалар мудофаа техникасида кенг қўлланилмоқда.


Электрон-ҳисоблаш қурилмаларининг қўллаш соҳасидаги мұваффақиятлар уларга юкландган вазифаларнинг тез бажарилишидадир. Гап шундаки, кўпгина техник ва қишлоқ хұжалик (масалан, об-ҳавони олдиндан айтиб бериш, ишлаб чиқариш процесси боришининг ўйналишини аниқлаш, Ер сунъий йўлдошлари ва ракеталарнинг траекторияларини ҳисоблаш каби) масалаларни ҳал қилиш қисқа вақт ичida бир неча номаълумли мураккаб тенгламаларни ечишни талаб этади. Бу тенгламаларни қўлинча жуда кўп сонли содда амалларга ажратиш йўли билан ечиш мумкин бўлиб, бу амалларни бажариш учун шунъча кўп вақт керак бўладики, олинган натижалар бефойда бўлиб қолади. Бундай ҳолларда фақат электрон-ҳисоблаш қурилмаларига ўз вақтида жавоб олишга имкон серади. Бундан ўн йиллар илгари электрон-ҳисоблаш қурилмалари нинг секундига 2000—4000 математик амал бажариши юқори кўрсаткич деб қаралган бўлса, ҳозирги вақтда серияли ишлаб чиқарилаётган электрон-ҳисоблаш қурилмалари секундига бир неча ўн минг ва ундан ҳам кўп амал бажаради, баъзи электрон-ҳисоблаш қурилмаларида эса бажариладиган амаллар сони секундига юз мингларга етади.

Қўйида электрон-ҳисоблаш қурилмалари баъзи элементларининг вазифаси ва ишлаши ҳақида асосий тушунчаларига берилади.

16-2. ЭЛЕКТРОН-ҲИСОБЛАШ ҚУРИЛМАЛАР СИСТЕМАЛАРИ

Ҳисоблаш қурилмаларини икки группага бўлиш мумкин: уз-луксиз ишловчи ҳисоблаш қурилмалари ёки аналог ҳисоблаш қурилмалар (АВУ—АХҚ) (улар баъзан моделловчи ҳисоблаш қурилмалари деб ҳам юритилади) ва рақамли ҳисоблаш қурилмалари (ЦВУ—РХҚ). 16-1-расмда айни бир кучланиш катталигининг икки усулда олинган тасвири кўрсатилган. Биринчи усулда кучланиш катталиги, масалан 219,5 в, стрелкали вольтметрда ўлчанади. Ўлчаш узлуксиз амалга сширилади ва ўлчанаётган катталикнинг икки энг яқин қийматлари бир-

биридан ихтиёрий кичик қийматга фарқ қилиши мумкин. Иккинчи усулда кучланишнинг катталиги сонлар билан берилади. Бу ҳолда ўзгариб турувчи катталиктинг бир қийматининг иккинчи қийматидан фарқи ҳисоблаш қурилмасида олдиндан белгиланган разрядлар сонига боғлиқ бўлади. Масалан, агар бутун сонлар учун уч хона каср сонлар учун икки хона белгиланган бўлса, катталик нинг иккита энг яқин қийматлари ўнли системада бир-биридан



16-1- расм. Катталикин узлуксиз ва дискрет ишловчи приборлар ёрдамида ўлчаш.

юздан бирга фарқ қиласди, яъни 219,50; 219,51; 219,52. Аналог ҳисоблаш қурилмалари ($A\dot{X}K$) да ечимнинг аниқлиги унга кирувчи элементлар (мазкур ҳолда вольтметр) нинг аниқлиги билан чекланган бўлади, рақамли ҳисоблаш қурилмалари ($R\dot{X}K$) да эса аниқлик сонни тасвирлашдаги хоналар сонигагина боғлиқ ва у жуда катта бўлиши мумкин. Аналог ҳисоблаш қурилмалари ($A\dot{X}K$) да масалани рақамли ҳисоблаш қурилмалари ($R\dot{X}K$) га нисбатан тезроқ ечилади; аналог ҳисоблаш қурилмалари соддароқ, бироқ улар бир типдаги масалаларни ечишга мосланган. Рақамли ҳисоблаш қурилмаларида юқори аниқлик билан ишлаш тезлигининг катталиги мужассам бўлиб, улар универсалдир; бу сифатлар уларни фан, техника, медицина ва экономиканинг турли соҳаларида қўллашга имкон беради.


16-3. АНАЛОГ ҲИСОБЛАШ ҚУРИЛМАЛАРИ

Ҳар қандай қиммат турадиган обьект (машина, самолёт, тўғон, кема) ни қуришдан аввал унинг ҳисоблаб топилган кўрсаткичларни оқлашига ишонч ҳосил қилиш зарур. Агар аниқ ҳисоб қилиш мумкин бўлмаса, тажрибавий намунасини қуриш ва уни синаш керак бўлади. Бундай усул қимматга тушади, баъзида мутлақ бажариш мумкин бўлмайди, кўпинча эса киши ҳаёти учун хавфли бўлади. Шунинг учун обьектга аналог (ўхшаш) модель қуриш афзал бўлади ва у синаб кўрилади. Самолёт, кема, тўғон ва шу сингариларнинг модели қурилади ва улар одатдаги муҳитда (аэродинамик труба, канал ва шу сингари) синалади. Бундай физик моделлаш қимматга тушади ва кўпинча, айниқса, иссиқлик ва динамик процессларни моделлашда буни бажариш ниҳоятда қийин.

Бундай ҳолларда математик моделлаш усулидан фойдаланилади. Бунда ишлаши назарда тутилган объектнинг ишлашини ифодалайдиган формулалар билан бир хил формулаларда ифодаланадиган модель танланади.

Масалан, қум тўлдирилган (16-2-*a* расм) ва гидравлик қаршилиги r_q бўлган AB трубадан t вақт ичида ўтаётган фильтрланувча сув микдори Q_c , сув сатҳлари фарқи H бўлганда

$$Q_c = \frac{H}{r_q} t$$




16-2- расм. Гидравлик қурилмаларни моделловчи электрик схема.

га тенг бўлади. Бироқ, занжирнинг AB қисмидан t вақт ичида ўтган электр микдори ҳам шунга ўхшаш формула билан аниқланади (16-2- *b* расм):

$$Q_s = \frac{U_{AB}}{r_s} t.$$

Шундай қилиб, бу қурилмаларда содир бўладиган ҳодисалар битта формула билан ифодаланади, бироқ синовлар ўтиказиш учун электр схема қулай. Шу сабабли бу схемани, гарчи у бошқа физик асосда қурилган бўлса-да, 16-2-*a* расмдаги гидравлик қурилманинг модели деб ҳисоблаш мумкин. Амалда кўп масалалар математик жиҳатдан ечилиши улкан меҳнат ва вақт талаб қиласиган мураккаб тенгламалар билан аниқланади. Бундай масалаларга энг яроқли бўлган электротехник асосдаги математик моделлаш методи қўйланилади.

16-3- *a* расмда сув сизувчи тупроқда қурилиши керак бўлган тўғон кўрсатилган. Сув тупроқдан сизиб ўтиб, тўғонни яксон қилиши мумкин. Сув сизишининг босимлари ва тезликларини аниқлаш




16-3- расм. Тўғон остидаги тупроқда сув фильтрланишининг босимларини электрик мөддель ёрдамида аниқлаш.

учун мураккаб ва узоқ ҳисоблашлар талаб қилинади, физик моделни қуриш эса кўпинча қийин ва қимматга тушади. Агар қуриш кўзда тутилган тўғон асоси шаклида электр ўтказувчи қоғоз варани 1 қирқилса (16-3-б расм) ва сув сатҳлари босимларининг фарқи $H_B - H_H$ ни моделловчи U_{BH} потенциаллар фарқи берилса, моделнинг турли нуқталаридаги потенциалларни шчуп 2 билан ўлчаб тўғон остидаги тупроқнинг турли нуқталаридаги босимларга пропорционал катталикларни ҳосил қилиш мумкин. Бунда тенгламаларни ечмасдан туриб тенг босимлар (потенциаллар) чизиқлари чизилади. Моделни кейинчалик мукаммаллаштиришда электр ўтказувчи қоғоз жуда кичик қаршиликлардан тузилган тўр билан алмаштирилади. Бу қаршиликлар бир жинсли бўлмаган тупроқнинг турли жойлардаги фильтрация қаршиликларини моделлашга имкон беради.


16-4. МОДЕЛЛОВЧИ ҚУРИЛМАЛАРДА ПОТЕНЦИОМЕТРЛАР ЁРДАМИДА ҲИСОБЛАШ

Автоматик қурилмалар ва кузатувчи системаларда датчиклардан олинган сигналлар турлича ўзгартирилади (12-9, 12-10, 12-11, 15-9- § лар): қўшилади, айрилади, бўлинади, кўпайтирилади, дифференциалланади, интегралланади ва тенгламалар ечилади, шу билан бирга бу амалларнинг ҳаммаси тез ва узлуксиз бажарилиши керак. Бундай амалларни узлуксиз ишловчи ҳисоблаш қурилмалари бажаради.

16-4-расмда, механик катталик (бурилиш бурчаги) ни электр катталика айлантирувчи, кўпайтириш ва бўлиш амалларини бажаришга хизмат қилувчи кузатувчи системаларда эса кучланиш сигналини бурилиш бурчагига айлантирувчи потенциометрнинг тузилиши кўрсатилган. Изоляцияловчи каркас 1 га солиштирма қаршилиги юқори бўлган сим ўралган. Ўқ 3 бурилганда чўтка 2 симнинг тозаланган сирти ва контакт ҳалқаси 4 бўйлаб сирпанади. Шундай қилиб, сим учларига берилаётган U_1 кучланиш чўтка 2 да U_2 ва $U_1 - U_2$ кучланишларга бўлинади. Потенциометр каркаси 16-5-а



16-4. расм. Потенциометриниң тузилиши.



16-5. расм. Потенциометрлар каркасларининг шакллари.

расмда ёйилган ҳолда кўрсатилган. Каркасининг кенглиги ўзгармас бўлган потенциометр чизиқли потенциометр дейилади, чунки

$$U_2 = U_1 \frac{a}{a_m} = U_1 \cdot x \quad (16-1)$$

бу ерда a ва a_m чўтканинг бурилиш бурчаги ва унинг максимал қиймати, x —эса a бурчакнинг улуш қиймати. Агар $x = \text{const}$ бўлса, потенциометр бирдан кичик бўлган доимий коэффициентга кўпайтириш блоки бўлиб хизмат қиласди. Агар a ва U_1 ўзгарса, бу потенциометр U_1 ва x икки ўзгарувчан катталикларни кўпайдири учун ҳам хизмат қиласди.

Кўпинча автоматик ҳисоблаш қурилмаларида потенциометр бурилиш бурчаги ва кириш кучланиши орасидаги чизиқли бўлмаган боғланишини бериши керак. У ҳолда потенциометрнинг каркаси бошқача шаклда бўлади. Агар r_m ва r потенциометрнинг тўла қаршилиги ва унинг қисми бўлса, у ҳолда

$$\frac{U_2}{U_1} = \frac{r}{r_m} = f(x).$$

x бўйича дифференциаллангандан сўнг биринчи ҳосила қўйидагига тенг:

$$\frac{1}{r_m} \frac{\Delta r}{\Delta x} = f'(x); \quad (16-2)$$

$$\Delta r = p \frac{\Delta l}{p} = p \frac{2y \Delta w}{q} = p \frac{2yw_m \Delta x}{q},$$

бу ерда Δr , p , Δl , q , Δw , w_m — қаршиликнинг ўзариши. солишиб тирима қаршилик, сим узунлигининг ўзариши, симнинг кесими, каркаснинг кенглиги, сим ўрамлари сонининг ўзариши, чўтка Δx ма софага силжигандаги сим ўрамларининг умумий сони.

У ҳолда каркаснинг кенглиги

$$y = \frac{r_m \cdot q}{2pw_m} f'(x) = k f'(x), \quad (16-3)$$


яъни каркаснинг шакли берилган функциянинг ҳосиласига пропорционал бўлган функциядир.

Агар $f(x) = x$ бўлганда, $f'(x) = 1$ бўлади, шунинг учун каркас тўғри бурчакли бўлиши керак; $f(x) = x^2$ учун каркас учбурчак шаклида бўлади, чунки $f'(x) = 2x$ бўлади; ана шу ҳол 16-5-б расмда кўрсатилган ва ҳоказо. Буидай потенциометрлар функционал потенциометрлар дейилади.


16-6- расмда кириш механик сигналларни ўзгартиш — потенциометрлар сургичларини чиқиши сигналлари — кучланишга силжитиш ва айни бир вақтда бу кучланишларни AB схеманинг чиқишида қўшиш кўрсатилган. № 1 ва № 2 потенциометрлар U_0 стабиллашган кучланишли энергия манбаига уланган, уларнинг ўрта нуқталари эса кисқа туаштирилган. Потенциометрлар бўйлаб I_1 ва I_2 токлар ўтади. Токли фазада $U_1 = I_1 r_1$ ва $U_2 = I_2 r_2$ кучланиш тушиши со-

дир бўлади, бу ерда r_1 ва r_2 — потенциометрларнинг сургичлари ва ўрта нуқталари орасидаги қаршиликлар қисмлари. Агар контурни A ва B чиқиш нуқталари орасида $A - 1 - 2 - 3 - 4 - B$ йўналишда айланиб чиқилса, $U_{AB} = U_1 + U_2$ бўлишини ва қурилманинг кеинги бирор каскадидаги r_3 қаршилик орқали ток B тутқичдан A

тутқичга томон юрнишини тушуниш осон. У вақтда C ургичлар ўрта нуқталар қаршисида турган вақтда $U_{AB} = 0$.



16-6- расм. Потенциометрлар ёрдамида кучланишларни қўшиш схемаси.



16-7- расм. Потенциометрлар ёрдамида кучланишларни айриш схемаси.

16-7- расмда $U_{AB} = U_1 - U_2$ кучланышлар айрималарини ҳосил қилиш учун потенциометрларни улаш схемаси кўрсатилган, чунки контурни $A - 1 - 2 - 3 - 4 - B$ йўналишда айланиб чиқишида потенциометрлардаги кучланиш тушишлари бир-биридан айрилади.

Юқорида келтирилган барча узлуксиз ишловчи ҳисоблаш қурилмаларининг қўйидаги умумий муҳим камчиликлари бор: уларда нагрузка чиқиши кучланиши катталигига таъсир қиласди, ҳисоблашлар аниқлигининг кичикилиги ва бажариладиган математик амаллар сонининг чегаралангандиги. Бу камчиликлар ҳозирги аналог ҳисоблаш қурилмаларида ечувчи (амаллар бажарувчи) кучайтиргичлар киритиш йўли билан бартараф қилинган. Бу кучайтиргичлар ўзгарамас ток кучайтиргич (УПГ — ўТК) лари базасида ҳосил қилинади. Ечувчи кучайтиргичларни баён қилиш бу китоб рамкасига кирмайди.

16-5. РАҚАМЛИ ҲИСОБЛАШ ҚУРИЛМАЛАРИ (ЦВУ—РХҚ)НИНГ ВАЗИФАСИ ВА УЛАР ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Баъзи ҳолларда фан ва техника соҳасидаги турли процессларни моделлар ёрдамида тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Бундан ташқари, аналог ҳисоблаш қурилмалари (АВУ — АҲҚ) нинг ечиш аниқлиги бу қурилмаларга кирувчи элементлар аниқлигига боғлиқ бўлиб, бир неча процентнингина ташкил қиласди. Бироқ, қатор масалаларни ечишда (снарядлар, ракеталар, йўлдошлар, сайёralар траекторияларини ҳисоблашда) хатолик миллион ва миллиард марта кичик бўлиши керак. Рақамли ҳисоблаш қурилмалари (ЦВУ — РХҚ)

да ечиш аниқлиги истаганча бўлиши мумкин, чунки бу қурилмаларда аниқлик фақат қурилма мўлжалланган сонларнинг хона сони билан белгиланади. Рақамли ҳисоблаш қурилмалари универсал ва улар фан, техника, медицина, экономиканинг исталган соҳасида қўлланиши мумкин. Бу қурилмалар соф ҳисоблаш амалларидан ташқари мантиқий масалаларни сонлар кўпайтмасининг ишорасини аниқлаш, сонларнинг бир қисмини ажратиш ва улардан янги сонлар ҳосил қилиш, текстни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш, шахмат этюдларини ечиш, библиография адабиётларини танлаш ва шу сингари масалаларни ҳам ҳал қилиши мумкин.


Рақамли ҳисоблаш қурилмалари инсон белгиланган қоидалар бўйича бажарадиган ва ақлий меҳнатнинг формал турлари деб аталувчи мантиқий масалаларнинг бажариши мумкин. Электрон техника қўлланадиган ҳозирги замон рақамли ҳисоблаш қурилмалари механик ҳисоблаш қурилмаларининг мантиқий тараққиётидан иборатdir.

16-6. РАҚАМЛИ ҲИСОБЛАШ ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ ЯСАЛИШ ПРИНЦИПИ

Бир турдаги барча масалаларни ечиш (иккита кўп хонали сонни қўёшиш, квадрат илдиз чиқариш ва ҳоказо) учун натижага олиб келувчи маълум тартибда бажарилувчи соддароқ амаллар системасини аниқ белгилаб олиш мумкин. Бундай белгилаб ёзиш алгоритм дейилади.


Алгоритм терминининг ўзи ўрта асрларда яшаган ўзбек математиги Ал-Хоразмий номидан келиб чиққан. Ал-Хоразмий IX асрдаёқ бундай белгилаб олиш қоидаларини ишлаб чиққан. Бундай белгилаб олишнинг характеристи шундаки, уни одам ишнинг асл маъносини тушунмаган ҳолда бажариши мумкин. Одамдан унча кўп бўлмаган соддароқ амалларни ўйламаган ҳолда, бироқ аниқ бажариш талаб қилинади. Шундай экан, электрон техниканинг ҳозирги аҳволида одамнинг ўрнини шундай қурилма эгаллаши мумкинки, агар бу қурилма алгоритм билан (бу ҳолда у программа деб аталади) таъминланса, масалани одам учун мумкин бўлмаган даражада тез ечиб беради.

16-8-расмда ҳисобчи-одам ишининг структура схемаси кўрсатилган. Ишлаш процессида ҳисоблагич 1 ҳар бир амални бажариш учун рақамлар, ҳарфлар, алгебраик амаллар ишоралари ва бошқалар ёрдамида ёзилган программа 3 дан фойдаланади. Бу маълумотлар асосида у қоғозда, чўтда ёки арифометрда ҳисоблайди, яъни ўзида мавжуд бўлган арифметик қурилма 2 ни ишга туширади. Ҳисоблашлардан кейин у бу ҳисоблашларни қоғоздаги маълум графа (ячейка)га ёзиб олади, бу нарса унинг учун олинган натижаларни узоқ вақт давомида сақлай оладиган хоти-



16-8-расм. Ҳисобчи-одам ишининг структура схемаси.

ра қурилмаси 4 бўлиб хизмат қилади. Жуда узоқ сақлаш ке- рак бўлмаган нарсаларни одам ўз хотириасида келгуси амал учун сақлаб туради. Ҳисобчи программанинг биринчи пунктини бажар- гач хотира қурилмаси 4 дан программа талаб қилган натижаларни олади ва программанинг иккичи пунктини бажаради ва ҳоказо. Шундай қилиб, бутун ҳисоблаш программаси пунктма-пункт бажа- риб борилади. Бу айтилганларга асосан равшанки, рақамли ҳисоб- лаш қурилмалари (ЦВУ—РХК) учун ҳам 16-8-расмда кўрсатил- ганга ўхшаш структура схемасига эга бўлиш лозим.



16-9- расм. Рақамли ҳисоблаш қурилмасининг (ЦВУ—РХК) структура схемаси

Ҳозирги замон рақамли ҳисоблаш қурилмалари (ЦВУ—РХК) нинг структура схемаси 16-9-расмда кўрсатилган. Бу схемада бошқариш қурилмаси ҳисобчи-одам функциясини бажариши кераклиги равшан. Хотира қурилмаси одатда икки алоҳида блокдан иборат: ҳисобчининг қоғозлаги ёзувларини, справочнилар, жадваллар ва ҳоказолардаги ёзувларни имитация қилувчи ташқи хотира қурилмаси, ҳисоблашларда тез ва узлуксиз фойдаланиладиган ва узоқ сақланмаслиги керак бўлган маълумотларни гина сақловчи оператив хотира қурилмаси. Арифметик қурилма ҳисобчи фойдаланадиган қофоз, чўт, арифмометр, клавишили механик машина ва шу сингари барча ҳисоблаш воситаларининг ўрнини босади. Рақамли ҳисоблаш қурилмалари тез ишлаши (секундига минг ва ўнлаб минг амал бажара оладиган бўлиши) учун қурилманинг барча блоклари ана шундай тезликда ишлай олиши керак. Афсуски, программани киритиш ва натижаларни чиқариш блоклари бу шартларни ҳали қаноатлантирмайди. Алоҳида блокларнинг тузилиши қўйида баён қилинади.

16-7. РАҚАМЛИ ҲИСОБЛАШ ҚУРИЛМАЛАРИ АЙРИМ БЛОКЛАРИНИНГ ЎЗАРО ТАЪСИРИ

Рақамли ҳисоблаш қурилмасининг иши киритиш қурилмаси орқали оператив хотира қурилмасига программани киритишдан бошланади (16-9-расм); программа машина бажариши керак бўлган

барча ҳаракатлар (сонни олиш, қаердан олиш, у билан қандай амал бажариш, ҳисоблашлардан кейин қаерга жойлаш, ишни тұхтатищ ва ҳоказолар)дан иборат аниқ ва қатъий кетма-кетликда санаб ўтилган команда (фармойиш)лардан иборат. Ҳар бир команда икки қисмдан: нима қилиш кераклигини күрсатувчи оператив ва математик амал бажариладиган сонлардан иборат. Команданинг биринчи қисміда амал коди ёки шифр и деб аталувчи шартли сон билан, масалан, 01 — құшиш, 02 — айриш, 03 — күпайтириш, 04—бўлиш ва ҳоказо күрсатилади. Команданинг иккінчи қисміда эса сонларнинг ўзи эмас, уларни қаердан олиш керак бўлған жой күрсатилади. Гап шундаки, ҳар бир сон хотира қурилмасининг алоҳида ячейкасида жойластирилади, улар ячейка адреси деб аталувчи номерлар билан таъминланади. Шундай қилиб, 01 0025 0030 0175 команда 0025 ячейкадан олинган сонни 0030 ячейкадаги сон билан құшиш ва натижани 0175 ячейкага жойластиришни буоради. Программа оператив хотира қурилмасига киритилгач, рақамли ҳисоблаш қурилмаларининг ҳамма иши автоматик бажарилади.

Рақамли ҳисоблаш қурилмаларини бошқариш кучланиш ёки ток импульслари еоситасида бажарилади. Бу импульслар кучайтирилди, уларни тўғри бурчакли қилиш учун шакллантирилди ва улар маълум шартли комбинацияларда сонларни ифодалаши мумкин. Бу импульслар бошқариш қурилмасида шакллантирилди ва улар ёрдамида хотира қурилмасидан сонлар ва командалар сараланади. Адресларига мос равища сонлар хотира қурилмасидан арифметик қурилмага узатилади ва у ерда команда коди бўйича кўрсатилган ҳисоблаш амали бажарилади. Ҳисоблаш натижаси қайтадан командада кўрсатилган адрес бўйича хотира қурилмасига берилади (16-9-расм). Бир амал бажарилиб бўлингандан сўнг бошқариш қурилмаси арифметик қурилмадан амалнинг бажарилгани ҳақида жавоб олади ва программанинг келгуси пунктини бажаришга киришади.

16-8. ҲИСОБЛАШНИНГ ИККИЛИ СИСТЕМАСИ

Ҳисоблашларда одатда биз ўнли позицион системадан фойдаланамиз. Бу системада 0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 белгилар рақамлар деб аталади ва ноль ҳамда биринчи тўққизта бутун сонни ифодалайди. Ўн икки рақам 1 ва 0 билан белгиланади ва система-нинг асоси ҳисобланади. Бу қатордаги ҳар бир рақам ўзининг позицияси ва сондаги ўрнига қараб турлича қийматга эга бўлади. Масалан, 345,2 сонида: вергулдан ўнгда иккита ўндан бир— $2 \cdot 10^{-1}$ вергулдан чапда—бешта бирлик— $5 \cdot 10^0$; тўртта ўнлик— $4 \cdot 10^1$ ва учта юзлик— $3 \cdot 10^2$. Бинобарин, соннинг ҳаммаси қўйидагича ифодаланади.

$$345,2 = 2 \cdot 10^2 + 4 \cdot 10^1 + 5 \cdot 10^0 + 2 \cdot 10^{-1} \text{ бирлик.}$$

Агар ихтиёрий системадаги счётчикни кўз олдимизга келтирсан, у ҳар бир хонада тўққизта турли турғун вазиятни эгаллай олиши

карак. Рақамлч ҳисоблаш қурилмалари учун асоси 2 бўлган ва иккили система деб аталадиган система куладай бўлиб чиқди, бу системада фақат иккита рақам 0 ва 1 бўлади. Биринчи (ўнг) хонада бир ўринга икки (2) пайдо бўлиши керак бўлганда, икки бир (1) кўринишда катта хонага ўтказилади, кичик хонага 0 қўйилади.

Бундай ҳисоб, масалан, ҳар бир симида иккитадангино донаси бўлган чўтлардан фойдаланганда ҳосил бўлади (16-10- расм),


<i>Чўтлар иккапар бўрлар сони</i>							
<i>Иккили системо Ўнли системо</i>	0	1	10	11	100	101	110
	0		2	8	4	6	6

16-10- расм. Идора чўтларида ишлашда иккили ҳисоблаш.

Қўйида иккили системада ёзилган бир неча сон берилган:

1 — бир	1011 — ўн бир
10 — икки	1100 — ўн икки
11 — уч	1101 — ўн уч
100 — тўрт	1110 — ўн тўрт
101 — беш	1111 — ўн беш
110 — олти	10000 — ўн олти
111 — етти	0,1 — ярим
1000 — саккиз	0,01 — чорак
1001 — тўққиз	0,001 — саккиздан бир
1010 — ўн	0,11 — тўртдан уч

Шундай қилиб, иккили системанинг 1011,1 сони: вергулдан ўнгда битта ярим $-1 \cdot 2^{-1}$ ва чапда битта бир $-1 \cdot 2^0$, битта икки $-1 \cdot 2^1$, нолта тўрт $-0 \cdot 2^2$ ва битта саккиз $-1 \cdot 2^3$, яъни $(1011,1)_2 = -1 \cdot 2^3 + 0 \cdot 2^2 + 1 \cdot 2^1 + 1 \cdot 2^0 + 1 \cdot 2^{-1} = (8 + 0 + 2 + 1 + 0,5 = 11,5) \cdot 10 \cdot 2$ ва 10 индекслар системанинг асосини билдиради.



16-11- расм. Иккили сонни импульслар серияси билан узатиш.

Кўриниб турибдики, бу ҳолда ҳар бир хонада рақамнинг бўлиши (1) ёки унинг бўлмаслиги (0) импульслар билан бошкариладиган реле типидаги счётчиклар томонидан: уланган—узилган, кучланиш сигнали бор — сигнал йўқ, магнит лентасининг қисми магнитланган—магнитланмаган ва ҳоказо тарзида характеристаниши мумкин.

Масалан, 10111 иккили сон 16-11- расмда кўрсатилган кучланиш сигналлари (импульслари) орқали узатилиши мумкин. Рақамли ҳисоблаш қурилмаларида шу принцип қўлланилади. Иккили система нинг камчилиги бунда счётчик разрядларининг сони ўнли система дагига нисбатан кўплигидир, бироқ бу камчилик рақамли ҳисоблаш

қурилмаларининг жуда соддалиги билан билинмай кетади. Соңларни ўнли системадан иккили система ва аксинча, иккили система-дан ўнли системага рақамли ҳисоблаш қурилмалари (ЦВУ—РХҚ) нинг ўзи ўтказади.

16-9. ИККИЛИ СИСТЕМАДА АРИФМЕТИК АМАЛЛАР

Иккили системанинг афзаллиги шундаки, унда соңлар билан бажариладиган арифметик амаллар ўнли системадаги сингари содда бўлади. Чапда ўнли системада, ўнга эса иккили системада тасвирланган икки сонни қўшамиз (1- мисол).

1- мисол	2- мисол	3- мисол
$\begin{array}{r} +25 \\ +19 \\ \hline 44 \end{array}$	$\begin{array}{r} -25 \\ -19 \\ \hline 06 \end{array}$	$\begin{array}{r} +11001 \\ -10011 \\ \hline 00110 \end{array}$
$\begin{array}{r} +81 \\ +01100 \\ \hline 100101 \end{array}$		$\begin{array}{r} \uparrow 1 \\ \dots \\ 110 \end{array}$

Ўнли системада $5 + 9$ қўшишда бир (яъни бир ўнлик) ўнликларнинг юқори хонасига ўтказилади ва ўнликлар сонига қўшилади $2 + 1$. Иккили системада ҳам худди шундай биринчи (ўн) хонанинг иккита бири иккини беради, бир сингари бу ҳам иккиликлар хонасига ўтади, биринчи хона йиғиндисида ноль ҳосил бўлади. Иккинчи хонанинг иккита бири (иккиси) йиғиндида тўртни беради, бу бир сингари, тўртликлар хонасига ўтказилади. Иккиликлар хонасидаги йиғинди нолга teng, тўртликлар хонасидаги йиғинди бирга teng ва ҳоказо.

Айришда (2-мисол) ўнли системада ўнлар хонасидан бирни қарз олишга тўғри келади ва айрма олтига teng чиқади. Иккили системада зарур бўлганда катта хонадан иккини, тўртни ва ҳоказо олиб туришга тўғри келади. 2- мисолнинг биринчи хонасида айрма нолга teng. Иккинчи хонадаги қарз олинган иккidan бир айрилади ва айримада бир қолади. Учинчи хонада бир қолади, тўртинчи ва бешинчи хоналарда ноль қолади.

Рақамли ҳисоблаш қурилмаларида айриш одатда тескари код билан ёзилган сонни қўшиш билан алмаштирилади, яъни соннинг бирликлари ноль билан, ноллари бирлар билан алмаштирилади. 3- мисолда шундай қўшиш бажарилган. Ўнли системада бу қуидагича бажарилади. Камаювчи 25 шундай сон билан қўшиладики, бу сон айрилувчини бир ва ноллар билан ифодаланган сонгача тўлдирсиз ($100 - 19 = 81$) ва йиғиндиндан юқори хонанинг бири ташлаб юборилади. Жавоб айришдаги сингари олти чиқади.

Иккили системада 11001 сонига 10011 сони тескари код билан ёзилишда, яъни 01100 сон тарзида қўшилади. Сўнгра йиғиндининг катта хонасидаги бири кичик хонага ўтказилади ва унга қўшилади. Худди айришдаги сингари жавоб келиб чиқади. Буларнинг ҳам-

масини рақамлы ҳисоблаш қурилмаларининг арифметик қурилмаси мустақил равишда бажаради.

Иккили системада күпайтириш жадвали ҳаддан ташқари содда:

$$0 \cdot 0 = 0; \quad 1 \cdot 0 = 0, 1 = 0; \quad 1 \cdot 1 = 1.$$

4 ни 5 га ёки иккили системада 100 ни 101 га кўпайтирамиз (4- мисол).

$$\begin{array}{r}
 4\text{- мисал} \\
 \times \quad 100 \\
 \hline
 101 \\
 \times \quad 100 \\
 \hline
 000 \\
 100 \\
 \hline
 10100
 \end{array}$$

Шундай килиб, бирга кўпайтиришда кўпаючи сон кўчириб ёзилади, нолга кўпайтиришда эса чапга бир хона сурилади. Барча кўпайтириш кўпайтирилаётган сонни бир хона суриш ва қўшишга келтирилади, бу ишни арифметик қурилманинг ўзи бажаради.

Бўлиш ва ҳосил (5-мисол). амалий бўлувчини бўлинувчидан бир неча марта айниш қилинган қолдиқни ўнгдан тўлдиришга келтирилади

$$\begin{array}{r}
 5\text{- мисол} \quad 111000 \\
 - \quad 1000 \\
 \hline
 1100 \\
 - \quad 1000 \\
 \hline
 1000 \\
 - \quad 1000 \\
 \hline
 0000
 \end{array}
 \qquad
 \begin{array}{r}
 1000 \\
 111
 \end{array}$$

яъни $56 : 8 = 7$.

Күпайтириш күп марта құшиш билан, бўлиш күп марта айириш билан алмаштирилганлигидан, айириш эса құшиш билан алмаштирилганлигидан барча арифметик амаллар құшишга келтирилади.

16-10. РАҚАМЛЫ ҲИСОБЛАШ ҚУРИЛМАЛАРИ БАЪЗИ ЭЛБЕНГТЛАРИНИНГ ИШЛАШ ПРИНЦИПИ


Ҳар бир рақамли ҳисоблаш қурилмаси хотира қурилмаси, бош-қарыш қурилмаси, арифметик қурилма сингари қурилмалардан, қу-рилмалардан ҳар бири эса ячейкалар деб атaluвчи алоҳида тип-даги элементлардан тузилган. Ҳар бир ячейка муайян ишни бажа-ради ва умумий схемага маълум тағзда киритилганда юборилган импульсни ўтказади ёки ушлаб қолади, уни кучайтиради ёки бирор хонага суради ва ҳоказо.

Ячейканинг берилган ҳолати унга берилаётган кучланишнинг юқори ёки паст бўлиши билан, кучланиш импульсилик бор-йўқлиги ёки икки қутбли импульслардан фойдаланиши билан белгилана-ди. Рақ мли ҳисоблаш қурилмаларида бир томонлама ўтказувчи асбоблар — вакуумли ёки чала ўтказгич диодлар ва триодлардан фой-даланилади (13-бобга қаранг). Бу асбоблар келгусида 16-12-расмда кўрсатилилгандек тасвирланади. Асбоб аноднинг потенциали катоднинг


потенциалидан юқори (асбобнинг қаршилиги кам) бўлганда ток ўтказади ва кучланиш қутблиги тескари (асбобнинг қаршилиги жуда катта) бўлганда ток ўтказмайди.

а) Клапан ёки вентиль

Клапан (вентиль) 16-13-расм да күрсатилган. Унинг кучланиш импульсини ушлаб қолиш ёки ўтказишга мўлжалланганилиги клапан деб аталишидан ҳам маълум. Ҳақиқатан ҳам, киришнинг юқори нуқтасига мусбат қутбланган тўғри бурчакли импульс берилган бўлса, у ҳолда вентиль орқали ток аноддан катодга томон ва бошқарувчи кириш электр занжирин орқали у расмда кўрсатилмаган ерга уланган симга томон ўтади. *r* қаршилик катта, веятилнинг қаршилиги эса жуда кичик ва кучланиш фақат *r* қаршиликдагина тушади деб ҳисоблаш мумкин. Бинобарин, анод потенциали, демак, схеманинг чиқиши ҳам ер потенциални майди. Шу сабабли импульс чиқишига ноль) деб ҳисобланади. Агар киришда бошқарувчи киришга киришдаги импульс мусбат импульс берилса, у ҳолда вентильдаги ток нолга тенг, чиқиш потенциали яъни чиқишига мусбат импульс узатилишини ган вентилли барча схемаларниң ишларини олди.



16-14- расм. Модуль шишинг мантикий схемаси.




16-13 расм. Клапашнаг ишлаш схемаси.

6) Мод түшүүлүш схемаси

Мос түшиш схемаси (шартлы белгиси *И*) 16-14- расмда күрсатылған. Венгилилар анодларыда мусбат импульс пайдо бўлганинда улардан ток ўтади. *r* қаршиликда деярли ҳамма кучланиш тушади ва чиқишига импульс узатилмайди (ноль). Агар *A*, *B*, *V* киришлардан бирига мусбат импульс берилса ҳам вазият ўзгармайди, чунки бунда ток қолган иккни вентиль орқали ўтаверади. Бошқарувчи киришлардаги учала вентиль *A*, *B* ва *V* сир вақтда мусбат импульслар билан беркитилгандагина мусбат импульс (бир) чиқишига узатилади, шунинг учун бу схема мос түшиш схемаси дейилади.

в) Йиғувчи схема


Йиғувчи схема (шартли белгиси ИЛИ) 16-15-расмда күрсатылған. *A*, *B*, *V* киришлардан лоақал биттасига мусбат импульс берилгандан *r* қаршилик орқали ток оқады. Вентилларнинг ички қаршиликлари ҳаддан ташқари кичик бўлгани учун кучланишининг ҳамма тушиши *r* қаршиликка йиғилған, унинг юқори нуқтаси, демак, чикишининг юқори нуқтаси ҳам юқори потенциалли нуқта бўлади (бир). Схема турли йўналишлардан келувчи импульсларни (бирларни) йиғади, шунинг учун ҳам йиғувчи схема дейилади. Бу схема киришлардан бирига, масалан *A* га, мусбат импульс берганда, айни вақтда бошқа икки *B* ва *V* киришни юқори потенциал билан беркитиб қўяди.




16-15-расм. Йиғувчи мантиқий схема.

г) Инвертор схемаси

Инвертор схемаси (шартли белгиси НЕ) 16-16-расмда күрсатылған. Сигнал бўлмагандан (ноль) киришда триод манфий *E_c* силжиш кучланиши томонидан бекитилган бўлади. Чиқиш юқори нуқтасининг потенциали *E_a* анод кучланиши манбайнинг мусбат тутқичи потенциалига тенг бўлади, яъни чиқишда бир бўлади. Киришда (тўрда) мусбат импульс пайдо бўлганида триод ток ўтказади



16-16- расм. Инверторнинг мантиқий схемаси.



16-17- расм. Битта бошқарувчи киришли клапанлар занжирини.

ва *r* қаршилик қуий нуқтасининг кучланиши, яъни чиқишнинг кучланиши кескин тушиб кетади (ноль). Шундай қилиб, кириш сигнални — бир бошқа сигнал — нолга айланади.


Бу асосий схемалардан янада мураккаб рақамли ҳисоблаш қурилмалари (ЦВУ—РХК) схемаси ҳосил қилинади. Соддалик учун келгуси схемаларда уларнинг ерга уловчи қисмлари кўрсатылмайди.

д) Клапанлар занжири


Битта бошқарувчи киришли клапанлар занжири 16-17- расмда күрсатилган. Бошқарувчи киришига вентилларни беркитувчи импульс берилган ҳолдагина импульслар киришдан чиқыша узатиласи. Агар бу импульс бўлмаса, киришларда мусбат импульс бўлганда, вентиллардан ток ўтиб туради ва r қаршиликларда кучланиш тушиши катта бўлгани туфайли анодлар ва чиқишлар потенциали нолга яқин бўлади.

е) Силжитгич схемаси

Бир хона (разряд) силжитгич схемаси 16-18- расмда кўрсатилган. Юқорида кўрсатилганидек, иккили системада бирга кўпайтиришда кўпаювчи соннинг ўзи ёзилар, нолга кўпайтиришда эса шу соннинг ўзи бир хонага силжитиб ёзилар эди. Силжитиши амалини силжитгич бажаради.



16-18- расм. Бир хонага силжитгич схемаси.



16-19- расм. Триггер схемаси.

Агар фақат рақамлар киришидагина юқори потенциал мавжуд бўлса-ю, I ва II шиналарда эса бундай потенциал бўлмаса, у ҳолда 1, 2, 3, 4 диодлар орқали ток ўтади ва киришдаги потенциаллар жуда кичик (сигналлар йўқ). Шина I га мусбат импульс берилганда 1 ва 2 диодлар беркилади; импульслар 6 ва 8 диодлар орқали ўрта ва ўнг чиқишиларга ўтади. Диод 7 чап кириш юқори потенциали билан беркилади. Агар шина II га импульс берилса, 3 ва 4 диодлар беркилади. 5 ва 7 диодлар орқали импульслар чап ва ўрта чиқишиларга узатиласи (чапга силжийди), диод 6 эса юқори потенциали билан блокировка қилинган бўлади.

ж) Электрон триггер

Электрон триггер ёки электрон реле рақамли ҳисоблаш қурилмаларининг энг муҳим элементидир. Электрон триггер 16-19-расмда кўрсатилгандек (13-бобга ҳам қаранг) иккита триоддан ёки битта қўш триоддан йиғилади. Бу реленинг хусусияти шундаки, унинг барқарор ҳолати лампанинг фақат битта ярмидан, масалан, ўнг ярмидан ток ўтиб, бошқа—чап ярмидан ток ўтмаганда ёки, аксинча, чап ярмидан ток ўтиб, ўнг ярмидан ўтмагандагина бўлади.

Бундай бўлиши мумкин эмас деб, яъни L_1 ва L_2 лампалар орқали тенг токлар ўтади деб фараз қиласлий. Айтайлик, L_1 лампа қаршилигининг жуда кичик, тасодифий ўзгариши таъсирида унинг токи ортган бўлсин. Бу ҳолда нуқта 1 нинг потенциали камаяди, $r_5 - r_6$ бўлгичнинг токи камаяди, нуқта 2 нинг потенциали, бинобарин, L_2 лампанинг тўридаги кучланиш пасаяди ва унинг анод занжирида ток камаяди. Бунда нуқта 3 нинг потенциали ортади, демак, L_1 лампанинг тўридаги кучланиш ҳам ортади. Бунинг натижасида L_1 лампанинг анод занжирида ток кўчкисимон ортади, L_2 лампанинг анод занжиридаги ток эса камаяди. Шундай қилиб, триггер микросекунд давомида шундай ҳолатга келадики, бу ҳолатда L_1 лампа ток ўтказади (триггер очик), L_2 —лампа эса берк. Агар кириш 2 га мусбат импульс ёки кириш 1 га манфий импульс берилса, шу ондаёқ L_1 лампа беркилади, L_2 лампа эса очилади.

Триггер схемаси хотира қурилмаларида ишлатилади ва соннинг фақат битта хонасини хотирлаб қолиш учун хизмат қиласли. Триггер схемаси чала ўтказгичли триодлар билан ҳам ясалиши мумкин. $r_3 - r_5$ қаршиликларга параллел уланган сифимлар триггернинг алмашинишини тезлатишга хизмат қиласли, чунки улар бу моментда жуда кичик қаршиликлар сифатида r_2 ва r_5 қаршиликларни шунтлайди.

16-11. ИККИЛИ СЧЁТЧИКНИНГ ИШЛАШ ПРИНЦИПИ

Юқорида айтганимиздек, триггер иккили системадаги соннинг бир хонасини хотирлаш учун хизмат қиласли ва хонада рақамнинг борлигини (бир) ёки рақамнинг йўқлигини (ноль) аниқлайди. Шундай қилиб, триггерлар сони соннинг хоналари сонига тенг бўлади. Битта сонни хотирлаш учун триггерлар занжири регистр дейилади.

16-20-расмда учта хонали — учта кетма-кет уланган триггерли иккили счётчикнинг ишлаш схемаси кўрсатилган. Юқори қатордаги № 1, № 2, № 3 триггерларнинг чап қисмлари (штрихланган) ток ўтказдиган ва ўнг томонлари ток ўтказмайдиган ҳолатда дейлик. Триггерларнинг бу ҳолати ноль деб қабул қилинган ва улар ёзадиган сон 000 бўлади. № 1 триггернинг киришига бир-бири кетидан текис равища импульслар келади.

Улардан биринчиси триггерни тескари ҳолатга (1) ўтказади, бу нарса 16-20-расмнинг иккинчи сатридан ўнгга стрелка билан кўрсатилган. Счётикда 001 сони ёзилган. Иккинчи импульс № 1 триггерни ўнгдан-чапга тескари томонга ўтказади, бунда чап ярми ўтказади (0), бироқ бу ўтишда триггер ўз импульси № 2 триггерга беради ва бу триггерда чапдан ўнгга ўтиш бажарилади. Шундай қилиб, 010 сон ёзилади. № 1 триггер киришига учинчи импульс келганда яна бир ёзилади — 011, тўртинчи импульс келганда яна бир қўшилади ва бунда ўтиш ўнгдан чапга бўлгани учун импульс № 2 триггерга ўтади. Импульснинг ўтиши ўнгдан чапга бўлган эди, бинобарин, № 3 триггерга импульс № 2 триггердан узатилади.

Счётикка ёзилган сон энди 100 га тенг ва ҳоказо. Саккизинчи импульс соннинг ҳаммасини ўчиради. Шундай қилиб, уч хонали счётик ўнли системанинг 0 дан 7 гача бўлган сонларини ёзиб олади.

16-12. АРИФМЕТИК ҚУРИЛМА СУММАТОРИНИНГ ИШЛАШ ПРИНЦИПИ


Иккита иккити $A = 1110$ ва $B = 1101$ сонларни қўшиш керак бўлсин. Қўшиш одатдагидек, хонама-хона бажарилади.

$$\begin{array}{r} A = 01110 \\ B = 01101 \\ \hline C = 11011 \end{array}$$

Биринчи хона сонларини қўшишда $0 + 1$ йифинди 1 бўлади; шунингдек, иккинчи хона сонларини қўшишда


ҳам $0 + 1$ йифинди 1 бўлади. Учинчи хона сонларини қўшишда $1 + 1$ йифинди 2 бўлади. Бинобарин, икки ҳақибати бир сингари, тўртинчи хонага ўтказилади, ёки одатда айтилганидек, «бир дилда» сақланади. Бу бир ўтказиш сатри P га A сон устига қўйилган. Тўртинчи хонани қўшишдан 3 ҳосил бўлади; иккининг ярми, яъни 1 С йифиндига (суммага) ўтади, ўтказиш бири эса бешинчи хона йифиндисига ўтади, бунда

$$C = P + A + B = 1 + 0 + 0 = 1.$$



16-20-расм. Иккита счётик-ларниг ишлаши.

Йиғиш қурилмасы — сүмматор кетма-кет құшишда (юқорида күрсатилғандек) A ва B сонлари учун иккита киришга, ўтказиши P учун кириш, йиғинди C учун чиқиши да келгуси хонага ўтказилады. P сон учун чиқишига эга. Хотира блоки, бир хонали сүмматор да бир хонага ушлаб қолиши (ёки ўтказиши) қурилмасидан иборат бундай қурилма блок-схемаси 16-21- расмда күрсатилған.



16- 21- расм. Сүмматорнинг ишлаш блок-схемаси.

Сүмматорнинг (16-22- расм) ишлаш схемаси 16-10- § да қаралған I , $ИЛИ$, $НЕ$ мантиқий схемалар ёрдамида амалга оширилады. Соддалик учун ерга улаш қурилмалари, импульсларни шакллантириш да кучайтириш қурилмалари 16-22- расмда күрсатилмаган. Схемани ўрганишда қуйидагиларни эсга олиш керак.

II дан бошқа барча I схемалар E_a энергия манбасыннан мусбат тутқичига уланган бўлгани учун бу схемалар қаршиликлари r ва сигналлар манбаларининг ички қаршилиги орқали ток ўтади. Манбаларнинг манфий тутқичлари ерга уланган. Бу схемалар анодларининг потенциали унча катта эмас, чунки кучланишнинг каттагина қисми r қаршиликларда тушади. Анодларда юқори потенциал импульслари фақат барча катодларга вентилларни беркита оладиган мусбат импульслари келган моментлардагина пайдо бўлади. Фақат шундагина n схемаларнинг мусбат импульслари нарироқча узатилилади.

Вентилнинг лоақал бир анодига мусбат импульс берилгандагина $ИЛИ$ схема орқали мусбат импульс ўтади.


$НЕ$ схема лампа тўрида манфий потенциал билан беркитилған. Бундан унинг анод потенциали юқори бўлади, чунки унинг анод қаршилиги r да ток оқмайди. Бу потенциал вентиль II ни етарлича беркитиб туради, фақат шу ҳолатдагина унинг r қаршилиги орқали мусбат импульс C чиқишига ўтиши мумкин.

Лампа тўрида мусбат кучланиш импульси пайдо бўлганда у ток ўтказади; унинг анодида потенциал камаяди ва II схема очилади. Бу ҳолда II вентиль анодининг потенциали $ИЛИ$ схемадан импульс келганида паст бўлади, чунки ток $НЕ$ схеманинг лампаси орқали ўтади. Чиқиши C потенциали ҳам паст бўлади.

Энди юқорида келтирилған иккি сонни қўшиш процессини кўриб чиқиши мумкин. Хотира қурилманинг C йиғинди регистрининг

триггерлари амаллар бошланиш олдидан нолга келтириб қўйилади (16-21- расм). Бошқариш қурилмасидан даврий равишда импульс юборилиб турилади, схема ана шу импульслар билан бошқарилади. Ҳар бир даврда битта хона рақамлари қўшилади.

Биринчи импульс давомида хотира қурилмасидаги кичик хона рақамлари танланади $A=0$ ва $B=1$. Бошқача айтганда, сумматорнинг кириши B га (16-22- расм) мусбат потенциал импульси келади, ки-



16-22- расм. Сумматорнинг ишлаш схемаси.

риш A да эса импульс йўқ. У вақтда импульс $ИЛИ 1$ схема, $I1$, $ИЛИ 2$ схема қаршилиги r дан чиқиши C га ўтади ва йигинди C хотира қурилмаси регистрининг кичик хонасида триггер вазияти 1 га ўtkaziladi.

Иккинчи импульс хотира қурилмасидан $A=1$ ва $B=0$ рақамларни танлайди. Импульс кириш орқали $ИЛИ 1$, $I1$, $ИЛИ 2$ схема орқали ўтади ва чиқиши C га боради (16-22- расм). Хотира қурилмаси иккинчи хона триггери 1 вазиятга ўtkaziladi (16-21- расм).

Учинчи импульс хотира қурилмасидан $A=1$ ва $B=1$ рақамларни танлайди ва сумматорнинг A , B киришларида мусбат импульслар ёсолил бўлади. Бунда $I2$ схема беркилади ва $ИЛИ 3$ схемага мусбат импульс беради. Импульс Π ушлаб туриш схемасига ва HE схеманинг лампа тўринга ўтади. Лампа очилади ва ток ўtkaza бошлайди. $И1$ схема диоди очилади, A ва B импульслар $ИЛИ 1$ схема ва $I1$ схема орқали HE схеманинг лампасидан ўтади. $И1$ схема анодининг потенциали паст ва $ИЛИ 2$ схема орқали C чиқишига сигнал кел-


майди. Хотира қурилмасининг учинчи хона триггери *C* вазиятда қолади.

У шлаб қолиш линияси даги кучланиш импульси тўртинчи хона рақамлари қўшилгунига қадар тутиб турилади. Бу худди одам ҳисоблаш вақтида бирни «дилда» сақлаб турганидек бўлади. Кечиктириш линияси қурилмаси (3) ҳақида куйида гапириб ўтамиз.

Қўшишнинг тўртинчи тактида *A* ва *B* иккита импульс ва кечиктириш линиясидан чиқувчи *P* импульс *I₂*, *I₃*, *I₄* схемаларни бертиади, бу схемалар *ИЛИ 3* схемаси орқали иккинчи импульсни кечиктириш схемасига ва *НЕ* схемага беради. Бу ҳолда, юқорида айтилганидек, *ИЛИ 1* ва *I₁* схемалар *C* чиқишга импульс бермайди. Бироқ *I 5* схема *A* ва *B* киришнинг юқори потенциали билан ва кечиктириш схемаси *P* нинг биринчи импульси билан беркитилган бўлганидан унинг анодлари потенциали кўтарилади ва *ИЛИ 2* схема орқали чиқишга, яъни хотира қурилмасига юқори кучланиш импульси келади. Тўртинчи хона триггери *I* вазиятга ўтади.

Бешинчи тектада *A*, *B* импульслар бўлмайди, бироқ олдинги хонани қўшишдаги ўтказиладиган импульс *ИЛИ 1*, *I₁*, *ИЛИ 2* схеманинг кечиктириш линияси орқали *C* чиқишга бешинчи хона сумматорига берилади. Бу хона триггери *I* ни ёзиб қўяди. Шундай қилиб $1110 + 1101 = 11011$ сонлар ёки ўнли системада $14 + 13 = 27$ сонлар ҳосил бўлади.

16-23- расмда кечиктириш линиясининг ясалиш усулларидан бирни кўрсатилган. У акустик принципга асосланган. Симоб



16-23- расм. Кечиктириш акустик линиясининг тузилиши.

2 билан тўлдирилган пўлат най *1* га кварц *3* дан қилинган иккита пластинка резинка ҳалқалар *4* ёрдамида киритилган. Ўзгарувчан электр майдонида кварц ўз ҳажмини ўзgartиш қобилиятига эга. Агар бир пластинка киришига кучланиш импульси берилса, бу кучланиш таъсирида кварцнинг ўзи ва найдаги симоб механик тебрана бошлайди, бу тебранишлар маълум тезлик билан чиқишдаги бошқа

кварц пластинкага берилади. Кварц бу механик тебранишларни чиқишдаги электр тебранишларга айлантиришга қодир. Симобда механик тебранишларнинг ўтиш тезлиги электр импульсларининг тарқалиши тезлигидан ниҳоят даражада кичик, шу сабаблги электр импульси кечикиб узатилади. Кечикиш вақти одатда микросекундлардан иборат бўлади. Найнинг узунлигини ўзgartиш билан кечикиш вақтини ҳам ўзgartиш мумкин.

16-13. ХОТИРА ҚУРИЛМАЛАРИ

Оддий ҳисоблашда одам хотирадан фойдаланади. Баъзи маълумотларни одам қисқа вақт хотирида тутиши керак, масалан қўшишда бирнинг келгуси хона рақамлари билан қўшиш кераклигини, айришда эса бир катта хона рақамидан «қарз» олинганлигини хо-


тирада тутиши керак. Одам күпайтириш жадвалини ҳамма вақт эсда сақлаши ва керак вақтда тезда хотираға көлтириши керак, бироқ у бурчакларнинг синуслари, косинуслари рақамларини, сонлар логарифмлари ва шу сингариларни эсда сақлаши зарур эмас. Бу маълумотлар одам учун бошқа хотира қурилмаларида—справочникларда, жадвалларда ва ҳоказоларда сақланади.

Рақамли ҳисоблаш қурилмалари (ЦВУ—РХҚ) нинг хотира қурилмалари (хотираси)—триггерлардан иборат регистр, симобли ке-чикириш линияси билан биз юқорида танишган эдик. Бироқ кўп хонали кўп сонларни сақладиган хотира қурилмаси триггерлардан қилинса, жуда катта бўлиб кетади.

Рақамли ҳисоблаш қурилмаларининг барча хотира қурилмалари икки асосий группага — оператив йиғнагичлар ва ташқи жамғарувчиларга бўлинади. Оператив хотира қурилмалари арифметик қурилма билан бевосита боғлиқ ва рақамли ҳисоблаш қурилмаларининг ишлаш тезлигини белгилайди. Уларнинг сифими кичик (юз, минг ва ўн мингларча сонларга етарли) бўлади, бироқ улар сонларни жуда тез — микросекундларда қабул қилиш ва чиқаруб бериш қобилиятига эга. Ташқи жамғарувчилар арифметик қурилма билан бевосита боғлиқ эмас, бироқ оператив хотира билан боғлиқ ва унинг резерви ҳисобланади. Улар юз минглаб, миллионлаб ҳатто миллиардлаб рақамларни сақлай олади, бироқ бу рақамларни группалаб қабул қиласи ва чиқаруб беради. Сонларни саралаш вақти катта — ўнлаб миллисекунддир.

Оператив хотира қурилмаси ферритдан қилинган тороид элемен-лардан ясалади. 16-24- а расмда диаметри 14 дан 10 мм гача бўлганинг икки чулғамили феррит ҳалқа, 16-24- б расмда бу ҳалқанинг магнитланиш эгри чизиги кўрсатилган. Мусбат ин-дукция $+B_0$ ни бирнинг коди, манғий индукция $-B_0$ ни ноль коди учун қабул қилинган.

Айтилил, w_1 ва w_2 чулғамларда ток йўқ ва қолдиқ индукция 2 нуқта билан характерлансин, яъни $-B_0$ бўлсин. У ҳолда ўзакда иккили рақам 0 ёзилган деб ҳисобланади. Агар w_1 чулғамга шундай катталиктаги мусбат импульс берилсаки, майдон кучланганилиги бир онда $+H_m$ дан катта бўлса, у ҳолда импульсдан сўнг қолдиқ индукция $+B_0$ га teng бўлади ва шундай қилиб, иккили рақам 1 ёзилади. Худди шу ишорали импульс қайтарилиганда қолдиқ индукция $+B_0$ га tengлигича қолади. Тескари ишорали импульси берилганда ўзак яна қайта магнитланади ва ноль ёзилади. Шундай қилиб, ўзак худди тириггер каби ишлайди ва



16-24- расм. Хотира қурилмаси, феррит элементининг ишлаш принципи.

ұзаклар түплами ёрдамида иккили система рақамларини 10 мксек дан кичик вақт ичиде ёзиш ёки ҳисоблаш мүмкін.

Қайта магнитланишда иккіламчи чулғам w_2 да ә. ю. к. импульслари пайдо бўлади. Агар бирламчи чулғамнинг қайта импульси бир хил ишорали бўлса, у ҳолда деярли ә. ю. к. пайдо бўлмайди.



Іоз минглаб сондаги ана шундай феррит ҳалқалар йиғилиб хотира матрицасини ҳосил қиласди; у шартли равишда 13-25-расмда кўрсатилган. Бу ҳолда чулғамлар 16-26-расмда кўрсатилгандек, ҳалқалардан паррон ўтувчи симлар билан алмаштирилади. Горизонтал ва вертикал симлар рақамларнинг кодларини ёзиш учун, диагонал бўйича кетган AB симлар эса уларни ҳисоблаш учун хизмат қиласди. Ҳар бир горизонтал қатор биттадан иккили сонни хотирлаш учун хизмат қиласди, вертикал қаторлар сони эса иккили сондаги хоналар сонига мос келади. Барча тороидларнинг дастлабки ҳолати ноль.

16-25- расм. Хотира қурилмасиning феррит матрицаси.

Иккинчи қаторда 1101 сонини ёзиш керак бўлсин (16-25-расм). У ҳолда иккинчи горизонтал ва 2, 3, 5- вертикал қаторларга ток импульслари берилади, бу импульслар $+\frac{H_m}{2}$ кучланганлик ҳосил қиласди. Бу симларнинг кесишишида жойлашган тороидларда H_m кучланганлик ҳосил бўлади, улар қайта магнитланади ва бирлар ёзилади. 1 ва 4- вертикал қаторлардаги тороидларда кучланганлик $\frac{H_m}{2}$ га teng бўлади ва улар қайта магнитланмайди. 1101 сон ёзилган. Бунда диагонал ҳисобловчи симда импульс пайдо бўлади, бироқ матрица ташки занжирларининг алоҳида қурилиши туфайли бу импульс ҳисобга олинмайди.

Матрицанинг бошқа горизонтал қаторларида ёзилган сонлар ўзаришсиз қолади, чунки 1101 сон ёзишда вертикал симлардан ўтувчи токлар уларда $+\frac{H_m}{2}$ дан катта кучланганлик ҳосил қилмаган эди.

Ёзилган сонларни ҳисоблаш дегани бир ёки ноль ёзилганлигини билиш демакдир. Агар мусбат импульс берилганда AB симда ә. ю. к. ҳосил бўлмаса, у ҳолда бир ёзилган бўлади. Агар ә. ю. к. ҳосил бўлса, ноль ёзилган бўлади. Сонларни ҳисоблашда юқорида кўрсатилган горизонтал ва вертикал қаторлар симларига тескари кучланиш импульслари берилади. Бундай тескари кучланиш беришда тороидларда ёзилган бирлар ўчирилади. Бироқ, одатда ўқиб бўлин-



16-26- расм. Феррит матрица ҳалқаси.


ган соннинг матрицадан ўчирилмагани маъқул кўрилади. Бунинг учун матрицадаги бирлар ҳисоблангандан кейин уларни яна тикловчи қурилма қилинади. Хотира матрицаларининг сифими 100 000 ва ундан кўп иккили сонларни сифидиради ва уларни чексиз кўп вақт сақлай олади.

Рақамли ҳисоблаш қурилмаларида магнит ёзувли хотира қурилмалари кенг тарқалгандир. Улар ташқи жамғарувчилар ва жамғарувчилар билан оператив хотира қурилмалар орасидаги оралиқ хотира қурилмалари сифатида фойдаланилади. Уларнинг ишлаш принципи қуидагича. Қолдиқ индукцияси катта бўлган магнит материал билан қопланган ҳаракатланувчи сирт (лента ёки барабан) электромагнитдан иборат маҳсус каллак ёнидан ўтади. Электромагнит чулғамига сон кодига мос бўлган ток импульслари берилади, магнит сиртида эса соннинг ёзуви бўлган магнитланган участкалар қолади. Ёзиш ва ҳисоблаш одатда айни каллак ёрдамида амалга оширилади, бу каллак 16-27- расмда кўрсатилган.

Қолдиқ индукцияси кичик бўлган варак шаклидаги ферромагнит материал 1 дан қилинган магнитопроводга иккита 2 ва 3 чулғам ўралган. Тутқич 4 га импульс берганда бир, тутқич 5 га импульс берганда ноль ёзилади. Магнитопровод қутблари орасидаги ҳаво тиркиши 6 қалинлиги таҳминан 0,02 мм бўлган жез фольга ёрдамида ҳосил қилинади. Каллаклар сони ёзилётган соннинг хоналари сонига мос бўлиши керак. Барабанда ёзилган ҳол учун бу 16-28- расмда кўрсатилган.


Алюминий барабан юпқа магнит материал билан қопланган, каллаклар эса унинг сиртида цилиндрнинг ясовчиси бўйлаб стрелкалар билан кўрсатилган жойларда ўрнатилган. Каллаклар барабан ясовчисининг бир сантиметр узунлигига 5—8 тагача тўғри келади. Соннинг ёзилиши ҳам ясовчи бўйлаб жойлашади. Масалан, 1011 иккили сонни ёзишда каллакка 16-19- а расмда кўрсатилган импульслар берилади. Барабан сиртида магнитланган участкалар — д и п о л л а р ҳосил бўлади (16-29- б расм). Ҳисоблашда айланувчи барабаннинг магнитланган участкаси каллакниги ҳаво тиркиши ёнидан ўтганида ҳисболовчи чулғамда 16-29- в расмда кўрсатилган э. ю. к. импульслари ҳосил бўлади. Бу импульслар кучайтирилиб, тўғри бурчак шаклли импульсларга айлантирилгач арифметик қурилмага келади.

Ёзилиш вақтида барабан сирти бўйлаб каллаклар сонига тенг рақамлар йўлаклари ҳосил бўлади. Диполлар ёзуви зичлиги айланада бўйлаб 1 мм га 1—3 та. Магнит барабанларининг сифими 1,5—2 млн. иккили рақамга етади. Битта йўлак ва битта каллак (16-28- расм ёзилган сонларнинг ячейка адресларини ҳисоблашга хизмат қиласади).




16-27- расм. Магнит ёзувли хотира қурилмаси учун ёзувчи ва ҳисболовчи каллаклар.

ва махсус ячейкалар счётчиғига уланган. Барабан узлуксиз айланиб турғади ва сонни фақат навбати билангина танлаш мүмкін. Барабаннинг айланиш тезлиги (у электр двигателъ ёрдамида айлантирилади) $n = 6000—12000$ айл/мин бўлганда, керакли ячейканни қидириб топиш вақти секунднинг юздан бир улушкини ташкил қиласи.



16-28- расм. Барабанда магнитли ёзиш.



16-29- расм. Сонни магнит ёзиб олишда диполларнинг ҳосил бўлиши.

Эластик асосли ҳаракатланувчи лентага ҳам худди шундай ёзилади. Бу лентага ферромагнит кукуни аралаштирилган лак қатлами суртилган. Каллаклар лента кенглиги бўйлаб жойлашади, ёзувлар йўлкаси эса лента узунлиги бўйлаб жойлашади. Ҳисоблаш тезлиги лентанинг мумкин бўлган ўралаш тезлиги билан чеклангандир. Магнит ленталар қўшимча, секин ишловчи хотира қурилмалари сифатида ишлатилади, уларнинг сигимлари амалда чекланмаган.

16-14. КИРИШ ВА ЧИҚИШ ҚУРИЛМАСИ

Машинанинг иш программаси дастлаб программачи мутахассис томонидан қоғозда рақамлар кўриннишида тушиб олинади. Бу кўриннишда рақамли ҳисоблаш қурилмаси уни ижро қилишга қабул қила олмайди. Программада рақамлар билан баён қилинган информация рақамли ҳисоблаш қурилмаларида ишлаш учун яроқли кўриннишга келтирилиши лозим. Буни рақамли ҳисоблаш қурилма блокига кирмаган махсус машина бажаради.

Бунинг учун программа рақамлари махсус картон карталарда ёки қоғоз (ёки цептулоид) ленталарда тешшитган тенниктар билан алмаштирилади. Карталар ва ленталарнинг ўлчамлари стандарт бўлади; ленталар рулонларда сақланади.

Рақамли ҳисоблаш қурилмалари иккили системада ҳисоблангани учун қилинган тешикни бир деб, тешик бўлмаса ноль деб қабул қиласа бўладигандек кўринади. Бироқ программа ўнли системада ёзилади, рақамли ҳисоблаш қурилмасига киритиладиган бошлангич маълумотларнинг сони эса бир неча мингга етиши мумкин. Демак, сонларни ўнли системадан иккили системага ўтказиш зарур ва кўп

сондаги күп хонали иккили сонлар учун тешиклар тешишга тұғри келади, бу эса мутлақо мақсадға мувофиқ әмас.

Шунинг үчүн дастлаб перфоратор деб аталувчи маңсус машина үнли системани иккили-үнли системага ўтказади ва шу системага мос равища тешиклар (перфорациялар) тешади. Системадан иккинчисига ўтказиш қуидагича бўлади.


Үни системанинг ихтиёрий рақамини иккили системанинг тўртта рақами (дафтари) билан ифодалаш мумкин:

$$\begin{array}{llll} 0 = 0000; & 1 = 0001; & 2 = 0010; & 3 = 0011; \\ 5 = 0101; & 6 = 0110; & 7 = 0111; & 8 = 1000; \\ & & & 9 = 1001. \end{array}$$


У вактда картада ёки лентада бирни ёзиш учун тешик тешиб ва нолни ёзиш учун тешилмаган жой қолдириб кетиб, хоҳлаган сонни қулай кўринишда ёзиш мумкин. 16-30- расмда үнли системадаги 1354 соннинг лентада иккили-үнли системада ёзилиши кўрсатилган. Ўнгдан чапга ҳисобланадиган тўртта йўлакда перфоратор 1, 3, 5, 4 сонларининг дафтарларига мос равища тўртта сатр тешади. Чандаги бешинчи йўлакда ҳамма вақт тешиклар тешилади. Бўлмаса, бўш йўлакда, ноль ифодаланиб қолади. Шундай-қилиб, перфоратор киришнинг биринчи қисм ишини қилиб бўлди — сонни иккили-үнли системага ўтказди ва тешикни тешди.

Энди ўзига хос хотира қурилмаси бўлган перфолента рақамли ҳисоблаш қурилмасига киради ва у ерда тешик рақамлари электр импульсларга айланади. Киришнинг тузилиши соддалаштирилган ҳолда 16-31- расмда кўрсатилган. Лентани тортувчи механизмнинг иккита бобинаси 1 бор ва лента биринчисидан иккинчисига тортилаверади. Лента шаффофф эмас, бироқ ёруғлик лампа 2 дан линза 3 ва лентадаги тешик 4 орқали фотоэлемент 5 га тушгандан кучсиз ток импульси ҳосил бўлади. Бу импульс кучайтиргич 6 орқали ўтади ва рақамли ҳисоблаш қурилмасининг хотира қурилмасига боради ва у ерда бир ёзилади. Импульс бўлмаганда ноль ёзилади. Перфолентанинг ҳар бир йўлакчасига ўзининг ёритувчи ва кучайтирувчи қурилмалари комплекти мос келади.

Бироқ, агар лентанинг дафтарларига мос ёзувлар ёзилганда сонлар ҳосил бўлар эди,



16-30- расм. Иккили-үнли системада үнли сонни ёзиш.



16-31- расм. Рақамли ҳисоблаш қурилмаларида киришининг тузилиш схемаси.

бу эса иккили системадаги 1354 сон эмас. Шунинг учун рақамли ҳисоблаш қурилмалари махсус программа бўйича ишнинг иккинчи қисмини ҳам бажаради — сонни иккили-ўнли системадан иккили системага ўтказади ва шундан сўнггина хотира қурилмасига ёзади.

Ўнли системада 1354 сонни ҳосил қилиш учун $1 \cdot 10^3 + 3 \cdot 10^2 + 5 \cdot 10^1 + 4 \cdot 10^0$ сонларини қўшиш керак, рақамли ҳисоблаш қурилмаси ҳам бир дафтар кетидан иккинчи дафтарни ҳосил қилиб, уларни хона кўпайтивчисига кўпайтиради ва кетма-кет қўшади ҳамда 1354 сонини иккили системада ҳосил қиласди:

$$\begin{array}{r} 0001 \cdot 1010^3 + 0011 \cdot 1010^2 + 0101 \cdot 1010^1 \cdot 10100 \cdot 1010^0 = \\ 1111101000 \qquad \qquad \qquad 1000 \\ 100101100 \qquad \qquad \qquad 300 \\ 110010 \qquad \qquad \qquad 50 \\ 100 \qquad \qquad \qquad 4 \\ \hline (10101001010)_2 \qquad \qquad \qquad (1354)_{10} \end{array}$$

Ана шу сон хотира қурилмасига ёзилади.

Қолган барча ишларни рақамли ҳисоблаш қурилмаси бошқариш қурилмасининг импульслари бўйича программага кўра автоматик равишда бажаради.

Рақамли ҳисоблаш қурилмасидан натижаларнинг чиқиши ҳам киришига ўхшаш амалга оширилади. Хотира қурилмасидан чиқиш перфораторига натижা импульслари берилади, бу импульслар иккили-ўнли код бўйича перфокарталарга ёки перфоленталарга ёзилади. Шунингдек, магнит лентага ҳам ёзилиши мумкин. Чиқиш ёзув қурилмаси ҳам ташқи хотира қурилмаларига киради. Ленталарга ёзишдан ташқари, электромеханик нашр қилувчи ва махсус фотографик босувчи қурилмалар ҳам қўлланилади. Бу қурилмалар секундига 200 тагача сон олишга имкон беради.

Барча системадаги кириш ва чиқишинг асосий камчилиги уларнинг рақамли ҳисоблаш қурилмаларининг ишлаш тезлигига мос бўлмаган кичик тезлик билан ишлашидир.

Ўн еттинчи боб.

ЭЛЕКТРОТЕХНОЛОГИЯ

17-1. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Материалларга технологик ишлов бериш учун электр энергия бевосита қўлланиладиган соҳа электротехнология дейилади. Техникада кўплаб мутлақо янги материаллар пайдо бўлиши туфайли уларга мавжуд усуllibар билан ишлов беришда катта қийинчи-

ликларга дуч келинди. Электротехнология кўп ҳолларда ўзининг эффективлиги жиҳатидан материалларга ишлов беришнинг ҳозирги вақтда ишлатиладиган физик ва химиявий усулларидан устун турди.

Электротехнологияда гальванотехника, электр билан эритиш ва электр пайванд сингари илгаридан маълум бўлган усуллар билан бирга, ишлов беришнинг янги электрик усуллари ҳам пайдо бўлди; бу усулларда материалларни емириш, йўқотиш ёки уни кўчириш, буюмнинг шаклини ўзgartириш ва шу каби ишлар ишлов бериш зонасига бевосита киритилган электр энергия таъсирида амалга оширилади. Уларни электрохимиявий, электротермик ва электромеханик усулларга бўлиш мумкин. Биринчى усулда асосан электр токининг химиявий таъсиридан, электротермик усулда электр токичинг иссиқлик таъсиридан, электромеханик усулда эса электр майдони ва электр разрядининг механик таъсиридан фойдаланилади.


Бу янги усуллардан кўплари ҳозирги замон амалиёти учун қимматли хусусиятларга эга: ишлов бериладиган материалларнинг механик хоссалари (масалан, қаттиқлиги) ишлов берувчи тезлиги ва сифатига таъсир кўрсатмайди, ишлов берувчи асбоблар ишлов берилаетган материалларга қараганда юмшоқроқ бўлиши мумкин, бу усул билан одатдаги механик усуллар воситасида бажариб бўлмайдиган технологик операцияларни бажариш мумкин. Буларнинг ҳаммаси туфайли электротехнология материалларга ишлов беришнинг илғор усуллари қаторидан ўрин олди.

Келгусида материалларга электрохимиявий, электротермик ва электромеханик ишлов беришнинг айрим операциялари жуда қисқа баён қилинади.

17-2. ЭЛЕКТРОХИМИЯВИЙ УСУЛЛАР

a) Гальванотехника

Металл ва металлмас сиртларга электролиз ёрдамида металл қоплаш усули гальванотехника дейилади. Металларни механик муҳофаза қилиш ёки занглашдан сақлаш учун электрохимиявий йўл билан металл пардалар билан қоплаш процесси гальваностегия дейилади. Металларни электрохимиявий усулда чўктириш йўли билан штамплар, типография клишелари, патефон пластинкалари учун матрица ва шу сингарилар тайёрлаш гальванопластиника дейилади. Бу усулда металл асослар ҳам, металлмас асослар ҳам чўктирилиши мумкин, аммо металлмас асосларни чўктиришдан олдин улар графит, металл фольга каби электр ўтказувчан қатламлар билан қопланиши керак. Гальваник қопламаларнинг қалинлиги одатда миллиметрнинг ўндан бир улушидан ош



17-1-расм. Гальваностегия ваннасининг схемаси.

майди. Бу усулларнинг ҳаммаси илгаридан маълум ва узоқ вақтдан бўён қўлланиб келинади.

17-1- расмда гальваностегия ваннасининг схемаси кўрсатилган. Ванна 1 маълум оксид ёки ишқор эритма 2 билан тўлдирилган; эритманинг температураси маълум даражада сақлаб турилади.

Қоплама қопланётган буюм 3 катод, буюм қопланётган металдан қилинган пластинкалар 4 эса анодлар бўлади. Буюмнинг қопланувчи сирти батафсил тайёланади (силиқланади, едирилади, мойлардан тозаланади). Қандай металл билан қопланишига қараб: эритмалар рецептни, температура режими ва ток зичлиги ҳам турлича олинади. Электродлар орасидаги кучланиш 4—12 вольт, ванналарнинг токи эса 1000—15 000 а га етади.


б) Металларни электрохимиявий усулда оксид пардалар билан қоплаш

Металлни занглашдан сақлаш учун унинг сиртида юпқа оксид пардалар ҳосил қилиш процесси оксидлантириш дейилади. Бу процесс тегишли эритмаларда олиб борилади ва бунда оксидлантирилаётган буюм анод бўлиб хизмат қиласди. Алюминий лента, алюминий сим ва шу сингари буюмлар электрохимиявий усулда оксидлантирилади. Бунда алюминий сиртида 0,01—0,1 мк қалинлигига зич оксид қатлам ҳосил бўлади, бу қатлам устини 200 мк гача қалинликда ғалвирак оксид парда қоплайди. Бу парданинг занглашга қарши чидамлилик ва электр изоляция хоссалари жуда яхши бўлиб, конденсаторлар ва шу сингарилар ясашда жуда қўл келади. Ванналарнинг ишлаши учун 12—30 в кучланиши ток манбаларидан фойдаланилади.

в) Электрохимиявий усулда анодли едириши йўли билан металларни тозалаш ва мойини кетказаш

17-2- расмда кислота ёки тузларнинг электролитик эритмаси 2 билан тўлдирилган ванна 1 кўрсатилган, иш вақтида эритманинг температураси 15—35°C бўлади. Сирти оксид парда, занг, қуюнди—қасмоқ, ёғли таркиблар (мой, пасталар, ёр) билан қопланган тозаланадиган буюм 3 эритмага ботирилган. Буюм энергия манбаининг мусбат кутбига уланади ва анод бўлиб хизмат қиласди. Буюм ҳар қандай металл ёки қотишмадан қилинган ва ихтиёрий шаклда бўлиши мумкин. Кўргошинн, графит, кислотага ч дамли пўлатдан қилинган пластинкалар 4 катод бўлиб, уларнинг сиртлари буюм 3 шаклига мослаб танланади. Электродлар (анод—катод) орасидаги масофа — 20÷250 мм.

Кучланиши $U = 4 \div 12$ в бўлган ўзгармас ток манбаидан ток ростловчи қаршилик 5 ор-



17-2- расм. Электрохимиявий анод тириш йўли билан металларни тозалаш.

қали ўтади. Электродлараро ишчи кучланиши $U_{иши} = 3 \div 8$ в чега-расида бўлади, бу кучланиш электродлар сиртида $\Delta = 0,05 \div 0,02$ a/cm^2 ток зичлигини таъминлаши керак. Анод — буюм сирти эрийди ва металл билан бирга уни қоплаб олган ифлосликлар ҳам чиқиб кетади. Сиртдан ифлосликларни тушириш унуми $0,1 \div 5$ мк/мин, ишлов беришнинг аниқлик синфи 3—4, ишлов беришнинг тозалик синфи 3—6. Солиштирма энергия сарфи $10 \div 40$ квт·с/кг. Буюмни фақат ёғ қатламларидан тозалаш керак бўлганда электролит эрит-маси учун ишқор олинади.

г) Электрохимиявий усулда жило берии ва пардозлаш

Химиявий усулда пардозлаш учун тузилиши соф қора ёки рангли металlda қилинган буюм 17-2 расмда кўрсатиландек, ванинага солинади. Катод қўроғшин, легирланган пўлат, графит ёки мисдан қилинади. Катодларни жойлаштирища анод-буюмнинг бутун сирти бўйлаб бирдай зичликда ток ҳосил қилишга алоҳида эътибор берилади. Рангли металлардан қилинган буюмлар учун ток зичлиги $0,1 \div 0,5$ a/cm^2 қора металлдан қилинган буюмлар учун $0,4 \div 0,6$ a/cm^2 бўлади. Электролит сифатида рангли металлар учун фосфор, сульфат, хром кислоталари $15 \div 25^\circ\text{C}$ да олинади, қора металлар учун $70 \div 90$ С олинади. Ток манбайнинг кучланиши рангли металлар учун $U = 6 \div 12$ в ва қора металлар учун $U = 15 \div 18$ в. Электродлараро кучланиш мос равишда $U_p = 5 \div 7$ в ва $U_i = 12 \div 14$ в қилиб олинади.


Кўрсатилган шароитда металлар эриганида анод-буюмнинг барча ғадир-будир сирти токни ёмон ўтказувчи парда билан тўлади. Бундай парда сиртнинг дўнг жойларни қопламайди, бундай дўнгликлар эриб кетади, сирт текисланади ва юксак даражада ялтироқ ҳолга келади. Буюм сиртининг тозалиги дастлабки тозалигидан 2—3 синф юқори бўлади.

д) Металларда электрохимиявий усулда коваклар ва тешик сиши


Электрохимиявий усулда тешиклар очишида юқорида баён қилинган процесслар технологияси бир оз ўзгартирилади. Энг аввал токнинг зичлиги орттирилиб, $100 \div 140$ a/cm^2 га етказилади. Бундан ташқари аввалги процессларда $20 \div 250$ ми га тенг бўлган электродлараро масофа энди $0,1 \div 2$ ми га қисқартирилади. Тешик процесси тез оқаётган электролит натрий хлор оқимида бажарилади. Унинг температураси $20 \div 30^\circ\text{C}$ бўлади. Бу шароитда металлнинг эриши кескин тезлашади. Бундай тешиш усули қора металлар ва қотишмалар, шунингдек қаттиқ қотишмалар учун қўлланилади.

17-3- расмда анод хизматини бажарувчи плита 1 да тешик очиши схемаси кўрсатилган. Тешик очадиган асбоб жез, мис ёки пўлатдан қилинган най 2 бўлиб, бу най айни вақтда электролит келиши учун ҳам хизмат қиласи. Най шакли қандай бўлса очиладиган тешик

ҳам аниқ шу нусхада бўллади, най эса ҳар қандай шаклда бўлиши мумкин. Най-катодни аста-секин тушира бориш билан буюмдаги тешикнинг чукурлиги ортириб борилади. Чукур очиладиган жой устига маҳсус ванна 3 қўйилади, процесс шу ванна ичидаги амалга ошади. Электролит найча 5 орқали чиқариб турилади.



17-3- ресм. Электрохимиявий йўл
бўлган тезлик очиш.



17-4- расм. Анод-механик
қирқиши.

тутқичи уланади. Қирқиши суюқ шиша (натрий силикатларининг сувдаги эритмаси) юборилади. Ток зичлиги $\Delta = 7,5 \div 30 \text{ а/см}^2$.

Процесснинг можияти қуйидагича. Анод билан катоднинг бир-бирига тегиб турган жойида электролит бўлиши туфайли анод метали эрийди ва металтмас парда ҳосил қиласди; металлмас парданни заготовкага бир оз босиб айланашган диск-катод ҳамма вақт узиб туради ва заготовка яна эришда давом этади. Бу усулнинг афзалиги шундаки, бунда қаттиқ ва ўта қаттиқ қотишмаларни қирқишида айниқса зарур бўлган қимматбаҳо кесувчи асбоб керак бўлмайди. Қирқиши кенглиги ҳам одатдаги қирқиши усулларидан кам бўлади, натижада чиқиндилар миғдори камаяди. Диск буюмга унча қаттиқ босилмаганидан диск валини айлантирувчи двигателда энергия сарфи камаяди. Анод-механик усулнинг камчилиги шундаки,

Бунда кучланиш $U = 15 \div 30 \text{ в}$ ва $U_p = 10 \div 25 \text{ в}$ энергия сарфи $8 \div 15 \text{ квт. соат/кг}$. Ишлов бериш тозалиги $5 \div 8 \text{ синф.}$

e) Анод-механик усулда қирқиши

Анод-механик ишлов бериш электрохимиявий ва электр эррозия усуллари орасидаги ишлов бериш усулидир. Ишлов бериш зонасига кичик солиштирма қувват берилганда, бундай ишлов бериш электрохимиявий усулларга, катта қувват берилганда электр эррозия усулларига яқин келади.

Анод-механик қирқицида $300 \times 300 \text{ мм}$ дан катта бўлмаган кесимларни кесиш учун дискдан, ҳар қандай кесимларни кесиш учун эса пўлат лентадан фойдаланилади. Бундай усул билан қора металлар ва қотишмалар: углеродли легирланган, қаттиқ ва маҳсус қотишмалар қирқилади.

17-4-расмда заготовка — анод 1 ни айланувчи пўлат диск 2 билан қирқиши кўрсатилган. Бу дискнинг йўғонлиги ишлов бериш шароитига қараб $0,1 \div 6 \text{ мм}$ ва айланма тезлиги $8 \div 30 \text{ м/сек}$ бўлиши мумкин. Сирпанувчи контактли дискнинг вали 4га ишчи кучланиши $U_p = 18 \div 30 \text{ в}$ бўлган ўзгармас ток манбанинг манфий зонасига шланг 3 ёрдамида электролит —

суюқ шиша (натрий силикатларининг сувдаги эритмаси) юборилади. Ток зичлиги $\Delta = 7,5 \div 30 \text{ а/см}^2$.

Процесснинг можияти қуйидагича. Анод билан катоднинг бир-бирига тегиб турган жойида электролит бўлиши туфайли анод метали эрийди ва металтмас парда ҳосил қиласди; металлмас парданни заготовкага бир оз босиб айланашган диск-катод ҳамма вақт узиб туради ва заготовка яна эришда давом этади. Бу усулнинг афзалиги шундаки, бунда қаттиқ ва ўта қаттиқ қотишмаларни қирқишида айниқса зарур бўлган қимматбаҳо кесувчи асбоб керак бўлмайди. Қирқиши кенглиги ҳам одатдаги қирқиши усулларидан кам бўлади, натижада чиқиндилар миғдори камаяди. Диск буюмга унча қаттиқ босилмаганидан диск валини айлантирувчи двигателда энергия сарфи камаяди. Анод-механик усулнинг камчилиги шундаки,

бу усулда бир неча хил ишлов берилгандан сүнг у суюқ шиша билан ифлосланиб қолади ва уни ювишга түрі келади.


Буюмларни тирнаш ҳам шу йүсінде қилинади. Бу ҳолда чүян ёки пұлатдан қилинган цилиндр (йүғон диск) анод бўлиб хизмат қолади. Ток зичлиги энг катта қилиб олинади, шу туфайли бунда асосан электротермик процесслар бўлади. Ишлов берилетган сирт тез емирилади, ғадир-будур, қўпом бўлади.

ж) Кесиш асбобини анод-механик усулда чархлаш

Анод-механик усул қаттиқ, металл керамик материалларидан қилинган кесиш асбобини чархлаш, кесувчи асбобида ишлатиладиган қаттиқ қотишмалардан қилинган пластинкаларга керакли шакл бериш учун қўлланилади. Бу усулда абразив материаллар керак бўлмайди, чунки асбоб пўлат диск ёрдамида чархланади. Бундан ташқари, бу усулда чархлаш кичик солиширма босимларда олиб борилади, шу сабабли асбоб кам қизийди ва бузилади. Ток зичлигини ўзгартириш билан шишиш режимини $\Delta = 15 \div 25 \text{ а/см}^2$, силлиқлаш режимини $\Delta = 4 \div 6 \text{ а/см}^2$ ва узил-кесил қиров тўкиш режимини $\Delta = 1 \div 2 \text{ а/см}^2$ қилиб белгилаш имконини беради ва ниҳоят, охирги ҳолда ишлов бериш тозалиги юқори синфга (7—8) эриши мумкин.


17-5- расмда чархлаш қурилмаси нинг схемаси кўрсатилган. Электродларга $U_p = 10 \div 22 \text{ в}$ ишчи кучланишли ўзгармас ток берилади, чархланетган асбоб 1 анод, 12—20 м/сек айланма тезлик билан айланетган диск 2 катод бўлиб хизмат қолади. 17-6- расмда дискнинг кўндаланг қирқими юзи кўрсатилган.

Электролит (суюқ шиша) чархлаш зонаси 3 га насос 5 дан шланг 4 орқали берилади. Электролит бак 6 га оқиб тушади ва унда фильтрланиб, яна насосга келади. Солиширма энергия сарфи 3—15 квт·с/кг



17-6- расм. Анод-механик усулда чархлаш дискининг чекка кўриниши.

Лов бериш учун анод билан катод бир-бирига бевосита тегизилмайди. Одатдаги усуллар билан пардоzlаш деярли мумкин бўлмаган



17-5- расм. Кесувчи асбобини анод-механик чархлаш.

3) Анод-механик усул билан соф ишлов берии

Юқорида айтганимиздек, соф ишлов берилгандан сўнг у суюқ шиша билан ифлосланиб қолади, яъни ишлов берилетган буюмга кичик ток зичлиги ва солиширма босим берилади. Баъзан жуда соф ишлов берилади. Бирор тарзда соф ишлов берилади.


Лов бериш учун анод билан катод бир-бирига бевосита тегизилмайди. Одатдаги усуллар билан пардоzlаш деярли мумкин бўлмаган

металл керамика материалларни электроабразив усулда силлиқлашда сиртнинг тозалик синфи айниқса юксак (кўзгудек ялтироқ) бўлишига эришилади.

17-7- расмда цилиндр сиртини силлиқлаш схемаси кўрсатилган. Ишчи кучланиши $U_i = 4 \div 5$ в бўлган ўзгармас ток чўтка ва контакт ҳалқаси 5 орқали 0,5—1,0 м/сек айланма тезлик билан айланваётган буюмга 1 га ва пўлат ёки чўяндан қилинган катод 2 га берилади.

Катод анодга тегиб турмайди ва улар орасидан 3 электролит-тузларининг сувдаги эритмаси (NH_4NO_3 , KHO_3 , NaF ва ҳоказо) оқиб ўтади. Ток зичлиги $0,5 \div 1,2 \text{ A/cm}^2$ қилиб сақлаб турилади. Айланувчи цилиндрнинг сирти абразив 4 г; 0,5—5 kG/cm^2 солиштирма босимда тегиб туради.

Турли қора металл қотишимлари ва қаттиқ қотишимлар ана шу усул билан силлиқланади, бунда ишлов бериш аниқлигининг 1 синф, сиртга ишлов бериш тозалигининг 10—12 синф бўлишига эришилади.



17-7- расм. Анод-механик усулда узил-кесил ишлов бериш.

17-3. ЭЛЕКТРОТЕРМИК УСУЛЛАР

a) Металларни электр пайвандлаши

Металлдан қилинган деталларни пайвандланадиган жойларини қиздириш йўли билан ажралмайдиган бутун қилиб улаш усули пайвандлаш дейилади. Пайвандланадиган жойлар пластик ҳолатгача ёки суюқ ҳолатгача қиздирилади. Ҳозирги замон пайвандлаш усуллари 0,1 дан 250 мм йўғонликдаги металл деталларни мустаҳкам бириншини таъминлайди. Пайванд қилинган конструкциялар парчинланган конструкциялардан 10—15 %, кўйилган конструкциялардан 30—40 % енгил бўлади. Пайванд парчинлашни деярли бутунлай сикиб чиқарди.

б) Ўчма-уч, нуктавий ва чокли пайванд

Бу чил пайвандлар учун маҳсус трансформаторлар қурилади. Бу трансформаторлар 220 ёки 380 в бирламчи кучланиш, 1—12 в иккиламчи кучланиш ва ўнҳатто юз мингларча ампер пайванд токларига мўлжалланган бўлади. Токни созлаш учун бирламчи чулғам секцияларга бўлинади, иккиласми чулғам эса катта кесимли бир-икки мис ёки алюминий ўрамдан иборат бўлиб, улар сув билан совитилиб турилади. Улаш давомлилиги (УМ) 20—30 % ларда ҳисобланади.

17-8- расмда учма-уч пайванд машинасининг схемаси кўрсатилган. Бундай пайванд стерженлар, трубалар, темир-бетон арма-

тураларини улашда, асбобсоэлик саноатида ва бошқа ҳолларда қўлланилади.


Трансформатор бирламчи чулғамининг секциялари переключателнинг 1, 2, 3, 4 босқичлари билан уланади. Иккиламчи чулғам 5 тутқич 6 ва 7 ларга уланган. Переключателнинг 1 ва 2 контактлари уланганда трансформация коэффициенти энг катта, иккиламчи чулғам 5 нинг кучланиши энг кичик бўлади. 3 ва 4 контактлар уланганда чулғам 5 нинг кучланиши энг катта. Пайванд қилинадиган буюм 8 маҳсус тутқичлар 9 билан қисиб қўйилади. Суппорт 10 қўзғалмас, суппорт 11 алоҳида механизм ёрдамида станок плитаси йўналтиргичлари 12 да силжитилиши мумкин.

Пайвандланадиган деталлар 8 бирбирига тирадлгач, трансформатор уланади. Деталлар қиздириллади ва зарур температурага эришилгандан сўнг ток узиб қўйилади, деталлар эса сикилди. Бундай қаршиликли пайванд углеродли пўлатлар ва рангли металлар учун қўлланилади.


Агар дастлаб трансформаторни улаб, сўнг 8 деталлар яқинлаштирилса, уларнинг учлари орасида учқун ҳосил бўлади ва контактлар сиртлари эрийди. Деталларни қисиб туриб, ток узилса, улар пайвандланиб қолади. Бундай суюлтириб пайвандлаш трубалар, занжирлар, рельслар, асбобларни, легирланган пўлатларни ва турли жинсли металлар: алюминий—мис, пўлат—мис, пўлат—жезни улашда қўлланилади.

17-9- расмда нуқтавий пайванд схемаси кўрсатилган. Пайванд трансформаторининг иккиламчи чулғамига уланган 1; 2 контактлар орасига пайвандланадиган деталлар 3 айқаш-уйқаш қўйилган (17-9- расм). Нуқтавий пайванд листли, полосали, профилли метални айрим нуқталарда улаш учун (бутиун металл вагонлар, автомашиналар кузовлари ва шу сингариларда) ишлатилади. Бунда мустаҳкам, бироқ герметик бўлмаган боғланиш ҳосил бўлади. Пайванд қилувчи маҳсус машиналар ҳам мавжуд. Устки электрод 1 (17-9- расм) кўтарилиши ва туширилиши мумкин. Ток берилганда контакт бўлган жой қаттиқ қизиди; қисилиш жойининг марказида металл пластик ҳолатигача юмшоқланади ва ток узилиб, деталлар босилганда ясмиқсимон пайвандланган нуқта ҳосил бўлади. Бир нуқтали машиналар соатига 2000 гача, кўп нуқтали машиналар 10 000 гача нуқта ҳосил қилиши мумкин. Машинани улаш муддати 20—30 %.

Турли металлардан: кам углеродли ва зангламас пўлатдан, жезва бронзадан, алюминий, нихром, манганин, фехраль, пермалloy,




17-8- расм. Учма-уч электр пайванд.



17-9- расм. Нуқтавий электр пайванд.

константан ва шу сингари қотишмалардан қилинган буюмлар конденсаторли пайванд машиналарида нүктали пайванд қилинади. Бу машиналар приборсозлик, радиотехника, вакуум саноати, нозик буюмлар ишлаб чиқарыш ва бошқаларда ишлатилади. 17-10-расмда машина ишлашининг принципиал схемаси кўрсатилган.

Трансформаторнинг бирламчи 1 чуллами 220 в кучланиш, 50 гц частотали токда ишлайди ва 200—600 га якин ўрами бор. Иккиси



17-10- расм. Конденсаторлы
нуқтавий пайвандлаш машина-
сининг схемаси.


Зарур қувватын автоматик белгилөр түрдөди. Пайвандланувчи металлар қалинлиги 0,02 дан 0,5 **мм** гача, шуннингдек, юнқа металлни 30 **мм** қалинликдаги металлга пайванд қилиши ҳам мумкин. Машина 100 **вт** га яқин қувват сарфлайды ва смена давомида 3000 тача нұқтани пайвандлайды. Конденсаторлар сиғимини, трансформатор бирламчи чулғамининг секциялар сонини ва электродларга бериладиган күчланиш катталигини ўзgartариш билан пайвандлаш режимини ўзgartариш мумкин.

Агар электроллар 1 роликлардан иборат бўлса (17-11- расм), чокли ёки роликли пайванд ҳосил бўлади. Бундэ роликлар улар орасида ҳаркетланувчи материал 2 га пневматик қисилади. Ишлаш вақтида роликлар сув билан узлуксиз совитиб турилади. Пайвандлаш тезлиги $0,5$ — $0,6$ м/мин, улаш муддати 50 %. Бундай машиналар баклар, трубалар ва бошқа герметик буюмларни роликли пайванд қилишда ишлатилади; кам углеродли пўлат листлари бўлганда қалинлиги 2 мм гача ва зангла-майдиган хром никелли пўлат, жез ва алюминий қотишмалар бўлганда қалинлиги 1,5 мм дан ортаслиги керак.

Контактлы машиналарда қалинлигі 0,1 дан 90 *мм* гача бўлган деталлар пайвандланади.

в) Ёйли электр пайванд

Ёйли электр пайванд усули барча мавжуд усуллар орасида энг кенг тарқалгандир. Бу усулни биринчи марта Н. Н. Бенардос 1882 йилда таклиф қилган эди (17-12- расм). Ёйли электр пайванд ўзгармас ток билан олиб борилади, бунда ток манбаининг мусбат



17- 11- расм Чокли (роликли) пайванд.

тутқици пайвандланадиган деталь 1 га, манфий тутқици эса даста 3 га қисиб қўйилган кўмир электрод 2 га уланади. Диаметри 8—30 мм ва узунлиги 200—300 мм бўлган кўмир электродлар рангли металларни пайвандлаш, қаттиқ қотишмаларни эритиши, юпқа қалинликларни пайвандлаш, юпқа деғорли пўлат бортлар бирикмаларини қўшимча материалсиз улашда қўлланилади. Ёй ҳосил қилиш учун электрод 2 билан буюм 1 ни қисқа туташтириб, сўнг электрод буюмдан ажратилиди. Электр ёйи 4 таъсирида деталь ҳошиялари эритилади ва чокка керак бўлганда қўшимча материал 5 эритиб туширилади. Ёй фазосининг температураси 6000°C га яқин. Ўзгармас ток билан пайвандлашда ёй барқарор ёниши учун деталь ҳамма вақт мусбат (плюс) тутқичга уланади, чунки ёйнинг мусбат кутбида иссиқлик миқдори кўп ажралиб чиқади. Пайвандлаш генераторининг тавсифи 8-21-§ да берилган эди.


Пайвандчининг кўз ва юзини ёй нурлари ва металл учқунларидан сақлаш учун ультраби-нафша ва инфра қизил нурларни ютувчи маҳсус ойналар билан таъминланган қалқонлар ва шлёмлар ишлатилади.

Пайвандлашнинг иккинчи усули — металл электрод билан пайвандлашни — Н. Г.-Славянов 1888 йилда таклиф қилган. Бу усулда (17-13- расм) бир вақтда асосий металл 1 ҳам, қўшимча материал — электрод 2 ҳам эриди. Электр ёй воситасида пайвандлаш ишларининг 90% дан ортиги худди шу усул билан бажарилади.


Металл электродлар 1—12 мм диаметрли узунлиги 500 мм гача бўлган металл хивичлар тарзида тайёрланади. Пайвандловчи автоматлар учун электрод сим калавалари кўринишида тайёрланади. Қўлда пайвандлашда электродлар маҳсус мой билан мойланади. Мойлаш ёй фазасини ионлаштириш, яъни ёйни барқарор ушлаб туриш учун қўлланилади. Бундан ташқари, мойлаш metallни оксидланишдан ва ҳаво азоти билан тўйиниб қолишдан сақлайди, шунингдек турли чўқмалар бериб чокнинг мустаҳкамлигини оширади.

Ўзгарувчан ток ёрдамида пайвандлаш учун маҳсус трансформаторлар ишлатилади, улар 9-14- § да баён қилинган.

Ёй билан электр пайванд қилиш сифати ва пайвандлаш процессининг унуми бу ишни автоматаштирганда кескин ортади. 17-14- расмда флюс қатлами остида пайвандловчи автомат схемаси кўрсатилган. Бу автоматнинг барча қурилмалари пайванд қилинадиган деталга нисбатан кўччиб юрувчи тракторга ўрнатилган. Трактор стрелка билан кўрсатилган йўналишда ҳаракатланганда деталларнинг тайёрланган чоки 1 га 3 бункердан автоматик равишда тараашланган флюс 2 берилади. Пайвандлаш учун очиқ сим узатиш




17-12- расм. Кўмир электрод билан электр ёй ёрдамида пайвандлаш.




17-13- расм. Металл электрод билан электр ёй ёрдамида пайвандлаш.

механизми 4 воситасида ғалтак 5 дан берилади. Пайвандлаш жойи 6 даги флюс қатлами остида ёй ёнади, бунинг натижасида металл билан тұлған чок 7 ҳосил бўлади. Флюснинг ортиқчаси труба 8 орқали яна бункерга сўриб олинади.


Флюс қатлами остида пайвандлаш процесси 17-15- расмда кўрсатилган. Пайвандланадиган чокка флюс 1 сепилган, у пайванд зонасини ҳаво кислороди ва азотидан ҳимоя қиласи ҳамда легирловчи чўкма беради. Электрод 2 нинг ҳаракатланыш тезлиги 6—32 м/с. Эриган ёй 3 таъсирида металл 4 секинаста қотади 5, бироқ ҳамма вақт чок суюқ шлак қатлами 6 билан қопланиб туради, бу шлак пайванддан кейин чокни қотиб қолган пўстлоқ 7 шаклида қоплаб қолади.



17-14- расм. Флюс қатлами остида пайвандловчи машинанинг ишлаш схемаси.



17-15- расм. Флюс қатлами остида пайвандлаш.



17-16- расм. Электр-шлак пайванд схемаси.

Катта йўғонликдаги деталларни пайвандлаш учун электр шлакли пайванд усулдан фойдаланилади, бу усул Е. О. Патон номли институт томонидан ишлаб чиқилган. Пайванд қилиш схемаси 17-16-расмда кўрсатилган. 400 ми гача йўғонликдаги пайвандланувчи деталлар 1 (прокат станлари, йирик кемалар, юқори босимли пўлат идишларнинг деталлари) орасидаги чок 30—50 мм бўладиган қилиб жойлаштирилади. Бу чокка 50—70 ми қалинликда флюс қаглами сепилади. Трансформатор 2 дан ток ўтказилганда деталлар ва автоматик бериладиган электрод сими 3 орасида флюс эрийди ва температураси 2000° С га яқин бўлган ванна 4 ни ҳосил қиласи. Деталлар 1 нинг пайвандланувчи чоклари сирти ҳамда электрод сими эрийди ва флюс қаглами остида металл ванна 5 ҳосил қиласи, бу металл ванна аста-секин қотиб чок 6 ни вужудга келтиради. Пайвандлашни деталлар бўйлаб ҳаракатланувчи тракторга ўрнатилган автомат бажаради.

Янги қийин эрувчи, емирлишга чидамли материаллар технологияси одатдаги электр ёйи температурасидан анча юқори температура берадиган янги типдаги горелкалардан

фойдаланишга олиб келди. $15\,000^{\circ}\text{C}$ га яқин темперетура берувчи плазма горелкалари ана шундай горелкалардан.


Электр ёйида электродлар орасидаги асосий фазо плазма билан тұлған, бу плазмадаги мусбат ва манфий зарядлар сони тахминан тенг миқдорда. Заиф токли күмир ёйида плазма устунининг температурасы $6000-7000^{\circ}\text{K}$ га етади. Агар ёй қуввати оширилса, температура ортмайды, чунки ёй кесими ортади, ток зичлиги деярли ўзгармайды. Бироқ, агар плазмани тор тешикдан ўтказиш йўли билан қисилса, унинг температураси ортади, плазма горелкаларида ана шу хусусиятдан фойдаланилган.

17-17- расмда плазма горелкасининг принципиал схемаси кўрсатилган. Вольфрам электрод 1 ва сопло 2 кўринишида ясалган мис электрод 2 рубильник ва реостат орқали ўзгармас ток манбай 3 га уланган. Камера 4 га тангенсиал равишда труба 5 орқали газ (аргон) бериллади, газ уюрма ҳосил қилиб камера деворлари ва ёй ташқи қатламларини совитади, нагижада ёй қисилади ва қизиди. Газнинг ўзи сопло 6 орқали чиқиб, сопло томонидан қисилган плазма температурасини олади ва горелкадан аланга 7 кўринишида чиқади. Одагда горелкалар камераси сув билан совитилади. Бақувват ўзгармас ток плазмотронларини ташқи характеристикаси кескин пасаювчи бошқарилувчи ион вентиллар блокларини ток билан таъминлайди. $f=50\text{ Гц}$ ли уч фазали ток плазмотронлари ҳам мавжуд.

Плазма оқимининг кўпгина ижобий сифатлари бор. Унинг ёрдамида пайванд қилиш, энг қаттиқ мегалл ва металлмас материалларни кесиш, қуйиш, рандалаш ишлари олиб борилади; бу ерда плазма оқими ишлагани учун ёй узунлиги иш режимини белгиламайди. Оддий газ усулида кесиш мумкин бўлмаган ҳаддан ташқари қийин эрийдиган металл ва металлмасларни кесишда плазма оқими айниқса қўл келади. Температураси юқори ва эриган материалнинг кесилган жойига газ пуркалганидан одатдаги ёй ва газ билан кесишда зарур бўлган ишлов талаб қилинмайди. Бу усулда кесиш тезлиги бошқа барча усуллардагидан бир неча марта катта. Сув остида қирқиши горелканинг ишлашига халақит бермайди, чунки газ алангаси горелкага сув киришига тўсқинлик қиласи. Плазма горелкалар кўпинча ҳар қандай сиртга, жумладан пластмасса ва графитга ҳам, оловга қарши қатламлар беришда ишлатилади. Қандай иш қилинишига қараб ёй токи кучланиши 20 дан 80 в гача бўлғанда 30 дан 450 а гача, ўзгариади.

г) Электр билан қизитиш

Фаннинг электр энергияни иссиқлик энергиясига айлантириш усулларини ўрганадиган соҳаси элекротермия деб аталади. Электротермия саноатда кенг қўлланади. Юқори температурага ва




17-17- расм. Плазма горелкасининг тузилиш принципи.

агрессив мұхитта чидамли юқори сифатлы пұлат ва қотишмалар ишлаб чиқариш ферроқотишмалар, алоқида соф металлар ва чала ўтказгичлар ишлаб чиқариш фақат электротермик усулларда олиб борилади. Бу усуллар билан кальций карбид, синтетик спирт ва бошқа химиявий маҳсулотлар, юқори оловға чидамли керамика ишлаб чиқарылады, металлмаслар қуритилады ва ҳоказо. Электр энергияни ишлаб чиқариш ва узатында бұладиган барча исрофларни ҳисобга олганда электротермик қурилмаларнинг фойдалы иш коефициенти 8 — 18 % бўлади. Шу сабабли улар бошқа қурилмалар етарли эффект бермайдиган жойлардагина қўлланилади.

д) Қаршилик ёрдамида электр билан бевосита қизитиш

17-18- расмда металл деталь 1 ни қизитиш схемаси берилган. Деталь трансформаторнинг иккиласми чулғами 3 га уланган ҳамда сув билан совитиладиган контактлар 2 га қисиб қўйилган. Қизитиш

даражасини ростлаб туриш учун трансформаторнинг бирламчи чулғами 4 секцияларга бўлинган.



17-18- расм. Қаршилик билан бевосита электрик қизитиш.

17-19- расмда деталини электролитда қизитиши қурилмаси кўрсатилган. Деталь 1 ўзгармас ток манбанинг манфий тутқичига уланган ва катод бўлиб хизмат қилади, ваннанинг корпуси 2 мусбат қутбга уланади. Ванна ишқорларнинг ёки ишқорли тузлар (Na_2CO_3 , MgCl_2 ва бошқалар) нинг сувдаги эритмаси билан тўлдирилган. Ток зичлиги $\Delta \approx 4 \div 16 \text{ а/см}^2$ бўлганда ва 200 — 250 в ишчи кучланишда деталнинг электролитта ботирилган қисмининг сирти тезда 800—1200° С температурагача қизиши. Қизиш деталнинг электролитта ботирилган қисми атром

фида газ мұхит 3 даги реакциялар ва деталь билан электролит орасида бўладиган учқун разрядлар ҳисобига бўлади.

Бироқ, қурилма тажрибада диққат билан созланғандан кейинги на процесс аниқ бир хил операциялар учун барқарор бўлади. Бир турли деталларни оммавий ишлаб чиқаришда бу нарса қийинчилик туғдирмайди ва ишлаб чиқаришни автоматлаштиришга имкон беради. Бунда юқори кучланишлардан фойдаланилиши ва ишлайдиган кишилар ҳәёти учун хавфли бўлганидан автоматлаштириш жуда ҳам мұхим.

Агар ток зичлиги кичик танланган, шунингдек, ишчи кучланиши учқун ҳосил бўлиши учун зарур бўлган потенциаллар фарқидан кичик бўлса, бу процесс амалга ошмайди ва энергия электролизга сарф бўлади. Ток зичлиги юқори бўлганда процесс барқарор бормайди.

Қора металлар ва қотишмалар, графитлар ва карбидларга шу йўл билан ишлов берилади. Қиздиришда қизиётган сирт оксидланмайди, ишлов беришнинг дасталабки аниқлиги ва соғлиги сақланади. Қиздиришдан иссиқ механик ишлов беришда, термик ишлов бериш.

да, сим ва нозик буюмларни ярқирик юмшатиш, металл-керамика буюмларни пресслаш ва кавшарлашда фойдаланилади.

Буюмларни тоблаш учун ҳам электролитта қиздиришдан фойдаланилади. Деталь 1 (17-19- расм) 5 % ли Na_3CO_3 эритмасига ботирилди ва бу эритмадан 220—380 в кучланиши ток ўтказилади. Деталь атрофида ҳосил бўладиган водород пардасининг қаршилиги жуда юқори бўлиб тезда 1800—2000° С гача қизиб, бир неча секунд ичиде деталь 1 сиртини тоблаш температурасига-ча қиздириб юборади. Детални токни ўчириб ўша электролитнинг ўзида тобланади ёки тоблаш бакнга солиб қўйилади.

Электроконтакт йўли билан ишлов бериш асбоб-ускуналарининг соддалиги билан унча нозик бўлмаган операциялар қўймани артиш, сиртларни тозалашларда ўзининг юқори унумдорлиги ва эффективлиги билан ажralиб туради. Бундан ташқари, электроконтакт йўли билан чархлаш, фрезерлаш, қирқиши, тозалаш ва бошқа ишларни баҗариш мумкин.


17-20- расмда электроконтакт йўли билан чархлашнинг намунавий схемаси кўрсатилган. Деталь 1 токарлик станогига ўрнатилган, планшайба 3 нинг контакт мосламаси 2 га ва кескич 4 га пасайтирувчи трансформатор 5 дан кучланиш берилган. Кескичининг тутқичи 6 сув билан совитиб турилади

Бу усулда ишлов бериш процессининг моҳияти шундан иборатки, бунда контакт жойида ажralган иссиқлик туфайли юмшаган ёки эриган металл одатдаги чархлангандагидан анча осон едирилади. Ток зичлиги, кучланиш, чархлаш тезлиги, босим, муҳит (ҳаво, сув) сингари асосий параметрлар ўз катталигига эга ва ҳар бир ҳол учун тажриба йўли билан танланади. Бу усулда ўзгарувчан токдан фойдаланишининг мумкинлиги унинг катта афзаллигидир.


Салт юришда иккиласми кучланиши $U_2 = 2 \div 6$ в, деталь билан кескич орасидаги ишли кучланиши $U_n = 0,1 \div 3$ в. Қисқа туташув тоғи 300 дан 2000 а гача, ишчи ток эса 100 дан 1200 а гача ўзгариб туради. Ток зичлиги 5—200 а/мм².

e) Қаршилик ёрдамида электр билан билвосита қизитиш

Бу усулда ток махсус қизитиш элементларига берилади, бутун курилма эса қаршиликли электр печи деб юритилади. 17-21- расмда бундай печлардан биттасининг тузилиши кўрсатилган.




17-19- расм. Электролитда қизитиш.




17-20- расм. Электро контакт чархлаш схемаси.

Қиздириладиган буюм 1 иссиқликни изоляция қилувчи камера 3 нинг таҳтаси 2 устига қўйилган, камера эшикча 4 билан бер-китиб қўйилади. Камера қиздириғичлар 5 билан қизигилади. Камера футеровкаси иссиқликнинг ташқи муҳитга сарфланишини камайтиради ва ўзи қизиб, деталнинг ҳам бир текис қизишига ёрдам беради. $1000-1200^{\circ}\text{C}$ температураларга мўлжалланган печларда 6 нинг элементлари нихромдан ёки темир-хром-алюминий қотишмалардан қилинади; $1200-1350^{\circ}\text{C}$ температуралар учун мўлжалланган печларда карборунддан қилинган иситиш элементлари ёки эритилган тузлар ишла-



17-21- расм. Электр қаршилик печи.



17-22- расм. Электр ёйи печи.

тилади. Бундан ҳам юқори температураларда (вакуумда ёки бошқа ҳимоя муҳитида) графит, молибден, вольфрамдан фойдаланилади.

Инфрақизил нурлар билан ҳам билвосита қиздириш мумкин. Бунда қизиган ўтказгич энергиясининг қўп қисми инфрақизил нурлар кўринишида нурланади. Бундай қурилмалар учун йўналишли маҳсус инфрақизил нурланиш лампалари ишлатилади. Бу усул озиқ-овқат саноатида иситиш, қуритиш ва пиширишда қўлланилади. Қиздириш температураси $200-300^{\circ}\text{C}$ дан ошмайди, тежамлилиги кам.

ж) Электр ёйи билан қизитши

Металлни эритиш учун электр ёйи ишлатиладиган қурилмалар электр ёйи печи деб юритилади. Бевосита ишловчи уч фазали ток печлари кенг тарқалган, бу печларда ёй электродлар ва эритилаётган металл орасида туташтирилади (17-22- расм). Учта графит электрод *A, B, C* маҳсус трансформатор (печь трансформатори) нинг иккламчи чулғамига уланади. Ёйлар электродлар ва эритилаётган металл *I* орасида ёнади. Температура электродларни бир йўла автоматик тушириш ёки кўтариш, шунингдек, трансформатор бирламчи чулғами секцияларини ўзгартириш йўли билан ростлаб турилади. Токни чеклаш учун трансформатор билан кетма-кет реактор уланади. Катта унумли (соатига $50-60\text{ m}$ пўлат эритувчи) печлар 40000 квт , ўртача унумли ($3-5\text{ m}/\text{c}$) печлар эса $1000-4000\text{ квт}$ қувват сарфлайди.


Графит электродлар ўрнига плазма горелкалари ишлатилиши мумкин (17-17- расмга қаранг). Бу ҳолда печ герметик қилинади ва рафинланган мисдан тортиб титан, цирконий, молибден сингари қийин эрийдиган металларгача, үзинингдек, карбидларни ҳам эритиш мумкин. Бундай печларда плазма алангаси материалнинг бу аланга билан тегиб турувчи юқори қатламларини тезда эритади, у ўзининг асосий массаси билан футеровкани эришдан сақлаб туради ва бу эриётган маҳсулотларнинг юксак даражада тоза бўлишига имкон беради. Ишчи газ ўрнида аргон ишлатилади.

3) Ёйли вакуум печлари

Хозирги замон техникасини ўта мустаҳкам, иссиққа чидамли, химиявий муҳит билан ўзаро таъсири заиф бўлган материаллар ва қотишмаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қотишмаларнинг асосий компонентлари никель, титан, молибден, цирконий кабилардир. Эритиладиган металлар қийин эрувчан (молибден, вольфрам) ёки ҳатто, тигелда эритилганда тигель материали билан эритилаётган металлнинг ўзаро таъсири туфайли кераклича тоза металл олиб бўлмайдиган ҳолларда одатдаги эритиш усусларидан фойдаланиш мумкин эмас. Шу сабабли ёй вакуум печлари пайдо бўлди, уларнинг схематик тузилиши 17-23- расмда кўрсатилган.

Печнинг зангламайдиган пўлатдан қилинган корпуси 1 патрубка 2 орқали вакуум насосига уланган, насос печда вакуумини $1 \cdot 10^{-2} - 1 \cdot 10^{-3}$ мм сим. устунидаги олиб туради. Эритилиши керак бўлган металл электрод 3 кўринишида электрод тутқич 4 ёрдамида вакуум сақлагич 6 орқали ўтган сув билан совитилувчи шок 5 га осиб қўйилган. Эрувчи, металл 7 сув 9 воситасида совитиладиган мис кристаллизатор 8 да совийди. Кристаллизатор ва эритилаётган электродга 10 ва 11 ток ўтказувчи симлар орқали ток берилади. Процесснинг бориши 12 оптик қурилма (тирқиши) орқали кузатиб берилади.

Печлар асосан ўзгармас ток билан ишлайди. Бу ҳолда генераторнинг иккита: мустақил (*m*) ва параллел (*n*) уйғотиш чулгами бўлади, уларнинг магнитловчи кучлари ўзаро $F_m = 30\%$ F_n нисбатда бўлиб, бунда ташки характеристика тик пастловочи бўлади (8-21- § га қаранг). Ток 20 000 — 40 000 а бўлганда салт ишлаш кучланиши 40 в ёй кучланиши 36 — 37 в. Кучланишин доимий тутиш, бинобарин, эритманинг сифатли бўлишини таъминлаш учун автоматик ростлагичлар ишлатилади.



17-23- расм. Ёй вакуум печи.

Печларни ўзгарувчан ток билан ишлатиш учун $U_m = 45 \div 53$ в, салт ишлаш кучланиши 80 в бўлган трансформаторлардан фойдаланилади, бунда бирламчи кучланиш $U_1 = 220, 380$ в, $\eta = 0,87 \div 0,89$ ва соср = $0,62 \div 0,64$.

Вакуум 0,1 — 1мм сим. устунигача тушганда печда электрик ҳажмли заряд пайдо бўлади; ёй кристаллизаторга уриб кетиб, уни қўйдириб юборади. Печнинг гилофида сув буги билан қалдироқ газ аралашмаси ҳосил бўлиб, пеъч портлаб кетади. Шу сабабли пеъч масофадан туриб бошқарилади, улар темир-бетон деворлар билар тўсилади, кристаллизатор эса цех поли сатҳидан паст қилиб жойлаштирилади. Печни бошқаришнинг қийинлиги ва эритмалар сифатида нуқсонларнинг бўлиши эритишнинг янги технологиясини қидиришга унади ва у топилди. Бу электрон-нур ёрдамида эритиш усулидир.

и) Электрон-нур ёрдамида эритиш қурилмалари

Электрон-нур ёрдамида эритишда ишлаш мутлақо хавфсиз бўлишидан ташқари бу усулда эритилган металлар бошқа усуулларда эритилганидан тоза бўлади. Ниобий ва тантал эритилганда улар таркибидағи кислород, азот ва водород юзлаб марта камаяди. Хона ҳароратида дастлаб мўрт бўлган бу металларни эритиб, улардан юпқа фольга прокат қилиш мумкин бўлади. Темир, никель, мис ва уларнинг қотишмалари эритилганда улар қўрошин, қалайи, рух, висмут аралашмаларидан ва газсимон аралашмалардан батамом тозаланади. Электрон-нур ёрдамида эритиш (бу эса асссан буғлатиш деган сўздир) нисбатан жуда тежамли ва металлни ихчам қилиб қайта эритиш, чиқиндиларини эса қиринди ва бўлакчалар тарзида олишга имкон беради: Бунда газсимон ҳолатда аралаштиришга имкон бўлганидан батамом янги қотишмалар олиш мумкин. Бундан ташқари, вакуумда буғлатилган металлдан микроэлектроника ва энг янги ҳисоблаш қурилмалари учун мономолекуляр металл плёнкалар олиш имконини беради.


Қурилманинг ишлаш принципи қуйидагича. Электрон лампадаги сингари (13- бобга қаранг) қиздириш катоди электронлар эмметтирлади. Бу электронлар $3 \div 35$ кв тартибида доимий кучланиш берилиган электродлар орасида ҳосил қўлинган электр майдонига киради. Бу майдонда электронлар тезлашади ва кинетик энергия жамгаради. Агар электронлар йўлига металл бўлати ёки зарраси тушиб қолса, электронлар уларга урилиб ўзларининг кинетик энергиясини беради ва уларни эритади ёки буғга айлантиради. Электронларни эмметтирлайдиган ва тезлатадиган қурилма электрон пушка деб аталади (12-15- § га қаранг). Эриган металл кристаллизаторга тушади ва у ерда совийди. Бундай ҳодиса одатдаги электрон лампада ҳам учрайди. Унда электрон анодга етиб уни қиздиради. Бироқ у ерда аноднинг эриб кетиши лампанинг бузилишига олиб келган бўлур эди.

17-24- расмда электрон-нур ёрдамида эритиш қурилмасининг принципиал схемаси кўрсатилган. Қурилманинг зангламайдиган пўлатдан қилинган филофи икки: бўлувчи шибер 1 устидаги устки камера 6 ва пастки камера 7 дан иборат. Камераларнинг мустақил дам бериш йўллари 2 ва 3 бўлиб, улар ёрдамида вакуум $1 \cdot 10^{-6} \div 1 \cdot 10^{-4}$ мм сим. устунчидаги сақлаб турилади. Катод 4 ва анод 5 орасида 30 — 35 кв тартибда, тезлаштирувчи кучланиш ҳосил қилинади. Бу кучланиш кўприк схема асосида йиғилган селенили ёки кремнийли тўғрилагичларга кетма-кет уланган трансформатордан олинади. Вольфрам ёки танталдан қилинган қийин эрувчи катод 4 электронлар бомбардировкаси орқали билвосита қиздириллади (схемаси расмда кўрсатилмаган). Шундай қилиб устки камера 6 электрон тўпига эга.

Тезлатувчи кучланиш 30 — 35 кв бўлганда пушканинг қуввати 200—250 квт га етади. Эритиш камерасининг қувватини ошириш зарур бўлганда камера 7 га 2, 3, 4 ва ундан ҳам кўпроқ пушка қўйилади ва уларнинг ҳар бири сув билан совитиб турилади. Юқорида кўрсатилган кучланишда тезлатувчи электрод 5 га электронларнинг жуда кам миқдори тушади, электронларнинг қолган асосий қисми бўлиш диафрагмаси 8 орқали эритиш камераси 7 га ўтувчи кучли оқим ҳосил қиласи. Бу диафрагма шундай қурилганки, электронларнинг ўтишига тўсқинлик қилмагани ҳолда, эритувчи камера 7 дан электрон тўпли камера 6 га газларнинг ўтишига тўсқинлик қиласи. Қисқа ғалтак (соленоид) 9 нинг ташки магнитопроводи бўлиб, электрон-нурни 10 нинг диафрагма 8 дан ўтказиши, шунингдек, уни эриш зонаси 11 да кераклича фокуслашга хизмат қиласи. Зарур бўлганда электрон-нурни эритилаётган обьектда кескин фокуслаш мумкин.

Эритиладиган материал 12 кукунланган (ёки бошқа қурилмада эритилган) ҳолда эритиш зонаси 11 га берилади, бу ерда электрон-нур билан эритилиб, сув билан совитиладиган кристаллизатор 14 да қўйма 13 га айлантирилади. Эритиш тугагач, қўйма вакуумда совитилади ва маҳсус механизм ёрдамида эритиш камераси 7 дан юклаш камерасига тортиб олинади. Юклаш вақтида электрон тўпли камера эритиш камерасидан бўлиш шибери 1 билан ажратилади.

Совет олимлари электрон-нур ёрдамида эритишнинг юқорида кўрсатилганидан мукаммалроқ қурилмаларини яратганлар.




17-24- расм. Электрон-нур ёрдамида эритиш қурилмаси.


к) Металларни индукцион қиздириши

Индукцион қиздириш усулларида ўзгарувчан токдан фойдаланилади ва барча қурилмалар пўлат ўзакли ёки пўлат ўзаксиз трансформаторлар принципида ишлайди. 17-25- расмда пўлат ўзакли электр индукция печи кўрсатилган. 50 гц частотадаги ўзгарувчан ток пўлат магнитопровод 2 даги бирламчи чулғам 1 га берилади. Канал 3 даги эриган металл иккиласми чулғам бўлиб

хизмат қилади. Металл солинадиган шахта 4 ўтга чидамли футеровка 5 билан қопланади. Канал 3 ўтга чидамли тош 6 га эга. Электродинамик кучлар туфайли каналда ҳосил бўладиган металл циркуляцияси шахта 4 га узатилади. Эриган металл вақт-вақти билан унинг бир қисми канал 3 да қоладиган қилиб тушириб турилади. Печь узлуксиз ишлатилиши, печь тўхтатилган вақтда унинг каналдаги ҳамма металл тўкилиши лозим. Қурилманинг фойдали иш коеффициенти 0,85, $\cos \varphi = 0,6 \div 0,7$. Рангли металлар ва уларнинг қотишмаларини эритиш учун бундай печлар энг яхшиларидан ҳисобланади.



17-25 расм. Пўлат ўзакли индукция электр печи.



17-26- расм. Пўлат ўзаксиз индукцион печь.

Уларда эритиш процесси вакуумда амалга оширилиши мумкин ва металл қуондисиз юқори сифатли материаллар олинади, фойдали иш коеффициенти $0,8 \div 0,9$ гача. Бу печларнинг қувват коеффициенти жуда кичик ($\cos \varphi \approx 0,3$), шу сабабли бу коеффициентни яхшилаш воситаларидан фойдаланишини тақозо қиласи.

Саноатда юксак частотали индукция токлари воситасида сиртқи тоблаш усули кенг қўлланилади. 17-27- расмда сирти тобланиши керак бўлган цилиндрик деталь 1 кўрсатилган. Сув билан

совитиладиган мис найдан ясалган спираль чулғам 2 бўйлаб генераторидан олинадиган паст кучланиши катта қийматли юқори частотали ток ўтказилади. Бу ток металлнинг сиртқи қатламида уюрма токлар ҳосил қиласди. Бу уюрма токлар қатлам 3 ни 3÷5 секунд ичидаги тобланиш температурасигача қиздириб юборади. Катта буюмларни тоблашда 500—15000 гц частотада 100—500 квт қувват билан ишладиган машина генераторларидан фойдаланилади. 100 000 гц дан юқори частотадаги лампали генераторлар 30 мм дан кичик диаметрли деталлар учун ишлатилади. 200 мк дан каттада диаметрли деталлар 50 гц саноат частотасидаги ток билан тобланади. Қурилманинг cos φ сини яхшилаш учун конденсаторлар ишлатилади.

Л) Материалларга когерент ёруғлик нури билан ишлов берши


Хозирги замон ўта қаттиқ ва иссиққа чидамли материалларидан уларга ишлов беришнинг мутлақо янги усулларини яратмасдан фойдаланиш ақлга сиғмайди. Бу усуллар, масалан микроэлектроника ва энг янги ҳисоблаш қурилмалари учун ўлчами бир квадрат миллиметр бўлган микроқаршиликли, микроконденсаторли, транзисторли, диодли юпқа пардали кўп қатламли схемалар ва бошқа шу сингари элементлар яратишга, секунднинг ўндан бир қисмида вольфрамда ва олмосда деаметри бир неча микрон бўлган тешниклар пармалашшга ва ҳоказоларга имкон беради.

Қуйида ўта қаттиқ материаллар: металллар, қотищмалар, олмослар ва бошқаларнинг ҳозирги замон технологияси турларидан бири тўғрисида умумий тушунча берилади; бу 17-28- расмда кўрсатилган квант генератори (лазер) нури ёрдамида ишлов беришдир.


Импульс берувчи манба 1 дан неон ва крипотон аралашмаси билан тўлдирилган ҳамда яшил ёруғлик берувчи чақнашлампаси 2 га энергия берилади. Ёруғлик импульси диаметри бир сантиметрга, узунлиги эса бир неча сантиметрга яқин бўлган рубин стержень 3 инг хром атомларини қўзгатади.

Рубин тутқич 4 га жойлаштирилган бўлиб, пружина 5 га таянида ва найда 9 орқали газ билан совитилади. Рубиннинг учи 6 қўзгусимон кумушланган, охири 7 эса ярим шаффофф кумушланган.

Ёруғлик чақнашида юқорироқ энергия сатҳига (1-8-§) ўтказилган хром атомлари ёруғлик импульсидан сўнг дастлабки энергия



17-27- расм. Индуктор ёрдамида сиртқи тоблаш схемаси.



17-28- расм. Квант генератори (лазер) схемаси.

сатҳига қайтиши мумкин, бунда улар нур энергия порцияси (квант) ни нурлатади. Бунда Ҷубин Москвада Кремлининг рубин юлдузларида кузатиладиганига ўхшаш қизил нурланади.

Бироқ лазер шундай тузилганки, бунда хром атомларининг дастлабки энергия сатҳига ўтиши мажбуран, фаза жиҳатидан мувофиқ (когерент) ҳолда бўлади. Бунинг сабаби қуйидагича.

Хром атомларининг электронлари юқори энергия сатҳида анча узоқ муддат — секунднинг мингдан бир улуши давомида ушланиб қолиши мумкин. Катта қувватли чақнаш лампаси 2 хром атомларининг ярмидан кўпини қўзгатилган ҳолатга ўтказиши учун шу вақтнинг ўзи етарли. Сўнгра агар рубин кучсиз қизил нур билан ёритилса, хром атомлари ёруғлик энергия квантлари нурлаб қуий энергия сатҳига ўта бошлайди. Ёруғлик тўлқинлари рубин ўқи бўйлаб тарқалиб, рубиннинг кумушланган кесим учларидан кўп марта-лаб қайтади ва тобора янги атомларни қўзгатаверади. Рубиннинг кесим учлари орасида ёруғлик энергияси кўчкисимон орта боради ва маълум моментда ярим кумушланган учидан кўзни олувчи нур 8 тарзида чиқади (17-29- расм).

Рубин лазер ёруғлик импульсларини 0,7 мк тўлқинда нурлайди. Импульснинг давомлилиги 0,001 сек га якин, импульслар орасидаги муддат бир неча микросекунд. Лампа 2 нинг бир чақнаши давомида бир неча юз қизил нур импульслари ўтади. Лазер нурининг ёрқинлиги қўёш нурининг ёрқинлигидан айни бир жисмоний бурчак остида миллион марта кучли ва уни кескин фокуслаш мумкин. Лазер нурининг солиштирма қуввати жуда катта, у ўз йўлида учраган буюмларни бир онда қиздиради ва эритиб юборади. Лазер нури билан (одатдаги асбоблар билан қилиб бўлмаган ҳолларда) миннуга ўнлаб тешиклар пармалаш, қийин эрийдиган металларни эритиб, металл ва керамикага суртишга имкон беради. Бу ишларнинг ҳаммаси ҳавода, газларда, вакуумда бажарилиши мумкин. Совет инженерлари томонидан оптик квант генераторлари билан таъминланган программа бўйича бошқариладиган станоклар яратилган.

Совет олимлари Н. Г. Басов ва А. М. Прохоров квант электроникасига доир ишлари учун 1959 йилда Ленин мукофотига ва 1964 йилда Нобель мукофотига сазовор бўлдилар.

м) Диэлектрикларни қиздириши

Диэлектрикда ҳам электр энергиясини иссиқлик энергиясига айлантириш мумкин, бунинг учун диэлектрикни юқори частотали электр майдонига жойлаштириш керак. Диэлектрикдаги исрофлар қуввати

$$P = 2 \pi f C U_c^2 \operatorname{tg} \delta,$$

бунда C — электродлар ва диэлектрикдан ҳосил бўлган конденсаторнинг сирими, $\operatorname{tg} \delta$ — диэлектрик исрофининг бурчак тангенси бўлиб, қизишдаги актив токнинг реактив токка нисбатига teng, U_c конденсатор қопламаларидаги кучланиш.

Курилмаларга ток Г-450, Г-431 ва шунга ўхшаш қувватли триод лампа генераторларидан берилади (13-13- §). Қувватни ошириш учун бир неча бир хил триод параллел уланади. Майдон кучланиши ва частотаси ортганда P қувват ортади, демак, қизиш ҳам кучаяди. Бироқ кучланишин жуда оширишда қатор техник қийинчиликларга дуч келинади, шунинг учун одатда частотани (амалда 100 кгц дан 100 Мгц гача) орттирилади. Майдон кучланғанлығи сантиметрига бир неча вольтдан 2,5 кв гача ўзгариши мүмкін. Диэлектрикларни қызитишдан пластикаттарни пайвандлаш, пресс-кукунларни қыздырыш, ёғоч ва конденсатор қофозини құритиш, озиқ-овқат маҳсулотларини стерилизация қилишда фойдаланилади.

17-4. ЭЛЕКТР ЭРОЗИЯ ЙҰЛИ БИЛАН ИШЛОВ БЕРИШ


Электр эрозия йұли билан ишлов бериш усули юқорида баён қилинған усуллардан бутунлай фарқ қиласы. Бу усул ток ўтказувчи барча материалларга, айниқса юқори ва ўта юқори қаттықұлқидаги материалларга құлланилади. Бу усулнинг құлланиш диапозони жуда кенг — чанглатгичларда тешиклар очишдан тортиб, то құйма штамплар тайёрлашгача шу усулдан фойдаланилади. Бу усулдан түрлі туман коваклар ва тешиклар очища айниқса кенг фойдаланилади.

Электр эрозия усули ишлатиладиган ҳамма ҳолларда эрозия ҳосил қилинали, яғни ишлов берилеётгандың сирт электр разрядлар таъсирида емирилади. Бунда бериладиган энергия ишлов бериш зонасында электродлар орқали импульслар тарзыда келади; электродлар диэлектрик мұхит билан ажратылған бўлади. Электродлар оралигига энергиянинг бўлиниши электродлар орасидаги масофага боғлиқ. Электр разряднинг деярли ҳамма энергиясы электродлар сиртида ажралиши учун уларнинг узоклигиги 3—5 микрон бўлиши керак. Электродларнинг емирилиши бир хил бўлмайди. Улар орасидаги потенциаллар фарқи 20 в дан кам бўлганида анод тезроқ емирилади, потенциаллар фарқи 40 в дан ортиқ бўлганида катод тезроқ емирилади.


Ягона (импульсли) разрядда ишлов берилеётгандың сиртда чиқарыб ташланған металл ўйиғи ҳосил бўлади, унинг диаметри металлнинг физик хоссалари (ионизация потенциали, атом оғирилигиги) га боғлиқ бўлади, чуқурлиги эса металлнинг иссиқлик-физик хоссаларига боғлиқ бўлади. Маълум ўлчамли ишлов бериш учун берилеётгандың энергия импульслари давомлилиги қисқа (300—10 мк сек) бўлиши ва 400—35 000 имп/сек частотада берилishi, буюмнинг импульс бериладиган соҳаси эса кичик бўлиши керак. Энергия импульслари маҳсус импульс генераторларидан берилади, у генераторларнинг баёни бу китоб доирасига кирмайди.

17-29-расмда электр эрозия (электр учқун) усули билан ковак ва тешиклар очиши схемаси күрсатылған. Буюм-анод 1 ва асбоб-катод 2 орасида диэлектрик мұхит (минерал мой) 3 да импульсли учқун разрядлар ҳосил бўлади. Разрядлар таъсирида емирилиш ҳо-

сил бўлади, хусусан ихтиёрий бирор металл ёки қотишмадан қилинган анод емирилади. Катод одатда мис, жез, металлографит, алюминий қотишмаларидан қилинади. Тешик ёки ковакнинг шакли ҳамда ўлчамлари катод асбобнинг шакли ва ўлчамларига мос бўлади, бу керакли ўлчамларда ишлов беришда кенг қўлланилади. Ишлов берилётган деталнинг катталигига боғлиқ равишда энергия импульслари $0,05 - 300$ ж дан ва маҳсус генератор 4 дан берилади. Қурилманинг ишчи кучланиши $70 - 160$ в, ишчи ток $1 - 55$ а. Ишлов бериш аниқлиги синфи 3 — 5, тозалик синфи 3 — 6.



17-29-расм. Электро эрозия усулида тешиклар очиши схемаси.



17-30-расм. Электр учқуни билан кичик тешиклар очиши.

17-30-расмда электр учқуни билан кичик ($d = 0,1 \div 0,15$ мм) тешиклар очиши кўрсатилган. Ишлаш схемаси ва принципи худди аввалигига ўхаш. Катод жез сим 1 дан қилинган ва тешик 2 очиладиган анод импульслар генератори 3 га уланган, бу генератор $0,3 \cdot 10^{-2} \div 0,4 \cdot 10^{-3}$ ж энергияли импульслар беради. Катоднинг диаметри жуда кичик бўлгани учун унинг қаттиқ бўлишини таъминлаш мақсадида изоляцион материалдан қилинган йўналтирувчи кондуктор 4 орасидан ўтказилга. Ванна минерал ёғ 5 билан тўлдирилган. Катода маҳсус мослама ёрдамида тешик очиш йўналишида $0,15 - 0,3$ мм амплитудали вибрация берилади. Қурилманинг ишчи кучланиши $U_n = 70 \div 200$ в, ишчи токи $I_n = 0,05 \div 0,4$ а.

Ишлов бериш аниқлиги синфи 1 — 2, тозалик синфи 6 — 7.

17-5. УЛЬТРАТСВУШ ёРДАМИДА ИШЛОВ БЕРИШ

16000 гц ва ундан юқори частотали эластик механик тебранишлар мавжуд бўлганда химиявий энергия, электр ёки механик энергия ёрдамида ишлов бериш ультратовуш ёрдамида ишлов бериш дейилади. Ультратовуш тебранашлардан химиявий ёки электрохимиявий процессларни жадаллаштириш ёки механик тебранишларни ишлов бериш зонасига узатиш воситаси сифатида фойдаланилади. Қаттиқ ва мўрт материалларга ўлчамли ишлов бериш, сиртлар ва суюқликларни тозалаш, осон оксидланувчи сиртларни кавшарлаш ва силлиқлаш сингари операцияларда ультратовуш усули кенг қўлланилади.


Ультратовуш манбалари сифатида механик ва электр қурилмаларидан фойдаланилади. Қуйида биз ана шуларни қараб чиқамиз. Электр қурилмаларда электр тебранишлари пъезоэлектрик ва магнитострикцион ўзгартиргичлар ёрдамида механик-ультратовуш тебранишларига айлантирилади. Юқорида эслатиб ўтганимиздек, электр майдонига жойлаштирилган кварц пластинка ўз ўлчамларини ўзгартириш қобилиятига эга. Баъзи ферромагнит материалыллар (никель ва никель-рух ферритлари) ҳам магнит майдонига жойлаштирилганда шундай қобилиятга эга бўлади. Бу ҳодиса магнитострукция ия дейилади ва ундан магнитострикцион ультратовуш қурилмаларида фойдаланилади.

17-31- расмда магнитострикцион вибраторнинг соддалаштирилган схемаси кўрсатилган. Феррит пакет-магнитопровод 1 нинг максус генератордан $f = 16 \div 25$ кгц частотали ток оловчи чулғами 2 бор. Пакет корпусга маҳкамланади (корпус расмда кўрсатилмаган) ва сув билан совитилади. Тебранишлар амплитудасини зарур катталикка ($10 - 100$ мк) орттириш учун пакет тебранишлар трансформаторлари 3 га механик уланган. Трансформаторнинг чекловчи сиртлари экспоненциал эгри чизиқ бўйича ясалган. Трансформаторга ишлов берувчи асбоб 4 пайванд ёки резьба билан маҳкамлаб қўйилади.


Бу асбобнинг вибрацияси қаттиқ ва мўрт материалларга ишлов беришга, яъни шакли жиҳатидан худди ишлов берувчи асбоб шаклига мос бўлган ковак ва тешниклар очишга имкон беради. Ишлов бериш абразив материаллари кукунининг сувдаги супензиясида бажарилади.

17-32- расмда деталларни механик ва ёғли ифлосланишлардан тозалашни магнитострикцион вибратор 1 ёрдамида жадаллаштириш усули кўрсатилган. Тозаланадиган буюмлар ботириладиган эритмали ванна 2 тубига вибратор мословчи мембрана 3 ёрдамида уланган. Мембрана вибраторнинг ультратовуш тебранишларини эритмага беради ва тозалаш процессини жадаллаштиради. Соатларнинг деталлари, подшипниклар, медицина асбоблари, электр вакуум асбобларининг деталлари ва бошқалар шу усулда тозаланади.

Осон оксидланадиган металлар (алюминий, янги енгил ва максус қотишмалар) ни ультратовуш усули билан кавшарлаш ва ярқиратиш жуда эффективдир. Бундай усул билан кавшарлашда қавитация деб аталган ҳодиса асосий роль ўйнайди. Товуш тебранишларининг қуввати катта бўлганда суюқ кавшарда минглаб атмосфера босимли пуфакчалар ҳосил қилувчи кучли зарба тўлқинлари юзага келади. Гидравлик зарбалар металл сиртидаги оксид




17-31- расм. Магнитострикцион вибраторнинг тузилиши.



17-32- расм. Деталларни механик ва ёғли ифлосликлардан тозалашни тезлашиб усули.

пардан емиради ва унга кавшарнинг етиб боришига имкон беради. Бу ҳоуда флюсларнинг ҳар қандай турга бўлган зарурати йўқолади.

17-33 - расмда ультратовуш кавшарлагич кўрсатилган. Механик тебранишлар магнитострикцион пакет 2 нинг чулғами 1 дан ўтувчи юқори частотали ток воситасида юзага келади. Кавшарлагич танаси



17-33-расм. Ультратовуш паяльниги.

3 қиздириш чулгами 4 га эга. Эластик тебранишлар металл 5 оксиди пардасини қизиш зонасида узади ва припой 6 металл 7 га етиб бориб, уни мустаҳкам қатлам 8 билан қоплади.

17-6. ЭЛЕКТРОСТАТИК ҚУРИЛМАЛАР

a) Ишлари принципи


Ишлов бериладиган материалга таъсир қиласидиган, бироқ унда ҳеч қандай ўзгаришлар ҳосил қиласидиган электр майдони ҳосил қилувчи қурилмалар электростатик қурилмалар деянилади. Бундай қурилмаларда электростатик майдон таъсирида модданинг макрозарралари майдон кучлари томонидан маълум йўналишда ҳаракатга келтирилади. Шунинг учун бундай қурилмалар газларни тозалаш, сочилиувчан аралашмаларни уларни ташкил қилувчи қисмларга ажратиш ва сортлаш, сувни тозалаш, коллоид эритмалардан фракцияларни ажратиб чиқариш ва электр майдонида бўяш синфари ишларда фойдаланилади.

Ҳамма ҳолларда ҳам модданинг нейтрал зарралари ёки контакт усули билан ёки электр майдони воситасида олдиндан электр билан зарядланган бўлиши керак. Одатда қуруқ сочилиувчан аралашмаларга биринчи усул, газлардаги ва суюқликлардаги муаллақ зарраларга эса иккинчи усул татбиқ этилади.

б) Сочилиувчан аралашмаларни таркибий қисмларига ажратиш

17-34-расмда тортилган дон махсулотлари (ун) ни электростатик ажратиш қурилмасининг схемаси кўрсатилган. Бункер 1дан ун элак (нов) 2га тушади ва унда экскентрик айланувчи 3 воситасида эланади. Элак айни вақтда зарраларни зарядловчи электрод ҳамдир.


Зарядланган зарралар орасидаги потенциаллар фарқи ўнлаб киловольт бўлган икки электрод 4 оралиғига тушади. Кулон қонунига кўра, кучлар таъсирида тоза ун доннинг қобиқлари (кепак) дан ажралади ва приёмник 5 ячейкаларига сортланади. Трансформатор 6 ва тўғрилагич 7 электродлар 4 да кучланишининг доимий бўлишини таъминлайди. Қурилманинг иш унуми нов 2 нинг кенглигига боғлиқ бўлади ва суткасига новнинг 1 см кенглигига 100 кг гача бўлиши мумкин. Қурилманинг истеъмол қуввати новнинг 1 м кенглигига 500 вт га тенг.



17-34-расм. Тортилган унни турли парсалардан ажратувчи электростатик қурилма.

в) Газларни электростатик тозалаш

Газларни электростатик тозаловчи қурилмалар электрфильтрлари дейилади (17-35-расм). Газ билан бирга фильтр найи 5 га кираётган кул, чанг, цемент зарралари, юқоридаги сингари олдиндан зарядланган бўлиши керак. Бироқ, улар газда муаллақ бўлгани учун контакт усулида электрлаб бўлмайди. Шу сабабли, зарраларни фильтрларда электрлаш учун тож фойдаланилади. Фильтрнинг корпуси 1 да бекитувчи изолятор 2 ёрдамида марказий электрод 3 ўрнатилган. Фильтр корпуси билан марказий электрод оралиғида юқори кучланиш манбаси 4 ёрдамида потенциаллар фарқи ҳосил қилинади ва унинг бирор муайян қийматида электрод 3 да тож разряд вужудга келади.




17-35-расм. Электрфильтр.


г) Металл буюмларни электростатик бўяш

17-36-расмда металл буюмларни бўяш ёки уларга эмаль қоплаш қурилмаси схематик кўр-

сатилган. Ерга уланган конвейер 1 га бўяладиган буюмлар 2 осиб қўйилган. Бу буюмлар бўяш камераси 3 да ҳаракатланади, камеранинг ичидаги изоляторлар 4 да ингичка симлардан тўр шаклида тортилган рамалар 5 осилган. Бу симлар изоляторлар 4 орқали юқори кучланиш манбай 6 нинг манфий тутқичига уланган ва улар тож разряд ҳосил қилиувчи электродлардир. Юқори (150 кв гача) кучланишларда тож разряд вужудга келади ва пневматик пуркагичнинг соплоси 7 орқали пуркалаётган бўёқ зарралари мусбат зарядланган буюмларга қараб ҳаракатланади ва уларда зич катлам шаклида ўтириб қолади. Бўяш камераси маҳсус тортувчи қурилма 8 билан таъминланган. Юқори кучланиш манбанинг қуввати одатда 150 вт дан ошмайди. Автомашиналар, қишлоқ хўжалик машиналари, электротехник асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш саноатида электр ёрдамида бўяш кенг қўлланилади.



17-36- расм. Буюмларни электростатик усулда бўяш.



17-37- расм. Электростатик усулда бўяш учун ишлатиладиган чанглагич.

ð) Ёғоч буюмларни электростатик пардоzlashi

Ёғоч буюмларни электростатик пардоzlаш металл буюмларни электр билан бўяшга қараганда бошқача қатор хусусиятлари бор. Чунки ёғоч буюмларни лак билан қоплашга жуда юқори декоратив талаблар қўйилади. Ёғоч сиртига дастлабки ишлов бериш тозалиги 9-10 синфга мос келиши керак. Акс ҳолда, бўяладиган сирт тукли бўлганда, тукчалар ва бошқа ҳар қандай ўткир учлар атрофида тескари тож ҳосил бўлади. Натижада сирт соҳалари бўялмай қолади.

Иккинчи хусусияти шундан иборатки, қуруқ ёғоч токни ёмон ўтказади. Шунинг учун ишлов бериладиган ёғочнинг нисбий намлиги 8% дан кам бўлмаслиги керак. Ёғочнинг электр ўтказувчалигини ошириш учун уни тайёрлашда тупроқ таркибига баъзан фосфор кислота қўшилади.

Бўяшда буюм ҳамма вақт юқори (80 — 150 кв) кучланиш манбанинг ерга уланган мусбат тутқичига уланади ва пуркаш электромеханик усулда ўтказилади. Унда пуркагичнинг шакли, масалан, коса (17-37- расм) кўринишида бўлади ва электр двигатели ёрдамида минутига 1500 мартагача тезлик билан айлантирилади. Айланнишда пуркаланаётган лак косанинг ўткир чеккаларида манфий зарядланади ва электр майдон кучлари воситасида буюмга ўтказила-

ди. Бұյшда ток $0,2 - 2$ мА дан ортиқ бұлмайди, шукинг учун юқори күчтаниш манбалари сифатыда чала үтказғичли вентиллар, кенотронлар ва махсус электростатик генераторлар ишлатилади.


Электр билан бұйшда лак бүёк материалларининг тежами бошқа оддий пуркашдагига қараганда 40% ва ундан ортиқ бұлади. Мөхнат сарфлари 30% қисқаради, иш унуми бир неча марта ортади.

Электростатик бұйшда, айниқса ёғочга ишлов бериш саноатида хавфсизлик техникаси ва ёнғинга қарши техника қоидаларига қатый амал қилиниши керак. Электр билан бұяш установкаси турған бино бошқа ёғоч чанглари ҳосил бўладиган бинолардан алоҳида бўлиши керак. Бундай чанг зарралари электростатик майдон зонасига кириб, зарядланғандан кейин одам учун айниқса зарарли бўлиб қолади. Одамлар ток билан шикастланмаслиги учун қуввати 150 atm дан ортиқ юқори күчтаниш манбалари тавсия қилинмайди. Бұяш камераси ва нормал күчтанишда бўлмаган бошқа қисмлар ерга улана-ди. Ерга улаш қаршилиги 2 омдан ошмаслиги керак. Қурилмани ерга алоҳида улаш тавсия қилинади, бунда у подстанция трансформатори ноль нуқтасининг ерга уланиши билан боғланмаган бўлиши керак. Қурилма, айниқса пуркагичлар тўхтатилгач, улардаги қолдиқ статик зарядлар разрядник ёрдамида олиниши керак. Ёнғинга қарши тадбирлар сифатыда тож разряднинг учқун разряд ёки ўй разрядга ўтиб кетмаслигига бинобарин, лак ва ёғоч чангининг алана-га олиб кетишига қарши тадбирлар кўрилиши лозим.

e) Сувни электростатик тозалаш

Хозирги вақтда ичиладиган ва техникада ишлатиладиган чучук сув олиш муаммоси жуда муҳимdir. Атом қурилмаларда жуда катта миқдорда электр энергия ишлаб чиқаришнинг реал имко-ятлари туфайли денгиз ва океанлар сувини чучуклаштириш ма-саласи ҳал қилиниши керак. Сувни электр осмотик йўл билан тозалашнинг қўйида кўрсатилган схемаси литрида бир неча юз миллиграмм қўрқ чўкма бўлган сувни тозалашга имкон беради.

17-38-расмда замш (кўн), керамика, пергамент ва ҳоказо диафраг-малар 4 билан уч бўлимга бўлинган ячейка (идиш) кўрсатилган. Биринчи ва иккинчи бўлимларга электр энергия манбаларига улан-гани электроллар ботирилган. Най 5 дан тозаланадиган сув ячейкага ту-шади. Сувда бўлган Na_2SO_4 , CaSO_4 , CaHCO_3 ва бошқа тузлар бўлим 1 даги катодга қараб ҳаракатланувчи H^+ , Ca^{2+} , Na^+ катионларга ва бўлим 2 даги анодга борувчи HO^- , SO_4^{2-} , HCO_3^- анионларга диссоциа-цияланади. Бу бўлимлардан ишқор-ли ва аччиқ сув 6 ва 7 трубалар-дан чиқиб кетади. Бўлим 3 даги



17-38-расм Сувни электростатик усула тозалаш.

тузлари камайган сув труба 8 орқали биринчиси билан кетма-кет уланган иккинчи ячейкага берилади ва ҳоказо. Ячейкаларга 110 ва 220 в кучланиш берилади. Бунда кетма-кет занжирнинг ҳар бир ячейкасига тўғри келувчи кучланиш тобора ортиб боради. Кетма-кет уланган ячейкалар группаси ўзаро параллел уланиши мумкин.

Ўн саккизинчи бўб. ЭЛЕКТР БИЛАН ЁРИТИШ

18-1. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА БИРЛИКЛАР

Ёруғлик ишлаш учун зарур шартдир. Яхши ёритиш меҳнат унумдорлигини ошириш, бракни камайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқаришда травматизмни камайтириш шартларидан биридан.

Электр билан ёритиш учун кўпинча чуғланма лампа вольфрам толасининг 3000° температурагача чўғлангандаги нур энергиясидан фойдаланилади.

Нур энергиянинг одам кўзи ёруғлик таъсири сифатида қабул қиласиган қисмининг у нурланадиган вақт оралигига нисбати ё руғликоқими (F) дейилади. Шундай қилиб, ёруғлик оқими одам кўзи қабул қиласиган нур энергиянинг қуввати бўлади.

Ёруғлик манбаларнинг ёруғлик оқими фазода нотекис тақсимлангани учун уларни турли йўналишларда оқимнинг фазовий зичлиги катталиги билан ҳам характеризланади. Оқимнинг фазовий зичлиги фазовий бурчак бирлигига тўғри келувчи ёруғлик оқими билан аниқланади ва ёруғлик кучи (I) деб юритилади.

Бинобарин, ёруғлик кучи

$$I = \frac{F}{\omega}.$$

Фазонинг конус сирт билан чегараланган қисми фазовий бурчак (ω) дейилади. Фазовий бурчак таянган сфера майдони қисми S нинг сфера радиуси квадратига нисбати фазовий бурчак катталигини аниқланади:

$$\omega = \frac{S}{R^2}.$$

$S=R^2$ бўлганда $\omega=1$. Шундай қилиб, сфера сиртида сфера радиус квадратига тенг майдон кесувчи бурчак фазовий бурчак бирлиги учун қабул килинган. Бу бирлик с терадиан ($ster$) дейилади.

ГОСТ 9867-61 га мувофиқ *СИ* системасида асосий ёруғлик бирлиги учун ёруғлик кучи бирлиги шам ($ш$) олинади. Шам — юзи 1,6667 mm^2 бўлган платинанинг қотиш температураси $T = 2046^{\circ}\text{K}$ даги

абсолют қора жисмнинг текис сиртига перпендикуляр йўналишдаги ёруғлик кучига тенг.

Ёруғлик оқимининг бирлиги люмен (*лм*) — ёруғлик кучи I шам бўлган манбанинг 1 *стер* га teng фазовий бурчакка нурлатган ёруғлик оқимиdir.

Шундай қилиб,

$1 \text{ } \mu\text{m} = \text{шам. } 1 \text{ } \text{смтр.}$

Масалан, номинал күчләниши 127 в қуввати 100 вт бўлган чўғланма лампанинг ёруғлик оқими $F = 1320$ лм бўлади.

Юқорида айтганимиздек, лампа ва ёритиш асбобларининг ёруғлик кучи турли йўналишлар бўйича турлича. Манба ёруғлик кучининг турли йўналишлари бўйича таксимланиши одатда қутб координатларида ясалган энгри чизиклар билдирилганади.


18-1-расмда қуввати 100 *вт*, номинал кучланиши 220 *в* бўйланма лампа ёруғлини кучининг бўйлама тақсимланиши пунктир эгри чизиқ билан тасвирланган. Радиус кесмасининг О қутбдан эгри чизиқ билан кесишгунча бўйлан узунлиги маълум масштабда ёруғлик кучининг радиус йўналишидаги қийматини беради. Масалан, 45° бурчак остида жойлашган радиус йўналишидаги ёруғлик кучи 100 *шам*. Лампа симметрия ўқига эга, шунинг учун 180° бурчакдаги ёруғлик кучини топиш учун эгри чизиқ биринчи ярмининг кўзгу тасвири бўйлан иккинчи ярмини ясаш керак. 18-1-расмдаги туташ эгри чизиқ худди шу лампанинг «Универсал» арматурасидаги ёруғлик кучининг тақсимотини кўрсатади.

Манбанинг ёруғлик кучи турли йўналишларда турлича бўлганидац у кўпинча ўртача сферик ёруғлик кучи билан 18-1-расм. Ёруғлик кучининг тақсимланшини кўрсатувчи характерланади, бу катталик манбанинг тўла ёруғлик кучининг сферанинг фазовий бурчаги (4π) га нисбатидан иборатдир, яъни

$$I_0 = \frac{F}{4\pi}.$$

Шундай қилиб, манбанинг ўртача сферик ёруғлик кучи ёруғлик оқимининг ўртача зичлигидан иборат бўлади ва манба ёруғлик оқимини барча йўналишларда бир текис тақсимлагандаги ёруғлик кучининг қандай бўлишини кўрсатади. Масалан, аввалги мисолдан кўрилган лампа учун ўртача сферик ёруғлик кучи

$$I_0 = \frac{F}{4\pi} = \frac{1320}{4 \cdot 3.14} \approx 100 \text{ шам.}$$




18-1-расм. Ётуғлик күчининг тақсимланишини күрсатувчи бүйдама эгрли чизиклар.

Ёрглил оқими сиртга тушиб, уни ёритади. Ёритиш интенсивлигиги ёруғлик оқимининг у бир текис ёритган сирт майдонига нисбати билан характерланади, бу нисбат ёритилгачлик дейилади (E):

$$E = \frac{F}{S}.$$

$F = 1 \text{ лм}$ ва $S = 1 \text{ м}^2$ деб олиб, ёритилганинг люкс (лк) деб аталган ўлчов бирлигини ҳосил қиласиз:



18-2-расм. Нур сочаёттан сиртиниг равшанилиги.

$$1 \text{ лк} = \frac{1 \text{ лм}}{1 \text{ м}^2}.$$

Чўғланма лампалардан фойдаланилганда биноларнинг йўл қўйилган энг кам ёритилганилиги қилинадиган ишнинг характеристири ва қатор шароитларга боғлиқ равишда $50 - 500 \text{ лк}$ чегарада бўлади.

Буюмнинг кўриниши ёрқинлик (B) билан характерланади, ёрқинлик сирт нурлатаётган ёруғлик кучининг шу сирт катталигига нисбатидир. Шундай қилиб, сиртга перпендикуляр йўналишдаги ёрқинлик (18-2-расм)

$$B_H = \frac{I_H}{S}.$$

Нормалга α бурчак остида ўтказилган тўғри чизик йўналишида-ги ёрқинлик (18-2-расм):

$$B_\alpha = \frac{I_\alpha}{S''\cos\alpha}$$

Ёрглил кучини шамларда, майдонни квадрат метрларда ифодалаб, квадрат метрда шамлар билан ифодаланган ёрқинликни топамиз. Ёрқинликнинг бу бирлиги нит (nm) деб юритилади:

$$1 \text{ нт} = \frac{1 \text{ шам}}{1 \text{ м}^2}.$$

Нит ўзига перпендикуляр йўналишда 1 м^2 юзадан 1 шам ёрглил кучи ҳосил қилувчи бир текис нурланаётган ясси сиртнинг ёрқинлигидир.

Ёритилган ёки нурланаётган сиртнинг ҳар бир элементидан кузга қанча катта ёруғлик оқими тушса, буюмнинг тасвири кўзининг ёруғлик сезувчи қобигида ҳосил қилган кўриш сезгиси шунча кучли бўлади. Демак, жисм сиртнинг ҳар бир бирлиги нурланаётган катта ёруғлик кучига буюмнинг яхши кўриниши мос келади.

Жисмга тушаётган ёруғлик оқими уч қисмга бўлинади. Ёруғлик оқимининг бир қисми (F_0) жисм сиртидан қайтади. Иккинчи қисми жисмдан ўтади ва унинг бошқа томонига тарқалади. Ниҳоят, оқимининг учинчи қисмини жисм ютади. Жисмларнинг физик хоссалари, шунингдек, сиртнинг характеристири ҳамда ҳолатига боғлиқ равишида бу ташкил этувчиларнинг қиймати турлича бўлиши мумкин.

F қайтган оқимнинг шу жисмга тушувчи F_T оқимга нисбати қайтариш коэффициенти дейилади

$$\rho = \frac{F_0}{F_T}.$$

Қайтариш коэффициентининг қийматига қараб сиртларни: ёруғ сиртлар ($\rho = 0,5 \div 0,8$), ўртача ёруғ сиртлар ($\rho = 0,2 \div 0,5$) ва хира сиртларга ($\rho = 0,06 \div 0,2$) бўлиш мумкин.

18-2. ЁРУҒЛИК МАНБАЛАРИ

Хозирги вақтда ёритишда чўғланма ва люминесцент лампалар энг кўп қўлланилади.

Чўғланма ламплани 1873 йилда рус инженери А. Н. Лодигин каашф қилди ва сўнгра уни Эдисон му- каммаллаштириди.

Ҳаммага маълум бўлган чўғланма лампаларнинг тузилиши 18-3-расмда кўрсатилган.

Куввати 40 — 60 вт гача бўлган нормал чўғланма лампалар вакуумли қилиб, катта қувватли лампалар газ тўлдириб тайёрланади. Лампанинг газ (аргон ва азот аралашмаси) билан тўлдирилиши лампа вольфрам толасининг чангланишини (тўзишини) камайтиради, натижада унинг хизмат қилиш муддати узаяди.

Лампаларга криpton-ксенон газ аралашмаси тўлдирилганида лампанинг хизмат қилиш муддати ва тежамлилиги 30 — 40% кўпаяди. Газнинг иссиқлик ўтказувчалиги туфайли ва спираль симдан ўралган биспираль чўғланма толанинг қўлланини туфайли энергия истрофининг камайиши ҳам шунга ёрдам беради.

Чўғланма лампалар: 1) номинал кучланиш; 2) номинал қувват; 3) ёруғлик оқими; 4) ёруғлик бериши, яъни ёруғлик оқимининг лампа истеъмол қилаётган қувватга нисбати (бу нисбат лампанинг тежамлилигини характерлайди); 5) хизмат қилиш муддати билан характеристикаларни 18-1-жадвалда берилган.


Лампанинг хизмат қилиш муддати, асосан, вольфрам толасининг чангланишига боғлиқ. Чўғланиш толасининг температураси юқори бўлганда вольфрам буғланиб, колба деворларига ўтиради, натижада ёруғлик оқимини ютувчи қора қурум ҳосил бўлади. Шунинг учун лампанинг $U_{\text{да}}$ ёруғлик оқими дастлабки қийматидан 20 % камайгунча ёниш муддати лампанинг хизмат қилиш муддати дейилади. Ёруғлик оқими кўп камайиб кетганда лампани ишлатиш мақсадга мувофиқ



А. Н. Лодигин. (1847—1923)

эмас. Лампанинг нормал хизмат қилиш муддати 1000 соат ҳисобланади.

Лампанинг хизмат қилиш муддати, ёруғлик оқими ва унинг ёруғлик бериси күчтанишга жуда ҳам боғлиқ (18-4 расм), шунинг учун лампа ёки номинал күчланишда ёки ундан жуда озфарқ қылувчи күчланишда ишлаши керак.



18-3 расм. Чүглама лампа.

Люминесцент лампа (18-5 расм) учларига цоколлар 2 ўрнатилган шиша най 1 дан иборат. Цоколларга эмиссияни енгиллаштирувчи барий оқсиidi қопланган вольфрамли биспираль элекстродлар 3 уланган. Найдан ҳаво сўриб олинган, унга маълум миқдорда симоб ва аргон кирилиди.

Найнинг ички сирти люминофор ёки люминофорлар аралашмаси билан қопланган. Люминофорлар аралашмаси унга симоб буёларининг ультра бинафша нурлари таъсирида чақнайди, бу ультра биназфа нурланиш элекстродлар орасида вужудга келтирилган элекстр майдони таъсирида ҳосил бўлади

18-1. жадвал


Чўғланма лампаларининг характеристикалари

Кувват, амп	110 ва 127 в		220 в	
	ёруғлик оқими, лм	ёруғлик бериси, лм/амп	ёруғлик оқими, лм	ёруғлик бериси, лм/амп
25	228	9,1	198	7,9
40	380	9,5	340	8,5
60	660	11	540	9,0
75	915	12,2	698	9,3
100	1320	13,2	1050	10,5
150	2280	15,2	1845	12,3
200	3200	16,0	2660	13,3
300	5160	17,2	4350	14,5
400	7000	17,5	6000	15,0
500	9100	18,2	8000	16,0

Люминофорлар ўз таркибига қараб турли рангли ёруғлик оқими беради. Люминофорларни танлаш билан кундузги ёруғликка яқин нурланувчи лампалар ҳам ясаш мумкин.

Люминесцент лампаларининг хизмат қилиш муддати 3000 соат. Уларнинг фойдали иш коэффициенти 6 %, яъни чўғланма лампаларнидан 2,5—3 марта ортиқ. Улар тежамли бўлгани учун кенг ишлатишга тавсия қилиш керак.


Нурланиш рангига қараб люминесцент лампалар: 1) күбдүзги ёруғлик лампалари—*ДС*; 2) оқ ёруғлик лампалари—*БС*; 3) совуқ-оқ ёруғлик лампалари—*ХБС* ва 4) иссиқ-оқ ёруғлик лампалари—*ТБС* га бўлинади.



18-4- расм. Чўғланма лампаларнинг кучланишга боғлиқлик характеристикалари.

ДС ва *ХБС* лампалардан ранг тусларини хатосиз аниқлаш керак бўлган ишларни ёритишида фойдаланилади. *БС* ва *ТБС* лампалар табиий ёруғликка яқин рангдаги ёритилгандик зарур бўлган ҳолларда ишлатилади.

Люминесцент лампаларнинг характеристикалари 18-2- жадвалда берилган. Лампани улаш схемаси 18-6- расмда берилган.



18-5- расм. Люминесцент лампа.

18-2- жадвал

Люминесцент лампаларнинг характеристикалари


Кучланиш, <i>ам</i>	Лампалаги кучланиш, <i>ам</i>	Лампа токи, <i>а</i>	Найнинг узунлиғи, <i>мм</i>	<i>ДС</i>		<i>ХБС</i>		<i>БС</i>		<i>ТБС</i>		
				Ёруғлик оқими, <i>лм/ам</i>	Ёруғлик бериси, <i>лм/ам</i>							
15	127	58	0,30	451	490	32,6	490	32,6	560	37,3	500	33,3
20	127	60	0,35	604	700	35,0	700	35,0	800	40,0	700	35,0
30	220	108	0,32	909	1160	38,6	1160	38,6	1400	46,6	1250	41,6
40	220	108	0,41	1213	1700	42,5	1700	42,5	1920	48,0	1780	44,5
80	220	108	0,80	1481	3040	38,0	—	—	3440	43,0	3200	40,0

Токни чекловчи дросель 1, лампанинг электродлари 2 ва стартер 3 кетма-кет уланган. Стартер бир электроди биметалл бўлган кичик неон лампочкадир.


Виключатель 4 туташганда тармоқнинг кучланиши стартернинг ажратилган электродларига қўшилади ва улар орасида ёлқин разряд ҳосил бўлади. Биметалл электрод қизиб, стартер электродларини қисқа туташтиради ва занжирида лампанинг электроди 2 ни қизитувчи ток пайдо бўлади. Стартер электродлари туташганда ёлқин разряд тўхтайди ва биметалл электрод совиб, стартер занжирини узади. Бунда лампанинг қизиган электродлари 2 орасида кучланиш пайдо бўлади ва лампада нурланувчи разряд ҳосил бўлади, яъни лампа ёнади. Конденсатор 5 радио бузилишларни йўқотиш учун қилинган. Конденсатор 6 қувват коэффициентини орттиришга хизмат қилади.

Кейинги вақтларда кўчаларни, очиқ майдонларни ва баланд ҳамда катта ишлаб чиқариш биноларини ёритишида ёйли симоб люминесцент лампалар—ДРЛ лар кенг ишлатилмокда.

Ташқи овал шаклидаги шиша колба 2 (18-7-расм) ичига кварц шишадан қилинган цилиндрик колбали 1 юқори босимли лампа жойлаштирилган. Симобли лампаларнинг тежамли бўлишига қарамай, уларнинг спектрида заргалдоқ-қизил нурларнинг бўлмаслиги бу лампалардан фойдаланишини бирмунча қийинлаштирадар эди. ДРЛ лампаларда бу камчилик овал колбанинг ички сирти 3 ки қоплаган люминофордан заргалдоқ-қизил нур олиш ҳисобига бартараф қилинади, бу нурлар симобли лампанинг ультра нурлари таъсирида вужуд-



18- 7- расм. ДРЛ лампа.



18- 8- расм. ДРЛ лампанинг қўшилиши.

га келади. Шундай қилиб, лампанинг спектри кундузги ёруғлик спектрига яқинлаштирилади. Бу лампалар 250—500—750 ва 1000 *вт* қувватларга мўлжаллаб чиқарилади.

ДРЛ махсус ишга тушириш асбоби — Д дросセル ва P разрядники импульс контуридан иборат асбоб ёрдамида қўшилади (18-8-расм). Кучланиш уланганда С конденсатор сelenли тўғрилатигч ва чекловчи r қаршилик орқали зарядланади. Конденсаторда кучланиш бирор қийматгача ортганида у разрядланади, чатижада дросселнинг бирламчи чулғамида лампани ёндирувчи кучланиш импульси пайдо бўлади. Лампа ёниб турганида конденсаторда кучланиш разрядникнинг тешилиш кучлашидан паст бўлади ва разрядлар пайдо бўлмайди.

18-3. ЁРИТУВЧИ АСБОБЛАР


Ёритувчи асбоблар икки групага: 20—30 м гача яқин масофаларни ёритувчи светильниклар (ёритгичлар) ва узоқни ёритувчи проекторларга бўлинади.

Светильник лампа ва арматурадан иборат бўлиб, арматура 1) ёруғлик оқимини рационал тақсимлаш; 2) кўзни ортиқча ёрқинликдан сақлаш; 3) лампани ифлосланиш ва шикастланишдан сақлаш вазифаларини бажаради.


Светильник нурлаётган ёруғлик оқимининг лампа бераётган ёруғлик оқимига нисбати светильникнинг фойдали иш коэффициенти дейилади, яъни

$$\eta_{cb} = \frac{F_{cb}}{\Phi_1}.$$

Ёруғлик манбанинг ёрқин қисмлари таъсиридан кузатувчи қўзини ҳимоя қилиш меъёри ҳимоя бурчаги билан аниқланади (18-9-расм), ҳимоя бурчаги чегарасида лампанинг ёрқин қисмлари қўзга кўринмайди.



18-9-расм. Светильникнинг ҳимоя бурчаги.




18-10-расм. «Универсал» светильники.


Светильникларнинг асосий характеристикалари: 1) ёруғлик кучининг тақсимланиш эгри чизиги; 2) унинг фойдали иш коэффициенти η_{cb} ; 3) ҳимоя бурчаги.

Ёруғлик оқимини тақсимлаш характеристига кўра светильниклар уч группага бўлинади: 1) тўғри ёруғлик светильниклари — П синф; 2) қайтган ёруғлик светильниклари — О синф ва 3) сочилган ёруғлик светильниклари — Р синф.


Тўғри ёруғлик светильниклари ёруғлик оқимининг 90 % дан кўпроғини пастки ярим сферага нурлайди. Бу синф светильникларга «Универсал» светильники киради (18-10-расм), унда ёруғликнинг тарқалиш этри чизиги 18-1-расмда берилган. У баландлиги 8 м гача бўлган ишлаб чиқариш биноларини ёритиш учун ишлатилади. «Универсал» светильникнинг (шартли белгиси Ў) ички қисми оқ эмаль билан қопланган пўлат қалюфи бўлиб, унга 500 вт гача қув-



18- 11- расм. «Глубокоизлучатель» светильники.



18- 12- расм. «Люнетта» светильники.



18- 13 расм. Сут ранг шишадан қилинган «Шар» светильники.

ватли лампа ўрнатилади. Баъзида светильник матирланган (хираланган, белгиси Ў) шиша соябон билан бирга ишлатилади. Унинг фойдали иш коэффициенти 70 %, соябони бўлганида 58 %. Светильникнинг ҳимоя бурчаги 14°. 3 м дан юқори баландликка осилади.

Эмалланган «Глубокоизлучатель» светильники ҳам шу II синф светильникларга киради (18-11-расм) ва Г₉ деб белгиланади. У 1000 вт гача лампага мўлжалланган бўлиб, фойдали иш коэффициенти 58 % ва ҳимоя бурчаги 27°. Бу светильник осиш баландлиги 12 м дан юқори бўлмаган ишлаб чиқариш биноларини ёритиш учун кенг кўлланилади. Энг кам осиш баландлиги 3 м.

Қайтган ёруғлик светильниклари ёруғлик оқимининг 90 % дан кўпроғини юқори ярим сферага нурлайди. Улар ўзларининг вазифалари ва бинонинг архитектура безагига қараб турли-туман шаклда бўлади.

Сочилган ёруғлик светильниклари 90 % дан камроқ ёруғликни пастки ярим сферага, 10 % дан кўпроғини юқори ярим сферага нурлайди.

Кенг тарқалган «Люнетта» (Л_ц) светильники ҳам шу синфга киради, у 18-12-расмда кўрсатилган. Бу светильник сут рангли ёки хираланган шишадан қилинган икки марта кесик конус шаклида бўлиб, 200 вт гача қувватга мўлжалланган, фойдали иш коэффициенти 75 % ва ҳимоя бурчаги 36°. Светильник маъмурий, савдо, даволаш, лойиҳа, ўқув ва ишлаб чиқариш каби кам чанг бўладиган биноларда ишлатилади, осиш баландлиги 3—5 м.

Сут рангли шишадан қилинган «Шар» светильники (18-13-расм) ва СК-300 типидаги ҳалқали светильник (18-14-расм) ҳам шу синфга киради. Ҳалқали светильник ўзаро бирлаштирилган бешта соя берувчи пўлат ҳалқалари 1 учта кронштейн 2 ва патронли корпуси 3 га эга. Светильник оқ эмаль бўёқ билан бўялган. Унинг фойдали иш коэффициенти 80 %. Энг паст осиш баландлиги 2,5 м.

Иш жойласини умумий ёритилганликка қўшимча равишда ёритиш учун «Альфа» светильнигидан фойдаланилади (18-15-расм). У 75 вт лампага мўлжалланган, фойдали иш коэффициенти 50 %.


Люминесцент лампаларга мўлжалланган бир қанча светильниклар бор.

Металдан қилинган очиқ эмалланган қайтаргичли ОД типидаги тўғри ёруғлик светильники (18-16-расм) кўпчилик светильниклар сингари иккита лампага мўлжалланган,


ОДР типидаги светильниклар ОД типидаги светильниклардан лампани пастки томондан бекитувчи металл ҳимоя панжараси бўлиши билан фарқ қиласди.

ОДО типидаги светильниклар ОД типидаги светилинъклардан қайтаргичнинг юқори қисмида бўйлама тешиклари бўлиши билан фарқ қиласди, ёруғлик оқимининг 15 % бу тешиклардан шилга йўналади. Агар ОДО типидаги светильникка металл панжара қилинган бўлса, у ОДОР деб белгиланади. Унинг энг паст осиш баландлиги 3,5 м.


ШЛД ва ШОД типидаги светильниклар 18-17-расмда кўрсатилган. Лампалар паст томондан металл панжаралар, ён томондан овал шишалар билан ёпилган, светильникнинг юқори қисмида тирқишилар қилинган бўлиб, ёруғлик оқимининг бир қисми (15 % дан кўпроғи) шилга йўналади.




18-14-расм. Ҳалқали сояблари бўлган СК-300 типидаги светильник.




18-15-расм. «Альфа» светильники.




18-16-расм. ОД, ОДР, ОДО, ОДОР типидаги иккита люминесцент лампа ўнатиладиган светильник.



18-17- расм. ШЛД ва ШОД типидаги иккита люминесцент лампа ўрнатиладиган светильник.



18-18- расм. ПВЛ типидаги иккита люминесцент лампа ўрнатила-диган светильник.



18-19- расм. ПЗС-45 типидаги прожектор.

ПВЛ типидаги светильниклар (18- 18- расм) — сочилган ёруғлик светильниклариридир. Унинг органик шишадан қилинган сочувчиси бўлиб, у светильникнинг корпусига зич тақалиб туради ва светильникни чанг ва намдан сақлайди.

Майдонлар, темир йўллар ва станциялар, қурилиш майдонлари, очик складлар ва трансформатор подстанциялари ва шунга ўхшаш жойлар проекторлар билан ёритилади. 18-19-расмда ПЗС-45 типидаги проектор кўрсатилган. Оптик система ёрдамида лампанинг ёруғлик оқими кичик жисмоний бурчакка йинилиб, катта ёруғлик кучи ҳосил қилинади. ПЗС- 45 проектори 1000 *шт* қувватли лампада 160 000 *шам* ёруғлик кучи беради.

18-4. ЭЛЕКТР БИЛАН ЁРИТИШНИ ҲИСОБЛАШ

Электр билан ёритишни ҳисоблашдан мақсад ёритиш қурилмаларининг йигинди қуввати ва ҳар бир лампаси қувватини аниқлашдир.

Ёритишни ҳисоблашда йўл қўйиш мумкин бўлган ёритилганлик нормаларидан фойдаланиш керак (18-3 ва 18-4- жадваллар).

Ёритилганлик етарли бўлиши учун бир неча светильникни олиш керак, бунда уларнинг бир-биридан жойлашиши узоқлиги L светильникнинг иш бажариладиган сиртдан баландлиги H_i нинг икки барварига тенг ёки ундан кичик, яъни

$$L \leqslant 2H_i$$

бўлиши керак.

Светильникларни квадратларнинг учлари бўйлаб жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Девор ёнида ишлаш жойлари бўлганда девордан биринчи қатор светильникларгача бўлган масофа светильниклар орасидаги масофанинг 0,25 қисмига тенг қилиб олинади. Девор ёнида ишлаш жойлари бўлмаганида бу масофа икки марта катта қилиб олинади,

Светильникларни осишда ишлаш жойларининг ёритилишига цехдаги ускуналар тўсқинлик қилмаслиги назарда тутилади. Ёпиқ биноларнинг ёритилишини фойдаланиш коэффициенти методи билан ҳисобланади. Бундай ҳисоблашда ишлаш саҳнидаги берилган ёритилганлик лампанинг тўғри ёруғлик оқимидан ҳамда шип ва девордан қайтган оқимидан ҳосил бўлади.

Ҳисоблашни бажариш учун қўйидагилар зарур:

1. Бинонинг саҳни $S = a \cdot b$ аниқланади, светильникнинг хили, светильникнинг ёритилаётган ишлаш сиртидан осилиш баландлиги H_i , светильниклар сони n ва уларни жойлаштириш усули танланади.

2. Ўртача ёритилганлик $E_{\text{ср}}$ аниқланади. $E_{\text{ср}}$ шундай танланиши керакки, энг заиф ёритиган жойларда $E_{\text{мин}}$. ёритилганлик 18-3 ва 18-4- жадвалларда тавсия қилинган нормадагига тенг ёки ундан бирмунча юқори бўлсин.

Ишлаб чиқариш биноларнда иш қылғанадиган юзалардаги ёритилганик нормалари

Ишлинг характери ёки хонанинг иоми	Ажратиш обьективнинг ўлчамни, м.м. ларда	Объективнинг тон билан биргаликдаги контрасти	Фон	Энг кам ёритилган				
				люмине сцент лампалар бўлгандага	чўеланиш лампалари бўлгандага	комбинация-лангтан ёриганинг ёритиш	битта умумий ёритиш	
1	2	3	4	5	6	7	8	
Алоҳида аниқ	0,1 ва ундан кам	Кичик Кичик Ўрта Катта	Қора Ёруғ Ёруғ Ёруғ Ёруғ	3006 2000 1500 750	750 750 500 300	1500 1900 750 400	300 300 300 150	
Юқори аниқлик	0,1 дан катта 0,3 гача	Кичик Кичик Ўрта Катта	Қора Ёруғ Ёруғ Ёруғ Ёруғ	2000 1000 750 500	750 400 200 150	1000 500 400 300	300 150 100 75	
Аниқ	0,3 дан катта 1 гача	Кичик Кичик Ўрта Катта	Қора Ёруғ Ёруғ Ёруғ Ёруғ	1000 750 500 400	300 200 150 150	500 400 300 200	150 100 75 50	
Кам аниқ	1 дан катта 10 гача	Кичик Кичик Ўрта Катта	Қора Ёруғ Ёруғ Ёруғ Ёруғ	150 150 100 100	150 150 100 100	150 150 100 100	50 50 30 30	
Хомаки	10 дан катта	Боғлиқ әмас			100	100	100	30
Алоҳида деталларни ажратмасдан ишлаб чиқариш процессининг боришини умуман кузатиш керак бўлгани иш		Боғлиқ әмас			75	75	—	20
Ўзи ёруғлик чиқарувини бу буюмлар билан ишлаш		Боғлиқ әмас			150	150	—	50

Баъзи бир бинолар учун ёритилганлик нормалари

Бинонинг ёки ишлаб чиқариш ускурасининг номи	Энг кам ёритилганлик, лк			
	люминесцент лам лар бўлганда		чўғланнинг лампалар бўлганда	
	комбинаяцияланган ёритиш	битта умумий ёритиш	комбинаяцияланган ёритиш	битта умумий ёритиш
1. Металларга ишлов бериш цехи:				
а) станок ускуна	500	50	—	—
б) темиричлик, пайвандлаш, терник ишлаш цехлари	1000	50	—	—
2. Козонлар:				
а) қозон турадиган зал	—	30	—	—
б) қозогаар фронтни	150	—	—	—
в) ўлчаш асбоблари	300	—	—	—
3. Гаражлар:				
а) ремонт зали, профилакторий	—	50	—	—
б) юниш бўлими	—	20	—	—
4. Электр станицялар ва подстанциялар:				
шчитлар	—	200 — 100	—	—
трансформаторлар камералари	—	30	—	—
5. Ётоқхоналар, интернатлар	—	100	—	50
6. Кабинетлар, идора машғулотлари учун хоналар	—	200	—	75
7. Машинада ёзиш, машинада хисоблаш бюоролари, чизмачилик хоналари	—	500	—	150
8. Аудиториялар, синиллар, лабораториялар	—	300	—	150
9. Заллар, ошхоналар, буфетлар	—	200	—	75
10. Зинапоялар, йўлаклар	—	75 — 50	—	20—10
11. Санитария узеллари	—	75	—	30

Минимал ёритилганликнинг ўртacha ёритилганликка нисбати тузатма коэффициент деб аталади:

$$Z = \frac{E_{\min.}}{E_p}.$$

Турли светильниклар учун тузатма коэффициентнинг қийматлари қуйидагича: 1) Эмалланган «Глубокоизлучатель»—0,9; 2) Соябонли «Универсал»—0,85; 3) Соябонсиз «Универсал»—0,82; 4) Сут рангли «Шар»—0,87; 5) «Люцетта»—0,8.

Шундай қилиб, ўртacha ёритилганлик

$$E_{\bar{y}p} = \frac{E_{\min.}}{z}.$$

3. Запас коэффициенти k_3 аниқланади. Бу коэффициент қурилма ишлатилганда светильникнинг, бино деворлари ва шипларининг кирланиши туфайли ёритилгандикнинг йўл қўйилган миқдордан камайиб кетмаслигини таъминлайди. Кўп чангли бинолар учун запас коэффициенти 1,5 га, кам чангли бинолар учун 1,3 га тенг.

4. Бино кўрсаткичи аниқланади. Узунлиги a , кенглиги b бўлган бинонинг кўрсаткичи

$$\varphi = \frac{ab}{H_i(a + b)}.$$

5. Қурилманинг фойдаланиш коэффициенти k_{ϕ} аниқланади, бу коэффициент ёритилаётган сиртга тушаётган ёруғлик оқими F_t нинг лампаларнинг ёруғлик оқими F_l га нисбатидир. Бу коэффициент светильникнинг хили, шил ва деворларнинг қайтариш коэффициенти ҳамда бино кўрсаткичига боғлиқ бўлади.

Фойдаланиш коэффициенти қийматлари 18-5- жадвалдан топилади.

18-5 - жадвал

Фойдаланиш коэффициентини аниқлаш жадвали

Све- тиль- ник	Эмалланган «Глубокониз- лучатель» Г ₉			«Соябонсиз «Универсал» У			Соябонли «Универсал» У _М			Овал шина Шар Ш ₀			«Лецетта» Л _Ц				
	30 10	50 30	70 50	30 10	50 30	70 50	30 10	50 30	70 50	30 30	50 30	50 50	70 50	30 30	50 30	50 50	70 50
φ																	

Фойдаланиш коэффициенти, %

0,6	24	27	31	27	30	34	19	22	26	10	12	16	17	19	21	25	27
0,8	32	34	37	35	38	41	26	28	32	14	16	20	21	25	26	31	33
1,0	36	38	40	40	42	45	30	32	35	17	19	22	24	29	31	34	37
1,25	39	41	43	44	46	48	33	35	37	19	21	24	28	31	34	38	41
1,5	41	43	46	46	48	51	35	36	40	21	23	27	30	34	37	41	44
2,0	44	46	49	50	52	55	39	40	43	24	27	30	34	38	41	45	48
2,5	48	49	52	54	55	59	42	44	46	27	29	33	37	41	45	48	52
3,0	49	51	53	55	57	60	43	45	47	28	31	35	39	44	47	51	54
4,0	51	52	55	57	59	62	45	47	49	31	35	38	43	46	50	54	59
5,0	52	54	57	58	60	63	46	48	51	32	37	40	46	48	52	56	61

Све- тиль- ник	ОД		ОДР		ОДОР				
	30 10	50 30	70 50	30 10	50 30	70 50	30 10	50 30	70 50
φшия %	30	50	70	30	50	70	30	50	70
ρдев %	10	30	50	10	30	50	10	30	50

Φ				Фойдаланиш коэффициенти, %						
0,6	30	33	37	27	30	34	23	27	32	
0,8	39	41	45	35	37	41	30	33	38	
1,0	44	46	49	40	42	45	34	38	42	
1,25	48	50	53	43	45	48	38	41	45	
1,5	50	52	56	45	48	51	40	43	47	
2,0	55	57	60	50	52	54	43	47	52	
2,5	59	61	64	53	55	58	47	50	56	
3,0	60	62	66	54	56	60	48	52	58	
4,0	63	65	68	57	58	62	50	54	60	
5,0	64	66	70	58	60	63	51	56	62	

6. Битта лампанинг ёруғлик оқими

$$F_n = \frac{E_{\text{ш}} S k_3}{k_{\Phi} \cdot n}$$


формуладан аниқланады, бунда n -лампалар сони.

7. Ёруғлик оқимининг топилган қийматига кўра 18-1 ва 18-2-жадваллардан фойдаланиб, лампанинг қуввати аниқланади.

18-1- мисол. Энн $a = 16$ м, бўйи $b = 20$ м бўлган ишлаб чиқариш биносининг ёритилсанлиги аниқлансан, бинонинг шири оқ рангда деворлари оқ рангда эмас (18-20- расм). Ўчода ёруғ фонда 1 мм дан 10 мм гача деталлар билан ишланади.

Ёритиш учун соябонсиз «Универсал» светильникини танлаймиз, унинг ишлаш сиртидан осилиш баландлиги $H_u = 3$ м эканлиги маълум. Ишлаш саҳни бино полидан 0,75 м баландликда туради.

Светильникларни томонлари $L = 4$ м $< 2H_u$ бўлган квадратнинг учлари бўйлаб жойлаштирамиз. Девор ёнида ишлаш жойлари бўлмагани учун деворлардан 0,5 Z = 2,0 м узоқликда жойлаштирамиз. Светильниклар сони $n = 20$.



18- 20- расм. Светильникларни жойлаштириш.

Ёритиладиган майдон $S = ab = 16 \cdot 20 = 320 \text{ м}^2$. Нормаларга кўра энг кам ёритилганлик $E_{\text{мин.}} = 50 \text{ лк}$ ин тантаймиз (18-3 жадвал). Тузатма коэффициент қийматини 0,82 га тенг деб олиб, ишлаш саҳинининг ўртача ёритилганлигини топамиз:

$$E_{\text{ыр.}} = \frac{E_{\text{мин.}}}{Z} = \frac{50}{0,82} = 61 \text{ лк.}$$

Бинонинг ўртача чангли эканини пазарга олиб, запас коэффициентни $\kappa_3 = 1,4$ қилиб оламиз.

Бино кўрсаткичи

$$\varphi = \frac{ab}{H_u(a+b)} = \frac{16 \cdot 20}{3(16+20)} = 2,95.$$

Бино шиплари оқ рангда бўлганда $\rho_{\text{шип}} = 50\%$, деворлар оқ рангда бўлганда $\rho_{\text{дев.}} = 30\%$. Шунга мувофиқ 18-5 жадвалдан соябонсиз «Ўниверсал» светильниги учун бино кўрсаткичи $\varphi = 2,95$ бўлганда фойдаланиш коэффициенти $\kappa_{\Phi} = 57\%$ эканини топамиз.

Бир лампанинг ёруғлик оқими

$$F_{\text{л.}} = \frac{E_{\text{ыр.}} \cdot Sk_3}{k_{\Phi} \cdot n} = \frac{61 \cdot 320 \cdot 1,4}{0,57 \cdot 20} \approx 2400 \text{ л.м.}$$

Тармоқ кучланиши $U = 220 \text{ в}$ бўлганда 18-1 жадвалдан ёруғлик оқими юқоридаги қийматга яқин — $F_{\text{л.}} = 2660 \text{ л.м}$ бўлган 200 вт қувватли лампани топамиз.

Бу лампада ўртача ёритилганлик:

$$E_{\text{ыр.}} = 61 \frac{2660}{2400} \approx 67 \text{ лк.}$$

Ёритиш қурилмасининг қуввати

$$P = P_{\text{л.}} \cdot n = 200 \cdot 20 = 4000 \text{ вт} = 4,0 \text{ квт.}$$

Электр билан ёритишнинг энг осон усули солиштирма қувват усулидир.

Бирор бинони ёритиш қурилмаси қувватининг шу бино саҳни бирлигига нисбати, яъни

$$P = \frac{P_{\text{л.}} \cdot n}{S}.$$

солиширма қувват дейилади.

18-6 жадвалда светильник хили, унинг осилиш баландлиги, бино поли саҳни ва талааб қилинган ёритилганлигига кўра солиширма қувват қийматлари берилган.

18-6 жадвалдан солиширма қувват қийматини топиб, уни бино поли саҳнига қўпайтирамиз ва лампаларнинг керак бўлган йиғинди қувватини аниқлаймиз. Топилган қувватни лампалар сонига бўлиб, битта лампанинг қувватини топамиз:

$$P_{\text{л.}} = \frac{Ps}{n}.$$

Иш учун ёритилганликдан ташқари авария ҳолларида ёритишни ҳам кўзда тутиш керак. Ишда узилиш бўлмайдиган биноларда (электр станциялари, қуюв ва мартең печлари) авария бўлганда ҳам ишни давом эттириш учун зарур бўлган ёритилганликни таъминлаш керак. Унинг алоҳида манбай бўлиб, ёритилганликнинг камида 10% ни таъминлаши лозим.

Умумий бир текис ёритилганикнинг солиши тирма қувват нормалари

Светильник хиллари	Осиги ба- лансики ж	Ёрити- ш ганик. ж	Майдон. м ²			
			10—25	25—50	50—150	150 дан юқори
«Универсал» ва эмалланган «Глубокоизлучатель»	3—4	10	6,0	4,6	3,6	3,2
		20	10,3	7,7	5,9	5,2
		30	13,6	11	8	7
		50	21	16	12	11
		75	29	22	17	15
	4—6	10	7,4	5,1	3,5	2,6
		20	13	8,7	6	4,7
		30	18	12	8,7	6,6
		50	28	19	13	10
		75	40	27	19	15
Люнетта	2—4	10	5,8	4,6	3,7	3,2
		20	10	8	6,5	5,7
		30	14	11	8,7	7,3
		50	21	16	13	11
		75	29	21	18	15
		100	39	28	24	20
Сут рағли шиша Шар	2—4	10	8,5	6,3	5	4
		20	15	11	8,6	6,9
		30	21	16	12	9,7
		50	32	25	20	16
		75	48	38	30	24
		100	64	50	40	32
БС лампали ОД ва ОДР светильниклар	3—4	75	10	6,5	5,5	4,5
		100	13	9	8	6,5
		150	19	13	11,5	9,5
		200	25	18	15,5	12,5
		300	38	26	23	19
	4—6	500	63	44	38	31
		75	14,5	9	6,5	5
		100	19	12	9	7
		150	29	18,5	13,5	10
	4—6	200	38	24,5	18	13,5
		300	58	36,5	26,5	20,5
		500	95	61	44	33,5

Ишни вақтинча тұхтатиши мүмкін бўлган ва 50 дан ортиқ ишчи ишлайдиган ишлаб чиқариш биноларида, ёритмаслик жароҳатлашишга сабаб бўладиган биноларда, ўтиш жойлари, зинапоя йўлакларида одамларни кўчириш учун зарур бўлган авария ёритиши бўлиши керак.

Авария ёритиши светильниклари иш вақтіда ёнаған светильниклар билан бир вақтда ишлаб туриши ёки иш светильниклари үчганида автоматик равища ёниши ҳам мумкин.

18-2- мисол. 18-1- мисолда берилген бинонинг ёритилишини солиштирма қувваты усилидан фойдаланиб ҳисобланг.

Осиш баланддиги $H_{\text{и}} = 3 \text{м}$ бўлган «Универсал» светильнигини танлаймиз, Ўртача ёритилганик $E_{\text{уp}} = 61 \text{лк}$, Бино саҳни $S = 320 \text{ м}^2$ эканини билган ҳолда 18-6- жадвалдан керак бўлган солиштирма қуввати $13 \text{ вт}/\text{м}^2$ ни топамиз.

Барча лампаларнинг керакли қувват

$$P = 13 \cdot 320 = 4160 \text{ вт.}$$

Лампалар сони $n = 20$ та бўлгандага битта лампанинг қуввати

$$P_{\text{л}} = \frac{4160}{20} = 208 \text{ вт.}$$

18-1- жадвалдан қуввати жиҳатидан энг яқин, $P_{\text{л}} = 200 \text{ вт}$ қувватли лампани танлаймиз, у вақтда бутун ёритувчи қурилманинг қуввати

$$P' = P_{\text{л}} \cdot n = 200 \cdot 20 = 4000 \text{ вт.}$$

Үн тўққизинчи б.б.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ УЗАТИШ ВА ТАҚСИМЛАШ

19-1. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ УЗАТИШ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Электр энергия электр станцияларда бирор бошқа тур энергияни ўзгаририш йўли билан ҳосил қилинади.

СССР да электр энергиянинг кўп қисми қудратли иссиқлик давлат район электр станциялари—ГРЭСларда ва жаҳонда энг йирик гидроэлектр станциялар — ГЭС ларда ишлаб чиқарилади. Масалан, 2,3 млн квт қувватли В. И. Ленин номидаги Волга гидроэлектр станцияси, 2,6 млн. квт қувватли КПСС XXII съезди номидаги Волга ГЭС ва 4,5 млн квт қувватли Братск ГЭС ва ҳоказо.

ГРЭС ва ГЭС лар энергиянинг табиий запаслари—торф, қўнғир кўмир, шаршарали сув жойлашган, аммо кўпинча электр энергия истеъмолчиларидан узоқ бўлган районларда қурилади.

Ишлаб чиқарилётган энергиянинг анча кичик қисми иккинчи группа станциялар—маҳаллий аҳамиятга эга бўлган станциялар зиммасига тушади. Бу станциялар бевосита истеъмолчиларга яқин жойлашган; уларга электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчи теплоэлектроцентрал — ТЭЦлар, саноат корхоналари станциялари, шаҳар, қишлоқ хўжалик станциялари ва бошқалар киради. Уларнинг қуввати анча кичик—ўнларча минг киловаттдан юз ва ўн киловаттгача ёбўлади.

Барча район электр станциялари, ТЭЦлар ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган станцияларнинг кўп қисми уч фазали ток станцияларидир.

Баъзи ишлаб чиқариш корхоналарининг, масалан, электрохимия, электрометаллургия ва электрлаштирилган транспортнинг ўзгармас токка бўлган талаби тўғрилагичлар билан жиҳозланган ўзгартириш подстанцияларида уч фазали токни ўзгармас токка айлантириш йўли билан қаноатлантирилади.

Маҳаллий аҳамиятга эга бўлган кичик қувватли станциялар кўп ҳолларда бошқа станциялар билан боғланмаган ҳолда мустақил ишлайди.

Кўпчилик станциялар эса биргаликда умумий ишлаш учун (параллел қилиб) бирлаштирилади. Бундай бирлашмалар Энергия системалари—Энергосистемалар деб аталади.

Энергосистеманинг ишлаш графиги анча қулай, яъни унда алоҳида станцияларга қараганда нагрузка кам ўзгаради. Станциялар биргаликда ишлаганда нагрузкаларни станциялар орасида анча рационал тақсимлаш ва резерв агрегатлар қувватини анча камайтириш мумкин бўлади. Энергосистема электр энергия таннархини пасайтириш ва ГЭС дан янада тўлароқ фойдаланиш ҳисобига ёнилғи сарфими камайтириш имконини беради. Электр станцияларининг энергосистемаларга бирлаштирилиши совет энергетикаси тараққиётининг характеристери хусусиятидир.

Қўшни районларнинг энергия системалари ҳам тараққий қилиб бирлашади. Улар юқори вольтли электр узатиш линиялари билан бирлаштирилиб, қудратли энергия системаларини ҳосил қиласди. Масалан, Москва, Горький, Иваново ва Ярославль энергия системаларининг бирлашишидан Марказий район бирлашган энергия системаси юзага келди.

Тараққиётнинг ҳозирги замон босқичида энергия системалари бирлашган юқори вольтли тармоқ (ЕВС)¹ ёрдамида мамлакатнинг Ягона энергия системасига (ЕЭС)² бирлашди.

В. И. Ленин номидаги ва КПСС XXII съездига номидаги Волга ГЭС лари ва ЕВС электр узатиш системасининг бу Волга электр станцияларини боғловчи биринчи звенолари ишга туширилиб, фойдаланишига топширилгандан кейин бу гигантларни Марказ, Марказий Кора тупроқли областлар, Жануб ва Урал энергия системалари билан бирлаштирилиб, СССР Европа қисмининг Ягона энергия системаси ҳосил қилипди.


Бу беш йилликда шунингдек, Иркутскдан Новосибирсккача чўзилган Марказий Сибирь ЕЭС ни яратишга доир ишлар қизитиб юборилди, бу ишда Братск ва Красноярск ГЭС лари ҳал қилувчи роль ўйнайди.

1970 йилда Марказий Сибирь ЕЭС Совет Иттифоқининг Европа қисми ЕЭС билан бирлаштирилади, шундай қилиб, СССР ЕЭС ву-

¹ ЕВС—Единная высоковольтная сеть

² ЕЭС—Единая энергетическая система.

Жудга келтириләди. ЕЭС ларнинг яратилиши ва ривожлантирилиши турли хил энергия ресурслари ва энергия ускуналарини энг яхши қилиб группалаш ва фойдаланишни, Совет Иттифоқи халқ хўжалиги энергия базаларининг энг яхши маневр қилиши ва тежамли бўлишини таъминлайди.



19-1- расм. Электр энергияни узатиш ва тақсимлаш схемаси.

Электр энергиянинг кичик қувватли саноат приёмник (двигател)лари 220—380—660 в номинал кучланишга, 70 квт ва ундан ортиқ қувватли энергия приёмниклари эса 3—6—10 кв номинал кучланишга мослаб тайёрланади.

Турмушда ишлатиладиган күпчилик энергия приёмниклари 110—127—220 в номинал кучланишга мослаб чиқарилади.

Шундай қилиб, 220—380—660 в кучланишлар саноат корхоналари, шаҳарлар, колхозларнинг паст кучланишли тармоқлари учун асосий кучланишлардир.

Истеъмолчилар яқинида жойлашган маҳаллий аҳамиятга эга бўлган кичик қувватли станциялар истеъмолчи билан бир хил, яъни 220—380—660 в кучланишларда ишлайди, яъни энергия трансформация қилинмасдан узатилади.

Юқори кучланишли маҳаллий станциялар 3—6—10 кв кучланишларда ишлайди. Бу станцияларнинг бир қисм энергияси худди шундай номинал кучланишли юқори волтли приёмникларга бевосита берилади. Энергиянинг бошқа қисми тармоқ бўйлаб 127, 220, 380 ёки 660 в кучланишда истеъмол қилинадиган районга узатилади.

ГРЭСлар ва қисман ТЭЦлар энергиясини узатишда энергия 10—15 кв номинал кучланишли генераторлардан кучайтирувчи трансформаторли подстанцияларга берилади. Подстанцияларда кучланиш 35—110—220—330—500 кв гача кучайтирилгандан сўнг энергия юқори волтли узатиш линияси орқали истеъмол қилинадиган районга 35—110—220—330—500 кв ни 6—10 кв га пасайтирувчи подстанцияларга берилади. Сўнгра энергия тармоқ бўйлаб 6—10 кв кучланишда қисман юқори волтли приёмникларга, қисман 6—10 кв ни 220—380 в га пасайтирувчи подстанцияларга, бу подстанциялардан 220 ва 380 в кучланишда истеъмолчига берилади.

19-1- расмда электр энергияни узатишнинг мумкин бўлган схемаларидан бири кўрсатилган. Схема бир линияли, яъни узатиш линиясининг учта фазаси бир линия билан тасвирланган.

Узатиш линиясининг кучланиши энергия узатиш таннархи арzon ва ўтказувчи материаллар сарфи энг кам бўлгани ҳолда энергия энг кам бўладиган ҳисоб билан танланади.

Уч фазали ток линияси бўйлаб узатиладиган қувват (6-4 ва 6-5- § га қаранг):

$$P = \sqrt{3} UI \cdot \cos \varphi.$$

Симларда истроф қуввати

$$\Delta P = 3I^2r = 3I^2\rho \frac{l}{S}$$

ёки

$$\Delta P = 3 \frac{P^2}{3U^2 \cos^2 \varphi} \rho \frac{l}{S} = \frac{P^2}{U^2 \cos^2 \varphi} \rho \frac{l}{S}.$$

Агар истрофлар қувватини узатилаётган қувватнинг процентларида ифодаланса, у ҳолда

$$\Delta P \% = \frac{\Delta P}{P} \cdot 100 \% = \frac{P}{U^2 \cos^2 \varphi} \rho \frac{l}{S} \cdot 100 \%.$$

Бу ифодадан қувват ва элекстр энергия узатилиши керак бўлган масофанинг ортиши билан энергия исрофлари, камайиши учун кучланиши орттириш зарур эканлиги кўринади.

Кучланиш, узатиш қуввати ва узатиш линиясининг узунлиги орасидаги ушбу тахминий муносабатлар амалиётдан аниқланган (19-1- жадеал).

19-1- жадеал.

Кучланишинг қувватга ва узатиш масофасига боғлиқлиги

Кучланиш, кв	Узатилётган қувват, квт	Масофа, км
0,22	50—100	0,2 гача
0,38	100—175	0,35 >
6	2000—3000	5 >
10	3000—5000	10 >
35	5000—10000	25—40 >
110	10000—50000	50—150 >
220	100000—150000	200—300 >
300	150000—1000000	300—400 >
500	1 000 000 ва юқори	400 дан ортиқ

Бу рақамлар узатиш линияси кучланиши орттирилганда ўтказгич материали ва изоляция таннархи тежамларини назарга олиб чиқарилган.

19-2. ЛИНИЯ ВА ТАРМОҚЛАР

Агар система тармоқланмаган бўлса, элекстр энергия элекстр линия симлари тармоқланган бўлса, элекстр тармоқ орқали узатилиди.

Элекстр қурилмаларининг тузилиши қоидаларига ПУЭ мувофиқ линия ва тармоқлар кучланишига кўра 1 000 в гача кучланишли ва 1 000 в дан юқори кучланишли линияларга ва тармоқларга бўлинади.


Линия ва тармоқлар ўз вазифасига кўра иккига: энергияни станция ва подстанциядан тармоқнинг энг муҳим тугун нуқталари—таксимот пункtlари (ТП) га узатишни таъминловчи тармоқларга ва элекстр энергияни таксимот пунктларидан истеъмолчиларга узатувчи—таксимиловчи тармоқларга бўлинади.

Тармоқлар қурилишига кўра ҳаво (осма) тармоқлар, кабелалар ёки ер ости тармоқлари ва ички проводка тармоқларига бўлинади.


Ҳаво линияларини қуриш ер ости линияларини қуришдан арzon, улардан фойдаланиш қулай ва соддароқ, чунки шикастланган жойлар қараш вақтида осон топилади, бироқ улар ер ости линияларига қараганда ҳавфлироқ ва ишончсизроқдир. Ҳаво линиялари асосан очиқ ва аҳоли зичлиги кам жойлардан ўтказилади.

Ҳаво линияси учта асосий қисмдан: симлар, изоляторлар ва таянчлардан иборат. Симлар изоляторларга, изоляторлар, ўз навбатида таянчларга маҳкамланади.

Ҳаво линиялари—35—500 кв кучланишга мўлжалланган электр узатиш линияси очиқ алюминий ёки пўлат-алюминий симлар, осма изоляторлар гирлянди (шодаси, 19-2- расм) ва металл ёки темир-бетон таянчлардан (19-3- расм) ташкил топади. Симларнинг механик мустаҳкамлиги етарлича танланиши керак. Симлар орасидаги масофа ҳатто шамол бўлиб, уларни тебрат-



19-2- расм. Осма изоляторлар шодаси.



19-3- расм. 110 кв кучланишли иккита уч фазали линиялар учун металл таянчлар.

гандаги симлар орасидаги ҳавода тешилиш бўлмайдиган қилиб олиниади. Таянчларнинг учларидан рухланган пўлат трослар тортилади ва бу симлар ерга улаб қўйилади, улар атмосферадаги электр разрядни ўзига тортиб, ерга ўтказиб юборади.

110 кв ва ундан кичик кучланишли ҳаво линияларида баъзида ёғоч таянчлар (19-4- расм) ишлатилади. Кучланиши 35 кв ва ундан кичик бўлган узатиш линияларида кўпинча осма изоляторлар ўрнида штирли изоляторлар (19-5- расм) ишлатилади.


19-6- расмда электр узатиш линиясининг чинни ўтиш изолятор ёрдамида бинога киритилиши кўрсатилган.

1000 в гача кучланишли ҳаво линияларида алюминий симлар ишлатилади. Таянчлар орасидаги масофа узоқ бўлганда механик мустаҳкамлик шартларига мувофиқ алюминий симлар пўлат-алюминий симлар билан алмаштирилади (масалан, АС-16 маркада диаметри 1,8 мм ли олтига алюминий сими ва худди шундай диаметрли битта пўлат сим бўлади).


Симлар паст вольтли чинни изоляторлар (19-7-расмда ТФ типи-даги изолятор кўрсатилган) га монтаж қилинади, улар таянчларга маҳкамланадиган илмоқнинг штирили қисмга ёки штирга кийдирилади.

Алюминий симларнинг кесими 16 мм^2 дан кам бўлмаслиги керак. Симлар изоляторнинг бўйнига (19-8-а расм) бъязида эса изолятор

каллагига (19-8-б расм) «боғлагич»—диаметри 1 мм га яқин руҳланган темир сим билан маҳкамланади.



19-4- расм. Уч фазали юқори вольтли линия учун ёғоч таянчи.



19-5- расм. 35 кв га мўлжалланган штирили изолятор.

лари 1 дан 240 мм^2 гача (1, 1, 5, 2, 5, 4, 6, 10, 16, 25 ва ҳоказо) қилиб 1000 в кучланишгача ва 3, 6, 10 ва 35 кв кучланишга мўлжалланган бўлади.


Қабелниғ изоляция қобиги кабель симлари орасидаги ва симлар билан ер остидаги изоляцияни таъминлайди. Изоляция материали сифатида канифоль қўшилган мой сингдирилган кабель қозози, резина, полиэтилен ишлатилади. Қўроғшин, алюминий, пластикат ёки резинадан қилинган герметик қобиги кабелни намланишдан сақлайди. Механик шикастланишдан ҳимоя қилиш учун кабелларнинг иккита пўлат лента ёки руҳланган симдан иборат брони (зирхи) бўлади. Кабель брони ёки қобиги химиявий таъсиридан муҳофаза қилиш учун битум массаси шимдирилган жут билан қопланади. Кабель маркала-рида унинг томирлари, ҳимоя қобиги материаллари ва ҳимоя қатла-

1000 в гача кучланишли линияларда ёғоч таянчлар — узунлиги 9 м гача бўлган устунлар (столбалар) ишлатилади. Устуннинг пастки қисми—оғи оддий ва мураккаб бўлиши мумкин. Мураккаб бўлган ҳолда таянчнинг пастки учи темир-бетон ёки бъязида ёғоч «стул» га ёки «кичик оёққа» бирлаштирилади (19-9- расм). Устун оғи стулга 4 мм ли руҳланган пўлат симнинг 6-8 ўрамидан иборат бандаж ёрдамида маҳкамланади. Таянчлар орасидаги масофа 30—80 м бўлади. Симнинг ердан баландлиги камида 5 м , симлар орасидаги масофа эса 250 в гача кучланишда 30 см дан кам бўлмаслиги керак.


Ер ости линиялари шаҳарларда, ахоли жуда зич бўлган жойларда, саноат корхоналари территорияларида ва заводлар ичидаги тармоқларда ишлатилади. Ер ости линияларида кабелда н фойдаланилади. Кабеллар ток ўтказувчи томирлар (симлар), изоляция, герметик қобиги ва ташки ҳимоя қатламидан иборат бўлади. Томирлар сонига кўра кабеллар бир, икки, уч ва тўрт симли қилиб ясалади. Кабель томирлари мис ёки алюминийдан доира ёки секторсизмон кесимли қилиб ясалади. Кабель томирларининг кесимлари 1 дан 240 мм^2 гача (1, 1, 5, 2, 5, 4, 6, 10, 16, 25 ва ҳоказо) қилиб 1000 в кучланишгача ва 3, 6, 10 ва 35 кв кучланишга мўлжалланган бўлади.

Кабелниғ изоляция қобиги кабель симлари орасидаги ва симлар билан ер остидаги изоляцияни таъминлайди. Изоляция материали сифатида канифоль қўшилган мой сингдирилган кабель қозози, резина, полиэтилен ишлатилади. Қўроғшин, алюминий, пластикат ёки резинадан қилинган герметик қобиги кабелни намланишдан сақлайди. Механик шикастланишдан ҳимоя қилиш учун кабелларнинг иккита пўлат лента ёки руҳланган симдан иборат брони (зирхи) бўлади. Кабель брони ёки қобиги химиявий таъсиридан муҳофоза қилиш учун битум массаси шимдирилган жут билан қопланади. Кабель маркала-рида унинг томирлари, ҳимоя қобиги материаллари ва ҳимоя қатла-

мининг хили кўрсатилган бўлади. Алюминий томир биринчи ўринда турувчи *A* ҳарфи билан белгиланади. Мис томир белгиланмайди. Ҳимоя қобиғининг материали: қўроғошин — *C* (свинец); алюминий *A* ҳарфлари билан кўрсатилади. *B* ҳарфи пўлат ленталардан қилинган



19-6-расм. Линияни бинога киритиш.



19-7-расм. Илмоққа маҳкамлашган ТФ типидаги паст кучланиши чинни изолятор.

броннинг борлигини билдиради. Масалан, *AAB* маркали кабель: алюминий томирли, алюминий қобиқли ва жут-битум қатлами бўлган пўлат бронли кабель деган маънони билдиради. *ACB* маркали кабель: алюминий томирли, қўроғошин қобиқ ва жут ҳамда битум қатлами бўлган пўлат бронли кабелдир. *ACBG*—кабель бундан олдинги маркадан пўлат бронъ устидан жут-битум қатламининг йўқлиги билан (*G*—голый—очиқ дегани) фарқ қиласи.



a)




b)


19-8-расм. Симларни маҳкамлаш:
а—изоляторнинг бўйнига; б—изоляторнинг каллагига маҳкамлаш.

19-10-расмда мис томирли *СБГ* маркали уч томирли кабелнинг тузилиши кўрсатилган, у кабель туннеллари ва бино ичидаги каналларга ётқизиш учун мўлжалланган.

Кабеллар кенглиги 25—50 см, ер устидан чуқурлиги 70—80 см бўлган траншеяларда ётқизилади. Катта шаҳарларда кўпинча кабеллар ер ости йўлаклари—коллекторлар бўйлаб ётқизилади.



19-9- расм.
1000 в куч-
ланишли ли-
ния учун «па-
синкали» ёғоч
таянч.



19-10- расм. СБГ маркали
уч томирли кабель.

1—кабель томирлари; 2—томир-
ларнинг қороз изоляцияси; 3—
түлдиригичлар; 4—камарсичон
қороз изоляция; 5—қўрошин
қобиқ; 6—қороз-битум қоллама;
7—кабель тўқимаси; 8—инкита
пўлат лентадан иборат бронни
(зирх).

Кабель учларини улаш учун қўрошин ёки чўяндан қилинган
ка ель муфталари ишлатилади (19-11-расм), уларга кабель мас-
саси қўйиб қўйилади. Кабеллар муфтасиз ҳам уланиши мумкин.


Кабелларнинг электр аппаратлар, машиналар, трансформаторлар
тутқичларига уланадиган учларини маҳсус пўлат учли муфталарга



19-11- расм. Кабеллар учини улаш учун чўяндан
тайёрланган муфта.

маҳкамлаб, кабель масса тўлдирилган пўлат кабель воронка-
ларига киргизиб қўйилади (19-12-расм), шунингдек «қуруқ задел-
ка» лар ҳам ишлатилади. Сунъий смолалар, масалан, эпоксид ком-

паунддан қилинган заделкалар (19-13-расм) пўлат воронкали учлардан ўзининг юқори герметиклиги, электрик мустаҳкамлиги ва монтажининг осонлиги билан фарқ қиласди. Бундай заделкалар 10 кв кучланишили кабелларда ишлатилади.



19-12- расм. Уч томирли кабелини пўлат воронкада учини тўлдириш.

1—пўлат воронка; 2—изоляцияланган томир; 3—битум массаси билан тўлдириш; 4—смолаланган лента билан ўрали; 5—смолаланган лентадан қилинган бандаж; 6—махкамалаш учун ярим бўйинтуруқ; 7—ерга уловчи сим; 8—учлик.

19-13- расм. Эпоксид компаунд ишлатиш кабель учини тўлдириш.

а—умумий қўриклини; б—босқичли бўлиниши; 1—кавзарланига ерга уловчи сим; 2—ип-газламадан тўхилган бандаж; 3—эпоксид компаунд; 4—кинер лента ўрами; 5—учлик; 6—канопдан қилинган бандаж; 7—кабелнинг томир; 8—компаунд қопланган кинер лента ўрами; 9—фаза изоляцияси; 10—камарсном изоляция; 11—кабелнинг кўрошин қобиги; 12—сим бандаж; 13—кабель брони (зирхи); 14—учи чиқарилган ерга уловчи сим.

19-3. САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ВА ЦЕХЛАРНИ ЭЛЕКТР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Саноат корхоналари кўп ҳолларда электр энергияни электр системаларидан олади.

Корхонанинг куввати ва қатор шартларга кўра электр энергия иштеймалчига: 1) 35—110 кв; 2) 3—6—10 кв ёки 3) 380/220 в кучланишларда берилади.


Биринчи ҳолда кучланиш корхонанинг пасайтирувчи подстанцияси га берилади ва у ерда 35—110 кв дан 6—10 кв гача трансформацияланади (19—14-расм). Бу кучланишда электр энергия одатда кабель линиялар орқали корхона територияси бўйлаб цех подстанцияларига узатилади. 6—10 кв ли подстанцияларинг шиналарига юқори вольтли электр двигателарига ток берувчи кабель линиялар ва кучланиши 380/220 в гача пасайтирувчи трансформаторлар уланади, цехнинг паст вольтли энергия истеъмолчилари орасида энергия шулар орқали тақсимланади.

Иккинчи ҳолда энергия корхонанинг бош тақсимлаш пункти (БТП) га келади, бу пунктнинг вазифаси энергияни қабул қилиб олиш ва тақсимлашдир (19—15-расм). БТП га энергия 3—6—10 кв кучланишли бир-икки кабель линиялари (баъзида ҳаво линиялари) орқали келтирилади, пунктдан кетувчи энергияни трансформатор подстанцияларига худди шу кучланишда берувчи линиялар сони одатда анча кўп бўлади.


Юқори вольтли энергия истеъмолчилари бўлмаган анча кичикроқ корхоналарда электр энергия 6—10 кв 380/220 в кучланиши энергия система тармоғидан завод трансформатор подстанцияси га келтирилади ва кейинги кичик кучланишда цехнинг тақсимлаш пунктлари га берилади.

Учинчи ҳолда, энергия кичик барқарор қувватли корхоналарга 380/220 в кучланишда энергия системасидан корхонанинг паст вольтли тақсимлаш пунктига берилади ва у ердан цехларга тақсимланади.

Саноат корхоналарида энергия БТП ёки трансформатор подстанцияси ва цех тақсимлаш пунктига берилади ва у ердан цехларга тақсимланади.




19-14-расм. Йирик саноат корхонасининг энергия тақсимоти схемаси.




19-15-расм. Электр энергияни корхонанинг тақсимот пункти орқали тақсимланиш схемаси.

лаш пунктлари орасида радиал схема (19-16- расм) ёки магистрал схема (19—17- расм) бўйлаб тақсимланади.

Радиал схеманинг камчилиги шуки, у қиммат туради ва ишланиши ишончсизроқ, чунки радиал линияда авария бўлганида бу линия бўйлаб энергия бериш тўхтаб қолади. Бу схема эксплуатациясининг соддалиги, ҳимоя ва автоматлаштиришнинг осонлиги билан афзаладир.



19- 16- расм. Цехлар бўйича электр энергия тақсимланишининг радиал схемаси.




19- 17- расм. Цехлар бўйича электр энергия тақсимланишининг магистрал схемаси.


Магистрал схеманинг афзаллиги унинг арzon тушиши ва магистрал туташган бўлганида энергия билан таъминлашнинг жуда ишончлилигидир (19-17-расм) ва аксинча, магистрал ажратилган бўлганда бу система кам ишончли бўлади.

Махсус нагрузкали корхоналарда электр билан таъминлаш ишончли бўлиши учун одатда икки томонламадан турли трансформаторлар (подстанциялар)дан энергия бериладиган магистрал схемадан фойдаланилади.

Светильникларда электр двигателларини юргизиш билан боғлиқ бўлган кучланиш ўзгаришларини камайтириш учун кўп ҳолларда линия ва тармоқларни кўч ва ёритиш тармоқларига бўлишдан фойдаланилади.



19- 18- расм. Радиал схема.



19-19- расм. Радиал-босқичли схема.

Күрилмада 380/220 в күчланиш бўлганда двигателлар линия симларига (380 в) уланади, лампалар эса нейтрал (ноль) сим билан линия симлари орасига уланади (220 в).

Катта қувватли двигателлар сони кам бўлганда цех ичидаги радиал схема бўйлаб берилади (19-18-расм), бунда цех шчити (ТП) дан ҳар бир двигателга алоҳида линия кетади. Кичик двигателлар кўп бўлганда цех тақсимлаш пунктидан линиялар участка ТП ларига боради, уларга айрим истъмолчиларга энергия берувчи линиялар уланган бўлади (19-19-расм).

Цехларда очиқ шиналар—шинопроводлардан иборат содда ва арzon магистрал схема кўп қўлланилади, бу шинопроводларнинг керакли нуқтасида энергия истъмолчилари бевосита уланаведади.

19-4. САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ТРАНСФОРМАТОР ПОДСТАНЦИЯЛАРИ ВА ТАҚСИМОТ ҚУРИЛМАЛАРИ

35—110 кв қучланишли тақсимот қурилмалари (ТК) ва трансформатор подстанциялари (ТП) очиқ қа ўрнатилади, яъни уларнинг барча электр ускуналари очиқ ҳавода жойлаштирилади. Фақат ҳавода электр ускуналарга зарар етказувчи моддалар бўлгандагина бу күчланишли ТК ва подстанциялар ёпиқ қилиб ясалади, яъни биноларга ўрнатилади. Очиқ қурилмалар ёпиқ қурилмалардан арzonроқ ҳамда тезроқ қурилади ва жуда кам қурилиш материаллари талаб қилинади.

Комплект тақсимот қурилмалари (КТК) ва комплект трансформаторлар подстанциялари (КТП) кенг тарқалган.


Ичига электр ускуналар монтаж қилинган айрим металл шкафлардан иборат тақсимот қурилмалари ва трансформатор подстанциялари комплект дейилади. Шкафлар ва уларга ускуналарни монтаж қилиш ишларини заводларда бажаради. Маълум номенклатурали шкафларгина тайёрланади. Уларнинг жиҳозлари ва схемалари бир неча шкафдан тақсимот қурилмаси ёки подстанция ясаш мумкин бўладиган қилиб танланади. Шкафлар 500 в ва ундан юқори күчланишларга мос slab тайёрланади. КТК ва КТП лардан фойдаланганда электр установкани қуриш тезлашади ва арzonга тушади.

19-20-расмда саноат корхонаси 35/6—10 кв күчланишли очиқ трансформатор подстанциясининг тузилиши кўрсатилган.

Масалан, 3200 ква қувватли трансформатор сақлагичлар ва ажратгичлар орқали 35 кв ли ҳаво линиясига уланган. Ўта күчланишдан сақлаш учун вентиль разрядлагич ишлатилган. Трансформаторнинг иккиминчи чулғами ташки қурилманинг КТК шиналарига уланган.


КТК шкафларидан бирининг схемаси ва қирқими 19-21-расмда кўрсатилган. Ток шиналар i дан шина ажратгич 2, мэйли виключатель 3, ток трансформатори 4, линия ажратгич 5 орқали кабель ёки ҳаво линияси ва ниҳоят линия орқали цех подстанциясининг шиналарига боради.

Түсінкілорын схемасы



19-20- расм. Очиқ типдаги 35/6—10 кв ли трансформатор подстаницияси.

Корхонанинг энергетик системадан 6—10кв кучланишда электр энергия келадиган бош тақсимот пунктси одатда бир қаватли бинога жойлаштирилади ва КТҚ шкафлари ёки маҳсус заводларда тайёрланадиган ҳамда қурилиш жойининг ўзида йифиладиган йиғма конструкцияли камералар билан жиҳозланади.




19-21- расм. Мойли виключателли ва кабель ёки ҳавога чиқиши ташки қурилманинг КТҚ шкафи.

Йиғма конструкцияли БТП лардан бирининг тузилиши 19-22-расмда кўрсатилган. Бош тақсимот пунктида камералар бир қаторли жойлашган ва бошқариш йўлакчasi бор. Бу расмда ҳам бир хил номдаги аппаратлар аввалги расмдаги рақамлар билан белгилантган.

Корхоналарнинг цех подстанциялари БТП сингари ёки йиғма конструкцияли камералар билан ёки КТП шкафлари билан жиҳозланади.

Цех подстанцияларидан бирининг тузилиши 19-23- расмда кўрсатилган 6 кв /380—220 в кучланишли трансформатор ва тақсимот шчити қўшни биноларда жойлаштирилган.

Камеранинг пастки қисмидаги ўймалар (расмда кўрсатилмаган) ва юқоридаги сўрувчи шахта трансформаторларни совитиб туради. Трансформаторга энергия кабель 1, ричагпривод 3 ли ажратгич 2 орқали келади. Трансформаторнинг иккиласми чиқиши ричагли привод 5 ли 4 ажратгич орқали тақсимот щити шкафларига уланган.



19-22- расм. 6—10 кв ли тақсимлаш курилмаси.

Шцит шиналарига ёритиш учун кабель линиялари ва электр двигателларига энергия берувчи шинопровод уланган. Ҳар бир линияда сақлагич ва рубильник бор, шинопровод занжирида эса ҳаво автомати бор. Шинопровод девордаги тешик орқали қўшни бино—цехга ўтади.


Цех подстанцияларининг кичик кучланишли тақсимот шцитлари бир томонлама ёки икки томонлама қараладиган (19-24 ва 19-25-расмлар), каркасли ёки каркассиз конструкцияда тайёрланади. Каркасли конструкцияли шцитларда листли пўлатдан ёки изоляция материали, масалан, асбестцемент листларидан фойдаланилади. Каркассиз шцитларда эса фақат листли пўлат панеллардан фойдаланилади.

Шцитнинг энг содда электр схемаси: цех подстанцияси куч трансформаторининг иккиласми чулғамлари тутқичлари автомат ёки ру-


бильник ҳамда сақлагичлар орқали шчит шиналарига уланади. Шиналардан рубильниклар ва сақлагичлар орқали истеъмолчиларнинг энергия линиялари кетади. Ўлчашлар учун шчит шиналаридаги вольтметр ва кетувчи линияларда ямпелметлган ишлатилиади.

Икки томонлама қараладиган каркасли шчит ва панеллардан бирининг схемаси 19-26-расмда кўрсатилган.


19-27-расмда КТП шкафлари ва шинопроводлари бўлган цех подстанцияси кўрсатилган.




19-23-расм. Цех трансформатор подстанцияси.



19-24-расм. Бир томонлама қараладиган паст кучланиш шчит қурилмаси схемаси.




19-25-расм. Икки томонлама қараладиган паст кучланиш шчит қурилмаси схемаси.



19-26- расм. «Электрошчит» заводида тайёрланган 380/220 в күчләннишли икки томонлама қараладиган шиттинг панели ва схемаси:


a—схема; *b*—қирқам: 1—йигма шиналар; 2—рубильник; 3—эрүүчан сақлагыч; 4—ток трансформатори; 5—поль шина; 6—счётчик; 7—кабель воронкасы.

Олбдан көрсетілген




6)

Каркас




Арzonлаштириш максадида цех подстанцияси билан шинопровод-нинг қўшма соддалаштирилган схемасидан фойдаланилади, бу схема «блок трансформатор магистрал» деб аталади (19-28-расм). Бу қурилмада тақсимот щити бўлмайди. Ток трансформатордан автомат ёки рубильник орқали бевосита шинопроводга, ундан айрим электр двигателлари га келади.




19-27- расм. КТП шкафлари ва шинопроводлар билан бирга кўрсатилган цех подстанцияси.

Унча катта бўлмаган группадаги кичикроқ энергия истеъмолчиларини энергия билан таъминлаш учун цехларда тақсимот пунктлари ўрнатилади. 19-29-расмда алоҳида блоклардан йигилган блоктақсимот пункти ПРБ- 59 кўрсатилган. Унда ҳар бир кетувчи линия бошқаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда қўшилади ва ажратилади, сақлагичлар эса факат кучланиш бўлмаган вақтда алмаштирилади.


Ёритиш приёмниклари га энергия группа тақсимот пунктлари орқали берилади. Улар шкафлар ёки ящиклардан иборат бўлиб, бу шкаф ва ящикларга эрувчан сақлагичли рубильниклар ва виключателлар монтаж қилинган бўлади (19-30-расм). Анча кичик қурилмаларда эрувчан сақлагичли щитлар ишлатилади.



19-28-расм. «Трансформатор-магистраль блокнинг схемаси.



19-29-расм. Тўрт блокли PRB-59 блокли тақсимот пункти.



19-30-расм. Еритиш пункти.

19-5. СИМЛАРНИ ҲИСОБЛАШ

Электр симлар ва тармоқлар: 1) ёнғин чиқмаслигини ва кишилар ҳәётининг хавфсизлигини таъминлаши; 2) электр энергия билан узлуксиз таъминлашга ишончли бўлиши; 3) энергиянинг юқори сифатли, яъни истемолчиларга бериладиган кучланишнинг истемолчинг номинал кучланишдан фарқи кам бўлишини таъминлаши; 4) арzon бўлиши лозим.

Симларнинг кесимларини уларнинг йўл қўйиладиган қизишлари ни назарга олган ҳолда тўғри танлаш, эрувчан сақлагичларни, шунингдек, симларнинг изоляциясини уларнинг маркасига мувофиқ ҳолда танлаш биринчи шартнинг бажарилишини таъминлайди.

Симлар механик мустаҳкамлигининг етарли бўлиши ва эрувчан сақлагичнинг тўғри танланиши иккинчи шартнинг бажарилишини таъминлайди.

Симларнинг кесимларини уларда кучланиш исрофи йўл қўйиладиган катталиқда бўлиш шартига амал қилган ҳолда танланиши, учинчи шартнинг бажарилишини таъмин этади.

Симларни тўғри танлаш учун улар ҳисобланади.

а) *Симларнинг кесимини уларда йўл қўйиладиган қизишга кўра аниқлаш*

Симларнинг кесимини аниқлаш учун симлар қисмининг узунлигини ва бу қисмдаги нагруззани билиш керак.

Нагрузза қувватга кўра ёки номинал кучланиш ўзгармас бўлгандаги токка кўра аниқланади.

Симларни ҳисоблашда қуидаги тушунчалардан фойдаланилади: 1) номинал қувват P_n приёмникда кўрсатилган бўлади; 2) ўрнатилган қувват P_y —ўрнатилган приёмникларнинг номинал қувватлари йиғиндиси; 3) ҳисобланған қувват P_x —ҳисоблашда олинаётган қувват.

Бу қувватларга I_n , I_y , I_x токлар мос келади, бу токлар ҳам юқоридаги қўшимча номлар билан аталиши равшан.

Амалда ҳеч қачон барча энергия приёмниклари бир вақтда бароварига уланмайди, унинг устига двигателлар ҳамма вақт тўла нагрузка билан ишлайвермайди, шунинг учун ҳисоблаш вақтида ўрнатилган қувват эмас, унинг истеъмолчи томонидан бир вақтда фойдаланилиши мумкин бўлган P_x қисми назарга олинади.

Ҳисобланган қувватнинг ўрнатилган қувватга нисбати талаб коэффициенти деб аталади

$$k_T = \frac{P_x}{P_y} \quad (19-1)$$

ёки

$$k_T = \frac{I_x U \cdot \cos\phi}{I_y U \cdot \cos\phi} = \frac{I_x}{I_y}.$$

Ёритиш нагружасида

- ташқи ёритиш тармоқлари учун $k_T = 1$;
- рўзгордаги ёритиш тармоқлари учун $k_T = 0,7 \div 0,8$;
- саноат корхоналари тармоқлари учун $k_T = 0,7 \div 0,9$.

Ёритиш нагружасида ҳисобланган ток бир фазали ўзгарувчан ток занжирлари ва ўзгармас ток тармоқлари учун

$$I_x = \frac{k_T P_y}{U} = \frac{P_x}{U},$$

уч фазали ток занжирлари учун

$$I_k = \frac{k_T P_y}{\sqrt[3]{U}} = \frac{P_x}{\sqrt[3]{U}}.$$

Металларга совуқ ишлов бериш цехларидаги куч нагружкаларда ўрнатилган электр двигателлар сонига боғлиқ ҳолда талаб коэффициентининг тахминий қыйматлари 19-2- жадвалда кўрсатилгандек бўлади.

19-2- жадвал

Двигателлар сонига боғлиқ ҳолда талаб коэффициенти

Ҳисобланган двигателлар сони	2	3	4	5	6	8	10	20	30
Металларга совуқ ишлов бериш цехлари учун талаб коэффициенти	1	0,9	0,8	0,7	0,6	0,5	0,45	0,3	0,25

Ўзгармас ток двигателининг номинал токи

$$I_n = \frac{P_n}{U \cdot \eta}, \quad (19-2)$$

уч фазали ток двигателининг номинал токи

$$I_n = \frac{P_n}{\sqrt[3]{U \cdot \eta \cdot \cos \varphi}}, \quad (19-3)$$

бу ерда η – электр двигателининг фойдали иш коэффициенти.

Двигателлар учун η ва $\cos \varphi$ нинг қыйматлари справочниклар ва каталоглардан олинади. Тахминий ҳисоблашларда 10—12 квт гача кичик қувватли двигателлар учун $\eta \cdot \cos \varphi$ кўпайтма катталигини 0,7—0,8 га тенг деб олиш мумкин.

Двигателларнинг ҳисобланган токи

$$I_x = k_x \cdot I_n = k_x I_y.$$

Одатда симларнинг кесимини улар учун йўл қўйиладиган қизишга кўра жадвалдан (19-3- жадвал) аниқланади, жадвалда турли марказдаги симларнинг стандарт кесимлари учун узоқ вақтга ўтиши мумкин бўлган чегаравий йўл қўйилган токлар (I_{nk}) берилган.

Мис ва алюминий томирлар ва изоляцияланган симлар учун узоқ муддатга йұл құйилған ток нагрузкалар

Томир кесими, мм^2	Йұл құйилған узоқ муддатты нагрузкалар, а*							
	Очиқ ётқизилған ПР, АПР маркалы симларда	бір трубада ётқизилған ПР, ПРТО, ПРТ, ПВ, ПГВ, АПВ симларда ва яшириң ётқизилған ППВ симларда				З кө гача бұлған ма модда сингидирилгандың көз изоляциялық СВ, АБ, ВМБ, ААБ, АБМБ маркалы ерда ётқизилған кабелларда	Очиқ ұақыттағы 1000 жағдайдағы очиқ симларда	
	Иккі томирларда	Уч томирлар		Учта си	Битта иккі томирларда	Битта уч томирларда	Уч томирлар	
0,5	11/-	-	-	-	-	-	-	-
0,75	15/-	-	-	-	-	-	-	-
1	17/-	-	-	16/-	15/-	15	14	-
1,5	23/-	19	19	19/-	17/-	18	15	30
2,5	30/24	27	25	27/20	25/19	25	21	40/30
4	41/32	38	35	38/28	35/28	32	27	55/42
6	50/39	50	42	46/36	42/32	40	34	70/55
10	80/55	70	55	70/50	60/47	55	50	95/75
16	100/80	90	75	85/60	80/60	80	70	120/90
25	140/105	115	95	115/85	100/80	100	85	160/125
35	170/130	140	120	135/100	125/95	125	100	190/145
50	215/165	175	145	185/140	170/130	160	135	235/180
70	270/210	215	180	225/175	210/165	195	175	285/220
95	330/255	260	220	275/215	255/200	245	215	340/260
120	385/295	300	260	315/245	290/220	295	250	390/300
150	440/340	350	305	360/275	330/255	-	-	435/335
								570/440

* Суратида мис томирлар учун, маражида алюминий томирлар учун нагрузка берилганды.

Симларда йўл қўйиладиган ток ҳисобланган [токдан кичик бўл-
маслиги керак, яъни

$$I_{\text{ж}} \geq I_t. \quad (19-4)$$

Шундай қилиб, симнинг кесими унда йўл қўйиладиган ток ҳи-
собланган токка тенг ёки ундан катта бўладиган қилиб танланади.

19-1- мисол. 220 в кучланиши уч фазали линия магистрал симларидағи ҳи-
соблаш токи аниқлансан; линия учига номинал қувватлари $P_{\text{н1}} = 4,5 \text{ квт}$,
 $P_{\text{н2}} = 2,8 \text{ квт}$ ва $P_{\text{н3}} = 3,5 \text{ квт}$ бўлган учта электр двигатели уланган.

Трубаларда ётқизиладиган ПР маркали симлар кесимини уларнинг йўл қўйи-
ладиган қизишлари шартнга кўра танланг.

Магистралдаги ҳисоблаш токи

$$I_x = \frac{k_x P_n \cdot 1000}{1,73 U \cos \varphi \cdot \eta} = \frac{0,9 \cdot 11,8 \cdot 1000}{1,73 \cdot 220 \cdot 0,7} = 30a.$$

Топилган $I_x = 30 a$ ҳисоблаш токи учун трубаларда ётқизиладиган ПР мар-
кали симларда йўл қўйилган энг яқин ток қиймати $I_{\text{ж}} = 35 a$, бу токка симнинг
 $S = 4 \text{ м}^2$ кесими мос келади. Бу $S = 4 \text{ м}^2$ кесими берилган шартлар учун қа-
бул қиласмиз.

Симнинг танланган кесимини эрувчан қўйилма токига кўра (19-
5- §, б) ва кучланишнинг йўл қўйилган нисбий исрофи (19-5- § в)
га кўра текшириш зарур.

б) Сақлагичларнинг эрувчан қўймаларини танлаш

Сақлагичларнинг эрувчан қўймаларининг вазифаси симларни
қисқа туташув токларидан ва катта ортиқча нагрузкалардан сақ-
лашдир.

Ҳисоблаш токидан катта токлар ўтганида эрувчан қўйма куйиб
кетиши керак.

Эрувчан қўймани танлашда учта шарт назарда тутилади:

1) Эрувчан қўйманинг номинал токи $I_{\text{куй}}$ линиянинг ҳимоя қи-
линаётган қисмининг ҳисоблаш токига тенг ёки ундан катта бўли-
ши керак, яъни

$$I_{\text{куй}} \geq I_x. \quad (19-5)$$

Масалан, агар $I_x = 30 a$ бўлса, у ҳолда эрувчан қўймаларнинг
номинал токлари шкаласидан (19-4- жадвал) қўйманинг энг яқин но-
минал токини танлаймиз $I_{\text{куй}} = 35 a$.

19-4- жадвал.

Эрувчан қўймаларнинг номинал токлари

ток, а	4	6	10	15	20	25	35	45	60	80	100	125	160	200	252	260	300	350
--------	---	---	----	----	----	----	----	----	----	----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----

2) Эрувчан қўйманинг номинал токи $I_{\text{куй}}$ битта қисқа туташти-
рилган электр двигатели уланган линиянинг ҳимоя қилинаётган қис-

мининг юргизиш токи катталигининг 2,5 марта камайтирилганига тенг ёки ундан катта бўлиши керак,

$$I_{\text{куй.}} \geq \frac{I_{\text{ю.}}}{2,5}. \quad (19-6)$$

Масалан, агар $I_{\text{ю.}} = 200 \text{ а}$ бўлса,

$$I_{\text{куй.}} \geq \frac{200}{2,5} = 80 \text{ а.}$$

Эрувчан қўйманинг энг яқин номинал токи (19-4- жадвал):

$$I_{\text{куй.}} = 80 \text{ а.}$$

Бир неча қисқа туташтирилган электр двигателлар уланган линия учун эрувчан қўйма номинал токи қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$I_{\text{куй.}} \geq \frac{I_{\text{макс.}}}{2,5} = \frac{I_{\text{ю.}} + I'_{\text{x}}}{2,5}, \quad (19-7)$$

бу ерда $I_{\text{ю.}}$ — юргизиш токи энг катта бўлган двигателнинг юргизиш токи;

I'_{x} — линиянинг ҳисоблаш токи (бунда юргизиш токи энг катта бўлган двигатель ҳисобга олинмаган).

1 ва 2 шартлардан топилган катта токли эрувчан қўйма танланади.

Юргизиш токига кўра (19-7) топилган эрувчан қўйма линияни қисқа муддатли ҳаддан ташқари катта токлардан ҳимоя қиласи; эрувчан қўйма линияни узоқ муддатли ортиқча нагрузкалардан ҳимоя қилиши учун

$$3I_{\text{куй.}} \geq I_{\text{куй.}}. \quad (19-8)$$

шарт бажарилиши керак.

19-2- мисол. Учига $P_{\text{н1}} = 4,5 \text{ кет}$, $P_{\text{н2}} = 2,8 \text{ кет}$ ва $P_{\text{н3}} = 3,5 \text{ кет}$ қувватли учта қисқа туташтирилган электр двигателлар уланган 220 в кучланиши линия қисми учун юргизиш токига кўра эрувчан қўйма танлансин.

Электр двигателларининг юргизиш токи карралиги 7 га, $\eta \cdot \cos \varphi = 0,7$ га тенг деб олининг.

Электр двигателларининг номинал токлари:

$$I_{\text{н1}} = \frac{P_{\text{н1}}}{1,73U \cdot \eta \cdot \cos \varphi} = \frac{4,5 \cdot 1000}{1,73 \cdot 220 \cdot 0,7} = 17 \text{ а};$$

$$I_{\text{н2}} = \frac{P_{\text{н2}}}{1,73U \cdot \eta \cdot \cos \varphi} = \frac{2,8 \cdot 1000}{1,73 \cdot 220 \cdot 0,7} = 10,5 \text{ а};$$

$$I_{\text{н3}} = \frac{P_{\text{н3}}}{1,73U \cdot \eta \cdot \cos \varphi} = \frac{3,7 \cdot 1000}{1,73 \cdot 220 \cdot 0,7} = 13,3 \text{ а.}$$

Линиянинг 2 ва 3 двигателлар ишлаб тургандаги ҳисоблаш токи:

$$I_{\text{x2,3}} = k_T (I_{\text{н2}} + I_{\text{н3}}) = 1 (10,5 + 13,3) = 23,8 \text{ а.}$$

1 двигатель юргизилгандаги максимал ҳисоблаш токи:

$$I_{\text{макс.}} = I_{\text{ю1}} + I_{\text{x2,3}} = 7 \cdot 17 + 23,8 = 142,8 \text{ а.}$$

Эрувчан құйма токи [(19-7) формула]

$$I_{\text{құй.}} > \frac{I_{\text{макс.}}}{2,5} = \frac{142,8}{2,5} = 59 \text{ а.}$$

Әнг яқин номинал токи $I_{\text{құй.}} = 60 \text{ а}$ бўлган құймани танлаймиз.

3. Тармоқда кетма-кет ўрнатилган сақлагичларнинг эрувчан қўй-маларини танлашда приёмиңидан бошлаб ҳисобланганда ҳар бир келгуси қўймани эрувчан қўймалар стандарт токлари шкаласидан бир погона юқори қилиб танлаш керак (19-4- жадвал). Шундай қилингандан сақлагичлар селектив (танлама бўлиб) ишлайди, яъни сақлагич қайси қисмда қисқа туташув бўлган бўлса, ўша қисмни гина ажратади. Сақлагич қисмнинг бошида (энергия ҳаракати йўналишига кўра) ўрнатилиши керак, фақат ана шу ҳолдагина у ўз қисмини ҳимоя қила олади.

в) Симларнинг кесимини кучланишининг йўл қўйилган исроифга кўра танлаш

Линиянинг боши ва охиридаги кучланишларнинг арифметик фарқи кучланиш исрофи дейилиши маълум (1-15- §)

$$\Delta U = U_1 - U_2.$$

Кўпинча кучланиш линиянинг бошидаги кучланишга нисбатан процентларда ифодаланади ва уни кучланишининг нисбий исрофи деб юритилади

$$\epsilon = \frac{\Delta U}{U} \cdot 100 \%. \quad (19-9)$$

Подстанциядан истеъмолчиғача бўлган қисмida кучланишининг йўл қўйиш мумкин бўлган нисбий исрофи ёритиш нагрузкаси учун 2 — 3% ни, куч нагрузкаси учун 4 — 6% ни ташкил қиласи.

1-15- § да симларнинг кесимини аниқлаш формуласи (1-43) топилган эди.

$$S = \frac{2l}{\gamma \Delta U}.$$

ΔU ни кучланишининг нисбий исрофи билан алмаштириб ушбуни ҳосил қиласи:

$$S = \frac{2 \cdot 100 l}{\gamma \cdot \epsilon U}.$$

ёки U га кўпайтирасак ва бўлсак, формула бошқача кўринишга келади

$$S = \frac{2 \cdot 100 Pl}{\gamma \epsilon U^2}. \quad (19-10)$$

Охирги ифодадан қўйидаги келиб чиқади:

$$\epsilon = \frac{2 \cdot 100 Pl}{\gamma S U^2}. \quad (19-11)$$

(19-10) ва (19-11) формулалардан охирида нагрузкаси бўлган линия симлари кесимларини кучланишнинг берилган нисбий исрофига кўра аниқланади, ёки аксинча, мос равища симлар кесимларига кўра кучланишнинг нисбий исрофи аниқланади.

Бу формулаларни ўзгармас ток, бир фазали ўзгарувчан ток ва уч фазали ток учун қўллаш мумкин. Уч фазали ток учун қўлланилганда U кучланиш линия кучланишидан иборат бўлади, яъни $U = U_l$, P қувват эса— уч фазали нагрузканинг актив қуввати бўлади.

19-3- мисол. 220 в кучланишли уч фазали ток линиясидаги кучланиш тушиши аниқлансин. Линия узунлиги $l = 15 \text{ м}$, кесими $S = 4 \text{ мм}^2$ бўлган PP маркали симдан тортилган, унинг учига қуввати $P_{n1} = 4,5 \text{ квт}$, $P_{n2} = 2,8 \text{ квт}$ ва $P_{n3} = 3,5 \text{ квт}$ бўлган (19-1- мисолга қаранг) учта электр двигатели уланган.

Двигателларнинг уларнинг номинал кучланишида тармоқдан истеъмол қилалигига қуввати:

$$P = \frac{P_{n1}}{\eta_1} + \frac{P_{n2}}{\eta_2} + \frac{P_{n3}}{\eta_3} = \frac{4,5}{0,85} + \frac{2,8}{0,85} + \frac{3,5}{0,85} = 5,3 + 3,3 + 4,1 = 12,7 \text{ квт.}$$

Хисоблаш қуввати

$$P_x k_T P = 0,9 \cdot 12,7 = 11,5 \text{ квт.}$$

19-11- формуладан фойдаланиб, қўйидагини ёзиш мумкин:

$$\epsilon = \frac{2 \cdot 100 Pl}{\gamma S U^2} = \frac{2 \cdot 100 \cdot 11,5 \cdot 1000 \cdot 15}{57 \cdot 4 \cdot 220^2} \approx 3\%.$$

Шундай қилиб, нисбий кучланиш тушиши йўл қўйилган қийматдан ошмайди, демак, симнинг йўл қўйилган қизиш шартларига мувофиқ танланган кесими $S = 4 \text{ мм}^2$ тўғри танланган.

Агар A энергия берувчи пунктдан энергия олаётган линиянинг (19-31-расм) турли нуқталарида бир неча нагрузка бўлса, линия барча қисмларининг кесими ва материали бирдай бўлганда, симларнинг кесими қўйидаги формула билан аниқланади.

$$S = \frac{2 \cdot 100 (P_1 l_1 + P_2 l_2 + P_3 l_3 + \dots)}{\gamma \varepsilon U^2} = \frac{2 \cdot 100 \sum P l}{\gamma \varepsilon U^2}, \quad (19-12)$$


кучланишнинг нисбий исрофи

$$\epsilon = \frac{2 \cdot 100 (P_1 l_1 + P_2 l_2 + P_3 l_3 + \dots)}{\gamma S U^2} = \frac{2 \cdot 100 \sum P l}{\gamma S U^2}, \quad (19-13)$$

Бу кейинги икки формула аввалгилидан нагрузка моменти деб аталаувчи нагрузка P ва линиянинг узунлиги l кўлпайтмаси $P l$ нинг

нагрузкалар моментларининг йиғиндиси билан алмаштирилганлиги билан фарқ қиласди (19-31-расм).

Симларнинг йўл қўйиладиган қизиш шартларидан топилган ва кучланишнинг йўл қўйилган исрофи талабларини қаноатлантирадиган кесимларининг механик мустаҳкамлик шартлари 19-5- жадвал бўйича текширилади.



19-31- расм. Учта нагрузкали линия.

Симларнинг механик мустаҳкамлик жиҳатидан йўл қўйиладиган энг кичик кесимлари

Симларнинг номи ва уларни ўтказиш (прокладка) усуслари	Кесими, мм ²	
	мис симларнинг	алюминий симларнинг
Бино ичидаги ва ташқарисидаги светильникларни зарядка қўйувчи симлар	0,5; 1,0	—
Осма, стол ва бошқа светильниклар учун шнурлар ва шлангли симлар	0,75	—
Кўзғалувчи ток приёмниклари учун ўрта ва оғир шлангли симлар	1 ва 2,5	—
Ораларидаги масофа 1 м бўлган изоляция таянчларидаги иккни томирли кўп симли эшилган симлар	1,0	—
Биноларда бир-биридан қўйидаги масофаларда ўрнатилган изоляция таянчларидаги изоляцияланган симлар, м.:		
1 м гача	1,0	2,5
2 м гача	1,5	2,5
6 м гача	2,5	4
12 м гача .	4	10
12 м лаи ортиқ	6	16
Бинолардаги очиқ симлар	2,5	4
Ташки проводкалардаги изоляцияланган симлар ва муҳофаза қилинган очиқ симлар:		
деворлар бўйлаб	2,5	4
бошқа ҳолларда	4	10
Трубалардаги изоляцияли симлар	1	2,5
1000 в гача бўлган ҳаво линиялари	6	16
Таянчлар оралиги 25 м гача бўлганда ҳаводаги учлар	4	10

19-6. БИНО ИЧИДАГИ ТАРМОҚЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ

Электр энергияни бинолар ичida узатишида симлар, шнурлар, кабеллар ва шиналар ишлатилади.

Очиқ ёки изоляцияли айрим сим ёки томир электр сими деб аталади. Изоляцияланган симнинг резина полихлорвинил, найрит ёки ип-газламадан ҳимоя қобиги бўлади.

Ўзаро эшилган иккни ёки бир неча симлар то ир ейиади, бу симлар электр токи ўтказгичлари бўлиб хизмат қиласади.

Иккни ёки бир неча ўзаро бирлаштирилган изоляцияланган юмшоқ томирлар системаси шунур дейилади.


Кўрошин, алюминий ёки полихлорвинилдан қилинган герметик ҳимоя қобиги ичига киритилган қўшиб эшилган бир ёки бир неча изоляцияланган томир кабель дейилади.

Полоса шаклидаги, баъзан доира шаклидаги мис, алюминий, пўлат шини дейилади.

Электр симлари ва кабеллари томирларининг материали (мис, алюминий — A), конструкцияси (бир ва кўп томирли), изоляция тури (резина — P, полихлорвинил — B), ҳимоя қобигининг тури (кўрошин — C, алюминий — A ва ҳоказо) га қараб бир-биридан фарқланади.

Шундай қилиб, бир томирли ва күп томирли, яъни ток ўтиши учун бир-биридан изоляцияланган бир ёки бир неча йўл (томир) бўлган электр симлари, шнурлар, кабеллар бўлади. Униси ҳам бу ниси ҳам бир симли ва күп симли бўлиши мумкин.

Фақат қўйидаги стандарт кесимли томирлар ишлаб чиқарилади: 0,5; 0,75; 1; 1,5; 2,5; 4; 6; 10; 16; 25; 35; 50; 70; 95; 120; 150; 185; 240; 400; 500; 625, ва 800 mm^2 .



19-32- расм.

a— ПРД сим ва ШР шнур; *b*— ПР ва АПР си

Куч ва ёритиш қурилмаларида қўйидаги маркали электр симлари, шнурлар, кабеллар энг кўп ишлатилади:

1. ПРД — мис томирли, резина изоляцияли, икки томирли, ип-газлама тўқимали юмшоқ сим (19-32-*a* расм), 380 в гача кучланишли қурилмалар учун 0,75 дан 6 mm^2 гача кесимли қилиб тайёрланади.

2. ПР ва АПР — устида ип-газлама тўқимаси бўлган резина изоляцияли бир томирли симлар; биринчиси — мис, иккинчиси эса алюминий (19-32-*b* расм).

500 в гача кучланишли қурилмалар учун биринчиси 0,75 дан 400 mm^2 гача, иккинчиси 2,5 дан 400 mm^2 гача кесимли қилиб тайёрланади.

3. ПРГ — худди ПР нинг ўзи, бироқ анча юмшоқроқ, томирлалари яна ҳам ингичкароқ симдан қилинган.

4. ПВ ва АПВ — юқоридаги ПР ва АПР симлардан полихлорвинил изоляциясининг бўлиши билан фарқ қиласи. 500 в гача кучланишли қурилмалар учун 0,75 дан 95 mm^2 гача кесимли қилиб тайёрланади.


5. ПГВ — полихлорвинил изоляцияли юмшоқ сим. 500 в гача кучланишли қурилмалар учун ПВ сим сингари кесимларда тайёрланади.

6. ПРТО ва АПРТО — ип-газламадан тўқилган умумий тўқимали резинка изоляцияли сим. 500 в гача ва 2000 в гача кучланишли қурилмалар учун кесими 1 дан 500 mm^2 гача, бир, икки, уч, тўрт томирли қилиб тайёрланади.

7. ПРП — резинка изоляцияли — ҳимоя совутли сим. Совут ингичка рухланган пўлат симлардан тайёрланади. 500 в гача кучла-

нишли қурилмалар учун кесими 1 дан 95 mm^2 гача, бир, икки, уч, томирли қилиб тайёрланади.

8. ТПРФ — металл наисимон қобиқ ичидаги резина изоляцияли мис сим. 500 в гача кучланишли қурилмалар учун кесими 1 дан 10 mm^2 гача, бир, икки, уч, түрт томирли қилиб тайёрланади.




19-33- расм. ШРПС шнур.
1— резина ҳимоя шланг; 2— резина изоляция; 3—
мис томир.

9. ШР — резина изоляцияли, икки томирли шнур, ПРД сим қўйланиладиган ҳолларда ишлатилади, бироқ ундан катта юмшоқлиги билан фарқ қиласди (19-32- а расм).

10. ШРПС — резина изоляцияли шнур, кўчириб олиб юриладиган, шлангли, ўртacha (19-33- расм). Изоляцияланган томирлар умумий ҳимоя резина қобигига киритилган. 500 в кучланишга мўлжаллаб, кесими 1 дан 4 mm^2 гача, бир, икки, уч томирли қилиб тайёрланади. Шнур кўчиб энергия приёмниклари (пилесослар, электр асбоблар ва ҳоказолар) ни улашда ишлатилади.

11. ППВ ва АППВ — полихлорвинил изоляцияли, икки, уч томирли ясси симлар (19-34- расм). Мис ёки алюминий толали (АППВ) бўлиб, биринчиси $0,75 — 2,5 \text{ mm}^2$, иккинчиси $2,5 — 4 \text{ mm}^2$ кесимли қилиб, 500 в гача кучланишли қурилмаларга мўлжаллаб тайёрланади. Ёритиш тармоқларида бу симлар аввал ишлатиб кёлинаётган шнурларни деярли бутунлай сиқиб чиқарди.



19-34- расм. ППВ ёки АППВ типидаги ясси иеки томирли сим.

12. АПН — найрит изоляцияли $2,5 — 4 \text{ mm}^2$ кесимли алюминий томирли икки ёки уч томирли ясси сим. 500 в кучланишга мўлжалланган.

13. СРБ — резина изоляцияли $4 — 185 \text{ mm}^2$ гача кесимли мис томирли кабеллар қўргошинланган, пўлат ленталар билан зирхланган, устидан кабель тўқимаси ўралган. Номинал кучланиши 500 в.

14. СРГ — худди СРБ сингари, бироқ тўқима қобиғи бўлмайди.

15. ВРГ — резина изоляцияли полихлорвинил қобиққа ўралган кабель ва ВРБ — ҳамма жиҳатларидан ВРГ га ўхшаш, бироқ пўлат ленталар билан зирхланган. Томирнинг кесими $1 — 185 \text{ mm}^2$, икки, уч ва тўрт томирли қилиб тайёрланади. Номинал кучланиши 500в.

16. НРГ ва АНРГ — кабель: биринчиси мис, иккинчиси алюминий томирли, найрит қобиқ ичидаги резина изоляцияли. Томирлари-

Асосий маркалы симларнинг ишлатилиши

Ўтказиш (проводка) түри	Етқизилиши	Сим маркаси	Бино характеристи						
			Курук машинын машинын ич биноси		нам	хўл	чанг	химиявий актий мухитига ташкии курилмалар	
			макумурый машинын	и ч биноси					
Изоляцияловчи таянчаларда очиқ	Роликларда	ПР; ПРД; ПР; АПР; ПВ; АПВ;	Х	Х	—	—	—	—	—
	Изоляторларда	ПР; АПР; ПВ; АПВ очиқ симлар	Х	+	+	+	Х	+	+
Очиқ изоляцияловчи таянчларсиз	Девор ва шиплар сиртидан	ТПРФ, ВРГ; СРГ; НРГ; АНРГ; ППВ; АППВ; АПН;	Х	+	—	—	+	—	—
	Металл қобиқли қофоз найларда	ПР; АПР; ПВ; АПВ	Х	Х	—	—	Х	—	—
	Пўлат трубаларда	ПР; АПР; ПРТО; АПР ТО; ПВ; АПВ	Х	Х	Х	—	Х	—	—
	Қутиларда	ПР; АПР; ПРТО ПВ; АПВ	—	+	Х	—	Х	—	—
	Шиша найларда	ПР; АПР	+	Х	—	—	Х	—	—
Яширин	Пўлат трубаларда	ПР; АПР; ПРТО АПРТО	Х	+	+	—	+	—	—
	Ярим қаттиқ изоляцион найларда	ПР, АПР	Х	Х	—	—	Х	—	—
	Металл қобиқли қофоз найларда	ПР, АПР	Х	Х	Х	—	Х	—	—
	Қурилиш конструкцияларда ва сувой остида	ППВ; АППВ; ПВ; АПВ; АПН	+	Х	Х	—	Х	—	—


Шартли белгилар: + тавсия қилилади; Х — мумкин; — тақиқланади.

нинг кесими 4 — 185 мм² бўлиб, бир, икки, уч, тўрт томирли қилиб, 500 в номикал кучланишга мўлжаллаб тайёrlанади.

Асосий электр симлари ва кабелларнинг ишлатилиши ва ўтказиш усуллари 19-6- жадвалда берилган.

Электр симларини ўтказиш уларни улашсиз ва учларини чиқармасдан бўлмайди.

Симлар ва кабелларнинг кўп толали алюминий ва мис томирларининг учларини чиқариш ва улашда пресслаш, пайвандлаш, кавшар-




19-35- расм. ПК-1 қўл смбури.

1—даста; 2—ричаг; 3—ҳалқа; 4—пуансон; 5—матрица.

лаш усулларидан фойдаланилади. Пресслаш усулида ток ўтказувчи томир учликнинг найсимон қисмига ёки томир билан бир хил материалдан қилинган найча-уловчи гильзага киритилади ва ПК-1, ПК-2 (19-35 ва 19-36- расмлар), дастаки омбурлар билан ёки гидравлик пресс

бйлан қисилади. Томирда прессланган учлик ва пресслаш процесси 19-37- расмда кўрсатилган. Пресслашда томир ва най орасида мустаҳкам электр контакти ҳосил қилинади.

Мис томирларни бир марта босиб, пуансонни бир марта қисиб, алюминий томирларни эса икки марта қисиб, учи чиқарилади ва уланади (19-37- расм.) Алюминий томирларни пресслашда томирлар сиртидаги оксид пардаларни емириш учун учлик ёки гильзага вазелин билан майдада кварц қуми аралашмасидақ



19-36- расм. ПК-2 типидаги икки ричагли омбур.

иборат паста киритилди. Пресслашда қум доналари оксид пардани емиради, вазелин эса янгидан оксидланишига йўл қўймайди.


Пресслаш усули жуда ишончли, содда ва қулай.

Алюминий томирларнинг учини чиқариш ва улашда асосан электр пайванд дан фойдаланилади. Кўпинча ёй ҳосил қилмасдан, контактни қиздириш усулида пайванд қилинади. Бунда ток ўтганида темир электрод билан эриётган томирнинг уни тегиб турган жойда иссиқлик ажралади. Учликни алюминий толага пайвандлаш 19-38-расмда кўрсатилган. Бир томондан, токни сим томирига келтириш ва унинг изоляциясини ўта қизиб кетишдан сақлаш совитгич 4 томонидан бажарилади. Иккинчи томондан, ток пайвандлаш трансфор-



19-37- расм.

a—сим томирида учликни пресслаш; *b*—бир марта босич билан прессланган учлик; *c*—икки марта босич билан прессланган учлик.




19-38- расм. Алюминий учликни алюминий томирига пайвандлаш схемаси:

1—сим; *2*—очилган алюминий томир; *3* — алюминий учлик; *4*—совитгич; *5*—омбур; *6*—кўмир электрод; *7*—присадка берувчи (кўшувчи) алюминий чивиқ; *8*—тутқиц.

маторидан пайвандлаш жойига омбур 5 ва кўмир элекстрод 6 орқали келади.

Пресслаш ва пайвандлаш имконияти бўлмаганида кавшарлашдан фойдаланилади. Мис томирлар кавшар лампа алангасида қалайи-қўрғошинли кавшар ва конифолдан фойдаланиб кавшарланади. Алюминий томирларни кавшарлашда рух-қалайи кавшардан фойдала-



19-39-расм. Мис томирларни юп-
қа лента билан қисиб улаш:
а—уланадиган учларни тайёрлаш; б—
юпқа мис лента билан ўраш; в—ом-
бурлар билан сиқиб улаш:

19-40-расм. Блокли учлик:
а—пресслагунча; б—с.м ҳал-
қага прессланган.

нилади, бунда кавшарланадиган сиртларга олдиндан ишлов берилади, сўнгра томирлар формаларга ёки учликка киритилади. Қалайлашда қизиган сиртлардаги оксид парда металл чўтка билан тозаланади.

10 мм^2 гача кесимли симлар ва шнурларнинг юмшоқ томирлари қуидагича уланади ва шохобланади. Уланадиган томирларнинг тозаланган учлари (19-39-расм) устма-уст қўйилади, жез ёки мис лента билан ўралади, сўнгра дастаки омбур билан сиқилади. Бундай томирлардан блок учликлар ёрдамида (19-40-расм) уч чиқарилади, улар томирларга дастаки омбурулар билан сиқиб киритилади.

Бир толали алюминий томирли (кесими 2,5 мм^2 гача) симларни улашда, шунингдек, алюминий томирларни мис томирларга улашда, асосан электр пайванд усулидан фойдаланилади (19-41-расм). Уланадиган томирларнинг учлари буралади ва унинг учини (торецили қисмини) «шарча» га айланмагунча кўмир элекстродга тақаб тутиб турилади.


Симлар уланадиган жойлар резиналанган лента билан изоляцияланади.

Корхоналарнинг кучтармоқлари кўпинча: 1) кабелда; 2) шиналарда; 3) трубалардаги ва изоляторлардаги изоляцияланган симлар билан ўтказилади.

Корхоналарнинг ёритиштармоқлари асосан: 1) металл трублардаги симлар; 2) изоляторлар ва роликларга маҳкамланган (очик проводка) ва трослардаги (тросли проводка) симлар билан ўтказилади.

Бинолар ичидә кабеллар шундай ётқизилады, бунда кабелинің трубопровод ва конструкцияларни айланип ўтиши, девор ва түсік-лар орқали ўтиши иложи борича кам бўлиши, шунингдек, ремонт қилиш керак бўлиб қолганда кабелларга бориш эркин бўлиши керак.


Кабеллар очиқ ва яшири н ётқизилади. Очиқ ётқизилгандан улар деворлар ёки шиплар бўйлаб таянч конструкцияларда ётқизилади



19-41-расм. Ўир толали мис ва аллюминий симларин электр пайванд йўли билан улаш:

а—пайвандга тайёрлаш; 1—мис томир; 2—аллюминий томир; б—электр пайванд схемаси: 1—трансформатор; 2—куйир электрод; 3—электрод тутқиц; 4—электрод-нинг мис тутқици; 5—асси жағли омбур; 6—мис жаглар; 7—ясси омбур дасталаридағы изоляция найчалари.


ёки скобалар билан маҳкамланади (19-42-расм). Яширин ётқизилгандан эса кабеллар полда қилинадиган каналларда ётқизилади (19-43-расм). Кабелларда уч чиқариш юқорида—19-2- § да кўрилган эди.



19-42-расм. Кабелини маҳкамлаш:

а — деворда; б — шипда.


Шинопроводлар очиқ ва ёпиқ бўлади. Очиқ шинопровод (19-44- расм) деворлар, колонналар, шиплар ёки фермаларга маҳкамланадиган металл конструкцияга монтаж қилинган изоляторлар-




19-43- расм. Кабелларни чуқурларга ётқизиш.

га маҳкамланган очиқ шиналардан иборат (19-44- расм). Энергия приёмниклариға борувчи тармоқлар симлар ва кабеллар билан тортилади, кабель учликлари шиналарга болтлар билан маҳкамланади.

Ёпиқ шинопроводлар пўлат қутичалар ёки труба ичидаги изоляцияловчи гребен (чиқиқлар) да жойлашган шиналардан иборат бўлади (19-45- расм). Улар одатда узунлиги 3м бўлган алоҳида нормал секциялардан йигилади. Шинопроводнинг тармоқлари



19-44- расм. Очиқ шинопровод.



19-45- расм. Ёпиқ шинопровод.

корпусга маҳкамланган қутичалар ва яшиклар ёрдамида бажарилади. Яшикларда ёки фақат симлар уланадиган тутқичлар, ёки найсимон сақлагичлар ҳамда тутқичлар бўлади. Бу тутқичлардан пўлат трубалар ёки металл енгларда жойлашган изоляцияланган симлар бўйлаб ток энергия приёмниклариға берилади. Шинопроводлар газ трубалардан қилинган тирговучларга (19-46- расм), деворлар ёки колонналарга жойлаштирилган кронштейнларга маҳкамланади (19-47- расм) ёки фермаларга тортилган тортичларга осиб қўйилади.

Куч тармоқларида симларни трубаларда тортиш кенг қўлланилади. Портлашга ва ёнфинга хавфли бўлган биноларда симларни албатта бундай тортиш мажбурийдир. Бу ҳолда трубопроводлар герметик бўлиши, аппаратурга ва светильниклар портлашга хавфсиз бўлиши керак.

Шохобчаларга ажралган тармоқли цехлар ва машина залларида трубалар яширин—полда ётқизилади. Пўлат трубаларда ётқизилган симларнинг уланиш ва тармоқланиш жойларига маҳсус қутилар ва яшиклар ўрнатилиди.

Изоляцияланган симларни шунингдек, шнурли симларни роликлар ва изоляторларга тортиб ўтказиш ҳозирги вақтда жуда кам қўлланилади.

Саноат корхоналарининг ёритиш тармоқларида электр симларини тросга осиб ўтказиш кенг қўлланилади. Тросларга осиб ўтказиш нинг турли варианatlари 19-47- расмда кўрсатилган. Тросли проводкалар аввалдан тайёрланиб, унга светильниклар осиб қўйилади ва монтаж қилинадиган жойда пролётнинг чекка нуқталарига маҳкамланган маҳсус тортиш қурилмалари ёрдамида осилади.

Кейинги вақтларда тросли проводкалар учун маҳсус тросли симлар ишлатила бошланди, улар изоляцияланган тросли ягона конструкцияли симлардир. Бундай симлардан тармоқлар троснинг керакли жойида маҳкамланган қутичалардан чиқариб олинаверади.

Шнурларни роликларга осиб ўтказиш (19-48- расм) кам ишлатилиди. Майший биноларнинг ёритиш тармоқларида ҳозирги вақтда ГПВ ва АГПВ маркали ясси симлар ишлатилади. Улар очиқ ҳолда ҳам, яширин ҳолда ҳам ўтказилиши мумкин.


Ясси симларни монтаж қилиш жуда қулай ва осон. Яширин ўтказиша улар сувоқ остидан ҳеч қандай қўшимча ҳимоя қобиқларисиз бевосита ётқизилаверади. Очиқ ўтказиша улар девор ва шилларга маҳсус сортли клейлар ёки михлар билангина маҳкамланади. Ҳар қандай ўтказиша ҳам ясси симлардан тармоқ чиқариш ёки уларни улаш учун керакли жойларга пластмасса ёки пўлат қутичалар қўйиб кетилади. ГПВ ва АГПВ маркали симларни ўтказишнинг умумий кўриниши 19-49- расмда, бундай ўтказишнинг айрим деталлари 19-50- расмда кўрсатилган.

Ёритиш тармоғида симлардан ташқари лампалар учун патронлар, штепсель розеткалари, тармоқни қисқа туташувлардан сақловчи виключателлар ва эрувчан сақлагичлар ёки автоматик виключателлар (автоматлар) ҳам бўлади.


Умумий асосга монтаж қилинган бир неча сақлагичлар группа шитогини ҳосил қиласди (19-51- расм).

19-52- расмда чўғланма лампаларни улашнинг энг содда схемалири кўрсатилган. Схемалар бир линияли ва кўп линияли тасвиirlарда берилган. Бир линияли схемаларда кўндаланг чизиқчалар билан схеманинг ҳар бир участкасидаги симлар сони кўрсатилган.


19-53- расмда цех ёритиш проводкасининг бир линияли схемаси берилган. 19-52- расмда берилган схемадан фойдаланиб, худди ўша қурилманинг кўп линияли схемасини чизиш қийин эмас.



19-46- расм. Ёпиқ шинопроводни газ трубоаларидан қилингган тирговучларга маҳкамлаш.




19-47- расм. Изоляция қилингган симларни троста осиб ўтказишнинг турли усуллари.





19-48- расм. ШР шнур ёки ПРД симни ўтказиш:


а-шнурласы улаш; **б**-штепсель розеткасынга тармоқлаш; **б**-лампа ва вилчачателга тармоқ чиқариш; **г**-шнурлы симни кесиб ўтиш.



19-49- расм. ППВ маркали сим билдиң электр ўтказишнинг умумий күринини.



б)




в)

г)

19-50-расм. ГПВ сим билан электр ўтказиш:

а—түрeri чизиқли қисы; *б*—симларни букиш; *в*—симларни улаң ва тармоқлар риши учун күти; *г*—симни виключательга улаб құйнаш.




19-51- расм. Группавий ёритиш шчитоги.

19-52- расм. Лампаларни бир линияли ва күп линияли қилиб улаш схемаси:
а—бир ёки бир неча лампани виключатель билан қўшиш схемаси; б—бир лампани, иккичи лампани ёки иккала лампани переключатель билан улаш схемаси; в—бир ёки бир неча лампаларни иккиги жойдан переключатель билан қўшиш схемаси:

19-7. ЭЛЕКТР БИЛАН ЁРИТИШ ҚУРИЛМАЛАРИНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ

Электр билан ёритиш қурилмаларини систематик равишда парвариш қилиб туриш керак.

Даврий равишда квартал давомида камидаги 1 марта проводкани, бутун аппаратурани қараб қўйиш ва унинг изоляцияси қаршилигини ўлчаб қўриш лозим. Қарашда барча камчиликларни топиш ва бартараф қилиш, масалан, осилиб қолган симлар, виключателлар, пат-



19-53- расм. Корхона цехидаги ёритиш проводкаснинг схемаси.

ронлар, группа шчитларидағи ёмон контактлар тузатилиши керак. Шунингдек, алоҳида фазалар нагрузкаланишини текшириш, нагрузка тақсимланиши жуда ҳам нотекис бўлса, нагруззкани қайта тақсимлаш керак.

Бузилишлар, светильникларнинг ёмон ҳолатда бўлиши, уларнинг ифлосланиши ёритилганликни заифлаштиради, меҳнат унумдорлигини камайтиради, кўришга ёмон таъсир кўрсатади ва фойдасиз сарфлар қилишга сабаб бўлади. Шунинг учун светильникларга узлуксиз равишда қараб туриш, светильник ва лампанинг барча қисмларини артиб ва тозалаб туриш керак. Светильниклар қуруқ ёки керосинда бир оз ҳўлланган латта билан артилади. Патронлар ва лампа орасидаги контактнинг ҳолатини алоҳида кузатиб туриш лозим. Бундай тозалашни бинонинг чангланишига қараб ойига 1—3 марта ўтказиб туриш керак.

ИЛОВА

ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИНИ ҮТКАЗИШГА ДОИР ТАШКИЛИЙ ВА МЕТОДИК КҮРСАТМАЛАР

Лаборатория ишларини бажариш учун ўқув групласи (25—30 ўқувчи) иккита кичик груплага бўлинади, бу кичик группаларниң ҳар бирі битта ўқитувчи билан алоҳида машғулот ўтказади.

Кичик группада 2—4 ўқувчидан иборат бригадалар тузилади. Бригадалар навбат билан программада кўрсатилган барча ишларни бажарадилар. Лаборатория ишларини бажаришни программанинг I бўлими — «Электротехника асослари ва электр катталикларини ўлчаш» темасини ўргангандан сўнг бошлаш керак.

Ўқувчиларинг аввалдан тайёрланишлари, лаборатория ишларини бажариш сипатини яхшилашда катта аҳамиятга эгадир. Ўқувчи аввалдан (хеч бўлмагандан бир ҳафта аввал) ўзининг қайси ишни бажаришини билishi керак. Ўқувчи дарслидан назарий материални тақоролаши, ишни бажариш плани билан танишиши, лаборатория ишнининг мақсадини ва унда қўйилган масалаларни аниқлаши керак. Ҳар бир ўқувчининг иш дафтари бўлиши керак. Бу дафтарга дастлабки тайёрланиш натижасида ишни бажариш плани, керакли аппаратура ва ускуналар рўйхати, электр схемалар, электр улаштар, ҳисоблаш формуулалари, жадваллар ва бошқалар ёзилади.

Иш столида аппаратура танлашда энг катта ҳамда энг кичик қувватлар учун занжирининг барча участкаларида тоқлар ва кучтанишларни тақрибан (10% гача аниқлик билан) ҳисоблаш чиқиш зарур. Олингани маътумотларга кўра, ишни бажариш учун керак бўлган аппаратурани танлаш, унинг техник кўрсаткичларини ёзиб олиш керак. Аппаратурани танлаб бўлгандан сўнг, иш столида уни қандай жойлаштириш планини тузиши керак. Буила ўтчаш асбоблари, ёрдамчи ва ростловчи қурилмаларни шундай жойлаштириш керакки, ҳосил бўладиган улаш схемаси энг содда, аёний бўлсин, аппаратларга қараб ҳисоблашлар ва ростлашлар учун ортиқча ҳаракатлар қилинмайдиган ҳамма кузатувчи ноқулай вазиятда турмайдиган бўлсин. Схемани монтаж қилишдан аввал асбоблар, аппаратлар ва машиналарининг электр схемалари ҳамда уларнинг устанинг схемалари билан танишиб чиқиш керак. Бунда асбоб ёки машинанинг қайси клемматари электр схеманинг қайси нуқталарага мос келишини аниқлаш, реостатларининг жилгичлари ва ростлаш қурилмаларининг тутқичлари қандай вазиятда қўйилиши кераклигини аниқлаш керак.

Электр схема элементларини улаганда ҳамма вақт занжирнинг энг оддий ва аёний бўлишига интилиши керак. Бу талабнинг бажарилишига фақат асбобларнинг жойлаштирилишигина эмас, туташтирувчи симларнинг қандай танланиши ҳам ёрдам беради. Симларнинг узунлиги уланувчи клеммалар орасидаги масофага мос бўлиши керак. Ишлаш токи юрадиган симларни ток катталигига мос кесимда, бир хил рангда танлаш тавсия этилади. Ёрдамчи занжирларни (ваттметрлар, счётчикилар ва бошқаларнинг параллел занжирларини) кичикроқ кесимдаги бошқа рангли симлар билан улаш тавсия этилади.

Электр занжирни улаётганда, дастлаб, асосий (кетма-кеч) занжирни улаш, сўнгра параллел тармоқларни улаш мақсадга мувофиқдир. Электр занжирини монтаж қилишини бригада аъзоларидан бири бажаради. Бригаданинг бошқа аъзолари тузилган занжирни текширадилар. Келгуси электр занжирларни навбат билан бригаданинг бошқа аъзолари ийғадилар.

Электр занжирни текшириш асосий контурни кўриб чиқишлари (обход қилиш) бошланиб, сўнгра параллел тармоқлари текширилади. Текшириш натижасида барча клеммаларнинг зич тегиб турганига, реостат жилгичларининг ва ростловчи қурилмалар тутқичларининг тўғри вазиятда турганига шунингдек, барча ўтлаш асбобларининг стрелкалари шкаланинг иоль белгисида турганига ишонч ҳосил қилиш керак.

Ўзғилган электр занжирни бригада аъзолари текширганиларидан кейин уни албатта ўқитувчи текшириши керак; униға рухсати билангина занжирга кучланиши бериш мумкин. Рубильникни туташтиргандан кейин ҳамма зарурий ростлашларни бажариш, дастлаб, фақат кўз билан кузатиб навбатма-навбат барча зарурий режимларни ўрнатиш (дафтарга ёзмасдан) ва сўнгра барча керакли режимларни олиб, кузатишларни иш дафтарига ёзиб олиш керак.

Лабораторида ниҳоятда эҳтиётилик билан ишлаш ва ҳар гал занжир режимининг ўзгариши қандай оқибатларга олиб келишини аввалдан назарда тутиш керак.

Ишни бажараётган вақтда хавфсизлик қондаларига риоя қилишинига эътибор бериб бориш зарур. Занжирга кучланиш берилганда изоляциясиз симларга, клеммаларга қўй билан тегиши қатъий ман қилинади. Айниқса, ғалтаклари ва конденсаторлари бўлган ўзгарувчан ток занжирлари билан ишлашда жуда эҳтиёт бўлиши керак, бундай занжирларда топшириқни бажариш давомида кучланиш резонанси рўй берини мумкин. Бундай занжирлардаги кучланиш тармоқдаги кучланишдан анча катта бўлиши мумкин.

Барча кузатиш ва ҳисоблашлар бажарилгач, олингани натижалар ўқитувчига кўрсатилади, агар ўқитувчи иш натижасини қониқарли деб топса, ишни туташга рухсат беради. Бундан кейин занжирга бўлакларга ажратилади. Асбобларнинг клеммалари бураб қисиб қўйилади, симлар яхшилаб тахлаб ўз жойларига қўйилади.

Хар бир бажарилган иш бүйича ўқувчилар ҳисобот (протокол) ёзадилар. Ҳисоботлар алоҳида бланкларга ёки катак қоғозга ёзилади. Ҳисобот муфассал ва иншилаб ёзилиши керак. Ҳисоботда қуидагилар бўлиши керак:

- 1) ишнинг номи ва унинг номери;
- 2) ўқувчининг фамилияси ва исми, группанинг нома ва иш бажарилган куни;
- 3) асбоб ва аппаратлар рўйхати ҳамда уларнинг қисқача техник характеристикалари;
- 4) ишнинг қисқача тавсифи;
- 5) уланиш схемалари;
- 6) кузатишлар ва ҳисоблашлар натижалари (жадвал шаклида ёзилади);
- 7) графиклар;
- 8) хуносা.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Кириш	4

БИРИНЧИ БОБ ЎЗГАРМАС ТОК ЭЛЕКТР ЗАНЖИРИ

1-1. Асосий тушунчалар	7
1-2. Электр кучланиш	8
1-3. Электр токи	10
1-4. Электр занжири ва унинг элементлари	10
1-5. Ом қонуни	12
1-6. Электр қаршилик ва ўтказувчанлик	14
1-7. Электр қаршиликнинг температурага боғлиқлиги	16
1-8. Электр ўтказувчанлик	18
1-9. Ўтказгич материаллар	18
1-10. Иш ва кувват	21
1-11. Электр энергиянинг иссиқлик энергияга айлапиши	23
1-12. Симда оқиши мумкин бўлган ток. Ортиқча нагруззқадан сақлаш	24
1-13. Кирхгофнинг биринчи қоидаси	25
1-14. Энергия истеъмолчиларини (қаршиликларни) улаш	26
1-15. Икки симли линия	30
1-16. Ток манбай ишининг икки режими	31
1-17. Кирхгофнинг иккинчи қоидаси	33
1-18. Мураккаб электр занжирларини ҳисоблаш	34
1-19. Чизиқлимас электр занжирлар	37
1-20. Лаборатория иши. Линияда кучланишинг исроғланishi	39

ИККИНЧИ БОБ ТОКНИНГ ХИМИЁВИЙ ТАЪСИРИ

2-1. Электролитларда электр токи . . .	40
2-2. Гальваник (бирламчи) элементлар	42
2-3. Аккумуляторлар (иккиласмачи элементлар) . . .	44
а) Қўргошибинли (кислотали) аккумуляторлар	44
б) Ишқорли аккумуляторлар	47
2-4. Ток манбаларини улаш	47

УЧИНЧИ БОБ

ЭЛЕКТРОМАГНЕТИЗМ

3-1.	Магнит индукцияси. Магнит оқими	49
3-2.	Электромагнит күч	51
	а) Магнит майдонидаги тұғри үтказгич	51
	б) Магнит майдонидаги контур	53
	в) Магнит майдонидаги харакатланувичи электрон	53
3-3.	Токли үтказгичларнинг үзаро таъсири	54
3-4.	Магнит киритувчанылк	55
3-5.	Магнит майдонининг күчләнгәнлиги. Магнит күчләниш	56
3-6.	Тұлғы ток қонуни	57
3-7.	Токли ғалтаккинг магнит майдони	58
3-8.	Электромагнит индукция	59
	а) Симда индукцияланган электр юритувчи күч	59
	б) Контурда индукцияланган ишлаш принципи	61
3-9.	Электр генераторнинг ишлаш принципи	63
3-10.	Электр двигателнинг ишлаш принципи	64
3-11.	Үюрма токлар	65
3-12.	Ферромагнетикларнинг магнитланиши	67
3-13.	Ферромагнит материаллар	70
3-14.	Магнит занжирин ҳисоблаш	73
3-15.	Электромагнитлар	75
3-16.	Индуктивлик. Үзиндукция электр юритувчи күчи	75
3-17.	Магнит майдонининг энергияси	77

ІҮРГИНЧИ БОБ

КОНДЕНСАТОРЛАР, ЭЛЕКТР ИЗОЛЯЦИЯСИ

4-1.	Электр сифим. Конденсаторлар	78
4-2.	Конденсаторларни улаш	81
4-3.	Электр майдони энергияси	82
4-4.	Электр майдонидаги диэлектрик	83
4-5.	Электр майдонидаги газ	86
4-6.	Электр изоляцияси	89
4-7.	Электр изоляцияловчи материаллар	90
	а) Газсимвол диэлектриклар	90
	б) Суюқ диэлектриклар	90
	в) Каттиқ диэлектриклар	92

БЕШИНЧИ БОБ

ҮЗГАРУВЧАН ТОК

5-1.	Үзгаруучан токнинг даври ва частотаси	95
5-2.	Синусоидал ә.ю.к. олиш	96
5-3.	Фазалар силжиши	98
5-4.	Ректорлар диаграммаси	100
5-5.	Ток ва күчләнештегі эффектив қийматлари	102
5-6.	Үзгаруучан ток занжирлари ҳақида умумий мұлоҳазалар	104
5-7.	Каршиликли занжир	104
	а) Күчләниш ва ток	105
	б) Қувват	105
5-8.	Индуктивликли занжир	105
	а) Күчләниш ва ток	105

6) Индуктив қаршилик	107
в) Қувват	107
г) Э.ю.к. билан магнит оқими орасидаги бөлганиш	108
Актив қаршиликлы ва индуктивликли занжир	109
а) Кучланиш ва ток	109
б) Занжиринг қаршилиги	111
в) Қувват	111
Актив қаршиликлы ва индуктивликли тармоқланмаган занжир	113
Актив қаршиликлы ва индуктивликли тармоқланған занжир	114
Сигимли занжир	116
а) Кучланиш ва ток	116
б) Сигим қаршилиги	117
в) Қувват	117
Кучланишлар резонанси	118
Токлар резонанси	121
Қувват коэффициенті	122
Актив ва реактив энергия	124
Лаборатория иши. Актив қаршиликли, индуктивликли ҳамда сиғимли ўзгарувлар ток занжири	125
Лаборатория иши. Ғалтак билан конденсаторни параллел улаш	126

ОЛТИНЧИ БОБ

УЧ ФАЗАЛИ ТОК

6-1. Уч фазали ток олиш	127
6-2. Генератор чулғамларини юлдуз усулида улаш	128
6-3. Генератор чулғамларини учбұрчак усулида улаш	130
6-4. Истеъмолчиларни юлдуз усулида улаш	131
6-5. Истеъмолчиларни учбұрчак усулида улаш	134
6-6. Истеъмолчиларни уч фазали ток тармоғига улаш	138
6-7. Лаборатория иши. Уч фазали токнинг түрт симли занжири	138
6-8. Лаборатория иши. Уч фазали токнинг уч симли системаси	139

ЕТТИНЧИ БОБ

ЭЛЕКТР ЎЛЧОВ АСБОБЛАРИ ВА ЎЛЧАШЛАР

7-1. Асосий тушунчалар	141
7-2. Электр ўлчов асбобларининг турлари	141
7-3. Асбобларнинг ўлчаш механизмлари	144
а) Магнитоэлектрик ўлчаш механизми	145
б) Электромагнит ўлчаш механизми	146
в) Электродинамик ўлчаш механизми	147
г) Ферродинамик ўлчаш механизми	148
7-4. Ток кучланишини ўлчаш	149
а) Амперметр ва вольтметрни улаш схемалари	149
б) Магнитоэлектрик амперметрлар ва вольтметрлар	150
в) Тұғрилагачлы амперметрлар ва вольтметрлар	152
г) Термоэлектрик амперметрлар ва вольтметрлар	153
д) Электромагнит амперметрлар ва вольтметрлар	154
е) Электродинамик ва ферродинамик амперметрлар ва вольтметрлар	154
7-5. Қувватни ўлчаш	156
7-6. Электр энергияни ўлчаш	160
7-7. Қаршиликларни ўлчаш	164
а) Қаршиликини ўлчайдыган күпприк	164
б) Қаршиликларни амперметр ва вольтметрлар ёрдамида ўлчаш	165
в) Омметрлар	166
г) Изоляция қаршилигини ўлчаш	169
Электрмас катталикларни электр усулларни билан ўлчаш	169
а) Реостатти ўзgartыргичлар	170

б) Контакт қаршиликли ўзгартиргичлар	171
в) Симли ўзгартиргичлар	172
г) Термоқаршиликлар	173
д) Электролитик ўзгартиргичлар	175
е) Индуктив ўзгартиргичлар	176
ж) Синимили ўзгартиргичлар	176
з) Ионловчи ўзгартиргичлар	177
и) Индукцион ўзгартиргичлар	178
к) Пъезоэлектрик ўзгартиргичлар	179
л) Термоэлектрик ўзгартиргичлар	179
7-9. Лаборатория иши. Изоляция қаршилигини ўлчаш	180
7-10. Лаборатория иши. Индукцион счётчики текшириш	180
7-11. Лаборатория иши. Уч фазали ток занжирінда қувватын ўлчаш	181
7-12. Лаборатория иши. Термоэлектр пирометрии даражалаш ва ундан температураларни ўлчаш учун фойдаланыш	183

**С А К К И З И Н Ч И Б О Б
ЎЗГАРМАС ТОК ЭЛЕКТР МАШИНАЛАРИ**

8-1. Ўзгармас ток машиналарининг вазифаси	185
8-2. Ўзгармас ток машиналарининг тузилиши	185
8-3. Ўзгармас ток машинасининг иш принципи	187
8-4. Якорь чулғамининг тузилиши	189
8-5. Якорь чулғамининг электр үоритувчи кучи	191
8-6. Машина валидаги момент	192
8-7. Ўзгармас ток машинасининг механик қувваты	193
8-8. Якорь реакцияси	193
8-9. Ток коммутацияси	194
8-10. Ўзгармас ток генераторининг турлари	199
8-11. Мұстақил үйғотишли генератор	200
8-12. Параллел үйғотишли генератор	202
8-13. Кетма-кет үйғотишли генератор	203
8-14. Аралаш үйғотишли генератор	204
8-15. Генераторларнинг параллел ишлаши	205
8-16. Ўзгармас ток электр двигателлари	207
8-17. Параллел үйғотишли электр двигател	208
8-18. Кетма-кет үйғотишли электр двигател	212
8-19. Аралаш үйғотишли электр двигател	213
8-20. Истрофлар ва фойдали иш коэффициенти	214
8-21. Электр пайвандлаш генераторлари	215
8-22. Уч чүткали генератор	216
8-23. Электр машина күчайтиргичи	217
8-24. Генератор — электр двигател (Г—ЭД) схемаси	218
8-25. Лаборатория иши. Параллел үйғотишли электр двигател	219
8-26. Лаборатория иши. Параллел үйғотишли генератор	220

**Т Ъ Қ Қ И З И Н Ч И Б О Б
ТРАНСФОРМАТОРЛАР**

9-1. Трансформаторларнинг вазифаси	221
9-2. Бир фазали трансформаторнинг ишлаши принципи ва тузилиши	222
9-3. Трансформаторнинг салт ишлаши	225
9-4. Нагрузкали трансформаторнинг ишлаши	227
9-5. Уч фазали трансформатор	229
9-6. Трансформаторларнинг параллел ишлаши	232
9-7. Трансформаторлар күчланышини ғостлаш	234
9-8. Күп чулғамлы трансформаторлар	235

9-9.	Автотрансформаторлар	235
9-10.	Ўлчаш трансформаторлари	237
9-11.	Энергиянинг трансформатордаги истрофлари ва уларни аниқлаш	238
9-12.	Трансформаторнинг фойдали иш коэффициенти	239
9-13.	Трансформаторларнинг қизиши ва уларни совитиш	240
9-14.	Электр пайвандлаша ишлатиладиган трансформаторлар	241
9-15.	Газ ёруғлик трансформаторлари	242
9-16.	Лабораторния иши. Бир фазали трансформатор	243

Ў Н И Н Ч И Б О Б

АСИНХРОН ЭЛЕКТР ДВИГАТЕЛЛАРИ

10-1.	Асинхрон электр двигателларининг вазифаси	244
10-2.	Айланувчи магнит оқимини хосил қилиш	245
10-3.	Статор чулғамни	248
10-4.	Ротор чулғамлари	250
10-5.	Асинхрон двигательнинг ишлаш принципи	252
10-6.	Роторнинг сирпаниши	252
10-7.	Ротор чулғамидағи э. ю. к. ва токнинг частотаси	253
10-8.	Статор ва ротор чулғамларининг электр юритувчи кучлари	253
10-9.	Ротор чулғамидағи қарышылым	254
10-10.	Ротор чулғамидағи ток	254
10-11.	Асинхрон двигательнинг иш процесси	255
10-12.	Двигателни айлантирувчи момент	255
10-13.	Асинхрон двигателларни юргизиб юбориш	258
10-14.	Асинхрон двигательнинг айланыш тезлигини ростлаш	261
10-15.	Икки фазали ва бир фазали асинхрон двигатель	263
10-16.	Асинхрон двигателдаги истрофлар ва унинг фойдали иш коэффициенти	266
10-17.	Асинхрон двигателларга ток берувчи тармокларнинг қувват көфициентини яхшилаш	267
10-18.	Лаборатория иши. Уч фазали асинхрон электр двигатели	268

Ў Н БИРИНЧИ БОБ

СИНХРОН МАШИНАЛАР

11-1.	Синхрон машиналарнинг вазифаси	268
11-2.	Синхрон машинанинг түзилиши ва ишлеш принципи	269
11-3.	Уч фазали синхрон генераторнинг нагрузка билан ишләши	270
11-4.	Синхрон генераторларни параллел ишлатиш учун улаш	272
11-5.	Ўзгармас үйротиш токида синхрон генераторнинг тармоқ билан параллел ишләши	274
11-6.	Синхрон двигатель	275
11-7.	Үйротиш токи ўзгарадиган бўлганда синхрон машинанинг тармоқ билан параллел ишләши	276
11-8.	Электр машиналарининг парвариши	277

Ў Н ИККИНЧИ БОБ

АВТОМАТИК ҚУРИЛМАЛАРНИНГ ЭЛЕКТР МАШИНАЛАРИ

12-1.	Машиналарнинг вазифаси	280
12-2.	Ўзгармас ток ижро қилувчи двигатели	281
12-3.	Ўзгарувчан ток икки фазали ижро қилувчи двигатель	283
12-4.	Ферромагнитли ғовак ёки яхлит роторни икки фазали асинхрон двигатель	286
12-5.	Юргизиш қаршилиги ўрнатилган бир фазали асинхрон двигатель	286

12-6.	Бир фазали синхрон реактив двигатель	287
12-7.	Уч фазали ва бир фазали гистерезисли синхрон двигателлар	288
12-8.	Коллекторли универсал двигатель	289
12-9.	Ўзгармас ток тахогенератори	290
12-10.	Ховол магнитмас роторли ўзгарувчан ток тахогенератори	291
12-11.	Бурима трансформаторлар	292
12-12.	Синхрон алоқа учун асинхрон машиналар	294
12-13.	Электр вали	296

**Ў Н У ЧИНЧИ БОБ
САНОАТ ЭЛЕКТРОНИКАСИ**

13-1.	Электрон асбобларнинг классификацияси ва уларнинг вазн фаси	297
13-2.	Қам қувватли электрон түғрилагичлар. Фильтрлар	297
13-3.	Ўртача қувватли ион вентиллар	302
а)	Газотрон	302
б)	Тиаратрон	303
13-4.	Чала ўтказгичларнинг электр ўтказувчанлиги	305
а)	Хусусий электр ўтказувчанлик	305
б)	Аралашмали электр ўтказувчанлик	306
13-5.	Чала ўтказгичли ўрта ва кам қувватли түғрилагичлар	307
а)	Чала ўтказгичли вентиль	307
б)	Мис I оксидли вентиль	308
в)	Селении вентиль	309
г)	Германийли ва кремнийли вентиллар	310
13-6.	Қатта қувватли түғрилагичлар—симболи түғрилагичлар	312
13-7.	Игнитрон	315
13-8.	Инвертор	316
13-9.	Уч электродли лампа	317
13-10.	Тұрт ва беш электродлы лампалар	319
13-11.	Электрон кучайтиргичлар	320
13-12.	Транзисторлар. Чала ўтказгичли кучайтиргичлар	324
13-13.	Генераторлар	326
а)	Синусондал тебранишли лампали генератор	325
б)	Күчланиши арасынан әгри чизиқ бўлган генераторлар	329
в)	Мультивибраторлар	330
13-14.	Стабилизаторлар	331
а)	Ток стабилизаторлари	331
б)	Күчланиш стабилизаторлари	332
13-15.	Электрон-нур трубка	333
13-16.	Электрон осциллограф	335
13-17.	Фотоэлементлар, Фотоқаршиликлар	336
13-18.	Термоқаршиликлар	340
13-19.	Лаборатория иши. Чала ўтказгичли түғрилагичлар	341
13-20.	Лаборатория иши. Электрон осциллограф	343

Ў Н ТҮРТИЧИ БОБ

ЭЛЕКТР ЙУРИТМА ВА БОШҚАРИШ АППАРАТУРАСИ

14-1.	Электр юритма системаси	347
14-2.	Электр машиналарнинг қизиши ва совитилиши	348
14-3.	Узек муддатли иш режимида қувватни таңлаш	349
14-4.	Қисқа муддатли ишлаш режимида двигатель қувватини таңлаш	351
14-5.	Такрорий қисқа муддат ишлаш режимида двигатель қувватини таңлаш	351
14-6.	Электр двигателларини бошқариш аппаратураси	352
14-7.	Рубильниклар	353

14-8. Пакет виключателлар	355
14-9. Электр двигателларини ишга тушириш ва гостлаш реостатлари	356
14-10. Контролёрлар	358
14-11. Эрувчан сақлагычлар	359
14-12. Ҳаво автоматик виключателлари (автоматлар)	361
14-13. Контакторлар	362
14-14. Реле	364
14-15. Магнитли ишга туширгичләр	367
14-16. Мойли виключателлар	368
14-17. Нагрузка виключателлари	370
14-18. Магнитли күчайтиргичләр	371
14-19. Электротехник қурилмаларни ҳимоя тарықасыда ерга улаш	372

Ұ Н Б Е Ш И Н Ч И Б О В
ЭЛЕКТР АВТОМАТИКАСИ АСОСЛАРИ

15-1. Үмумий тушунчалар	375
15-2. Реле ёрдамида автоматик ҳимоя қилиш	375
15-3. Параллел үйретишли ўзгартмас ток двигателини ишга туширишни автоматлаштириш	376
15-4. Автоматик ростловчы құғылма схемасининг ясалиш принципи	378
15-5. Генератор күчланишини автоматик ростлаш схемаси .	379
15-6. Автоматик ростлаш системаларида тескари бөгләниш	381
15-7. Электр машина күчайтиргичи ёрдамида күчланишини автоматик ростлаш	383
15-8. Ўзгартмас ток двигателининг айланыш тезлігінин стабиллаш схемаси	384
15-9. Синхрон кузатувчи юртма	385

Ұ Н О Л Т И Н Ч И Б О В
ХИСОБЛАШ ҚУРИЛМАЛАРИ

16-1. Ҳисоблаш қурилмаларининг вазифаси	386
16-2. Электрон-ҳисоблаш қурилмалар системалари	387
16-3. Аналог ҳисоблаш қурилмалар	388
16-4. Моделловчи қурилмаларда потенциометрлар ёрдамида ҳисоблаш	390
16-5. Рақамлы ҳисоблаш қурилмалари (ЦВУ—РХК) нинг вазифаси ва улар ҳақида умумий маълумотлар	392
16-6. Рақамлы ҳисоблаш қурилмаларининг ясалиш принципи	393
16-7. Рақамлы ҳисоблаш қурилмалари айрим блоклағынинг ўзаро таъсири	394
16-8. Ҳисоблашнинг иккили системаси	395
16-9. Иккили системада арифметик амаллар	397
16-10. Рақамлы ҳисоблаш қурилмалари баъзи элементларининг ишлаш принципи	398
а) Клапан ёки вентиль	399
б) Мос тушниш схемаси	399
в) Йиғувчы схема	400
г) Инвертор схемаси	400
д) Клапанлар занжири	401
е) Силжигтигич схемаси	401
ж) Электрон триггер	402
16-11. Иккили счётчикнинг ишлаш принципи	402
16-12. Арифметик қурилма сумматорининг ишлаш принципи	403
16-13. Хотира қурилмалари	406
16-14. Кириш ва чиқиш қурилмаси	410

Ұ Н Е Т Т И Н Ч И Б О Б

ӘЛЕКТРОТЕХНОЛОГИЯ

17-1.	Умумий маълумотлар	412
17-2.	Электрохимиявий усуллар	413
	а) Гальванотехника	413
	б) Металларни электрохимиявий усулда оксид пардалар билан қоплаш	414
	в) Электрохимиявий усулда анодли едириш йўли билан металларни тозалаш ва майини кетказиш	414
	г) Электрохимиявий усулда жило бериш ва пардозлаш	415
	д) Металларда электрохимиявий усулда коваклар ва тешик очиш	415
	е) Анод-механик усулда қирқиш	416
	ж) Кесиш асбобини анод-механик усулда чархлаш	417
	з) Анод-механик усул билан соф ишлов бериш	417
17-3.	Электротермик усуллар	418
	а) Металларни электр пайвандлаш	418
	б) Учма-уч, нуқтавий ва чокли пайванд	418
	в) Ёйли электр пайванд	420
	г) Электр билан қизитиш	423
	д) Қаршилик ёрдамида электр билан бевосита қизитиш	424
	е) Қаршилик ёрдамида электр билан билвосита қизитиш	425
	ж) Электр ёйли билан қизитиш	426
	з) Ёйли вакуум печлари	427
	и) Электрон-нур ёрдамида ёритиш қурилмалари	428
	к) Металларни индукцион қиздириш	430
	л) Материалларга көгерент ёруғлик нури билан ишлсв бериш	432
	м) Диэлектрикларни қиздириш	432
17-4.	Электр эрозия йўли билан ишлов бериш	433
17-5.	Ультратовуш ёрдамида ишлов бериш	434
17-6.	Электростатик қурилмалар	436
	а) Ишлаш принципи	436
	б) Сочилувчан аралашмаларни таркиб й қисмларига ажратиш	437
	в) Газларни электростатик тозалаш	437
	г) Металл буюмларни электростатик бўйш	437
	д) Ёғоч буюмларни электростатик пардозлаш	438
	е) Сувни электростатик тозалаш	439

Ұ Н САҚКИЗИНЧИ БОБ

ӘЛЕКТР БИЛАН ЁРИТИШ

18-1.	Асосий тушувчалар ва бирликлар	440
18-2.	Ёруғлик манбалари	443
18-3.	Ёритувчи асбоблар	447
18-4.	Электр билан ёритишни ҳисоблаш	451

Ұ Н ТҮҚКИЗИНЧИ БОБ

ӘЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ УЗАТИШ ВА ТАҚСИМЛАШ

19-1.	Электр энергиясини узатиш ҳақида умумий маълумотлар	458
19-2.	Линия ва тармоқлар	462
19-3.	Саноат корхоналари ва цехларни электр билан таъминлаш	467

19-4.	Саноат корхоналарининг трансформатор подстанциялари ва тақсимот қурилмалари	470
19-5.	Симларни ҳисоблаш	478
	а) Симларнинг кесимини уларда йўл қўйиладиган қизишга кўра аниқлаш	478
	б) Симларнинг кесимини кучланишининг йўл қўйилган исрофига кўра танлаш	482
	в) Симларнинг кесимини кучланиши йўл қўйилган исрофига кўра танлаш	483
19-6.	Бино ичидаги тармоқларнинг тузилиши	486
19-7	Электр билан ёритиш қурилмаларини парвариш қилиш	498

ИЛОВА

Лаборатория ишларини ўтказишга доир ташкилий ва методик кўрсатмалар	500
---	-----

На узбекском языке

ПОПОВ ВИКТОР СТЕПАНОВИЧ
НИКОЛАЕВ СЕРГЕЙ АЛЕКСАНДРОВИЧ

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА

Перевод с второго издания «Энергия» М, 1968.

Издательство «Ўқитувчи» Тошкент — 1973.

Таржи. лар: Юнусов М. (1—7- боблар).
Мирзаев Ж. (8—19 -боблар).

Редактор Абдураҳмонов А.

Бадий редактор Ахмаджонов Х.

Тех. редакторлар, Ёқубов Б., Ахтамова С.

Корректор Раҳматуллаева М.

Терцига берилди 7/VII-1971 й. Ессишига руҳсат этилди 24/IV 1973 й. Қоғози 60×90^{1/16}. Физик л. 32,0. Нашр. л 31,62. Тиражи 15 000.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 124-70. Баҳоси 85 т. Муқоваси 10 т.

ЎзССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича
Давлат Комитетининг Тошкент полиграфкомбинатида тернилаб. Самардандаги, Морозов иомли
босмахонасида босилди. Типография кўчаси, 4. 1973, Қоғоз № 3. Зак, № 4068

Найдено на Ташкентском полиграфкомбинате Государственного комитета Совета Министров
~~УзССР~~ по делам издательств, полиграфии и книжной торговли, отпечатано в типографии
имени Морозова Самарканд, Типографская, ул. 4.